

9415916
ЎРОЗБОЙ
АБДУРАҲМОНОВ

ЧАНГАЛЗОР
«ПАЙҒАМБАРИ»НИНГ
ҲАЛОКАТИ



84(59)6



Ўрзбой Абдурәҳмонов

ЧАНГАЛЗОР «ПАЙҒАМБАРИ»НИНГ ҲАЛОКАТИ



11801



153

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2012

УДК: 821.512.133

ББК 84(5Ў)6

A 15

Абдураҳмонов, Ўрзбой.

А 15 Чангалзор «пайғамбари»нинг ҳалокати: Эссе / Ў. Абдураҳмонов; сўз боши А. Ориповники. — Т.: O'zbekiston, 2012. — 376 б.

ISBN 978-9943-01-804-4

Китобда Ўрзбой Абдураҳмоновнинг «Чангалзор «пайғамбари»нинг ҳалокати» эссеси ҳамда «Бўсаға» романи ўрин олган.

Мазкур асарларда инсонийликнинг энг қадрли фазилатларини оёқ ости қилган, содда одамларни алдаб, уларни ҳаёт йўлларида адаштирган бир грух фирибгарларнинг кирдикорлари, фожиавий тақдирлари қизиқарли ва ишонарли баён этилган.

УДК: 821.512.133

ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-01-804-4

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

САБОТ ВА МАТОНАТ СОХИБИ

Ҳар бир халқ үзича бетакрор. Ҳар бири довюрак баҳодирлари, булбулзабон шоирлари билан, замонлар оша босиб ўтган тараққиёт йўли ва эзгу орзу-интилишлари билан кишилик тарихида муқим ўрин тулади. Қорақалпоқ улуси ҳам бундай саодатдан бенасиб эмас. Неча минг йилдирки, туркий қавмнинг бир бўғини сифатида оққўнгил ва заҳматкаш, дастурхони очиқ ва юраги дарё эканини намоён этиб, қадр топиб келади. Киндик қони Ёйиқ бўйига тўкилган бу улус Яратганинг хоҳиш-иродаси билан Орол бўйини бежиз Ватан тутгани йўқ. Бунда сир бор, ҳикмат бор. Дунёнинг жами тилсими айланиб келиб, мана шу заминга, икки дарё оралигига чамбарчас bogланади...

Буни билган билади, билмаган лайлак ҳайдаб ўтаверади.

Ватан дедик. Хўш, Ватанлар нимаси билан гўзал ва қудратли?! Аввало, фарзандларининг қайноқ меҳри, уни шу меҳрга чайиб тараннум этган оташнафас шоирлари билан! Ўзингиз айтинг, ер юзида Доғистондай ўлкалар камми? Тирноқдай шу заминни, бир ҳовуч эл-улусни дунёга танитган, уни башар юрагига олиб кирган бир шоир ўглининг арзи ихлоси, оташин муҳаббати эмасми?!

Жон томири қорақалпоқ заминига туташ шундай шоир Иброҳим Юсупов бир сафар менинг диққатимни Ўрозбойга қаратиб, «унинг ёзганларида она юртга ўтли муҳаббат бор, катта ҳаёт нафаси бор, қаранг,

ёмонларга ем бўлиб кетмасин шу», деб тайинлаган. Албатта, шоир бежиз шундай деган эмас.

Бир ҳалол-покиза инсон, бир ҳақгўй ва истеъодли ёзувчи ўша замонда ниманики бошидан кечириши лозим бўлса, Ўрзбой Абдураҳмонов ҳам барчасини юрагидан ўтказган. Ўтган асрнинг 80-йилларида «Бўсаға» романи қатағон этилиб, ўзи калтакнинг тагида қолган. Ўша кезлар Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари эдим, Иброҳим Юсуповнинг ўтинчи сабаб, ёш ёзувчига қўлдан келганча ҳимо бердим. Бирин-кетин унинг «Чангальзор «пайғамбар»ининг ҳалокати», «Оролим — дардим менинг» асарлари «Ёшлиқ» журналида босилиб чиқди. У қаддини ростлаб қолмай, жуда машҳур бўлиб кетди. Нимага десангиз, унинг ёзгандари жўн асарлар эмас.

Биласиз, ҳамма замонларда ҳам сохта «авлиё»лар, сохта «сайийд»лар ва «пайғамбар»лар етарли бўлган. Улар турфа даъволар билан оламшумул «найранг» кўрсатиб, борлиқ оламни бузган. Шу маънода, «Чангальзор «пайғамбар»ининг ҳалокати» ҳамон қадрини йўқотган эмас. Унда одамларни далвай қилиб чалғитиб, бирорвнинг дўпписини бирорвга кийдириб кун кечирган иблислар кирдикори тадқиқ этилган.

Бундай бало бор экан, бу мавзу ўлмайди.

Орол фожиаси ҳақидаги асарида эса бу офатнинг асос-илдизи, халқ бошига келтирган адоксиз кулфати чуқур очиб берилган.

Эл-улуснинг изтироблари катта инсоний дард ва ҳасрат билан ифода этилган бундай асарлар ҳеч вақт ўз қимматини йўқотмайди.

Пушкин айтади:

Бахтлидир майини ичиб бўлмаган,
Ва тинглаб бўлмаган найдан ҳам наво...

Қаранг, замонлар ўтиб, ўша «Бўсаға» романи «Жаҳон адабиёти» журналида ёруғлик кўрди ва халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Эндиликда эса, эшитишимга қараганда ҳозир Ўрзбой иним бундан чорак

иср муқаддам таъқибга учраган романининг давомини
стиш ниятида меҳнат қилаяпти экан. Мана, Муста-
қиллигимизнинг шарофати, мана ёзувчи илҳомининг
қайта порлаб, қайта тикланиши!

Ўрзбой Абдураҳмонов ҳассос ёзувчи бўлигина
қолмай, ўткир публицист ҳамдир. У қорақалпоқ ҳаёти-
даги ҳар бир ўзгариш ва унинг замирида ётган элнинг
яратувчилик даҳосини кўздан қочирмайди. Ёзувчининг
марказий нашрларда чоп этилган шу руҳдаги публицис-
тик асарларини санаб адогига стиш қийин. Мен унинг
ҳар бир чиқишини кузатиб бораман. «Трансчегаравий
ларёлар» бўладими, ёки бўлмаса, «Ўтмиш ўлмасин,
келажак яшасин», «Яхши ниятлар шахри» бўладими,
ёки бўлмаса, «Дарё тўлиб сув келди», барча-барчаси
она заминга меҳр ва эл-юртга ихлосдан иборат. Улар
ҳали орзусига етмаган инсоннинг қанотли интилиш-
лари ва икки дарё орасига асилликнинг қайтиши
ҳақида. Энг муҳими, нозик кузатиш ва ёниқ тугёнлар
 билан тўла. Яшараёттан ҳаёт нафаси бор бўйи билан
уфуриб туради. Шубҳасиз, кишини ўйлашга, ҳалол ва
покиза яшашга, қуриш ва яратишга даъват этади. Ва
шу жиҳати билан юракка яқин, қадрли.

Бу — чинакам ёзувчи публицисткаси. Уларни ўқиб,
бир хулосага келаман. Куппа-кундузи йўлини йўқотиб,
ўзини тўрт томонга ураётган аросатдаги отлиқقا нис-
батан зимиston қаърида бўлса-да, милтираган чироқ-
ни кўзлаб манзил сари интилаётган ҳорғин пиёданинг
толейи баланд. Чунки унда умид бор, ишонч бор, ол-
динда йилт этган ёруғлик ва келажак бор...

Ўрзбой Абдураҳмонов белни маҳкам боғлаб, хал-
қимизга хизмат қилаётган сўз заҳматкаши. «Куръони
карим» маъноларини бир эмас, икки қайта она тили-
га таржима қилгани ҳам унинг нечоғлик маърифат фи-
доси ва нечоғлик забардаст ёзувчи эканини аён кўрса-
тади. Бу — осон иш эмас. Бунинг учун, аввало, йўл
бўлиши керак ва шунга яраша журъат. Иймон мустаҳ-
кам бўлиши керак ва шунга яраша сабот ва матонат...

Бир бοғ яратайки, элим шунда ором олсин, деган
событий инсонгина бунга журъат этади.

Албатта, «Бұсаға»дан сұнг таъқиб ва тазийқ Үроздойни тарқ этгани йүқ. Уни яқин-яқингача, әхтимол, ҳозир ҳам, қора ҳасад қувиб юрганига үзим гувоҳман.

Дейдилар: — Ит ҳурар,
Үтади карвон.
Ранжу балолардан
Ёнмасин жонинг.
Лекин алам қиласар,
Бир умр гирён
Итлар орасидан
Үтса карвонинг.

Аммо ҳақиқат бор бу оламда. У бир кун барибир юзага чиқади. Учқур хаёл, Худо берган сабот ва истеъдод үз ишини қилди. Үроздой Абдураҳмонов забардаст ёзувчига айланди ва халқимизнинг меҳрини қозонди.

Шу маънода, менинг фикрим атоқли қорақалпоқ адиби Тұлеберген Қаипбергенов хulosасига фоятда үйғун ва ҳамоҳанг. Улкан адиб умрининг охирида Үроздой ҳақида мақола ёзиб, уни бургутга ўхшатди. Бургут қора құзғуларни лол қолдириб яшайды, баланд төғлар узра мағрур парвоз қиласиди. Унинг насибаси ҳалол, деди. Бу фикрга қүшилмай бўлмайди. Чунки ёзувчи укамизнинг курашларда кечган ҳаёт ва ижод йўли буни тасдиқлаб турибди.

*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоюри*

Чангалзор «пайғамбари»нинг ҳалокати

Эссе



МИРЗАНИНГ ИЗЛАРИ

Девона девонани кўрса «Ё ҳақ!» дейди.

Халқ мақоли

Саҳар пайти Қоратоғ ёнбагирларида сайд қилсанг, оптоқ, ҳарир туман орасидан унинг чўққилари гүё ожиздек кичрайиб кўринади, пешинга бориб туман тарқагач, чўққилар худди қаддини ростлагандай туюлади. Ростдан ҳам тоғ чўққилари ҳар сонияда ўзини ҳар мақомга солиб, товланиб туриш табиатига эга. Бу ҳолат кенг дала-ларга, жазирама қумликларга кўзи ўрганиб қолган одамларга, айниқса, ғалати бўлиб туюлади, тоғлар ортида нималар борлигини кўргиси келади. Бориб қарасанг, тоғлар ортида фақат тоғларнигина кўрасан. Қоратоғнинг ҳар бир тоши — халқимиз тарихининг гувоҳи. Борди-ю, унга тил битгудай бўлса, эҳтимол, улуг боболаримиз Беруний, Ибн Сино, Бердақ билан Ҳожиниёзнинг давридан ҳикоя қилган бўларди. Агар унга тил битгудай бўлса, қадимда кўплаб золим подшолар ўтганини, аммо барчасидан ҳам тузукроқ ном қолмаганини, Бердақ каби алломаларнинг эса эл-юрт учун талай-талай яхшилик қилиб кетганини гапириб берган бўларди. Агар унга тил битгудай бўлса, Султон Вайис бобо қабрининг қандай мўъжизаси, илоҳийлиги, каромати бор-йўқлигини, уни тавоғ қилиб юрганларнинг, зиёратчиларнинг эса алдангандарини, уларни йўлдан урганлар фақат ўз нафси, ҳамёни учунгина бу ерни тарғиб қилаётганларини айтиб берган бўларди...

Мана шу Султон Вайис бобо қабридан тахминан ўттиз чақирим нарида, Шимам деган овулда 1935 йили Қимбатбой деган одам фарзанд курди. Унга ёр-биро-

ларлари, қариндош-уруұлари тұпланиб Мирзабой деб исм қўйдилар. Улар норастанинг униб-улғайиши, баҳтли бўлишини тилаб, яхши истаклар билдиришди. Бола ота-онасининг қувончига қувонч қўшиб, улғая бошлади. Қимбатбой билан Ойимнинг баҳтига яна икки фарзанд туғилди, аммо улар дунёдан эрта кетдилар. Тўнғичлари Мирзабой оиласа яккаю ягона фарзанд бўлиб қолди. Ота билан она топғанларини унинг оғизга тутдилар, ҳамма нарса Мирзабойни әди.

Мирзабой муштдайлигидан қўни-қўшниларнинг болалари билан ўйнамас, сал нарсага аразлаб қоладиган, ўзини кўпчилик бор жойдан олиб қочадиган, тунд ва индамас бўлиб ўси. Ўй ишлари билан банд онасининг ёнидан бир қарич ҳам нари силжимай ўси. Ҳатто улғайиб, биринчи синфга ўқишига борганида ҳам бу одатини ташламади. Мабодо онаси тўйга борса, Мирзабой унинг этагидан маҳкам тутиб, орқасидан эргашадиган бўлди. Онаси уни ер-у кўкка ишонмай, «айланай»ни канда қилмай эркалатиб ўстирди.

Шундай қилиб, Мирзанинг миясига ёшлигидан: «Ҳамма нарса ўзимники бўлса», деган тушунча маҳкам ўрнашиб қолди. «Отам ўзимники, онам ўзимники, уй-жой ўзимники, хўш, нима учун ўзгаларники ўзимники эмас?»

У дастлаб Озод овули мактабида, сўнг Андреевномидаги мактабда ўқиди, аммо ўқишини ёлчитмади. Дарслардан улгуролмагани учун синфдан синфга ўтолмади. Ана шунда ўзини ўйлатиб юрган муаммоларига жавоб топғандай бўлди: «Қандай қилиб ўзгаларнинг мулкини ўз мулкимга айлантирсан экан? Ўғирласанг калтак ейсан, сотиб олиш учун эса пул керак. Демак, дунёning таянчи — пул! Пулинг бўлса, ҳамма нарса сеники!». Тўғри, оиласи сал камбагалроқ әди. Бироқ, II жаҳон уруши тугаб, қайта тиклаш даврида кимнинг оиласи бой-бадавлат яшаган әди? Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, халқ хўжалигини қайта тиклашга отланганида, одамлар борига, топғанига қаноат қилишди-ку, ахир!

Аммо Мирзабой бунга қаноат қилмади. У эртароқ мол-дунё топишга, уйига күпроқ ўлжа олиб келишга ҳаракат қилди. У ўтин йифиб, Беруний бозорига олиб бориб сотишни одат қилди. Ота-онаси эса ёлғиз фарзандларининг удли-шудли чиқиб, молтопар бўлиб қолганидан қувондилар. Бозордан топган пули Мирзабой-нинг нафсини қондиролмади. Негадир бу пул унга камдек туюлаверди. Шунинг учун күпроқ ўтин йифиб, күпроқ пул топиш фамига тушиб қолди. Күпроқ ўтин чопиш учун күпроқ вақт керак эди. У аввалига дарслардан қоладиган одат чиқарди, сўнг эса мактабга боришини бутунлай йигиштириб қўйди. Ўқитувчилари келиб бир-икки бор тушунтирган бўлди, аммо Мирза тушунмади. Ахири, улар ҳам бу ихлоссиз ўкувчини бир амаллаб синфини тугатишга қўмаклашишди-ю, бошқа мактабга ўтказиб юборишли.

...Шимам овулининг шаҳарга қатнаб ўқийдиган болалари мактабга топилса — машинада, топилмаса — пиёда боришарди. Бошқа болалар қатори Мирзабой ҳам гоҳ машинада, гоҳ пиёда қатнарди. Баъзан у овулдан сал узоқлашгач, тезлигини пасайтирган машинадан лип этиб тушиб қочиб қоларди.

- Нега ундей қилдинг, Мирзабой?
- Ҳайдовчига берадиган ортиқча пулим йўқ.
- Доимо шундай қиласан-ку?..

Бунақа гапдан сўнг Мирзабой лом-мим демай, безрайиб қоларди.

Мирзабой синфдошларидан ажралиб, яккаланиб қолди. У болаларнинг турли ўйинларига ҳам аралашмайдиган бўлди. Ўша пайтда овул йигитларига қизиқ туюладиган тракторга парво ҳам қилмади. Хуллас, мактабга қатнамай ўқишини битирди. Битирди-ю, ҳеч қандай ҳунарга ҳавас қўймади. Бу орада отаси Қимбатбойнинг бироз кўзи оғриб юрди-ю, охири кўрмайдиган бўлиб қолди. Шунинг учун бўлса керак, Мирзани армия сафига ҳам чақиришмади.

Тоғни урса талқон қиладиган йигит овулда ишсиз санқиб юрарди. У тенгиларнинг бири олий ўқув юртига, бири овул ишларига жойлашиб ишлаб юрганларида Мирзабой ўрганган ишини давом эттирди: ўтин йифиб, шаҳарга олиб бориб сотди, бирорларнинг эшигида хизмат қилди, аммо топиши сира күнгилдагидай бўлмади. Тўғри, у бир марта хунар ўрганиш учун қисқа курсда ўқишга ҳаракат қилди-ю, бироқ ундан ҳам бирон наф чиқаролмади, эплолмади. «Уйдан бир тийин пул келмаса, қандай қилиб ўқийман!» — деб баҳона қилди. Ногирон кекса отаси билан колхоз юмушларида ишләётган муштипар онасидан пул таъма қилган барзангидай йигитдан нима кутиш мумкин, ахир?

Техника танқис бўлиб турган пайтда, Мирзабойга ўхшаган билагида кучи бор йигитлар колхозга ниҳоятда зарур эди. Ариқ қазиши, суғориш, хуллас, қўл кучи лозим бўлган жабҳаларда муҳим ишларни Мирзабойга ўхшаган йигитларга ишониб топширишар эди. Аммо шундай долзарб пайтда Мирзабойнинг ҳавойилиги яна қўзиб, колхоз ишларини хўжакўрсингагина бажариб юрди. У оғирнинг усти, енгилнинг ости билан ишлар, тез-тез сабабсиз ишдан қолар эди. Тўғрисини айтиш керак, у маош куни яқинлашгандагина алоҳида бир ихлос билан ишларди.

Борди-ю меҳнат куни кам ёзилиб, маошни оз олиб қолса, бундай пайтлари бригадир билан ётиб олиб ёқалашарди. Колхоз маошни ишлаган юмушига қараб, колхозга келтирган фойдасига қараб тўлайди. Яъни, ким ўша колхоз оладиган фойдага қўпроқ улуш қўшса — қўпроқ, озроқ қўшса — озроқ маош олади. Бу усул Мирзабойни қаноатлантирумади. У пул топишнинг бошқа йўлларини қидира бошлади.

Колхоз ишлари тугагач, овулда одамлар уч ой дам олишади. Ҳосил тўплангач, тўй-маъракалар бошланади. Шундай кезларда тўйларда баҳшилар достон айтишади; қўчқор уриштиришлар, полvonларнинг куашлари қизизиди. Одатда машхур полvonларнинг кураши туга-

гач, ёш полвонлар майдонга тушишади. Шундай маъракалардан бирида бир ёш полвон билан беллашадиган киши топилмади. Одамлар Мирзани гиж-гижлаб даврага туширишди. Ўша даврада у мутлақ полвонни йиқитиб сарпо олишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб ёш полвонлар орасида Мирзабойнинг ҳам номи тилга туша бошлади.

Шу-шу Мирзабой рақибини енгиш мақсадида эмас, сарпо олиш учунгина даврага тушадиган бўлди. У билан беллашиб юрган Эркабой полвон қуидагича ҳикоя қиласиди:

«Мирзабой жисмонан анча бақувват бўлиб, кўпинча бизни йиқитар эди. У индамай юргани билан аслида ўта мақтандоқ. Бир куни у: «Мен «Эрназар темирчи»нинг республика миқёсидаги мусобақасида қатнашиб, совриндор бўлганман», деб керилди. Ўша маъракада қатнашган одамлар бу гапни эшишиб, мийигида кулиб қўйишиди. «Эрназар темирчи»нинг маъракаси қандай қилиб республика миқёсидаги мусобақа бўлсин, ахир?»

Мирзабой сарполарга қизиқиб, тез-тез даврага тушар, ўн сўм учун ҳам курашиб елкаси ерга тегар, масхара бўларди.

Баҳорда одамлар дала ишларига чиққач, Мирзабой полвон («полвон» номи унга истеҳзо билан қўшиб айтиларди) бирон баҳона топиб ишдан қочар, ҳафтаён кунлаб йўқ бўлиб кетарди. Ўзларингизга маълум, экин-тикин ишлари кутиб турмайди. Қариндош-урулар, колхоз раҳбарлари Мирзани ўртага олиб насиҳат қилганларида ҳам лом-мим демай, тўнглик қилиб ўтираверарди.

У: «Колхознинг берган озгина маоши билан косам оқармайди, пул топишнинг бошқа йўлларини қидирганим маъқул. Кураш тушиб анча пул топса бўларкан. Ҳар ҳолда обрўйим ҳам ёмон эмас. Кимсан, Мирза полвонман! Афсус, овулда йил — ўн икки ой кураш тушишнинг иложи йўқ-да! Яна қандай қилиб кўпроқ пул топсам экан?» — деб ўйларди.

Бир куни Мирзабой «пул топишнинг бирдан-бир йўли — пахса уриш», деган гапни эшишиб қолди. Маълумки, пахса уриш ҳазилакам иш эмас. Жуда оғир меҳнат. Лекин анча пул топса бўладиган иш. «Аттганг, — деди Мирзабой, — бўш юргандан кўра пахса уришни ўрганиш керак экан-ку!..» У ана шу меҳнатга ёлланди. Лой отар экан, бошқа хунарнинг бошини тутмаганига қаттиқ ўқинди. Чунки, лой отган одам ўн беш сўм олса, пахса урган одам йигирма беш сўм, урилган пахсани тараашлайдиган уста эса қирқ сўмгача олар экан. Мирзабойда қора куч бор-у, хунар йўқ эди.

Шундай қилиб, у одамларнинг хўжалик ишларига ёлланиб кетди. Бу ишлар мавсумий эди. Кам пул ишламасди, ойига ўрта ҳисобда уч юз сўмгача топарди, қишиш келса тўй-маъракаларда ҳам кураш тушарди, сарпо оларди.

Унинг дарди ҳуши пул топиш бўлиб қолди. Бунга шу қадар берилиб кетган эдики, атрофида гиргиттон бўлиб юрган дуркун қизларга кўз қирини ҳам солмади. Бир куни қариндош-уруғлари тўпланиб, унинг бошини икки қилиб қўйиш ҳақида маслаҳатлашишди. Ҳа, айтгандай, илгари бир қизни кўз остига олиб юрар, бундан садо чиқавермагач, бир чаққонроқ йигит қизни илиб кетган эди. Мирзабой буни ҳам пулининг камлигидан кўрди: «Пулим кам бўлгани учун мени ҳеч ким хурмат қилмас эди, шунинг учун уйланана олмадим».

Ўттиз ёшларга кириб қолганида ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар йифилиб, Мирзабойни уйлантириб қўйишидди. Бироқ, ҳавойилиги туфайли оилани мустаҳкам тутолмади. Мирзабойнинг қурумсоқлик одати, қизганчиқлиги сабабли хотинини таъқиб қила бошлади, нимадир сўраб қўшнисиникига чиқадиган бўлса кетидан эргашди. Унинг назаридаги дунёда ёлғиз хотин — ўзининг хотини, дунёдаги барча ошиқ-у беқарор эркак зоти борки, унинг хотини кетидан эргашиб юргандай бўлиб туюлди. Бундай рашкчи муҳаббатнинг келажаги яхшиликка олиб бормади, икки ойга етиб-етмай ажрашишди... Хотинининг кетидан излаб бормади...

1969 йили Берунийда юз берган табиий оғатдан сұнг унга иш күпайды: ҳамма уй-жой қуриб, йиқилған пахсаларни тиклай бошлади. «Шунча куч-куватинг билан шу пайтгача бирон-бир ҳунарнинг бошини тутмаганингни қара-я», — дейдиган одам бұлмади.

Унинг фикрича, қурилиш маңкамаларыда маошни ойига икки мартагина беради. Бунинг устига керагидан, әхтиёжингдан икки-уч марта кам оласан. Маоши оз ҳунарнинг нима кераги бор? Эртанги ваъдадан буғунги нақд пул яхши-ку!

Табиий оғатдан сұнғ Шимам овулида оқ чопон кийиб олган бир дарвиш пайдо бұлиб қолди. Одамлар уни Берунийдаги бозорда, Султон Вайис бобо қабри атрофида таркидуңёчилик тарғиб қилингандай иғлоқи ғазаллар үқиб, хайр-садақа йиғиб юрганини күришди. Дарвиш, дарёга муз тирбанд бұлғақ, ҳаммаёқни сув олиб кетди, деб эмас, одамларда инсоф, диёнат қолмади, ҳамма худони унұтди, шунинг учун юртни сув босиб кетди, деб ваъз айтар, ҳақ йўлига хайр-садақани аяманглар, шунда эл-у юрт омон бұлади, деб жаврарди. Баъзи лақма, қўнгли бўш одамлар ундан эҳсонини аяшмас эди. Шунда уни узоқдан кўрган Мирзабой бир муддат тикилиб қолди... чунки... кўз очиб юмгунча дарвишнинг олдида анчагина танга йигилганди. Ҳатто белини букмай: «Садақа радди бало! Пирлар мададкор бўлсин!..» деб жавраб ўтириб ҳазилакам пул топмади бу дарвиш.

Мирзабой аста унга яқинлашди. Дарвиш уни кўрган заҳоти дарҳол мурожаат қилди:

— Эй, бандай мўмин... Пири мададкоримнинг аён қилишича сенда бир дард мавжуд... Илло дардингни баён айласанг, биздан шифо топурсан, бўтам!..

Мирзабой жисмидаги бу «дард»нинг нима эканлигини идрок қилмоқчидек бир лаҳза ўйланыб туриб қолди, сұнг қийиқчадаги тұпланған пулларга мұлтайиб қаради. Қизиқ, дарвиш пулга ўчлигини назарда тутдимикин ёки сўққабошлигини?

— Ҳа, тақсир, менда ҳақиқатан ҳам бир дард бор. Уйланолмай юрибман, — деди у ниҳоят тилга кириб, — айтгандай, тақсир, буни қаёқдан билдингиз?!

— Шундоққина юзларингдан аён, бутам... Менга вахий келдиким, ушбу Шоҳабbos шаҳрида бир дардманнад бор, ул ўғилсизга ўғил, қизсизга қиз бўлиш ниятида-дир... Дедиларким, ани ўз паноҳингга олгайсан! — деди дарвиш қироат билан.

Бу гапни эшишиб, Мирзабой баттар лол қолди. Дарвишнинг ўзи эса, шу кеча қаерда тунасам экан, деган ташвишда эди. Иши юришиб, мана бу анқовнинг рӯпара келиб қолганини қаранг. Худди шу куни Мирза дарвишни шаҳарнинг шундоққина ёнгинасидаги «Ленинизм» колхозининг олтинчи бригадасидаги кулбасига бошлаб келди. Бир пиёла чой устида дарвиш билан иккаласи ораларидан қил ўтмайдиган оғайнини бўлиб қолишиди. Дарвишнинг айтишича, у бола-чақали, бўйи етган икки қизи ҳам бор экан. Гап орасида у Мирзабойни ўз паноҳига олиб, қизларидан бирини хотинликка бериш ниятида эканлигини ҳам қистириб ўтди. Дарвишнинг (исми Йўлли, фамилияси Наврузов, Туркманистон ССРнинг Тошовуз области Калинин районидан) гаплари майдай ёқди. Айниқса, у Мирзанинг турмуш тарзини суриштириб олгач:

— Бутам, сен худо деган банда экансан. Турмушиң ҳам мақтайдиган даражада эмас. Фақирга мурид тушсанг... Нима дейсан? Пахсакашлик қилиб юрасанми, қўй бу ишни, мен билан юрсанг кам бўлмайсан! — деди. Мирзабой бу гапни эшишиб ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

Шу-шу, Мирзабой дарвишлик йўлини тутди. Содик шогирд сифатида бозорда, дўконларнинг атрофида, зиёрат кунлари эса, Султон Вайис бобо қабри теварагида Йўллининг этагини тутиб санқиди. Оқ чопони-ю бўйнига осиб олган турли-туман тақинчоқлар ва қўлидаги ҳассаси боисми, Йўлли чиндан ҳам дарвишга ұхшарди. Мирзабой эса, бечораҳол одам бўлиб қўринишни сира эплолмасди. Йўлли дарбадарликда тажрибали бўлгани

учун бир жойда тұхтамас, құним топса қадри кетиб қолишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у Мирзабойни әргаштириб, шаҳар-у қишлоқларни оралаб изғирди. Мирзабойнинг айтишича, Йүллига шогирд тушиб юрган пайтларида у кунига юз әллик сүмдан «даромад» қилган, аммо бир тийин ҳам олиб қолмай устозига берган. Негаки, унинг олдида Мирзабой бир умрга қарздор. Ахир, дарвиш уни ўғлидай құриб, қизини бермоқчи-да!

Тұғрисини айтганда, «устоз»и уни дарвишга айлантириш учун озмунча меҳнат құлмади. Бир масжидда тунаб қолғанларида, «устоз»и кимнингдир чопонини ўғирлаб унга кийдирди, бўйнига турли тақинчоқ-у тасбиҳлар осди, Судан мунчоқларидан ясаб берди, киоскаларда дуч келган нишонни харид қилиб, унинг кўксига тақди, қўлига ҳасса тутқазди, ўзи чала-чулпа биладиган Қуръони карим сураларини ёдлатди. Хуллас, ўша ўзимиз билган тўпори Мирзабой сал галати одамга, яъни дарвишга айланди.

Мирзанинг ўзи ҳам қараб турмади, албатта. Кўнгилчан одамларнинг юрагини эзадиган гапларни мунчоқдек тизишини, садақа сўраш йўлларини қунт билан эгалларди. Орадан уч йил ўтмай пиридан кўнгли совиди. Йўлли берган ваъдасининг устидан чиқмади — у топган ҳамма пулларни олиб қўярди, устига-устак «қизими бераман», деган ваъдаси ҳам сароб бўлиб чиқди. Боз устига, Йўлли Мирзаларнинг овулига боравериб ҳаммани безор қилди, охири овулдошлари уни ҳайдаб юборишид...

Шундан сўнг Мирзабой мустақил иш бошлади. Султон Вайис бобо қабри теварагини ўзиники қилиб олди. Бироқ, унга одамлар кўп ҳам ишонавермас, шу боис тушумнинг унча мазаси йўқ эди. Ёр-биродарларнинг, қариндош-уругларнинг гапларига кирмай, Султон Вайис бобо қабрига қатнай бошлагач, унинг номи «Мирза жинни»га чиқди. Туппа-тузук ишини ташлаб, телбанамо ҳаёт кечираётганлиги учун ҳам шундай ном

берилган эди. Мирзабойнинг ўзи эса бундан ниҳоятда хурсанд бўлди. Чунки, дарвишона кийинмаса, ўзини бечораҳол кўрсатмаса, ким унга садақа берарди? Бунинг устига, Султон Вайис бобо қабри теварагида Қуръон ўқиб, садақа сўраб ўтирган факат Мирзабойми? Унга ўхшаганларнинг садақа талашиб қилган жанжаллари унча-мунча улоқ ўйинидан ҳам қолишмасди. Бунақа пайтда Мирзабой ҳақини бировга бериб, оғзини очиб ўтирадиганлардан эмас. Ҳар ҳолда унда куч-қувват бор... Афсуски, саводи... Савод масаласида қўпинча у панд еб қоларди. Ҳозир одамларни қойил қолдириш қийин. Жинси шим кийиб, бўйнига бўйинбоф тақиб юрган одамларга насиҳатгўйлик қилсанг бурнини жийиришади.

Унинг баҳтига лақма одамлар омон бўлсин, чунки Султон Вайис бобо қабри теварагида топган пули кунинга икки юз сўмга етди. Мирзабойга бу пул ҳам камдай туюла бошлади. Ора-чорада табиҷилик билан ҳам шугулланади. Зиёратчилар орасида ҳар хил дардга чалинган одамлар топилиб қолар, улар шифо истаб Султон Вайис бобо қабридан мадад сўрашар эди. Мирзабойга дуч келган беморлар ундан бир хил «ташхис» эшитишарди: «Кўз тегибди». У барчага шу «ташхис» асосида эм буюарди. Эми ҳам битта: «Исириқни мол ёғига аралаштириб, доғ қиласан-у баданингга суркайсан. Сўнг қалин кўрпа ёпиниб терлайсан. Қарабсанки, эрталаб отдай бўлиб кетасан!»

Бунақа эм содда одамлар буёқда турсин, баъзи саводли одамларга ҳам маъқул туша бошлади. Бу, албатта, маҳаллий даволаш муассасаларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси пастлигидан да-лолат беради. Беморлар дайди дарвишдан даво исташармиди? Нега улар оқ халат кийган шифокордан кўра, оқ тўнли дарвишнинг олдига боришини афзал деб билишади? Чунки дарвиш уларга заҳрини сочмайди, кўнглини оғритадиган гап айтмайди.

кел», деб овораи сарсон қилмайди, ёки «фалон микробнинг йўқлигига справканг борми?» демайди.

Мирзабойнинг олдига келувчилар орасида фарзанд доғида куйиб юрган жувонлар ҳам бор эди. Уларга ҳам «кўз тегибди» деган «ташхис» қўйиб, маълум кунлари Муножот тоғига чиқиб, тепадан пастга қараб юмалашни буюрар эди. Ким қандай юмалаб, бу қанчалик эм бўлганини ким билади, дейсиз. Гапнинг индаллоси, ўша жувон минг бор дуо такрорлаб, ер юзини айланиб юмалаганида ҳам фарзанд кўролмаслиги ҳаммага аён. Авлиёю анбиёларга от садақа қилиб кўрилган фарзандларнинг ҳам маълум бир ота-онаси бўлишини ҳамма билади. Шу оддий ҳақиқатни била туриб, Муножот тогидан юмалаганлар ҳам кам эмасди. Бу бемаъни иш туфайли неча-неча оиласалар барбод бўлиб кетганини айтмайсизми?..

Шундай қилиб зиёратчилар олдида Мирзабойнинг обруси аста-секин оша борди. Овулдошлари уни «Мирза жинни» дейишса, баъзи танимайдиганлар учун у қандайдир илоҳий, нафаси ўткир кимса бўлиб туюлди. Бундай тан олинишнинг ўзи Мирзабойнинг обрусини ошириб, унга келадиган хайр-садақани қупайтирди. У пулга шунчалик ҳирс қўйдик, зиёратчилардан сўраб олиш даражасига ҳам етди. Қариб қолган ота-онасини ҳам улар олиб келган овқат билан боқарди. У пулни тийинлаб йиғди, бир чақа ҳам ножӯя сарф-у харажат қилмади, ўзганинг мулкини ўз мулкига айлантираверди, айлантираверди. Ҳатто, автобусда ҳам билет ҳақи ўрнига фотиҳа ўқиб, ҳайдовчини дуо қиладиган даражага етди.

Мирзабой меҳнатсиз умр кечириб юрган кунларининг бирида, 1980 йилнинг охирида Султон Вайис бобо зиёратгоҳига замонавий кийинган бир йигит келди. У ўзини «Москвадаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими Абай Бўрибоевман», деб таништириди...

АБАЙ ДЕГАНИ КИМ БҮЛДИ!

*Цивилизациянинг энг катта оғатларидан бири —
ўқимишли аҳмоқларнинг мавжудлигидир.*

Карел ЧАПЕК

Мирзабой одатда ўқимишли кишиларга шубҳа билан қарапди. У олдига келган йигитга ҳам шундай кайфиятда қаради. Йўқ, бу овулдаги ўқимишлilarга сира ўхшамас, ниҳоятда кичикфеъл бир йигит эди. У Мирзанинг турмушини, дарвишлик ҳаётини суриштириб, ичи-бағрига кириб кетди. Тили ҳам тушунарли. У бошлаб келган одамлар ҳам тузукка ўхшайди. Бундай қараганда, Абай шерикларининг илмий раҳбарига ўхшарди. У ўзини шарқ фалсафасини, маданиятини, динини ўрганиб юрган илмий ходим қилиб кўрсатди. Гапига қараганда, дарвишлар психологиясини, уларнинг одамлар психологиясига таъсирини ўрганиш мақсадида келишганмиш. Мирза бунга лаққа ишонди. Абай Мирзадан дарвишлар ҳаёти билан таништиришни илтимос қилди, уни текшириб кўражагини айтди. Мирзабой эса, унинг томирини ушлаб: «Сенинг бошинг оғрийди, дармонинг йўқ, кўз теккан», деди. Мирза бунақа гапларни илгарилари ҳам кўп одамларга айтган эди.

Ҳозир эса, ўзини «ёш илмий ходим», «аспирант», «экстрасенс», «одамларни комплекс ўрганиш институтининг директори муовини», ҳатто, «диния министрининг ўринбосари» ва ҳоказолар деб таништириб, Москва, Вильнюс, Тошкент, Фрунзе, Нукус каби шаҳарлардаги баъзи обрўли одамларнинг ишончини қозониб юрган Абай Бўрибоевнинг ҳаёти ҳақида ҳикояни эшигинг...

Абай 1952 йили Қирғизистон ССРнинг Талас областида зиёли оиласида туғилди. Уч ёшга тўлгунча Чкалов номидаги колхозда, сўнг эса Москвада таҳсил қўраётган ота-онаси билан яшади. Иккинчи синфдан бош-

лаб, Фрунзе шаҳридаги олтинчи мактабда ўқиди. Ўзидан икки ёш катта акаси, синглиси ҳамда укаси бор.

Абайни отаси ҳам, онаси ҳам ниҳоятда яхши кўрар эди. Айниқса, отаси бошқа болалари орасида уни алоҳида севиб, ардоқлаб, совуқ сувга қўл урдирмай ўстирди. Абай ўзига нисбатан билдирилган бу муҳаббатни кўтаролмади, тайёрга айёр бўлиб ўсди. Онасининг гапиға қараганда, бирор тайёрлаб бермаса, ҳатто чойни ўзи қуйиб ичишга ҳам эринар эди.

У мактабда ўқиб юрган кезларида манманлиги билан кўзга туша бошлади: хоҳласа ўқирди, хоҳламаса йўқ... Унинг тушунчасича, Абай — дунёга алоҳида келган бола, бошқалар эса шунчаки бир гап, одамлар галаси. Отаси ҳам, онаси ҳам обрўли жойда ишлайди, акаси — талаба, қариндош-уруглари орасида амалдорлар ҳам кўп. Хуллас, Абайнинг айтгани — айтган, дегани — деган. Унинг бирон аниқ мақсади ҳам йўқ эди. Мактабни битиргандан сўнг, ота-онасининг кўмагида Қирғизистон Давлат университетининг иқтисодиёт факультетига ўқишга кирди.

У гитарани яхшигина чалар эди. Бу ҳунари уни талабалар орасида тузуккина обрўга эга қилди. Ҳатто гитараси билан Қирғизистон телевидениесининг талабалар иштирокидаги «Ўткир зеҳнлилар» кўрсатувида ҳам иштирок этишга муваффақ бўлди. Аммо, ўқиши мақтанадиган даражада эмас эди. Охирги курсда у имтиҳонга киритилмади. Яна ота-онаси унга ёрдамга келди. Хуллас, 1975 йили зўр-базўр ўқишини тутатди.

Университетни битиргач, ихтисоси бўйича ишга кирди, аммо, эртадан кечгача чўт қоқиб ўтириш унга малол қелди. Сўнг яна қариндош-уругларининг ёрдамида, Ўш шаҳридаги Тўқимачилик комбинатининг комсомол комитети котиби ўринбосарлигига тайинланди. Бироқ, бу ишни ҳам эплаб кетолмади. Бош оғриғини рўкач қилиб, жўнаворди... Ҳақиқатан ҳам унинг бош оғриқ касали бор эди. Турли касалхоналарга қатнаб, тиббиётга оид китоблар билан танишди, ўзини

ўзи муолажа қилишга уриниб кўрди. Кунларнинг биринча Москвада овқат емай, оч қолдириб эмлаш ҳақидағи бир мақолага кўзи тушиб қолди-ю, ўша ерга бориб профессор Ю.С. Николаевнинг қўлида даволанди. Яна кимларнингдир ёрдамида РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлигининг марказий Республика шифохонасиға ётқизилди. Санаторийга бориб, игнатерапия ҳам қилдириб кўрди. Докторлар унга яхши шароит яратиб берганлари билан, унинг бош оғригини тузата олмадилар.

70-йилларнинг иккинчи ярмида кишилар орасида экстрасенслар ҳақида миш-мишлар кўпайиб, вақтли матбуотда одамга биотаъсир ўтказиш мумкинлиги ҳамда Шарқ табобати борасида шов-шувли мақолалар эълон қилинди. Баъзи марказий газеталар, журналлар шу масала юзасидан жамоатчиликнинг фикрини билиш ва чоп этилган мақолалардаги фикрларни хуласалаш ниятида мутахассисларни тўплаб мунозара ҳам уюштириди. Жамоатчилик ҳамда илмий тарзда айтилаётган гаплар текширила бошланди. Ўша пайтларда «Грузиядан машхур экстрасенс Жуна дегани чиқибди», яна бир жойда «Порфирий Иванов дегани чиққанмиш», деган гаплар тарқалиб, улар ҳақида қулоч-қулоч мақолалар пайдо бўлди.

Ҳали илмда тўла тасдиқланмаган ана ўундай миш-мишларга ишонган Абай экстрасенсларга ҳам бориб даволанди ва... кутилмагандага ўзида ҳам файритабиий «кучли биологик таъсир ўтказа олиш қобилиятини кашф этди». У Москвадаги қунларини бекорга ўтказмади, иложи борича керакли одамлар билан танишиди, уларнинг ишончини қозонишга интилди, обрули Жуна билан танишиш учун икки марта Тбилисига борди, кейинчалик Жуна Москвага қўчиб келгач, у орқали Москвадаги атоқли олимлар, шоирлар билан яқиндан танишиб олди. Улар қорачадан келган бу ёқимтой йигитнинг Шарқ ҳамда Тибет табобати ҳақидағи қизиқарли ҳикояларини, экстрасенсорик фазилатларнинг

халқ табобати билан боғлиқлиги борасидаги ҳангомаларини жон қулоғи билан тинглашди. Абай бу гапларни шу қадар берилиб ҳикоя қиласында, тингловчиларнинг унга ишонишдан бошқа чораси қолмасди.

Абай Москвада күп туролмади. Негаки, ҳар кимга ҳар турли, бир-бирига қовушмайдиган гапларни айтар, охир-оқибатда бир кун чуби чиқиб қолишидан чүчир эди. Ахир, у ўзини одамларга «Шарқ табобати билан шуғулланувчи...», «Тиббиёт институтининг талабаси», «аспирант», «илмий ходим» деб таништиради-да. Кейин давраларда ўзи ҳақида ниҳоятда кам маълумот берадиган бўлди. Тез-тез Ўшга қатнаб қолди. Ўшдаги поликлиникадан ишга яроқсизлиги ҳақида қогоз ҳам олиб, ўзининг такасалтандигини «қонунийлаштирди». Сўнгра Ўш шаҳридан ўттиз чақиримча нарида яшовчи мулла Исомиддин деган одамнинг олдига бориб ўзига дам солдирди, учуклатди. Бу ишларига ўзича илмий асос қидириб кўрди. Бош оғрифи баҳонасида Ўш теврагидаги барча мулланамо кишилар билан учрашди, табибларга йўлиқди, уларнинг биотаъсирини синааб кўриш ниятида Москвадан одам чақирирди ва шу каби ишлари билан тилга туша бошлади.

Бу нарса унинг учун москвалик танишлари олдида ўзини Шарқ халқлари табобатининг билағони қилиб кўрсатиш учунгина керак эди, холос. Шундай юриб, табибиликнинг майда-чуйда сирларини ҳам ўрганди.

Айниқса, бу мақсади йўлида Ўш яқинидаги қорасувлик Исмоил халфанинг уйи унга жуда қўл келди. У отасининг, докторларнинг айтганини қилмай, табиблар олдига қатнайверди... Ҳатто, бир гал онаизори Исмоил халфанинг олдига бориб, ўғлини бу ердан ҳайдаб юборишини ҳам ўтиниб сўради.

Бу маҳалда ота-бала ўртасида низо чиқиб қолган, ота шўрлик ўғлига: «Бирон ишга киргин: бундай қилиб, бўшдан-бўш, лақиллаб юрмагин. Жуда ишлагинг келмаса, уйда юравер, аммо санфишингни бас қил!» — деди. Албатта, бу гап унга ёқмади.

— Сизлар мени тушунмаяпсизлар, мен дунё учун фавқулодда бир истеъдод бўлсан... Ҳали менга одамлар сажда қиласилар, — деди у ота-онасига.

Шундай қилиб, Абай тез-тез уйдан бош олиб кетадиган одат чиқарди.

1978 йили бобоси оламдан ўтганида дафн маросимига соқол кўйиб қелгани ҳаммани таажжубга солди. Қизиқ, бобоси ўлиб ётибди-ю, у гўё ҳеч нарса юз бермагандай лоқайд. Яна бир гал отасининг эллик йиллик тўйига совға сифатида олиб келинган билур вазани ҳеч қандай сабабсиз чил-чил қилиб синдириди. Онаси шўрлик:

— Нега синдиридинг, ўғлим? — деса:

— Ярқираб тургани учун синдиридим! — деб жавоб қилди.

Абайнин манманлик ҳамда худбинлик касали мутлақо асир қилган эди. Унинг танҳо истеъдод, илоҳий одам эканлигини бошқаларга қандай қилиб ишонтириш мумкин? У ўзини ҳамманинг диққат марказида кўргиси келарди... Таниш-билишларига академик А.Г. Спиркиннинг дастхат ёзиб берган китобини, Жунанинг дастхати тушган открыткани кўрсатиб, ҳадеб ўзининг анойи одам эмаслигини таъкидларди.

Москвага борганида Яков М.нинг уйида Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университетининг собиқ талабаси ҳамда шри-ланкалик будда роҳиби иштирокида будда динини қабул қилди, «Ананда» деган исм олди. Буддавийлик динининг ҳамма шартларини шак-шубҳасиз бажаражагини айтиб, онт ичди, сочини қирдирди. Ҳолбуки, у бу воқеалардан салгина олдин Москва теварагидаги черковлардан бирида христианлик динини ҳам қабул қилиб, чўқинтирилган эди. Аммо, табиатан қўнимсизлиги туфайли у буддавийлик динига ҳам, христиан динига ҳам, ислом динига ҳам тупуриб, тагин биотаъсир, экстрасенсорика ҳамда Шарқ табобати масалалари бўйича ўзини етук мутахассис қилиб кўрсатишга астойдил уринди. Ҳатто об-

рўли олимлар, ёзувчи, шоирлар кўмагида Шарқшунослик институтига ишга ҳам киришга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо бу уринишларидан ҳеч қандай натижа чиқара олмади.

Шундай бўлса ҳам Москвадаги баъзи обрўли одамларнинг ишончини қозониб улгурган, ҳозирги тиббиёт уддалай олмайдиган хасталарни тоғдаги чоллар дам солиб ё эса учуклаб тузатиб юбора олади, деб уларни ишонтирган эди. У гапининг исботи учун тирик мисол сифатида ўзини кўрсатди. Не-не докторларга қатнагани-ю, барибир уларнинг қўлларидан ҳеч вақо келмаганини, тоқقا бориб муллаларнинг битта «куфсуф»идан кейин мусаффо бўлиб кетганини гапириб берди... Шарқ турмушидан бехабар одамлар, айниқса, мулла Исомиддинга қизиқиб қолиши. Мулла Исомиддин ҳар қанақа касалга турли эзивички ёзганида уларга ўзининг биотаъсирини сингдирали, ўша нарсалар орқали биотаъсир беморнинг баданига ўтиб, уни даволайди. У одамларни шу йўл билан эмлаб кўп пул топади, аммо ўзи жуда камтарин яшайди, негаки топгантутганини масжидларга инъом қиласиди...»

Абай бу гапларни айтиётганида тингловчиларни ишонтиришнинг турли усулларидан фойдаланарди. «Мулла Исомиддин, — деб изоҳ берарди у, — нарсаларга дам соганида, тумор ё эзивички ёзганида уларга ўзининг биотаъсирини сингдирали, ўша нарсалар орқали биотаъсир беморнинг баданига ўтиб, уни даволайди. У одамларни шу йўл билан эмлаб кўп пул топади, аммо ўзи жуда камтарин яшайди, негаки топгантутганини масжидларга инъом қиласиди...»

Бу гапларни эшитган ҳар қандай одам ҳам, ҳатто, ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиганлар ҳам ишониши турган гап-да! Табибларнинг асосий дори-дармони гиёҳлардан тайёрланади. Ана энди, унга биотаъсир кучини қўшинг! Ахир бунга ким ҳам ишонмайди дейсиз? Абай ўзи гаплашаётган одамининг ҳаракатидан, сўзидан, тушунчасидан унинг нималарга қизиқишини билиб олиб, гап йўсинини ўша томонга бурар ва худди шу масала юзасидан гап сотар эди.

У Москвада жуда күп одамлар билан танишганини боя айтиб ўтган эдик. Улар орасида академиклардан тортиб то талабаларгача, шоирлару шифокорлар, каратэ бўйича мураббийу фарзандталаб жувонларгача бор эди. Абай Москвага боргандা улар бу истеъодли табиба, «халқ табобати бўйича машҳур мутахассис»га ўз уйларидан жой беришар, қўлига мўмай пул ҳам тутқазишарди.

1977 йили Абай йогларнинг нафас олиш усулларини ўрганиб юрган чоғларида, Владимир Пестрецов раҳбарлигидаги каратэчилар секциясида спортчилар билан танишади ҳамда уларнинг машқларини томошабин сифатида кузатиб ўтиради. Ўша пайтлари Москвадаги олий режиссёрик курсида ўзбекистонлик таниқли киноактёр Тальят Неъматуллин ўқиб юрар эди. Улар институт ётоқхонасида танишиб, бир-бирлари билан қиёматли дўст тутинишиди. Тальятни Абайнинг Шарқ табобати, биотасир ҳақидаги ҳикоялари қизиқтиради. Абайни эса Тальятнинг фильмларда ижро этган роллари ҳайрон қолдиради. Ўша пайтлари Тальят каратэ билан шугулланиб юради (кейинчалик у каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди). Абай уни москвалик каратэчи дўстлари билан таништирди. Абай учун қанча кўп дўст орттирса, шунча яхши эди. Энди уларнинг ёнига киноактёр Тальят Неъматуллин ҳам қўшилди.

Абай шуҳрат қозониш учун кўп ҳаракат қилди. У А.С. Попов номидаги Бутуниттифоқ илмий-техник жамиятининг биоэлектроника лабораториясига қатнай бошлади. Бу жамоатчилик йўли билан ишлайдиган лабораторияга хоҳлаган одам қатнаши мумкин эди. Лаборатория одамлар танасидаги биотасир кучини ўрганар эди. У экстрасенсорик таъсирга эга одамларни синааб кўриш ва улардаги таъсир кучининг оз-кўплигини билиш борасида жамоатчилик йўли билан иш олиб борарди. Бу ерда чукур илмий-текшириш ишларини олиб боришининг иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам психорегуляция ҳақида бирон-бир аниқ гап ай-

тишлари қийин эди. Маълумки, аниқроқ бир гап айтилмайдиган нарсалар ҳақида миш-мишлар кўп бўлади. Шу сабабли Абай бу ердаги чала-чулпа эшитганларига Шарқ табобати ҳақида билганларини омухта қилиб, қандайдир сеҳрли куч борасидаги шов-шувли гапларни ахтарарди. Бу чўлтоқ тущунчаси билан содда одамларни ишонтириб, ўзига муҳлислар тўплади. Шундай одамларнинг бири Жуна орқали танишган кишиси — таниқли шоир Валентин Сидоров эди.

Маълумингизки, В. Сидоров ҳинд мотивида бир нечта шеърлар ёзган, Ҳиндистонда яшаб ижод қилган рус рассоми Николай Рерихнинг ижодини ўрганган, «Ҳиндистонда етти кун» деган қисса ёзган. Уни Шарқ халқлари тарихи ва анъаналари қизиқтириб қолди ва айнан мана шу қизиқиши «мутахассис» Абайнини шоир билан руҳан яқинлаштириди. Шоир Абайнин ижодий кечаларга таклиф қилди. Ана шундай кечаларнинг бирида уни «Шарқ масалалари бўйича мутахассис», деб эълон қилиб юборди. Бу эса ҳаётдан ўрнини тополмай юрган Абайнинг қадрини ошириб қўйди. Экстрасенсорика билан қизиқиб юрганлар орасида унинг номи ҳам тилга олина бошлади. Унга кераги ҳам худди шу эди! Буёни унинг ўзи эплаб кетди, ишонмаганларга Спиркиннинг китобини, Жунанинг суратини кўрсатарди. Ўзи ҳам Жунанинг атрофида кўп гиргиттон бўларди.

Абайнинг баъзи дўстлари уни Москвага ишга жойлашга уриниб кўрдилар. Бироқ, бу ҳеч қандай натижа бермади-ю, ҳарқалай, у билан дуч келганлар унинг таъсирига берила бошлаган эдилар. Унинг ваъзларини жон қулоги билан тинглаганлар бўлди, лекин илмга заррача алоқаси йўқлигини тушунган одамлар эса қўл силтаб кетиб қолишли.

Экстрасенслар орқали Абайнинг номи аста-секин машҳур бўла бошлади. Бироқ, ундан дурустроқ шифо топган одам бўлмади. Бир кезлари «у рассом Ю. Ракшани даволабди», деган гап тарқалди, афсуски, кўп ўтмай бу рассом оламдан ўтди. Ваҳоланки, Абайдан

шифо истаб келгандар анчагина эди, бироқ ҳеч қайси-
сининг дарди енгиллашмади. Бу орада эса унинг ясама
донғи Болтиқбўйи, Қозоғистон, Ўрта Осиё ўлкалари-
га тарқалиб улгурди.

Москвада узоқ турса сири очилиб қолишини бил-
ган Абай жойини ўзгартиришга мажбур бўлди. У одам-
лардан Қорақалпоғистондаги Султон Вайис бобо қабри
ҳақида эшитиб, орттирган дўстлари Яков М., Алек-
сандр К., Наташа В., Арвидас Я.лар билан етиб келди.
Бу 80-йилларнинг охирларидаги гап. Мақсади, шу ат-
рофдан ўзларига макон топиш, Султон Вайис бобо
қабри теварагидаги зиёратчиларни, мулланамоларни,
дарвишларни яқиндан ўрганиш эди. Дастваб Абайнинг
назарига йирик гавдали, ўрта ёшлардаги дарвиш илинди.
У узоқдан бироз тикилиб турди-да, аста-секин олдига
борди. «Дардингга даво бўлсин!», «Садақанг даргоҳида
қабул бўлсин!» — қабилида тинмай жавраб турганлар
орасида ҳалиги норгул йигитнинг келажаги бордай
туюлди. У — ўзингиз билган Мирзабой эди. Абай унинг
олдидаги ёзиғлик қийиқчага икки сўм ташлади.

— Садақанг қабул бўлгай, — деди Мирзабой қироат
билан. Абай индамай унга билагини тутқазди. Мирза-
бой унинг томирини ушлаб:

— Сенга кўз теккан, бутам... Бошинг оғрийди, ма-
доринг йўқ... — деди. Абай Мирзабой қўйган ташхисни
русчалаб шерикларига афдариб берганида улар ҳайрон
бўлиб қолишибди. Чунки Мирзабойнинг бу ташхиси
ҳамма учун бирдай айтилишини билмас эдилар-да!
Ҳарқалай, Абайга унинг гап-сўзи анча таъсир этди...

Бу даствабки танишув иккаласини икки хил хаёлга
толдирди. Мирзабой ўйларди: «Хўш, бу олифта ўқи-
мишли йигитдан менга нима наф? Бергани икки сўмгина.
Тагин бошимга бало орттирасин! Ҳарқалай хукумат
одамига ўхшайди-ку, пул бермаса-да, бошқа жиҳат-
дан ёрдами тегмасмикан?»

Абай эса: «Илгарилари танишган мулла-ю табиб, дар-
вишлар орасида энг саводсизи, калтафаҳми, бечораҳо-

ли — шу бұлса кераг-ов. Гавдадан худо берган әкан-у, аммо ҳайт десанг қочиб қоладиганга үхшайди. Бунақа лойдан хоҳлаган шаклингни ясаб олсанг бўлади! Бироқ савод масаласи чатоқроққа үхшайди, ҳечқиси йўқ, тарбияласа бўлади».

Улар бир-бирларини анча вақтгача синааб туришиди, охири иккаласининг ҳам мақсади бир — меҳнатсиз кун кечириш бўлгани учунми, тезда тил топишиб, қиёматлик дўст бўлиб кетиши...

ПАЙФАМБАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БҮЛАДИ!

*Қишида совуқ туфайли күн қисқа
бүлади, тун эса ёқилган чироқлар ва
фонусларнинг ёргуидан қизиб, узаяди.*

А. П. ЧЕХОВ
«Үқимишли құшнига хат»

...Абай Мирзабойни етти пуштигача суриштириб билиб олғандан сүңг, уни яхшилаб тарбияласа «тузуккина күргазмали қорол» бўлишига кўзи етди.

— Хасталарни нима билан эмлайсан? — сўради у гап орасида Мирзабойдан.

— Куръон бағишлайман, дам соламан, дуо қила-ман, — деди Мирзабой ростига кўчиб.

— Хўш, шундан хасталар шифо топадими?

— Билмасам... балки шифо топишар. Ҳарқалай, олдимга бир келган одам қайта қорасини ҳам кўрсатмай кетади-ку, — деди Мирзабой. Абай унинг халқ табобатидан ҳеч нарсани билмаслигини фаҳмлаган эди.

— Хўп, кундалик топишинг қанча?

— Унчалик эмас, ўрта ҳисобда 150—200 сўмгача.

— Бу пулларни нима қиляпсан?

— Минг сўмга етганида омонат кассага соламан.

Ютуқ чиқадиганига!

— Жами қанча бўлди?

Мирзабой бу саволдан шубҳаланиб, Абайга бир қараб қўйди.

Абай асли иқтисодчи эмасми, унинг пулинни алла-қачон ҳисоблаб қўйган, Мирзабойни эса шунчаки си-наш учун сўраётган эди.

— Бу пулларни беҳуда йигавергандан кўра, бирон керакли нарса сотиб олсанг бўлмайдими?

— Садақадан тушган пулнинг баракаси бўларми-ди? — деди Мирзабой қанча пули борлигини аниқ

айтгиси келмай. — Бирон нарса олишга етмайди. Құлымда кекса онам бор... Үзим ҳам оила қуролмадим...

Унинг бу сұzlаридан Абай Мирзанинг фаҳми фаросати Шимам овулидан нари үтолжагани билан, үз фойдасига, үз ишларига пишиқ, пухта эканлигини англали. Шундай қилиб, Абай Мирзабойни «замонавий дарвишлик»ка үргата бошлади.

— Ҳали қараб тур, сени дунёдаги әмизикли болалар ҳам танийдиган даражага етказаман. Районларингга номи қўйилган одамнинг исми шарифи Абу Райхон Беруний. У жуда улуг олим бўлган. Сенинг донғинг ундан ҳам ўтиб кетади. Ким билади, бора-бора районларингнинг номи сенинг шарафингга қўйилар... — деди Абай жиддий. Дарвиш унинг гапига маҳлиё бўлиб қолган эди. — Сен ўзингда қандай қудрат яшириниб ётганини билмайсан. Саводинг йўқда! Сен — биотаъсири кучли экстрасенссан! Сенинг қудратинг бармоқларинг-да... Мен сени Москвага олиб бориб, шу соҳадаги «наҳанг»лар билан танишираман. Бу ердагилар сенинг қадрингга етишмайди. Тушунтирганинг билан тушунмайди...

Мирзабой бу гаплардан ҳайрон бўлиб, ҳар қуни, одамлардан садақа олиб юрган бармоқларига қараб «бilmадim», деб қўйди.

— Аслида олтиннинг ҳам топилган жойида унчалик қадри бўлмайди. Агар ўқисанг, ўзингни ўзинг тарбияласанг, мана бундай одам бўласан ҳали... — деди Абай бош бармоғини кўрсатиб. Аммо, бунинг учун, аввало, ўз-ўзингта ишонишинг керак... Ҳиндистонда Ражнеш деган бир улуғ зот бор. Үзи машҳур дарвиш... У ўз юртида қадр топмай, Америкага кетиб қолган. У ердан олти миллион долларга уй сотиб олган, ўзининг шахсий самолёти ҳам бор... Менинг фикри ожизимча, сен ҳам ана шундай фазилатга эга одамсан, сендаги қудрат Ражнешницидан ҳам кучли!

ИЗОХ: Бгахван Шри Ражнеш Ҳиндистондаги бир университетнинг собиқ профессори. Үёшлик чөглари дарахтга тирмашиб чиқиб, ўзида аллақандай илоҳий кучнинг

таъсирини сезганмиши. Ҳозир АҚШнинг Орегона штатида яшайди, антикоммунистик реакцион сектага хизмат қилади. «Менинг истагим, — дейди Ражнеш, — сизларни оқибат натижада бемаъни бўшиликқа олиб бориш. Негаки, бўшилик таянч талааб қилмайди... Сизлар ҳеч нарсага жавобгар бўлмайсизлар, шунинг ўзи — сизларнинг дастлабки озодлигингиз». Ражнешнинг бир китоби «Социализмдан сақланинг!» деб номланган.

Абай Мирзани «замонавий дарвиш»ликка шунчаки ўргатибгина қолмай, бир гал унга Ражнешнинг сурати туширилган тумор ҳам жўнатди. У худди тасбеҳга ўхшар, турли мунҷоқлар тизимидан иборат эди. Унга 108 та мунҷоқ тизилган, чунки Ражнеш инсон ўзини озод ҳис қилишининг 108 хил усулини билар эмиш.

* * *

Мирзани тарбиялаш осонликча кўчмади. Абай унга келган одамларга қандай муомала қилиш йўлларини ўргатди. Абайнинг фикрича, Мирза ўз хузурига келганлар олдида экстрасенс сифатида индамай, кеккайиб ўтириши шарт эди. Борди-ю, жудаям гаплашгиси келса «худо» номига «космос» сўзини қўйиб айтиши лозим. Агар илоҳий Будда ҳақида сўз юритгудай бўлса, унда албатта марксизм-ленинизм классикларининг номларини қўшиб, «дарвишларнинг кучи билан совет Иттифоқи, Америка ҳамда Ҳиндистоннинг бирлашуви» ҳақида ҳам гапириб юборишни тайинлади. Бу эса, узоқ мақсадларни қўзлаб берилган сабоқ эди.

У овул кишилари орасида ҳам ўзини сал маданиятлироқ тутишга, кийимларига ҳам бундайроқ разм солиб қўйишга ўргатди. Шу билан бирга, жоиз бўлмаган жойда худони ўртага солиб, Куръон ўқийвермаслик кераклигини, айниқса, унинг бу ҳаракати диндорлар олдида ўзининг қадрини кетказиб қўйиши мумкинлигини уқтириди. Султон Вайис бобо қабрида ҳам ўзини қандай тутиш зарурлигини тайинлади. Жудаям худонинг

ишларини тилга олавермай, онда-сонда бўлсаем даҳрийларнинг кўнглига ёқадиган гапларни ҳам айтиб туришни, буни қандай қилиб амалга ошириш йўлларини ўргатди.

— Бизларни икки марта Султон Вайис бобо қабри олдидан қувлаб юборди, — деб ҳикоя қиласи зиёратчи М. Хоним. — Биз марҳумларимизни эслаш ниятида қабристонга борган эдик. «Мен ҳукумат томонидан қабрни муҳофаза этиш учун қўйилганман. Иккинчи бу ерда қораларингни кўрмай. Йўқолинглар!» — деб Абай деган йигит бизларни ҳайдаб юборди. Ёнида Мирзабой, яна бизлар танимайдиган уч-тўртта одам ҳам бор эди. Ноилож орқамизга қайтдик.

Абай мана шу йўл билан Мирзабойга маҳаллий даҳрийларга қандай ёқиши сирларини далиллаб берди. Ўзи эса ҳамма ишни Мирзабойнинг зиммасига юклаб, гоҳ Москвага, гоҳ Ўшга, гоҳ бошқа шаҳарларга бориб, «Қорақалпоғистонда бир зўр экстрасенс бор экан, суф деса бас, ҳар қандай касални ҳам соғайтириб юборади», деб тарғиб қилди. Илгаридан биладиган танишибилишларига эса, «Экстрасенс масаласида Мирзабой менинг устозим, унга тенг келадигани йўқ», деб таърифлади. Москвадаги одамларга: «Яқинда халқ табобати институти ташкил бўлади, менга шу институт директорлиги вазифасини тавсия қилишяпти», деди. Шунинг учун у ўзини ҳозир халқ орасидан чиққан искеъдодли экстрасенсларни, табибларни, фолбиниларни тўплаб юрган қилиб кўрсатди. У далил сифатида Мирзабойни тилга олди. Абайнинг бу гапларини унинг ёнида юрган эски жўралари Александр К., Владимир Пестрецов, Елена И. ва бошқалар тасдиқлашди. Вильнюсдаги рус драма театрининг собиқ режиссёри Игорь Николаев-Калинаускас ўзининг «Зодиак» клубида қилган маърузаларида тўғридан-тўғри «психорегуляция билан шуғулланувчилар Қорақалпоғистонга, Мирзабойнинг олдига боришлиари кераклиги»ни маслаҳат берди. Каратэ бўйича собиқ мураббий В. Пестрецов ўзи-

нинг собиқ шогирдларини түплаб, уларга кимда-ким «рухий жиҳатдан мустаҳкам бўлишни хоҳласа, албатта, Мирзабойнинг олдига бориши керак»лигини айтди.

Шундай қилиб, Абайнинг тинимсиз тарғиботи натижасида, нотаниш одамлар назарида кечагина иркит юрган Мирзабой мана энди «пайғамбар» бўлди-қолди. Ҳатто Пестрецов, Николаев-Калинаускасларгача ўзларини «Мирзабойнинг шогирдларимиз», деб овоза қилишди. Улар Мирзабойнинг яшаш тарзини, садақа түплаб омонат кассага қўяётганини, мабодо дунёдан кўз юмгудай бўлса, ҳамма топгани ҳукумат фойдасига қолишини, ҳар куни ўттиз чақиримча йўл босиб Султон Вайис бобо қабрига келишини, одамларни даволаш учун уларга турли доривор гиёҳлар теришини, биотаъсири орқали ногиронларни даволашини худди афсона мисол одамлар орасига тарқатишди. Пестрецов бўлса ўзининг шогирдларига Мирзабойнинг фотосуратини кўрсатиб: «Унинг ҳақиқий қиёфасини фақат фотосуратдагина аниқ кўриш мумкин, асл чехраси муқим бир шаклда бўлмай, ташқи таъсирга қараб ўзгариб туради», деб тушунтириди. Бу гапларни эшитган одамлар илгари Мирзани тушида ҳам кўрмаган бўлса-да, унинг сеҳрига, фазилатларига маҳлиё бўлиб қолищди. Мирзабойнинг олдига биринчи бор келганлардан бири Елена И. унинг фазилатлари ҳақида бундай дейди:

— Мен апрелнинг охирларида Мирзанинг олдига келдим. «Лена, Москва», деди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим, чунки бу ерга келишимни ҳеч кимга айтмаган эдим...

Бу замонавий ўқимишли аёлнинг гапи. Ахир бу ерга келгунича Абай Мирзабой билан телефонда гаплашган эди-ку. Ўшанда Елена ҳақида маълумот бериши мумкин-ку, ахир?

Шундай қилиб, Абайнинг қўлбола пайғамбар ясаш ниятининг дастлабки босқичи кўприқдан суринмай ўтди. Мирзани кўришга интилган одамлар оқими тобора кўпая бошлади. Энди Абай ўзи кашф қилган тирик

«пайғамбар»ни сайд қилдиришга, Москвага олиб боришига бел болгали...

1982 йили январда Мирзани Москвага олиб ҳам келди. Улар ўн кунлар чамаси Пестрецовнинг хонадонида яшаши. Сўнг шоир Валентин Сидоров орқали «Оғонёк» журналининг бош муҳаррири Анатолий Сафронов билан танишдилар. Унга Мирзанинг туриш-турмуши ночор эканлиги, қарамоғида кўзлари ногирон онаси борлигини, ўзи эса ноёб экстрасенс эканлигини тушунириб, унга ёрдам бериш лозимлигини илтимос қилишди. Анатолий Сафронов Қорақалпоғистон область партия қўмитасининг собиқ котиби номига хат ёзиб берди.

Хатнинг қисқача мазмуни қўйидагича бўлиб, ундан шундай маънодаги илтимослар ўрин олган эди:

«Қорақалпоғистон АССР Беруний районига қарашли «Ленинизм» колхозида Қимбатбоев Мирза деган одам яшайди. Бу одамда биотаъсир кучи мавжуд...»

Ёш илмий ходим Бўрибоев Абай Асилхонович у билан боғланиб, узоқ муддатлар мобайнида тажрибалар ўтказиб, илмий иш ёзаётир.

Сиздан илтимосимиз шуки, бу ишларга ёрдам берсангиз, илмий идораларнинг таклифига биноан Қимбатбоевга Москвага келиб кетиши учун...»

Бу хатда айтилган гаплар Абайнинг кўпдан буён кутган орзуси эди. У хатнинг нусхасини ратоппринтда кўпайтириб олди. Хат Мирзабой билан Абайнинг эркин юришларига, меҳнатсиз текин ҳаёт кечиришларига берилган муҳим ҳужжат бўлди, гўё. Тўғри, Қорақалпоғистон раҳбарлари уларга хатда илтимос қилинганчалик ёрдам беролмади. Фақат икки марта транспорт масаласида қўмаклашди, холос. Аммо, шу хат ҳам маҳаллий раҳбарларга яхшигина таъсир кўрсатди. Илгарилари милиция ходимлари: «фойдали меҳнатдан қочиб юрибсан», деб дағдаға қилишар эди, энди эса Мирзабойнинг мушугига пишт дейдиганлар пана-панага кириб кетишли. Мирзабойнинг тан олишича, хат

унга жуда катта ёрдам берган. «Шу хатни кўрсатиб, патрулда турган милиция ходимларига фотиҳа берган эдим, уларнинг ҳар қайсиси 3—5 сўмдан садақа тўплаб беришди», дейди Мирзабой.

Азалдан пулга ўч Мирзабойнинг олдига энди Москвадан, Вильнюсдан, Ригадан, Тошкентдан одамлар ёғилиб кела бошлади. Улар қуруқ келишмасди, албатта, Мирзабойга оғзидан чиққан пулни беришарди. Зиёратчилар Мирзабойнинг авлиёлигидан ҳайиқиб, келган кунлариёқ борини унинг олдига ташлашарди. Қайтаётгандарида Мирзабой уларнинг қаердан келганини сўраб-сuriштириб, йўлкирага етадиган пулни қайтарар эди, холос. «Пул — ҳаром нарса, уни ушлаш гуноҳи азим! — деб таълим берарди зиёратчиларга Мирзабой. — Сизларнинг пулларингизни олишим билан гуноҳларингизни ҳам ўз устимга олган ҳисобланаман. Сизларга эса оқ фотиҳа бераман!» Мирзабой келганлардан пул ундиришнинг ҳар хил баҳона-ю йўлларини ўйлаб топарди. Бирорни: «Одамларни ўрганадиган, текширадиган идора очилмоқчимиш, шунга ҳукуматнинг пули етмаётганимиш, ёрдам қилиш лозим», деб лақиллатса, бошқа бирорни: «Шунча кундан бери ичиб-еганингиз, ётоқ ҳаққингиз», деб лақиллатиб, пулинин ўмарар эди.

У баъзи зиёратчиларни Султон Вайис бобо қабри теварагида юриб садақа сўрашга, эркагу аёлни аралаш сойга бориб чўмилишга буюрар эди. Рус тилига нўноқ бўлгани учун, буни Абай орқали одамларга шундай изоҳлар эди:

— Бўталоқларим, сизлар мана шундай азоблар воситасида манманлик балосидан фориг бўласизлар, асанбингизни эговлаб юрган бош оғриғидан қутуласизлар...

Оқшомлари эса, зиёратчилар Мирзабойнинг уйига тўпланишиб майшат қилишар, чилим чекишар, ич-килик ичишар, кечалари эса... — ҳатто айтишга тилинг бормайди — қип-яланғоч бўлиб, эркагу аёл аралаш-куралаш ётишарди...

Уларнинг бундай хурмача ҳатти-ҳаракатлари овулнинг соғдил кишилари ҳамиятига тегди. Аввал уларни тартибга чақириб кўришди. Бироқ Мирзабой билан Абайнинг қўлларида олмосдан кескирроқ хат бор эди...

— Мирзабой, нега энди зиёратчи аёлларнинг бирiga үйланиб қўяқолмайсан? — деб ҳазиллашди бир куни овулдошларидан бири.

— Э, үйланиб нима қилдим, келган аёлларнинг ҳаммаси ўзимники бўлгандан кейин, — деб жавоб қилди Мирзабой хўроздай кеккайиб.

Мирза бойигандан бойиб борарди. Ҳатто уни танимайдиган баъзи одамлар бир-бирларидан «Телепатик таъсир», «Янги очиладиган идора» ҳақидаги гапларни эшитиб, почта орқали пул жўната бошлашди. Мирзадаги пулларнинг ҳисоби Абайнинг ҳамёнида эди. У ўзини одамларга: «Мирзанинг шогирдиман», деб тушунтиргани билан ҳамма ишларни ўзи бошқарар эди. Унинг руҳсатисиз Мирзабой оддий чўпни ҳам синдиrolmasdi.

Абай гўё пул балосидан овлоқроқ юриш ниятида ҳамма пулларни Мирзабойнинг омонат дафтарчасига қўйдираверди. Бундай қилишдан муроди — мабодо бирон ишқал чиқиб қолгудай бўлса, «пулни олган Мирзабой» бўлиб қолиши керак эди.

Қўлларидаги хатлари қанчалик қудратга эга бўлмасин, улар бир жойда узоқ яшаб қололмасдилар. Чунки, шубҳа тугдириши мумкин эди. Бундан ташқари турғун халқ ўз тупроғини келгиндиларга бостириб, хор қилиб қўймасликларини Абай яхши биларди. Шунинг учун у зиёратчиларни Мирзабойга қолдириб, ўзи тез-тез Ўшга, Москвага, Вильнюсга сафар қилиб, янги манзил ва янги зиёратчиларни изларди.

«Зиёратчилар» қорақалпоқ диёридан Ўшга, Қорасувдаги Исмоил халфанинг уйига кўчирилди. Бундай қилинишининг яна бир сабаби, ўша пайтлари Ўш атрофида «Қирғизфильм» киностудияси «Бўри уяси» деган

фильмни суратга тушираётган, бу фильмда киноактёр Талъат Нематуллин роль ўйнаётган эди. Талъат билан эса улар анчадан бери дүст эдилар...

Кейинчалик Абай билан Мирзабойда ҳам кинога қизиқиш пайдо бўлди. Сўнг дўсти Талъат ёрдамида улар «Қозоқфильм» студиясида суратга олинган «Ҳайқириқ», «Хайрлашув» деган қисқа метражли фильмларда суратга тушишди. Суратга тушгани учун студиядан Абай билан Мирзабой ҳар қайсиси 400 сўмдан гонорар ҳам олишди.

Шу тариқа, уларнинг бир-бирларини йўқлаб туришлари уч йилгача давом этиб турди. Гуруҳларга қўшилган талайгина ёшларнинг ҳаётлари завол топди. Мана унинг баъзилари:

ВИЛЬМА Б.:

«Мен Литва консерваториясининг тўртинчи курсида ўқири эдим. Менда, ўзимнинг истеъодимни яна ҳам ёрқинроқ намоён қилиш истаги туғилиб, мусиқий маҳоратимни ошириш ниятида Берунийга икки марта келдим. Очилажак идора учун қўлимда бори — 60 сўм пулимни бердим, улар билан бирга қўшилишиб яшадим... Аммо Мирзанинг ҳам, Абайнинг ҳам илоҳий фазилатларини кўра олмадим...»

Оқибат натижада Вильма Б. дарсларини ўзлаштира олмагани учун консерваторияни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Москва авиация институтининг талабаси Геннадий Бушмакин, Бауман номидаги олий техника билим юртдининг талабаси Игорь Седовлар ҳам бугун газандалар тўдасига қўшилиб қолгани учун афсусланиб ўтиришибди. Улар энди одил суд олдида жавоб берадилар.

Абай билан Мирзабойнинг ёшларга ёмон таъсирини мана бу хатнинг икки жумласидан билса бўлади:

«Демак, шундай экан, шундай бўлади. Системамизнинг барбод бўлишидан қўрқаман. Уч ойдирки, ювинмай юрибман, ҳатто пайтогимни ҳам алмаштирганим йўқ. Нима қилишимни билмайман. Бунинг устига ҳаддан зиёд

иарчаганман, танам ўзимниги эмасдай. Миямга пахта тиқиб құйғандай... ақволим чатоқ. Худди бир нарасдан жирканаётгандай ҳис қиласынан ўзимни. Ҳозир ҳам шундай ақволда ўтирибман. Ҳеч нарса қилолмайман...»

Бу — Мирзабойлар гурухига құшилиб қолған йигирма яшар йигитнинг хатидан парча.

Халқымызда «Саёқ юрган таёқ ейди», деган мақол бор. Матбуотда хабар қилинганидек, Абай билан Мирзабой ҳам, унинг ҳамтовоқлари ҳам 1985 йилнинг 11 февраляда Вильнюс шаҳрида оғир жиноят устидан құлға түшдилар.

ҚОЙИЛ-Э СИЗГА, ЛАҚМАЛАР!

Бетоб кишилар үз вақтида самарали мұолажа ололмаган жойда экстрасенслар пайдо бўлади.

П. СИМОНОВ,
СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Абай билан Мирзабойнинг «саргузашт»ларига қизиқиб кетиб, уларнинг суюнган қуроли — экстрасенсорика ҳамда биомайдон ҳақида гапириб ўтишни унутаёзбимиз. Бу ўринда иккита йирик олимнинг бир-бирига вид фикрини сизга ҳавола қилмоқчимиз:

Академик Ю. Б. КОБЗАРЕВ:

«Инсон организми теварагида ҳали фанда маълум бўлмаган, текширилмаган, ўрганилмаган биомайдон борлиги тасдиқланди, дейши мумкин».

Академик Е. И. ЧАЗОВ:

«Афсуслар бўлсинки, энг нозик тўлқинларни сеза оладиган замонавий ускуналар ҳам экстрасенслар айтган ўзгача бир токларни илғай олмади».

Биз бу фикрларни экстрасенслар билан яқиндан таниш бўлган, уларнинг қўлида «даволанганд» таниқли публицист Валерий Аграновскийнинг китобидан олдик. Шундан кўриниб турибдики, ҳали бу масала ўрганилиши ҳамда илмий асосда текширилиши лозим. Хўш, экстрасенс дегани нима ўзи? — «Экстра» — ўткир, «сенсор» — сезим (*французча*), яъни экстрасенс — ўткир, сезгир одам, деган маънени билдиради. Агар шундай деб тушунадиган бўлсан, ҳозирги кунда ҳар икки одамнинг бири экстрасенс бўлиб чиқиши турган гап. Баъзиларнинг экстрасенсларга чопиши ва улардан даво исташи, профессор Б. Карвасарскийнинг тили билан айтганимизда, йиглаётган норасидани эмизик билан овутгандай бир гап. Маълумки, эмизик тўйдирмайди, аммо юпатади.

Биомайдон ҳақидаги гаплар ҳам одамлар орасыда кече ёки бугун пайдо бүлгани йүқ. У ҳар хил атамаларда, тушунчаларда, инсон пайдо бўлибдики, биз билан ёнма-ён яшаб келади. Улар турли эртак-афсоналарда ҳам мавжуд. Диндорлар шу афсоналардан, олди-қочди мишмишлардан усталик билан фойдаланганлар, одамлар-ning онгини заҳарлаб келганлар ва биомайдонни «худонинг құдрати»га олиб бориб боғлаганлар. Фан эса, ўз навбатида, бу гапларнинг бўлмағур сафсата эканлигини исботлаб келди. Масалан, медиум энергия (бу биомайдоннинг эскича атамаси), телепатия, телекинез, спиритизм кўринишлари ҳақидаги миш-мишлар бундан қарийб юз йиллар муқаддам Европада тарқалган бўлиб, товламачилар, кўз боғловчилар, сеҳргарларнинг кун кўриш манбаига айланган. Айниқса, спиритизм шунчалик кент тарқалган эдик, натижада баъзи олимлар ҳам уни ёқлай бошладилар. Атоқли биолог Альфред Рассел Уоллес ҳамда талий элементини кашф қилган химик Уильям Крукслар спиритизмни ўрганиб, оқибатда ўзлари ҳам товламачилар-у, сеҳргарлар қуршовида қолиб кетишиди. Спиритизмнинг товламачиликдан бошқа нарса эмаслигини Фридрих Энгельс ўзининг «Табиат диалектикаси» асарида тўла исботлаб берди.

Спиритизмнинг Россияга тарқалиши А.Н. Аксаков, А.М. Бутлеровларнинг номи билан боғлиқ. Петербург университети ҳузуридаги физика жамияти 1875 йил 6 май куни медиум тебранишларини текшириш учун маҳсус комиссия тузади. Бу комиссия таркибига атоқли олимлар қаторида Д.И. Менделеев ҳам кирган эди. Комиссия ўз ишини 1876 йилнинг 21 марта қадар давом эттириб, шундай холосага келади: «*Спиритизм асли онгсизликдан пайдо бўлиб, онгсиз кишиларни лақиллатадиган бир тушунчадир*». Комиссиянинг бу холосаси «Голос» газетасининг 1876 йил 25 март сонида эълон қилинади. Мана, орадан қарийб бир аср ўтиб, ўша медиум тушунчаси, биомайдон ҳақидаги гаплар қайта қўзғалиб, яна миш-мишларга сабаб бўлмоқда.

Экстрасенсорик таъсир, биотаъсир, психорегуляциялар билан тегишли кишилар маҳсус шуғулланишар, баъзи бир илмий хуносаларга ҳам келишар, ҳозир эса биз одамларни лақиљлатиб юрган «олий мартабали» Абай билан Мирзабойларнинг фаолиятларига қайтайлик.

...Халқимизда «Фолга ишонма, фолсиз ҳам юрма!» — деган маълум ва машҳур нақл бор. Ушбу жумлалар муаллифи, каминаи камтарин ўн йиллар муқаддам, Тошкентда таҳсил кўриб юрган кезларим кўчада бир лўли аёлга дуч келиб қолдим. Уйдан анчадан бери хат келмай, овлунинг бир оғиз хабарига интизор бўлиб юрган кезларим эди. Айниқса, кўнгил қўйган қизимнинг аҳволи ҳақида жиллақурса бир оғиз гап эшишишга интиқ эдим. Ҳалиги айтганим лўли аёлга худди шу аҳволда юрганимда дуч келдим:

— Ҳой, йигит, кўнглингдагини топиб берайми? — деди у олдимда туриб олиб.

Аввалига бироз гарантисиб қолдим, кейин чўнтағимдаги бор-йўқ беш сўм пулимни маҳкам ғижимладим.

— Сен негадир гамгин юрибсан, — деди лўли аёл қўзларимга тикилиб, — нега мунғайиб юрганингни айтами?

— Айтақол, — дедим мен. У кир-чир енгидан қартасини олиб, бештасини ажратиб тахлади-да, ичидан биттасини чиқариб менга тутди: — Қани, мана бунинг устига пул қўй!

Мен майдалаб қўйилган беш сўмимнинг бир сўмини худди тишимни сугургандай олиб, қартанинг устига қўйдим. Лўли аёл бетўхтов сайрай кетди:

— Сен тошкентлик эмассан... Узоқ жойдан ўқишига келдингму, ишингда дейму — жуда қийналгансан. Ким биландир дардлашгинг бору, сени ҳеч ким тингламайди. Сени тушунадиган ота-онанг, қавми қариндошинг узокда, сен уларни соғиниб юрибсан, улар ҳам сени бир кўришга зор. Сен бир одамни кўпроқ ўйлайсан... Тўғрими?

Мен бошимни лиқиљлатдим. Лўли менинг жавобимдан илҳомланиб, гапида давом этди:

— Ўша кўп ўйлаб юрганинг — овулингдаги севган қизинг. Сен уни жонингдан ҳам яхши қўрасан, бироқ у буни билмайди... Қарта хиралашиб боряпти, қўролмаяпман тикилиб... Пул қўй!

Мен тағин бир сўм чиқарганимни билмай қолдим. Лўли аёл қарталарни аралаштириб жаврай кетди: — Қизнинг ҳам кўнгли йўқ эмас, аслида. Бироқ унинг кетига бир йигит тушган. Этчилоқ бўлсанг, ўша қизни эгаллайсан. Сен ўша қизнинг ҳозир қандай аҳволда юрганини кўргинг келадими? — деди лўли менга қаттиқ тикилиб. Бу пайтда мен севгилимни кўрсам жонимни ҳам ҳадя қилишга шай туардим. Лўли энди чўнтағидан кўзгу олди. — Мана, мана, ҳозир қизингни қўрасан. Кўзгунинг устига бор пулингни ташла.

Мен қолган уч сўмимни ҳам кўзгунинг устига ташладим.

— Бу кам, — деди лўли.

— Борим шу, — дедим мен чўнтағимни ағдариб.

— Яхши, — деди лўли кўниб. — Сен энди ўша севган қизингни қаттиқ ўйла, ўйлайвер. Кўргинг келганида у кўзгуда пайдо бўлади, — деб кўзгуни менга тутди. Мен бутун кучим, ихлосим билан севгилимни кўз олдимга келтиришга уриндим, бироқ кўзгуда ҳеч нима қўринмади.

— Энди қўринмайди, — деди лўли. — Нега деганингда, пулинг кам. Кўпроқ пул топганингда кел, мен шу ерда бўламан... Энди сенга рухсат. Охири баҳти бўлиб яшайсизлар.

Мен охирги пулларимдан ҳам айрилиб, талабалар шаҳарчасига пиёда кетдим...

Тўгрисини айтганда, ўша пайтда лўлининг кўзгусида севгилимни кўрганимда, эҳтимол, фолга ишониб кетган бўлармидим? Лўли аёл сўзларининг ўзимиздаги фолбинлар, дуохонлар, сеҳгарларнинг сўзларига ўхшашлигини айтсак, тушунарлироқ бўлади, ортиқча миш-мишларга ўрин қолмайди... Шунинг учун ҳам Абай билан Мирзабойлар кўпчилик тушунмайди-

тан иборалар билан одамларнинг бошларини айлантиришга ҳаракат қилишди, ўз манфаатлари учун, албатта.

Бир гал газандалар тўдаси Шимам овулидан Султон Вайис бобо қабрига пиёда келишаётган эди. Уларнинг олдидан мотоцикл билан машина ўтиб қолди. Абай уларга қўл силкиди, лекин мотоциклчи парво қилмай ўтди-кетди. Унинг орқасидан келаётган машина тўхтади. Йўловчилар унга миниб олишди. Орадан ўн минутча вақт ўтмай, машинада бораётганлар йўлда фалокатга учраган бояги мотоциклга дуч келишди. «Ана, кўрдингизми, — деди Абай, — ҳозиргина у тирик эди, мана оқибати...» Унинг гапни бошлаб, охирини ютиб қолиши шерикларини чўчитиб юборди.

ГРИША Б.:

«Мен Абайнинг оддий одам эмаслигига шубҳа қилмасдим, негаки, у ўшанда фалокатнинг олдини олиш учун мотоциклчини тўхтатмоқчи бўлган эди...»

Улар Қирғизистондаги Қорасув қишлоғида дам олиб юрган кезлари кун ниҳоятда иссиқ эди. Кундузлари чамаси иссиқ қирқ даражани кўрсатарди. Улар ўша жойлардаги зиёратбоп жойларни кезиб, кечқурунлари тағин майшат қилишар, тинмай арақ ичишарди. «Мана, Мирзани қаранглар, — дерди шунда Абай. — Қанча ичса ҳам маст бўлмайди. Чунки у камолотга эришган кароматли пир. У космос воситасида тўппатўғри худо билан муомала қиласидиган экстрасенсларнинг устози! Борди-ю сизлар ҳам ўзларингизни шундай камолотга етказиб, тарбия қилолсанглар, бора-бора бошқаларга экстрасенсорик таъсир эта оладиган қурдатга эга бўласизлар. Бунинг битта йўли — арақ ичиш. Арақнинг таркибида олий асаб тизимиға таъсир этувчи жамланган энергия бор. Биз ўша энергияни ўзимизга қанчалик кўп сингдира олсак, таъсир кучимиз шунчалик кўпаяди. Бироқ дастлабки пайтлар арақ бизни элитиб қўйиши мумкин. Биз бундан кўрқмаслигимиз керак. Мирзабой кайф босқичини енга олгани учун каромат-

ли бўлиб етишган. Энди унга арақ ҳеч қачон таъсир этмайди».

ИГОРЬ С.

«Бизлар Қорасувда кўп арақ ичдик. Абайнинг айтганидай кайф таъсирини енгишга ҳаракат қилдик... Мен руҳан кучли электросенсорик бўлиб етишиш учун уларнинг айтган гапларидан чиқмадим».

...Вильнюслик Валентас М. аёлининг кўзи ёриди-ю, оиласда тантана бошланди. Унинг устига берунийлик «кароматли шахс»дан табрик телеграммаси келгани хурсандчилик устига хурсандчилик бўлди. «Вой садағанг кетай Мирзабой! — деб ёқаларини ушлашди улар. — Аёлинг ўғил туғади, деб башорат қилган эди-я!» Эр эса Мирзанинг башорати тўғри чиққанини яқин-йироққа ёйиб чиқди: «Буни қаранглар-а, минг чақирим узоқда туриб, хотинимнинг нима туғишини билган эди-я! Офарин!»

Вильнюс университетининг ходими, физик Валентас М. аёлининг қиз ё ўғил туғишини, бундан ўзгача бўлиши мумкин эмаслигини ўзи ҳам яхши биларди. Шундай бўлса ҳам, Мирзанинг тахминлаб «ўғиллик бўласан!» — деган башорати шунчаки тўғри чиқиб қолганини башоратга йўйганига куймайсизми?

Мирзабой Талъат Неъматуллиннинг аёли Венера-га ҳам ўғил туғасан, деган эди, афсуски, у қиз туғди. «Талъат ўғил кўришни хоҳлаган эди, — деди Мирзабой ўзининг ёлгон гапини хаспўшлаш учун. — Биз уни, ношукурлик қилма, деб юпатдик».

Улар гапларининг ёлғон чиқиб қолишидан чўчимас, одамларни алдашнинг янги-янги йўлларини ўйлаб топишарди. Гапни мавхум қилиб, бир учини олиб бориб худога боғласанг, ўқимишли одамлар ҳам лақقا ишонишади. Баъзи жойларда Абай ўзини «космос билан боғлиқ институтнинг ходимиман» деб таништириб, Мирзабойни ўша космос билан тўғридан-тўғри алоқа боғлайдиган пир деб юборарди. У одамларнинг феълидаги нозик томонларини яхши биларди: шогирдлари-

нинг ҳам заиф жиҳатларини ҳис қилар, шу сабабли ҳам бошқаларда ишонч туғдириш учун авраётганданда аввало, ўзининг «пир» эканлигини қайта таъкидлар, сўнг уларни эмлашга киришар, манфаати йўлида лақиллатар эди.

ГРИША Б.:

«У менинг ичак-чавогимгача аниқ кўриб турганига заррача шубҳам йўқ эди...»

АНДРЮС К.:

«Мен унинг олдида фикрлашга ҳам қўрқар эдим. Чунки, у менинг барча ўй-фикрларимни ўқиб тургандай ҳис қилардим ўзимни».

* * *

Экстрасенсларнинг тушунтиришларича, ҳар бир одамнинг атрофини ўраб турадиган нур қобиғи бўлармиш. Бу қобиқ кишининг ҳолатига қараб турли рангга киармиш. Ана шу рангга қараб унинг касали қандай эканлигини айтиб бериш ва эмлаш мумкин эмиш. Масалан, кайфияти йўқ, чарчаган одамнинг атрофидаги қобиғи сиёҳранг, кайфияти кўтарилигани сайин одам аста-секин сарфиш рангга кира бошлармиш. Валерий Аграновскийнинг ёзишига қараганда: «Агар экстрасенс теварагингда қизил ранг кўрса, унда сен яқингинада ишқий ишлар билан шуғулланганингни яшиrolмайсан. Худди шунингдек, нутқ сўзлагани минбарга чиқиб кетаётган нотикнинг теварагида ҳам қизил ранг товланиб турармиш. Кимнинг нотик, кимнинг учига чиққан суюқоёқ эканини чалкаштириб юбормаганларига ҳайронман бу экстрасенсларнинг!»

Экстрасенсларнинг гапларига қараганда, биотъ-сир орқали касалларни даволашнинг учта тури бор эмиш: контактли, контактсиз, фойибона даво. Яъни, олдингда турган касални, нариги хонада ётган касални, мамлакатнинг бошқа бир жойида яшаётган ка-

сални шу нур орқали таниб, даволаш мумкин эмиш. Бу эса биомайдоннинг сийрак ёки тифизлигига боғлиқ эмиш. Агар биомайдон сийраклашган бўлса, касалнинг оғриётган жойи зўрайиб кетармиш, уни кучли экстрасенсорик биоэнергия бериш йўли билан эмлаш мумкин эмиш.

Абай билан Мирзабой (айниқса, Абай) экстрасенслар китоблари билан танишиб олгач, экстрасенсорик таъсирнинг юқорида қайд этилган уч туридан ҳам усталик билан унумли фойдаландилар. Улар аёлларни контактли, эркакларни контактсиз, баъзи бир лозим то-пилмайдиган касалларни эса узоқдан турибоқ телефон орқали «эмлардилар».

ИГОРЬ С.:

«Қорақалпоғистонга иккинчи бор келганимда, мен ва бошқалар Мирзабойдан каромат кўрсатишини сўрадик, одамларнинг теварагидаги нур қобиқларини қандай қилиб кўришларини, ўзгаларнинг ичидаги фикрларини қандай уқиб олишларини гапириб беришини илтимос қилдик. Мирзабой ўзининг кароматини айтиб беришдан бош тортди. У, бу масалада Абайга мурожаат қилинглар, чунки у «бош дарвии», «директор», деди...»

Албатта-да, Мирзабой ўзида йўқ нарсани қандай қилиб кўрсатиши мумкин?

Уларга аввало, Қорақалпоғистондаги Султон Вайис бобо қабри макон бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг тураржойлари кўпайиб кетди: Қирғизистонда Қорасув, Литвада Кинтай қишлоғи ҳамда Москва, Вильнюс шаҳарларида истиқомат қилувчи таниқли кишиларнинг, аёлларнинг уйлари, чорбоғлари уларнинг маконига айланди. Масалан, 1984 йилнинг баҳорини Берунийда, ёзини Ўш обlastининг Қорасув мавзесида, кузини эса Литванинг Кинтай, Воверяйчай қишлоқларида ўтказишиди.

Қизиқ жойи шундаки, Абай билан Мирзабойларнинг қўлида шифокорлар томонидан берилган маълумотномалар бор эди. Бу маълумотномаларда уларнинг жисмоний меҳнатга яроқсизлиги кўрсатилган бўлиб,

дарвишларни жиноий жавобгарликдан шу сақлаб келганды. Бунинг устига экстрасенслар ҳақида тарқалган турили миш-мишлар ҳам иш берди. Айниңса, «Оғонёк» журналининг бош мұхаррири А. Сафронов томонидан берилген хат уларни күп балолардан асради. Натижада фақат уларгина эмас, балки уларнинг издошлари ҳам гоҳо Қорақалпоғистонга, гоҳо Қирғизистонга, гоҳ Тошкент-у, гоҳо Литвага сафар қилиб, аста-секин газандага айланиб бораётгандыларини сезмай қолишиди. «Пир»лар эса, дуч келганды жойга макон қуриб, лақмалар ҳисобига күн күриб, «содик» аёллар билан айшу ишрат қилиб юраверишиди. Пул эса сувдай оқиб кела-верарди...

ГРИША Б.:

«Мен Шилута районига қарашли Кинтай қишлоғиданман. Абайни топиб, унга ёзда талабалар қурилиши отрядыда ишлаб топған 370 сүм пулымни бердим. У пулни ҳамёнига урди. Аслида бу маблагни Мирзабойни ўрганиши учун очиладиган «идора»га атаган эдим».

Дастлаб «Мирзанинг шогирдиман», деб юрган Абай 1985 йилга келиб ўзи ҳам «каромат» сохиби бўлганлигини эълон қилди. Дарвоқе, бу каромат қандай рўй берди дерсиз?

...Шимамда бўлган зиёфатларнинг бирида, Мирзабойнинг уйига бир овулдоши чаламаст ҳолда кириб келди. Зиёфат айни қизиган пайт, арақ сувдай оқиб ётарди. Аёллар ҳам бор. Гапдан гап чиқиб, ўша меҳмон йигит билан Мирзабой жанжаллашиб қолишиди. Абай орага тушиб, тинчтиб қўйиш ўрнига пиёланинг тагида қолган бир қултум арақни меҳмон йигитнинг башарасига сепиб юборди. Ҳамма нафасини ичига ютиб, жим бўлиб қолди. Улар меҳмон йигит Абайнини бу қилиғи учун ғажиб ташлашини кутишаётган эди. Чунки у фўлабирдан келган, келбатли, важоҳати ёмон эди. Лекин меҳмон йигит юзларини артиб, индамай чиқиб кетди...

Шериклари буни Абайнинг «каромати» деб уни муридликдан «пир»ликка кўтаришиди. «Пир»нинг ўзи ҳам шундан кейин Будда даражасига етиб қолганлигини

дуч келган жойда айтиб юрди. Юкиниб келган пойтахтлик шогирдлариға: «Москвада юрганларида ҳеч қаочон бирга бўлмасликларини, алоҳида-алоҳида ҳаракат қилишса-да, аслида Абайнинг фармонларини ижро этишлари лозимлигини» уқтириди. Шогирдлари ҳам «пир»нинг топшириқларини оғишмай бажара бошлашди...

«Кароматли» Мирзабойнинг тахтдан туширилишига ва унинг ўрнига Абайнинг ўзи ўтиришига зарурат нима эди?

Мирзабойнинг «пайғамбар» деб овоза қилиниши, авваламбор, содда одамларни лақиллатиш учун керак эди. Кейинчалик, «қўрқоқни қувлайверсанг, ботир бўлади», деганларидай, одамлар Мирзабойнинг баъзи омиларча хатти-ҳаракатидан шубҳа қила бошладилар. Қолаверса, бу хатти-ҳаракатлар моҳияти тамомиля пул билан боғлиқ эди. Пул боис, шубҳасиз, улар орасида биринчилик учун зимдан кураш ҳам бор эди.

Масалан, айтайлик, Валентас М. билан Игорь К.лар Абайни устоз сифатида тан олмай, тўғридан-тўғри Мирзабой билан алоқа қила бошлашганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Бир гал Мирзабой Беруний бозорида муридларини эргаштириб хайр-садақа йиғиб юрганида, овулдошларидан бири билан учрашиб қолди-ю, бениҳоя севиниб кетди, хурсандчилигини шогирдлариға рус тилида қийнала-қийнала тушунтириди: у омонат кассаси орқали қандайдир лотореядан 2000 сўм ютган эмиш. Бундай ютуқ ҳаммага ҳам насиб бўлавермасмиш. Унга «космос» ёрдам берганмиш... — шундай деб Мирзабой шаҳодат бармоғини юқори кўтарди.

Мирзабойнинг «2000 сўм ютдим», «менга космос ёрдам берди», деган гаплари фирт ёлғон эди. Бу — ёнидаги нодон шогирдларини яна бир марта ўзининг сохта кароматига ишонтириш йўлидаги уринишдан бошқа нарса эмас эди. Шогирдлари эса унга қаттиқ ишонарди. Мирзабойнинг топган пуллари осмондан тушган эмас. Топилган пуллар хайру эҳсон сифатида бе-

рилган эди. Ҳарқалай, Мирзабой тез-тез такрорлайди-
ган бу «ёлғон дунё» шу сохта пайғамбарга мұхтож әмас
эди. Шунинг учун ҳам Абайнинг биотаъсир, экстрасен-
сорика, Шарқ ва Тибет табобати, йогларнинг нафас
олиш тизими каби түқиб чиқарылған гапларининг миси
чиқиб қолмаслиги учун ҳам «пир»ни алмаштириш
лозим бўлиб қолди. Шу сабаб бўлиб Абай ўзини «каро-
матли» деб эълон қилди-ю, Мирзабойнинг қадри те-
шик чақага ҳам арзимай қолиш хавфи туғилди. Мирза-
бой эса, топганига шукр қилиб, қорни тўйған кунини
байрам ҳисоблаб юрадиган одам бўлгани учун, унинг
пайғамбарликка ҳеч қандай даъвоси ҳам йўқ, унга
жарақ-жарақ пул-у «ҳуру филмон»лар бўлса бас эди.
Лгар у Абай билан «пайғамбар»ликни даъво қилиб та-
лашганида, шубҳасиз, юзтубан кетиб, тумшуғи лат еган
бўларди...

ЖИНОЯТ

Нодонлик — катта кучга эга ва бу жамиятда анчагина фожиаларга сабаб бўладими, деб қўрқаман.

Карл МАРКС

Ота-онаси билан арази авжига чиққач, 1984 йилнинг августидаги Абай Вильнюсга келди ва газандаларнинг сайёр «зиёфат»и Литвага кўчди. У бу ерда литвалик шогирдларининг меҳмондўстлиги туфайли ярим йилдан ошикроқ вақт яшади. Абай билан Мирзабой Берунийда, Қорасувда шерикларини вақтида хўп сийлашган эди. Энди ўз навбатида, булар ҳам уларни қўярга жой тополмай, роса меҳмон қилишди. Абай Вильнюс, Тракай, Шилута, Клайпеда, Кретинг ва бошқа жойларни кезиб, мезбонларнинг ўзига нисбатан нима ўйда эканликларини синади... Шогирдлари уларга ҳаддан зиёд содиқ эдилар.

Бир куни Тракайдаги Зита Ж.нинг уйида меҳмон бўлиб ўтирганларида Абайнинг Арвидас Б. меҳмонга таклиф қилди ва ўз машинасида олиб кетди. «Пир»нинг ҳурматига аталган зиёфат қуюқ бўлди: турли-туман ичимликлар қўйилди. Ҳамма хурсанд, вақти чоғ. Кайфлари ошгач, дуч келган жойда ётиб қолишди. Арвидас бир вақт туриб қараса, хотинининг ёнида қип-яланғоч бўлиб «пир» ётибди! Арвидас шу заҳотиёқ Абайнинг калтаклаб, уйидан ҳайдаб чиқарди...

Кейинчалик Абай тўғри келган жойда тунаб юрдида, шифокор Линас Й.га эргашиб Палантага қараб кетди. Паланта яқинидаги Клайпеда шаҳрида унинг содиқ шогирдлари бўлиб, улар орасида севган қизи Ниела Г. ҳам бор эди. У Ниела билан тўрт йилдан бери юрар, қизни ота-онасидан айнитиб, ўзининг «тилсиз қули»-

га айлантириб олган эди. Дастреб, Мирзабой билан Нислаларнинг уйига боришганида, қызниң ота-онаси Абайнинг турқидан қўрқиб, милиция чақириб, уни ҳайдаб юборишган эди. Лекин муҳаббат ажойиб нарса ёкан! Қиз куйдим-пишдим деб, улардан бир қарич ҳам ажралмади. Бу сафар ҳам Анатолий Сафронов ёзиг берган хат уларнинг жонига оро кириб, жавобгарликдан кутулиб қолишиди.

Абай Клайпедада туролмай, Ниелани Шилутага Римос П.нинг уйига чақиртириб олди. Район марказидан унчалик узоқ бўлмаган Кинтай қишлоғи уларнинг павбатдаги зиёфатгоҳига айланди. Бу ерга Вильнюсдан, Москвадан ҳамда бошқа жойлардан содик шогирдлар тинмай келиб туришди... Кейинчалик Абай Крестинг районига қарашли Воверяйчай қишлоғидаги Римас Ю. нинг уйида ҳафталаб истиқомат қилди.

Абай билан Мирзабойга литвалик шогирдлар, айниқса, вильнюслик Вильма ва Андрюс К.ларнинг эътиқоди баланд эди. Вильма ўзининг биринчи эрини уларга даволатгач, гарчи ҳеч қандай наф кўрмаган бўлса-да, кейинги эри Андрюсни ҳам уларнинг ихтиёрида кўргиси келди. Тез орада иқтисод фанлари номзоди бўлиш ниятидаги бу аёл диссертациясини эсон-омон ҳимоя қилиб олай деган ниятда Мирзабойга 1000 сўм иона атади. Эри рассом эди, истеъоди яна ҳам барқ уриши учун яна 1000 сўм қўшди. Абай пулларни Мирзабойга стказишини ваъда қилиб, ҳаммасини чўнтағига урди... Шундай қилиб, Абай ҳам Литвани кезиб юриб анчагина пул тўплади. У бу пулларни «Мирзанинг йўлига», «Мирзани ўрганиш бўйича очилажак янги идора»га деб йиғди. Кўпчилик буни ихтиёрий равишда берди, бальзилардан эса «тарбия», «дастурнинг ирими» сифатида қабул қилди.

Хотинини қўшиб қўймагани ва «пир»ни аямай калтаклагани учун Вильнюс санъат институтининг талабаси Арвидас Б.га нисбатан Абайда ўч олиш нияти уша пайтда туғилган эди. Буни қаранг-а, ўзи меҳмонга

таклиф қиласы, хотинини құшдирмайды, бунинг устига «пир»ни үлгудек калтаклаб ҳайдаб юборади. Бу қандай гап ахир! Машхур Жуна билан Мирзабойнинг устозига құл күтарди-я! Москвадаги машхур кишиларнинг эътиборини қозонган Абайга-я!

Абай «пир» сифатида кечагина кетида юргилаб юрган одамнинг ҳақоратини ҳазм қилолмасди. Албатта, у ўзининг содиқ шогирдлари Андрюс К. билан Линас Й.ларни чақириб, безорининг танобини тортиб қўйишларини буюрди. Орадан кўп ўтмай, «пир»нинг топширифи бажарилди. Аммо у бу билан ҳам қаноатланмади. Арвидасни қўнгилдагидек қилиб калтаклаш учун яна Витас С.ни ҳам жўнатди...

1985 йилнинг январи «пир»нинг топшириқлари-ю, унинг бажарилиши билан ўтди. Шу билан гўё Абай шогирдларининг ўзига нисбатан қанчалик содиқлигини билиб олди, яна бир бор текширувдан ўtkazdi. Январнинг охирларида эса Москвага телефон қилиб, Владимир Пестрецов, Григорий Бушмакинларни чақириди. Улар билан бирга Игорь Седов ҳам келди. Чақиришдан мақсадини Абай телефон орқали ҳам яңириб ўтирмади: ўзининг үлгудай калтак еганини, калтаклаганларни «тарбиялаш» лозимлигини очиқ-ойдин айтди. Буни эшитган содиқ каратэ мураббийи: «Бизнинг устозга құл күтарған мардни бир кўриб қўяйлик», деб кафтига туфлаб, ўз шогирдлари билан келган эди.

Ўша кезлари Андрюс К.нинг уйида бўлган бир маслаҳатда «баланд мартабали» Мирзабойнинг ўрни билиниб турганлиги ҳақида гап кетди.

«Аттанг, Мирзабой бўлганида яхши билан ёмонни куф-суф биланоқ дарҳол ажратиб берган бўлар эди!» дейишиди улар. Сўнг Берунийга телефон қилиб, Мирзабойнинг етиб келишини илтимос қилишди. Аммо, ёши ўтиб қолган «ул зоти олийлари»нинг ёлғиз ўзи келолмаслиги ҳақида ҳам гап бўлди. Қари онаси бор, келса уни ҳам бирга олиб келиши керак. Бу ишнинг уддасидан фақат Рамуте А.гина чиқиши мумкин, де-

тан қарорга келишди. Негаки, «пир»лар бир неча бор узоқ сафарга чиққанларида, кампирга Рамуте күз-кулоқ булиб турган эди-да.

— Барибир мен таътилдаман-ку, — деди инженер Рамуте. — Бориб кампирга қараб тураман, агар Мирза кўнса, бирга олиб келавераман.

Абай Қорақалпоғистонга бориб келишни ихтиёр қилган қизга икки минг сўм санаб берди. Рамуте эса, Берунийдан Мирзабойни онаси билан бирга олиб келди.

Ўша кезлари талаба Арвидас москвалик каратэчилардан кетма-кет қалтак еди. Абай билан Мирзабойнинг: «Кўнглингга нимаики келса, ўшани қил, ич-гинг келса — ич, ётгинг келса — ёт! Ўз эркингни ўзинг топтама, чунки сен ҳаммага тегишилсан, ҳамма сенга тегишли», деб ўргатган таълимотига шак келтириб, хотинининг номусини ҳимоя қилгани учун у етти марта қалтак еди... Тағин қаерда денг — уйининг бўсағасида! Лекин милицияга хабар қилмади, бошқалардан ёрдам сўрамади. Чунки, «нима бўлса ҳам тақдирдаги иш бўлади». Бу — Мирзабойнинг таълимоти эди. «Пир» айтдими — тамом, вассалом!

Абай содиқ шогирдларининг «муштлари»ни пул бермаган бошқа баъзи «шаккок»ларга ҳам йўналтираверли. Рассом Арвидас Я.нинг олдига икки-уч марта Рамуте А.ни пул сўраш учун жўнатди. Аммо у қуруқ қайтиб келди. Шаккок шогирдни «тарбиялаш» учун икки мураббийни юбориб, роса қалтаклатди. Барибир рассом пул топиб беролмади...

Февралнинг бошларида газандаларнинг «пир»и ҳам, унинг шогирдлари ҳам ашаддийлашиб кетишди. Вильюсдан уч юз чақирим наридаги Воверяйчай қишлоғида учта каратэчи пайдо бўлди. Улар ҳунарманд уста, газандаларнинг шогирди Римас Ю.ни қалтаклашиб, 2000 сўм пули ва бошқа буюмларини олиб келишлари керак эди. Бу топшириқни ортифи билан адo этган каратэчилар «Пир»нинг олдига қайтиб келганларида,

Абайнинг қовоги барибир очилмади. «У ҳали дурустроқ сабоқ олгани йўқ, — деди Абай шаштидан тушмай. — Қайтадан калтакланглар!» Каратэчилар нафас ростламай туриб, яна орқага қайтишга мажбур бўлишди.

Римас Ю. ҳам шунча калтак еса-да, финг демади, бирорвга бориб айтмади, тақдирига тан бериб қўя қолди. Ваҳоланки, улар Римасни ўлгудай калтаклашган, равонининг деразаларини уриб синдиришган, хотинининг қўлидаги узукларигача тортиб олишган эди.

Каратэчилар Мирза истиқомат қилаётган уйда қўниб, эртасига Шилута райони қайдасан деб, йўлга тушишди. Улар Абайнинг топшириғи билан ўша районда яшаётган Сергей П.ни излаб топишлари, устознинг суратлари, хатларини олиб, бирваракай ўзини ҳам «тарбиялаб» қайтишлари лозим эди. Сергей «кароматли» Мирзабойнинг уйига етти марта қатнаб, унинг ўти билан кириб, суви билан чиқиб юрган кунларидан эсдалик суратларни уларга берди, ўзларини эса яхшилаб зиёфат қилди, эртасига хурматларини жойига қўйиб кузатиб чиққанида, «тўйдирганинг соқолига...» деганларидай боплаб калтаклашди. Аммо, у калтаклангани ҳақида биронта одамга оғиз очмади. Чунки устозининг амри унинг учун вожиб эди...

Психорегуляция соҳасида «энг етук назариячи» ҳамда «пир» Абай ўзига тик қараганларга, пул чўзмаганларга каратэчиларни юборар, ўзи эса бу ишларга аралашмай четда турар эди. Шоғирдлари ҳеч нимани ўйлаб ўтирмас: «улув мартабали» Мирзабой билан «пир» Абай биз учун ҳам ўйлади, уларнинг йўригини мулоҳаза қилиб ўтиришнинг, топшириқни муҳокама қилишнинг нима кераги бор», деб билишарди. Устозлар оғзидан чиққан ҳар қандай буйруқ сўзсиз бажариларди.

...Шу орада Кишинёв шаҳрида суратга олинаётган фильмда роль ўйнаши лозим бўлган Талъат Нематуллин «пир»ларидан фотиҳа олиб кетиш учун, гарчи айланиш бўлса-да, Вильнюсга келди. Абай ўзининг содиқ шогирди Талъатнинг мушти орқали Арвидас Б.ни яна

Бир марта «тарбиялаш»ни күнглига тугиб қўйган эди. Хулди шу кезлар «Советский экран» журналининг муқоммасида Талъатнинг каттакон сурати ва унинг ижодига багишланган: «Ўтмишдан келажаккача» деган мақола босилиб чиққан, обрўси ошиб кетган, ҳамма ундан дастхат олишга интилар эди. Дуч келган киоскада унинг сурати туширилган журнал қистириғлиқ туради.

9 февраль куни Талъат Абай билан бирга шаҳар марказидаги «Вильнюс» кинотеатрининг директори билан таплашиб, Абай ва Мирзабойлар ҳам суратга тушган «Хайрлашув» номли қисқа метражли фильмни томоша қилмоқчи бўлишди. Бу фильмнинг лентасини Талъат ўзи билан бирга олиб келган эди. Анчагина одам тўпланиб, кинофильмни кўриб бўлишгач, улар Андрюс К.нинг уйига йигилишиб, арақ ичишди.

10 февраль. Вильнюс Давлат университети ходими Валентас М.нинг Антакальнис райони Меджитою кўчасида жойлашган шахсий уйи. Меҳмонларни Абайнинг ўзи бошлаб келди. Улар орасида илгаридан сизга таниш икки спротчи ҳамда каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, таниқли киноактёр, режиссёр ва сценарист, Абай билан Мирзани ром қилган содик шогирд Талъат Несъматуллин ҳам бор эди. Абайнинг бу ерга келишдан муроди — мазкур хонадондан пул ундириш, хонадон соҳиби Валентас М.нинг ўзига нисбатан содиқми ё йўқлигини билиб олиш эди. Негаки, сўнгги пайтларда Валентас М. ҳам Игорь К.га қўшилиб, Абайнинг «пир»-лигига шубҳа қилиб, тўгридан-тўғри Мирзабой билан шоқа қила бошлаган эди. Уларнинг бу қилиғи «пир»га малол келганди. Шунинг учун ҳам «муридларни қайта тарбиялаш керак» деган қарорга келган эди. Каратэчилар Игорь К. билан Валентас М.лар ҳам анчагина бавувват йигитлар, уларни унча-мунча одам эплай олмасди. Шунинг учун Абай уларни таслим қилиш ишини кучли каратэчи Талъатга топширди.

Валентас М. меҳмонларни яхшилаб кутди, лекин уларнинг гап маромларидан бу ерга бекорга келмаганликларини пайқаб, ўз шерикларини зимдан киши билмас чақириб, тўплай бошлади. Валентас шу яқин соатларда бирон кори ҳол бўлишини биларди, шу билан бирга, Абайнинг шерикларини унча-мунча одам енга олмаслигига ҳам ақли етарди. У шуларни ўйлаб арақقا зўр берди. Меҳмонларни арақقا тўйдириб, қўлга олмаса, кучи етмаслиги аниқ эди. Мезбоннинг арафи тугагач, меҳмонларнинг ўzlари шиша олиб кела бошлашди. Хуллас, арафу шампанга фарқ бўлган базм тун ярмигача давом этди. Ичкиликдан бошлари ғувиллаб, меҳмонларнинг гаплари қовушмай, меҳмондорчиликнинг охири муштлашувга айланди. Тошкентдан келган каратэ бўйича чемпион Талъат Нематуллин ўзига ишониб топширилган вазифани бажармади, яъни Валентас М.ни муштламади. У бетараф бўлиб қолганлиги учун, Антакальнисдаги «тарбиявий ишлар» чаппасига айланиб кетди. Абайнинг ўзи фирт маст, оёғини зўрға судраб босар, ишонган иккита каратэчи эса, Валентас М.нинг дўстлари «инъом этган» кучли зарблардан қўкарган юзларини силаб-сийпаб қайтишга мажбур бўлди. Улар бунақа хўрликни, шармандаликни биринчи бор татиб кўришлари эди...

Калтак еган каратэчилар билан Абай Вильнюс қўчалирида санқиб, Мирзабой истиқомат қилаётган Андрюс К.нинг уйига келганларида, булардан эртароқ етиб келган Талъат дўстлари билан арақ ичиб ўтирган экан. Буни кўрган Абайнинг жон-пони чиқиб кетди, чунки унинг назарида Антакальнисдаги шармандали маглубиятнинг бош гуноҳкори Талъат эди-да. У шу қадар кучли эдики, агар ураман деса, Валентасни ҳам, Игорни ҳам, ҳатто, унинг шерикларини ҳам сулайтириб ташлай оларди. Бироқ Талъат Абай учун қўлини ҳам кўтартмади. Демак, Талъат Абай билан Мирзабойни сотди! Сотқин жазоланиши керак эди.

— Антакальнисдаги бетарафлиги учун, «пир»ларга ваъда қилинган уч минг сўмни олиб келмаганлиги ҳамда хотини Венерани Абай билан Мирзабойнинг тълимотига бўйсундира олмагани учун, шуҳратига ишониб, кеккайиб кетгани учун!.. Сотқинни аямай уринглар!

Биринчи муштни каратэ бўйича собиқ мураббий Владимир Пестрецов урди, унга икки каратэчи кўшилди, булар ҳам етмагандек, Абай билан Мирзабой ҳам жўр бўлишди. Талъатни муштлаш ора-орада озгина танаффуслар билан тонггача давом этди. Ўша танаффусларда улар қайта стол атрофига ўтиришар, бирга арақ ичишар, алмойи-алжойи сўзлар айтишарди. Талъат эса, бу қадаҳларга қатнаша олмай қолди. У жудаям ҳолдан тойган эди. Кейинчалик криминалистларнинг ҳисоблаб чиқишиларига кўра, у бир юз ўн тўқиз жойидан жароҳат олган экан. У полда ётиб, ағанаб кечирим сўради, инграниб узоқдаги онасидан мадад тилади... Аммо, теграсида уни тепкилаб юрган Абай ва каратэчиларда меҳр-шафқат деган нарсанинг ўзи йўқ эди.

— Мен сизларга нима қилдим? Нега урасизлар?
Кечиринглар... — деб ёлворди Талъат.

— Нима учун ураётганимизни тушунмадингми?
— Гуноҳим нима эканини тушунмаяпман.
— Ана шу тушунмагани учун уринглар! Тушунгунча уринглар... — деб буюрди Абай.

— Гуноҳим бўлса кечиринглар... — деб «пир»нинг оёғига йиқилди Талъат. У тамоман ҳолдан тойган эди.

Абай эса унинг устида гердайиб туриб, мазаҳ қилди:

— Сен каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлсанг ҳам, менинг оёқларим тагида ётибсан...

Вильнюснинг марказий кўчаларидан биридаги кўп қаватли уйда бўлаётган шовқин-сурон, муштлашув, зорланиб ёрдам сўраётган товуш қўшниларнинг тинчини бузгач, улар милиция чақиришга мажбур бўлдилар...

Талъат куч ишлатганида ўзини ўзи ҳимоя қилиши мумкин эди, ўзини тепкилаётганларни битта-битталаб уриб йиқитиши ҳам мумкин эди, бироқ Абай билан Мирзабой каби устозларга қўл кўтариб бўлармиди? У битта мушт кўтармай ўз тақдирини кутди...

Орадан кўп ўтмай, бу ерга милиция ходимлари кириб келишди. Бироқ, газандалар уларни алдашди. Улар ҳолдан тойган Талъатни ваннага ташлашди-ю, бошқалари дастурхон атрофида гўё ҳеч нарса бўлмагандай зиёфатни давом эттираверишди. «Вильгельмина диссертация ҳимоя қилган эди, шуни ювяпмиз. Бироз келишмовчилик чиққан эди, ўзимиз босди-босди қилдик, мана кўриб турибсизки, шунинг шарафига чўқиширяпмиз», — деб улар Григорий Бушмакиннинг Антакальнисда орттирган шишаларини кўрсатишиди. Милиция ходимлари ҳам уларнинг тап-сўзларига лақза ишониб: «Тартиб сақлансан», деб чиқиб кетишиди. Абайга эса Талъат чекаётган азоб камдай кўрина бошлади. У телефон орқали ўзининг содиқ севиклиси Ниела Г.ни бу ерга чақиртириди.

Ниела эшиқдан кириб келиши билан Абай ва қаратэчилар бечора қизни муштлай кетишиди. Аямасдан муштлашди. Сўнг Абай: «Талъатни кўргинг борми?» — деб сўради, қиз бечора индамади. Уни Талъат ётган сув тўла ваннага ташлашди. Бу ҳам етмагандай, яна ўлгудай уришди. Абай Ниеланинг қўлига пичоқ тутиб: «Ма, бошини ол!» — деб буюорди. Қиз унинг буйруғини бажармади. Сўнг Абай унга: «Йўқол, кўзимга кўринма!» — деб уйдан ҳайдаб чиқарди. Қиз уйдан кўчага чиққач, ёрдам сўраб милицияга мурожаат қилиш ўрнига тезроқ уйига етиб, кийимларини қуритиб олиш учун таксига қараб чопди. Негаки, у ҳам «пир»ларнинг содиқ шогирдларидан бири бўлиб, уларни сота олмас эди.

Талъат ваҳшиёна калтакланди. Уни муштлаётганда мазкур хонадоннинг эгалари — иқтисод фанлари номзоди Вильгельмина, рассом Андрюс, меҳмонлардан олий маълумотли молия ходими Витаутас С., инже-

пер Рамуте А.ларнинг ҳеч қайсиси орага тушиб, ажратмади. Мирзабойнинг ошхонада ўтирган кекса онаси ҳам, бу уйда нималар бўлаётганидан бехабар эди, гус. Мирзабой бўлса (Тальят уни ака ўрнида ака деб ҳисоблар эди), муштлашишга унчалик уста бўлмаса ҳам, «қатордан қолгунча, хатардан қол», қабилида иш тутиб, бир-икки бор қулочкашлаб мушт туширди. Бу мунитлар ҳолдан тойган Тальят учун оғир зарба эди.

Шаҳар марказида бўлаётган бу ваҳшиёна муштлашувга Абай раҳбарлик қилиб турди. Унга Мирзабой ҳам жўр бўлди. Тарих фанлари номзоди, собиқ каратэ мураббийи ўзининг иккита шогирди билан бу ишга улуш қўшди.

Эрталаб Тальятнинг инграган товуши базур эшистилиб турган пайтда ҳам «тез ёрдам» чақириш мумкин эди. Аммо газандалар парво қилмай ўтираверишли. Охири, Абайнинг буйруги билан таниш шифокор Линас И. чақирилди. У аҳволни кўриб, зудлик билан «тез ёрдам» лозимлигини айтди. Лекин Абай «тез ёрдам» чақиришга рухсат бермади, ўзинг бир амаллаб муолажа қил, деб буюрди. Бу маҳалда Тальятнинг паймонаси битган эди. Хуллас, улар «тез ёрдам»ни чақиришга мажбур бўлишди.

Абай Григорий Бушмакин билан Игорь Седовларнинг қўлига йўлкира берди-да, тезда бу ердан гойиб бўлинглар, деб буюрди. Ўзи эса, «тез ёрдам» етиб келгунча қочиб қолди...

У бир ҳафта кўздан панада юрди. Шу ерлик таниш жувонлар унга бошпана беришди, иложи борича уни қутқариб қолишга ҳаракат қилишди. Вильнюслик филолог Даля М., инженер Рамуте А., ўкувчи Ларета М.лар Абайни ўз уйларида яшириб, жиноятга шерик бўлдилар. Юозас Юръявичюс айтганидай, бу хайриҳоҳлар «ҳалигача нима ҳодиса рўй бераётганини тушунмас», вижданан қийналмас эдилар.

Абай қўлга олингандан кейин ҳам унинг муҳлислари жиноятни яширишга, нотўғри гувоҳлик беришга ҳаракат қилиб кўришди. Улар: «Тальят Вильгельмина-и зўрламоқчи бўлган эди, йигитлар аёл номусини

химоя қилиш учун уни калтаклашди», деган сұзлар билан Абайни ҳимоя қилишди.

Аммо, Вильнюс шаҳар ҳамда Литва Республика прокуратурасиннің тажрибали терговчилари фактларни ўрни-ўрнига қўйиб, жиноятни тўлиқ очишга ҳаракат қилишди.

Минг афсуски, Абай билан Мирзабойни «пир» деб сифинган одамларнинг кўпчилиги олий маълумотли кишилардир. Уларнинг гапларига қараганда, ҳаммасининг саломатлиги яхши, ҳеч қандай тиббий ёрдамга муҳтож ҳам эмас. Бироқ, улар негадир фойибдан каромат излаб, бу ярамасларга «сифинишган». Ҳайрон қоласан, нима учун улар Мирзабойнинг олдига боришиган? Топинишган?!

ДАЛЯ М. (1954 йили туғилган, олий маълумотли филолог):

— Менинг оиласам, болам бор. Эрим ҳам яхши одам. Тинч яшаймиз. Соғлигум ҳам яхши эди. Дунёни ўзгача кўриб, ўзгача тушуниш учун баъзи тенгдошларим менга Мирзабойнинг олдига боришини маслаҳат беришиди. Менда ҳам шунга хоҳиши туғилди. Боламни қайнонамга ташлаб, Осиёга сафар қилдим. Мирзабой билан Берунийда, Абай билан Вильнюсда учрашдим. Ўша учрашувлардан сўнг мен ҳақиқий касалга йўлиқдим. Ҳозир ўзимни бахтсиз ҳис қиласман, соchlарим оқариб, тўклила бошлиди. Уйқум йўқ, негадир ҳовлиқавераман. Вижедон азобида қийналиб, эримдан ҳам шубҳаланавераман...

ВИЛЬМА Б. (1963 йили туғилган, Литва консерваториясининг тўртинчи босқичида ўқишини ташлаб кетган):

— Ўзимни камолотга эришиши учун, янада истеъоддлироқ бўлиш учун Мирзабой ва Абай билан бирга яшадим... Бироқ, ҳеч қандай наф кўрмадим.

ЕВА А. (1951 йили туғилган, олий маълумотли ўқитувчи):

— Мирзабой ҳам, Абай ҳам олдинига ажойиб одамларга ўхшаб кўринганди. Мен кўп харж қиласмадим. Факат икки юз сўмгина инъом қилдим, холос. Мирзабой

били Абайнинг содиқ шогирди, истеъдоли йигит Талъат Нематуллин вафот этганидан сўнг, менинг уларга нисбатан фикрим ўзгарди. Эҳтимол, фақат менинггина фикрим ўзгариб қолмагандир...

* * *

Мен Вильнюсда Мирзабойнинг кекса онаси ҳақида суриштирганимда, бечора кампирнинг бир бегонаникода турганини айтишди. У ҳам Мирзабой билан Абайнинг муҳлисларидан бўлиб, газандаларнинг макони бўлмиш Шилута районидаги истиқомат қиларкан. Бориб кампирни кўриб қайтдим.

— Мирзабойим келгандан сўнг овулимизга қайтамиз, — деди ҳалигача нима ҳодиса рўй берганини тушиунмаётган бечора кампир. Ёши бир жойга бориб қолган чоғида у ўз овулидан, элидан йироқда, ўз тилидан бошқа тилда гапирадиганлар орасида яшаяпти.

Мен унинг гапини эшитиб, беихтиёр Талъатнинг онасини кўз олдимга келтирдим. Унинг онаси ўғлини кутмайди, чунки...

* * *

Жиноят ишлари бўйича қўшимча тергов олиб бораётган Литва Республика прокуратурасининг тергов бўлими бошлиғи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Гедиминач Норкунас яқинда бу ишни якунига етказди.

Энди сўнгги сўз одил халқ суди томонидан айтилади...

АБАЙ, ПУЛ ВА ШУҲРАТ

Абайнинг ҳаёт тарзи ўз замондошларидан фақат бир жиҳатдангина фарқ қиласи: у ўн йиллар мобайнида меҳнатсиз кун кўриб келди, бош оғригини баҳона қилиб пул топишнинг кетига тушди, кайфу сафо йўлида олтин умр лаҳзаларини зое кетказди. Ахир у зиёли оиласида

тарбия кўрган эди. Мархум отаси Асилхон Бўрибоев Қирғизистонда таниқли ношир, истеъдодли таржимон эди.

Онаси Сувсар Бўрибоева ҳозир Ўш педагогика институтида муаллима, акаси Олтой — Қирғиз университетининг кафедра мудири... Бу оила ўзининг тотувлиги билан барчага ўрнак бўлгудай эди.

Хўш, шундай экан, Абай қаёқдан пайдо бўлди?

Валерий Аграновскийнинг экстрасенслар ҳақида ёзган нарсаларида, Абай хўжакўрсинга бўлса ҳам бир куриниш бериб ўтади: таниқли экстрасенс Дина (Жуна) бир қанча сеансдан сўнг чарчаб, сулайиб қолади. Шунда унинг ёнидагилардан бири «Амир!» — деб бақиради. Ошхона томондан баайни шарқ руҳонийси — худди қўлда ясад қўйилгандай қотиб қолган, қораҷадан келган бир йигит чиқиб келади. У аста юриб келади-да, Динага тахминан бир қадам қолганда, қўлларини олдинга чўзиб тўхтайди. Дина шунда зўрга нафас олиб, қаддини тиклади-ю, у ҳам қўлларини олдинга чўзади. Уларнинг кафтлари бир-бирига яқинлашади, аммо тегмайди. Шунда ҳалиги шарқлик руҳонийсифат йигит Динага нимадир ирғитган бўлади. Дина ҳам уни илиб олиб, тағин орқага қайтаргандай ҳаракат қилади. Улар буни бир неча бор такрорлагач, Дина қувват киргандай сергак тортади.

Буни гўё автомобилга бензин қуийш билан таққослаш бироз қўполроқ бўлар-у, аммо, уларнинг ана шу файритабиий ҳаракатидан Динанинг биоэнергия билан тўйиниб олгани маълум эди. Бундан Амир Бобоевнинг ҳам экстрасенс эканлиги, у ошхонада «алоҳида» топшириқ кутиб ўтиргани маълум бўлади.

Амир Бобоев деганимиз худди Абайнинг ўзгинаси. Демак, у 70-йилларнинг охирларида ўша машҳур Динанинг атрофида ўралашиб юриб, нафақат биомайдон билан қизиқувчилар орасида, ҳатто илмий, бадиий адабиётда ҳам ўзини кўз-кўз қила олган. Унинг ҳақиқий башараси қуида суддаги савол-жавоблардан янада ёрқин очилади:

Судья: — Илмий ишлар билан шуғулланиб, қасалларни экстрасенсорик усул билан муолажа қылдингизми?

Абай: — Мен ҳеч кимни муолажа қылган эмасман. Шарқшунослик институтига ишга кириш учун Москвага прописка бўлишим керак эди. Москва шаҳар ижроия комитети номига Сафронов имзо чеккан хат тайёрланди... Мен у хатнинг нусхаларини қўпайтириб, анчагина одамга кўрсатдим.

Судья: — Хўш, Қорақалпоғистонга нега бордингиз? Ким топшириқ берди?

Абай: — Спиркиннинг маслаҳатига кўра экстрасенсорик қобилиятга эга бўлган одамларни қидириб бордим... Дарвишларни, совет давридаги қувфиндиларни изладим. Кўп жойларда бўлиб, табибларни, дарвишларни текшириб кўрдим. Шундай қилиб, 1980 йилда Султон Вайис бобо зиёратгоҳида Мирзабой билан танишиб қолдим.

Судья: — Шунча дарвишларни кўрибсиз-у, нега уларнинг ичидан фақат Мирзабойни танладингиз?

Абай: — Мирзабой мен билан Москвага бирга кетишга рози бўлди.

Судья: — Сиз ўшанда унинг халқни алдаб юрганини билармидингиз?

Абай: — Билгандим. Дарвишларнинг ҳаммаси ҳам алдамчи. Шу жумладан, Мирзабой ҳам.

Судья: — Москва алдамчиларга зор эмас-ку?

Абай: — Тўғри. Мирзабой фақат динга ишонувчи нақмаларнигина алдайди. Ишонмайдиганларни алдаёлмайди.

Судья: — Албатта, ишонмайдиганларни алдай олмайди. Хўш, ўша пайтларда Мирзабой нима иш қиласкан?

Абай: — Мирзабой ишга кирмоқчи экан-у, аммо қари онасини ёлғиз ташлаб кетолмас экан...

Судья: — Садақа сўраш учун, одамларни алдаш ўчун ташлаб кетса бўлаверар экан-да?

Абай ҳарчанд судьянинг саволларига ўйлаб, пухта жавоб беришга ҳаракат қиласин, барибир унинг гапсўзларидан алдамчилик, фирибгарлик, сохталик, иккюзламачилик аломатлари билиниб турарди. У бир маҳаллари Мирзабойни туғилган куни билан табриклаб, Москвадан таниқли ёзувчилар Радий Фиш, Анатолий Сафонов ва Валентин Сидоровларнинг сохта имзоси билан жўнатган телеграммасини ҳам тан олгиси келмас эди. Бунаقا хатти-ҳаракатлар, ҳалигиндақа сохта имзо чекилган телеграммалар, шунингдек, «Огонёк» журналининг собық муҳаррири ёзib берган барчага маълум хати ҳам фақат битта мақсадда — Мирзабойнинг номини машҳур қилиш ниятида қилинган ҳаракатлар эди.

Судья: — Ўзингиз динга ишонасизми?

Абай: — Ишонмайман.

Судья: — Унда нима учун исломдан «пир» қидириб, сўнг христиан динини, кейинчалик будда роҳиблигини қабул қилдингиз?

Абай: — Мен саломатлигимни ўйлаб, яъни ўзими ўзим камолотга етиштириш учун, йог усулларини ўрганиб олиш учун буддавийликни қабул қилиб, сочларимни қирдирдим. Қайлифим Ниеланнинг сочини ҳам ўзим қирдим...

Судья: — Сиз олий маълумотли, зиёли одам бўла туриб, саводсиз Мирзабойдан нимани ўрганмоқчи бўлдингиз?

Абай: — Кўп нарсани. Ахир мен уни анча йиллар мобайнида ўргандим-ку.

Судья: — Масалан, Мирзабойдан нималарни ўрганса бўларкан?

Абай: — Оддий совет кишиларига хос фазилатларни... (Залда кулги).

Кўриб турибсизки, унинг гапларида тутуриқ деган нарса йўқ. Бир ёлғон гапи иккинчи ёлғон гапни етаклаб келаверар эди.

Абай Мирзабойни «пайғамбар» даражасига кўтариб олгач, бу «ноёб экстрасенс»нинг пойига йиқи-

лиш учун Москва, Риға, Вильнюс ва бошқа шаҳарлардан зиёратчилар оқиб кела бошлади. Албатта, улар қуруқ келишгани йўқ, топган-тутганларини олиб келиб, «ҳазрати» Мирзабойнинг қўлига топшириб туришди...

Судья: — Нега пулларни Мирзабой олди? Нега сиз олмадингиз?

Абай: — Мен ота-онамнинг обрўсига путур етмасин, дедим. Мабодо мен олганимда, одамларда шунча пулни қаёқдан олди, деган гумон туғилиши мумкин эди... Биз пулдан бошқа нарсаларни, яъни узук, соат, зиракларни олдик. Соатларни сотиб юбордик, узуклар Мирзабойда бўлса керак..

Судья: — Сўнгги йилларда нега Москвага кам борадиган бўлиб қолдингиз?

Абай: — Чунки, у ердаги лаборатория беркилиб қолган эди.

Судья: — Янги лаборатория очиш учун сизларда маблағ етарли эдику. Асл мақсадингизни айтинг?

Абай: — Мақсадимиз — пул тўплаш эди.

Прокурор: — Одамларнинг ноёб хосиятларини ўрганиш бўйича сиз лабораторияда нима иш қилишингиз мумкин эди?

Абай: — Спиркин менга, сен лабораторияга олинадиган янги аъзоларни саралайдиган бўлиб ишлайсан, деди. Сўнг мен Сафроновнинг маслаҳати билан СССР Госпланига бордим, улар мени МГУнинг кафедрасига юборишли. Спиркин ҳам, Госплан ҳам пул тўплаш учун менга ҳеч қандай топшириқ бермади, «пул йўқ» дейиши. Пул йиғишни эса Мирзабой иккаламиз ўйлаб топдик. Бу ниятимизни Сидоров ҳам маъқуллади... Ҳа, айтгандай, одамлардан тўпланган пул өвазига Москвада сартарошхона очдик-ку ахир...

Прокурор: — Лаборатория очиш учун қанча пул кифоя деб ўйлайсиз?

Абай: — Икки минг...

Прокурор: — Хўш, Мирзабой кимларни даволади?

Абай: — Маҳаллий одамларни.

Прокурор: — Даволадими ё алдадими?

Абай: — У ҳатто мени ҳам алдади. Мен унинг алдамчилигини билардим... Чамаси у менинг илмий ишларимни ҳам гумдан қилган бўлса керак.

Оқловчи: — Экстрасенсорикани ўрганишни нима учун ибтидосидан бошладингиз?

Абай: — Ном чиқариш учун.

Оқловчи: — Мирзабой-ку садақа йифиб сизларни озиқ-овқат билан таъмин қилибди. Бошқа пулларни нима қилдингиз?

Абай: — Тўпланган пулларнинг бир қисми араққа кетарди, қолганига бошқа садақа йифилмаган кунлари озиқ-овқат сотиб олардик.

Оқловчи: — Сизларни таъмин этиб турса ҳам, Мирзабойни ёлғончи, алдамчи дейсизми?

Абай: — Мирзабой алдамчи эмас... Аммо мен унинг бирон одамни даволай олишига ишонганим йўқ. Уни лаборатория учун керак бўлиб қолар деб ўйладим.

Оқловчи: — Экстрасенслар ҳақидаги ўқиган китобларингизнинг нафи тегдими?

Абай: — Теккани йўқ.

* * *

...Йоғларнинг нафас олиш тизими, экстрасенсорик таъсир, буддавийлик динининг қонун-қоидаларини ўрганиш йўлидаги ҳаракатлари таниш-билишлар орасида Абайнинг обрусини орттириди, уни Шарқ табобатининг билимдони сифатида танитди. У билан биринчи бор суҳбат қилган одам «унинг келажакда тузуккина олим» бўлиб етишишига ишониши мумкин эди. Ҳатто, ўзи ҳам турли экстрасенсорик кўринишларга чиппа-чин ишонди, бошқаларни ҳам щунга ишонтиришга уринди ва анчагина одамни ишонтиришга муваффақ ҳам бўлди.

Абайга ишонган одамларнинг деярли барчаси ё Шарқ турмушига қизиқиб қаровчилар, ё янгиликка ўч ёш

үспириллар, ёки енгил-елпи ҳаёт кечиришга мойил қиз-
жуонлар эди. Улар Абайга эргашиб, Мирзабойни «пай-
тамбар» даражасига күтаришди, борган жойларида
Қарақалпоғистондан чиққан кучли «экстрасенс»нинг
«биомайдони» ҳақида афсоналар тұқишиди.

Шундай қилиб Берунийдаги Шимам овули ҳамда
Султон Вайис бобо зиёратгоҳи, Үшдаги Қорасув қишлоғы,
Литвадаги Шилута, Кретинг районлари, Москва-
ларды таниқли кишиларнинг хонадоилари бу газандалар
истиқомат қиласынан жойларға айланиб кетди. Абай
Мирзабой билан бирга зиёрат учун келгандарнинг
чүнтакларини қоқишиди. Зиёратчилар аввалига «Мир-
забойни ўрганиш учун очиладиган идорага» атаганла-
рини күнглидан чиқариб берган бұлсалар, кейинчалик
улар зиёратчиларнинг күнгилларига қараб үтирмай,
сермаганлардан сұраб оладиган одат чиқаришиди. Абай
бірақ бирдан үзини «устоз» деб эълон қылғач, зиёратчи-
лардан тұппа-тұғри пул талаб қила бошлади. Мана улар-
нинг ҳар ер-ҳар ерда «идора» учун олган пуллари:

Берунийдаги Шимам овулида:

Бушмакин Г.дан 100 сүм.
Пестрецов В.дан 100 сүм.
Вендиқайте В.дан 60 сүм.
Иванкина Е.дан 200 сүм.
Калинаускене В.дан 100 сүм.
Савицкис В.дан 50 сүм.

Александравичюте Р.дан 50 сүм.
Николаев-Калинаускас И.дан 80 сүм.
Дергачев Д.дан 25 сүм олишган.

Үш обласстининг Қорасув районида:

Седов И.дан 70 сүм.
Пестрецов В.дан 400 сүм.
Жукайте З.дан 100 сүм.
Мураускас В.дан 250 сүм.

Нельматуллин Т.дан умумий баҳоси 1015 сүмлик учта
кул соати, икки узук, ҳамда 300 сүм олишган.

Литва ССР Вильнюс шаҳри ҳамда Шилута ва Вове- ряйчай қишлоқларида:

Бушмакин Г.дан 370 сўм.

Калиноускене В.дан 700 сўм.

Савицкис В.дан 600 сўм.

Неъматуллин Т.дан 700 сўм олишган.

Биз бу рўйхатни қисқартириб олдик. Лекин шунинг ўзиданоқ уларнинг нафслари борган сари ҳакалак отиб борганлигини билиб олиш қийин эмас.

Шундай қилиб, уларнинг одамларни алдаш усулига асосланган «идора очиш» ҳақидаги сафсаталарининг оқибати оғир жиноятга олиб келди, истеъодли кинорежиссёр Тальят Неъматуллин ёш ўлиб кетди...

ЧАНГАЛЗОРДАН ЧИҚҚАН «ПАЙҒАМБАР»

Мирзабой судда ўз она тилида гапирди. Унинг гапларини тилмоч Ҳосилбек Муҳамбетқалин рус тилига афдариб турди. Биз Мирзабойнинг судда берган жавобларини қисқача баён қиласиз:

— Отам ҳам, онам ҳам кўзи ногирон одамлар эди. Учинчи синфни «З»га битирдим. Буёғига ўқий олмадим. Колхозда ишладим, уйланолмадим, мўлжаллаб юрган қизим бошқа бирор билан кетиб қолди. Колхозда пулни оз топардим. Ўзимга уй қуриб олишим керак эди.

Йўлли Наврӯзов билан учрашганимдан сўнг ҳаётим бирмунча ўзгарди. У: «Девонанинг қизини девона олади», деб қизини менга бермоқчи бўлди. Уч йил бирга юриб, қизини бермай алдаганидан кейин мен уни уриб ҳайдаб юбордим...

Йўлли оқ товардан усти бош кийиб олган эди. Мени аввалига унақа кийимларни кийишга бўйним ёр бермади, кейинчалик қарасам, пул тушмайдиган. Дарвишларнинг кийимини кийишга мажбур бўлдим. «Тинмай, оғзингта келганини гапираверсанг бўлгани...» — деб таъкидлади Йўлли менга Куръон сураларини ўргатаётуб.

Султон Вайис бобо зиёратгоҳига пайшанба, жума кунлари зиёратчилар күп келади. У ерда йигирмата-чадан ортиқ садақа сўровчилар бўлади. Кўпчилиги эскичадан анча-мунча саводи бор одамлар эди. Улар бир тараф, мен бир тараф бўлиб туардик. Бошқа дарвишлар одамларни алдаб юрганимни билишарди, овулимиз кишилари ҳам мени кўрарга кўзлари йўқ эди.

Судъя: — Умуман қанча пулинг бор эди?

Мирзабой: — Абай билан танишгунимча тўплаганимми?

Судъя: — Неча сўм эди шулар?

Мирзабой: — Меҳнатсиз топилган пулнинг ҳисобига ҳам боравермас экансан... Топганимни 1000 сўмга етказиб колхоздаги омонат кассага топширавердим...

...Абайлар бу ерга 1980 йили олтита бўлиб келишли. Дастребки кунлари улар билан таниша олмадим, кетларидан чопиб бориб танишгим келди. Эртасига яна келиб, менга пул, ручка, пайпоқ совға қилишди. Абай икки сўм берди. «Биз Шарқшунослик институтидан келдик, — деди у, — китоб ёзмоқчимиз». Шериклари мени суратга олишди. Шундан кейин: «Келаси йили тагин келамиз», деб жўнаб кетишди.

1981 йили Абай тагин бошқа одамлар билан келди. «Мен энди дарвишликни йифишириб, сизлар билан юраман», деб уларга нон, овқат топиб бердим. «Ҳар ҳолда, ҳукуматнинг қонун-қоидасини биладиган болалар-ку», деган хаёл билан уларга қўшилгим келди.

— Дарвишларни Москвага олиб бориб текшириб курамиз. Одамларни қандай эмлашларини билмоқчимиз, — деди Абай.

— Бўлти, кетишингизга уч кун қолганида айтинг, — дедим. — Балки, мен ҳам борарман Москвага, ўйлаб кўрай...

Абайлар Хоразм ва Бухородаги дарвишларни кўриб келиш, улар билан танишиш учун жўнаб кетишди.

Ўша йили Абай: «Мен Москвадан уй сотиб олмоқчиман, 2000 сўм керак», деб мендан пул сўради. Мен унга кассамдаги пулдан олиб бердим.

1981 йилнинг 18 декабрида Абай билан бирга Москва-га кетдим. Ҳукумат одамлари, Абайнинг шогирдлари билан учрашаман, деб ўйлардим. Янги йилни Москва-да кутдик. У ердан қайтгунимча Володя Пестрецов-нинг уйида яшадим.

Судья: — Сиз ўзингизни экстрасенсман деб ўйлар-мидингиз?

Мирзабой: — Мен бу сўзни биринчи бор Абайдан эшитдим. У менга: «Эски уст-бошигни ечиб, янги кийимлар кийиб, ҳукуматнинг дарвишларига ўхшаб юр», деди. У менга хорижий мамлакатлардаги дарвишлар ҳақида гапириб берди. Мабодо идора очилгудай бўлса, ўзи директор-у, мени ёрдамчи қилиб олмоқчи бўлди. «Биз ҳукумат одамлари ҳисобланамиз, бизга пулнинг кераги йўқ. Ҳукуматнинг ўзи озиқ-овқат билан тъмин қиласи, тагимизга машина беришади», деди.

1982 йилдан эътиборан Берунийдаги уйимизга турили жойлардан одамлар кела бошлади. Дастрраб, мен улардан пул олганим йўқ, қайтага садақадан топган пулимни сарфлаб, уларни боқдим, баъзиларига пул ҳам бердим. Ҳаётда дўстим йўқ ҳисоби эди, шунинг учун уларни ўзимга дўст бўлса керак, деб ўйладим.

Ўша йили март ойларида бизниги Ниела кириб келди. У: «Мени Абай юборди», — деди. Унинг нима учун ташриф буюрганини билмадим. Ўша кеча Абайнинг ўзи ҳам келди. Икки кундан сўнг Володя Пестрецов пайдо бўлди. Улар: «Яна сени Москвага олиб кетамиз, кампирингга Ниела қараб туради», дейишди менга.

Улар билан яна Москвага кетдим. Пестрецовнинг уйида яшаётганимда кўп одамлар келиб кетишли. Улар менинг кийимларимга, афт-ангормига қараб: «Ражнешга ўхшар экан. Номер биринчи совет дарвиши», дейишди. Мен эсам Абай нима деса, шунга

иционавердим. Девоналарнинг улуғи бўлиб яшагим келди.

Ўша пайтлари икки марта Сидоровнинг уйида, бир марта Сафроновницида бўлдик. Бир куни Володя билан Абай Сафроновдан хат олиб келиб қолишиди...

Бу хатни Абай иккаламиз Нукусга олиб келиб, биринчи котибнинг уйига обордик. Унинг ўзи билан учраша олмадик. Хатни ташлаб кетдик. Бу хат бўйича обком бизга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади.

Судъя: — Нега теварак-атрофдан одамлар сизнинг кига тўпланишиди? Улар ниманинг ҳисобига яшади?

Мирзабой: — Одамлар қўпайиб кетгач, мен уларни Султон Вайис бобога олиб бордим, Берунийнинг бозорини томоша қилдирдим, биргалашиб садақа сўраплик. Султон Вайис бобода озиқ-овқат кўп бўлади, нон, бўғирсоқлар тўкин. Мен садақа йифаман, келганлар эса тўрва-халтамни кўтариб юришади... Уйга қайтганимиздан кейин мен овқат пишираман, ҳаммамиз бирга овқатланамиз. Дастлаб келганларнинг ўзлари пул беришди. Кейинчалик сўраб оладиган бўлдик. Улар бизга пулни нима учун беришаётганини тушунса-тушунмаса сўрайвердик. Мен бу ерга келган одамлар ҳам менга ўхшаган девоналар бўлса керак, улар менга пулни сақлаб қўйиш учун бераётган бўлса керак, деб олиб қўявердим. Кейинчалик, менга нима учун пул беришаётганини Абай билан Игорь Николаев тушунтириди.

Судъя: — Анҳорда ҳамма биргаликда яланғоч чўмилишни ким ўйлаб топди?

Мирзабой: — Уни мен ўйлаб топдим. Улар айтганиларимни қиласмикан ё йўқми, билиш, синааб кўриш учун шундай қилдим. Кейинчалик бундан милиция ҳам хабар топди. Мен уларни ҳам яланғоч чўмилишга унладим. Кечалари аёл-эркак қип-яланғоч жуфтлашиб ётишларини буюрдим. Айтганимни қилмаганларни эса ўйдан ҳайдаб юбордим. Ўзлари билан бирга қиз эрганишириб келмаган москвалик «талабалар»ни ҳам ҳайдаб юбордим. Қиз топиб келолмаган йигитни йигит ўрнида кўрмадим.

Уйимизга келгандарга арzon тақинчоқлар, эски-туски кийимлар ҳадя этдик. Улар эса, ўз навбатида, менга майка, пайпоқ олиб келишарди ё почтадан юборишарди. Олган узукларимизни, соатларимизни Султон Вайис бобо қабристонида зиёратчиларга пуллардик.

Хуллас, 1982 йил 25 мартаңдан бошлаб тұпланған пул Абай иккимизники ҳисобланади.

Ұша йили май ойида яна Москвага бордик. Сафронов ёзиб берган қофозни олиб уйда ётавермайлик, ҳаралат қилайлик, дедик. Мен Москвадан қайтгунимча Лариса Васильевнанинг кутубхонасида истиқомат қилдім, Валентин Сидоровнинг ижодий кечасида иштирок этдім...

1983 йили уйимизга Талъат Неъматуллин бир аёл билан келди. Кейин билсам, уларни Абай юборған экан. Бундан сал илгари: «Талъат сени кинога туширмоқчи», деб мени огоҳлантириб қўйган эди. У биринчи бор уйимизга келганида йигирма-үттиз сўм пул билан ёғ-поғ олиб келганди. Сўнг Қорасувда Талъатдан соат, узук олдик... Бир гал Талъатнинг жинси шимини ҳам олиб қолганман...

Судья: — Вильнюсга нима мақсадда келдингиз?

Мирзабой: — Менга Калинаускас телефон қилиб, меҳмон булиб кетишимни илтимос қилди. Мен: «Бориши-бормаслигим Абайнинг ихтиёрида», — дедим. Сўнг Рамуте 2000 сўм пул олиб келди. Абай мени кургиси борга ўхшайди, деб ўйлаб ойимни эргаштириб йўлга чиқдим.

Вильнюсга келгач, Андрюснинг уйида меҳмон булиб ётавердик. Илгаридан таниш-билиш бўлган кишилар келиб-кетиб туришди. Улар олдимга даволаниш учун келишмаган эди. Мен ҳадя қилган пулларини олганим йўқ. «Вильнюсда пул олмайман, ҳали худо билади, ўз пулим ўзимга буюрадими-йўқми», дедим уларга.

Энди билсам, бу одамларнинг ҳаммаси мени алдаб юрган экан, «идора очамиз», деб бошимни ай-

лантиришибди. «Идора»нинг очилиш-очилмаслигига шубҳа қиласардим. Биз Вильнюсда доим ичиб юрдик.

Судья: — Пестрецов, Бушмакин, Седовлар Вильнюсга нима мақсадда келишди?

Мирзабой: — Улар мени қора қилиб келишган... Очилажак «идора»га пул тўплаш учун келишган. Абай мени ҳукуматга ёмон кўрсатиш учун юрган одам экан...

Судья: — Юркусни қайта калтаклаш учун уларни ким юборди?

Мирзабой: — Абай юборди. Нимага эканини ким билсин, улар Юркусни калтаклаб, иштонини олиб келишибди...

Судья: — Мураускасни танирмидингиз?

Мирзабой: — Уни аввалдан танирдим. «Илгарилари пул бериб туарди. Энди бермайдиган бўлиб қолди, шунинг учун урамиз», дейишиди. Мен: «Кўйинглар, урмайлик, тагин ўлиб қолмасин», — дедим.

Судья: — Нега?

Мирзабой: — Бу гапни худо кўнглимга солди...

* * *

Мирзабой судда ўзининг ижтимоий келиб чиқшини узук-юлуқ гапирса ҳам, аммо кўнглида бор гапни тугал тўкиб согиси келаётгани маълум бўлди. Ҳар қалай, у ақли етганча, бор воқеани судга тушунтиришга ҳаракат қилди, бу қилмишларини иложи борича худонинг бўйнига қўйишга уринди.

Судья: — Талъатнинг ўлимига нима сабаб бўлди? Уни кимнинг буйруги билан кимлар калтаклашди?

Мирзабой: — Уни ҳамма калтаклади. Ҳамма иш худонинг хоҳиши билан бўлди.

Судья: — Худонинг хоҳиши биланми ё Абайнинг буйруги биланми?

Мирзабой: — Бунинг ҳаммасини Абайга ҳам, менга ҳам худо буюрган. Мен худонинг қарғиши теккан одам эканман. Нега бундай қилдим, деб ҳозир худони ҳам ёмон кўриб ўтирибман...

Судья: — Бу фожиали ўлимга, қилинган жиноятта қандай қарайсиз?

Мирзабой: — Энди пушаймон қилиб ўтирибман. Худонинг хоҳишини қиласман деб... Агар ихтиёrim ўзимга тегса, сира ҳам авлиёга бормасдим, садақа сўрамасдим.

Прокурор: — Йўллининг кетида дарвишлик қилиб юрганингизда, уйингизга турли одамларни тўплаб, «идора» учун пул тўплаганингизда, хуллас, одамларни алдаб юрганингизда, бунинг оқибати ёмон бўлишини ўйламадингизми?

Мирзабой: — Худо менинг кўзимни боғлаб, кўрқилиб қўйган экан. Бу гапларнинг оқибатидан энди кўрқиб ўтирибман. Мен фақат пул тўплашнигина билганман. Келган аёллар билан яшаб, пулини олаверганман... Бошқа нима бўлганини худо билади.

Судья: — Биз худони суд қилаётганимиз йўқ... Сиз ўз қилган ишларингизга жавоб беринг. Султон Вайис бобо зиёратгоҳига бормаган кунларингда қандай кун кечирдинглар?

Мирзабой: — Емак-ичмакларимизни илгаридан ҳозирлаб қўярдик. Бозорга бориб дўкондорлардан бирон егулик сўрасак, жон-жон деб беришади, текин беришади... Фақат арақни сотиб олардик...

Судья: — Арақни келганларнинг пулига сотиб олгансизларми?

Мирзабой: — Пулни садақадан топдикми ё бирордан олдикми, бу билан ҳисоблашмасдик, сарфлайверардик. Арақни ҳам худо етказган пулга олардик...

Судья: — Худонинг пули йўқ-ку?

Мирзабой: — ...

Оқловчи: — Абайдан нима учун қўрқардингиз?

Мирзабой: — Бошим ишламайди-да! Ёмонлигидан қўрқанман.

Эксперт: — «Идора» деган гап кимдан чиқди?

Мирзабой: — Абай, Володя Пестрецов, Игорь Николаев, яна бошқа одамлардан.

Эксперт: — Абайни ким деб ўйлайсиз? У ҳақда фикрингиз қандай?

Мирзабой: — Танишганимдан сүнг уни энг билимдон дарвиш, деб ўйлаганман, у билан оғайни бўлиб, борди-келди қилганман...

Суд давом этаётган кунлардан бирида, аниқроғи 25 август куни тилмоч Ҳосилбек Мұхамбетқалин нима сабабдандир келмай қолиб, камина тилмочлик қилишга мажбур бўлдим. Панжара ортидаги қора курсида ўтирганлар олдида, ўтган икки соат мобайнида, мен бу газандаларнинг «устози», қолаверса, «очил дастурхони» ҳисобланган тутуриқсиз, бунинг устига қўрқоқ бу кимсанинг қандай қилиб ўқимишли одамларнинг инсончини қозониб олганига ҳайрон қолдим ва буни бир қадар тушунгандай ҳам бўлдим. Мирза чин маънодаги ўзича бирон нарсага ақли етмайдиган, бирон қарорга келолмайдиган, ақл-фаросатини пул, мол-дунё тониш хаёли кемириб ташлаған, ким нима деса, шунга орғашиб кетаверадиган одам экан. Шунинг учун бўлса керак, «ўқимишилилар» ўзларига бундан ҳам ортиқроқ мақма «пайғамбар» топа олмаганлари учун буни танишган бўлса ажаб эмас...

МУРАББИЙ...

Владимир Пестрецов болалик чоғларида кўп касал бўлгани учун ўзини ожиз ва нимжон ҳис қиласарди. Қувватга кириш учун у қанақа машқлар билан шуғулланмади дейсиз! 70-йиллари хатха-йога, сүнг каратэ билан шуғулланди. У Тальят Неъматуллин билан бирга 1977 йили Герман Попов секциясиға икки йилча қатнади, Толстяков орқали Абай билан танишди. Пестрецовни аутотренинг, «ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўзини ўзи идора қила билиш, мослаша билиш», психотренинг

хамда Шарқ маданияти қизиқтирап эди. Москвада даволаниб юрган қирғиз йигити Абай унга Шарқ маданиятининг ноёб нусхаси булиб күринди-ю, у билан дўст тутинди. Ана шундан сўнг Пестрецовнинг уч хонали хонадонининг эшиги Абай учун ланг очилди.

Пестрецовнинг қўлида экземаси (тери касаллиги) бор эди. У қўлини ҳар хил йўл билан муолажа қилиб кўрди, барибир эм бўлмади.

— Бу касалликни мен эмлашим мумкин, — деди Абай. Дастреб, унинг қўлини биомассаж йўли билан экстрасенсорик даволашга ҳаракат қилди. Лекин натижа бермади... Сўнг 1980 йили Пестрецов тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишидан олдин, Абай яна уни биомассаж қилди. Бу «табаррук зот»нинг қўли енгил келишини қарангки, Владимир Пестрецов ўзини қушдай енгил ҳис қилди, ҳаш-паш дегунча диссертациясини ҳам ҳимоя қилиб олди. Иззат-икром билан илмий-текшириш институтига ишга жойлашиб кетди.

1981 йили у Абай орқали яна бир «ўтқир» экстрасенс — Мирзабой билан танишиш шарафига муваффақ бўлди. «Дастреб Ўрта Осиёга келганимда, бу ерликларнинг ҳаёт тарзини, Мирзанинг турмушини, экзотикасини кўриб лол қолган эдим, — деб эслайди Пестрецов. — Мен Мирзани худди Жуна каби, ҳатто, ундан ҳам кучлироқ истеъдод эгаси, деб ўйладим.

Судья: — Мирзанинг қудратини қандай сездингиз?

Пестрецов: — У оқ товардан юпқа кийим кийиб олган, меҳмондўст, оққўнгил одам экан. Шундай бўлишига қарамай у: «Ленинча ишлаб, ленинча яшанг», — дерди...

Судья: — Мирзанинг ўзи 1971 йилдан бери ишламайди-ю, сизга меҳнатсиз даромад қилиш йўлларини ўргатдими?

Пестрецов бу саволга жавоб беролмади.

Пестрецов: — Олдига иккинчи бор келганимда, уни узокдан кўп кузатдим. У ҳакда овулида анчаги-

на қизиқ афсоналар, миш-мишлар тарқалган экан. Мен уни Хўжа Насриддинга ўхшаган, ўз овулининг оққўнгил кишиларидан бўлса керак, деб ўйладим.

Сўнг Пестрецов Мирзабой билан қандай дўст тутиngанини, унинг файритабий фазилатларини, ўзи раҳбарлик қилган каратэ секциясининг собиқ аъзоси ҳақида батафсил гапира бошлади. У собиқ шогирдларини олдига чақириб: «Агар ҳақиқатан кучли каратэчи бўлгиларинг келса, унда Берунийга, Мирзабойнинг олдига боришлиринг керак», деб йўл-йўриқ кўрсатди. Баъзи ёшларнинг ота-оналари бу гапдан норизо бўлдилар. Бироқ, Пестрецов ўша норизо ота-оналар билан яккама-якка гаплашиб, уларнинг ҳам рухсатларини олишга муваффақ бўлди.

Мирзабойнинг олдига келган ёш ўспириналар бутунлай ўзгариб қайтишди. Улар ўзаро фикрлашувларда Мирзабойнинг турмуш тарзини кўкларга кўтариб мақташарди. Илгарилари очиқ кўнгил, шўх-шаддод юрадиган болалар энди «ичимдагини топ» бўлиб қолиши. Ҳатто, Дима Д. деган бола ўзича алоҳида овқат ҳозирлаб, Мирзабой ҳадя этган ҳассасини уйининг бир бурчагига қўйиб, шунга сажда қилиш дарајасигача бориб етди. Уларга ота-оналари айтган гаплардан кўра, Мирзабой билан Абайнинг айтганлари муҳимроқ эди.

Пестрецов эмлашнинг психотехник усулларини ўрганиши олдига мақсад қилиб қўйди. У Абайнинг маслаҳати билан уч хонасининг бирини буддавийлик динининг талабларига мувофиқ қизғиши рангда безаб чиқди, деворларига Будданинг суратларини илиб қўйди. Хона деворларини қизғиши матолар, бўёқлар билан бешинча литвалик рассом Арвидас Янкаускас жонбозлик кўрсатди (Арвидас Янкаускас ушбу суд жараёнида жабрланувчи сифатида гувоҳлик берди). Пестрецов Абайнинг собиқ дўсти сифатида Мирзабойнинг обрусини ошириш борасида Москвада катта хизмат қилди, ўзининг собиқ шогирдларини Мирзабойга куллик қилиш дарајасигача олиб келди. Улар, ўз навбатида, топган-тут-

ганларини Берунийдаги Мирза «пайғамбар»нинг қўлига олиб келиб беравердилар (Григорий Бушмакин қурилиш отрядида топган 370 сўмни ҳам ўз қўли билан Абайга берган).

Судья: — Шахсан ўзингиз Абай билан Мирзага қанча пул ҳадя қилдингиз?

Пестрцов: — Абай қийин аҳволга тушиб, отонаси билан уришиб, аспирантлик чоғида бошқалар билан келишолмай юрган пайтларида 100 сўм берган эдим. Шунингдек, Мирзага ҳам 100 сўм бердим. Сўнг «идора» учун деб ҳам 400 сўм бердим...

Судья: — Ўзингиз тарих фанлари номзоди бўлатуриб, «лаборатория»нинг очилишига ишондингизми?

Пестрцов: — Очилиши мумкин, деб ўйладим. Аммо, унга Абайнинг раҳбарлик қилишига ишонмадим. Чунки, назаримда, бунга фан номзоди даражасидаги одам раҳбарлик қилиши керак эди. Балки, ўшанда Абайни аспирантликка олса бўларди... Одамлардан олинган пуллар очилажак лаборатория учун давлат маҳсус пул ажратгунча асқатса керак, деган хаёлга бордим...

Пестрцов каратэчи шогирдларига устоз саналгани билан, ўзи «баланд мартабали» Мирзабойнинг шогирди эди. Мирзабойга кўрмана тариқасида пул беришни ҳам шогирдларига унинг ўзи уқтирган эди... Мирзабойнинг одамларни анҳорда қип-яланғоч чўмилтиришини Пестрцов ўзича: «Бу усул одамларни психотерапик жиҳатдан чиниқтиради», деб исботлайди. «Мирза билан учрашган чоғингда бутун диққат-эътиборингни унинг ҳаракатларига қаратишинг керак. Унинг ҳар бир ҳаракатида яширин бир маъно бор», деб таъриф қиласи Пестрцов. Мирзабойнинг экстрасенслигини, «Мирзанинг қўлидан ичилган арақ ёки унинг кўз олди-да ичилган арақ минг бир савоб, у ичу бағрингни ағдар-тўнтар қилиб юборади. Чунки, Мирза у арақقا ўзининг биоэнергиясини сингдиради...»

Судья: — Вильнюсга сизни ким чақирди?

Пестрцов: — 1985 йилнинг бошида Абай менга телефон қилиб, роса калтаклашганини, ҳатто пичоқ билан қўрқитишганини айтди. Мен Болтиқ бўйидаги баязи одамлар уни калтаклашганини сезиб, олдига боришга қарор қилдим. Чунки, ундан ажраб қолгим келмади. Бундай истеъодли одам билан энди бу дунёда ё дуч келаман, ё келмайман, деб ўйладим. Шундай қилиб, Абайга жисмоний ёрдам кераклигини ҳис қилдим. Лекин у кейинроқ яна телефон қилиб, ёрдамимга унчалик муҳтож эмаслигини айтди.

Февраль ойининг бошларида Рамуте: «Абай сени тез стиб келсин» деяпти, деб хабар қилди. Янглишмасам, жума куни эди, шанба куни Вильнюсга етиб бордим...

Пестрцов Вильнюсга келганида шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига жойлашган 49-«а» уйнинг 44-хонадонида, яъни Андрюс Калинаускаснинг уйида Мирзабой (онаси билан), Бушмакин, Седов ҳамда Абайлар бор эди... Улар Абайнинг топшириғига биноан устозга қингир қараган одамлардан ўч олишни бошлаб юборишиди. Арвидас Белтрунас ўз аёлини Абайга ишонмагани учун етти марта таёқ еди. Арвидас Янкаускас пул бермагани учун ўлгудай калтакланди. Римас Юркус ҳам (у Воверяйчай қишлоғида бундан уч-тўрт ой муқаддам Абайни ўз уйида асраган эди) устозларга тегишли харж пулинни бермагани учун жазосини олди. Шилуталик Сергей Поцюк (Геюс) Мирза деганда жонини беришга ҳам тайёрлардан бўлишига қарамай, унинг суратлари билан хатларини қайтариб бераётib роса калтак еди. Абайнинг ўчини олиш гуруҳини собиқ мураббий Пестрцовнинг ўзи бошқарар эди... Эндиги калтак ейиш навбати Валентас Мураускасга келганди, чунки у Абайни эмас, Мирзабойни устоз сифатида тан оларди, бунинг устига у «марtabали устозлар»га пул бермай қўйган...

Судья: — Мазкур жиноий ишдан кейин ҳам ўзингизни алданган, деб ҳисоблайсизми? Экстресенслар хақида фикрингиз қандай?

Пестрцов: — Мен жуда афсус қилиб ўтирибман. Бу оғир йүқотиш бўлди. Менда энди Абай билан Мирзабойларнинг экстрасенсорик қобилиятига шубҳа пайдо бўлди... Аммо, тергов ишларидан шу нарса маълум бўляптики, Мирзабойни психолог эмас, дейишга асосимиз йўқ...

Судья: — Сиз унга ҳали ҳам ишонасизми?

Пестрцов: — Мен Мирзабойни алдамчи, аферист деганларига қўшилмайман, чунки унинг ўзи алданган одам.

Прокурор: — Сиз ўспириналарга устоз сифатида қандай тарбия бердингиз?

Пестрцов: — Мен уларга Мирзабойнинг кароматлари ҳақида гапириб бермаган эдим. Лекин уларни Мирзабой билан Абайга таништирганим учун ўзимни айбор ҳисоблайман...

Оқловчи: — Сиз ҳозир ҳам Мирзабойнинг таъсирини сезиб, ё Абайдан кўрқиб ўтирганингиз йўқми?

Пестрцов: — Йўқ.

Оқловчи: — Нуқул Абай билан Мирзабойни фош қилувчи фактлар ёдингиздан чиқиб қолаверади. Бу ҳодиса ҳали ҳам уларнинг сизга бўлган таъсири давом эттаётганини билдирамайдими?

Пестрцов: — Йўқ.

Оқловчи: — Мирзабойнинг ўзи-ку бир саводсиз одам, ундан қандай қилиб бирон каромат чиқиши мумкин?

Пестрцов: — Мирзабой баъзан одамнинг ақли бовар қилмайдиган гапларни айтиб юборади... Унда психонормал етишмовчиликлар эвазига қандайдир истеъдод кучи ривожланган...

Эксперт: — Абайда Неъматуллинга ёки Мураускаста нисбатан қизғанчилик ҳисларини сезмадингизми?

Пестрцов: — Абай «Мирзанинг олдига ким бориш-бормаслигини Мураускас ҳал қиладиган бўлибди», деди. Шу гапга қараганда, Абайда қизғаниш ҳисси пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Чўлпон Нематуллина (Жабрланувчи сифатида): — Каратэ усули билан урган пайтда, бальзан одам аъзоларини шол қилиб қўйиш мумкинлиги ҳақидаги тап сизга маълуммиди?

Пестрецов: — Йўқ.

Мана, Владимир Пестрецов бўлиб ўтган иш учун афсусланиб ўтирибди. Лекин, кўриниб турибдики, унинг виждони ҳалиям «мирзачилик»дан қутулолмаётгани сезилади...

ТАРБИЯ САБОҚЛАРИ

Айбдор Игорь Седовнинг терговга илгарироқ берган жавобидан:

— Отам автомобиль фожиаси туфайли нобуд бўлгандан сўнг, мен кекса бувим билан онамнинг қўлида қолдим. Онам қайта турмуш қуриб кетди. Ўгай отам учувчи бўлиб, у билан сира ҳам дўстлашиб кетолмадик, чунки у муттасил ичарди. У билан бирга яшаган онам ҳам ичадиган бўлиб қолди. Ўгай отам ва онам бошқа шаҳарда, мен эсам бувимнинг қўлида, унинг озгина пенсияси ҳисобига кун кечира бошладик...

...1978 йили еттинчи синфда ўқиб юрган кезларимда болалар ўртасида каратэ билан шуғулланиш мода эди.

Мен ҳам Пестрецовнинг тўгарагига қатнай бошладим. Чунки, ташқи кўринишдан гўзал, кучли бўлгим келарди. Пестрецов бизга жисмоний машғулотлар ўтказиш билан бирга, турли рисолалар берар эди. Уларни қизиқиб ўқир эдик. Биз каратэнинг энг гўзал тури ҳисобланган — «Ва-дарю» билан шуғулланардик. Машқларимизни бир-биrimizга қўл теккизмаган ҳолда ўтказардик...

Пестрецовни устоз сифатида «Син-сей» деб атардик. Таомилга кўра, биз унинг буйруқларини икки қилмаслигимиз, унга ойига ўн сўмдан пул тўлаб туришимиз керак эди. Пестрецов каратэ санъатининг ик-

кинчи даражасига түғри келадиган — «сариқ белбог», биз эса биринчи даражасига мос — «қора белбог» унвонларига сазовор бўлдик. Аммо бу унвонлар бирон жойда қайд этилмаганди.

1981 йили каратэ машфулотларимиз тўхтатилгандан сўнг, бир куни Пестрецов болаларга телефон қилиб, Шарқ маданияти музейи олдига тўпланишимизни айтди. Кейин у одамда бизга экстрасенсорик қобилият мавжудлиги ва бу қобилият билан инсоннинг мавжуд имкониятларини янада ошириш мумкинлиги ҳақида гапириб берди. Бу ҳақда илгарилари ҳам бир-икки бор айтган эди. Сўнг бизни Шарқ маданияти музейига олиб кириб, Шарқ рассомларининг асарларига синчиклаб қарашимизни сўради. Чунки, Пестрецовнинг гапига қараганда, уларда кўзга яққол ташланиб турган тасвирлардан ташқари турли-туман кўз илгамас ҳуфия маънолар ҳам бўлармиш...

Шу учрашувдан сўнг биз Пестрецовнинг уйига қатнай бошладик. У бизга турли динлар: буддизм, христианлик, ислом динлари ҳақида гапириб берди. Бундан унинг муроди бизни у ёки бу динга тортиш эмас, балки ўша динларнинг маъно ва мақсадларини тушунишидан иборат эди. Бизнинг бу ерда учрашувларимиздан мақсад — ҳар ҳолда, каратэ билан шуғулланганимиздан сўнг, Шарқ маданиятлари билан ҳам танишиб қўйишимиз керак эди. Негаки, каратэнинг ўзи Шарқдан келиб чиқсан. Пестрецов динлар ҳақида гапирап экан, йўл-йўлакай уларни танқид қиласар, диндорларнинг урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилиб берарди. Шу аснода мен Жуна ҳақида иккита мақола, Николай Рерихнинг Ҳиндистон ҳақидаги мақоласини, Валентин Сидоровнинг Шарққа бағишлиланган шеърларини ўқиб чиқдим. Пестрецовнинг айтишича, ҳар бир одам руҳий ва экстрасенсорик имкониятларга эга. Бу гапни ўқиган мақолаларимиз ҳам тасдиқларди. Узлуксиз шуғуллансак, машқ қилсак, фалсафий ўйлаш қобилиятимизни ҳам ривожлантиришимиз мумкин эди. Шун-

дай қилиб, Пестрецовнинг уйида эшитган гапларим мен учун янгилик эди. Худди шуниси билан у мени ўзига тортди. У мана шу тарбиявий ишларни бошлаши билан «гур» (ҳиндча, «устоз») деб атала бошланди.

У сўғизм ҳақида ҳикоя қиласкан: «Баъзан ҳаётда шундай бўладики, ўз ота-онангта ҳам маъқул бўлмайдиган ишларни қилишга тўғри келади. Бундай пайтларда ҳеч иккиланмай, ўзлигингча бир қарорга келишинг керак», дерди. «Гур»нинг топшириқларини сўзсиз бажаришимиз керак эди. Мен шундай қилдим — айтган гапларини, буйруқларини тўла бажарив келдим...

Машғулот ўтказаётган пайтларда Пестрецов Абай билан Мирзаларнинг номини тез-тез тилга олар, ўзини уларнинг шогирдиман, деб таъкидлар эди. Бир куни машғулот ўтказаётганимизда қорачадан келган шарқлилар бир одам келиб ўтирди. Машқларимизни томоша қилиб, индамасдан чиқиб кетди. Кейин билсан, ўша одам Абай экан.

1982 йилнинг январида Пестрецов бизга, Қорақалпогистонга бориб келсаларинг яхши бўларди, деб маслаҳат берди. Бувимдан рухсат сўрашим шарт эмасди, чунки стипендиямдан жамғариб юрган пулим бор эди. Биз етти киши эдик, олти киши йўлга чиқдик. Пестрецовнинг ўзи эса, «ишимдан рухсат тегмади», деб бормади. У берган манзилга мувофиқ биз Мирза билан Абайни осонгина топдик. У ерда Литвадан келган бир ёркак билан аёл ҳам бор экан. Борган кунимиз Мирза бизга вино қуиб, меҳмон қилди. Бу менинг ҳамда мен билан бирга келган болаларнинг биринчи марта спиртли ичимлик ичишимиз эди.

Сўнг кундузи Мирзага эргашиб бозорга бордик, у одамлардан садақа сўради, биз унинг кетида эргашиб юрдик. Мирзанинг туппа-тузук одам эканлиги, унинг космосга алоқаси борлиги ҳақида Пестрецов илгарилари ҳам бизга айтган эди. Шунинг учун унинг тайритабиий ҳаракатларини, садақа сўрашларини «шундан бўлса керак» деб тушундик, унга ажабланганимиз ҳам йўқ. Мирза бизни табаррук жойга — Султон

Вайис бобо зиёратгоҳига олиб борди, у ерда ҳам садақа тұглади.

Бошқа пайтларда биз Мирзанинг уйида бўлиб, Абай билан гурунглашдик, унинг гитарада чертган қуйларини тингладик. У гитарани ўринлатиб чалар эди. Ўзининг гапига қараганда, илгарилари қирғиз радиоси оркестрида ҳам иштирок этган экан. Гапларидан Шарқшунослик институтида ишлашини, ҳозир меҳнат сафарида юрганлигини, Мирза ҳақида илмий асар ёзаёттанини билиб олдик. У сўзини тугатар экан, бизга «Оғонёк» журнали муҳаррирининг хатини кўрсатиб, журналда чоп этилган Порфирий Иванов ҳақидаги мақолани ҳам берди. У ўзи ҳақида бошқа гап айтмади.

Пестрецов эса Абайнинг ўзи ҳам эмлаш қобилиятига, узоқдан туриб одамларга таъсир эта олиш кучига эга эканлигини гапириб берган эди. Абай биз билан ўз тенгқурларидай гаплашди. Мирза фақат ўз она тилидагина гапирав, унинг гап-сўзларини Абай бизга таржима қилиб турарди. Биз Мирзанинг уйида уч ҳафтача яшаб, уч марта арақ ичдик, сўнг қайтиб кетдик.

Шу сафаримиздан сўнг, биз Пестрецовнинг олдига каратэга оид машқларни ўтказиш учун эмас, балки уни бизга йўл-йўриқ кўрсатадиган, маслаҳат берадиган оқсоқол ўрнида кўриб келадиган бўлдик. Болалар оиласида бирон келишмовчилик бўлиб қолса, ундан келиб маслаҳат олар, шу маслаҳатга кўра иш тутишар эди. Шундай қилиб, унинг уйида ичишни давом эттирдик. Сабаб борми-йўқми, суриштиrmай ичавердик. Илгарилари бунақа одатимиз йўқ эди.

Бир гал Пестрецов бизга Ражнеш деган бир муаллифнинг қўллөзмасини бериб: «Мана буни ўқинглар, Фарbdаги диний оқимлар ҳақида ҳам билиб қўйсаларинг, фойдадан холи бўлмайди», деди. Пестрецовнинг гапига қараганда, Ражнеш олдин Ҳиндистонда яшаган экан. Уни алдамчиликда айблашгандан кейин Америкага кетиб қолибди. Ражнеш АҚШнинг бир штатига макон қуриб, ўзини «худонинг ердаги вакили», деб

ълон қилибди. Мен унинг қўлёзмаларини ўқиб кўрдим. Эсимда қолгани шу бўлдики, Ражнеш барча динларни танқид қилиб, инсонни исканжага оладиган, тушовлаб қўядиган дин занжирларини узиб ташлаш, инсон нимани хоҳласа, нимадан роҳатланса, шуни қилиши лозимлигини гапиради. Мен кейинчалик Пестрецов тарғиб қилаётган нарсалар коммунистик тушунчамизга ёт фикрлар эканини тушундим.

Қорақалпогистонга бормасимииздан илгари ҳам Пестрецов бизга Мирза билан Абайни қўрибгина қолмай, ғалки уларнинг айтганларини қилишимиз лозимлиги, өзининг шундай «улуг зот»ларга шогирд тушишдек өвхтга муюссар бўлганимизни айтган, биз Абай билан Мирзанинг айтганларини сўзсиз бажарсаккина мақсадга ғришишимиз мумкинлигини алоҳида таъкидлаган эди. У мисол тариқасида Радий Фишнинг Жалолиддин Румий ҳақидаги китобини тилга олди. Пестрецовнинг гапига қараганда, Жалолиддин Румий ўзининг руҳоний акаси ва бошқа дин арбобларининг айтган гапларини иккиланмай бажаргани учун буюк инсон, улуг шоир бўлиб етишибди. У яна Ражнешнинг «санъясин» (шогирд)лар фақатгина устозларининг айтганларини қилсалар, уларга ихлос кўйсаларгина ёмон одатшардан, эскича қараашлардан фориғ бўлармишлар, деган таълимотини ҳам бот-бот такрорларди. Шунинг учун бўлса ажаб эмаски, биз Мирза билан Абайни кўрмасдан турибоқ, уларга муносиб шогирд бўлишга тайёр эдик. Бунинг устига Пестрецов бизга Абай билан Мирзанинг Ражнешдан ҳам буюкроқ кароматга молик одамлар эканини айтган эди. Биз эса руҳий қобилиятилизни ривожлантириш, биомайдон, экстрасенсорик фазилатларга эга бўлиш учун уларнинг оёқлариға йиқилишга ҳам тайёр эдик.

Пестрецовнинг уйида учрашувларимиз 1983 йилнинг 11-мартиниң қадар давом этди. Баҳорги сессиямиз тугагач, шундай қилиб, Мирзаникига борсак, у ерда Абай ҳам ўтиришадиган

ган экан. Пестрецов бу гал ҳам «ишимдан рухсат беришмади», деб бормади.

Бу гал Мирзанинг уйида тинмай ичдик. Мирза чала русчалаб: «Ичларинг, бошларинг ёзилади» дегач, эрталаб киши бошига бир шишадан отиб олиб, бозорга ё Султон Вайис бобога борардик. Мирза садақа йигади, биз унинг халтасини орқалаб юрамиз, унга чой қайнатиб берамиз. «Қирқ даража иссиқда ичмасликнинг иложи йўқ, арақни Мирзанинг қўлидан ичиш керак, чунки у арақча биоэнергия сингдириб беради», деб ўйлардик. Абай бўлса бизга ҳам турли диний, руҳоний одамлар ҳақида ҳикоя қилиб берарди. Жумладан, Султон Вайис бобо ҳақида, унинг руҳонийлигини, турмуш тарзини, одамларни қандай эмлашини ҳикоя қиласарди. Гапига қараганда, бир куни унга Мұхаммад пайғамбар аён берибди-ю, шу-шу одамларнинг ичидаги ўй-фикрларини биладиган авлиёга айланиб қолибди.

Қорақалпогистонга иккинчи гал борганимдан сўнг, энди ақлим етяпти, феъл-авторим ҳам ўзгариб кетди, гўё мен учун дунёнинг қизифи йўқдай, миқ этмай ўзим билан ўзим якка яшагим келади. Буни бувим ҳам сезиб қолибди чоғи, бир куни юзимга солди. Ҳақиқатан, мен илгарилари ёшимга мос равишда, чақнаб, яйраб яшардим, мактабнинг, кейинчалик билим юртининг жамоат ишларида актив иштирок этардим, театр, кино, концертларга тез-тез бориб турадим... Мирзанинг олдига икки марта борганимдаёқ буларнинг ҳаммаси дунёнинг чиркин эрмаклари бўлиб туюла бошлади. Хаёлимни фақат биоэнергия, экстрасенсорика ва у билан боғлиқ нарсалар банд қилиб ола бошлади. Нега бунчаликка бориб қолганимни ҳозир ҳам тушунолмайман.

Мирзанинг уйида бўлганимизда биз ундан қандай қилиб башорат қилишини, яъни одамнинг ички дунёсини қандай кўра олишини, ўзга одамларнинг фикрини қандай «ўқий олишини» кўрсатишини илтимос қиласарди. Бироқ, у бизга ҳеч қанақа каромат кўрсатолмади. «Бу гапни Абайга айтинглар, чунки у дирек-

тор», деб жавоб қилди. Ўша пайтлари Абай ўзини Мирзанинг шогирди ҳисоблагани билан юриш-туришидан, ўзини тутишидан унинг хўжайини эканини билиб олиш қийин эмасди.

Биз Пестрецовнинг уйига тўпланганимизда Мирза билан Абайни тез-тез эслаб турардик, айниқса, Мирзанинг файритабиий ҳаракатлари ёдимизга тез-тез тушарди. Бизнинг сафимизга Александр Корнеев билан Лена Ивашина келиб қўшилди. Улар экстрасенсорика, биомайдон ҳақида биздан кўра кўпроқ билишарди. Кейинчалик биз Пестрецовникига эмас, Корнеев билан Ивашиналарникига тўпланадиган бўлдик. Бу уйнадар Литвадан Қорақалпогистонга, яъни Мирзанинг олдига борадиган зиёратчиларнинг карvonсаройига айланди. Вильнюсдан, Литванинг бошқа жойларидан куплаб одамлар кела бошлади. Биз Мирзанинг олдига бораётган ёки унинг олдидан қайтаётганлардан янгиликларни билиб олишга ҳаракат қиласди.

Мирзанинг олдига бориб келганимдан сўнг мен ўзим билан бир фикрдаги одамлар мулоқотида бўла бошладим. Корнеев билан Ивашиналарникига ташриф буорганимизда биз пул тўплаб, арақ ичардик, Абай билан Мирзаларнинг соғлифи учун фойибона қадаҳ кутардик. Литвадан келган меҳмонларнинг ёдимда қолтанилари: Игорь Николаев-Калинаускас, Сергей ҳамда Моника Поцюклар, Андрюс Калинаускас, Рамуте, Нисла деган қиз эди. Ўша учрашувларда Ражнешни овоз чиқариб ўқиб, кўкларга кўтариб мақтардик. Унинг айтганлари ҳаммамизга маъқул эди. Лекин мен шахсан унинг сексологик озодлик ҳақидаги таълимотига қарши ёдим, чунки мен жинсий бузуқликка бутунлай қаршиман. Бу йиғилишларда ҳар қайсимиз яrim шишадан арақ ёки шампань виноси ичар эдик. Мен 1983—84 йиллари икки марта Вильнюсга бориб келдим. Андрюснинг, Еванинг уйларида меҳмон бўлдим. Бу учрашувлар ҳам ичкиликсиз ўтгани йўқ.

Бу пайтларда бутунлай индамас бўлиб қолдим, менда қандайдир диний тушунчалар ҳам пайдо бўла

бошлади. Тұғри, мен ҳеч қанақа худога ишонмас әдим. Аммо, илгаригидай бирон-бир нарсага ишониш, әътиқод қүйиш каби фазилатларимдан айрилдим, ҳатто институтдан ҳам күнглим совий бошлади. Шунинг нағиаси бўлса керак, баҳорги сессияда икки имтиҳондан йиқилдим...

1984 йили баҳорда Абай билан Мирзани кўргим келиб қолди. Уларни Ўш атрофидаги Қорасув қишлоғидан топдим. У ерда Абай, Мирза, тағин йигирматача ливаликлар бор экан. Кейин Талъат Неъматуллин хотини Венера (Чўлпон) билан келди. Биз ҳаммамиз аллақандай тирик «пайғамбар» — И smoил ҳалфа деган одамницида яшадик. Бу ерда Абай раҳбарлик қиласарди: кимнинг дўконга бориб келишини, кимнинг бошқа иш билан машғул бўлишини фақат у ҳал қиласарди. Янги келган меҳмонга унинг биринчи саволи: «Чўнтағингда қанча пулинг бор?» деган савол бўларди. Бир куни Абай бизни тоққа таклиф қилиб, қандайдир бир мартағали зотнинг қабрига олиб борди. Мирза эса миқ этмас, агар гаплашгиси келса, Абай билан ўз тилида муомала қиласарди. Талъат Қорасувда, Ўшда ва яна бошқа жойларда томошабинлар билан учрашувлар ўтказиб, улардан тушган маблагни Абайга инъом қилиб турарди. Биз эрталабми ё кечқурунми, фарқига бормай ичавердик, ичавердик...

Кечқурунлари эса Мирза эркаклар билан аёлларни — ким-ким билан бирга ётишини ҳал қиласарди... У биздан қиз етаклаб келишимиз лозимлигини талаб қилди. Бир гал мен 1983 йилнинг ёзида Қорақалпогистонга ёлғиз борганимда, «нега қиз олиб келмадинг», деб ҳайдаб юборишига оз қолганди...

Қорасув қишлоғидан қайтганимиздан сўнг биз Мирза, Талъат (ва хотини) билан Ўшда Карим деган одамнинг уйида яшадик. Қорасувда ҳам, Ўшда ҳам мен ниҳоятда ўзимга эҳтиёт бўлиб юрдим. Абай айтганидек, руҳий жиҳатдан тартибни бузиб қўйишдан чўчишим. Бунинг устига, иссиқда арак ичиб, унинг кайфига

берилмаслигимиз керак эди. Шундай қилиб, руҳан чарчаб, Москвага қайтиб келдим.

1984 йилнинг кузида Лена Ивашина менга Гуржиевнинг «Ажойиб кишилар билан учрашувлар» деган китобининг машинкада босилган беш нусхадан иборат қўлёзмасини Вильнюсга, Андрюс Калинаускасга олиб бориб беришимни илтимос қилди. Пестрецовса, Литванинг Шилута районида Абай истиқомат қилаётгани, ким кўргиси келса, бориши мумкинлигини эълон қилди. Мен кўргим келиб, Вильнюсга жўнадим.

Йўл-йўлакай Гуржиевнинг қўлёзмасини ўқидим. Унда Ўрта Осиёдаги ақдли кишилар билан учрашувлар баён қилинган экан. Яна китоб муаллифининг инқилобдан илгари Петербургда «Инсонни гармоник жиҳатдан камолга етказиш институти» очганини, сўнг Туркияга, ундан кейин Америкага кетганини билиб олдим.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА:

Георгий Иванович Гуржиев Кавказда туғилган. Ёшлини жазира маʼнанинг шарқ мамлакатларида жаҳонга шашталалик билан ўтказган, сўнг Москвада мистик салон очиб, инқилюбдан сўнг Францияга кетган. Ўша ерда «Инсонни гармоник жиҳатдан камолга етказиш институти» номи билан коллежга ўхшашиб ташкилот тузиб, қирқинчи йилларнинг охирларида вафот этган. У одамларга одобли, иззат-икромли бўлиш каби умумий таълимларни тавсия этади. «Фақир йўли» (бадани камолга етказиш), «Роҳиб йўли», (ҳиссиятни камолга етказиш), «Йог йўли» (ақл-идрокни камолга етказиш) асарлари шулар жумла сидан. У ўзи тузган институтни бамисоли автомобиль тузатадиган устаҳонага ўхшатади. Унинг фикрича, одобли, иззат-икромли бўлишининг «техник кўриги» ҳам ҳар турли: машиналар ишда синалади, талабалар институтнинг ёрдамчи хўжалигига ишлаб синалади. Милли-

онерларнинг хотинлари, ёзувчилар ариқ қазиб, чүчқа боқиб синалади. Машиналарга вақти-вақти билан мистик ёқилги мойи қуйиб турилади ва ҳоказолар...

...Вильнюсга келиб омонатни Андрюснинг қўлига топширдим-у, Шилута қайдасан, деб йўлга тушдим. Шилутанинг Кинтай деган қишлоғидан Абайни топдим. У Астра деган одамнинг уйида уч-тўртта киши билан истиқомат қилаётган экан. У ерда ҳам роса ичдик. Уч кун ўтгач, Воверяйчай қишлоғига Юркусникига кетдик.

Бу ерда мутлақо Абайнинг ихтиёрида бўлдик. У одамларнинг ўзини қандай тута билишига қаттиқ эътибор берар эди. Шунинг учун ҳам гапини одамлар икки қиласа, у имо қиласа бас, «лаббай» деб жавоб беришга тайёр туришарди. У бизга ўзининг Буддага тақлид қилувчи одам бўлиб етишганини айтди. Москвага борганимиздан сўнг бир-биrimиздан хабар олмаслигимиз, унинг буйруғинигина кутишимиз, фақат ана шу буйруқни бажаришимиз лозимлигини таъкидлади. Москвага келганимиздан кейин, биз Абайнинг айтганини қилдик — бир-биrimиз билан учрашмадик...

1985 йил февралида юз берган барча жанжалларда, муштлашувларда фаол иштирок этдим. «Агар одам ўз гуноҳини тушунмаса, аввало, унга тушунтириш керак, — дерди Абай. — Ўшандада ҳам тушунмаса, уриб тушунтиришнинг зиёни йўқ. Борди-ю ўшандада ҳам тушунмаса, то тушунгунча калтаклаш керак». Биз Талъатни муштлаганимизда Абайнинг мана шу ақидасига амал қилган эдик. Талъат калтаклананаётганида биздан ялиниб кечирим суради, бироқ, Абайнинг буйруғи билан у ўзининг нима учун калтаклананаётганини тушунмагани учун уравердик. Энди Мураускас масаласига келсак, у Вильнюсда аллақандай бир гуруҳга раҳбарлик қилар экан. Бу гуруҳнинг нима билан шуғулланишини билмайман-у, бироқ бир марта Москвада учрашганимда ўзини ўзи камолга эриштириш борасида Абай билан тенглашиб қолганини айтган эди. Абайнинг айтишига қараганда, гарчи у Мирза билан Абай орқали танишган бўлса-да,

Экстрасенс сифатида Абайни эмас, Мирзани тан олишини маълум қилибди. Бундай ўзбошимчалиги учун Мураускас жазоланиши керак эди...

Мен илгарилари Абайни Пестрецов, Корнеевлар орқали таниган чоғларимда, уни таниқли Жунанинг устози сифатида алоҳида бир меҳр билан хурмат қиласр әдим. Энди эса... узоқ ўйлаб кўриб, унинг оддий бир алдамчи, муттаҳам эканлигига амин бўлдим...

ИНСОФСИЗЛИК

Андрюс туппа-тузуккина рассом эди. У болалигига йиқилиб тушиб орттирган бош оғрифига даво қидириб юриб, дори-дармонсиз эмлаш усуллари билан қизиқиб қолди. Ўзини экстрасенсларга кўрсатди. «Билим» жамиятида Игорь Николаев ўқиган маърузаларга, Литва Фанлар академияси қошидаги «Зодиак» клубига қатнади. Шундай юрган чогларида, 1982 йили йирик миқёсдаги экстрасенслар — Абай билан Мирзабой ҳақида хабар топди-ю, уларни бир кўриш иштиёқида ёнди. Орадан бир йил ўтгач, у бўлажак хотини Вильгельминани ҳамда унинг боласини олиб, Ўрта Осиё қайдасан, деб йўлга чиқди. Ўша келганида Вилиянинг боласини Мирзабойга кўрсатиб эмлатгиси келган эди, бироқ, у бу масала бўйича «директор»га, яъни Абайга учрашиши кераклигини айтди. Кейин Пестрецов билан бирга Москвага қайтиб келиб, Абайни атоқли шоирнинг уйидан топди. Абай ўзининг «билим»и билан Андрюсда тузуккина таассурот қолдириди.

Кейинчалик Андрюс ўзини ўзи камолга эриштириш учун психорегуляция масалалари билан қизиқиб, академик Спиркиннинг Жуна ва бошқа экстрасенслар ҳақидағи мақолаларини, маърузаларининг қўлёзмаларини ўқиди. «Билим» жамияти видеотекасидан Кулешова, Давиташвилиларнинг эмлаш усуллари ҳамда скапелсиз, яъни тифсиз операция қиласр ғилиппинлик жарроҳ табибларнинг фаолиятлари ҳақидағи

видеофильмларни томоша қилди... Шундай қилиб, у одамни камолга эриштирадиган «лаборатория»га ихлос қўя бошлади.

Биринчи борганидаёқ Мирзабойнинг кўзи Андрюснинг ҳамёнига тушди. Унинг ичида 100 сўм бор эди. «Ҳамёning яхши экан, менга совфа қил», — деди садақа сўрашга устаси фаранг бўлиб кетган Мирзабой. Андрюснинг бошқа иложи қолмаган эди, ҳамёнини сугуриб беришга мажбур бўлди.

Кейинроқ хотини Вильгельмина иқтисод фанлари номзоди илмий унвонини олиш учун диссертация ёқлашдан олдин «пайғамбар»дан фотиҳа олиш ниятида 700 сўм садақа берди. Мирзабойнинг «каромат»ини қарангки, Вилия диссертациясини осонгина ҳимоя қилиб олди...

Абай Литвада эканлигида (1984 йили) Андрюс ундан кўп нарса ўрганиб қолгиси келди. Буни қаранг, илгарилари уни қидириб Берунийга, Қорасувга борар эди, энди эса «бу ҳурматли зот» эшигининг олдига келиб турса-я! Қанчалар хурмат, савоб!

Абай Юркуснинг уйида тоби қочиб ётганида доридармон олиб борди. Кейинчалик, янги йил арафасида Абай Вильнюсга келди-ю, унга Андрюс уйининг тўридан жой ажратиб берди. Абай Мирзабойни кўргиси келганини шама қилганида, унинг меҳмондўстлигини эслаб, уларни меҳмон қилишга ўзининг ҳам навбати етганини ўйлаб, Берунийга телефон қилди-да, «ҳазрат»ни чақирди... Рамуте бориб Мирзабойни онаси билан бирга бошлаб келди. Андрюс буларга ҳам уйининг тўридан жой берди.

Судъя: — Мирзанинг келганидан қувониб кетган бўлсангиз керак?

Андрюс: — Мен келганига қувонганим йўқ. Биз унинг уйида талай марта меҳмон бўлгандик, энди мен ҳам бир меҳмон қилиб юборай, дедим. Улар беш-олти кун меҳмон бўлиб кетса керак, деб ўйладим.

Судья: — Уйингизга бирваракайига иккита экстрасенс меҳмон бўлиб келгани учун кайфиятингиз ҳам ошиб кетган бўлса керак-да, а?

Андрюс: — Йўқ.

Судья: — Нега? Ахир ўзингиз: «Мирзани кўрсам ўзимни яхши ҳис қиласман», — дедингиз-ку боя? Икки ёнингиздан икки экстрасенс таъсир қилиб турса, ахир лимогингиз чоғ бўлган бўлса керак?!

Андрюс судьянинг бу саволига жавоб қайтаролмади. Негаки, у ўша жиноят содир бўлган кечаси қўни-қўшниларнинг чақиришига биноан милиция келганида, уларни: «Хотиним диссертация ҳимоя қилган эди, ўшани юваяпмиз, меҳмонлар орасида озгина келишмовчилик юз бериб қолиб, жиндек муштлашишди. Ҳечқиси йўқ, ярашиб кетишади», — деб алдаб жўнатганди. Ўша пайтда калтак еб, ҳолсизланиб қолган Талъат ваннада ётган, ҳали ҳал қилувчи муштларни, тепкиларни емаган эди...

Кейинроқ Андрюс «Тез ёрдам» ходимларини ҳам аллади: «Кечаси у уст-боши қоп-қора қон бўлиб, кучадан калтак еб келди, ким уни бунчалик калтаклаганини билмаймиз», — деди безрайиб туриб.

Хуллас, Андрюс билан хотини тергов пайтида ҳар хил баҳоналар, ёлгон гувоҳликлар бериб, Мирзабой билан Абайга гард юқтиргиси келмади, уларни ҳимоя қилишди.

Прокурор: — Сиз гражданин, эркак киши, қолаверса, шу оиланинг бошлиги сифатида Талъатни ураётгандарни тўхтатишингиз, орага тушишингиз мумкин эди-ку?

Андрюс: — Мен бунчалик бўлишини ўйламовдим.

Оқловчи: — Сиз бор гапни кимга, қачон айтдингиз?

Андрюс: — Ўша куни шифокорларга «Талъат кўчада калтак еб келди», деб ёлғон гапирдим-у, аммо милицияя ҳамма ҳақиқатни айтиб бердим.

Андрюс Калинаускас жиноятнинг изини йўқотмоқчи бўлиб, қонун органларини чалғитганликда айбланаётган эди...

ОНАНИНГ КҮНГЛИ БОЛАДА

Деярли бир ярим ой давом этган суд жараёнида қарийб олтмишдан зиёд жабрланганлар-у, гувоҳлар иштирок этишди, улар ўзлари билган, кўрган нарсалари ҳақида гувоҳлик беришди. Мени уларнинг ичида уч одам қизиқтириди... Улар фақат гувоҳлар эмас, муштипар ва жафокаш оналар эди! Айниқса, Олий суд биноси атрофидан кетолмай айланиб юрган Талъат билан Абайнинг оналари аҳволини бир кўрсангиз... Юракларингиз сирқираб кетади. Айниқса, уларнинг бир-бirlари билан учрашиб гаплашганларини кўрган одам чидаб туролмасди. Меҳмонхонада улар билан юзма-юз гаплашишга тўғри келди.

Талъатнинг онаси Мадина хола ёши олтмишлардан ошиб қолган кенгфеъл аёл экан. У ҳали ҳам ўғлидан жудо бўлганига ишонмасди, назарида, ҳозир эшик тақиллади-ю: «Ойижон, яхши ўтирибсизми?», — деб ўғли кириб келадигандай...

Мадина хола Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳрида туғилиб, сўнг Талас обlastida химия-биология фани бўйича ўқитувчилик қилибди. Урушдан сўнг у муаллималик қилган «Кўкариқ» мактабида Абайнинг отаси Асилхон билан онаси Сувсархон ҳам ўқибди. «Асилхон ўнинчини битираётганида, — деб эслайди Мадина хола, — ҳанузгача ёдимда, уларнинг синфида ёлгизгина қиз бўлиб, бошқалари ўғил болалар эди...»

Сўнг Асилхон институтни тугатиб, масъул жойларда ишлади. Мадина хола облОНОда инспекторлик қилиб юрган чоғлари Асилхон область партия қўмитасида инструктор эди... Асилхоннинг устози Мадина опага хурмати чексиз эди. Кейинчалик Мирзачўлни ўзлаштириш бошлангач, Мадина хола Ўзбекистонга кўчиб келди.

«Қизилқиядаги мактабда илмий мудир бўлиб ишлаган кезларим, — деб эслайди Мадина хола, — Талъатим беш яшар эди. Ўша пайтлари болагинам қаттиқ

касал бўлиб қолди. Ундан айрилиб қоламанми, деб қўрққан эдим. Ўша ердаги шифокорлар Талъатимни даволаб, унга қайтадан ҳаёт багишилашди... Мен Талъатимни деб... унинг отаси аварияда ҳалок бўлгач, қайта турмуш қурмадим. Топган-тутганим билан боламни ўқитиб, одамлар қаторига қўшишни орзу қилдим. Талъатим ВГИКнинг актёrlик, сўнг эса, режиссёрлик курсларини тугатди... У қирқقا яқин фильмда роль ижро этди, ўзи ҳам сценарий ёза бошлаган эди. Талъатим ижодидаги қувончини ҳам, муваффақиятсизлигини ҳам, энг аввало, мен билан ўртоқлашар эди. У таникли киноактёр бўлса ҳам, мен учун ҳали ёш гўдак эди...»

Абайнинг онаси Сувсар хола ҳам ўрта ёшлардаги нуроний, келишган аёл экан. У уч ўғил, бир қиз кўрибди. Ўзи Ўш педагогика институтида муаллималик қилар экан. Она сифатида унинг изтиробларини ҳам тушуниш мумкин эди. У қотилнинг онаси сифатида Мадина холанинг кўзларига тик боқолмасди. Шундай бўлса-да, қўнгиз ҳам боласини «оптогим» деганидек, у ўғлининг қандай қилиб бу машъум йўлга кириб қолганини, қандай қилиб одам ўлдирганини тушунолмай гаранг бўлиб ўтираси, бунга ишонгиси ҳам келмасди.

— Абай оиламиизда ўртанча ўғил сифатида жуда эрка бўлиб ўсди, — деб эслайди Сувсар опа. — У мактабда ҳам, университетда ҳам ёмон ўқигани йўқ, ақлу хуши жойида эди. Учинчи курсда ўқиб юрган кезлари бош оғригига чалинди-ю, бутунлай ўзгариб кетди... Ўқишилап сўнг Ўш тўқимачилик комбинатида комсомол қўмистасининг котиби бўлиб ишлаб юрганида ҳам бош оғрифи тузалавермагач, ишини ташлашга мажбур бўлди... Отани уни жуда яхши кўтарди. Жуда кўп докторларга қаратник. Москвага келиб ҳам даволанди. Ахири, мана, ёмон одамларга қўшилиб, жиноят қилиб ўтирибди. Йўқ, мен боламни сира ҳам оқламоқчи эмасман. Жиноят қилдими, жавобини берсин! Эси бўлса, ўзининг энг яқин ўстига қўл кўтарадими? Абай Талъатни жуда яхши кўтарди. Талъат ҳам Абай учун жонини аямасди...

Абай 1984 йилнинг ёзида бутунлай ўзгариб кетди: у уйдаги буюмларни синдириб, расво қилиб ташлади. Ўзи азалдан ишёқмас эди. Отаси иккаламиз ялиниб-ёлворганимизга қарамай, тенгқурлари қатори одамбашара кийиниб юрмади, ҳатто ювинмай ҳам қўйди. Мирзабой бизникига икки марта келди, бироқ мен бунаقا ирkit одамни уйга киритгим келмади, ҳайдаб юбордим.

Отасининг жигари оғрирди, 1985 йил февралида бизни ўқитган устозимиз Мадина опа телефон қилиб: «Абай каратэчи жўралари билан Тальятни уриб ўлдирибди», — дегандан сўнг отасининг касали кучайиб, касалхонага тушди. Нафсилалини айтганда, Абай бу иши билан ўз отасининг ўлимини ҳам тезлаштириди...»

Сувсар холанинг ичидан қон ўтиб ўтиргани аниқ эди. Мен бу икки муштипар онанинг меҳмонхонада гаплашиб, чой ичиб ўтирганларида, уларнинг гапларини бўлишни ўзимга эп кўрмадим. Бусиз ҳам ўзларини қўярга жой тополмай ўтирганларида менинг гапга қўшилишим — яраларига туз сепиш билан баробар бўлур эди...

Мирзанинг саксонларни қоралаб қолган онаси — Ойим холанинг бошига тушган тақдир азоби ҳеч кимнинг бошига тушмагани маъқул. У ҳали ҳам ўғлининг бошига нималар тушди-ю, қаёқларда юрибди, яхши англаёлмайди. Уни уйида асраётган шилуталик Астра Синеинайте билан Римас Пиллибайчюслар суд жараёни бошланган куни кампирни олиб келиб, ўғлини узоқдан кўрсатишга муваффақ бўлишди. Ойим хола ўғлининг нима учун қуршовда ўтирганини, нима учун онаизорининг олдига келмаётганини тушунолмади. У фактат битта нарсани такрорлар эди: «Ўғлим келса, овулимизга қайтамиз!» Ўғли эса айбдор сифатида қора курсида ўтирибди...

Мен бу ўринда уч муштипар онанинг ўз ўғилларига бўлган меҳрини, муҳаббатини ҳикоя қилдим. Бу ўғиллар туфайли қанчадан-қанча оналарнинг юрак-бағри доғ бўлмади, ахир? Гриша, Игорь, Андрюс, Ниелаларнинг ҳам оналари бор-ку, ахир? Уларнинг аҳволи

нималарни кечеётган экан? Шунингдек, бу газандалар сағыга ихтиёрий ёки беихтиёр қўшилган қиз-жувонлар нималарни ўйлаб ўтиришган экан ҳозир? Ахир, уларнинг баъзилари фарзанд кўрган аёллар, баъзилари оналик баҳтига мусассар бўладиган қиз-жувонлар-ку?! Майли, улар ҳақида алоҳида ҳикоя қиласмиз. Эҳтимол, уларнинг баъзилари ҳикоя қилишга ҳам арзимас...

«ПАЙФАМБАРЧИЛИК»НИНГ БАШАРАСИ

Аввал айтиб ўтганимиздек, ушбу суд жараёнига олтмишдан зиёд киши гувоҳликка чақирилди. Улар ҳар хил тушунчага эга, турли ёшдаги кишилар эди: орала-рида академикдан тортиб то талабагача, шоирлар, режиссёrlар, актёрлар, рассомлар, инженерлар, муаллимлар, шифокорлар ва бошқа касбдаги кишилар ҳам бор эди. Куйида улар берган гувоҳликлардан, жавоблардан «пайфамбарчилик»нинг ҳақиқий башарасини, файриилмий назария билан шуғулланишининг оқибатлари нималарга олиб келишини кўрсатишга ҳаракат қиласмиз.

Чўлпон Неъматуллина (Талъатнинг хотини): — 1982 йили Ўш атрофида «Бўри уяси» фильмси суратга олинаётган пайтда Абайдан Мирза ҳақида эшитган эдик. Абайни ҳеч ким эсипаст одам деб ўйламасди. Талъат актёр ҳамда спортчи сифатида ўзини ўзи камолга эриштиришга, ўз устида кўпроқ ишлашга ҳаракат қилди. У ўзи яратмоқчи бўлган қаҳрамонларининг ички дунёсини аниқроқ ифода этишга интилиб, ўзини ижод кучогига урди.

Абай билан дўстлашув эса унга кўп одамлар билан танишиш имкониятини яратди. Шунинг учун Талъат Абайдан миннатдор эди. Абай эса «кучли экстрасенс» сифатида Талъатнинг ишончини қозонди. Уларнинг ўзаро дўст тутиниши, албатта, манфаатсиз бўлгани йўқ. Бир гал Талъат Абайдан экстрасенсорик усувлар-

ни ўргатиши илтимос қилганида, у 10000 сүм сұрағанини айтган эди. Үзим ҳам Абайнинг пулни яхши күришини сездим. Мен ундан күз оғриғимни тузатишига ёрдам беришини илтимос қилганимда, у мендан 2000 сүм сұради. Назаримда, унинг учун дүстликнинг тешик чақачалик қадри йўқ эди. «Нима, сен пул бермай, касалингдан мутлақо фориф бўлмоқчимисан?» — деди шунда Абай менга.

Шундан сўнг «лаборатория» деган гап пайдо бўлди-ю, Талъат топган-тутганини Абайга бериб турди. Қорасувда эканлигига Талъат Абайга иккита япон соатини, иккита никоҳ узугини олиб бориб берди. Айтгандек, Абайнинг ҳамма бармоқлари никоҳ узуклари билан тўла эди. Унинг гапига қараганда, кимда-ким никоҳ узугини берсамиш, ўша узуклар орқали унга кучли экстрасенс таъсири узлуксиз ўтиб туармиш...

1985 йил февралида Талъат Вильнюсдан Калинаускас телефон қилганини айтди. Абай Литвада экан, бироқ гап-сўзига қараганда нокулайроқ аҳволга тушиб қолганга ўхшайди, деди. Талъатнинг одати: яқин одами қийин аҳволга тушгудай бўлса ўзи ҳам қаттиқ қайфуран эди. У Кишинёвга бориши керак эди. Бу гапни эшитгач, уйдаги қимматбаҳо китобларини сотиб, етти юз сўмча пул жамғарди-ю, Вильнюсга кетди. У 1984 йили Абай Ўшдаги руҳий қасалликлар шифохонасига тушиб қолганида ҳам дарҳол етиб бориб, уни олиб чиқсан эди.

Талъат Абай билан Мирза деганда ичиб ўтирган ошини ҳам бир чеккага суреб қўяр эди. «Қозоқфильм»да «Ҳайқириқ» кинофильмини суратга олишда бош ролларни (ота ва бола ролини) ижро этиш учун Абай билан Мирзани таклиф қилди. Бироқ, бу фильмидан Талъатнинг кўнгли тўлмади.

Назаримда, Абай Талъатнинг обрўсига, шухратига ҳасад билан қаради. Икки гапининг бирида: «Сен актёрсан, сен режиссёрсан», — деб кесатиқ билан гапи-

рарди. Талъат оққўнгил одам эди... Мирза эса нотаниш одамлар олдида ўзини ҳокисор кўрсатгани билан, танишлар олдида жуда билағон тутар, космос ҳақида ташлаб қўяр эди. Унинг алпсифат гавдаси-ю, саломатлигига ҳаммамизнинг ҳавасимиз келарди. Ҳатто, Абай ҳам унга ўхшаб семиришга ҳаракат қилиб кўрди. Мирзанинг тонг саҳарда уйғониб, қўлларини кўкка чузиб «космосдан энергия олишлари» одамларни бир қилар ишонтирас ҳам эди.

Абай билан Мирзанинг экстрасенсорик услублари шир хил эди. «Мирза ҳозирги замон экстрасенсорика тилабларидан орқада қолган одам», дер эди Абай. Шундай бўлса ҳам, у Мирзанинг эркаклар билан аёлларнинг аралаш-қуралаш чўмилтириш услубини маъкуллаб: «Фақат мана шундай усул билан биоэнергик таъсирини кучайтириш мумкин», — дер эди. Бир сафар Абай менга: «Талъатни қўйиб, менга тег», — деб ҳам айтди.

Мен ҳозир экстрасенсларни, Абай билан Мирзанинг куришга кўзим йўқ, улар — алдамчи, муттаҳам одамлар...

Елена Ивашина (Москва полиграфия институтининг муаллимаси): — Мен Мирзани Валентин Сидоровнинг ижодий кечасида, Абайни эса, Космонавтикага банишланган кечада кўрдим, уни «ёш олим» деб таништиришди. У президиумда ўтирас эди...

1983 йили Қорақалпоғистонга, Мирзанинг олдига бордим. Мирза бутунлай бошқача, эркин яшар экан. У билан учрашиб танишганимдан сўнг ўзимни эркин сеза бошладим. Биз у билан бирга Султон Вайис бобо қўбрига бордик, бозор кездик, бирга ўтин териб, овқат қилдик, жуда мазза бўлди. Одамларнинг ўзлари Мирзага овқат олиб келиб берар эди.

Судъя: — Сиз, авваламбор, КПСС аъзосисиз, қолаверса, олий ўқув юртининг муаллимасисиз... Мирза садақа йиққандада унинг ёнида ўтиришдан мақсадингиз нима эди?

И в а ш и н а: — Ҳеч қанақа мақсадим йўқ эди.

С у д ъ я: — Мирза экстрасенс сифатида сизга қандай таъсир қилди?

И в а ш и н а: — Менда депрессик ҳолатлар пайдо бўлиб қоларди, мана, Мирзанинг олдига борганимдан бери ўша дардан аридим... Мен Мирзанинг қўлига нақд пул берганим йўқ, фақат икки марта почтадан икки юз сўмча пул жўнатдим. Чунки улар менга қандай яшаш лозимлигини ўргатди: «Одам бўлгандан сўнг яхши яшаш керак, китоб ўқишнинг нима кераги бор?» деди.

Абай жуда камтар йигит эди, у Жуна каби шоншуҳратга эга бўлишга ҳаракат қилмади. У менга Жуна-нинг ўз дастхати ёзилган открытиксини кўрсатди. Унда Жуна: «Менга йўл очиб берган доно устозим Абайга!» деб ёзган эди.

П р о к у р о р: — Неча сўм маош оласиз?

И в а ш и н а: — Икки юз.

П р о к у р о р: — Сиз Мирзага пул бердингиз, пул бермаганингизда у қандай кун кечирар эди?

И в а ш и н а: — Одамлар уни озиқ-овқат билан таъминлаб туришибди-ку... Мен улар Олмаотада кинога суратга тушаётганларида ҳам кетларидан бориб, ҳабар олиб келганман, пул берганман, чунки Мирза пок одам...

Э к с п е р т: — Диссертациянгизнинг мавзуи қанақа эди?

И в а ш и н а: — «Рус адабиётида саёҳат жанрлари».

Юз берган жиноятда менинг ҳам улушим бор, ҳам мамизнинг улушимиз бор. Шу билан бирга, Мирзанинг менга ҳалол меҳнат қилишни ўргатганини ҳам яшира олмайман...

З и т а Ж у к а й т е (болалар шифокори): — Мен Абай билан Мирза ҳақида Игорь Николаевдан эшитганман. Болаларни даволаш учун халқ табобати усуларини ўргангим келди, биомайдонга ишондим. Мирза саводсиз бўлгани билан, эмлаш қобилиятига эга. Абайни эса Тибет табобатидан хабардор одам, деб ўйладим.

Ўзимнинг тиббиётдан олган билимимдан қаноатланмадим. Ахир, қасалнинг аҳволи шифокорнинг кайфиятига, ўзини қандай ҳис қилишига боғлиқ-ку...

Судья: — Сизнинг қасалларингиз неча ёшда?

Жукаите: — Мен фақат норасидаларни даволайман.

Судья: — Ўшаларга экстрасенсорик таъсир этгингиз келдими?

Жукаите: — Мен халқ табобатидан фойдаланим келди.

Судья: — Мирза билан учрашганингиздан сўнг ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

Жукаите: — Ўзимни илгари ҳам ёмон ҳис қилмасдим. У билан учрашганимдан кўп нарса ўрганган бўлсам, кўп нарса йўқотдим ҳам. Лабораториянинг очилиши учун пул ҳам ҳадя қилдим...

Прокурор: — Сиз Мирзаларнинг алдамчилиги-ни кўриб турибсиз. Юз берган жиноятдан сўнг ҳам ўзингизни алданган санайсизми ё йўқми?

Жукаите: — Агар улар мана шундай алдашган бўлса, жуда усталик билан алдапти...

Даля Масиокене (муаллима): — Мен Игорь Николаевнинг аёли Вирга орқали Мирза билан танишдим. Вирга менга у билан танишиш учун анчагина нарса совга қилиш лозимлигини айтди. Мен пул бердим. Мирзининг турмуш тарзи жуда ғалати эди. Унинг кўзлари ўйнаб турар, бу эса одамда унчалик ишонч пайдо қилмайди. Абай билан-ку, илгаридан таниш эдим. Бир гал бош оғригимни даволади. Ўрта Осиёга бориб келганимлаи кейин эрим менга: «Тентак саёҳатчи!» — деб таъна қилди.

1985 йили 11 февралда Абай Рамуте билан бизнисига келиб, болаларнинг Талъатни калтаклаганини тишиди. Биз бирга Талъатнинг саломатлиги учун «Вермут» виноси ичдик. Ўша куни кечқурун милиция келиб Абайни олиб кетди... Кечаси ўн иккилар чамаси у тайтиб келди. Эрталаб бирга чиқдик. Шундан кейин

Абайни кўрганим йўқ... Экстрасенсларга қизиқаман деб мен оиласдан жудо бўлдим, ўзимни жабрланган ҳисоблайман.

Линас Йоваша (шифокор): — Мен беш йилдан бери жонлантириш бўлимида ишлайман. Биз Мураскас иккимиз одамнинг энг қийин пайтларда ҳам мослаша олиши масаласи бўйича шуғулланиб юрар эдик. Москвадаги биоэнергетик лабораторияга яқинлашиш қийин эди, биз ҳам шунга ўхшаган лаборатория билан алоқада бўлишни орзу қиласардик. Шундай қилиб, Абай билан танишиб қолдик. Абай ҳам, Мирза ҳам бир қанча одамга таъсир қилиш кучига эга, уларнинг иккаласи ҳам психоанализ усулини билади, деб ўйладим. Илгари Абайни олий маълумотли бўлса керак, деб ўйлаб юрардим. Шунинг учун лабораториянинг очилишига ишондим. Қорасувга борганимда, у менинг ҳамёнимга қараб туриб: «Софва қилмайсанми?» деганида ҳеч иккиланмай ҳадя қилиб юборган эдим. Унинг ичида 200 сўм пул бор эди. У йўлкирангга, деб ярми ни қайтариб берди.

Прокурор: — Мирза қандай қилиб психоанализ техникасини эгаллади, деб ўйлайсиз?

Йоваша: — Мирза туфма истеъдодга эга, шунинг учун у саводсиз бўлса ҳам психоаналитик бўлиши мумкин...

Анатолий Бухтояров (талаба): — Мирза менга яхши таъсир қилди, десам янгишмаган бўламан. Мен қаттиқ шамоллаб, ҳароратим кўтарилиб, аксираверардим. Мирза келиши билан аксиришим тўхтади. Мирза фалати, гайритабиий ҳаёт кечирар, у билан гаплашиш кишига роҳат багишларди. Мен ҳар таътилимда Мирзанинг олдига бориб-келиб юрдим. Тўғри келган одамнинг бари Мирзабой бўлавермайди. «Агар инсоншунослик институти очилгудай бўлса, мен талайгина одамларнинг бир-бирлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган бўлардим», дерди Абай. Улар-

ни мен пул түплаб давлатга топширади деб ўйлаб, беш-олти марта пул бердим... Энди мана бу фожиадан кейин үзимни алдангандек сезяпман.

Прокурор: — Сиз Мирзани қандай одам деб үйлайсиз?

Бухтояров: — Мен Мирзани алдамчи деб ҳисоблашман. Түгри, у одамларни алдади, лекин уларга фойда күм келтирди-ку...

Эксперт: — Сизни деканатга чақиришиб, хатта ҳаракатларингиз ҳақида гаплашишдими?

Бухтояров: — Йўқ...

Римас Юркус (безакчи-рассом): — Мен Мирза билан Поцюк орқали танишдим. Мени унинг яаш тарзи қизиқтириди. Биз ҳар куни Султон Вайис бобо шератгоҳига қатнадик. Одамнинг шунаقا тарзда яашинга ҳайрон қолдик.

Судья: — Нима учун Мирзанинг яаш тарзини түриб ҳайрон қолдингиз? Мабодо үзингиз ҳам дариншиликни ихтиёр этгингиз келгани йўқми?

Юркус: — Мен фақат қизиқдим, холос... Икки марта Берунийда, бир марта Қорасувда, 1984 йилнинг ёзида эса Нидадаги чодирлардан тикланган лагерда бўлдим...

Судья: — Абай билан Мирзалардан қандай таълим олдингиз?

Юркус: — Қандай таълим олганимни билмайман...

Судья: — Балки Мирзадан ўзида йўқ нарса, яъни тўғли сўраб, маслаҳат сўраб боргандирсиз?

Юркус бу саволга жавоб бермади.

Прокурор: — Январда сизлар фарзандлик, яъни қизлиқ бўлдингиз. Февралда эса булар сизларникига келиб үзингизни калтаклаб, уйингизни тўс-тўполон қилиб, деразаларингизни синдириб кетишиди. Хўш, бунга нима дейсиз?

Юркус: — Мен үзимни жабрланган деб ҳисоблашман. Улар мени қаттиқ уришмади, чиқим ҳам кўп бўлгани йўқ.

Валентинас Мураускас (Вильнюс Давлат университетининг кичик илмий ходими): — Мен Йоваше билан ҳамкорликда 1979 йилдан бери одамнинг психофизик ҳолатларини ўрганадиган асбоб яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Литва олимларининг «Зодиак» клубига қатнаб тураман. У ерга одам ўзини ўзи идора қилиши масаласи бўйича маъруза ўқиш учун мутахассис сифатида Игорь Николаевни таклиф қилишди... Сўнг 1980 йили Янкаускас билан танишдим. У Абай орқали Спиркинни ҳам танир экан. Абай билан эса Москвада, Пестрецовнинг уйида танишдим. Абай Мирзани: «Олимларнинг чақириғига биноан Ўрта Осиёдан келган одам», — деб таништириди. «Мабодо мен керак бўлсан, мана шу одам орқали топишинг мумкин, у қаерда юрганимни аниқ билади», — деб, менга Валентин Сидоровнинг манзилини, телефон рақамини берди.

1983 йили Мирзанинг олдига бордим. Ўша кезлари Абай Мирзани ўрганиб, шу иш билан шуғулланиб юрганини айтди. 1984 йили Межлита улар олдига бориб, бутунлай ўзгариб келди. Шундан кейин уларнинг қандайдир психорегуляция қила оладиган усуслари борлигига ишондим.

...Тальят бизникига келган куни: «Мен ҳам Абайнинг хизматкориман. Унга ҳамма пул беряпти, сен нега бергинг йўқ?» — деди.

Судъя: — Сиз Абай билан Мирзанинг экстрасенслиги ҳақида жуда кўп одамга айтгансиз. Шундан кейин Ўрта Осиёга сафар қилувчиларнинг сони кўпайган.

Мураускас: — Мен уларга қаттиқ ишондим. Ахир, бир гал Абай билан бирга Москвадаги Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган илмий конференцияда иштирок этган эдим-да...

Рамуте Александровичюте (муҳандис): — Мен Абай билан 1980 йили Янкаускас орқали танишдим. Ҳамма қизиқаётгани учун мен ҳам экстрасенсорикага қизиқдим, «Зодиак» клубига қатнадим. Менда

Пестрецовнинг манзили бор эди. Москвага борганимда унинг қизғиши хонасида бўлдим. Абайнинг Москва-да обрўси катта экан. У кўп ўқиган, психологияни яхши биладиган одам сифатида Мирзага қандай назар билан қарашни ўргатди. Бир сафар Абай билан шоира Лариса Васильевнаникода меҳмон бўлганимизда, у Абайга: «Мабодо биронтаси сенинг нафсониятингга теккудай бўлса, қора «Волга» билан етиб борамиз», — деди. Мирза билан танишганим эса менга роҳат бағишлади. 1983 йили унинг ҳузурига борганимда, янги йил оқшомида бизни милиция олиб кетди.

Мураускас билан Абай ўртасидаги келишмовчилик муштлашув орқали ҳал бўладиган даражага келиб қолди. Талъат калтак еган ўша кечаси Абай бизга: «Талъат кўчадан калтак еб келди, деб айтинглар», — деди.

Оқловчи: — Сиз нега олдин Абай Талъатни ургани йўқ, деб айтдингиз?

Александравичюте бу саволга жавоб бермади.

Вильгельмина (Шу суд жараёнида унинг фан номзоди деган илмий унвони бекор қилинди): — Мирза ҳақида мен 1982 йили эшитган эдим. Унга биринчи өримни олиб бориб кўрсатдим, бироқ у ҳеч қандай наф кўрмай вафот этди. Диссертация ёқлаш олдидан мен ўзимни ёмон ҳис қила бошладим, сўнг ундан ёрдам беришларини ўтиниб 700 сўм бердим... Мен Абай билан Мирзанинг алоҳида қобилиятларига мутлақо ишонган эдим.

Талъат бизнинг уйимизга 9 февраль куни эрталаб келди. Кейин чиқиб кетиб, 10 февраль куни кечаси соат тўртларда яна келди. Унга тезда овқат иситиб бердим... Сўнг кетидан Абайлар келди-ю, муштлашув бошланди. «Ўзбекистон чемпиони дўстларини сотиб, маҳбубасининг олдига келибди», — деб бақирди у. Талъат ўлардай калтак еб, ҳолдан тойгач, Абай бизга: «Ўзи ташқаридан калтак еб келган эди, деб айтинглар», — деди.

«Талъат ўлди» деганларидан сўнг мен ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Ҳушим ўзимда эмас эди. Шунинг

учун ҳам олдинги күрсатмамда: «У мени зўрламоқчи бўлди, шунинг учун уни болалар урди», — деб айтдим...

Ниела: — Мен Абай билан танишдим-у, уни се-вib қолдим. У мени Москвага олиб бориб қандайдир шифокорларга кўрсатди, ўзи ҳам даволади. Ўша вақт-ларда Мирза Москвада эди. Абай уни: «Мана бу ридоларни ўзи тикиб кияди, ўзича галати ҳаёт кечиради», — деб таъриф қилди... Қорақалпогистонда бўлган пайтларимда, мабодо Мирза Москвага сафар қилгудай бўлса, мен унинг кекса онасиға қараб туардим. Сўнг Абай менга: «Сену мен, Мирза учовимиз бирга яшайлик», — деди... Бу гапидан кейин уларнинг илоҳий одамлар эканига шубҳа қилдим. 1984 йили Нидада улардан бутунлай кўл узмоқчи ҳам бўлдим. Чунки, Абай мени нотаниш шаҳарда — Ўшда бутунлай бегона одамларнинг қўлига ташлаб кетди.

11 февраль куни Калинаускасларнинг уйига чақиришганида мени Абай ваннага судраб кириб: «Ана, кўриб кўй, одамларнинг қандай азоб чекишини!» — деб инганиб, пол устида ётган Талъатни кўрсатди. Ўша куни мени ҳам калтаклаб, ҳайдаб юборди. Абай ёвуз одам...

Ленкаускайте Ч. (Вильнюс Давлат университети юқумли касалликлар кафедрасининг доценти): — Мен қўшнимиз Калинаускасларнинг уйидан: «Ойижон, войдод, ёрдам беринглар!» — деган даҳшатли бақириқдан уйғониб кетдим. Бу воқеа соат олтилар чамасида юз берганди...

Милиция етиб келгач, ўша уйга кирсак Вилия: «Ҳеч гап бўлгани йўқ, меҳмонлардан бири жанжал қилмоқчи бўлувди, босиб қўйдик», — деди. Мен унга: «Мен ҳам бир вақтлари диссертация ҳимоя қилгандим, лекин уйимизга милиция келгани йўқ эди», — дедим. Милиция кетганидан сўнг яна бир аёлнинг... тафин эркак кишининг аянчли қичқирифи, оғир бир нарсанинг гуп этиб йиқилгани эшитилди.

Тихонов Р. И. (пенсионер): — Мен құшнимиз-нинг уйидан шовқин күтарилигач, келиб уларнинг эшигини ярим соат тақыллатдим, очишмади.

Фридман В. (чилангар): — 1983 йили Мирзанинг олдига бордим. Унинг яшаш тарзи жуда қулай әкан. Сүнг мен ундан: «Келиб шу ерда яшасам майлими», — деб сұрадым.

Судья: — Нима, сизнинг яшайдиган жойингиз йўқмиди?

Фридман: — Бор эди... Ўзим қизиқдим-да. Биз бирга Султон Вайис бобо зиёратгоҳига бордик. Мирза садақа сўради, озиқ-овқат йифди. Ўн кун яшаганим учун 75 сўм бериб кетдим.

Игорь Николаевнинг маърузаларига қатнашганим учун илгариги хотиним мени ёмон кўриб қолди. У Николаевни алдоқчи деб ҳисобларди... Қорасувга борганимда мен уларга яна 60 сўм бердим.

Лобанов Н. (Ленинград): — Биз Мураускасларникига Игорь Николаевни излаб боргандик, ўтириш қизиб турган пайти экан. Устоз Абайнинг саломатлиги учун оз-оздан кўтардик. Бу йифинни қиздираётган Тальят бўлгани билан, унинг раҳбари Абай эканлиги шундоққина билиниб турарди.

Куличев М. (лаборант): — Мен анча вақт дўсту ёрсиз яшадим, ёлғизлик азобини тотиб кўрдим. Мирза билан танишганимдан сўнг гўё дунё кенгайгандек, лаззатлидек туюлди. Мен унинг олдидан бошқа ёқса кетгим келмай қолди... Фикримча, Мирза ҳам, Абай ҳам жиноят қиласиган одамлар эмас...

Плетайт В. (Вильнюс Давлат университетининг кичик илмий ходими): — Эrim иккаламиз Абай билан 1981 йили Пестрецовнинг уйида танишдик. У: «Лабораторияда Спиркиннинг ёрдамчиси бўлиб ишлайман», — леди. У бизни лаборатория билан таништирмоқчи бўлган эди, бироқ негадир таништирмади. 1983 йили Мирзанинг олдига бордик. У ниҳоятда меҳмондўст одам экан. Бир йил ўтгач, Қорасувга борганимизда, Абай биз-

нинг 250 сўмимизни олди, сўнг ўшаңдан бизга йўлкирамизни қайтариб берди-ю, уни почта орқали қайтариб юборишимиз лозимлигини айтди. Биз улар билан борди-келдини йигиштирайлик деб пулни жўнатиб қутулдик. 10 февралда улар бизникига келишганда мен Тальятга: «Сен нега Абайга ишонаверасан, қара уни, худди император бўлиб кетибди-ку!» — дедим. Тальят эса: «Сен бунинг маъносини тушунмайсан», — деди.

Лазарев П. (милиционер): — 11 февраль куни соат олтиларда Калинаускасларникига кириб келганимизда Мирза спорт кийимида ўтирган эди. Абай эса сочини тақир қилиб қирдирган экан... Уй эгаси: «Мехмонлар хотинимни бир-биридан рашк қилиб, бироз муштлашиб олишди. Энди тинчиб қолишди», — деди.

Кравчук Б. (милиционер): — Биз уларнинг хужжатларини текширганимизда, Абай: «Мен русчани билмайман», — деган эди...

Жалилов Р. (Олмаотадаги уйғур театрининг режиссёри): — 1983 йилнинг апрель-майида Тальят бир ойча уйимизда бўлди. Ўша пайтда у «Ҳайқириқ» фильмини суратга олаётган, устозлари Абай билан Мирза ҳақида кўп гапиради. Фильмига уларни бош қаҳрамон сифатида таклиф қилганда, Тальят: «Булар — дунёning пешонасига сифмайдиган табаррук одамлар... Улар космосга алоқадор илоҳий одамлар», — деб таърифларди. У устозларига худога сингандай сиғинар, столиустида ҳамиша Мирзанинг сурати тураг, узоқ-узоқ тикилиб қолар: «Бу менинг маънавий оғам», — дер эди. Мен Тальятнинг «оғаси»га бунчалар сажда қилишини ўйлаб-ўйлаб тушунолмадим...

Дин В. (Олмаотадаги корейс театрининг актёри): — Мен Тальят билан бирга фильмларда суратга тушдим. Бир сафар суратга тушиш учун Вьетнамга борганимизда, кўхна Будда ибодатгоҳида Тальят иккита шам сотиб олиб, Будда ҳайкалининг олдида узоқ туриб қолди. Шу алфозда шам ёниб бўлгунча туриб, «Шарқ

турмуш тарзи олдида тиз чўкишга ҳам тайёр» эканлигини айтди.

1983 йили «Ҳайқириқ» фильмси суратга олинаётганда, Талъат уйимизда меҳмон бўлди. Ўшандада Абай билан Мирзани ҳам эргаштириб келган эди. «Одамларнинг ичидаги нарсаларни топа оладиган мана бундай дарвишларни зўрға излаб топдим. Булар биоток, биомайдон орқали одамларни даволай олади, илоҳий одамлар», деди. У Абай билан Мирзани менга танишираётганда Мирза келиб бошимни сўйди. Унинг бу ҳаракати менга жуда эриш туюлди...

Яна бир сафар Талъат иккаламиз қаёққадир кетган эдик, уйга Абай телефон қилибди. Хотиним: «Эрим уйда йўқ», — деган экан, у: «Эрингнинг йўқлиги яхши эмасми?» — депти. Бу одамлар илгарилари ҳам қўнглимга унча ўтиришмаганди. Талъатни ҳам тушуниш анча қийин эди, чамаси у илгаридан буддавийлик дини билан ошна бўлиб юрган бўлса керак.

Филиппова Н.А. («Қозоқфильм» студиясининг режиссёр ассистенти): — Талъат бир куни Абайнин олиб келиб, уни ўзининг энг азиз акаси, яқин дўсти сифатида танишитирди. Абай ҳақидаги дастлабки холосам шу бўлдики, у ўқимишли, камтар... Биз мусиқа ҳақида, фалсафа ҳақида гаплашдик. «Одоб, иззат-икром тушовидан озод бўлиш керак», — деди ўшандада Абай. Талъат эса унинг бу фикрини маъқулламади. Мен «Ҳайқириқ» фильмининг директори эдим. Талъат ўша фильмнинг бош режиссёри сифатида Абай билан Мирзани бош ролларни ўйнаш учун таклиф қилди. Мирза ҳам жуда яхши одам бўлиб кўринган эди. «Ҳамма куруқ сафсата сотади, булар эса меҳнаткаш одамлар», деб таъриф қилди уларни Талъат. «Девонанинг кўзларига дунё ўзгача бўлиб кўринади», деди Абай ўзининг ҳам садақа сўрашини яширмасдан.

Фильмни суратга олиш пайтида, чўмилиш картинасида, улар қип-яланғоч бўлиб, ҳаммани ҳайратда қолдирган эди... Буларнинг эси жойидами ўзи, деб ҳай-

рон қолишиди киногурухнинг бошқа аъзолари. Абай ўшанда «одоб, иззат-икром тушовидан озод бўлиш»-нинг чин намунасини кўрсатди.

Фильм суратга олинаётганда Талъат билан Абай уришиб қолишиди. Сўнг Талъат менга бошини чайқаб: «Буларни бекор таклиф қилган эканман», — деди.

Талъат Абай билан Мирзани жудаям хурмат қиласди. Балки у, Абай айтгандек: «Одам ўзини ўзидан озод қилиши керак», — деган таълимотга ҳам ишонгандир. Балки булар ўзининг қотили бўлишига кўзи етмагандир?! Талъат адолатсизликка сира ҳам чидай олмайдиган инсон эди...

Янкаускас Арвидас (рассом): — 1980 йили Абай билан Шарқшунослик институтининг ходими Наташа Виноградова орқали танишдим. У Пестрецовникида яшар экан. Биз Москвани томоша қилдик, олис тоғлар ҳақида суҳбатлашдик. Унинг ҳаммани оғзига қаратадиган бир оҳанграбоси бор эди...

Пестрецов уйининг бир хонаси ифлос бўлиб ётган экан, биргалалиб тозаладик, таъмирладик. Ўша хонани қизил рангга бўяшда қатнашдим. Абай йоглар билан шуғулланаман деб Будда роҳибларини ҳам алдади. Роҳиблар эса буддавийлик динини қабул қилиш учун ёзма равишда ариза, ҳарбий комиссариатдан маълумтонома ҳамда ота-онасининг розилиги кераклигини айтишди. Абай ота-онасининг розилигидан бошқа ҳамма ҳужжатни топди ва буддавийлик динини қабул қилди...

Москвада «буюк экстрасенс» бўлиб танилган Абай билан Ўрта Осиёга қараб жўнадик. Султон Вайис бобо зиёратгоҳига бориб Мирзани кўрдик. У Абай билан ўз тилида гаплашди. Абай унинг гапларини бизга таржи-ма қилиб турди. Абайнинг таъриф қилишича, Мирза худодан бир энлик ҳам кам эмас, «улуг ҳазрат». У ҳамма нарсани билади. Унинг уйи йўқ, бу фоний дунёдан воз кечиб, ёлғиз ўзи бийдай далада яшайди. «Ҳазратга осмон кўрпа-ю, ер тўшак...» экан. Мирза бизни бир

чеккага таклиф қилди. У ерда чой ичдик, гүшт едик. Сұнг Абай: «Мирза менинг устозим, то үлгунча мен унинг этагини тутганим-тутган», — деди... Гапдан-гап чиқиб, мен Абай билан айтишиб қолдим. Нега деганингизда, унинг фикрича, ҳамма Абайнинг сояи давлатидагина яшаши мумкин эди. Олдинлари бирга ичиб, бирга тамадди қилар әдик, кейин у мени ёмон күриб қолди. Бунинг яна бир сабаби бор — ҳамма Мирзанинг олдига фақат Абай орқали келар әди. Мен үзим келгандим. Абайга у билан ёнма-ён юрадиган одам ёқмас, албатта, унинг кетидан юрадиганлар керак әди.

Абай Санжарга «мана бунга юз сүм бер!» деб мени күрсатди. Сұнг менга: «Ана шу пулни ол-у, йүқол, иккинчи қорангни күрмай!» деди. Мен кетишга мажбур бўлдим.

Мен Абай билан Мирзани Литвада кўп одамга ташништирган әдим. Кейинчалик ҳам анчагина кишига уларнинг манзилини берганман. Яхшиликка ёмонлик, деганлари шу-да! 1985 йили Андрюс Калинаускас: «Абайдан 150 сүм қарз олган экансан», деб уч марта келди. Тўртингчи гал лашкарларини — Седов билан Бушмакинни эргаштириб келди. Витас Савицкис ҳам «қарз»ни ундиришда фаол қатнашди. Рамуте ҳам кўчакўйда учрашиб қолганда: «Қарзингни тўласанг бўлмай-лими?» — деб заҳрини соғди. Хуллас улар етти марта келиб, менинг Абай билан Мирзаларга сарф қилган харжатларимни ҳисобга олмай, йўқ қарзини талаб қилишди. Охирги келишларида Пестрецов: «Агар пули йўқ бўлса, нарса бўлса ҳам олаверамиз», деб мени учовлашиб калтаклаб кетишди. Ўшанда мен уларнинг кўзларидан қўрққан әдим, назарлари гўё курбонлик талаб қилиб тургандай эли. Бу тўда, Абай айтгандек: «Ким бизга қўшилмаса, у бизга душман», қабилида иш тутди...

Прокурор: — Нима учун Абайдан нарироқ юргингиз келиб қолди?

Янкаускас: — Мен уларнинг одамларни алдаётганини пайқаб қолдим... Улар сафга тизилган лашкар-

лардек эди. Балки, уларнинг тартиби бўйича Калинаускасни лейтенантликка қиёс қилса бўлар.

Оқловчи: — Яхши, шундай экан, нима учун ўз вақтида милицияга хабар қилмадингиз?

Янкаускас: — Милиция нима ҳам қиласди дейсиз. Мен Калинаускаснинг ота-онасига бориб айтдим. Ўглингизнинг бу юришлари яхшиликка олиб бормайди, дедим... Хатои азим бўлиб, битта-яримтаси қурбон бўлиши ҳам мумкин, дедим...

Пестрецов: — Мен уни фақат икки марта гина урган эдим. Қасамёд қилиб айтаманки, биз унинг нарсаларига текканимиз йўқ. Бу масалада менинг вижданим пок...

Пятраускайте А. (шифокор): — Мен Абай билан Жукайте орқали 1984 йили август охиirlарида танишган эдим. Уни Калинаускаслар уйидаги худди вазир келиб қолгандай меҳмон қилишиб. Лекин у назаримда, жуда камтар одамдай туюлганди. Мирзани жуда ўқимишли одам, кутубхонадан чиқмай, Лениннинг томларини ўқигани-ўқиган, деганлари учун ўқимишли деб ўйласам, оддий бир саводсиз чол экан. Унинг гап-сўзларидан саводнинг «с» ҳарфини ҳам тополмадим. Улар билан қайта учрашмаслик учун 100 сўм бериб қутулдим.

Судья: — Айтинг-чи, жиноят қилганларидан кейин улар ҳақида фикрингиз қандай, ўзгардими?

Пятраускайте: — Мен уларнинг алдоқчилар эканлигини тушундим. Назаримда, уларга берган пулим қайтиб келмасга кетди-ёв.

Судья: — Пулингизни қайтариб олгингиз келадими?

Пятраускайте: — Кераги йўқ.

Прокурор: — Жиноятдан сўнг, Абай Тракайга сизни излаб борганида қандай аҳволда эди?

Пятраускайте: — Юзлари оқариб кетган эди...

Лениченко О. (Тошкент): — Талъат билан мен 1979 йили каратэ машғулотларида танишган эдим. Сунг кинога суратга тушиш учун иккаламиз Свердловскка бордик. Абайнинг исмини эшитиб юардим-у, ҳали ўзини

күрмагандим. Талъат агар муштлашса, икки-уч одамга бўй бермайдиган йигит эди, аммо у актёр сифатида ташқи қиёфасини сақлашга жуда ҳам эътибор берар, шунинг учун бўлса керак, ҳеч ҳам бунаقا муштлашувтарга аралашмасди. «Инсон жисмоний кучи билан эмас, ақлий иқтидори билан кучли бўлмоғи керак», дерди у. Талъатни арақ ичади деган гапга қўшилмайман, мен яқин йиллар ичida унинг ичганини кўрмаганман. У, ҳатто никоҳ тўйимда ҳам оғзига ичкилик олмаган...

Макаров Н. (жонлантириш бўлимининг бошлиги): — Мен кўрганимда, Талъатнинг калтак тегмаган жойи йўқ эди. Уй эгаси: «Хотиним диссертация ҳимоя қилган эди, Талъат меҳмонлар билан айтишиб қолиб чиқиб кетди-ю, қўчада калтак еб қайтиб келди», деди. Мен шу қадар калтак еган одамнинг бу ерга қайтиб кела олишига шубҳаланиб, милицияга телефон қила бошлаганимда, ўтирганлар ўрниларидан туриб, битта-битта чиқиб кета бошлашди...

Лапенайтэ В. (рассом, Янкаускаснинг хотини): — Уйимизга Пестрецов учта одам билан келганида мен ошикни очмадим. У: «Мен Ленинграддан келдим, Константинман», — деди. Кейинги келганида эримни калтаклади. Улар пулни ўзлари учун эмас, Абай учун сўрашди. Эрим илгари уларнинг бир чақага арзимайдиган ишлар билан шуғулланиб юришларини айтган эди...

Бўрибоев Олтой (Қирғизистон Давлат университетининг кафедра мудири): — Абай мақтанишни яхши кўрарди. Айниқса у, касалга чалинганидан сўнг индамас, мустақил яшай бошлаганидан кейин эса ялқов, ишёқмас бўлиб қолди... У бош оғригини баҳона қилиб дарслардан ҳам қолиб кетар эди...

Судья: — Ака деган инисининг аҳволидан хабар олмайдими?

Олтой: — Ўшандай пайтларда уни ишга даъват қилиш лозимлигини энди тушуниб турибман.

Рейимбоев (маҳалла инспектори): — Мен овумизга келган одамларнинг паспортларини текши-

риб турар эдим. Жумладан, Абайнинг ҳам паспортини текширгранман. У: «Мирзанинг олдига даволаниш учун келдим», деб важ қилди. Мирзани эса 1983 йили текшириб кўринглар деб психодиспансерга жунатган эдим.

Судья: — Нима учун Мирзанинг олдига туппатузук одамлар келишди?

Рейимбоев: — Билмасам...

Судья: — Буни билиш сизнинг вазифангизга кирмайдими ахир? Ким нима учун келиб, ким нима учун кетаётганини суриштирмадингизми?

Рейимбоев: — Суриштирдим. Ҳамма ҳужжатларини текшириб кўрганман, жойида эди...

Прокурор: — Инспектор сифатида сиз тиламчи-ларнинг жазога тортилиши лозимлигини биларсиз. Агар сиз кўнгилчанлик қилмаганингизда Мирзадан «пайғамбар» чиқиши мумкин эмас эди.

Рейимбоев: — Менга раҳбарлар танбеҳ беришиди...

Абдалов М. (бригадир): — Мен Мирзани болалигидан биламан, у ҳеч ким билан қўшилиб ўйнамас эди. Овулдагилар ҳам, энди кампир онасини боқсаям катта гап, дейишиб унга эътибор беришмади... У ҳатто, уйида овқат пиширишга ҳам эриниб, тайёр овқатга қизиқиб Султон Вайис бобо зиёратгоҳига борган бўлиши керак. Чунки, авваллари у тиламчилик қилиб юрганида, овулдошларини кўрса қочиб, уялиб юрди. Сўнг бора-бора тортинмайдиган бўлиб қолди. Келганлардан бири бир гал, чамаси шу Абай бўлса керак, менга «Болгария» деган журнални кўрсатди. Унда Ванга деган авлиё кампир ҳақида мақола босилган экан. Улар Мирзанинг суратини Вангага кўрсатдик, дейишли. У: «Бу одамда қандайдир бир илоҳийлик бор», — дебди. Мирзанинг олдига келган одамлар гоҳ озайиб, гоҳ кўпайиб кетар, улар овулимиз кўчаларида қўлтиқлашиб, сухбатлашиб юришар эди. Улар Мирзани жуда ҳурмат қилишар, унинг кетидан эргашиб юришгани-юришган эди.

Мен келган бегона одамлар билан Мирзанинг ён күпиниси ҳамда колхознинг парторги сифатида қизиқдим. Баъзиларининг ҳужжатларини текшириб курдим, бальзилари билан суҳбатлашдим ҳам. Уларнинг кўпчилиги илм кишилари эди. Мен уларга «Мирзада ҳеч қандай каромат йўқ, оддий девона» десам, улар мен билан айтишиб, гапларимга қулоқ солишмади.

Судья: — Мирза яшаб турган уй қанақа?

Абдалов: — Ниҳоятда ифлос. Шундай илмли одамларнинг шу уйда ётиб-тураётганларини кўриб, ҳаммамиз ҳайрон қолардик.

Судья: — Мирзанинг пули борлигидан хабарингиз бормиди?

Абдалов: — Пули борлигини ҳамма биларди. Бир марта мен унга ярим ҳазил, ярим чин қилиб: «Мирза, сенинг пуллинга овулимизнинг бир кучасини асфальтлайлик-да, ўша қўчага номингни қўяйлик», — дедим. Унга бу гап ёқмади... У пулга ўч одам.

Судья: — Мирзанинг ўзи қандай одам ва унинг олдига келган одамларни қандай одамлар деб ўйлайсиз?

Абдалов: — Мирза табиатан қўрқоқ, бирорга озори йўқ одам. У ҳатто, зигирдай болалардан ҳам қўрқарди. Унинг олдига келадиганларни эса ҳалигача тушунмайман...

Прокурор: — Мирза кейинги пайтларда қандай кийимлар кийди?

Абдалов: — У сўнгги вақтларда қадимги одамлар қандай кийим кийса, шундай кийинарди. Илгарилари эса оқ чопон кийиб, турли-туман мунчоқлар ташиб юарди.

Прокурор: — Унинг арабча саводи борми?

Абдалов: — Мирза арабчани билмас эди.

Эксперт: — Нима учун уни овулдошлари «Мирза жинни» деб атарди?

Абдалов: — Овулимиизга яқин жойда «Шайдинк» деган мозор бор эди. Мирза шу жойга ўт қўиди,

унинг атрофидаги ёғочларни уйига олиб келиб, ўтин қилди. Шундан сўнг уни ҳамма «жинни» деб атай бошлади. У кўчадан ўтиб кетаётганда, юриш-туришининг норасолигидан бўлса керак, «вов» деб оғиз очмайдиган итлар ҳам унга ҳурап эди.

Бобоҷонов Е. (маҳалла инспектори): — Мен 60-йиллари тўйларда Мирза билан курашга тушиб юрдим. У биздан анча кучли эди.

Судъя: — Айтингчи, сиз Мирзани ақли расо одам деб ҳисоблайсизми?

Бобоҷонов: — Ақлини билмайман, аммо тансиҳати жойида эди. Тансиҳати жойида бўлмаса, курашга тушмаган бўларди...

ЁЗМА РАВИШДА БЕРИЛГАН ГУВОҲЛИКЛАР

Номаълум сабабларга кўра, мазкур суд жараёнида баъзи гувоҳлар иштирок этишолмади. Эҳтимол, баъзилари касал бўлиб қолгандир. Эҳтимол, кечагина ҳамто воқ бўлиб юрган дўстларининг кўзига кўринишга уялишгандир. Ёки бўлмаса, жамоатчилик олдида қолган обруйларини ҳам тўкиб қўйишдан чўчишгандир... Ҳар ҳолда, бу жараёнга озгина дахлдор одамлар жамоатчилик олдидаги фарзидан, жавоб беришдек масъулиятдан қочиб қутулолмайди. Шунинг учун ҳам суд жараёнида қатнаша олмаганларнинг ёзма равишида берган гувоҳлик номаларини жамоатчилик олдида ўқиб эшилтирилди. Биз уларнинг баъзиларидан парчалар келтирамиз:

Бендиқайтев В. (Литва консерваториясининг собиқ талабаси): — Абай билан Мирза: «Биоэнергия билан нурланган одамлар одоб ва иззат-икром қоидаларини сақлашлари шарт эмас, чунки улар ҳар қандай қоидадан юксакроқ туради. Шу сабаб ҳам «нурланиш» учун одам ўзидаги «эго»ни (эгоизмни) енгиш йўлини фақат жинсий алоқа орқали топиши мумкин...» деб тушунирар эди.

Мен очилажак «идора» учун 60 сўм бердим. Аммо Мирзга билан Абайнинг ҳеч қандай кароматини сезмашим, чамаси, улар ҳеч қандай кароматга эга эмаслар...

Дергачев Д. (талаба): — Мен Мирзага икки марта 20—30 сўмдан пул бердим, «идора» учун... Учинчисида ўзи сўраб олди.

Николаев-Калинаускас (Киев, спорт жамиятида йўриқчи): — Мен режиссёр сифатида актёrlарнинг психотренинги билан қизиқдим. Пестрецовнинг уйида Абай билан танишдим.

Абай Мирзани ўрганаётган олим сифатида, Мирзанинг олдига бораётганлардан: «Қайтганларингдан кейин Москвага келиб, унинг қандай таъсир қилганини айтиб кетинглар», — деб илтимос қилди. У Мирзанинг шахсий жамғармасидан 50000 сўм пулни давлат ихтиёрига, яъни дарвишларни ўрганиш учун ҳадя қилажагини айтди. Абай яна, «мабодо одамни ўрганиш институти очилгудай бўлса, Мирза эксперт қилиб тайинланади, у баъзи одамларнинг экстрасенсимиyuқлигини ажратиб беради», деди.

1984 йили Қорасувда Мирза бир чолни кўрсатиб: «Мана бу энг сўнгги табиб», — деди. Мен бу тўдада тартиб қаттиқ эканини ҳис қилдим. Экстрасенсорика сирхарини ўрганиш учун йилига 1000 сўм аъзолик бадали туланиши керак экан. Ундан ташқари, бу гуруҳдан ўзбонимчалик қилиб кетганлар ўлгудай калтакланар экан.

Маълумки, зиёратчилар ҳамма нарсага қизиқувчан булади. Улар тезроқ галати кароматнинг шоҳиди бўлишлари керак, инсон боласи кўрмаган воқеаларни кўриши керак... Булар эса одамларнинг мана шу нозик томонларини билиб, уларни куппа-кундузи алдашади, тезроқ мўл-кўл бойлик тўплашга ҳаракат қилишади. Улар бу йўлда Талъатнинг пулидан, обрўсидан фойлиланишиди...»

Савицкис Б. (молиячи): — Мен Мирзанинг олдинга 1983 йили бош оғрифимни даволатиш учун борган эдим. Кейин Қорасувга борганимда эгнимдаги курт-

камни совға қилдим. Аккредитив қилдирған 100 сүм пулим бор эди, үшани ҳам билиб қолған бұлса-я, деб кассадан олиб бердим... Шунда Абай билан Мирза «Мураускас ҳаддидан ошиб кетди» деб уни кетишга мажбур қилишди. Уларнинг назарида, Берунийга келувчи зиёратчиларга қулай бўлиши учун бу ерга бир бино куриш керак экан...

Умрим ўтиб борарди, аммо бош оғрифим босилмасди.

Сафронов А. («Огонёк» журналининг собиқ муҳаррири): — Уларни бизнигиң дўстим, шоир Валентин Сидоров олиб келди. Валентин ёзувчи сифатида Шарқ маданияти билан қизиқиб, бир неча бор Ҳиндистонга бориб келган эди. Ўша пайтларда биомайдон ҳақида турли гаплар пайдо бўлиб, журналишимизда энг яқин дўстим Жуна Давиташвили ҳақида мақола чоп этилди. Абай ҳақида Лариса Васильевна ҳам илиқ гаплар айтди. Бунинг устига Қорақалпоғистон ёзувчилари билан дўст эдим. Қорақалпоғистондан шунаقا одам чиқибди, деганига қизиқиб қолдим. Шунинг учун Бўрибоевни унчалик хуш кўрмасам ҳам, уни уйимда қабул қилдим ва уларга ёрдам қўлини чўздим...

Будгинайте Л. (Воверяйчай қишлоғидан): — 1983 йили Берунийга Мирзанинг олдига бордик. У меҳмонларини одамлардан садақа йиғиб боқар экан... Кеъиниң Қорасувда учрашганимизда ҳаммамиз қип-яланғоч ҳолда чўмилдик...

Сидоров В.М. (ёзувчи): — Мен Абай билан «Огонёк» журнали таҳририятида Жуна Давиташвили билан учрашув маросимида танишиб қолдим. У менга ўзи ҳақида ҳикоя қилиб берди ва қайсикир асаримни ўқиганини гапирди. У оғир касалга чалинибди, шифокорлар даволай олмабди, сунг уни тоғдаги қандайдир чоллар муолажа қилибди. Энди ўша чолларни ўрганиш, уларнинг эмлаш усуllibарини илмга қўшиш учун ўқимоқчи бўлиб юрганини айтди... Унинг гапларига

шпонса бўларди. Мен Абайни Жуна билан бир қатордаги одам бўлса керак, деб ўйладим...

Шундан кейин бир ярим ойларча йўқ бўлиб кетди. 1982 йилнинг баҳорида Мирза деган «ноёб истеъод эгаси»ни топиб олганини айтди. Унинг гапига қараганда, Мирза мусулмон динига қарши экан, теварагидагилар уни яхши тушунишмас экан. Шунинг учун кўп азият чекиб юрган экан. Орадан кўп ўтмай Абай Мирзани ҳам Москвага олиб келди. Унинг Абай таржима қилиб берган космос ҳақидаги, одамлар онгига таъсир қилишнинг ҳалқона йўллари ҳақидаги гаплари ҳозир ҳам эсимда.

Мирза саводсиз бўлишига қарамай, айтган гапларидан менда унинг таржимасига шубҳа туғилди... Бора-бора Мирзанинг ҳам феъли ўзгариб, тутуруқсиз бир одам эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳатто у бир гал мендан арақ ҳам сўради... Кейинги сафар, ораларида бир аёл киши ҳам бор бегона одамлар билан келишди. Мен Абайга, бирор натижага эришиш учун меҳнат қилиш лозимлигини, унинг эса нотўғри йўлга тушиб кетаётганини айтдим. Барибир натижа бўлмади. Сўнг мен 1982 йилнинг кузида Абайга, энди бас, бундан кейин бизниги келма, дедим.

Улар ижодий кечаларимда ҳам иштирок этишди. Абай икки марта, Мирза бир марта. «Космос» клубидаги учрашувда мен Абайни одамларга меҳмон сифатида таништирдим... Политехника музейидаги учрашувда эса Абай ҳам, Мирза ҳам иштирок этди...

Сидорова Л. В. («Советская Россия» нашриётининг муҳаррири): — Абай уч ойча эримнинг иш кабинетида яшади, сўнг бир ярим йил кўринмай кетиб, бир кекса одам билан келди. Улар арақ ичишиб, тонгга яқин ўзларини тутолмай қолганлари учун эрим уларга қайтиб бу ерга келманглар, деб илтимос қилди.

Сафронова Э. С.: — 1979 йилмикин, билмадим, уйимизда Макульский, Сидоров ҳамда эрим Абайни Ҳимолай табобатини, Рерихнинг меросини ўрганиш учун Ҳиндистонга юбориш лозимлигини мас-

лаҳат қилишди. Рерихнинг экспозициясини текшириш, ўрганиш шарт эканлигини айтишди. «Абай Тибет тилини билади», деди Сидоров. Бу соҳада бирон натижага эришиш учун Абай аспирантурада ўқиши керак эди. Хуллас, қобилиятили йигит эканини, унга аспирантурага киришга ёрдам бериш лозимлигини айтишди. Шунда кимдир унга тураржой олиб бериш ҳақида илтимоснома ҳам тайёрлади...

Мен Жуна Давиташвили билан учрашганимда унинг массажидан аъзойи баданим куйгандай бўлди... Сўнг Жуна: «Абай билан менинг биомайдоним қарийб teng, шунинг учун мен ёрдам беролмайман», — деди. Абайга эмлатиб кўрдим, аммо ҳеч қандай натижа чиқмади. Абай бир гапида, одамнинг яхши ёки ёмон фазилатларини шундоққина айтиб беришим, ёки ким жинояткор-у, ким тўғри эканлигини ажратиб беришим мумкин, деди...

Орадан анча вақт ўтгач, у Мирзани бизниги бошлиб келди. Уларнинг ёнида Сидоров ҳам бор эди. Эрим улар билан ҳангомалашиб ўтирап экан, Шарқ мамлакатларидан олиб келинган совға буюмларни кўрсатди. Абай билан Мирза уларни ҳайрат билан томоша қилишди. Сўнг Мирза менга бўйнидаги мунчоқларини олиб совға ҳам қилди, эримга эса қўлидаги қалайдан қилинган узукни берди. Мен ҳам, ўз навбатида, эримнинг рухсати билан Филиппиндан олиб келинган маржонни совғага бердим...

1982 йил баҳорида Абай бизниги келиб, Қорақалпоғистонда Мирзанинг қобилиятини ҳеч ким тан олмаётганини, ҳатто, Абайнинг ўзига ҳам рўйхуш беришмаётганини айтиб, «маҳаллий ҳукумат номига илтимоснома ёзиб берсангиз яхши бўларди», деди. Унинг бу гапини Сидоров ҳам қўллаб-қувватлади, эрим ҳам кўнди.

Сўнгги марта Абай бизниги 1982 йили июнда, менинг туғилган кунимга таклиф қилинмасдан келди. У дастурхон устида ўзича Шарқ табобати, экстрасен-

сорика, биомайдон ҳақида гапира бошлаган эди, тиббиётдан хабари бор бир меҳмонимиз унга аниқ саволлар бериб, довдиратиб қўйди, сўнг унинг айтиётган гаплари ҳаммаси бўлмағур нарсалар эканини эслатиб мулзам қилди. Абай индамай ўринидан туриб чиқиб кетди-ю, шу-шу уйимизга келмади. Бироқ, мен ҳар хил байрамлар муносабати билан Мирза билан Абайлардан табрикномалар олиб турдим. Кейинчалик мен бу одамнинг ҳеч қанақа кароматга эга эмаслигини тушундим...

Ким Г.Ф. (Шарқшунослик институти директори-нинг ўринbosари): — Абай билан уч мартагина учрашдим. Қўзларим оғриб (кейинроқ операция қилдирдим), институтимиз ходими Бонград-Левин орқали у билан танишган эдим. Абай мендан институт аспирантура-сига киришим мумкинми, деб сўради, ўзи эса, Тибет табобати ва унинг фалсафий асослари билан шуғуллашиб юрганини айтди.

Институтимиз Тибет табобати билан илгаридан шуғулланаётган эди. Мен унга «бу оқимнинг фалсафий асосларини аниқлаш учун илмий текшириш ишларингизни давом эттираверинг, агар қўшимча имкониятлар туғилиб қолгудай бўлса, сизни назарда тутамиз», дедим.

Иккинчи бор у менга «Огонёк» журналининг бош муҳаррири А. Сафроновнинг хатини олиб келиб кўрсатди ва яна аспирантура масаласини қўзгади. Ўша пайтларда институтимиз Тибет табобатини ўрганиш соҳасидаги ишларни тўхтатган эди. «Штатларимиз тўла, афсуски, сизга ёрдам қилолмайман», дедим.

Учинчи гал Мирзани олиб келди ва унинг экстрапенс сифатида одамларни даволаб юрганини, мени ҳам даволаши мумкинлигини айтди. Гап-сўзларидан ўзини жуда катта олаётганини сезиб қолдим. Ростини айтсан, у менга ёқмади. Сўнг учрашувларимизнинг тамом бўлганини айтдим...

Виноградов Н.М. (Шарқшунослик институти-нинг илмий ходими): — Мен Абай билан каратэ сек-

циясида танишдим. У каратэ билан шуғулланмаса ҳам машғулотларга қатнашиб турарди.

Шарқнинг кӯхна ирим-сиirimлари, урф-одатлари билан шуғулланиб юрганим учун Абайнинг баъзи гаплари мени қизиқтириб қолди. У одамни ўзига жалб қила оладиган даражада гапиради-ю, аммо айтаётган гаплари асоссиз, тутуруқсиз эди... Бир марта ўзининг биомайдони билан менга таъсир қилмоқчи бўлди. Шунда қўлимда енгил санчиқ пайдо бўлди. Лекин мени даволай олмади.

Мен уни институтимиз сектор бошлиги Бонград-Левин билан таништирдим. У директор ўринбосари Кимга таништирибди. Сўнг Абайнинг сўзларида самимият йўқлигини сезиб, у билан алоқани уздим. Кейин у мистик таълимот пардаси остида фаҳш ишлари билан шуғулланиб юрган аллақандай бир гурухга раҳбарлик қилаётган экан, деган миш-мишлар тарқалди...

Бир марта Абайнинг ғалати кийиниб, қўксига қандайдир тақинчоқлар тақиб олган кексароқ одамни эргаштириб келганини кўрдим. Мирза экан. У икки оғизгина русча гапирди: «Одам бу — микрокосмос».

Сиркин А. Г. (Фалсафа институтининг бўлим мудири): — 1978 йилдан бери Жуна Давиташвилиниң экстрасенсорик йўл билан одамларни даволаш усулини ўрганиб юрган кезларимда, теварагида гиргиттон бўлиб юрган шарқлик бир одамни учратиб қолдим... У ўзини Абай Бўрибоев деб таништирди. Бош оғриғидан шикоят қилди. У билан учрашиб сұхбатлашган чоғларимда ҳеч қанақа илмга дахли йўқлигини, биомайдонга ҳам у қадар эга эмаслигини сездим. Ўзини олим деб танитиб, экстрасенс қилиб қўрсатишга уриниб юрган одам эди. Кейинроқ кимдандир, буддавийликни ўрганиш бўйича СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг Бурятия филиалида кичик илмий ходим вазифасида ишлаётганини эшитдим...

Давиташвили Е.Ю. (Жуна): — Абай билан 1979 йили «Техника молодежи» журнали таҳририя-

тидаги учрашувда танишган эдим. У нуқул бош оғригидан шикоят қиласы. Сүңг мен унинг ақли бутунлигига шубҳа қилиб, у билан учрашишдан бош тортдим. 1982—1983 йиллар бўлса керак, уйимизга бир кексароқ одамни эргаштириб қелди ва уни ўзининг устози сифатида таништириди. Ўша келганида мендан 1000 сўм қарз сўради. Мен уларга бир тийин ҳам бермасдан, уйдан ҳайдаб юбордим... Абай Бўрибоев одамларни даволай олмайдиган шунчаки бир алдамчи шахс.

Бонград-Левин Г.М. (Шарқшунослик институтининг сектор мудири): — 1979 йили институтимиз ходими Виноградова мени даволай оладиган бир одамни тавсия қилди. Бир вақтлари умуртқам заҳа еб, уни шифокорлар даволай олмаган эди, шунинг учун унинг таклифига кўна қолдим. У Абайнин уйимизга олиб келгач, мен унга заҳа еган жойимни айтдим. Абай умуртқамни устидан силаб кўриб, гапимни тасдиқлади. Бироқ эмининг фойдаси тегмади... Сўнг менга Шарқ табобати билан шуғулланаётганини гапирди. Ёнимда аёлим ҳам бор эди, Абай у билан турли-туман диний оқимлар ҳақида гаплашгиси келиб, сўз бошлаганида, хотиним: «Бу ҳақда гапириш учун, аввало, ўша соҳадан бирон нарсани билиш керак», — деб унинг гапини кесди.

Мен ҳам, хотиним ҳам унинг Шарқ табобати ва турли диний оқимлар ҳақидаги гапларини эшитиб, билимининг саёз эканлигини сезиб қолдик. У гапининг сўнгтида институтимиз аспирантурасига киришга ёрдам беришимизни илтимос қилди. Мен бу иш қўлимдан келмаслигини айтиб, институтимиз директор ўринbosари Ким билан таништириб қўйишга ваъда бердим... Аммо Кимга ҳам ёқмай қолган бўлиши керак, у ҳам алоқасини узибди. Абай билан танишлигим ниҳояти бир ҳафтача давом этди, холос. Мен уни тутуруқсиз, саёз одам деб биламан...

Сохта пайғамбарлар устидан бўлган суд жараёнида қанчадан-қанча гувоҳларнинг юзидағи пардалари йиртилди. Мазкур суд жараёнининг ўзгачалиги шундан иборат эдики, «пайғамбарлар» билан алоқа қилгандарнинг деярли ҳаммаси жабрланганлар бўлиб чиқди, баъзилари эса, экстрасенс деган сохта ном остида юрган товламачиларнинг ё тилакдоши, ё эса, жамият олдидаги ўзининг фуқаролик бурчларини шахсий манфаатларига алмаштириб қўйган аянчли кишилар эди.

Майлику-я, нима учун экстрасенсларга қизиқканларнинг деярли ҳаммаси олий маълумотли, ҳатто илмий даражаси бор одамлардан иборат бўлди? Нега дунёни материалистик нуқтаи назардан тушуна оладиган одамлар Шарқ афсоналаридаги «суф деса, ўрнидан туриб кетибдимиш» каби гапларга ишонишади? Балки, улар Лев Толстойнинг асримиз бошида ёзган «Оқартувчилик нишоналари» пьесасидаги: «Нима учун медиум (биомайдоннинг қадимги атамаси) ўқимишли одамлар орасида тарқайди?.. Бинобарин, у нарса бор бўлса, оддий одамларнинг орасида, мужикларнинг орасида тарқалмасмиди?» — деган гапларини ўzlарича тушуниб, «пайғамбарлик»ка мана шу жулдур Мирзани танлашган эканми, а? Агар шундай қилишган бўлса, улар алданишиди, чунки улар сифинаётган Мирза азалдан халқни алдаб келаётган бир муттаҳам эди, холос. Дарвоҷе, буни унинг ўзи ҳам бўйнига олиб ўтирибди...

Суд жараёнида чиқиб гапирган баъзи одамларнинг, гувоҳларнинг гапларидан, берган гувоҳликларидан ҳали ҳам бу «пайғамбарлар»ни қўллаб-қувватлаётганларини пайқаган бўлсангиз керак. Мирзабой билан Абайни ғойибона «пир» ҳисоблаб, уларнинг йўлига интизор бўлиб

ўтирган яна кимлар бор экан-а? Балки улар, ўз бошларига кулфат тушмагунча, эътиқодларидан воз кечиши мац. Эҳтимол ушбу рисолани ўқиб кўргач, ўйлаб кўришар...

Мана, судланувчилар — ёвузларча қилинган жиноятнинг асосий айборлари бошларини эгиб қора курсида ўтиришибди. Энг олдин видеомагнитофон лентасига ёзиб олинган тасвирлар, Абай билан Мирзабойнинг шахсий буюмлари, китоблари намойиш қилинди. Сербский номидаги Москва суд психиатрияси институтининг эксперtlари судланувчиларга тавсифнома берищди. Сўнг Давлат айловчиси — прокурор Гедиминас Наркунас жиноятчиларни айлаш ҳақидаги қарорни ўқиб берди: «Мазкур суд жараёнинг мақсади — экстрасенсларнинг ўткир қобилиятларини аниқлашни эмас, балки уларнинг товламачилиги, алдоқчилиги ва оқибат натижада уларнинг содир қилган жиноий ишларини фош қилиш ҳақида дир. Бу ерда ўтирганлар номигагина ўзларини жабрланган ҳисоблаб ўтиришибди. Албатта, Чўлпон бундан мустасно. Ҳатто, баъзилар судланувчиларнинг хатти-ҳаракатларини оқлашга ҳам уриниши. Масалан, Юркус судда берган жавобида: «Февраль ойида деразаларимнинг синдирилиши турмушимни бироз яхшилади», — деган гапни айтди. Жиноятдан бош тортиш Неъматуллиннинг фуқаролик бурчи эди, у бош тортди ва шунинг учун ҳам қурбон бўлди. Бу ерда ўтирган жабрланувчилар ҳам шундай қилиши, жиноятдан бош тортиши, жиноятнинг олдини олишлари мумкин эди. Бунинг учун улар кўксини амбразурага тутиб беришлари шарт эмасди. Қайтага Вилия ҳам, Ниела ҳам, Рамуте ҳам Абай билан Мирзаларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилишиб, тергов ишларини чалғитдилар...»

Прокурор айблов қарорини ўқиб эшилтиргач, яна жабрланувчилар ўз фикрларини билдиришди.

Абай, Мирзабой, Пестрецов, Седов ҳамда Калинаускасларнинг оқловчилари чиқиб гапиришди. Сўнг суд раиси судланувчиларнинг охирги сўзларига биноан бир қарорга келиш учун икки ҳафталик танаффус эълон қилди.

«МИШ-МИШЛАР» ТАЪЛИМОТИ

*Одамнинг оласи ичидা,
Молнинг оласи ташида.*

Халқ мақоли.

Миш-мишлар бўйича ўзимизни мутахассис ҳисобламасак-да, суд жараёнидаги танаффусдан фойдаланиб, мирзачилик тарихига бир назар ташлаб кўрайлик. Экстрасенсларнинг урфга айланиб, қандайдир бир сеҳрли куч орқали каромат қидиргандаридан мақсад нима эди? Уларнинг туб мақсадлари В. Стрелковнинг «Человек и закон» журналида жуда ҳам тұғри очиб берилди. Унинг ёзишича, Шарқнинг «сир»ли иримсирилмлари ҳамда турли диний-мистик оқымларнинг интенсив тарқатилиши Шарқнинг ўзига боғлиқ әмас... унинг манбаи гарбдан, тұғрисини айтганда, АҚШдан эканлиги маълум. «Мирзабой, Абай, Пестрецов ўзларини экстрасенс, телепат қилиб курсатиб, ўғирлик ва табибчилик билан шугулланишиб... империализмнинг хуфия куролларига айланиб кетиши», дейди В. Стрелков.

«Мирза ҳеч қанақа бемаъни иш қилгани йўқ, у фақат яшади», — дейди гувоҳлардан бири. Мана шу сўзларга эътибор беринг-а: гарчи бу сўзлар Мирзани ҳимоя қилиш учун айтилган бўлса-да, ҳаётининг мазмунсизлигини курсатаётгани йўқми?

«Биз у билан бўлганимизда, ҳеч нарса қилганимиз йўқ, фақат дам олдик», дейди иккинчи бир гувоҳ. Бу қанақаси бўлди энди? Ҳеч иш қилмаган одам қандай қилиб дам олиши мумкин?!

Нафсилаамрини айтганда, биоэнергетика, биомайдон, экстрасенсорика кабилардан Вильнюснинг ўзи ҳам фориф әмас экан. Суд залида гувоҳ тариқасида ўтири-

ганлар билан шунчаки қатнашаётган жамоатчилик орасыда илгари бир-бирлари билан алоқадор бўлиб, кейинчалик бу гапларнинг қуруқ сафсата эканлиги билиниб қолгач, қўлини ювиб, қўлтиққа урганлар ҳам бор экан. Мен шундай кишилардан бири Саша М. билан суҳбатлашдим.

— 70-йилларнинг охирларида Вильнюсда парапсихологияга қизиқиш кучайди, — дейди Саша М. — Мен ҳам қизиқиб, 1980 йили кузда Литва Фанлар академияси залида ўқилган «Биоэнергетикага доир» мавзудаги маъruzada иштирок этдим. Фан номзоди Йонас Бикис дастлабки маъruzасидан сўнг: «Экстрасенсорикага қизиқувчилар секцияга ёзилсинлар», деб эълон қилди. Мен ҳам ёзилдим. Секцияда одам организмининг имкониятларини биоэнергетика орқали ўрганиш мақсад қилиб қўйилган эди. Шунингдек, бу ерда одамнинг кафтларидағи чизиқларга, кўзларига тикилиб, у касал ёки соғ эканлигини аниқлаш имкониятини ҳам ўргатиларди.

Бир йилдан сўнг, секцияда Игорь Николаев-Калинаускас маъруза ўқиди. У Москвада ҳам устозлари бор эканлигини айтиб мақтанди...

Бора-бора Игорь Николаевнинг маъruzасига қизиқувчилар кўпайиб, медиклар, геологлар ҳам уни ўз ҳузурларига таклиф қилдилар. У аввалларига маърузани текинга ўқиди, кейинчалик гуруҳ тузилгач, одам бошига бир маъруза учун бир сўм талаб қилди. Гуруҳ олдин 6—7 одамдан иборат бўлиб, кейинчалик астасекин кенгая борди.

1982 йили Игорь Николаев гуруҳдаги ишончли одамларни тўплаб, Молетада чодирлардан лагерь ташкил қилди. Яна бир гуруҳга «руҳий жиҳатдан ором олиш учун» алоҳида чодир — ўтов тиктириди. Бу лагерга қатнашишни ихтиёр қилган ҳар бир одам 100 ионадан тўлаши шарт эди...

— Хуш, қандай қилиб ором олдингиз? — деб сўралим мен.

— Хоҳ аёл, хоҳ эркак, ишқилиб битта одамни шу чодир ичига қип-ялангоч қилиб киритилади. У чодир ичида ёлғиз ўтириб, ўзини ўзи камолотга эриштириши керак. Ҳатто, унга овқатни чодирнинг тешигидан узатиб туришади.

— Афсус, — дедим мен экстрасенсларнинг нафсониятига тегмасликка ҳаракат қилиб. — Николай Васильевич Гоголнинг эртароқ оламдан ўтиб кетганини кўрмайсизми? Унинг «Ўлик жонлар»идаги Ноздревнинг ҳужрадан чиқмай, ҳатто овқатни ҳам деразадан олдириб, ўзи билан ўзи шатранж ўйнаб ўтирган кезлари ёдимга тушиб кетди.

— Улар негадир аёлларни ёшига қараб қабул қилишли, — деди Саша М. сўзини давом эттириб. — Борабора гуруҳда ўтилган дарсларнинг нархи бир сўмдан икки сўмга кўтарилиб кетди... Молетада иккинчи лагерни қурмоқчи бўлаётганларида Игорь Николаев ўз ёрдамчилари билан келишолмай қолибди. Кейин гуруҳни Валентас Мураускас бошқарди. Ўшанда улар тушган «гонорар»лардан бир қисмини «буюк устоз»лари Абай билан Мирзаларга жўнатиб турганлари ҳақида гапиришган эди.

— Демак, сиз ҳам «авлиё» сифатида одамнинг ичидаги гапларини айтиб бера оласиз-да, а? — дедим мен истеҳзо билан.

— Бу қип-қизил ёлғондан бошқа нарса эмас, — деди Саша М. — Бир гал, сухбат чоғида, Игорь Николаев менга: «Сен қўлингни қовуштириб ўтирган одам сенинг ҳамма биоэнергиянгни тортиб олиб қўяди», — деди. Мен ён-веримга қарадим-у, аммо биронта одам энергиямни тортиб олаётганини пайқамадим. Кулгим қистади... Яна бир сафар, гуруҳдагилар одам бошидаги оғриқнинг рангини «қизил» деяётган экан. Мен: «Уларни синааб куриш учун, яхшилаб қаранглар, у

қызил эмас, сиёхранг», — дедим. Салдан кейин бары менинг гапимга қўшилди. Аслини олганда, ҳеч қанақа ранг-пангни кўрганим йўқ эди. Шундан сўнг экстрасенсорика, биоэнергия деб жавлон уриб юрганлар ҳаммаси бўлмагур, муттаҳам одамлар эканини сезиб, бу ишларга қўл силтаб кетиб қолдим.

Мен Саша М. билан суд залидан чиққач танишдим. Бу виждонли аёлнинг гап-сўзларидан «Абай билан Мирзага ўхшаганлар ўз-ўзидан пайдо бўлмагандир?» деган хulosани айтиш мумкин эди. Улар экстрасенсларга талаб кучли жойгагина ўрнаша оладилар... Оқибати нима бўлди? Мирза билан Абай қўлга тушди, дарвишлик таълимотига кенг йўл очиб берган Николаев билан Мураускас жабрланган бўлиб қолишиди, холос.

Литвада яқиндагина тиббиётнинг ажойиб бир ютуғига гувоҳ бўлдилар: Радвилишкисга яқин ердаги ўйларнинг бирида фавқулодда фожиа рўй берди — уч яшар қизалоқнинг оёғини ўроқ шартта кесиб кетди! Ҳозир Раса Прасцевичютенинг исмини ватанимизнинг бурчак-бурчакларидағи барча одамлар билишади. Расанинг оёғини ўроқ кесиб кетгач, Радвилишкис ҳамда Вильнюс шифокорларининг жонкуярлари, Рига учувчиларининг жонбозликлари туфайли у тезда Москвага етказилди... Уни Москвада микрохирург Рамаз Датиашвили операция қилиб, узилиб тушган оёқларини бир-бирига пайванд қилди... Операциядан сўнг қиз Республика болалар касалхонаси шифокорларининг қаттиқ назоратида бўлди. Ҳозир унинг бўйи етти сантиметрга ўсди, оёқлари ҳам ривожланмоқда. Қизалоқ ўз тенгқурлари қатори аргамчидан сакраб ўйнаб юрибди...

«Кеча, — деб хабар беради Вильнюсда чиқадиган «Оқшом янгиликлари» газетаси, 2 сентябрь сонида, — Раса биринчи синф бўсағасидан ҳатлади. Қизнинг ҳаётидаги бу бахтли санани муборакбод этиш учун халоскори Рамаз Датиашвили келди...»

Мана шу бир неча сатрдан иборат кичкинагина ха-бэр мени суд жараёнидан ҳам кучлироқ ҳаяжонга солди. Негаки, шу кичкинагина литвалик қизчанинг ҳар бир сакраб ўйнаши, унинг тиниқ қулгиси кишиларнинг кундалик ҳалол меҳнатларининг самарасидир. Унинг ёрқин юзида кишилардан миннатдорлиги сезилиб турарди.

«Бахтли бўл, Раса!» — деган нидо келди ич-ичими-дан. Расанинг янгроқ қулгиси орасидан «ўзларини ўзлари камолотга эриштираётган» экстрасенслар элас-элас кўриниб, табим тирриқ бўлди.

Ўзингиз бир қиёслаб кўринг:

— Бир умрга мажрухликка мубтало қизалоқни Москвада Рамаз Датиашвили ҳамда унинг касбошлиари операция қилиб, унга ҳаёт бахш этмоқчи... Ҳаёт учун кураш бошланди...

— Молетадаги чодирли лагерда бир тўда «экстрасенслар» ўзларини ўзлари камолотга эриштироқда-лар. Абай билан Мирзалар қайта-қайта Москвага қатнаб, «авлиё»ликка даъво қилиб юрибдилар. Сўнг улар Берунийдаги Султон Вайис бобо қабри теварагида йигилиб, садақа тўплаб, кун кўриб, «ор-номус туйғусидан озод бўлиш» учун эркагу аёл қип-ялангоч бўлиб олишиб, Шимам сойида чўмилишмоқда...

— Раса ҳали ҳам шифокорларнинг назорати остида. Пайванд қилинган оёғи битиб кетармикан? Рамазнинг уйқуси чала... Ҳаёт учун кураш давом этмоқда...

— Молетада, Берунийда, Қорасувда дарвишларнинг кайф-сафоси давом этмоқда, улар кайф деб аталадиган сезгини енгиш учун курашмоқдалар. Абай билан Мирза «Ҳайқириқ» фильмиди суратга тушиб, дарвишликни етти иқлимга ёймоқчи...

— Раса атак-чечак қадам босди... Унинг дастлабки қадамларини кўриб, ота-онаси, доктор Рамаз ва бошқалар хурсанд бўлишмоқда...

— Қорасувда, Берунийда, Шилутгода Абай билан Мирзанинг атрофида юрганлар зиёратчилардан пул тўплаб, одамларни «ўзидан ўзини озод қилиш»га ун-

дамоқдалар. Абай эса, ўзини ҳурмат қилмаган ҳамда унга пул бермаганларга кек сақлаб, ярим йилдан бери Литвада санғиб юрибди...

— Расанинг оёқقا туриб кетгани, айниқса, унинг гўдакларча қувончи — ҳозирги замон микрохирургиясининг навбатдаги ютуғи, деб баҳоланмоқда...

— Абай ўзи ёмон кўрган одамларга нисбатан кек сақлаб, улардан ўч олиш учун Москвадан Пестрецов, Седов, Бушмакин, Тошкентдан Неъматуллин қаби «шогирдлари»ни, Берунийдан «пири» Мирзани чақириб олиб, Вильнюсда оғир жиноятта қўл урди... У Ниеланинг қўлига «Тальянинг бошини ол!» деб пичоқ тутқазди...

— Раса ўз оёғи билан юриб, биринчи бор мактаб бўсафасидан ҳатлади. Унинг ортидан ота-онаси, доктор Рамазлар қўлларини силкитишяпти...

— Вильнюсда Литва ССР Олий суди Абай, Мирза, Пестрецов, Седов ҳамда Калинаускасларнинг жиноий ишларини кўрмоқда...

Мана шу қиёсларнинг ўзиданоқ жиноятчиларнинг жирканч башараларини аниқ кўрса бўлади.

* * *

Танаффус пайтида миямга яна бир фикр келди.

Ахир мирзабойлар, абайлар, пестрецовлар, Мирзанинг «космосдан энергия олганидек», осмондан икки оёғини узатиб тушмаганлар-ку. Улар бизнинг орамизда яшайди, уларнинг текин яшашиларига ўзимиз имконият яратдик-ку, ахир. Уларга сахийлик билан садақа улашдик...

Суд жараённида мисол тариқасида ўқилган мана бу хатга эътибор беринг-а:

ТБИЛИСИ ШАҲАР ЖАМОАТЧИЛИГИГА, ТИББИЙ ВА ИЛМИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИГА!

Ҳозирги кунда СССР Педагогика фанлари академиясининг Эвристика лабораториясида Е.Ю. Давиташвилинииг ноёб қобилияти ўрганилмоқда. Шунинг учун

*Г.Ю. Давиташвилиниң әмлаш борасидаги барча ишилариға имкон борича ёрдам беришларингизни илтимос қила-
миз, чунки унинг әмлаш жараёни билан боғылқ барча
материаллар катта илмий ажамиятга молидир.*

*СССР Педагогика фанлари академияси ҳузуриданы
Педагогика-психология илмий текшириши институты Эв-
ристика лабораториясынинг мудири, психология фанла-
ри доктори, профессор Пушкин.*

Москва 23.11.78 й.

Худди шу мазмундаги хат түрт йилдан сүнг «Ого-
нек» журналининг бош муҳаррири томонидан Мирза-
бай билан Абайга ҳам берилганини бир эслаб күрай-
лик... Бунинг устига, Москва шаҳар ижроия қўмита-
сига туаржой сўраб ёзилган хат, таниқли олимлар,
сувчилар номидан Мирзабойга юборилган табрик те-
леграммалари, фотосуратлар, ҳаваскорлар туширган
кинофильм ва ниҳоят, Абай ҳамда Мирзабойни бош
ролда суратга олган қисқа метражли бадиий фильм...

Абайнинг гапига қараганда, Пушкиннинг хати минг-
минглаб нусхада кўпайтирилган экан. Хўш, Сафонов
эзиз берган хат қанча нусхада кўпайтирилди экан?!

Танаффус тугай деб қолди чамамда, суд хукмини
кутамиз, қани, уларга қандай жазони раво кўрар экан-
лар?

СУД ҲУКМИ

Вильнюсда Литва ССР Олий суди залида ўтириб,
негадир ёдимга яна бир суд жараёни тушди. Мен у
судда иштирок этмаганман-у, бироқ ўша жараённинг
мана бу Абай, Мирза каби жиноятчиларнинг ишлари
кўрилаётган суд жараёнига алоқаси йўқмикин, деган
савол туғилиб қолди. Негаки, бу суд жараёни ҳам шу
йил ёзда, Беруний районидаги «Ленинизм» колхози-
да бўлиб ўтган эди. Биз у ердан ўтганимизда суд бўлаёт-

ган клуб теварагида гувоҳликка чақирилган колхозчи-лар тўпланиб турган, бу ерда йиллик режага қўшиб ёзган колхоз раҳбарлари устидан суд иши бораётганди. Ёдингизда бўлса, шу колхознинг 6-бригадасида «қаҳрамонимиз» Мирза Қимбатбоев истиқомат қилиб, ўзи каби дарвишларни бемалол эргаштириб юрган, садақа йифиш учун Султон Вайис бобо зиёратгоҳига бўзчининг мокисидай қатнаган эди...

Албатта, колхоз раҳбарларининг қўшиб ёзишларида Мирзанинг ҳам алоқаси бор, десак кулгили бўлар эди... Аммо, Мирзанинг меҳнатсиз кун кўриши учун шароит яратиб берган лоқайд одамларнинг қўшиб ёзаётгандарни кўра-била туриб, лоқайд қараганларга алоқаси йўқ деб бўлмас. Чунки, Мирза йўқдан бор қилиб, халқни алдаб, жиноятга қўл урган бўлса, колхознинг собиқ раҳбарлари ҳам йўқни бор, деб давлатни алдаганлар. Эҳтимол, мирзачиликнинг ўзи ана шундай алдашларнинг мевасидир? Ёки аксинча, мирзачилик туфайли ана шундай кўзбўямачилик пайдо бўлгандир?..

Мана ҳозир икки ҳафталик танаффусдан сўнг суд улар устидан ҳукмни ўқиб эшилтириди:

Абай Бўрибоевга — 15 йил. Қаттиқ ва кучайтирилган тартибда.

Владимир Пестрецовга — 13 йил. Қаттиқ ва кучайтирилган тартибда.

Мирза Қимбатбоевга — 12 йил. Қаттиқ ва кучайтирилган тартибда.

Игорь Седовга — 10 йил. Қаттиқ ва кучайтирилган тартибда.

Андрюс Калинаускасга — 3 йил. Умумий тартибда.

Жиноятчиларнинг фаолиятларига хайриҳоҳлик кўрсатган СССР Ёзувчилар уюшмасидаги, Литва ССР Фанлар академиясидаги ҳамда Москва Полиграфия институтидаги баъзи «жонбоз»ларга ҳам суд хусусий жазо белгилади...

Суд жараёни тутагач, биз бу суд жараёнида Давлат қораловчиси, Литва Республика прокуратураси Тергов

Бұлыми бошлиғининг ўринбосари, юстиция маслағатчыси Гедиминас Наркунас билан учрашиб, сұхбатлашдик.

— Гедас, айтингчи, сизнингча «дарвишлар» устидан бұлған суд жараёнининг үзига хослиги нималардан иборат?

— Мен бу ҳақда айблов қарорида ўз фикримни баён қылған әдим: биз одамларнинг сезиш ва ҳиссий қобильтарини эмас, уларнинг алдоқчилігі билан жинойи шипларини суд қылдик. Суд жараёнида бир қыйналған жойимиз шу бұлдики, Абай билан Мирза илгарилари психодиспансерда ётиб, шизофреник бұлғанлайлар ҳақида гувоҳнома олишган экан. Иккаласининг ҳам бирдек шизофреник, яъни эси пастлиги терговда шубҳа тұғдирди. Сүнг уларни текшириб күриш учун Бутуниттифоқ суд психиатрик институтига жүнатдик. Мутахасислар Абайнинг ҳам, Мирзаниң ҳам эси жойида эканни тасдиқлаб, уларга берилған илгариги ҳужжатлар бекор қилинди. Шундан сүнг уларни суд курсисига ўтқаздик.

— Жабрланувчилар сифатида иштирок этган баъзи гувоҳларнинг «айб»лари ҳам анчагина эмасми?

— Тұғри айтасиз, баъзи таниқли олимлар, ёзувчилар, қыз-жувонлар жиноятчиларға ёрдам беріб, уларға хайрихоұлық күрсатыштан. Амнистияга биноан Вильгельмина Калинаускас, Рамуте Александровичюте, Ниела Глазаускайтегілер жинойи жавобгарликка тортилмадилар. Дарвишларға ғамхұрлық қылған олимлар билан ёзувчиларға суд хусусий жазо белгилашни маъқул деб топди...

— Балки, суддан сүнг жабрланувчилар билан гувоҳлар ҳамда жамоатчилик вакиллари экстрасенсорик таъсир, гойибдан келувчи кучларға шубҳа билан қарасалар керак.

— Менингча, улар содир бұлған жиноятдан сүнг, үzlарича энди бир үйланиб күрсалар керак, алданған-

ликларининг сабабларини ҳам ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Судда уларнинг баъзилари дарвишликнинг жирканч ва ярамас томонларини яширмасдан гапирдилар-ку, ахир... Ўзингиз кўрдингиз, уларнинг баъзилари ўз «пир»ларига ҳали ҳам содиклигини изҳор қилдилар, ҳали ҳам ўз виждонлари олдида жавоб бергиси йўққа ўхшайди.

* * *

Мирза... Мирзанинг излари... Ҳа, бу одам эллик йил мобайнида ер босиб юрса-да, орқасида биронта из қолдиролмабди. У пулнинг, шон-шуҳратнинг кетига тушиб, дунёни чарх уриб кезса ҳам, орқасида из қолдиролмабди. Унинг босган изларидан замин ҳазар қилибди. Унинг тақдири учун жони ачиған биронта одамни учратолмадим. Қариндош-уругларию овулдошлари «унинг боридан йўғи...» дегандай қўлини силтаб ўтиришибди. Чунки, у изсиз одам эди...

Мана, мавзуумизнинг ниҳоясига ҳам етдик. Энди Мирзанинг, мирзачиликнинг ҳам ниҳоясига етган бўлайлик-да, ишқилиб. Юлиус Фучикнинг фашистлар дори тагида туриб, айтган гаплари яна эсимизга тушади:

— Ҳушёр бўлинг, одамлар!

Нукус — Москва — Вильнюс. Октябрь, 1986 йил.

Бұсага

Роман



БИРИНЧИ БОБ

Атроф фира-шира ёришиб, тонг отмоқда эди. Қоратеренг овулида иштончанг, малла сигир етаклаган қорача бола күзларини үқалаб, тор күчани чангитиб бормоқда. Сигир билан гоҳ ёнма-ён, гоҳ изма-из, гоҳ ундан анча олдинга ўтиб, күринган бутанинг остини искалаганча каттакон күпрак йўртиб келаётир. Улар ариқ четидаги йўл бўйлаб юриб, кўприкка етганларида сигир сувга бўйнини чўзди, бола юз-қўлини ювиб олди. Кўпрак сувдан нариги томонга илдам сузиб ўтди. Қиргоқда дир-дир силкиниб, яна ариқ ёқалаганча йўртиб кетди. Бола ҳам сигирини қўприкдан ҳайдаб ўтдида, ит кетган томонга қараб йўл олди. Бироздан сўнг, сигирларини арқонлашга олиб чиққан бошқа болалар ҳам шу қўприкдан ўта бошлиди.

Авваллари, ёз кунларида овулнинг моллари ўзларича ёйилиб, бемалол ўтлаб юришарди. Кейинчалик, экин экиладиган ерлар кўпайгач, ёзги яйлов торайиб қолди. Одамлар эндилиқда овулнинг подасини галмагал, навбати билан боқишарди. Бора-бора, қорамолларнинг шохига арқон солиниб, фақат темир қозик атрофида айланиб ўтлайдиган бўлди. Аzonда олиб чиқилган сигирлар тушга яқин сугорилиб, сўнг яна жилдириб қўйиларди.

Ҳар кунги одатicha, бола сигирини эрта арқонласа-да, Ҳасан билан бирга овулига кечроқ қайтади. Улар кўприкка етганларида күёш терак бўйи кўтарилиб қолган бўларди.

— Назар, чўмиламизми? — деб сўради Ҳасан кўп-рикнинг ўртасига етганда.

— Чўмиламиз!

Иккаласи чопқиллашиб ариқнинг нариги бетига ўтишди-да, иштонларини еча солиб сувга калла ташлашди... Вой-вуй! Эрталабки муздек сув дастлаб одами жунжиктиради, сўнг баданга ажиб бир роҳат бағишлайди. Улар бироз яирашиб сузишгач, сувдан чиқишидиди, иштонларини ошиғич кийишиб, офтобда исинишидиди. Иякларини такиллатишиб, уст-бошлари қуригунча алланималарни гаплашиб ўтиришидиди.

...Улар овлуга етай деганди, ялангликда янтоқ чопаётган Мунтиллага дуч келишидиди.

— Ассалому алайкум, ҳорманг... ҳорманг, — дея чувиллашди болалар.

— Ваалайкум ассалом! — Мунтилла болаларга ялт этиб қаради ва бошига ўраб олган бўз кўйлагини хотиржам ечди. Унинг сал-пал оқ оралай бошлаган сочларидан паға-паға буғ кўтарилиди.

— Болалар, қани, қайсингизда носвой бор?

— Носвой йўқ, Мунтилла оға...

— Носвойингиз бўлмасаям келаверинглар, сизлар билан ўтириб, мен ҳам пича дам олай.

— Янтоқда ари бор...

— Бугун шудринг кўп тушган, арилар ҳали-бери учмайди, бери келсаларинг-чи...

Мунтилланинг селкиллаган қалин соқоли, бироз беўхшов, лекин ёқимли кулгилари болаларни ўзига тортди. Унинг ҳантомани қизитишини, боладай бегуборлигини ҳамда сал-пал ўйинқароқлигини айтмаса ҳам бўлади. Онасидан бошқа суюнчиғи йўқлиги, ёши элликдан ошганига қарамай ҳамон бўйдоқ юриши — гўё ўзидан каттаю кичикнинг бу ҳокисор одам устидан масхаралаб кулишга, камситишга хуқуқ бергандек эди; тўй-маъракаларда қозонга ўт ёқиш, азада гўр қазишгача Мунтилланинг зиммасига юклатиларди. «Хизматнинг катта-кичиги бўлмайди, ўт ёқиш ҳам, гўр қазиш ҳам савоб», — дерди онаси.

«Муптиллажонимнинг қизил рўймол ўраган биттасини етаклаб келганини кўриб, сўнг ўлсам армоним йўқ, қурдошим-ов» деб нолинарди букчайган онаси, кампирлар билан офтобрўяда гурунглашиб ўтирган пайтлари. Ҳовлидаги ерўчоқни кавлаётиб, қайнаган қумгонга қўли куйган кезларда эса, Муптиллани ёш боладай ердан олиб, ерга соларди:

— Жувонмарггина ўлгур, мени қачонгача қора қумғонга куйдириб қўясан?! Бироннинг қайтмаси бўлсам опкелавермайсанми?

— Опкеламиз-да, мунча ошиқмасангиз, — дерди Муптилла тиржайиб...

... Ҳозир унинг қизиган манглайдан мунчоқ-мунчоқ тер шариллаб қуилиб, соchlаридан буғ кўтарилимоқда эди.

— Муптилла оға, борсак ўтирик айтиб берасизми? — деб сўради Назар. Болалар унинг, «эртакнинг бари ўтирик» деган гапларига кўникиб қолишган эди.

— Бўлмасам-чи, қотирворамиз! Айтганда қандай!

Болалар дасталар орасидан авайлаб ўтиб, Муптилланинг ёнига ўтириши.

— Биласизларми, — дея гап бошлади у, — дунёда мен сигинадиган иккита зот бор: бири осмонда — яратган эгам, иккинчиси ерда — онам. Худо, ўзингизга маълум, касал бўлмайди, ўлмайди, онам айтгандек, «ўз бандаларининг ҳолидан кунига етмиш беш марта хабар олиб туради». Аммо, онам сал касалга чалинди-ми, тамом, қаттиқ ётиб қолади.

Бир сафар онам касал бўлганда табиб излаб Кўна-қишлоққа борганман. Эшакни темир қозиқ билан халалаб, чоптириб кетавердим, кетавердим, кетавердим... Шутиб, икки кун деганда, табибининг уйини суриштира-суриштира, кечкурун зўрга топдим. Табиб, эртага ёзонда келасиз, деди. У кечаси уйига одам йўлатмас экан. Сўнг қўноқ излаб, овулни бошдан-оёқ кезиб чиқдим, ҳеч ким жой бермади. Охири, излай-излай, бир чеккада қўнқайиб турган уйга яқинлашдим. Ичкари-

дан мункайган чол чиқиб, аҳволимга раҳми келди шекилли, уйига киритди...

Саҳармардонда яна табибникига бориб, онамнинг оғир ётиб қолганини айтдим. У сўзларимни диққат билан эшитгач, қофозга ўралган икки бўлак дори берди-да, юз эллик сўм сўради. Мендаги бор пул юз сўмдан ошмасди.

- Бори шу, тақсир, — дедим пулни чўзиб.
- Бўлмайди, — деди у бош чайқаб.
- Анави кўк эшагимдан бошқа ҳеч вақом йўқ, — дедим.

— Кўк эшагингни сариқ чақагаям олмайман, — деди у бепарволик билан.

Мен нима қиласаримни билмай, нари ялиндим, бери ялиндим, ҳатто худони ўртага солсан ҳам, табиб кўнмади. Кейин мулзам бўлиб, ташқарига чиқиб кетдим. Ўрта йўлда роса бошим қотиб турган эди, қарасам, уйидан жой берган кечаги чол эшагини қистаб ўтиб бораёттир. Худди отамни кўргандай қувониб, шартта жиловига осилдим:

— Отажон, мушкул аҳволда қолдим. Онамга дори олай десам эллик сўм етмаётир. Худони ўртага қўйиб онт ичаман, қарз... опкеб бермасам, қасам урсин!

Чол юзимга бирпас тикилиб турди-да, табибни чақирди:

- Аширмат, ҳо Аширмат!
 - Нима дейсиз?
 - Манави мусофириларни ҳожатини чиқарсанг-чи!
- Эллик сўм қаерларда қолмайди?
- Жа, пулинг ошиб-тошиб бораётган бўлса, эллик сўмни ўзинг бер! — деган овоз эшитилди ичкаридан.
 - Сен, сен одам эмассан, имонсиз! — дея қичқирди чол ғазаби қайнаб, сўнг менга қараб:
 - Ёнимда пулим йўқ эди, сен уйга бориб, кампирга Турди оға сўраётир, тез етказаркансиз, деб айт. Мен шу ерда қимиirlамай кутиб тураман, — деди.

Эшакка ирғиб миндим-да, кечаги ўзимга таниш уйга равона бўлдим. Кампир чолининг исмини эшитгач, сандиқни очди. Ундан бир қийиқча пулни олиб, менга узатаркан:

— Ўзи санаб олар, мен қаёқдан билай, — деди.

Чол ҳамон эшагидан тушмай, табибнинг уйи рўпа-расида турган экан. Мен олиб келган ёстиқдай тутунчакка қарамасдан:

— Анавига, ақчанинг шилтасини ялаганга бер, керагича санаб олсин! — деди ҳамон фазабдан тушмай.

Табиб эллик сўмни олди-да, дорини берди. Мен пулларнинг қолганини Турди оғага узатдим:

— Оға, худо хоҳласа, қарзимни шу қовун пишифидан қолдирмай узаман.

— Топсанг опкеб берарсан, топмасанг — худо йулига! — деди Турди оға.

Уйга келсам, онам соппа-соғ, югуриб олдимга чиқди. Кўзларимга ишонмай, киприкларимни уқалаб-уқалаб қарайман: «Ие, мен кетарда «инг» этишга ҳоли йўқ онам, зумда оёққа туриб кетипдими?!»

— Опа, сизга не азобда дори топиб келсам-у... бу ёғи қандоқ бўлди?

— Эй, қарофим-ей, роса дармоним қуриб ётгандим, бригадир бола, омон бўлгур, бир ўрис докторни опкеб кўрсатди. У бир чимдим дори берган эди, шундан кейин чип-чиپ терга тушиб, ухлаб қопман, уйкудан күшдай енгил бўлиб турдим, мана уч кундан бери чопқиллаб юрибман, болам.

Табиб берган дорини рўмолчага тугиб, онам яна ётиб қолса керак бўлар, деган ўйда белгили жойга қўйдим. Яқинда овулнинг фельдшерига кўрсатсам, — давом этди Муптилла ҳикоясини, — у ҳидлаб қўриб, бу дори эмас, болалар доскага ёзадиган бўр бор-ку, худди ўшанинг урвоғи, деди...

Болалар хохолаб қулиб юборишли, уларга қўшилиб, Муптилла ҳам қотиб-қотиб кулди.

— Муптилла оға, яна битта ўтирик айтинг, — деди Ҳасан.

— Йўқ, энди бўлмайди. Тер қотиб қолади. Ҳали яна янтоқ чопишим керак.

— Мол-ҳолингиз бўлмаса, шунча янтоқни нима қиласиз?

— Ўзим учун эмас. Мана «Лампамой»га минг даста чопишим керак. Мен янтоқ чопмасам, у лампамой бермайди. Мой бўлмаса, уйдаги чироқقا нима қуямиз? Ана, ишимиш шунаقا, болалар.

Болалар Муптилланинг Қодир керосинфируушга янтоқ чопаётганини тушунишди.

Қодир овулнинг обрўли одамларидан эди. У илгари пуконда ишларди. Совхоз тракторларига ёқилғи тарқатидиган бўлгандан кейин, одамлар уни «Қодир мойчи» деб атай бошлишди. У бора-бора айтишга қулайроқ бўлиши учун «Қодир лампамой» номини олган эди. Эндиликда, одамларга бу ҳам қийин кўринди чофи, Қодир отини қўйиб, «Лампамой» лақабига ўтишди.

Муптилла ёлғиз кампирнинг ягона фарзанди бўлгани учунгина урушдан қолдирилган эмас, балки оққўнгил военком: «Бунинг калласи ишламайди», деб қулинни бир силтагани сабаб урушга бормай қолган эди. «Эсҳуши сал бундайроқлар жанг жадалларда ярамайди», — деган эди у.

Болалар Муптилла кетмонга уннагандан кейин ишдан бош кўтармаслигини билишарди, шунинг учун, тақларини қоқиб, йўлга равона бўлишди.

— Опа (қорақалпоқларда онани «опа» дейишади), очқаб кетдим, — деди Назар ҳаллослаб, уйга кириб боргач.

— Кетганинг қачон эди, жувонмарг! Қаёқларда сангиб юрибсан? — деб унга бақириб берди онаси, овқат ўрнига.

— Йўлда Муптилла оға билан гаплашиб қолдик.

— Ҳей, ўша тентак билан гаплашиб... Не қилаётган ёкан?

— Янтоқ чопаётир... «Лампамой»га.

— Бечоранинг кўрган куни шу-да... Бизларгаям қишилик тандир-ўтин тайёрлаб берганда... Ана, дастурхон-

да яримта зогора бор, чойинг ҳам совиб қолгандир.
Ичиб ол-да, мактабингга тайёрлан, дарсингни қил.

— Хўп, опа...

* * *

Овулга кино келган кун катта байрамга айланарди. Кино ташқарида, мактаб деворига қўйиларди. Овулда биттагина оҳакланган иморат ҳам шу мактаб эди. Бекорчи одамлар бола-чақалари билан кўрпаларини қўлтиқлашиб, кеч кирав-кирмас шу тарафга оқиб келишаверарди. Оти кино бўлса бас, экранда нималар бўлаётгани ва нималарни кўрсатаётганига ҳеч ким аҳамият бермасди. Бундай пайтларда, айниқса, Муптилланинг қувончи ичига сигмас эди. Чопаётган янтогини қўйиб, «киночилар»ни уйига, тушликка таклиф қиласарди. Меҳмонларга ўзи чой дамлар, қумғонда тухум қайнатиб берарди. Шунинг эвазига киночилар ундан пул олмасди.

Кино бошлангунча ошиқсан болалар, уч-тўрт қарта айланмасдан ухлаб қолишарди. Муптилла бўлса, мудраётган Назарни суган кўйи экрандан кўзини узмай, сергак ўтираверади...

Кинодан Муптилла Назар билан қўшиқ айтиб қайтар эди:

Ҳамманинг гули очилса,
Менинг гулим очилмасми?..

Назар бундай ишқий ащулаларни билса-да, унга жўр булишга уяларди. «Телба» Муптилланинг ёқимли овозига қулоқ солиб, жим келаверарди.

Бу сафар, боядан бери унсиз келаётган Назар, уйига етай деганда, Муптилланинг қўлидан шартта ушлаб тўхтатиб, томдан тараша тушгандай:

— Муптилла ofa, сиз нега уйланмайсиз? — деб сўради.

У кутилмаган саволдан қип-қизариб, довдираб қолди. Юзининг қизилини тун пардасигина Назардан яшириб турар эди.

— Уйланаманқу-я, Назар, лекин... — дея үнгайсиз-ланди у бошини қуйи солиб.

— Уйлансангиз, онанғиз қора құмғондан қутулар әді. Мен эр етсам, дархол уйланаман, опамга келин тушириб бераман, — деди Назар катталарга хос овозда.

— Мен ҳам аллақачон уйланардим... Оламан деган қызим онамга ёқмади, онамнинг айтганини эса мен хоҳламадим... Шүйтиб, умр үтаётир.

— Сиз ҳам умрингизда бирорни севганмисиз?

Мұптилла довдирағ қолди. Ёши әлликдан ошғанда бундай ғалати саволни бириңчи бор әшитиши әди. Шуниси етмагандек, қулоғига кираётган сүзлар мушт-деккина боланинг оғзидан чиқаётгани уни баттар шошириб қўйганди.

— Севганман. Севганда қандоқ? Ҳалиги, Лампамой-нинг хотини Сорахон бор-ку, фақат ўшани яхши кўрганман... Бай-бай-бай, ўзиям қизмисан қиз әди-да!

— Бўлмаса нега уни олмадингиз?

— Ўзи тегмаса, менинг қўлимдан нима ҳам келарди? Опам майли, олсанг шуни олақол, деган әди. Сорахон Лампамойга тегди-кетди...

— Яхши кўраман, деб ўзига айтганмисиз?

— Ҳа, бир марта айтганман, пичан ўримига бор-ғандан... «Ҳей, менга қара, ҳалигиндай... икковимиз бир мўридан тутун чиқарсак», дедим. У «билмасам», деди-да, қўйди. Орадан кўп ўтмай, Қодирнинг отаси совчиликка бориб, ўғлига нон синдириб қайтди. Совчи бўладиган ота йўқ, биз бечора бир четда қолавердик...

— Опқочиб кетганингизда бўларди-ку?

— Ҳа, «қулоқ»нинг куёви сифатида қамалиб кет, де?.. Замон билан ўйнашиб бўладими? Бу масалада эҳтиёт бўлиш керак!

Мұптилла алланарсадан сескангандай, гапни дар-ров бошқа ёққа бурди:

— Кечикиб борсам, опам бақиради. — У шундай деди-да, шоша-пиша уйига жўнади.

ИККИНЧИ БОБ

Назар отасини сал-пал эслаб қолган эди. Урушдан омон-эсон қайтган отаси пединститутни сиртдан та-момлаб, овулдаги мактабга директор бўлди. Тўрабой ҳарбий кийимларини то тўзигунча эгнидан ташламай юргани учун овулда «аскар бола» деган ном олган эди. Кейин «директор бола» бўлиб, оқ трикодан костюм-шим кийди. Мактабнинг тўкилай деб турган иморатини таъмирдан чиқариб, бир йил ўтар-ўтмас, атрофидаги ўн гектарча ерга дараҳт эктириди. Ёш ниҳоллар орасига етти йиллик мактаб қуришни ҳам кўнглига тушиб қўйган эди. Эрта кўкламда овл одамларини чақириб, ҳашар йўли билан биринчи пахсасини битказди... Эҳ, шунда одамларнинг қандай ишлаганини кўрсангиз эди! Тушгача кўкнори эзиб, чойдан бош кўтармайдиган Низом нашавандгача саҳармардондан пахса тараашлашга киришди. Овулда Тўрабойнинг айтгани айтган — дегани деган бўлди-қўйди. У тўй-маъракаю мажлисларда тўрда ўтирадиган бўлди, майда-чуйда жанжалларни одил туриб ҳал қиласидиган, элга бош-қош, овулнинг кайвониси эди. Илгарилари далада қанча ишласа ҳам ойлик ёзилмайдиган Муптилла ҳам Тўрабой армиядан келгач, қўлига унча-мунча пул тегадиган бўлди. Бригадир унинг аскарча кийимларидан эмас, ҳақиқатгўйлигидан чўчирди. Мабодо совхоз ёки районга, «бригадир Муптиллани ойликсиз ишлатиб қўйипти», деб айтиб борса, охири чатоқ бўлишини ўйларди у. «Оч қорним — тинч қулогим» дегандек, совхоз раҳбарлари ҳам барча нозик масалаларни урушдан яраланмай қайтган «аскар бола»нинг раъйига қараб ҳал қилишарди. Хуллас, у мактабга директор бўлгандан кейин овулни батамом «ўзига қаратиб» олди... Лекин совхоз директори Иван Никитич районга ишга ўтиб, ўрнига Товбоев келгандан бери, овулда аллақандай ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўтган якшанбада чақирилган одамлардан бирортаси ҳашарга чиқмади... Бригадир пайкал бошида одамларга:

— Бундан буёғига кимнинг мактабга ҳашарга борганини эшитсам, товонига совун суркаб, овулдан кўчириб юбораман! — дебди. Қишлоқ кенгашининг раиси ёса «Тўрабой ҳукумат ажратган пулни чўнтакка уриб, иморатни ҳашар йўли билан текинга солдираётган ёсан», деган миш-миш тарқатиби.

Тўрабой одамлар феълидаги ўзгаришни сезиб юрсалади, дастлаб эътибор бермади. Янги мактаб қуриш давлат режасида йўқ эди. Район маориф бўлимида гилар: «Кучинг етиб қуролсанг, баракалла, деймиз, қуролмасанг, ҳамишаги кунингни кўра берасан-да жин урмайди», дегани билан, у ўз фикридан қайтмади. Ахир оски, бунинг устига тор ва зах, бир-биридан узоқда жойлашган дарсхоналарни жамлаб, янги, замонавий мактаб тикласа, роҳатини кўрадиган ҳам шу одамларнинг фарзандлари-ку?

Икки ой деганда, ўн беш хонали иморатнинг сўнгги ҳашари — парdevor уришга одамлар йиғилганда, курилиши бошига ўзининг енгил машинасида совхоз директори келди. Тўрабойнинг ўзи парdevорга капчада лой отаётган эди. Товбоев, гўё ерга тушса оёғи куядигандек, машинадан тушмай ўтира берди. Бу орада, аллақаёқдан қишлоқ кенгашининг раиси билан бригадир пайдо бўлди.

— Чақир анавини! — деди Товбоев бригадирга, Тўрабойни кўрсатиб.

Бригадир Тўрабойнинг олдига юрак ютиб, зўрға борди. Унинг терга пишган пешонасини тириштириб, кўзига тик қараши билан алланечук довдираб, шалпайиб қолди.

— Иним, сизни оқсоқол чақираётир...

Тўрабой совхоз раҳбарининг келганини мотор овонининг гуриллашидан сезган эди. Шундаям, «ўзи ҳорманглар деб келмаса индамайман», дегандек ишлай берди. Энди атайлаб чақиргандан кейин ҳам бормаса бўлмас... Ёши улуғ одамнинг сўзини синдиришни ўзига ёш кўрмадими, Тўрабой бир-бир босиб машинага қараб юрди.

- Ассалому алайкум...
- Ҳе, саломингга қўшиб, онангни... — Товбоев сўкиниб юборди. Тўрабой томдан тараша тушгандек айтилган ҳақоратдан эсанкираб қолди, бироздан сўнг тилга кирди:
- Бундай «мақтov»га қайси гуноҳимиз учун сазовор бўлдик, оқсоқол?
- Нега менинг одамларимни ишдан қолдирасан?
- Ишдан қолдирганим йўқ!
- Ҳў-ўй, агар икки кўзим оқиб тушмаган бўлса, совхознинг манави ишчилари сенга иморат солаётганини кўриб турибман-ку!..
- Менинг иморатим эмас, мактаб-ку!
- Мактаб солиш учун кимдан рухсат сўрадинг?
- Кимдан бўларди, одамлардан-да!
- Сен бола, ўз билганингдан қолмайдиган... қипқизил авантюрист экансан! Манави эктирган теракларинг, солдирган участканг кимнинг ерида, қайси осмоннинг остида турганини биласанми-а? Бу совхознинг ери. Совхоз дегани, «советское хозяйство» дегани. Сен ана шу совет хўжалигининг режали ишини бузиб, ўзимиз пахтанинг ўтини қуритолмай бошоғриқ бўлиб турганимизда, одамларни йўлдан уриб, ўзингга уй солдиряпсан!
- Мен мана шу одамларнинг болалари учун мактаб қурдиряпман!
- Бирор сенга мактаб қур деб бўйнингга арқон солгандай... — деб орага гап қистирди қишлоқ кенгашининг раиси.
- Ҳў-ўй, юрт огаси, «бошланғич синфларнинг ҳаммаси, каталақдай битта хонада ўқыйди. Биринчи синф ўқувчиларига муаллим «А» билан «Б»нинг фарқини тушунираётганда, тўртинчи синфнинг сўлоқмондай ўқувчилари бир-бирига эртак айтишиб, кичкиналарнинг хатосига кулишиб ўтиради», деб талай марта айтган ўзинг эмасми? Бунинг устига, янги мактаб учун ўн гектар ер ажратилсин, деб қарор чиқарган ҳам ўзинг-ку!

Раис бир зум тилини тишлиб қолди. Лекин у отдан түнсіса-да, әгардан тушмади.

— Мен ўшанда совхознинг режасини ҳисобга олмабман. Иван Никитич, одамлар ўз кучи билан мактаб солса, дүппимизни осмонга отиб, қувонишимиз керак, аслида янги иморат қуриб бериш — совхознинг вазифаси деб, қарорга мажбуран құл қўйдирган эми, — деди қишлоқ кенгашининг раиси.

— Иван Никитич пахта режасини бажармагани сабабли ишдан б්‍ෂади, — деди Товбоев чукур нафас олиб. — Мен осмон қулаб, ерга тушсаям, режани бажармай қўймайман. Менга ўтоқ кунлари мактаб-сактабингнинг кераги йўқ. Агар бир аччиғим келса, ҳозирнинг узида иморатингни теп-текис қилиб, ўрнига макка эктириб юбораман!

Тўрабой, раиснинг янги директорга ёқиш учун ҳақиқатга оёқ қўйганини қўнглидан ўтказар экан, шинни тўхтатиб, икки бошлиқнинг ўзаро тортишувига қулоқларини динг қилиб турган одамларга разм солди. Агар бу тортишувда енгилса, овулдошларининг олдида обрўйи бир пул бўлишини чамалаб кўрди.

— Ўртоқ Товбоев, — деди у писанда қилиб, — сиз билан тегишли жойда гаплашамиз. Ҳозир ишга халақит бермай, келган йўлингиз билан... туёғингизни шиқиллатинг!

— Ҳой, не дейди бу?! — Товбоев бирдан лов этиб сиб кетди. — Шошмай тур, мен сенга тегишли жойни кўрсатиб қўяман ҳали! — У машинадан сакраб тушиб, бригадирга қичқирди: — Қани, одамларингни далага онкет! Сен, овулкенгаш¹, муттаҳамниги ҳашарга келган одамларнинг қўрасида қанча моли бўлса, барини хатлаб ол!

Бригадир шу заҳоти ҳанг манг бўлиб турган одамлар тарафга ютурди-да, билагидан силтаб-тортиб, битта-битта четга чиқара бошлади.

¹ Овулкенгаш — қишлоқ кенгашининг раиси (тарж.).

Пардеворга миниб ўтирган Муптиллага кесак ўқтабиб, «тушмасанг ураман», деб қўрқитди. Муптилла, бригадир мен билан ҳазиллашаётган чиқар, деган ўйда кулимсираб, овозини баландлатди:

— Ҳей, бригад, мен энди ойликни совхоздан эмас, мактабдан оламан, мен билан ўйнашма, билдингми? Кўй дейман, ўйнашмасанг-чи!

Бригадир отган кесаклардан бири унинг қаншари-га қарс этиб текканда, аччиғи келди.

— Ҳой, дириктир, агар ишлашга қўймасанг, кўк эшагимга тўқим ураман-да, бозорга кетаман! Бугун бозор, билдингми? Бозор — дам олиш куни! — деди у Товбоевга қаратса. Бундай пайтларда Муптиллани гапдан тўхтатиш осон эмас эди. У Тўрабойдан ўрганган сўзларини қаторлаштириб ташлади:

— Ленин отам, одамларни бебозор кунлари шанбаликка чақириб ҳашар қилган. Бугун эса — бозор. Бизлар дам олиш куни ҳашарга чиққанмиз!

— Раис,— деди Товбоев, — анави телбанинг нечта моли бор?

— Битта эшаги билан бир ити! — деди қишлоқ кенгашининг раиси.

— Муни кўчириб юбориш керак! — деди Товбоев ва Тўрабойга ўгирилди. — Сен билан ҳали яхшилаб гаплашаман, совхознинг ишчиларини ё сен, ё мен ишлатадиган бўламиш!

У машинага жаҳл билан ўтириди-да, ҳайдовчига «ҳайда» дегандай қўл силтади. Тўрабой лом-мим демай ортидан қараб қолди. Раис билан бригадир боя Товбоевни олдида ўдагайлашганига уялган бўлиб, ер чизган кўйи уйларига қараб кетишиди.

Одамлар пардеворни яна бошлаб юборишиди.

— Муптилла, ўзинг ҳам директорнинг боплаб адабини бердинг-да! — деди Тўрабой бироз жимлиқдан сўнг, ўртадаги кўнгилсиз вазиятни кўтариш учун.

— Ҳа-да, бизнинг ҳашарга келганимиз билан нима иши бор унинг? Қурғур-ей, Товбоев деган сайин ўзидан кетади-я, энағарди боласи! — деди Муптилла.

Одамлар унинг алмойи-алжойи сўзларига роса кулишди.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтгач, Тўрабойни районга чақиришди. Маориф бўлими бошлиғи илгаригидек очик-часига сўзламай, чайналиб гап бошлади:

— Тўрабой, мен сени кўпни кўрган, эс-хуши бутун йигит деб юрсан, бу нима қилганинг? Совхоз директори билан баҳлашиб нима қиласан? Мана, соат бирда икковимизнинг масаламиз бюрога қўйилай деб турибди. Товбоев бўлса, ўзингга маълум, бюро аъзоси...

— Бизнинг айбимиз йўқ-ку? — деди Тўрабой.

— Айбимиз борми-йўқми, бу ёғини билмадим, иним. Мен бир оғиз ёмон сўз туфайли, бутун умри хазон бўлганларни ўз кўзим билан кўрганман. Бюорода сен қураётган янги мактаб масаласи муҳокама қилинади. Илойим, минг яша, лекин бу жанжалга мени зинҳор-базинҳор аралаштира кўрма. Мен сенга ҳашар билан мактаб сол деганим йўқ, уқдингми? Яна, еттинчи синфингдан бир қиз ҳомиладор бўп қолганмишми-ей, хуллас, бошқа масаланг ҳам борга ўхшайди... Ҳаммасига ўз бошинг билан жавоб бер-у, лекин мени аралаштирма. Мен қартайган бир одам бўлсанм, унинг устига, болачақаларим ҳали ёш...

Тўрабой бошлиқнинг сўзларини диққат билан тинглаб ўтирди. Сўнг «ишонганим сен бўлсанг, кўрган куним не бўлар», дегандай унга бир қараб олиб:

— Яхши, бюорода ўзим жавоб бераман, — деди.

Бошлиқ унинг сир бермай, хотиржам ўтирганини кўриб, ўйланиб қолди, ўзича «суянган тоғи бор чиқар, кўнглини қолдирмай» деб, таскин берган бўлди:

— Иним, ўзинг биласан, мен азалдан сени қўллаб келаётирман. Агар шу бюородан омон-эсон қутулсак, сени ўз бағримга — инспекторликка оламан, деган ниятим ҳам йўқ эмас.

* * *

... Район партия қўмитасининг бюроси белгиланган вақтда бошланди. Даствор кун тартибидаги масалаларга алоқаси бўлмагани учун, Тўрабой билан маориф бўлимининг бошлиғи коридорда кутиб туришди. Сўнг икковини баравар ичкарига чақиришди.

Биринчи котиб уларни ўтиришга ишора қилдида, қўлидаги қофозга қараб, шошилмай гап бошлади:

— Ҳурматли бюро аъзолари, кўриладиган навбатдаги масала райкомнинг бюро аъзоси ўртоқ Товбоевнинг талаби билан ўртага қўйилмоқда... Унинг маълумот беришича, Қоратеренгдаги мактаб директори ўртоқ Алиев пахта ўтогининг энг қизғин пайтида овул одамларини ишдан қўйиб, ҳашар йўли билан иморат солдирган. Яна, бизга тушган ёзма маълумот бўйича, шу мактабнинг еттинчи синфида ўқийдиган З. исмли қиз ҳомиладор бўлиб қолган... Мана, район маориф бўлимига тушган шикоятлар шу. Масалани бирмунча батафсилроқ баён қилиш учун сўз ўртоқ Товбоевга берилади.

Товбоев сиполик билан ўрнидан туриб, бир-икки томоқ қириб олди-да шошилмай сўз бошлади:

— Ўртоқ биринчи котиб, ҳурматли бюро аъзолари! Мен ўз кўзим билан кўрганларимни айтаман. Ўтган якшанба куни дала айланиб юриб, Қоратеренга борсам, паҳтада биттаям одам йўқ. Бригадирдан суриштирсан, «одамларнинг бари ҳашарда», дейди. Шуйтиб, ўртоқ Алиевнинг ёмонотлиқ мақтабини бориб кўришимга тўғри келди. Борсам, совхознинг собиқ директори, ҳурматли Иван Никитичнинг эътиборсизлиги туфайли, ўн гектарча унумдор, қозиқ қоқсанг кўкарадиган ерга

терак экилиб, ўртасида уч пахсали, соз лойдан қилинган иморат бўй тиклаб турибди. Совхознинг одамлари ўтоқни қўйиб, пардеворга лой отаётган экан. Мен, яъни райкомнинг бюро аъзоси борганимда мана бу мактаб директори ўртоқ Алиев «бир ит келди нима-ю, бир ит кетди нима», дегандек, қайрилиб ҳам қарамади. «Одамларни нега ўтоқдан қолдириб, уй солдиряпсан», десам, «уй эмас, мактаб солдиряпман», деди. Мен, «мактаб солишга ҳали улгурамиз, ҳозир паҳтани ўт босиб кетган, одамларни бўшат», деб буюрсам, у ҳаммага «буғун якшанба, одамларнинг бозор-ӯчар куни, ишга чиқмасаям бўлади», деб ўргатган шекилли, ҳеч ким қилтэтмади. Алиевнинг ўзи бўлса менга, бюро аъзосига, «сен билан тегишли жойда гаплашамиз», дейди? Ана, ўртоқ Алиев, тегишли жой — шу бюро мажлиси, қани, онди сўзлашайлик...

Биринчи котиб олдиаги қоғозга тикилган кўйи узоқ ўйга толди-да лом-мим демади. Товбоев гапим тамом дегандек бош иргаб, жойига ўтириди.

Бюро аъзолари бир-бирларига қарашиб, сўнг жим қолишиди. Ўртага чўккан оғир сукунатни биринчи котибнинг овози бўлди:

— Қани, бу ҳодисани ўртоқ Алиевнинг ўзи қандай тушунтирас экан? Район маориф бўлимининг бошлиги ҳам тайёрлансин.

Тўрабой ўрнидан туриб, бармоқларини бир-бирига чалиштирганча, хаёлга толди. У мактабга янги иморат кераклиги, уни одамларнинг ўзлари ҳашар йўли билан тиклаб олса, фойдали иш бўлиши ва яна қўп нарсаларни айтишни кўнглига туғиб қўйган эди. Бироқ, Говбоевнинг гапларидан кейин, калаванинг учи баттарчувалашиб кетгандай бўлди. Йўқ, у аввалги айтилганларга қўшимча гап гапиролмайди. У ҳолда нима, камчилигини бўйнига олиб, «Товбоевни боплаганим рост», десинми? У бир тўхтамга келолмай турганда яна биринчи котибнинг овози эшитилди:

— Одамларнинг вақтини олманг, қулоғимиз сизда ўртоқ Алиев!

— Мен... мактаб солдираётганим рост. Дўм¹ бова бизга ер ажратиб берди, кейин одамларни ҳашарга чақирдим... Аввалги синфхоналарнинг ҳар қайсииниси ҳар овулда, болалар қулай-қулай деб турган иморатларда ўқитиларди...

— Ўзининг келажаги бўлган умр гуллари — болаларга мактаб солиш учун хукуматимизнинг қудрати етмайдими? — деб бир томондан гап қўшди Товбоев. — Қани, РайОНО бошлиғи айтсин, шуро хукумати мактабни ҳашар йўли билан қурадиган даражада камбағал бўп қолдими?

Унинг гаплари Тўрабойнинг ғашини келтириди.

— Сиз, ўртоқ Товбоев, ҳозирги қайта тикланиш даврида бундай саволни не мақсадда бераётисиз? Бойлигимиз кечаги урушда нималарга сарфланганини ҳамма билади, лекин асосий масала — бизнинг бой ёки камбағаллигимизда эмас, балки ҳозирги шароитда кучимизни ишнинг кўзини билиб сарфлашда... Қоратеренгдаги мактабнинг аҳволи шу ерда ўтирган одамлардан фақат икковимизга жуда яхши маълум. Мен мактаб директориман, сиз эса, мен ўқитаётган болаларнинг ота-оналари ишлайдиган совхоз директорисиз. Ҳали ўзингиз айтганингиздек, сиз қудратлисиз, кучлисиз. У ҳолда, нега ишчиларингизнинг болаларига мактаб қуриб бериш ўрнига, аксинча, тикланаётган иморатга халақит берасиз?

Биринчи котиб томоқ қириб, уни гапдан тўхтатди:

— Сиз, ўртоқ Алиев, бюро мажлисини жанжалга айлантиrmанг. Товбоев гапнинг пўсткаласини айтди: қани, сиз нима учун ўтоқнинг энг қизғин пайтида ишчиларни ишдан қолдириб, ҳашарга солдингиз? Шунга жавоб беринг?

Тўрабой мунозара бирдан бу томонга бурилиб кетишини кутмаган эди, яна бармоқларини бир-бирига чалиштириб, қисирлатиб ўйга чўмди. Бироз вақт ўтгач,

¹ Дўм — қишлоқ қенгашининг раиси (тарж.).

бошини кўтариб, ёдига тушган бояги Муптилланинг гапларини қайтарди.

— Демак, сизнинг-ча, фўзадаги ўтлар ҳам худди одамлардай иш кунлари ўсиб, якшанба кунлари дам олар экан-да? — деди биринчи котиб ҳар бир сўзини салмоқлаб. — Ҳм-м, масала равшан: Қоратеренг совхозининг иқтисоди ҳалигача оқсаб келаётганинг сабабларидан биттаси, мана шундай далиллар билан одамларни ишдан қолдириш натижаси эканлиги маълум бўлди. РайОНО, сен нима дейсан?

Маориф бўлимининг бошлиги тиззалари қалтираб, ўрнидан турди:

— Мен... бюро аъзолари... ўртоқ биринчи котиб! Сизнинг ҳамда Товбоевнинг юқорида айтган гаплари тўппа-тўғри, барчаси багоят доно ва керакли гаплар! Бизнинг ютуқларимиз билан бир қаторда камчиликларимиз ҳам бор экан... Тўрабойда ҳам айб йўқ эмас, сал димоги баландроқ... бўлмаса, ўзи жуда меҳнаткаш йигит. Мактабга ажратилган харажатларимиз етарли, қўргазмали қуролларни ҳам вақтида бериб турибмиз...

— Жуда соз, ўтиринг, — деди биринчи котиб.

— Мен Алиевнинг устидаги иккинчи масалани ҳам муҳокама этилишини талаб қиласман! — деди Товбоев, худди мажлиснинг ёпилиб қолишидан қўрқкан-дай, ўрнидан сакраб туриб.

Биринчи котиб унга кўзини олайтириб қараб қўйди-да бошла дегандек райкомнинг мафкура бўйича котибига ишора қилди. Ёши қирқни қоралаган, ўзи чиройли бўлсаям ҳалигача турмуш қурмаган чаққонгина аёл оҳиста ўрнидан турди.

— Ҳурматли бюро аъзолари, Қоратерендаги мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси З.нинг ҳалигига... аҳволга тушиб қолгани мактабдаги тарбия ишларининг савияси қандайлигини кўрсатиб турибди. Шу масала бўйича тушган шикоят хатини текширганимизда қуйидагилар аниқланди: қиз тўртинчи чоракдан кейин ўқиши мутлақо ташлаб кетган, энди яқин орада кўзи

ёриши ҳам мумкин. Бунинг сабабларини аниқлаш учун прокуратурага кўрсатма берилди, лекин ҳозирча бирор натижа чиққанича йўқ... Шунинг учун, бу масала юзасидан бўладиган муҳокамани кейинги бюро мажлисига қолдиришини сўрайман...

Аёл жойига ўтиргач биринчи котиб:

— Энди бунга нима дейсиз, ўртоқ Алиев? — деб сўради.

Тўрабой ўз мактабининг еттинчи синфидаги қизларни бирма-бир кўз олдидан ўтказди, аммо З. исмли қизни сира ёдига тушира олмади.

— Мен бу хунук ҳодисани фақат шу ерда эшитиб турибман. Балки, ёлғон чиқар... — деди у манглайидаги терни кафти билан сидириб. Мафкура котиби ўрнидан учиб турди.

— Сиз райком аниқлаган ҳақиқатни шубҳа остига оляяпсизми? Бизни биратўла ёлғончига чиқармоқчимисиз? Мен коммунист Алиевнинг ахлоқига жиддий эътибор беришингизни сўрайман!

— Мен ҳам райкомнинг бюро аъзоси сифатида ўртоқ Алиевни коммунистик партия аъзоси деган шарафли номга нолойиқ деб ҳисоблайман! — деди Товбоев оловга мой пуркагандай.

Биринчи котиб яна томогини қириб, гала-говурни тўхтатди-да ошиқмай гап бошлади:

— Менимча, иккинчи масала бўйича, прокуратурadan маълумот олингунча кутиш керак, деган фикр тўғри. Лекин, бу жиноятда мактаб директорининг айби бор-йўқлигидан қатъи назар, биз коммунист Алиевнинг хатти-ҳаракатларида раҳбарликка номуносиб сифатларни кўриб турибмиз. У биринчидан, пахта ўтоғини зудлик билан тутатиш бўйича область партия қўмитаси берган кўрсатмага бўйсунмаган, иккинчидан, райкомнинг бюро аъзоси ундан мазкур топшириқни бажаришни талаб этганда, қаршилик қилган... Коммунист Алиевнинг ҳашар йўли билан янги мактаб солаётгани,

менимча, кўллаб-қувватлашга лойик ташаббус. Фақат бизнинг район эмас, балки бутун ҳалқимиз ўтган уруш келтирган вайронагарчиликларни бартараф этаётган бир вақтда, бугун қурилиш материаллари ва ишчи кучи ҳали анча тақчил. Шу сабабли, имкони борича одамларни ўз ташаббусига эргаштириб, кам-кўстларимизни бутун қилаётгани учун ўртоқ Алиевга миннатдорчилик билдиришимиз лозим бўлади... Шу билан бирга, ишчи кучидан ўринли фойдаланишни ҳам унугмаслигимиз керак. Бизнинг ҳозирги, шу топдаги биринчи вазифамиз нимадан иборат? Пахтадан мўл ҳосил етиштиришимиз керак, бунинг учун, аввало, ўтоқни тугаллаш лозим. Демак, далага чиқиб, ҳаммамиз пахтани ўтоқ қилишимиз керак. Ўртоқ Алиев мана шу оддий ҳақиқатни тушунмаган. Мактабнинг иморатини август ойида давом эттираса ҳам бўлади. Ўша пайтда совхоз директори ўртоқ Товбоевнинг ўзи ҳам билагини шимариб, ҳашарга боришга имкон топар эди. Шундай эмасми, ўртоқ Товбоев?

— Сиз айтсангиз, биз ҳамиша имконият топамиз! — деди Товбоев жилпантлаб.

Тўрабой унга ҳайрон бўлиб қараб қўйди. Биринчи котиб сўзида давом этди:

— Мана, энди бу масалани тугатсак ҳам бўлади. Ўртоқ Алиев, эртага аzonдан бошлаб, қўлда ўроғинг билан ўзинг далага чиқасан, бу бир, иккинчидан, Товбоев бюро аъзоси, бундан кейин унинг оғзидан чиқсан гап — сен учун хат ва қалам бўлсин!..

Тўрабойнинг кўз олди бирдан қоронгилашиб кетди: овлуга боргандан кейин совхоз директорининг олдида юргургилаб юрса — бригадирдан бошлаб Муптиллагача оғзи қолиб, кети билан кулмайдими? Шундан сўнг ҳашарга одам чақирса, ким келади? Ўзи ўқитган болаларга қўшилиб ўтоқча чиқса, тепасида бригадир билан ҳисобчи қақчайиб турса, ўқувчиларининг олдида неча пуллик обрўйи қолади? Лампамойгача иштонини ечиб кулмайдими?

Тұрабой биринчи котибнинг охирги гапларини әшитмай, құлини күтариб сұз сұради. Котибнинг пешонаси тиришди:

— Яна нима дейсиз?

— Мен муаллимман, үртоқ биринчи котиб! Менинг касбим ҳам деҳқончиликдан осон әмас. Кузда үқишиш бошланиши биланоқ бизлар ҳам деҳқон қатори болаларни пахта теримига олиб чиқамиз. Қищда бұлса деҳқон мириқиб дам олади, биз бола үқитамиз. Бағорда яна үтоқ чиқади: бир мазгил үқув, бир мазгил үтөк; низом бүйіча берилган қирқ саккыз қунлик меңнат таътилимиз нима бұлади?.. Менинг вазифам — болаларни үқитиши, уларга коммунистик тарбия бериш, демек шу жиҳатдан, үтоқ үташ — бевосита менинг вазифамга кирмайди!

— Ҳали шундайми? — деди биринчи котиб кескин. — У ҳолда, иккінчи масала ҳам, яғни еттинчи синф үқувчисининг ҳомиладор бўлиб қолгани ҳам үша сиз бераётган коммунистик тарбиянинг оқибатими?..

Тұрабой сукут сақлади. Товбоев сұз сұради:

— Ҳурматли бюро аъзолари, мана, үртоқ Алиевнинг қандай одам эканини күриб турибсиз. Бунинг масаласи ҳам маълум. Нега деганда эртамас, бир күн яна унинг жинояти қўзғалиб қолса, қўкрак чўнтағидаги партия билети ҳаммамизга иснод келтиради!

Бюро аъзолари бу гапдан кейин ўйланиб қолди-ю, аммо ҳеч ким миқ этиб оғиз очмади. Кўпчилик Тұрабойни сиртдан әшитган бўлса ҳам, уни дурустроқ танимас эди. Биринчи котиб оғзига талқон солгандек, миқ этмади. Сукунатни Тұрабойнинг ўзи бузди:

— Партибилетингни топшир, деяпсиз шекилли, үртоқ Товбоев? Хўш, партибилетимни нега сизга топширишим керак? Мен партия сафига кирганда, уни сиздан әмас, окопда — жанг майдонида комиссарнинг қўлидан олганман, билдингизми?

Биринчи котиб бу гапларга жим қулоқ солиб ўтираса-да, қандай хulosага келишни билмай роса боши

тотди. Охири, масалани бюро аъзолари ўртасида овозга қўйиши маъқул топди.

— Ўртоқ Алиевни партия сафидан чиқариш масаласи бошланғич партия ташкилотига топширилсин, деган ўртоқлар қўлини кўтарсин.

Тўрабой залда ўтирганларга бирма-бир разм согланни, фақат Товбоевнинг шўппайиб кўтарилиган ёлғиз қўлига қўзи тушди.

УЧИНЧИ БОБ

— Кўзингга қум тўлсин, мочағар!..

Тўрабой билан қишлоқ кенгашининг раиси Шўхтерак овулининг бир чеккасидаги чўпкари уйда, ерга тикилиб ўтиришибди. Юкли қизнинг шўрига шўрва тўкилиб, қон йиглайди, ялмогиздай онаси қаршисида жайрадай ҳурпайиб, қалт-қалт титрайди. Онасининг ҳали-бери қартаяман дейдиган тури йўқ, уни ҳамон юзидан қизили кетмаган келинчакми, дейсиз. Шу топда оса жаҳли чиқиб, қўлидаги оташкурак билан қизининг елкасига қарсиллатиб солиб юборди:

— Айт дейман, сенга, қорнингдагини қайси гўрдан орттиридинг?

— Урманг уни, опажон, урманг! — типирчилади Тўрабой.

— Урмоқ у ёқда турсин, ўлдираман бу шаллақини! — деди баттар ғазабга минган онаси. — Жуда эрсираб бораётган бўлсанг, айтмайсанми... жувонмарг! Қани, уласанми ё айтасанми ўшанинг номини?

Қиз юм-юм йиглашдан нари ўтмади. Тўрабой билан раис нима дейишини билмай, бир-бирига кўз остидан қарашиб, аллақачон совиб қолган чойни хўплағанча ўтира беришди. Қизнинг кўз ёшлари бора-бора онасининг кўнглини юмшатдими, ишқилиб, у кун бўйи уришиб-койиб тагига етолмаган ҳақиқатни энди алдов йўли билан билишга уринди.

— Фарзандим, жигарбандим, илоё, сенга азоб берган шу құлларим синсин! Юрт олдида юзимиз шувут бұлды-ку! Одамларнинг күзига қайси бет билан қарайман энди? Агар бирорни ростдан яхши күриб, айтишга уялиб юрган бұлсанг, кулоққинамга секин шивирламайсанми, үз құлим билан таг-тугли хонадонга обориб қўймайманми, болам?.. Энди бұлари бўлиб, бўёғи сингди, минг оҳ-воҳдан фойда йўқ. Тақдиринг шундай экан, мен нима ҳам қилардим, кўнглингта ёқсан одамга бошингни чатаман¹. Лекин, аввал ўша одамнинг кимлигини айт? Ё, у ергина юткур бўйин товляяптими? Мана, муаллиминг, овулнинг оқсоқоли келиб ўтирибди, айт шуларнинг кўзи олдида, кўплашиб, тавбасига таянтирайлик, қизим-ов...

— Чирофим, бизлардан тортинаётган бўлма тагин, — деди қишлоқ кенгашининг раиси, — агар қисинсанг, сал четроққа бориб, келиннинг қулоққинасига шивирлаб айтақол.

— Қулоғимга айтса, неча кундан бери аитарди, кунда сўрайман. Урдим, қўрқитиб ҳам кўрдим, алдаб ҳам кўраяпман — худди тили кесилгандай чурқ этмайди. Хўп яхши, юрақол, агар овлоқда айтадиган бўлсанг, — деди онаси овозини баландлатиб.

Қизининг сабр косаси тўлди шекилли, бошини аста кўтариб, рўмолини тузатди-да:

— Энди, нимасига тортинаман, опа? Мен... мени... директор... — деб, яна йиглаб юборди.

Қишлоқ кенгашининг раиси ялт этиб Тўрабойга қаради, унинг кўзлари косасидан чиқиб кетай-чиқиб кетай деб турар эди. Тўрабой эса аёлнинг қўлидаги оташкурак бехосдан кўз олдида ярқ этганини сезмай қолди. Қиз шу заҳоти ўрнидан отила туриб, жон ҳолатда онасининг иккала қулига ёпишди. Бу воқеаларни кўриб жим ўтирган раиснинг назарида, аёл ғазаб устида Тўрабойни гўё үлдириб қўйгудек эди.

¹ Чатаман — бошингни қўшаман (тарж.).

— Опа, опа дейман! — қичқирди қиз оташкуракка спишиб, — Тұрабой оғада айб йүқ! У эмас, у эмас... совхоз директори... Товбоев!..

Оташкурак онасининг құлидан тушиб кетди, сұнг үзиям дастурхон четига шалвираб үтириб қолди-ю, капалаги учиб, анчагача үзига келолмади. Бир пиёла чой ичганча, үтган жимлиқдан сұнг, у аста бошини үтарди. Тұрабойнинг қовоқдай шишиб, қон талашган юзига құзи тушган заҳоти үрнидан иргиб туриб, зор қақшаганича эшиқдан чиқиб кетди. Энди раиснинг газаби қайнай бошлади. У қизга күзларини чақчайтириб қараб, дашном беришга үтди:

— Сен чирогим, буйтиб, кап-кatta одамга осилма?! Товбоев ким, сен ким? Отанғдан етти ёш улуғ одамни үйнашим деб айтишга уялмайсанми? Овулдаги тракторчи-пакторчи билан учрашувдим, деганингда тилинг қирқилармиди, а? «Байтал қочса құш айғирға суйкалар?» дегандай, шунча таълим-тарбия берган устозингта бир осилиб, энди эл оқсоқолининг ҳам обрүйини тұқмоқчимисан?

Раис қизга захрини сочаётганды, Тұрабой пойгакдаги тоғорада юзидаги қонни ювиб, рүмөлласига артениб ҳам бұлған эди. Қиз аввалгидек бошини қуи осилтириб, раиснинг гапыға жавобан бир оғиз ҳам ломмим демади, фақат Тұрабой келиб, үрнига қайта үтиргач, секингина:

— Кечириң мени, муаллим, — деди.

— Қайси бетинг билан кечирим сұрайсан? — Қизни жеркиб ташлади раис, — устозингни савалаттанинг етмагандай, энди совхоз директорига осилмоқчимисан?

— Сенинг айбинг йўқ, — деди Тұрабой қизга. — Айбдорнинг ким эканлиги маълум бўлди, энди турайлик. Айтмоқчи, бизлар эшитган бояги гапларни терговчига ҳам айтганмидинг?

Қиз индамади.

— Агар айтмаган бўлсанг, энди барибир аниқданади, мабодо улар яна сўрашса, тортинмай гапиравер. Қани энди, оқсоқол, турайлик.

Шом пайти бедазорнинг ўртасида отларининг жиловини ўз ҳолига қўйиб келаётган икки отлиқнинг ҳар бири ўзича хаёлга ботган эди. Улар бўлиб ўтган бояги жанжалдан сўнг шунчаки ёнма-ён кетаёттанини айтмаса, сўзлашувга гап тополмасди.

Қишлоқ кенгаши раисининг боши тамом ғовлаб кетган эди: «Бу энди тонг отиши билан Товбоевнинг жонини кадига қаматади, оқсоқолнинг топширифи бўйича, ёлиғлиқ қозонни ёпиб ташлашимиз керак эди. Муштадай шаллақининг қизил тилидан қозон ҳам, қопқоқ ҳам паққос кўтарилиб кетмаса тўрга эди. Хўш, энди нима қилиш керак? Тўрабойни, оғзингга маҳкам бўл, деб қаторга кўшдик нима-ю, гинакка асал бердинг нима — барибир эмасми? Шундай бўлсаям, оқсоқолнинг ўзи айтгандай, бир таваккал қилиб кўрай-чи, агар битмаса...

Қишлоқ кенгашининг раиси жўрттага бир-икки йўталиб олиб, сўз бошлади:

— Тўрабой, иним, жуда хунук жанжалнинг устидан чиқиб қолдик-ку, а? Энди овул одамларининг бир-бирига ишончи ҳам путурдан кетадиган бўлди. Сен ҳам ўсаётган йигит эдинг, номингга доф тушмаса, деб қўрқаман...

Тўрабой ўз хаёллари билан банд эди, ҳамроҳининг гапларини чала-чулпа эшитаётган бўлса-да унинг охирги сўзларига эътибор берди:

— Кимнинг номига доф тушади?

— Сенинг номингга ҳам, Товбоевнинг номига ҳам доф тушади, икковингизни бир кунда партиядан учиради-да айбингизни бўйингизга қўйиб, турмада чиритади... Менинг фикримча, шу гавғони босди-босди қилиб қўя қолсанг, қалай бўларкин?

— Ҳаммага кундай равшан нарсани қандай яширасан: қизнинг оғироёқлигини райком ҳам, РайОНО ҳам, прокурор ҳам билади-ку?

— Улар билганининг ҳеч хавфли жойи йўқ. Биз ўзимиз кўтармасак, улар четдан туриб ичимиизда нима

булаётганини қаёқдан ҳам билсин? Мен гапнинг пўст-
каласини айтай: бир ёшулли сифатида, Товбоев би-
лан орангиздаги жанжални бости-бости қилиб, ан-
чадан бери икковингизни бир яраштирсам, деб юр-
ган эдим. Бечора Товбоев ҳам ўз қилмишидан ўзи
уялиб, агар ер ёрилса, ерга кириб кетадиган чоғи
бор...

Раиснинг гапларига Тўрабой қизиқа бошлади:

— Райком бюросидан сал илгари ор-номуси қиста-
гин бўлса, энди ер тагининг ёригини тополмаган чи-
қар-да, а? Энди кеч бўлди, Товбоев тугади, унга энди
орнинг ёриги тугул, бошқа нарсаям ёрдам беролмайди!

— Йўқ, ундей деб ўйлама, Тўрабой иним. Товбоев-
нинг юқорида суюйдиганлари бор. Улардан, ҳатто рай-
комнинг биринчи котибиям истиҳола қиласди: эртамас,
бир кун баҳти чопиб, каттакон бўп кетса ҳам ажаб
мас. Биз аслида, ҳаммамиз бир отадан урчиган халқ-
миз, ўсиб бораётган ёшларнинг оёғидан чалаверсак,
бора-бора тугаб кетамиз-ку?

— Хўш, нима демоқчисиз?

— Менимча сизлар, Товбоев икковинг қўл олишиб,
муросага келсангиз бўлди, олам — гулистон!

— Товбоев менинг қўлимни олармикин?

— Ўзим тушунтираман у ёфини: боладан бир
аҳмоқлик ўтибди, ақл оқсоқолда, аҳмоқлик ёшда бў-
лади, кечиринг, дейман. Ана, шундан кейин худо
хоҳласа, ўзинг ё РайОНО ёки совхозга директор бўп
келасан...

Тўрабой оқсоқолнинг оғзидан гуллаб қўйганига
қараб, унинг кўнглида нима борлигини билиб олди,
лекин сир бой бермай, яна гапга солгиси келди:

— Энди у ёфини вақти билан кўраверамиз, аммо
ҳалиги қизнинг Товбоевдан бола орттиридим, деган
гапига ишонмайман... сира ақлга тўғри келмайди бу.
Қиз ўқишида, Товбоев иш бошида бўлса, ҳайронман,
улар қандай танишиб, қандай қовушади? Бу гап Тов-
боевнинг юзига куя суртиш учун чиқарилган туҳмат
бўлмасин тағин?

— Қандай қовушганини энди худо билади... Нима бұлғандаям, Товбоев — кесадиган одам: үчакишганни уруғи билан қурилади, йиғлаб келғанни қанотига олиб, юпатади. Шунинг учун, Тұрабой иним, муросаю мадора билан, келишиб ишлаганимиз маңқул әмасми?

— Маңқулликка маңқулку-я, бироқ мен айбдор одамдай унинг олдига бошимни әгиб боролмайман. Үзи гунохини бүйнига олиб, кечирим сұраса, унда бошқа гап...

— Ана холос, мен ҳам шуни айтаяпман-да!

Гап шу ерга етганда уларнинг ҳангомаси қовушиб, то уйларига боргунча қар ким үз хаёли билан банд бұлди. Одамларнинг молларга қиши озифи деб, овулга яқынроқ жойга ғамлаган сомон ғарамига етганда, раис Тұрабой билан қуюқ хайрлашиб, отини йүрттириб кетди...

...Уйнинг әшиги олдида Товбоевнинг яп-янги «Победа»си туарди. Одатига күра, күппаги олдига вовуллаб чиқди, уй әгасини таниганидан кейин хуришдан тұхтаб, думини ликиллатганча отни гир айланиб, эркалана бошлади. Қишлоқ оқсоқоли отдан түшгач, уйга туташ қурилған құрага үтиб бораётіб, меҳмонхона деразасидан ичкарига қараган эди, ёнбошлашиб чой ичаётган икки кишига құзи түшди.

У шошилмасдан отнинг әгарини олиб, сағрисини сийпалаб, олдига бир бое йүнғичқа солди, шундан кейин құлинин ювиб, ичкарига кирди.

— Ассалому алайкум! — деб у меҳмонхонага кириб келганда, меҳмонлар иккита әмас, уч киши эканини құрди. Товбоевдан бошқалар ўринларидан учеб туриб, раис билан икки құллаб саломлашди, совхоз директори ёнбошлаб ётган күйи, ўрнидан құзгалмасдан, құлининг учгинасини узатиб құя қолди. Улар жойлашиб олиб, бир-биридан ақвол сұрашгач, хотиржам чой ичишда давом этдилар.

«Боя Тұрабойни уйга таклиф қылмаганим яхши бўлган экан, — хаёлидан ўтказди қишлоқ кенгаши-нинг раиси. — Агар, у уйимда Товбоевнинг борлигини кўрганида эди, бизнинг ўзаро тил бириктириб юрганимизни дарҳол сезган бўларди... Манавиниси-ку, ил-

Гаридан таниш — директорнинг ҳайдовчиси. Анави
кўзлари бақрайган йигитни сиртдан бир-икки марта
кўрганини айтмаса, ҳали у билан деярли сирдош эмас.
У ҳақда билгани, йигитнинг овулдаги мактабга илмий
мудир бўлиб ишга келгани, холос... Унинг олдида фақат
Товбоев икковига маълум сирдан гап очиб, қовун ту-
шириб қўймаса гўрга эди. Қайдам?..»

— Қани, овулкенгаш жўра, бизнинг ошиқ чикками
пукка? — деб сўради Товбоев тишининг оқини кўрса-
тиб.

Қишлоқ кенгашининг раиси памил чойдан бир
унлаб, ҳалиги нотаниш йигитга кўз остидан қараб
олди-да, томоқ қирди.

— Гапиравер, бу биззи шогирд, ўзим институтда
үқитиб, одам қаторига қўшаман деб юрган иним, жи-
гарим, — деди Товбоев.

— Чамаси, чикка бўладиганга ўхшайди, — деб қўй-
ли раис секингина, сўзининг охирини ичига ютиб.

— Менга деса, пукка бўп кетмайдими! — дея ке-
рилди Товбоев ва алланима эсига тушгандай, раисни
жеркиб ташлади: — Ҳў-ўй, сенга гапнинг пусткалла-
сини гапир, деб неча марта айтганман ўзи! Қачон қара-
синг гапничувалаштириб, жумбоқقا айлантириб ўти-
расан! Осмонни суюб турган бўлса, ташлаб юбормай-
лими ўша маҳмадонанг! Бор, физиллаб бориб, бизга
таганингни опке!

Товбоев мезбонга бақирди. Мезбон янги тушган ке-
линчакдай сузилиб, ўрнидан турди-ю, «ҳозир-ҳозир»
леб чиқиб кетди, сўнг инқиллаб, бир қути арақ кўта-
риб кирди. Унинг кетидан аёли тўртта пиёла, бир товоқ
тўрагланган пиёз келтириб қўйди.

— Қани, чарчомизни босайлик, тўлдириб қуй,
биззи шопир болага кичкина пиёлада бер, қули рул-
ли, қолганимиз каттасида ичамиз.

— Оқсоқол, мен институтда ўқиб юрганимда ош-
козонимни бузиб қўйганман, дўхтирлар ичма деган
ди, — деди боя Товбоев «жигарим» деб таништир-
сан йигит.

— Ҳаҳ, болагина-ей!.. Шу десанг, отингни унутиб қўяверадиган одатим бор-да, исминг нима эди?

— Эламас.

— Эламас иним, дўхтирларнинг гапини қўй, сен мана, менинг айтганимни қил, — деди директор бош бармоғини кўкрагига қадаб. — Ошқозон дегани, бу — еган-ичган овқатингни қайта пиширадиган бир идиш, лекин уни тагига ўт ёқиб қайнатолмайсан. Шунинг учун манави сабилдан озгина томизиб, уни қиздириб тозалаб турмасанг, ошқозонинг бузилиш тугул, чириб кетади. Менга бу гапни ўзимизнинг жайдари дўхтирлар эмас, ҳув Ялтадай жойдаги атоқли врачлар айтган... Қани, болапақирнинг гапларига эътибор бермай, дадилроқ қуй унга.

Товбоев яна алланималар деб валдиради, бу орада арақдан тўртта шиша бўшаб бўлганди.

— «Биринчи бойлик, — тани соғлик, иккинчиси — оқила хотин», деган экан ота-боболаримиз. Қани, ажойиб ҳикмат учун кўтарайлик! — Товбоев каттакон пиёладаги лим тўла арақни бир кўтаришда бўшатди, бу Эламас билан раисга далда бўлди шекилли, қўлидагини иккови баравар симириди.

Аммо, Эламас пиёлани яримлатмасданоқ кўзлари ола-кула бўлиб, йўтали тутганча, бўғилиб қолди. Раис секин-аста қултуллатиб ичиб, пиёласини анча вақтдан кейин бўшатди.

— Бола-да, ҳали, бола! — деди Товбоев Эламаснинг елкасига қоқиб.

Арақнинг қопқофи билан бирга одамларнинг ҳам кулфи дили очилиб, аввал унча қовушмай турган гапларга жон кирди.

— Э, дўстим, Тўрабой иккимиз бор гапни қизнинг ўз оғзидан эшитдик. Қизнинг онаси Тўрабой бечоранинг дабдаласини чиқараёзди.

— Ий-ье, ий-ье, нега?

У Тўрабойнинг қоқ пешонасига оташкурак қандай тушгани, хуллас, бўлган воқеаларни ипидан игнаси-гача айтиб кулдиравериб, Товбоевнинг роса ичак-сил-

ласини қурилди. Бироқ, у сўзининг охирида қулишдан тўхтаб, «гапнинг пўсткалласи»ни айтгач, совхоз директорининг ранги бўздай оқарди.

— Киз сизнинг номингизни аниқ қилиб айтди.

— Ҳмм... — Товбоев олдидаги бўш пиёлага тикилган кўйи ўйланиб, чукур нафас олди-да, жаҳл билан: — Қуй! — деди.

Каттакон пиёлалар яна лиммо-лим тўлди. Қовурлоқнинг устида чиппа терга тушиб арақ ичилганини айтмаса, ҳеч ким миқ этиб оғиз очмади. Юракни тарс ёрадиган сукунатни биринчи бўлиб Товбоев бузди.

— Шу десанглар, кўпдан бери кўнглимга туғиб юрган бир ниятим бор эди. Эламас ҳам оталаримизнинг уруғига яқин. Шу боланиям бир оёққа тургазиб юборсам, деган ниятда тунлари уйқум қочиб, тўлғониб чиқаман. Вақт — шу вақт, ҳозир ишнинг мавриди келганга ўхшайди: ниятимни катталарнинг қулогига етказиб, шу болага Тўрабойнинг ўрнини олиб берсам...

Эламаснинг кайфи анча ошиб қолган бўлса ҳам, бу гапни қулоғи илгади:

— Оқсоқол-л-л, мен... мен ҳали ёшман. Мактаб катта...

— «Бўладиган бола бошидан» дейишади, қачонгача ёш бўп юрасан... Бироқ, раҳбарликнинг бир шарти бор: сен тез орада бошинг бойланиб, бола-чақали бўлишинг лозим... Кўз остингта олиб юрган қиз-пизинг борми?

— Қайдам... оқсоқол, қўл калталик қиласими, дейман...

— Кам-кўстингни тўлдирмасам, мени оға дейишга қандай тилинг боради?

Қишлоқ оқсоқоли Товбоевнинг ниятини пайқаган эди, лекин ичиди ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Эламастга қанчалик ачингани билан, ўз фойдасини кўзлаб, дарҳол ҳайбаракаллачиликка ўтди:

— «Бордан юқади, йўқдан йитади» дейишади, иним... Бай-бай, ўзимизни вақтида шутиб қўллайди-

ган одам бўлмади, йўқса... биз ҳам гуриллатиб мошин миниб юармидилик...

— Гап бундай, жигарим, — деди Товбоев раиснинг гапини шартта бўлиб. — Матжон бригаднинг ўғли ташлаб кетган қизи бор-ку, шу ожизани манави овулкенгаш оғанг совчиликка бориб, сенга оберса, нима дейсан?..

Мудраб ўтирган Эламас бу гапни эшитди-ю, чўчиб тушди:

— Ҳалиги... юкли қизми? Жон оғажон, раҳмингиз келсин... ололмайман уни!

Товбоев қишлоқ оқсоқолига ер остидан кўз қисиб кўйди. Эламаснинг ичган арафи оғзи-бурнидан чиқиб, кайфи бироз тарқагандай бўлди. Ўзича алланимани сешиб, безовталаниб типирчилади.

— Укам, сен бирдан осмонга сапчима, — деди оқсоқол уни чин юракдан юпатган бўлиб, — ҳали Матжоннинг қизи олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам оласан, деб бўйнингга осилаётгани йўқ. У яхши тарбия кўрган, бир уйни гуллатиб ўтирган қиз. Эл нелар демайди, агар элга солсанг, чангакдаги гўштга бўйи етмаган пишакдай, «пух сассиқ» деб қўя қолади... Агар шу қизга уйлансанг, очифини айтай, манави туғишиган оғангнинг ҳам обрўйини сақлаб қоласан?

Эламас, «у қандай ўзи?» дегандай, атрофига аланглади.

— Оғзида элаги йўқ одамлар ўша қизнинг енгилтаклигини... Ҳаҳ, нимайди? — мезбон бурнини «шиф» этиб тортиб, давом этди, — иккиқатлигини, ўз тувишганингга ағдарарадиган тури бор. Гапнинг ростини айтганда, ўша мегажин ким-у, катта совхознинг директори ким? Сенинг директор оғанг республикада донги кетган, номи улуг, бола-чақали одам. Душманлари оғангнинг обрўйини тўкиш учун уни атай ўша қиз билан... сассиқ гап қилмоқчи. Энди тушунгандирсан?

Эламас бош иргади. Товбоев ора-чорада унга қовоғи остидан қараб, ер чуқалаб ўтирди. Оқсоқол гапида давом этди:

— Агар шу туҳмат сабабли оғангнинг номи булғанса, сиёсатни ўзинг биласан, уни партиядан ўчириб-гина қўймайди... Сўнг ўзингнинг аҳволинг не кечиши-ни ҳам бир ўйлаб кўр...

Қишлоқ кенгашининг раиси гўё Эламасга ўйлаш учун фурсат бергандай, гапиришдан тўхтади. Товбоев алланимадан ҳадиксираган каби бошини кўтариб ҳайдовчисига қаради-да:

— Иним, сен машинангни йўлга ҳозирлай бер, овқатни уйда соққа-поққа ўйнаб ўтириб ҳам ерсан, — деб, уни хонадан чиқиб кетишга мажбуrlади. Лекин шу топда, гарчи ҳайдовчиси унинг деярли ҳамма сиридан воқифлигини билса-да, бирорнинг олдида эгилганини ошкор қилиб, катта хатога йўл қўйганини кечроқ англади.

Қишлоқ оқсоқоли яна гапида давом этди:

— Агар куни туғиб, иши ўнгидан келса, келажак-да оғанг ё райком, ё райисполком бўлади. Шундай суюнган тогингни қаёқдаги ипириски одамларга ўз қўлинг билан боғлаб беришга қандай кўзинг қияди?

Эламас шу гапдан сўнг қаддини тик кўтариб:

— Яхши, оғам учун ўзимни томдан ташлашга ҳам тайёрман, лекин у қизни олгач, қайси бетим билан мактабда бола ўқитаман? — деди.

Товбоев мийифида кулиб қўйди, бу оқсоқолни яна-да қамчилагани эди.

— Сен, жигарим, бунинг нимасига ғам чекасан? — деди мезбон. — Манглайнингга фақат муаллим бўла-сан, деб ҳеч ким ёзиб қўйгани йўқ-ку? Оғанг омон экан, Қоратеренг бўлмаса, шаҳардаги катта бир идоранинг жиловини қўлингга тутқазиб, данғиллама жой ҳам солдириб бермайдими, тентак?

Товбоев Эламаснинг кўзини шамғалат қилиб, оқсоқолга бош ирғаб қўйди. Сўнг Эламаснинг иккиланиб турганини сезиб, ўзи гапга аралашди.

— Партияда бормисан? — деб сўради Эламасга тик қараб.

— Йўқ, оға, ҳали комсомолдаман...

— Ҳали ташвишинг кўп экан, лекин иложинг қанча. Менга зўр келса ҳам, сендай жигаримдан воз кечолмайман... Сен, боя айтгандай, аввал уйланиб олсанг, райкомга бориб ўзим бу масалани бир ёқли қиласман... Айтмоқчи, комсомол экансан, ҳозирча райкомсомолда ишлаб турсанг бўлмайдими? Ҳа, қўяйлик шу гапларни, жуда майдалашиб кетдик. Қани, арафинг бўлса кўй дўндириб! — деди Товбоев, хушчақчақ кайфиятда.

— Садағаси кетай, туви мўл-ку бунинг, — деди мезбон пиёлаларга арақ қуяётиб. Дастурхонга иккинчи овқат — қўзининг чала пиширилган калласи тортилганда, улар гапни бир жойга қўйиб, Эламаснинг кела-жакдаги оиласи, турмуши учун қадаҳ уриштира бошлиди...

* * *

Тўрабой тун бўйи мижжа қоқмади.

Бу ёғи неча пулдан тушди? Бултур, ҳамманинг бошини favfoga қўйган бояги қиз ўқийдиган синфга кириб, касал ётган муаллим ўрнига дарс бергани ёдига келди. Агар унутмаса, оти Зебо эди! Ҳа-ҳа, Зебо! Ўқиши ёмон эмасди, шекилли. Бироқ, синфдошларига қараганда сал-пал гапга чечан, шўҳроқ эди. Нега деганда, Матжон бригадирнинг уйига мактаб анча узоқлик қиласди, ота-онаси шунча йўлга уни ким олиб бориб, ким олиб келади, деб бепарволик қилгани сабабли, қиз шўрлик ўн ёшигача мактаб юзини қўрмаган. Онаси бўлса қизининг қўлдан иш олганига хурсанд, далада бегам ишлаб юра берган...

Тўрабойнинг ёдига яна синф раҳбарининг бултурги чақимчилиги тушди.

— Ўртоқ директор, менинг синфимдаги қизларнинг айримлари вақтидан эртароқ бўй етиб кетмаса, деб қўрқаман... — деган эди.

— Буни қаёқдан билдинг?

— Анови, Матжон оғанинг катта қизи бор-ку, шунинг дафтаридан муҳаббат ҳақидағи құшиқларни үқиб қолдим. Бунинг устига, яна жуда уят сұзлар ҳам бор...

— Сүңг нима қылдинг?

— Ишқий құшиқлари учун «кундалиги»га 2 баҳо қўйдим, ҳалиги уят сұзларни ёзгани учун, дарсдан чиқариб юбордим.

— Дарсдан чиқаришга ҳаққинг йўқ. Сенинг синф раҳбари сифатидаги фаолиятингни текшириб қўриш керак экан. Муҳаббат учун ҳам бирорга 2 баҳо қўядими? Сен Матжонова билан алоҳида сўзлашиб, унга муҳаббатнинг юксак бир туйгулигини, чин юракдан севиш инсон учун фазилат эканини, лекин ҳар гулнинг ўз очилиш вақти борлигини ҳамда муҳаббат бирорда эрта, бирорда кеч бошланишини аста тушунтир. Натижасини кейинроқ, якка ўзимга айтарсан! — деб дашном берган эди Тўрабой.

Кейин нима бўлган эди? Айтмоқчи, Матжон оғанинг ўзиям бир сафар келиб: «Тўрабой иним, қиз боланинг йўриғи бошқа экан, Зебога үқишини қўйдириб, янгангнинг ёнига, совхозга ишга ўтказсамми?» — деб маслаҳат солган эди-я. Оқибат бундай бўлиши кимнинг тушига кирибди, дейсиз? Ё тавба...

Тўртингчи чоракнинг охирида пахта ўтоғи бошлануб кетгач, Зебо мактабдан қадамини бутунлай узди, ана энди, оқибати...

У саҳармардондан отни эгарлаб, районга жұнамоқчи бўлди. Эрталаб боради-да прокурорга ҳамма гапни оқизмай-томизмай айтади. Сүңг тўғри райкомга киради, арзини тингласа тинглагани, тингламаса, аканг қарағай «ҳайё-хыйт» деб, Нукусга жұнайди. Нукусдагилар Товбоевнинг икки оёғини бир этикка тиқади... Ўйлари шу ерга етганда, у сакраб ўрнидан турди-да деразадан ташқарига қиради: тонг оқариб қолибди. Шошилиб, чала-чулла кийинаётганды хотини уйғонди:

— Қаёққа, аzonлаб?

— Районга бориб келаман...

— Районлайдиган бўлсангиз, Назарга пахталиқ оп-келинг, бир-икки ойдан сўнг совуқ тушади. Айтганча, бозордан бир кило-ярим кило узум-пузум ҳам олинг, танглайимиз қуриб, тоза ўладиган бўлдик-ку...

— Қизиқсан-да, хотин, мен бозорга бориб юраманими?

— Ўзи бугун бозор бўлса, бозордан бошқа яна қаёққа бормоқчисиз?

— Нима?

— Районда бозор куни сизга бирорвнинг кўзи учиб турибдими? Борсангиз, бозорлаб қайтасиз-да?

Тўрабой шошилиб кийинди-ю, шошилмай ечинди. Эрининг нияти тўсатдан ўзгарганига ҳайрон бўлган хотини оҳиста ўрнидан туриб, керосинкага чой қўйди. Унинг тун бўйи уйқуси қочиб, у ёғидан-бу ёғига афдарилиб чиққанини сезган эди. Ўзиям ухлагани йўқ, лекин нима гап деб сўрагани билан эри барибир ичидағини айтмайди. У Тўрабойнинг азалдан кўчадаги гапни уйда айтмайдиган одатини яхши билади.

Эрталабки чойга Муптилла келди... Келиши билан тўрга ўта солиб, ҳол-аҳвол сўрашмасдан гапга тушиб кетди.

— Тўрабой, опам мени хўroz қичқирмасдан сенга юборди, — деди у, памил чойдан «хўрр» этказиб хўп-лаб. — «Бориб аскар болага айт, мактабнинг томига босиладиган оқбошлар қовжираб қопти, агар болаларни бу йил янги иморатга киргизиш умиди бўлса, одамларни шу бугуноқ ҳашарга чақирсин», — деди.

— Овлуни кеча кечқурун айтиб чиқиши керак эди, — деди Тўрабой унинг гапига пинагини ҳам бузмай.

— Ҳозир айтганда нима қиласи? — эътироз билдириди Муптилла, — қайтанга бугун бозорлаб келишга одамларга бригадир рухсат бермайди.

— Бўлмаса, одамлар ўтоққа чиқса керак-да?

— Ўтоқнинг тугаганига анча бўлди. Тунов куни, Жалимбетнинг садақасида одамлар, учинчи ўтоқниям туғатиб келдик, дейишаётган эди...

— Ҳа, майли, ҳашарга айтиб қўрайлик-чи, келса келар, келмаса иложимиз қанча? — деди Тўрабой. — Сен овулни қибла тарафидан бошлаб айтиб чиқ, мен бу ёғини мактабга бораётиб, йўл-йўлакай айтиб ўтаман. Қани, бўлмаса тезроқ қимирила.

— Мунча шошилмасанг, ҳеч курса, бир-икки пиёла чой ичиб олай. Уйда опамнинг тўнғиллашларини эшитавериб, чой ичгандай бўлмайман, — деди Муптилла оғзидаги нонни чала чайнаб ютаркан.

— Тўнғиллашлардан кутулай десанг, опангга келин тушириб бер-да, — деди боядан бери индамай ўтирган Осиё.

— Ҳой, бир пиёла чойниям қора қон қилдинг-ов, қурдош, — дея пўнгиллади Муптилла. — Қаерга бормай, бани юртнинг қайфуси — менинг уйланишим... Турмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

У дастурхондаги патирдан ярмини синдириб олиб, оғзига буқлаб тиқди-да, эшикка йўналди.

Мактаб ҳашарига бор-йуғи бешта одам келди. Шундаям иш унумли бўлиб, бир куннинг ўзида иморатнинг томига хашак бостирилди. Ишдан чарчаган одамлар кечқурун Тўрабойникида курка шўрвани ичиб бўлишгач, уй-уйларига тарқалдилар. Етти-саккиз нафар ўқитувчи билан Муптилла кейинги ишнинг маслаҳатига кирди.

— Йигитлар, — деди Тўрабой, — файрат қилсак, яна бир ҳафталик юмушимиз қолди. Саломат бўлсак, районнинг август кенгашигача янги иморатни битказамиз. Шу важдан сизларга бир илтимосим бор эди: таътил пайтида ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб бирга ишласак...

— Йишлаймиз, — деб уни маъқуллади кўпчилик. Уларнинг орасида фақат Эламас йўқ эди.

* * *

...Тўрабой август кенгашига отланаётиб, мактабнинг янги иморатини қўздан кечириб чиқди. Янги нарса ўз номи билан янги-да! Сирти шувоқдан чиқарилмагани

билан, ичи оппоқ оҳакланиб, парталаригача жойжойига қўйилган. Узун коридор бошдан-оёқ ёп-ёруғ, фақат синфга кирадиган эшикларгина қорайиб кўринади. Улар ҳали бўялмаган эди. Муттилла чала-чулпа суртган алифмойнинг ҳиди димоқни ачитади. Деразаларга ҳам ойна солинмаган. Райондан ваъда қилинган ойналар, негадир кечикаётириш.

«Нима бўлсаям, болалар янги ўқув йилини янги мактабда бошлайди, — дея ўзи пицирлади Тўрабой. — Мабодо август кенгашида менга сўз берилса, буни одамлар ўз кучи билан курганини фахр-ифтихор билан айтсан ярашади».

У отига иргиб миниб, кунчиқар тарафдаги кўчадан йўрттириб кетди...

Йилқи деган жонивор, агар эгасининг одатини бир тушуниб олса, ўлгунча унутмайди. Тўрабойга райондан берилган жийрон қашқани илгари қим минганини худо билади, лекин Кўнғирот йўлига тушиб олгач, кўзингни юмиб, жиловини бўш қўйсанг бас, у ёқ-бу ёққа бурилмасдан, тўппа-тўғри район молия идорасига олиб боради. Ундан кейин РайОНОгача икки қадам йўл. Тўрабой жийрон қашқасининг бу одатини талай марта синаб кўрган, отнинг бурунги эгаси молия ходими бўлса керак, деб ўйларди. Нега деганда, жийрон қашқа унга теккан дастлабки кунлариёқ, шаҳардан чиққан заҳоти ўзича бошини четта буриб, бирорвларнинг уйи олдидан иркилаб, тўхтаб-тўхтаб ўтар эди. Бу орада бирон суворий дуч келиб қолса, Тўрабой уни таниса-танимаса, барибир, от албатта пича тўхтаб туради. Собиқ эгасининг дуч келган одам билан узоқ сўзлашувига ўрганган жийрон қашқа Тўрабойга дастлаб анча азоб берди, сўнг бора-бора, унинг ҳам одатига кўнинкач, сал чаққонроқ одим ташлайдиган бўлди...

Тўрабой отнинг жиловини ўз эркига қўйиб, яна хаёлга чўмди: «Райком котибининг ҳали ғазаби босилмаган чиқар? Мактабнинг янги иморати битгани-

ни эшитса, балки сал-пал юмшаб қолар-ов? РайОНО бошлигининг ҳам феъли фалати, аввалига қўллаб-қувватлаб туриб, сал жанжал чиқса, бирпасда яна айниб қолади». Тагидаги от бир депсиниб тұхтади. Йўлни чангтиб келаётган «Победа» уни қувиб ўтди-да, сал нарига бориб тормоз берди. Чанг босилгандан кейин эшиги очилиб, машинадан Товбоев тушди.

— Э-ҳа, Тўрабой, дўстим, аzon билан йўл бўлсин? — деб сўради Товбоев гўё икковининг орасида ҳеч гап ўтмагандай. Тўрабой унинг катта бошини кичик қилиб сўрашганига бир зум ҳайрон бўлди-да, отдан иргиб тушиб қўл олишди.

— Йиғилиш бўладиган эди, шунга бораётганим...

— Мениям бугун мажлис бўлади, деб чақиртирган ёкан, қандай масала кўрилишини билдингми? — сўради Товбоев сохта илжайиб. Унинг кўзларида аллақандай муғомбирлик аломатлари бордек эди. Тўрабой дарҳол сергак тортди.

— Сиз бораётган мажлисда қандай масала кўрилишидан хабарим йўқ. Мен ўқитувчиларнинг август кенгашига бораяпман, — деди у директорнинг кўзига тик қараб.

— Август кенгашида ҳар қалай, бояги юкли қизининг масаласи кўрилмас, ахир. Уни илмий мудиринингга олиб берибсан-ку?

— Нима?

— Матжон бригаднинг қизини анави Эламас деган илмий мудир бор-ку, ўша бундан икки кун бурун опқочиб кетибди. Чамаси, бундан ҳалиям хабаринг йўқми дейман?

— Уч-тўрт кундан бери Эламаснинг қорасини кўрганим йўқ...

— Нима бўлгандаям, сизларга маза, дўстим! Ўзларингиз ўқитасиз, ўзларингиз тарбиялаб, вояга етказасиз. Шуйтиб, унган вақтида бандидан яна ўзларингиз узиб қўя қоласиз, — деди Товбоев қорнини чанглаб куларкан. — Ҳа, майли дўстим, ўйин-кулгининг ҳам

ози яхши. Сен чубирингни панароқ жойга боғлаб ке, машинада икковимизгаям жой бор. Қайтишда миниб кетарсан...

Тұрабой бу таклифдан ҳанг-манг бўлиб қолди. «Бу одамнинг қайси гапига ишониш керак? Балки, мени синамоқчидир у?»

— Минган отимни ярим йўлда ташлаб кетолмайман, — деди Тұрабой. — Айтганча, Эламаснинг Зебони опқочганини қаёқдан билдингиз?

— Оғайни, биз ер остида илон қимиirlаса била-миз... — Товбоев кетига аста бурилиб, машинасининг орқа эшигини очди-да, ўрнига ошиқмай ўтирди. Сўнг эшикни қарсилатиб ёпгач, ойнадан қўлини чиқариб, бармоқларини ликиллатиб хайрлашди...

Тұрабой ҳам жийрон қашқасига миниб, от бошини йўлга туғрилади-ю, яна хаёлга ботди. Энди унинг хаёлини мактабнинг янги иморати эмас, қўй оғзидан чўп олмаган Эламас билан қайсар феъли Зебо банд этган эди.

«Товбоев бўйинтуруқдан омон-осон қутулиб қолибди, келиб-келиб бечора Эламаснинг қармоққа илинганини қаранг? Зебо ҳам эс-хуши жойида қизга ўхшаб кўринган эди, охир-оқибат қайсарлиги чўртта қайрилибди-да... Энди, кенгашда ўқитувчиларнинг ахлоқи ҳақида сўз очишадиган бўлса, мактабимизнинг номига яна доғ тушадиганга ўхшайди...»

* * *

РайОНОда фиж-фиж одам. Тұрабой отини чорбоққа боғлаб, таниш-билишлары билан саломлашиб, коридорга энди оёқ қўйиши билан нозирга дуч келди.

— О-о-о, Тұрабой Алиевич, сизни қачондан бери кутиб ўтирибмиз. Юринг, бошлиқнинг олдилари...

У Тұрабойнинг қўлидан бамисоли зўрлаб етаклагандай, РайОНО бошлиғининг кабинетига бошлаб кирди.

Бошлиқ ҳамон ўша-ўша, қовоқ-тумшуғи ўзгармаган эди. Лекин ҳар қалай, унинг Тұрабойга муносабати яхшидай туюлди:

— Аввало, мактабингизнинг янги иморати қутлуг бўлсин! — деди у Тўрабойнинг кўлини маҳкам сиқиб.

— Қутлуг бўлсинни бориб, иморатнинг ичида айтсангиз, ёшулли, — деди Тўрабой кулимсираб.

— Ҳа, энди, у ёғи ҳам қочмас ахир, — деди бошлиқ. — Ҳозир кун тартибида турган асосий масала — сенинг тажрибангни райондаги ҳамма мактабларга кенг жорий этиш. Биз шу вақтгача ўйлашиб, кенгашида сенга сўз беришни ва сўнгги икки йиллик ишларинг ҳақида гапиришингни режалаштириб ўтирган эдик. Лекин, ҳозиргина райкомдан қўнфироқ қилиб, совхозингизнинг директори сўзга чиқишини айтиб қолиши. Шунинг учун, кенгащ тугагач, мактаб раҳбарларини бир жойга йифиб, сенга бироз ўйлаб сўз беришга мажбурман. Сабаби, Товбоевнинг иштирок этиши — август кенгашимиз учун катта обру, фақат икковингиз бирбирингизни такрорлаб қўймасангиз, деб қўрқаман...

— Унинг нима дейишини билмайман-у, лекин мен айтмоқчи бўлган сўзни у бир умр ҳам такрорлай олмайди, хотиржам бўлинг... — деди Тўрабой.

Кенгашида сўзга чиқиши Тўрабойнинг етти ухлаб тушига кирмаган эди, бироқ Товбоевнинг тўсатдан пайдо бўлиши унда, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» дегандек, фалати таассурот уйғотди...

Минбарда Товбоев:

— Ўртоқлар! Ҳурматли устозлар! Биз улуғ доҳийларимизнинг қўрсатган йўл-йўриқларига офишмай амал қилганимиз туфайли, ўтган урушда фашистларнинг кулини кўкка совурдик. Ҳозир яксон бўлган хўжалигимизни қайта тиклаш жараёнини бошдан кечираётимиз. Қайта тиклаш даври, ўртоқлар, бу — қайта туғилиш демакдир! Вилоят ва туман партия қўмитасининг бизга қўрсатган оталарча ғамхўрлиги ҳамда доҳиймиз Стalinнинг доно раҳбарлиги остида иқтисодиётимиз янада юксалиб, ривожланмоқда... Мен, ўзим бошқараётган совхоз хўжалиги эришган ютуқлар тўгрисида гапириб, сизларнинг қимматли вақтларингизни олмоқчи эмас-

ман. Лекин мени сўзлашга мажбур этган асосий нарса, яъни, ёш авлодга таълим бериш соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз хусусида индамай ўтолмайман... Биз ҳар қайсиниси ҳар ёқда жойлашган дарсхоналарни бир ерга жамлаб, катта мактаб қурдик. Жуда қисқа вақт ичида, яъни, икки йилда, ёзги таътилда, одамларнинг қўли ўтоқдан бушаган пайтларда ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, янги дангиллама иморат тикладик. Мен шу үринда бир ҳақиқатни айтиб ўтишни жуда-жуда истардим: бу ишнинг ташаббускори ва жонкуяри Қоратеренгдаги мактаб директори ўртоқ Алиевдир. Бу одам ҳозир орангизда ўтирибди (Тўрабойни танийдиганлар унга бурилиб қараб, қарсак чалиб юборишиди). Мана шу сергайрат, меҳнаткаш йигитнинг ташаббуси билан овулда ўн уч хонали иморат қад кўтарди. Мен районимиздаги мавжуд колхоз ва совхоз раҳбарларини ёш авлодни тарбиялашда фоят аҳамиятли бўлган шу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақираман! Совхозимиздаги илгор ишчиларнинг ўз кучи ҳамда хўжалик маъмуриятининг қўллаб-қувватлаши туфайли амалга оширилган бу ташаббусга истиқболимиз эгалари бўлмиш ёш авлодга ғамхўрликнинг ёрқин намунаси сифатида эътибор беришларингизни илтимос қиламан ва барчангизни келажакда шундай мактаблар қуришга даъват этаман!..

Гулдурос қарсаклар садосидан Тўрабойнинг боши айланиб кетди. Йўқ, мақтovлардан эмас, аксинча, бироннинг ишини усталик билан ўз номига боғлаб юборган Товбоевнинг орсизлигидан унинг боши айланмоқда эди. Президиумдагиларнинг бири бўлмаса бошқаси, бу сўзларнинг ёлғонлигини билар, деган умидда маърузачига савол бермоқчи эди, лекин ўйлаб туриб, кўтарган қулини яна пастга туширди. Фалавонур босилгандан сўнг, Товбоев яна сўзлашда давом этди:

— Faқат таълим-тарбия соҳасидаги юмушлар ҳамда совхозимизнинг бошқа йирик қурилишларида эришган

ютуқларимизни санаб ўтиш билан кифоялансак, мақтапчоқлик бўлур эди. Доҳийларимиз бизга доимо танқидни ўз-ӯзини танқид принципига амал қилиб яшашни ўргатган. Шу сабабли, оз бўлса-да, йўл қўйган баъзи камчиликларимизга ҳам қисман тўхталиб ўтмоқчиман. Бу, биринчидан, мактаблардаги ахлоқ масаласи, иккинчидан, таълим-тарбия учун давлат томонидан ажратилган ширик пул маблагларига дахлдор муаммолардир. Диққатнингизни қўйида биргина мисолга жалб этмоқчиман: мен ҳозиргина мақтаб ўтган Қоратеренгдаги мактабни олайлик. Мазкур мактабда олиб борилаётган таълим-тарбия усуслари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Харарларингиз бўлса керак, шу мактабнинг илмий бўлими мудири еттинчи синфда ўқийдиган қизга, яъни ўз ўкувчисига уйланибди... Ўртоқлар, мен коммунист сифатида ахлоққа зид бундай ҳодисага мутлақо қаршиман... Иккинчидан, мазкур мактабнинг янги биносигарайижроком томонидан катта маблаг ажратилган эди. Бу маблағ қандай ва қаерга сарфланганини, балки мактаб директори Алиев яхшироқ билар, лекин янги иморатнинг фақат совхоз ишчиларининг қўл кучи билан тикланганини мен ҳам яхши биламан... РайОНО бошлиги мактаб дирекциясининг бундай иш услубига панжира орасидан қараашга барҳам бермоғи лозим..

Товбоев гулдурос қарсаклар остида гавдасини фоз тутган кўйи минбардан тушди.

Мажлис раиси кўшимча сўз сўраган Тўрабойни силтаб ташлади.

— Ўртоқлар! — дея хитоб қилди у залга қаратади. — Кенгашимизда ўн тўққиз нафар одам сўзга ёзилган эди, шундан ўн етти нафари минбарга чиқди. Энди гапиришини хоҳлаган кишига яна сўз бераверадиган бўлсак, шигилишимиз чўзилиб кетади. Шунинг учун район партия қўмитаси котибининг маъруzasидан кейин кенгашга якун ясасак, нима дейсизлар?

Уни ҳамма бир овоздан маъқуллади.

— Айбланувчи Алиев, ўзингиз бошлиқ мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси Матжонова билан жинсий алоқа қилганингизни бўйнингизга оласизми?

— Бўйнимга олмайман.

— У ҳолда унинг ҳомиладор бўп қолганини ҳам рад этасизми? Матжонованинг мактаб илмий мудири Эламас Элмуродов билан дон олишганидан хабарингиз бормиди?

— Мен Матжонованинг бошқа киши билан дон олишганини сезган эдим.

— Ким у?

— Совхоз директори Товбоев.

— Даилингиз?

— Оқсоқол икковимизнинг кўз олдимиизда онаси қизини сўроққа тутди. Шунда бу гапни Матжонованинг ўз оғзидан эшитдим.

— Гувоҳлардан сўраймиз. Айбланувчи келтирган далил тўғрими?

Қишлоқ кенгашининг раиси: — Нотўғри!

Зебо: — ... (йиглаб юборади).

Судья: — Кўз ёши гувоҳ бўлолмайди.

Қизнинг онаси: — Мен онаман, ўз қизимнинг баҳтига бефарқ қарай олмайман. Худога минг қатла шукр, ҳозир невара суйиб ўтирибман. Энди бизни ўз ҳолимизга қўйинг!

Эламас: — Мен Зебога севиб уйланганман. Бола меники. Шунинг учун айбланувчининг далилини мутлақо ёлғон, тухмат, деб ҳисоблайман.

— Сизга савол, аёлингиз билан жинсий алоқа қила бошлаганингизда у неча ёшда эди?

— Ўн еттида. Туғилганлик тўғрисида гувоҳномаси нинг нусхаси олдингизда турибди.

— Айбланувчи Алиев, сиз мактабда юз берган ва совет таълим-тарбиясига ёт бўлган ишларга бошчилик қилганингизни бўйнингизга оласизми?

— Бўйнимга олмайман.

— Яхши, унда иккинчи масалага ўтамиз: мактаб қурилишига ажратилган маблаг қаерга кетди?

— Уни шу маблагни ажратган одамлардан сўранг!

— Айбланувчи Алиев, сиз бундай қизишманг. Ахир, пулнинг қандай ва қаерга сарфлангани тўғрисидаги ҳужжатга сиз қўл қўйгансиз...

— У менинг қўлим эмас.

— Экспертиза тасдиқлаган далилни рад этиш қийин. Яхшиси, гувоҳлардан сўрай қолайлик.

Кишлоқ кенгашининг раиси: — Мактабнинг янги қурилишига ҳамда янги ўқув қуролларига стти юз минг сўм ажратилди. Мана, менда ҳамма ҳужжатларнинг нусхаси бор. Ўртоқ Алиев мунча пулни қаерга гум қилганини билмадим. Кўрганимиз синфлардаги янги парталар билан столлар, холос...

— Сизга савол, раис сифатида ажратилган маблагларнинг қандай сарфланаётгани тўғрисида нега вақтида чора кўрмадингиз?

— Менинг мактабдан бошқа ташвишларим ҳам етарли эди. Бундан ташқари, партия ва ҳукуматимиз ёшлар тарбиясига раҳбарлик қилишни ишониб топширган одамга менинг ҳам ишонмаслигим қийин.

Кишлоқ кенгашининг раиси, гапим тамом дегандай бош ирғаб қўйди.

— Қораловчидаги қўшимча сўз борми?

Прокурор: — Айбланувчи Алиевнинг халқа келтирган моддий ва маънавий зарари тўла аниқланди. Ўз унинг жазоланишини талаб қиласми...

Оқловчи: — Айбланувчи Алиевнинг юқорида айтиб ўтилган жиноятлари чала текширилган. Унинг ахлоқий жинояти эса далилланмади. Бундан ташқари, шунча пулнинг еб юборилгани ҳақидаги факт тўғри бўлса, жиноят курсисига унинг ёлғиз ўзи ўтирмаслиги керак ёди...

— Айбланувчига охирги сўз берилади: қани, нима дейсиз?

— Менинг бошқа гапим йўқ...

ТҮРТИНЧИ БОБ

Амударё бўйлаб шитоб билан сузаётган кема Хўжайли шахрига келиб тўхтаганда, Тўрабойнинг юраги қувончдан алланечук ҳаприқиб кетди. У кемадан тушиб, оёғи қирғоқча текканда ер ҳамон чайқалиб тургандек эди. Шу топда, бирданига оёқяланг бўлиб олиб, тўлқинлар шалоплаб урилаётган қирғоқ ёқалаб юргургиси келди-ю, аммо ўзининг ҳали синовда экани ёдига тушиб, ҳув наридаги тутзорга тикилганча чуқур хўрсинди. Бу пайтда районга кетаётган юк машинаси одамларга лиқ тўла эди. Ҳайдовчи «буям қолмасин» дегандай, икки марта устма-уст сигнал берди, охири бўлмагач, кабинадан бошини чиқариб: «ҳей, жўра, кетасанми ё қоласанми? Мендан кейин Хўжайлига бошқа мошин бўлмайди», — деб қичқирди. Тўрабой ҳайдовчининг қаттиқ овозидан дарҳол ўзига келди-ю, югуриб бориб, машинага ўтирди.

...У Хўжайлидан ўғлига майда-чуйда совға олдида, таниш-билишларининг кўзига кўринишдан ийманиб, Қаратеренгга пиёда жўнади. Эгнидаги эски пахталик, бошидаги яғир телпак ва ўсиб кетган қоп-қора соқолда уни бир қараашда таниб олиш маҳол эди. Орадан ўтган беш йил муддат Тўрабойнинг аввалги новчава тик қаддини сал буқкан эди. У секин, майда қадам ташлаб қош қорайганда овулга етиб борди.

Ҳув узоқдан баланд тераклар қорайиб кўзга ташланади. Улар орасида жойлашган мактабнинг уч-тўрт деразасидан атрофга ёруғ тушиб турибди. У уйигаям бурилмасдан, тўппа-тўғри теракларни оралаб, ўша томонга қараб юрди... Манави толлар мактаб эндинигина қурилаётган пайтда экилган ёш ниҳоллар эди, оқ тераклар эса, жуда ўсиб кетибди, у ёруғ тушиб турган деразаларга қараб, узоқдан тахмин қилди: чамаси, кечки ишчи-ёшлар мактаби очилганга ўхшайди, ана, ҳар синфда ўн-ўн бештадан ўқувчи ўтириб, таълим олаётир. Тўрабой мактаб биносига сиртдан узоқ тики-

либ тураркан, чуқур нафас олди-да, уйига борищдан аввал Муптилланикига кириб ўтишни маъқул топди. «Унинг ҳоли нима кечди экан?» — у ўйланиб туриб, ўз хаёлидан ўзи уялиб кетди. «Шунча йил эл-юртдан узоқда Осиёни, Назаржонни соғиниб, юрак-бағри эзилиб юрса-ю, энди уйга етдим деганда эсига Муптилланинг тушганини қара!»

Нима бўлса ҳам у кампирдан ҳол-аҳвол сўраб ўтай, деган ўйга бордими ёки бу аҳволда тўсатдан уйимга кириб борсам, бола-чақам қўрқиб-нетиб юрмасин дедими, аввало Муптилланикига бурилди.

Үйдаги асосий янгилик — электр лампочкаси эди, у ёфи ўзи кўрган ҳамишаги қақир-қукур, Даққионусдан қолган буюмлар... Булар майлику-я... Тўрабой уйда Назарни кўриб ҳайратдан лол қолди... Муптилла кўзида филт-филт ёш, уни қучоқлаб ҳол-аҳвол сўрашди. Лекин ўғли унга қайрилиб қарамади, ҳатто саломига алик ҳам олмади. Уйда кампир йўқ, эди...

Улар дастурхон атрофида сўзсиз-несиз узоқ ўтиришиди. Бир пайт Муптилла ияги учеб-қалтираб, киприклини пирпиратганича йиглаб юборди.

— Етим бўп қолдим-ку, жўражон...

Йигит ёшидан аллақачон ўтган кап-катта одамнинг стимман деб йиглаганига Тўрабойнинг кулгиси қистаса-да, Муптилланинг кўнглини чўқтирмаслик учун сир бой бермади. Назар бир четда оғзига талқон солгандек бошини қуи солиб, жим ўтирас эди. «Майли, кўнглини бўшатиб олсин», — деди ичиди Тўрабой. Муптилла то ўзини босиб олгунча ора-чорада, «тақдир-да, иложимиз қанча», деб ўртага гап ташлаб турди.

— Қачон қайтиш бўлди? — сўради у, ўртадаги ноқулай жимликни бузиб.

— Икки-уч йилча бўп қолди-ёв... — Муптилла бир хўрсиниб, бурнини тортиб қўйди.

— Имонини берсин... сенинг тўйингни кўролмай кетибди, шўрлик. Кампирнинг кўзи тиригида келин тушириб беришинг керак эди.

— Күл калталик қилиб қолди-да...

— Бизни уйдагиларнинг аҳволи яхшими? Назар, бу ерга меҳмонга келдингми? — сўради Тўрабой ўғлидан, гапни бошқа ёққа буриб.

— Уйга меҳмон келди, — деди Назар.

— Ким экан у?

— Билмайман...

— Ҳў-ӯ, анави совхоз директори бор-ку... — деди Муптилла боланинг гапини оғзидан илиб олиб, — Товбоев деган одам, эсингдами? Ўша, сен кетгандан кейин беш-олти ой қамалиб чиқди-да, сўнг бизнинг бўлимга бошлиқ бўп келди. Кечқурун отининг бошини ҳовлингизга бургандек бўлган эди, назаримда...

— Унинг нима иши бор экан бизни уйда?

— Дастреб, нега ўтоққа чиқмайсан, деб дағдаға қиласарди, ҳозир анча босилиб қолган... Фақат ҳар замонда шаҳардан вакил-пакил келганда, қорнини тўйгассанг бас, ишга чиқмай қўяқол, меҳнат ҳақи ёзамиз, деб елканга қоқиб қўяди...

— Нечанчи синфда ўқияпсан? — деб сўради Тўрабой, Назарга бурилиб.

— Учинчидা.

— Назар яхши ўқийди. Бирга дарс тайёрлашиб, мен ҳам беш-олти ҳарф ўрганиб олдим... — деди Муптилла тиржайиб.

Электр самовар жизиллаганда Муптилла ўрнидан иргиб туриб, дастурхонга уннади. Чойнак-пиёлани чайқаётиб, ўзича бидирлади:

— Ҳой, мина электрир дегани тоза жоннинг роҳати экан, иккита сим тортсанг бас, ўтин тутатишдан қутулиб қўя қоласан...

— Овулда яна қандай янгиликлар бор?

— Овулкенгааш бултур терламадан ўлди. Ҳалиги Эламас деган бола бор-ку, бир-икки йил қораси ўчиб кетган эди, сўнг кела солиб, мактабга директор бўлди. Менга завхоз бўп ишлайсанми деган эди, «билганим беш ҳарф, амалингнинг нима кераги бор?» деб унама-

дим. Ҳозир мактабда қоровулман, қўшотар милтиқ бериб қўйибди. Уни қандай ўқлашни билмасам ҳам, бирор нотаниш одам яқинлашдими, милтиқнинг қулофини бир чирсиллатиб қўйиб, «қўлингни кўтар, яқинлашсанг — отаман», десам тамом, олди-ортига қарамай қочади. Бир куни Нукусдан келган комиссияни ҳам танимасдан, милтиқнинг қулофини орқага қайириб, қарсиллатиб қўйиб юборганман... Лекин, эртасига Эламасдан гап ёшидим. У, «бундан кейин мактабга бўйнига бўйинбог таққан киши келса, милтифингни ўқталма», деб роса адабимни берди...

— Товбоев бизнинг уйга тез-тез келиб турадими?

— Тез-пезини билмадим, мана Назардан сўрамасанг...

— Оға, — деди Назар бошини қуи солиб, — уйга меҳмон келса, опам мени дарсингни тайёрлаб ке деб бу ёқقا жўнатади.

— Ҳм-м, Эламас биратўла кўчиб келдими?

— Мактабнинг устахонасини бўшатиб олди, бир қиз, икки ўғли бор. Келинчаги, ҳалиги Зебо бор-ку, ўзларинг ўқитган қиз-да...

— Хўп, яхши, мен уй томондан бир хабар олиб келай... Назар, сен шу ерда ўтира тур, келиб олиб кетарман...

Тўрабой ўрнидан туриб, Муптилланинг чойга ҳарчанд қистаганига қарамасдан, уйига йўл олди.

...Чамаси, ярим соатлардан кейин, аввалига эркак кишининг қаттиқ бақирган овози эшитилиб, сўнг Осиёнинг уйни бошига кўтарган фарёди зим-зиё тун қўйнига таралди...

* * *

— Ўртоқ прокурор, мени қамоққа олинг, одам ўлдириб келдим...

Район прокурорининг бугунги иш куни юпунгина кийинган, соқоли ўсган одамнинг шу сўзлари билан бошланди. У рўпарасида тик турган кишининг кўзларига синовчан боқар экан, унинг гапига ишонқирамай:

- Сиз кимсиз ўзи? — деб сўради.
- Тўрабой Алиев, Қоратерентдан.
- Кимни ўлдирдингиз?
- Совхознинг собиқ директори — Товбоевни.
- Нима учун?
- Бундан беш йил бурун ноҳақдан тухмат қилиб, мени қаматтиргани учун, турмадан бўшаб, кеча уйга борсам, хотиним билан қучоқлашиб ётгани учун...
- Одам ўлдирганингизни нима билан далиллайсиз?
- Мана... — Тўрабой столнинг устига пўстакнинг жунидай бир парча кокил билан, дудама пичноқ қўйди.
Прокурор пичноқни кўлига олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўздан кечирди. Анави нарсага кўз остидан бир қаради-ю, бироқ қўлини теккизмади. Сўнг, бирдан трубкага ёпишди.
- Менга Ички ишлар бўлими бошлигини уланг... Алло, алло, ўртоқ Нишонов, мен прокурор Калоновман. Олдимда ашаддий жиноятчи ўтирибди, тезда конвой юборинг, санкцияга ҳозир кўл қўйиб бераман. Қанақа жиноятчи? Қоратерентдан?.. Ҳа, ҳа... худди ўзи... Товбоевни ўлдирганмиш... Ҳа... ўз оёги билан келди... Ҳа, жиноятини тўла бўйнига олаётир. Тезроқ конвой юборинг!

Прокурор трубкани жойига қўйиб, яна Тўрабойга синчиклаб разм солди, сўнг котибани чақириб, ҳозира ч ичкарига ҳеч кимни қўймасликни топширди, сўнг стол устида ҳурпайиб ётган бир тутам кокилга кўз қирини ташлаб:

- Сиз уни ўлдирганингиз камлик қилгандай, нега сочидан кесиб олдингиз? Бунинг жазоси нима бўлишини биласизми ўзи? — деб сўради.
- Биламан.
- Билсангиз, жasadни хўрлаганлар учун энг олий жазо берилади.
- Мен бу ерга унинг бошини олиб келишим ҳам мумкин эди. Бироқ, кўтариб юришдан жиркандим. У одам сифатида боши елкасида туришга балки сазовордир, лекин эркак сифатида, у бош терисини ши-

либ олишга лойиқ иш қилди. Буни ўч олиш десангиз ҳам, қасдан одам ўлдириш десангиз ҳам, — ихтиёр сизда... Мен одамгарчилик юзасидан виждоним буюрган ишни бажарып, инсон деган муқаддас номга нолойиқ махлукнинг бош терисини олиб келдим.

— Олиб кетинг! — қичқирди прокурор, эшикдан кирип келган соқчига.

БЕШИНЧИ БОБ

Овулда Қодир лампамойдан қарз бўлмаган одам йўқ эди. У дастлаб дўкон очганда, насияга ун, қанд-қурс, чой-пойга ўхшаган нарсаларни бериб, ойликдан тўларсан, деб дафтариға ёзиб қўяр, сўнг пулини шу одамнинг номига икки-уч ҳисса қўшиб, қайта ҳисоблаб чиқарди. Бултур бир кило чой олиб, ҳақини қишки даромаддан тўласанг ҳам, баҳоргача яна яrim кило чой қарзинг дафтардан ўчмай тураверарди. Агар, шу орада ёгинг тугаса, аввал эски қарзингни тўлатади, акс ҳолда, сенга ёғ ҳам, чой ҳам йўқ. Ўша йиллари Қоратеренгда Қодирнинг обрўси багоят катта эди. Совхоздан кассир келсаям, бригадирнинг уйига бормасдан, от бошини аввал дўкончининг ҳовлисига бурарди. Қодир иккови товуқ шўрвани олдиларига қўйиб олиб, одамларга маош тарқатарди. Кассир рўйхатга мук тушганича пул санаб бераверади, ёнида ўтирган Қодир чўт қоқиб, кассир узатган пулларни қайтадан санаб кўради-да, одамларнинг насиясини чегириб ташлаб, қолганини қўлига узатади. Кўпинча, маошга борган баъзиларнинг қўлига сариқ чақа ҳам тегмай, қайтага фалон сўм қарз бўлиб қолаверар эди. Овул одамлари дўкондан насияга мол олиб ўрганиб кетганлиги сабабли, бора-бора совхоздан кассир келди, деб эшитса ҳам, ҳеч ким маошига бормасди. Мана, Қодирнинг дўкондан бўшаганигаям етти-саккиз йилдан ошиди. Эндиликда, ҳамма насияга олган қарzlаридан қутублиб, ҳатто, Қодирнинг қачонлардир дўкон очгани ҳам

одамларнинг хотирасидан унутила бошлаган эди... Шунга қарамасдан, ё тавба, Муптилланинг бўйнида яна юз сўм қарз қолган бўлиб чиқди.

Муптилла ёлғиз бошли хўжалигини кейинги вақтларда анча тиклаб олган эди. У икки хонали уй курди, овулга электр келган бўлса-да, дўкондан «Родина» деган батареяли радиоприёмник опкелди. Назар иккови уни меҳмонхонанинг тўрига ўрнатдилар. «Менга Нукусдан гапирадиган жойини кўрсатсанг бўлди, айтганча, туркманча куйларниям мириқиб эшитса бўлади, шунга тўғрилаб бер», дерди у Назарга.

Бугун Нукусдан эшиттирилаётган концертни тинглаб ўтириб, энди чойга уннайман деганда, тўсатдан уйга Қодир кириб келди. У хонага апил-тапил кўз юргутириб чиққач, Муптиллани янги уй билан табриклиган бўлди.

— Сени қара-ю, қутлуғ бўлсинни сал эртароқ келиб айтмайсанми, жўра, уйни тиклаганимгаям, икки йилдан ошди-ку, — деди Муптилла кулимсираб.

— Яхши ниятнинг эрта-кечи йўқ, — деди Қодир лампамой ёнбошлаб, дастурхонга яқинроқ сурилиб. — Анави ёстиқдан ташла!

Муптилла бир жуфт ёстиқ олиб, унинг ёнига қўйди. Уйига Назардан бошқа одам келса, шошиб қоладиган одати бор эди. Чой-пой учун-ку, электр чойнакни қўйиб юборса, олам — гулистон. Лекин уйга келган меҳмон билан нима ҳақда сўзлашади, чойдан кейин олдига нима қўяди? Бу сафар Қодир лампамой чойдан тез-тез хўпларкан, ўзи гап бошлади:

— Эй, Муптилла, мен эски қарзимни қистаб келдим.

— Ҳа, нега, қандай қарз? — ажабланди Муптилла.

— Бир эслаб кўр, овулда дўкон очганимда кампирми ё сенми, ҳозир аниқ айтмолмайман, юз сўмга духоба олган экансизлар. Яқинда, ҳисоб дафтаримни варақлаб ўтириб, ўша унутилиб кетган қарзга кўзим тушди. Шуни эсингта солай, деб кеп турганим...

Муптилла узоқ ўйлаб кўрди, лекин Қодирдан қачон қарзга духоба олганини сира ёдига туширолмади.

— Қодир, мен қанча ўйлаб кўрсам ҳам, духоба-шуҳоба деган нарса олганим эсимда йўқ. Хўп, майли, олган бўла қолай, бироқ, духобанинг менга нима кераги бор ўзи? Тағин ким билади, опам шўрлик, менга янги кўрпа-тўшак қилмоқчи бўлиб юрувди... Қайдам, уям олмагандир-ов?

— Олмаган бўлса, манави қофозга қандай тушган? Олган бўлиши керак. Бечора опанг, сени деб не азоблар чекмади? Яна бир марта яхшилаб ўйла, албатта олган бўлиши керак.

Муптилла кўзини юмиб, яна узоқ ўйга толди.

— Опам шўрлик, илоё жойи жаннатда бўлсин, агар ростдан олган бўлса, духобаси манави сандиқда туриши керак эди. Духоба кўрпага келсак, агар бировларнинг уйида кўзим тушмаса, сира манглайимизга битмаган нарса-ку?

— Шундаям ўйлаб кўр, Муптилла, яна ўйла. Ахир, қарзнинг бу дунёда бўлмаса, у дунёда сўрови бор.

Муптилла онасининг духоба олмаганига ишончи комил эди, лекин фарзандлик бурчини ўташ ҳисси унинг миясида шунчалар қаттиқ ўрнашиб қолган эдики, қарзи бўлса-бўлмаса, Қодирга бошқа гап қайтармасдан, «яхши, тўлайман», деди-кўйди. Ахир, у онасини ерга топшираётib, кўпчиликка ваъда берган эди-да.

— Менга, ҳозир пулнинг кераги йўқ, — деди Қодир лампамой, ҳар бир сўзини салмоқлаб, — уйдаги қўй-очкиларнинг қишки озифи яқин орада тугайдиганга ўхшайди. Шунга тахминан минг боғлар атрофида пи-чан ўриб берсанг, бечора онанг ҳам у дунёю бу дунё сендан рози бўлар эди. Мен ҳам сен билан биратўла орани очиқ қиласдим...

Муптилланинг сандиқда асраб қўйган пули юз сўмга етар-етмас эди. Шунинг учун, Қодирнинг пи-чан билан қарзингни уза қол, деган гапи унга маъқул тушди.

— Худо хоҳласа, минг бөғни ўн кун ичида ўриб ташларман, лекин бригадирдан рухсат сұраб берасан... яна аввалги раисга үхшаб, энди ўриб бўлдим, деганда совхознинг ҳисобига ўтказиб юбормасин, — деди Муптилла қўзлари жовдираб.

Қодир кетгандан кейин, у чалқанча ётиб, онаси нинг кўзи тириклигидаги олиш-беришларини бирмабир хаёлидан ўтказа бошлади. Кампир қачонлардир касал бўлгани, шунда ўзи Туркманистонга табиб излаб кетгани, дорига эллик сўм етмай, Турди деган чолдан олган қарзи ёдига тушди-ю, ичидан эзилиб, бир қисим бўлиб қолди. Ўшанда у, «оға, худо хоҳласа, қарзимни қовун пишифидан қолдирмай опкеб бера-ман», деган эди-ку? Воҳ, аттанг-ей! Шундан бери мана ўн беш марта қовун пишибди, демак, орадан ўн ғолтийил ўтиб кетибди-я? Нега энди кўрпасини сотсаям, лафзида туриб, вақтида чолга қарзини бермади?

Муптилла роса бош қотириб кўрди, лекин нима учун сўзининг устидан чиқолмаганига сира ақли етмади. Балки, қўли калталиқ қилгандир, балки табибдан олган дориси дардга шифо бўлмагандан кейин ундан хафа бўлиб, атай бермагандир? Лекин, баҳона-ям эви билан-да! У Турди оғадан ялина-ялина зўрга қарз олган эди. Хўш, шундай экан, унда нега лафзида турмади? Эркак кишининг иши эмас бу!

У хаёлидан ўтган фикрлардан мияси ғовлаб, нима қилишни билмай турганда, эшик фижирлаб очилиб, ичкарига Назар кириб келди.

— Муптилла оға, уйда экансиз-ку, сизни излайвериб, мактабда мен кирмаган тешик қолмади. Тезроқ юринг, директор чақираёт...

— Директор мени пишириб ермиди?

— Мактабга комиссия келадиганга үхшайди. Ҳовли-повлинни супуриб-сидиришга ёрдам берсин, деди.

— Яхши, супуриш бўлса қочмас, лекин мен ҳозир боролмайман Назар. Эсимга эски қарзларим тушиб, каллам ғовлаб турибди.

Назар ўз тенгдошларидан анча новча эди, бўйига қараб, унинг тўққизинчи синфда ўқиёттанига ҳеч ким шонмасди. Отаси дом-дараксиз кетганидан кейин, тоси киргунча оиласда эрка ўсади. Оқ-қоранинг фарқини ажратса бошлагач, отасига тортди, қизиққон, қайсар бўлиб қолди. У онаси тўғрисида овулда ҳар хил мишишлар тарқаганини ҳам, онаси отасига садоқатли аёл була олмаганини ҳам ичиди сезиб юрарди. Лекин, ҳар қалай, Осиёдан бошқа аёл унга оналик қилолмаслигини ҳам тушунар эди. Одамлар Осиё тўғрисида Назарнинг олдида гапирмасди, албатта. У бор ҳақиқатни фақат Муптилладан эшитарди. Муптилла эса, сал нарсага юрак-багри эзилаверадиган, дилидагини очик-ошкор айтаверадиган одам...

— Назар, мен комиссияниң олдига чиқолмайман, — деди Муптилла шифтга тикилиб. — Боя Қодир лампамой қарзини қистаб келди. Опам ундан духоба олган экан.

— Энам дўкондан қарзга духоба олган эканми? — сўради Назар ҳанг-манг бўлиб.

— Ҳа-да, Лампамой дўкон очган йили, балки бирон нарсага керак бўлган бўлса, олган чиқар...

— Э-э, унда қарзингизни Қодирга эмас, дўконга обориб топширишингиз керак-ку?

— Йўғ-е, қўйсанг-чи, нималар деяпсан ўзи? Ахир, опам молни Қодирдан олган-ку, мен ҳам уни ўз эгасига топширишим керак-да. Опам шўрлик ҳамиша айтган сўзининг устидан чиқадиган аёл эди.

— Муптилла оға, бу гапларни ҳозирча қўя турайлик, юринг, директор бақириб-чақириб юрмасин тағин...

— Ҳозир директор калламни кесиб ташласаям бормайман, эски қарзларим эсимга тушиб, ичимни ит тирнаётир. Ҳув, эсингдами, опам касал бўлганда дорига ақчам етмай, Турди деган туркмандан эллик сўм олганимни айтгандим. Ҳозирнинг ўзидаёқ эшагимга тўқим ураман-у, Кўнага¹ қараб жўнайман. Уйда сак-

¹ Кўна — Кўхна, аввалги Урганч шахри.

сон сүмча пулим бор, агар Турди оғадан олган қарзимни узмасам, уйқум келмайди.

Назар Муптилланинг табибга боргани, уч-түрт кунлаб бедарак кетгани, у дори опкелгунича онаси соғайиб қолгани ҳақида талай марта эшитган эди. Ҳатто, Муптилланинг табиб билан қандай сўзлашгани, чолдан қандай қилиб қарз олганигача унинг ўз оғзидан чиққан «ўтириқ»лар хотирасида ҳамон муҳрланиб турибди. Бироқ, қўй оғзидан чўп олмайдиган одамнинг шу топда бирдан тўнини тескари кийиб олганига ҳайрон бўлди... Мабодо бирор гап бўлса, директорнинг олдида ўзини ўзи ҳимоя қилолмаслигини билгани учун, унинг ахволига ачинди. Назар, алдаб-сулдаб бўлса-да, Муптиллани олиб кетишга уринди:

— Муптилла оға, сиз Турди деган одамдан қачон эллик сўм олган эдингиз?

— Менимча, — деди Муптилла бошини қашиб, — уруш тугагандан кейинги йили эди-ёв. Мана, роппоса ўн олти йил бўпти. Ҳозир Турди оғани кўрсамда, танишим қийин, балки у, тавба деб гапирайку-я, йўлимга қарай-қарай, нариги дунёга кетган чиқар. Агар ўзини тополмасам, яқинларини суриштириб кўрарман, ишқилиб, шу қарздан қутулмагунча, менга уйқу ҳаром бўладиганга ўхшаб турибди...

— Сиз фақат эллик сўм олганмисиз?

— Ҳа, эллик сўм...

— Менга қаранг, Муптилла оға, сиз қарз олгандан бери икки марта пул алмашди. Ўша эллик сўмингиз ҳозир эллик тийинга тўғри келади. Ҳуш, ўзингиз ўйланг, энди қайси юз билан... эллик тийин учун...

— Қарзнинг катта-кичиғи, кўп-ози бўлмайди, Назар! — хитоб қилди Муптилла қизишиб. — Кулогингга қуйиб ол: қарз пул билан эмас, одамгарчилик билан ўлчанади. Одамгарчиликни эса, соф олtingаям сотиб ололмайсан... Директорга бориб айт: «Муптилла одамгарчилик касалига йўлиқибди, шунинг дорисини излаб кетди», де, тушундингми? Ана, энди тошингни теравер...

Назар йўлда ўйланиб келаётиб, ҳар куни ўзи мактабга борадиган сўқмоқдан фирра ортига қайрилдила, уйига жўнади. Унинг назарида, директорга айтадиган на бир тайинли гапи, на гина-кудурати бор эди...

ОЛТИНЧИ БОБ

Осиё эри оғир жазо олиб кетгандан бери одамларнинг юзига қараёлмасди. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган одамининг кўзига чўп солгани, солгандаям, Тўрабойни туҳмат балосига учратиб, қаматиб юборган совхоз директори билан дон олишгани ҳаммага аён эди. Бир ҳисобда, муҳаббат ва садоқат тимсоли ҳисобланмиш аёл зотининг қалбини ҳам тушунмоқ ва унга қулоқ солмоқ керак. Ўттиз ёшида бева қолиб, бундан бу ёғига болаларимнинг баҳтини берсин, деб муштдай норасиданинг юзига тикилиб ўтиргани билан, кўнгил қурғур, онда-сонда эркак зотининг қучогини юйибона қўмсаб турди-да, зангар!

Боласи кичиклигида Товбоевнинг уларницида тез-тез «меҳмон» бўлиб туриши Осиёни деярли ташвишга солмасди. Эндиликда, Назар эр етиб, оқ-қорани таний бошлагандан бери боласидан ийманадиган бўлди. Эҳ-ҳа, кўчага ял-ял ёниб чиққанда қайси эркак унинг ортидан ютиниб қараб қолмайди, дейсиз? Овулда кимлар Осиёга хушомад қилмайди, ҳар куни ёнидан кимлар термилиб ўтмайди?..

Ҳозир Осиё ўғлининг юзига тик қараёлмайди. Нега деганда, Назар улфайгани сари Тўрабойга ўхшаб бормоқда...

Осиё Товбоевни хотирлай бошлади... У аёлни «кўндиришга» роса икки йил уринган эди. Охири, баданга йўлиққан ёмон дард каби, унинг руҳини батамом бўйсундириб тинчили. У Осиёга совхоз номидан курортга бепул йўлланма бериб, орадан ўн кун ўтмасдан ортидан ўзи ҳам етиб борди... Сўнг, бора-бора Товбоевнинг қучогини аёлнинг ўзи қўмсайдиган бўлди.

Осиё ўзи ҳақида ўйлай бошлади... Ҳозир у ҳаётнинг энг лаззатли ва баҳтли онларини тотадиган ўттиз тўрт ёшида. Лекин, қани ўша баҳт? Ўша лаззатли онлар қани? Кўз ўнгидаги беихтиёр Қодир лампамой жонланди... Тўймаъракаларда қиласидиган ҳазил-ҳузулини айтмагандаги ҳам, Қодирнинг маънодор кўз қарашлари унинг етти бўгинини бўшаштириб юборарди. Бундай пайтларда, Осиёнинг юраккинаси ўйнаб, баданлари жимир-жимир уча бошларди. Хайрият, бир яхши томони шундаки, Қодир унинг остонасига яқин йўламасди...

Бир куни уйда чироқ мойи тугаб, Осиё Қодирнинг олдига бидонларини кўтариб боришга мажбур бўлди. Назар мактабда эди. Қодир каталакдай жойда ўтириб, қофозга нималарни дир ёзаётган экан. Каттакон цистерна қошида тариллаб, қулоқни баданг қилаётган трактор бакига икки йигит челаклаб керосин қуймоқда.

— Опкелинг, янга, идишингизни, — деди йигитлардан бири Осиёга муғомбирона кўз қисиб, — ўзимизнинг ҳисобдан тўлғазиб берамиз!

— Аввал тракторингни эпласанг-чи, қара, ўзиям ўчиб қолай деб турибди, — деди Осиё ва Қодирнинг каталакдай будкаси томон бурилди.

Аёлнинг товушини эшитган Қодир туйнукчадан бoshини чиқариб, Осиё билан ҳазиллашаётган тракторчига қараб бақирди:

— Хей, болалар, тўкмай қуйинглар!..

Ичкарига кириб келган Осиё билан қуюқ саломлашиб, уй-ичи, бола-чақаларнинг ҳол-аҳволини сўради.

— Ҳозир, болалар тир-тирини опкетсин, сўнг идишингни тўлғазиб бераман, — деди Қодир Осиёга ўзи ўтирган курсини узатаркан. — Айтганча, Назарни юборсанг ҳам бўларди-ку, шунча йўлга овора бўлиб...

— Керакли нарсанинг овораси борми, қурдош, — деди Осиё Қодирнинг гапини бўлиб, — Назар ўқишда эди, бўлмаса, у менга идиш ушлатадими...

Қодир чуқур хўрсиниб, бошини куйи солган кўйи ўйга толди. Осиё тракторчиларнинг ҳаракатини шундаки,

чаки эрмак учун кузатаётгани билан, Қодирдан сўз сутаётган эди. Унинг оғзига толқон солғандай жим ўтирганини қўриб, ўзи гап бошлади:

— Ҳа, бирдан шалпайиб қолдинг, қурдош?
— Эй, сўрама, — дея уҳ тортди Қодир, — хотиним касал, болаларнинг ҳаммаси қиз бўлса, дардимни кимга ийтаман?

— Сора ётиб қолдими?
— Шўрлик зўрга судралиб юрган эди, энди мана, икки кундан бери кўрпа-тўшак қилиб олди.

— Райондаги дўхтирларга кўрсатсанг бўлмайдими? — сўради Осиё пешонасини тириштириб.

— Кўрсатдим, дўхтирларнинг қўлидан келадиган касал эмас экан бу. Сорани ташқарига чиқариб юбориб, ўзим билан алоҳида гаплашди. «Ога, янгамнинг умрини нари борса бир йилга узайтириш мумкин, ундан кўпга тиббиётнинг кучи етмайди, сал кечроқ онкепсиз. Ҳозир Нукусга қофоз ёзиб берамиз, бир-икки ой ётиб чиқади», — дейишиди дўхтирлар.

— Бўлмаса, Нукусга нега обормадинг?
— Райондаги дўхтирлар текшириб кўргунча, оралан бир ҳафта ўтиб кетиб, Сора баттар оғирлашиб қолди. «Тинкам қуриб бораётир, қизларимнинг қўлидан бир чой ичиб терласам, ўзи шифо берса, балки тузалиб кетарман, уйга қайтайлик», деб туриб олди. Кейин уйга қайтдик. Уйда сал-пал мадорга киргандек бўлувди, кечаги ҳафта оғирлашиб, тўшакка михланди-қолди.

— Нима касал дейишиди дўхтирлар?
— Қилтомоқ эмиш...
— Ҳм-м, — деди Осиё юракдан куюниб, — умри узоқ бўлса, балки соғайиб кетар...

— Қайдам, — деди Қодир, — ҳаммадан баттар, мана менга қийин. Сора икковимиз эндиниси ўғил бўлар, деб умид қила-қила, мана, етти қизли бўлдик. Энди, ёш ўтганда, ўрнингни босадиган одамнинг йўқлиги тоза билинар экан.

— Ўғилнинг ўрнини босадиган қизлар ҳам бўлади, қурдош, кўпам нолийверма, — деда Осиё насиҳат қилган бўлиб.

— Қиз бола ўз номи билан қиз-да. Ўтин ёролмаса, молга кучи етмаса, қиз боланинг қўлидан келадигани — кир ювиш билан овқат пишириш. Ҳатто, қаттиқ аччи-финг чиққан пайтларда авлод-аждодингни қолдирмасдан, роҳатланиб сўкиниш учун ҳам ўғил болани армон қиларкансан... Қизларнинг бўй етганиям ота-онага бир ташвиш экан, буни бошимизга тушгандан кейингина билаяпмиз.

Қодир бироз тин олиб, туйнукчадан ташқарига қаради-да, гуриллаб ёниб турган тракторини тозалаётган йигитларга бақирди:

— Ҳей, жуворнамак қотгурлар, тракторни ювиб-тозалайдиган бошқа жой қуриб қолдими? Қани, сий-палашибавермай, жўналаринг бу ердан!

— Ҳозир, оға, ҳозир, — дейишиди йигитлар тракторга апил-тапил чиқишар экан. Тариллаган овоз узоқлашгунча Қодир унсиз ўтириди. Орага чўккан жимликни Осиё бузди:

— Кўпам ўйланаверма, қурдош. Ҳали замон Сораҳон ҳам оёққа туриб кетар, худо хоҳласа, ўғиллик ҳам бўларсан...

— Шундайку-я, кўнглимни бир бўшатай, деб айтаяпман бу гапларни сенга. Қурдошим бўлганингдан кейин, дардимни сенга ёрмасам, кимга ёрай... Ўзинг ҳам, онда-сонда тўй-маъракада бўлмаса, сира кўринмайсан. Тўрабой борида уйга келаверардинг, энди эса қадамингни бутунлай уздинг-қўйдинг...

— Омонлик бўп турса, борармиз ҳали. Бўпти, мен кўп ўтириб қолдим, «элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор», дегандай, қайтай энди...

— Сенинг манави бидонларни кўтариб кетишинг қийин бўлар-ов, ҳозирча мой тўлдираверай-чи, йўлдан бирор ўтиб қолар...

Қодир идишларни қўлига олиб, ташқарига чиққанга, орқасидан келаётган Осиё унинг қалду қоматига шимдан назар ташлади: «Болдиrlари тўлишибди, елкашриям аввалгидан кентгайтандек, юришлари вазмин...» Илгарилари Қодир лампамойни Тўрабой ёқтиргмагани учун, Осиё ҳам уни ўлардек ёмон кўради. Тўю азаси бир бўлатуриб, овулдошларига ун-қанд, чой-пой ва бошқа майда-чуйдаларни нархидан икки баравар ошириб соттани учун, уни фақат Тўрабой эмас, балки иқин-атрофдаги одамларнинг деярли ҳаммаси қарғарди. Бу ўртада, биргина Муптилла дўкондан озин-овлоқ насияга мол бериб тургани сабабли Қодирни хурмат қиласарди. Лекин насияга майда-чуйда олиш эвазига, лўкондаги кўтар-туширга ўхшаган юмушлар ҳам доимо Муптилланинг зиммасида эди... Мана энди шу топда Осиё Қодирнинг ҳаракатларини зимдан кузатар экан, шуларни хаёлидан кечирди. Ўз ишига ўлардай пухта, кун бўйи даладан еганинг озми», деб ўзининг товукларига ҳам дон бермайдиган бу хасиснинг аҳволига нендирил ачинди. Бундан ташқари, унинг касал ётган хотинига, эндинина киндиги кесилган норасидасига ачинди, энг ёмони, қизлари турмушга чиқиб кетгач, уйда муридай ёлғиз қолиш эҳтимоли ҳам борлигини эслали...

Қодир идишларни тўлдириб, олдига опкелган пайтла ўзининг аҳволи ҳам бундан қолишмаслиги ёдига гуниди. Зил-замбидек бидонларни уйга кўтариб бориши осон эмас-да.

Лампамой унинг узатган уч сўмини олмади, қайтадан идишларини анча йўлгача кўтаришиб борди-да, тўхтаб, атрофга аланглаб қаради.

— Яхши, раҳмат. Сораҳондан ўзим хабар оларман, — леди Осиё бидонларга энгашиб.

— Тўхтаб тур, хув анови дарахтларнинг орасидан бир эшаклининг боши кўринаётир, балки идишларни олдига олиб, сенга ёрдами тегар...

Осиё узоқдан кўтарилаётган чанг тарафга қўлини пешонасига соябон қилиб тикилди. Эшагини йўргала-

тиб келаётган одамнинг соқоли селкиллашиданоқ, унинг Муптилла эканини таниди.

— Ана, қўшнинг экан, ишинг ўнгидан келди, яқинлашаверсинг-чи, ҳозир ўзим айтаман, — деди Қодир лампамой.

Муптилла эшакнинг устида аллақандай қўшиқни минфирилаб хиргойи қилиб келаётган эди, уларга кўзи тушиши билан ранги ўзгарди. У, Қодирнинг мендан қарздор бўлгани учун саломлашмай ўтаётир, деган хаёлга боришидан истиҳола қилиб, эшагининг бошини улар томонга бурди. Ростини айтганда, у қанча авом бўлмасин, Қодир лампамойният, Тўрабой хат-хабарсиз кетгандан сўнг хурмача қилиқлар чиқарган Осиёниям хуш кўрмасди.

— Э-ҳа, Муптилла, йўл бўлсин? — сўради Қодир.

— Ассалому алайқу-ум! — деди Муптилла эшагининг нўхтасидан тортиб. — Ай, несини сўрайсан, овулни Хўжам отанинг садақасига айтиб юрибман. Байбай, кун ҳам жуда исиб кетдими дейман. — У қалпоғини олиб, тақир бошини сийпалади-да, айб иш қилган боладек, ерга тикилди.

— Қодир, кеча айтган минг бог пичанни қаердан ўришимни гаплашдингми? Шу, яқин орада, беш-олти кун қўлим бўшайдиганга ўхшайди, — деди Муптилла.

— Сенинг қўлинг энди ҳар куни бўш эмасми? Мактабга қоровулликдан ҳайданиби-ку? — деди Қодир ҳазиллашиб.

— Ҳайдашгани йўқ, ўзимнинг ишлагим келмади. Энди совхознинг молини боқаман, — деди Муптилла. — Сигирларимният қўшиб боқ, деб ҳали ялиниб олдимга келасан.

Муптилла эшакнинг устида қўлларини белига тираб, катта амалдордек ғўддайди.

— Қўйсанг-чи, ҳазиллашиб айтдим-да, — деди Қодир лампамой. — Осиё чироқ мойига келган экан, идишлари оғир, шуни уйининг рўпарасига ташлаб кет, барака топкур.

— Хих! — деди Муптилла, боядан бери сўзга аралашмай турган Осиёга нафрат билан қараб. — Мен, Қодир дўстим, бошқа тарафга кетаяпман!

У эшагига устма-уст хала босиб, қичаб ҳайдаб кетди.

— Ҳу-үй, тўхта, тўхта дейман сенга! — деб бақирди Қодир унинг орқасидан.— Уялмайсанми?

— Уялсанг, ўзинг нега қараб турибсан, елкангга сол-да, ўзинг обориб бер, — деди Муптилла ортига қарамасдан.

— Кўй, баттар бўлсин, эшаги билан қўшилиб... — деди Осиё хўрлиги келиб, — ўзим кўтариб кетавераман.

— Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой қилар, стим бола асрасанг — оғзи-бурнинг қон қилар, дегандай, манави касофатнинг қилигини-ей!..

Қодир ёмон сўкинди. Осиё идишларини қўлига олиб, йўлга тушди. Беш-олти қадам юрмасданоқ, эшагини йўрттириб шу тарафга келаётган Муптиллага кўзи тушди-ю, иккиланиб қолди. «Бу телба, яна бир балони бошламаса гўрга эди».

Муптилла унга яқинлашаркан, эшакдан тушмасдан бидонларни ердан юлқаб олди-да, яна изига бурилиб, эшагини йўргалатиб кетди. Улардан анча узоқлашгач, ортига ўгирилиб:

— Мен Тўрабойнинг ҳурмати учун, Назар учун хизмат қиласман! — дея қичқирди. Унинг бу сўзларини Қодир ҳам, Осиё ҳам аниқ эшитди...

ЕТТИНЧИ БОБ

Қодир лампамой Муптилланинг уйига яна келди. Эшик ланг очиқ турса-да, ичкарида ҳеч ким йўқ, радиодан «Баригал» ашуласи янграмоқда. Демак, уй оғаси шу яқин атрофда, чақирса эшитадиган жойда бўлса керак. Қодир ташқарига чиқиб, ҳовлини чир айланниб чиқди. Уйнинг соясига тўшалган кигиз устида Муптилла чалқанча тушган кўйи ухлаб ётган экан.

— Муптилла, ҳой Муптилла! — деди Қодир бир-икки томоқ қириб.

— Ий-ие, ассалому алайкум, — деб ўрнидан учиб турди Муптилла. — Ҳа, қандай шамол учирди?

— Тушлик вақти бўп қолди, бирга чой ичсакми, деб келганим, — деди Қодир кўрпачанинг бир четига секин ўтиаркан.

— Ҳозир, токчойнакни қўяй, бўлмаса...

Муптилла шошилиб уйга кириб кетди-да, ҳадемай қайтиб чиқди.

— Ҳей, Қодир, уй-ичларинг, бола-чақаларинг омонми? Соранинг, айтмоқчи, келиннинг аҳволи яхшими?

— Шукр, ҳозирча ёмон эмас.

— Мен сенинг пичан қарзингдан қутуолмадим-қутуолмадим-да. Ўзим ҳам, сўнгти пайтларда жуда уялиб юрипман. Кўнага бориб келдим. Ундан ташқари, тўю маърака деганларидан ҳеч бошим чиқмай қолди. Чақирган жойга бормасанг, эл-юртданам уят.

— Кўнада нима қип юрибсан, меҳмонга бордингми? — деб сўради Қодир гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек.

— Э, шу десанг, туркман ошналаримни бир кўриб келай, бунинг устига, эски қарзларим ҳам бор эди, эсимга келганда шу зормандадан қутулиб қўя қолай, деб борувдим.

Қодирнинг юзига ҳазил аралаш мулойим бир ифода қалқиди:

— Қарзингни ўн беш йилдан кейин тўлаш эсингга кепти-да. Шунча ерга эллик тийин учун бордингми, а?

— Ҳа, обориб беришга бердимку-я, бироқ, мен қарз олган Турди оға аллақачон дунёдан ўтган экан. Болаларини топдим, улар менга ишонқирамай қараб: «Отамизнинг ҳеч кимдан олиш-бериши йўқ эди», деб роса оёқ тираб туриб олишди. «Агар меҳмон бўлсанг, қарз-парзингни оғзингга олмай, уйга кир, отамдан эллик тийин олганман деб, бизни масхара қилма»,

деди катта ўғли. Шуйтиб, мол сўйиб, икки кун меҳмон қилишди. Қайтар чоғимда, эллик тийинни уларга билдиримай кўрпачанинг тагига қистириб чиқдим.

— Ҳалиги табибниям кўрдингми?

— Табиб ҳам оламдан ўтибди, имонини берсин, бечора ақча деса ўзини томдан ташларди.

— Уни сўраётганимнинг сабаби, — деди Қодир мўйловини бураб, — бизнинг аёлга дўхтирининг кучи етмайдиганга ўхшайди, шўрлик кундан-кунга оғирлашиб боряпти.

— Илгарироқ айтмайсанми, яқингинада, ўзимизнинг Қорабойлида аллақандай бола табиб бўлган экан, дейишади. Ўзиниям, жуда нафаси зўр дейишади, етти онангдан ўтиб келаётган касаллик бўлсаям, бирпасда тузатармиш. Шунга обориб кўрсатсанг, қалай бўларкан?

— Қаерда уйи?

— Қорабойлининг худди ўзида, дейишади.

— Ҳм-м, нима қилсак-да, касалнинг кўнгли учун уни опкелмасак бўлмас.

Иккаласи дастурхонга ёпирилаётган пашшаларни кўрий-кўрий, мириқиб чой ичишди. Куннинг айни тандирдек қизиган чоғида кўк чой кучини кўрсатди. Икковиям чиппа терга тушди. Муптилланинг чит кўйлаги жиққа ҳўл бўлди.

— Муптилла, сендан бир илтимосим бор эди, — деди Қодир лампамой гап орасида.

— Нимайди, яна ўша пичанинг керак эмас. Хотин ётиб қолгандан кейин, мол-ҳолниям сотиб юборсамми, деб турибман.

— Сотиб нима қиласан? Яқинда мен совхознинг молини боқишига ўтаман, шунга қўшиб қўяверсанг-чи.

— Йўғ-е, молнинг ўзи бўлмайди, унга қарашиб, ем бериш, тагини супуриб-сидириб туриш керак. Буни яқинда, бошимга иш тушгандан кейин билдим. Сендан илтимосим шуки, Қорабойлиданми, очиқ лаҳад-

данми, ишқилиб, битта табиб опкелсанг. Касалнинг ҳам, ҳеч қурса, яккаю ягона илтимосини бажарай, ахир, шунча йил бир ёстиққа бош қўйдик... Сен мендан сариқ чақаям қарзим йўқ, деб ҳисоблайвер, қайтага, манави юз сўмни ол-да, ернинг тагидан бўлсаям битта табиб топиб ке.

— Пулинг керак эмас, аввал билай, бориб айтиб кўрай... — деди Муптилла.

* * *

Муптилла табибни олиб келганда, Соранинг ёнида катта қизи Гулжон билан касалдан кўнгил сўраб келган Осиё бор эди. Осиё беморнинг бошини кўтариб, пиёлада илиқ сув хўплатди, лекин сувдан бир қултум ичган заҳоти, Сора қайд қилиб юборди...

— Бошимга шундай кунлар тушиб қолди, дугона-жон-ов! — дея Сора Осиёга қараб йиғламсиради.

— Шукр қил, шукр, худо хоҳласа, ҳали отдай бўп кетасан, — унинг кўнглини кўтарган бўлди Осиё. У касалнинг аҳволи огирилигини билса-да, сир бермасликка уринди. Онасининг ноласию кўз ёшларидан Гулжон бир четда унсиз йиғламоқда эди.

— Кўй, кап-катта қиз, уялмайсанми, опанг ҳализамон согайиб кетади, — деб юпатди уни Осиё.

— Илоё баҳтгинаси очилгур қизларимнинг кўз ёшларидан бўлак, ёлгиз жонимга шифо йўқ. Шуларни йиғламасин деб, ҳамма бало-қазоларга дош бериб келяпман. Бу очиқ лаҳадга киргурлар бўлса, мендан яшириниб, ташқарида йиғлаб келишади...

Сора Осиёнинг олдида қизларини ер муштлаб қарфади. У яна зорланиб, тўнғиллайвериши мумкин эди, лекин ташқаридан Муптилланинг овози эшитилгач, жим бўлди-қолди.

— Ким бор-р? Ҳо-о-о, ким?..

— Гулжон, чиқиб қара-чи, — деди Сора қизига, — шу телбанинг ҳам эсига тушар эканман-ку.

Гулжон ташқарига чиқиб, ҳаял ўтмай уйга қайтиб кирди.

— Муптилла оға табиб опкебди, — деди у онасининг ёнига кўрпача тўшаётиб.

Бу орада, Муптилла, унинг ортидан бошида ранги ўчган қалпоқ, эгнида узун ола чопон, оёғига маҳси кийган озгин йигит ичкарига кирди. Улар аввал қасал билан, сўнг Осиё билан қўл олишиб саломлашгач, боя Гулжон тўшаган кўрпачага чўкишди.

— Эсонлик, омонлик, илоё ҳеч кимни Яратганинг ўзи иззату обрусидан бенасиб қилмасин... — фотиҳа ўқиди табиб. Муптилла ҳам ихлос билан бошини қуи солиб, лабларини пичирлатиб, унга қўшилди. Бирбиридан ҳол-аҳвол сўрашгунларича ўртага дастурхон ёзилиб, Муптилла билан табибининг ёнбошига ёстиқ қўйилди.

— Қизим, каттароқ косада сув опке, — деди Муптилла, ўзини қўярга жой тополмай юрган Гулжонга ўгирилиб.

— Олдин чой-пой ичиб олинг, — деди Сора гўё табиб дарҳол муолажага киришадигандек.

— Чойниям ичамиз, томоқ қақраб кетди, — деди Муптилла табибга қараб. — Худо хоҳласа, Ниятбойжоннинг арвоҳи билан шифо топасан. Ҳозирча, Ниятбойжон тушлик насибасини ичиб олсин, ўзим шундай қотириб эзис берайки... Айтганча, Сора, уйда кўкнори борми?

— Кўкнорими? Кўкнори бўлса топилади, — деди Сора товушининг борича қизини чақириб: — Гулжон, ҳо-о-о Гулжон!

— Нима, опа?

— Анави бўғчани қараб юбор, шундоқ қўлингни суқсанг, битта тугунчак бор, шуни опке.

— Хўп, ҳозир, — деди Гулжон ташқаридан. У тугунчакни тополмади шекилли, ўша ёқдан туриб:

— Тугунчак йўқ экан-ку, опа? — деб овоз қилди.

— Вой, худойим-еӣ, мени бунчалар зор қақшатмасанг? Агар ўзим бўлмасам, бу яшшамагурлар қаерда нима

турганинният билолмайди. Гулжон! Гулжонув-в! — деб томоғи йиртилгудек қичқирди Сора.

— Нима-а? — асабий жавоб қилди Гулжон ташқаридан.

— Ҳа, худой олсин сени, худойгина олсин! — қичқирди Сора баттар аччиқланиб, — бўғчада бўлмаса, сандиқни нега қарамайсан?

— Қўй, Сорахон, ҳадеб қўйинаверма, қанча бақирганинг билан, у ҳали бола-да, — деди Осиё.

— Болами булар? Бола эмас, менинг бошимга етадиган бало-ку, — дея сал шаштидан тушди Сора. Орадан кўп ўтмай, Гулжон ичкарига кирди-да, опасининг оёқ учига битта тугунчакни тарс этказиб қўйиб, тўмтайганча, уйдан чиқиб кетди.

Осиё тугунчакни олиб, Муптиллага узатди.

— Касали анча ўтинқираб қопти, — деди табиб, пиёладаги чойни чойнакка шопириб қайтарап экан. У яна бирор гап айтар, деган умид билан ҳамма табибининг оғзига тикилди, бироқ у бошқа лом-мим демади.

Муптилла пиёлада қўкнори эзишга киришди, табиб эса чойдан ҳар замонда бир хўплаб қўйиб, худди ёқимли куй тинглаётгандек кўзларини юмиб, пинакка кетди...

Эшикдан қўрқа-писа мўралаган Назарни қўрди-ю, Муптилла ёқимли кулимсиради.

— Назаржон, кел, ичкари кир, оғайни! — деди у ўтирган жойида бир-икки қимиirlаб олиб. Назар секин ичкарига кириб, Сора билан Муптиллага қўл бериб саломлашди.

— Опа, — деди Назар Осиёнинг қулоғига аста шивирлаб, — уйнинг калитини тополмадим.

— Вой-вуй, эсим қурсин, ойнанинг олдига қўйиши ни унутибман, ҳамишаги жойини биласан-ку? Қозонда озгина овқат ҳам бор, иситиб ея қол, айланай!

— Ўғил бола қозон-товоқни эплай оладими, ўзингам тоза... чой-пойни шу ерда ича қолса нима қипти? — деди Сора инқиллаб зўрға нафас оларкан.

— Бу ёққа ўтири, Назар, чой икковимизгаям етади, — деди Муптилла ёнидан болага жой кўрсатди.

Табиб ётган жойида ғалати томоқ қириб қўйди. Бу, дастурхон бошида ортиқча одам бўлмасин, деган ишора эканини Осиё сезди-да:

— Назар, Гулжон икковинг ташқарида, супада чой ича қолинглар, — деди алланечук ўнғайсизланиб.

— Ҳа, борақол, чирофим, — деди Сора Осиёнинг гапини маъқуллаб.

— Касалнинг олдига болаларни кўпам яқинлаштира бермаслик лозим, — эътиroz билдириб табиб, чойдан бир ҳўпларкан. — Муптилла оға, ўзиям роса эздингизми дейман? — У чўнтағидан кўкнори сузадиган махсус дока рўмолчасини олиб, Муптиллага узатди.

— Мана, ҳозир, Ниятбойжон, — деди Муптилла қўлларини пиёлага силкиб, сўнг сочиқقا артди-да, дока рўмолчада кўкнорини косадан пиёлага сузиб ўтказиб, табибга тутди.

— Бисмилло, — деди табиб пиёлани қўлига олаётуб. Сўнг эзилган кўкноридан тагида бир қултум қолгунча симириди-да, лабларини ялаб:

— Қани, Бибипотманинг ўзи шифо берсин, — деб, қолганини Сорага қўшқўллаб узатди.

Касал аёл бошини кўтаришга ҳаракат қилган эди, лекин кўтаролмади. Шунда Осиё тезда ўрнидан туриб, унинг бошини сужди ва табиб узатган бир қултум зардобни зўрлаб ичирди.

— Агар, худонинг ўзи шифо берса, ҳеч гап бўлмайди, — деди табиб Муптилланинг ёстигини ўзининг ёстиғига қўшиб ёнбошларкан. — Мен ҳам ўн икки ёшимда худди шунга ўхшаш, овқат ўтмайдиган касалга чалинган эдим. Ўйдагилар олиб бормаган табиб, шу атрофда кўрсатмаган дўхтири қолмади. Охири, табиб — табиб эмас, оғриган табиб дегандай, бир куни ҳазрати Хизр бобомиз тушимда аён бўлиб, елкамга бир шапалоқ урди-да: «Болам, тонг отмай туриб, туюнинг сутига жийданинг унидан аралаштириб ич. Етти куну

етти тун қийналарсан, бироқ охири бахайр бўлса, туриб кетарсан», деди... Уйғониб қарасам, тушим экан. Дарров отамни уйғотиб, кўрган тушимнинг таъбири ни сўрадим. Отам бечора, сўзларимни эшитиши биланоқ кийинди-да, қўшни қозоқ овулга тuya сути излаб кетди...

— Ё астағфируллоҳ, — деб танглайнини тақиллатди Муптилла. — Кейин-чи?

— Кейин раҳматлик отам тонг отмай тuya сути то-пиб келди. «Дардига шифо келтирса, керагича опкетавер, — дебди қозоқ оғайниси, — агар, Ниятбой-жонга бўлса, ҳатто манави бияни етаклаб кет, хоҳла-ган вақтингда сутини ўзинг соғиб оларсан!» «Йўқ, жўра, менга фақат зарур пайтда сут топиб берсанг, шунинг ўзи етарли», — дебди отам қувониб, «Мабодо яна керак бўлса, мендан рухсат сўраб ўтирма, кел-да, идишингга соғиб кета бер...» Шу десаларинг, тuya сутига жийданинг унидан аралаштиридим-да, кўзимни шартта юмиб ичиб юборгач, ўзимни тўшакка отдим. Қандай қилиб уйқу элитганини эслолмайман, ҳазрат Хизр бобо яна тушимга кирди: «Болам, худонинг хоҳиши билан энди арвоҳ бўлдинг, етти кундан кейин оёққа туриб кетасан, менинг сенга панду насиҳатим: тўқай кез, далаю чўл кез, ўн етти йил дашту биёбонларни орала. Ана шундан сўнг ўзингга ўхшаган хасталарга шифо беражаксан. Сени пиrlар ҳамиша қўллаб-қувватлайди. Яна бир охирги насиҳатим: «Номаҳрамга кўзи тушган эркагу аёл бўлсин, яқинига йўлама, арвоҳим ҳуркади», деди.

— Ёпирай, астағфируллоҳ, — деди Муптилла оғзи очилиб.

— Ҳазрат Хизр яна шундай деди: «Болам, бир умр уйланма, нега деганда, сенинг арвоҳинг аёл зотидан, у хотинингдан қизғаниб, сендан безиб кетади».

— Ё тавба! — деди Муптилла ёқасига туфлаб. — Менга уйланма деб ҳеч ким айтмаган эди.

Осиё бошини қўйи солиб, ичиди кулди, сўнг қовоғи остидан Сорага қараган эди, аллақачон кўзи илинибди.

— Сорахон ухлаб қолди, неча кундан бери мизғимаган эди, — деди у табибга қараб.

— Ухлайверсин, худо хоҳласа, ҳали кўп ухлайди, — деди табиб рўмолчаси билан юзини елпиб.

Муптилла Осиёни ичида ёмон кўриб ўтиrsa ҳам, сир бой бермасдан табибга:

— Насиб этса, фол очдириб ҳам кўрармиз, — деди.

— Муптилла оға, — деди табиб унинг гапини хушламай, — анави косадагини икки пиёлага teng бўлиб куйинг, бирини менга узатинг, иккинчисини мана янгамми, қурдошингизми — бўлиб ичинглар!

— Мен кўкнори деган нарсани оғзимга олган банда эмасман, Осиёнинг ўзи ича қолсин, — деди Муптилла косадагини пиёлаларга қуяркан.

— Йўқ, ўзларинг ичаверинглар, — ноз қилди Осиё.

— Янга, — деди табиб, — бу дунёда соғ одам йўқ, ҳамма касал. Мисол учун, мана, отдай чопқиллаб юрган Муптилла оғанинг рангига бир қарашдаёқ, белида қотув борини сезган эдим. Сизни биринчи марта кўраётган бўлсам ҳам, маъзур тутасиз, жигарингизда аллақандай касал борлигини пайқаб турипман.

— Ё тавба! — ёқасини ушлади Муптилла, — ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз! — У табибга пиёласини узатиб, иккинчисини Осиёга манзират ҳам қилмасдан ўзи сипқорди-да, кўк чойдан бир ҳўплаб олиб:

— Ҳадеб дўхтир-дўхтир деяверамиз, бундоқ ўйлаб қарасак, ҳеч ким табибнинг ўрнини босолмас экан, — деди. — Мана, Қодир Сорани районга обориб, у дўхтиран бу дўхтирга маҳтал қиласериб, оқибати нима бўлди? Қайтага, бечора бешбаттар оғирлашиб қолди. Ниятбойжоннинг арвоҳими ёки «суф» деган манави сувими таъсир қилиб, бир ойдан бери кўз юммаган банданинг тарракдай қотиб ухлашига қаранглар! — у табибга қараб хокисоргина илжайди.

— Эй, йўғ-ей, — деди у яна сўзлашга оғиз жуфтланган табибни гапдан тўхтатиб,— Ниятбойжон, қани ростини айт, сенинг арвоҳинг белимни оғрифини қандай билди, а?

Табиб кўкноридан бир ҳўплаб олиб, ёстиқقا үрнашиброқ ёнбошлиди-да, кўзларини юмган кўйи Муптилладан саволни такрорлашни сўради.

— Ниятбойжон, менинг белим оғриётганини қандай билдинг? — яна сўради Муптилла.

— Аҳ! — дея ёлгондан чўчиб тушди Ниятбой. Сўнг пиёладаги кўкнори юқини ошиқмай чайиб ичди-да, эринчоқлик билан жавоб қайтарди:

— Муптилла оға, сиз ўз бурнингизни ўзингиз кўра оласизми? Қани, айтинг-чи, кўра оласизми? Менинг фикри ожизимча, кўролмайсиз! Ҳа, мутлақо кўролмайсиз, мен бўлсан, сизнинг бурнингизни худди кафтдагидек аниқ кўриб турибман. Демак, фақат бурнингизга назар солсан бас, қаерингиз оғриётганини била-ман-қўяман.

Муптилла яна ёқа ушлади. Табиб унга кўзларини сузиб:

— Ёшулли, агар нияти холис, покиза одамнинг кўзи тегса, ёмон тегади, арвоҳим аччиқланмаслиги учун ёқамга туфлаб юборинг, — деди. Муптилла Ниятбойнинг терчилаган қўйлагининг ёқасини очиб, уч марта туфлаганда Қодир лампамой эшикдан кириб келди.

— Ассалому алайку-ум! — деди у овозини чўзиб. Сўнг табиб билан қўшқўллашиб саломлашди-да, Муптиллага бош иргаб қўя қолди.

— Ий-е, Сорахон ухлабди-ку? — деди Қодир хотинига кўз қирини ташлаб. — Қизлар нариги уйга жой қилса бўлармиди, тор ҳужрага ҳамма тиқилишгунча. Осиё, Гулжонга айт, меҳмонхонага кўрпача тұшасин. Айтганча, овқат нима бўляпти?

— Шўрва қиляпман, ота, — деди Гулжон эшикдан ичкарига аста мўралаб.

— Э, шўрвага бало борми, қани, Муптилла, Назар икковинг дарров куркани сўйинглар, жўхори куртик¹ тайёрласин.

Муптилла ўрнидан иргиб турди-да, йўл-йўлакай пенюнабогининг устидан белбоини ўраб, ташқарига чиқиб кетди. Осиё ҳам жойидан қўзгалди...

— Ёшулли, — деди табиб меҳмонхонага ўтганларидан кейин, — мен эмласам, фақат хивич билан эмлайман. Лекин хивич деганиям осонликча топилавермайди. Сарсабил деган шифобахш хивични Устюртни икки ой кезиб, яқинда зўрға топиб келганман.

Ниятбой тушига ҳазрат Хизрнинг киргани ва елкасига шапатилаб қандай урганигача оқизмай-томизмай қайта сўзлаб берди. Қодир лампамой унинг сўзларига қулоқ солар экан, аниқ ҳисоб-китобга ўрганганлиги туфайли, кўнглида табибнинг сеҳрли хивичига шубҳа уйғонди. Бунинг устига, унинг ҳалигача бола-чақасиз, ёлғиз бошини кўтариб юргани ёқмади, шекилли, «бу ҳам Қорабойлининг Муптилласи чиқар», деган ўйга борди. Шундай бўлса-да, ёстиқдошининг «табибга бир қаратсам», деган ўтинчи ёдига тушиб, унинг телбатескари гапларини эшитишга мажбур эди.

— Ҳали чинакам муолажага ўтганимча йўқ, — давом этди табиб, — фақат бир қултум кўкнори ичирган эдим, ўша заҳоти ухлаб қолди. Энди насиб этса, қолган эми-темини уйғонгандан кейин қиласиз.

Муптилла билан Назар куркани саранжомлаб, Осиё қозонга ўт ёқаман дегунча, кун пешиндан оғди. Гулжон мактабга кетгандан кейин, қозонга қарашиб биратула Осиёнинг зиммасига тушди. Назар ҳам кутубхонага боришини баҳона қилиб, уйга жўнади. Бу пайт меҳмонхонада Қодир билан Муптилла ҳангомани қиздириб, табибни роса кулдирмоқда эди.

¹ Жўхори куртик — (хамирдан тайёрланадиган овқатнинг бир тури).

Сора овул ётар пайтда уйқудан қўққис уйғонди. Кичкинтой қизлари онасининг ён-верига тиқилишиб, аллақачон ухлаб қолишган эди. Онасининг уйғонганини чироқнинг хира ёруғида китоб ўқиётган Гулжон сезди-да:

— Опа, қалай, бошингиз тузалдими? — деб сўради.

— Шукр, энди анча тузукман, қарофим, — деди Сора инқиллаб. — Ҳалиги, илоё бола-чақасининг роҳатини кўрсинг, табиб кетиб қолдими?

— Йўқ, опа, нариги уйда отамлар билан гурунглashingиб ўтирибди.

— Нима овқат қилдинг уларга?

— Мен мактабга кетсан, Осиё опа жўхори куртик пишириб берибди.

— «Киёмат қўпса, кунингга қўшнинг ярайди», деган экан бурунгилар, илоё барака топсин, — деди Сора. — Чирофим, муздек сув ичгим келаяпти...

— Ҳозир опкеламан, опа.

Гулжон даҳлиздан оёқ учида юриб бориб, меҳмонхонанинг эшигини қия очди-да, «опам уйғонди, муздек сув сўраётир» деган эди, табиб чўчиб тушди:

— Тўхта, тўхта, сув бера кўрма, — деди у ўрнидан иргиб туриб. — Ҳозир, ҳозир, томирини ушлаб кўрайлик-чи.

Учаласи бир-бирининг ортидан соядай эргашиб, касалнинг олдига қаторлашиб киришди.

— Қалай, тузукмисиз? — сўради табиб Соранинг нурсиз кўзларига тикиларкан.

— Шукр, боя берган дорингнинг кучи билан қандай уйкуга кетганимни билмайман, барака топ, илойим.

Қодир лампамой аёлининг бирдан қартайиб, чўкиб қолганини ич-иҷидан сезди. Бироқ Соранинг рангрўйи сўлгин бўлса-да, ҳали келинчаклик пайтларидаги гўзаллиги сўнмаган эди... Қодир хотинининг юзига ҳайрат билан тикилар экан: «Дунёга келиб, бу бечора қозон-товоқ билан ўчоқ орасида зир югуришдан бошқа ниманиям кўрди? Қизларининг бўй етиб, бола

суйганини кўролмайди бу аҳволда», дея хаёлидан ўтказди.

Қодир ўз хаёлларига ўзи фарқ бўлиб турган пайтда, табиб Соранинг билагини ушлаб, томир уришига қулоқ солди. Касалнинг икки кўзи табибда эди. Унинг назарида, гўё шу лаҳзаларда ҳаётга қайтиш умиди томирининг ҳолсиз уришига диққат билан қулоқ солаётган мана шу одамга боғлиқдек эди. Сора табибга унсиз тикилар экан, униш қалбida яшашга бўлган чанқоқлик ҳисси баттар аланга олди.

- Қачондан бери ётибсиз?
- Бир ярим ой бўп қолди-ёв...
- Овқат ўтмаяптими?

— Авваллари оз-моз шўрва, атала ўтар эди, энди юса, гоҳида сув ҳам ўтмай қолади. Худди шу еримга илланима қадалгандек... — Сора томофини ушлаб кўрсатди.

— Ҳм-м, сиздаги касаллик — эркак экан, худо хоҳласа, эмласа бўлади. Аёл тухумидан тарқаган касалдан яратганинг ўзи асрасин. Унга арвоҳимнинг кучи етмайди. Қани, бошингизни қисиб кўрай-чи...

Табиб Соранинг терга ботган манглайига кафтини босиб, кўзларини юмди, бироздан кейин Қодир лампамойга қараб:

- Чакка томирларининг уриши яхши, — деди.
- Илойим, илойим оғзингга мой, — орага гап қўшли Мунтилла қувониб. Қодир чурқ этмади.

— Ҳозир унга новвотли сув ичиринг, — деди табиб Гулжонга қараб, — яна озроқ ухласин, насиб бўлса, японда муолажа буюраман.

Эркаклар меҳмонхонага чиқиб кетишиди. Гулжон опкелган новвотли сувдан Сора ихлос билан ютоқиб уч қултум ичди. Қизи одатдагидек тогорани тутган эди, онаси «керак эмас» дегандай, қўл силтади. Орадан кўп ўтмай, Сора яна ухлаб қолди.

Осиё кун ботмасдан сал илгарироқ овқатни қозонга бостириб, уйига кетган эди. Мунтилланинг тун ярим-

ласаям ўрнидан қўзғалмаганига Қодирнинг аччиғи келди. Охири, унинг ҳали-бери кетиш нияти йўқлигини билгач, табиб икковига меҳмонхонага тўшак солдириб, ўзи ташқаридаги супада пашшахона қуриб ётди...

— Ёшулли, янгам қилтомоқ экан, — деди табиб аzonда касални кўриб бўлиб, ҳамма чойга ўтирганда. — Қилтомоқнинг икки хили бор: эркак ва ургочи хили. Эркак тури агар вақтида даволанса, яхши бўп кетади, лекин ургочи қилтомоқдан тирик қолган бандани кўрмадим... Янгам, чамаси, бир-икки йилдан бери гўшт емаган, есаям ошқозони ҳазм қилмай, қусиб ташлайверган. Гўштни хушламай ея бошладими, эркак қилтомоқ пайдо бўлди деяверинг. Бундан ташқари, янгамнинг касалини ўтказиброқ юборибсиз. Ҳозир ундаги эркак қилтомоқ ургочисига айланиш арафасида экан.

— Ёпирай, — деб Муптилла чап қули билан ёқасини ушлади. Ўнг қули каттакон пиёлада кўкнори эзиш билан банд эди. — Аёл кишидаям қилтомоқнинг эркаги бўлар экан-да?

— Эркак хачир, ургочи хачир деган гаплар борку, худди шундай, дарднинг ҳам жинси икки хил бўлади, — деб тушунтириди табиб. Қодир лампамой, орага гап қўшмай, унсиз ўтирас ва ҳаммага бир-бир назар соларди.

— У ҳолда, Ниятбойжон, Сораҳондаги эркак қилтомоқ қандай қилиб ургочига айланиб қолади? — деб сўради Муптилла талмовсираб.

— У бундай бўлади, — деди табиб ҳар бир сўзини салмоқлаб. — Мана, оддий турмушни олиб қарайлик, ҳар қандай эркак дунёда ўзига мос аёлни танлайди, уйланади, сўнг бола-чақа дегандек... Хасталикдаям, аввало дарднинг эркаги пайдо бўлади, кейин уям худди одамдек, яқин атрофдан ўзига мос жуфтини қидиради. Агар, бахти кулиб топила қолса, дарҳол уйланадиям, бола-чақали бўладиям... демак, у аста-секин ургочи касалликнинг ноғорасига ўйнаб, ҳолсизланиб қолади.

Халқымизда, «касаллик касалликни чақиради» деган қымат бор эмасми, ахир?

— Ё тавбангдан кетай? — деб яна ёқа ушлади Мұптилла.

— Бұлмаса, Ниятбойжон, — деди Қодир лампамой табибнинг сұzlаридан боши қотиб, — янгангга қндай дори буюрасан?

— Ёшулли, янгамдаги касалликни уч хил йүл билан даволаса бўлади, энди у ёғи ўзингизга боғлиқ. Ҳозирча мен энг осон йўлини буюриб кетаман. Бир ойдан кейин ўзим келиб яна хабар оламан.

— Хўш, қанақа йўл экан у?

— Янгамга аввал отқулоқнинг сувини ичириш керак. Лекин уни тайёрлашнинг бир аломат сири борки, касал мутлақо билмаслиги керак. Эҳ, бугун тушгача отқулоқ билан яна... анақасидан топилганда эди, биринчисини ўзим тайёрлаб бериб кетардим...

— Нима эди, у? — сўради Қодир лампамой. — Агар шулга топиладиган нарса бўлса, тортинмай айтавер. Менинг Сорадан аядиган нарсам йўқ.

— Ундей бўлса, ёшулли, — деди табиб Қодирга тикилиб. — Сиз бир шиша спирт топинг, бир боғ отқулоқ ҳам керак... Айтганча, товуқнинг тухумидан борми?

— Бор ҳам гапми, тухум ачиб ётибди, — деди Қодир лампамой ва қизини чақирди. Эшикдан боши кўринган Гулжонга дарҳол тухум келтиришни буюрди.

Бир тоғорада тухум олиб келинди. Ниятбой уларни битталаб ёруғга тутиб қаради, донама-дона ҳидлаб курди, охири тухумлардан бирини танлаб олди-да, Гулжонга бериб:

— Манавинисини ҳозирнинг ўзида кўзини юмиб, симириб юборсин, — деди. Сўнг тухумлардан учтасини дастурхоннинг четига ажратиб қўйиб, қолганини тоғораси билан қайтариб юборди.

— Янгамга, агар товуқقا бостиrsa, бабақ хўроз чиқадиган тухумни бердим. Манавилардан очиrsa, ма-

киён чиқиши мумкин. Қани, ўзимиз ҳам биттадаң олайлик-чи, — деди Ниятбай енг шимарыб.

Қодир ҳам, Мұптилла ҳам хом тухум ютишга одат-ланмаганди. Шу сабабли улар узр сұраб, таомдан бол тортышди. Ниятбайнинг ўзи ҳаш-паш дегунча учаласини ҳам хомлигича чақиб, ютди-қўйди...

— Эй, Ниятбайжон, — деди Қодир лампамой Мұптиллага олазарак қараб, — мен медпунктга бориб, ҳалиги спирт деган нарсани суриштириб кўрай. Унгача Мұптилла бир боғ отқулоқ үриб кўяр, а?

— Ҳов, мен отқулоқнинг қандай бўлишини билмайман-ку? — деди Мұптилла ўтирганларга қўзларини мўлтиратиб қааркан. — Яна бегона ўтни опкелсам...

— Ёшулли спирт топиб келгунча, икковимиз бир-галашиб отқулоқ излаймиз, — деди Ниятбай Мұптиллани хотиржам қилиб.

Табиб шу куни «дори» тайёрлаб, кун пешиндан оққанда эшагига зўрға ўтириб, уйига жўнади. У кетар чофида Қодир лампамойни бир четга чақириб, спиртга солинган отқулоқ уч кун туриши кераклигини, сўнг шишиаси билан чайқаб, сузгичдан ўтказилгач, беморга ҳар замон-ҳар замонда бир қошиқдан ичиришни тайинлади. Яна унга, спирт тўғрисида бирон кишига оғиз оча кўрманг, касалга таъсири ўтмай қолади, дейишни ҳам унутмади.

— Агар, мабодо «дори» тугаб қолса, менинг боя қандай тайёрганимни кўрдингиз-ку, худди шундай қилиб тайёрлаб беринг, тинчлик-омонлик бўлса, бир ой-ярим ойдан кейин ўзим хабар оларман... — деди.

Ниятбай уйига жўнаб кетгач, касалдан ҳол сўрагани Осиё келди.

САККИЗИНЧИ БОБ

«Назар + Гулжон = муҳаббат». Бундан икки йил бурун Ҳасан бақатеракка пичоқ билан ўйиб ёзган сўзлар ҳамон бодроқдай бўртиб турибди. Мактаб ҳовлисига кираверишда тераклар кўкка буй чўзган сари

Сүз ҳам ўсиб, катталашып бормоқда эди. Назар ҳар күни өрталаң мактабга яқынлашар экан, даставал шу ёзувлар күзига оловдай бўлиб кўринади. У шу ёзувнинг настидан Ҳасанни бир сафар далада ўласи қилиб кал-тилаган эди. «Назар + Гулжон» деган сўзлар ўзига майдай ёқиб турса-да, баъзида алланималарни ўйлаб ҳиловати бузилар ва ичида андак хафа ҳам бўларди. Искин, бора-бора бунга кўникди шекилли, Ҳасанга шинҳона раҳмат айтадиган бўлди.

У ёзги таътилда ҳам шу ёзувни кўриш учун ёлғиз мактабга келар, салқин теракзорни хомуш айланар ва соатлаб ўйга толарди.

Гулжон! Мұхаббат! Бу сўзларнинг моҳияти, маъноси нимада? Афсуски, буни Назарнинг ўзи ҳам унча яхши билмасди. Уни ҳозирча ўзига ром этган нарса: қизнинг оқиласиги, яхши ўқиши ҳамда олмадай тўлишган юзининг ўнг томонидаги кичкина холи эди. Синфдошлари қизлар тўғрисида сўзлашганда ўзини бир четга олиб турса-да, гап Гулжон ҳақида кетса, кулоғини динг қилиб ўшитарди. У ҳамманинг оғзидан фақат Гулжоннинг исмини эшитишни хоҳларди. Гоҳида дўстлари ортиқча гап қила бошлишса, ичида қизғаниб, «бошқа одам қуридими», деб мавзуни буриб юборар эди. Хуллас, сўнгти пайтларда Гулжон деган ном овулдаги ўн олтига тўлган ёшларнинг оғзидан тушмай қолди. Бироқ Назарнинг бошини айлантириб, қалбига фулгула солган бу сирни ҳозирча Ҳасандан бошқа ҳеч ким билмасди. Гулжоннинг ўзига тўғридан-тўғри бориб: «сени севаман», деб айттолмайди, айтмай деса, юрагини тилка-пора қилаётган мұхаббат дарди унга сира тинчлик бермасди. Баҳорда таваккал қилиб, қизга хат орқали дил изҳори қыммоқчи эди-ю, лекин Ҳасаннинг касри уриб, мактуб география ўқитувчининг кўлига тушиб қолди. Яхшиямки, ўқитувчи сержаҳл бўлса-да, ақли жойида экан. Шу воқеадан кейин ўн кунча мактабга қадам босмай қўйган Назарни ўзи топиб олди.

— Оғайни, шахсий ҳаётингта аралашмоқчи эмасман, албатта. Бироқ, сен орзу қилган гапларга ҳали

пича вақт бор. Аввал ўқиши тамомла, — деб у Гулжонга ёзилган мактубни бериб кетди. Назар ўша заҳотиёқ хатни фижимлаб, йиртиб ташлади.

Назар уйига бормади. Ариқ ёқасида чүнқайиб, сувга тикилган күйи то дарс тугагунча ўтириди. Ҳасан барыбир шу кўприкдан ўтади-ку, гапнинг ростини суриштириб кўраман, деб ўйлади у. Кун пешиндан оғач, ошиғичлаб келаётган Ҳасан кўприкка етай деганда:

— Хой, Назар! Ўқиши тамом, чорак тугагунча ҳамма ўтоққа! Ур-па-а! — деб қичқирди.

— Қайси участкага борамиз?

— Бир соатдан кейин мактабда йиғилиш бор. Шунда маълум бўлади.

Назар ўрнидан туриб, унинг гапига қўл силтадида, уйига жўнади.

Болалар чиқадиган далада на пахта, на ўт кўринарди. Ҳўжамбой тракторчи чигит экишини ўтган ҳафта аранг тамомлаган эди. Райондан берилган топшириққа биноан ҳамма мактабларда ўқиши тұхтатилиб, болалар ўтоққа чиқарилган, фақат бошланғич синфлардагина ўқиши давом этарди.

Далага ҳайдалган юқори синф ўқувчилари уват четларида давра қуриб ўтиришган эди. Уларни бошлаб борган синф раҳбарлари ҳали на пахта ва на ўт унмаган майдонни беҳудага оёқ ости қилишни истамасди.

— Мактабни бекор ёпишган экан, — дейишарди ўқитувчилар бир-бирига.

— Юқоридан буйруқ келгандан кейин, иложимиз қанча, — дерди уларнинг ичида ёши улугроги.

Назар билан Ҳасан даврадан ажралиб, четроққа ўтишди. Ўртогининг ичида пинҳона дарди борлигини Ҳасан анчадан бери сезиб юрган эди. У шунинг учун Назарни болалардан ажратиб олиб, четга чиқарди. Назар сал наридан оқаётган сувга асабийлашиб, устмавуст кесак отди. У бирпас сувга тикилиб турди-да, сўнг томдан тараша тушгандай, Ҳасанни сўроққа тутди:

— Ҳасан, сен кимни яхши кўрасан?

— Зухрони.

- Ким у?
- Тогамнинг кенжатой қизи, Кегейлида.
- Жуда сулувми, а?
- О, сулув бўлганда қандай, кўрсанг оғзинг очилиб қолади. Лекин у еттинчи синфда...
- Уям сени яхши кўрадими?
- О, яхши кўрганда қандай, ўлиб қолади. Ҳар хатида, «бизниги қачон меҳмонга келасан», деб ёзди. Ўзинг айт, мактабда таътил бўлмаса, қандай қилиб бораман?
- Сен у билан қандай танишдинг, нималарни гаплашдинг?

— Ҳов, эсинг жойидами ўзи? Одам ўз тоғасининг қизи билан ҳам танишадими? Уйига борасан, қариндошинг бўлгандан кейин манглайнингдан ўпади, сүйиб-эркалайди, «айланай, кап-катта йигит бўп қопсан», дейди...

- Қизга яхши кўришингни қандай айтдинг?
- Ҳали аниқ қилиб айтганимча йўқ, кичкина-ку, у?

Назар пиқиллаб қулиб юборган эди, Ҳасаннинг жаҳли чиқди:

— Ўзинг-чи? Ана, Гулжон ҳам шу ергинада ўтирибди, қизмисан қиз. Унинг кўзларига тикилиброқ на зар солдингми? Сенга кўнгли борлигини оғзи бўлмасаям, кўзлари айтиб турибди-ку?

— Буни ўзим ҳам биламан, — дея фўлдиради Назар. — Лекин, — давом этди у сал бўшашиб, — кўзига тик қарай олмайман-да, уяламан...

— Уядиган бўлсанг, уялиб юравер! — койиган бўлди Ҳасан. — Яна бир-икки ойдан сўнг у билан учрашиш у ёқда турсин, тушингда кўрсанг ҳам дўппингни осмонга отавер, оғайнни!

Имтиҳонлардан кейин синфдошларининг ҳар ёққа тарқаб кетишига Назарнинг ҳам ақли етар эди. Ким ўқишига, кимдир ишга дегандай... Аммо кўпдан бери қалбида ардоқлаб сақлаб келаётган атиги бир оғизги на «севаман» деган сўзни Гулжонга қай тарзда етказсин? Хат ёзиб ҳам кўрди, шу важдан ўртоқларига масхара бўлишигаям сал қолди... Қиз билан учрашганда,

худди оғзига мум тишилагандай тили калимага келмаса, яна нима қылсинг?

— Хүш, энди нима қил дейсан, жұра? — деб сұради Назар, хаёлининг давомини бироз чиқариб айтты да бундан үзиям андак хижолат чекиб.

— Сен менга ростини айт, — деди Ҳасан ўртогига яқинроқ суріларкан, — мактабни битиргач овулда қоласанми ёки үқишиңга кетасанми?

— Номағым ҳали, — деди Назар чуқур хүрсишиб.

— Ҳали номағым бұлса, демак, овулда қоласан.

Гулжон ҳам үқишиңга бормаса керак...

— Нега бундай дейсан?

— Шуниям билмайсанми, тентак? Тұшақдан туролмай ёттан онасини ташлаб, қаёққаям борарди у? Хуллас, ҳозирдан ишга киришсанг кузгача уйланиб оласан...

Назарнинг юраги бирдан дукурлаб уриб, Гулжоннинг тирсиллаган сийнасию тұлғин юzlари күз олдига келди. «Агар сен меники бұлсанг, оёғингни ерга теккизмай, бошимга күтариб юрардим, овулда-ку құл ушлашиб юришиңга уяласан... Шунинг учун сени олис-олисларга, бизни ҳеч ким танимайдын катта шаҳарларга опкетиб, томоша қылдираң әдим... Сенинг гүзаллигингни үз уясини қызғанған құмрилардай авайлаб-асраб, ёт күзлардан ҳимоя қылардим. Икковимиз битта институтта үқишиңга кирсак, бир партада ўтирасак... профессор ёнимизга астагина келиб, бир қулогимизга «дарс пайтида қучоқлашманг», деб пұпсаң қилиб кетса, у ортига бурилиб кафедрага етгунча биз яна...»

— Ҳой, нима бало, ухлаб қолдингми? — деб унинг елкасига нұқиди Ҳасан. Назар сапчиб тушди.

— А, нима?

— Сен Гулжоннинг күзига тик қарай олмайдын бұлсанг, ундан қуруқ қолдым деявер. Қыз халқи журъатли, шүх йигитларни яхши күради. Сенға үхшаб бошини ердан күтаролмайдын ландавур кимга зарил кепти?!

— Бұлмаса, айт, мен нима қилай? — сұради Назар бироз каловланиб.

- Бугун ишдан қайтишда Гулжон билан гаплаш, ичингдаги бор дардингни битта қолдирмай тұкиб сол...
- Эртага... кейин унга қайси бет билан қарайман?
- Эртага, жуда бұлмаса, менгаёқ қараб юрарсан.
- Э, құйсанг-чи, нокулай бұлар дейман. Йўқ, мен... унга... тилим бормайди...

Ҳасан қолган гапларни құшиқ қилиб айтиб юборди:

— Минг бир қүш учса-да, учмайды қаптар,

Айтмасанг үлдирап дилдаги дардлар.

Қизлар қийиқ бұлса, янгаси эплар,

Күзлари чүгли ёр, күйдирма мани!

— Жиллақурса, қизнинг альбомига биронта құшиқ ёки әсдалик ёзиб берсангчи! Бир куни менга у: «Жўранг бизга ўхшаганларни менсимайди, альбомимга икки оғиз сўз ёзишниям ўзига эп кўрмабди», деб үпкаланди!..

Гулжоннинг альбомини икки ҳафта олиб юрса-да, бир сатр ҳам әсдалик ёзолмай, яна ўзига қайтариб бергани Назарнинг ёдига тушди. «Эҳ, аҳмоқ! — деди у ўзидан ўзи ёзгириб. — Хатда айтадиган гапини альбомга ёзса бўлмасмиди? Ёки хатни альбомнинг ичига солиб бергандаям-ку, олам гулистон эди... Нима, мактубнинг ўзгалар қўлига тушиб қолишидан чўчидими?..»

— Яхши, — деди Ҳасан, ўтирган жойида бир кўзғалиб олиб, — агар, Гулжон билан сўзлашишга юрагинг дов бермаса, бояги қўшиқда «қизлар қийиқ бұлса, янгаси эплар» дейилганидек, унга ўзим очифини айта қолай?

— Айтсанг айт, лекин шу бугун айт, мен ҳозир у ёққа бормасдан, тұғри уйга кетаман. Мабодо сен ундан бирон жавоб ололсанг, кечқурун хабарини берарсан, — деди Назар ўрнидан туриб. — Мен ариқ ёқалаб то кўприкка етгунимча ўтирган жойингдан қимирлама, кетганимни ҳеч ким билмасин...

Кечқурун эшикдан Ҳасаннинг боши кўриниши биланоқ Назар олдидаги овқатини қўйиб, ўрнидан учеб турди-да:

— Ҳозир келаман, опа, — деди-ю, ташқарига отилди. Осиё ўғлининг орқасидан:

— Назар, жўрангният овқатга чақирсанг-чи, кўрган оғизнинг куйиги ёмон, — деганича қола берди.

Орадан бир дақиқа ўтгач, ташқаридан:

— Ҳасаннинг қорни тўқ, ҳозир келамиз! — деган овоз эшитилди.

Икковлон уйнинг орқасидаги боққа ўтишиб, кўздан панароқ жой танлаб ўтириб олишди.

— Хўш, у нима деди? — сўради Назар сабрсизлик билан.

— Гулжоннинг сенга кўнгли йўқ эмас, — деди Ҳасан ҳар бир сўзини салмоқлаб. — Лекин, Назарни яхши кўраман, деб узил-кесил айтмади.

— Хўп, у билан қандай гаплашдинг? Нималар дединг? — Назарнинг юраги пўкиллаб, орада нима гап бўлган бўлса, ҳаммасини битта қолдирмай гапиришини Ҳасандан илтимос қилди.

— Болалар даладан чиққандан кейин Гулжоннинг қулоғига: «Орқароқда қол, сенга зарур гапим бор», дедим. У: «Менинг сенга ўхшаган безорилар билан гаплашадиган гапим йўқ», деди. Мен: «Ўзим эмас, Назар тўғрисида айтмоқчиман», — дедим. У бўлса яна: «Менинг Назар касалим йўқ», деди. «Яхши, — дедим мен ҳам жўрттага ўсмоқчилаб, — бўлмаса, шу гапингда туравер. Сенинг ҳасратингда Назар уйдан бош олиб кетмоқчи, тафинам ўзинг биласан». У «вой ўлмасам» деди-да, чопқиллаб бориб қизларга қўшилиб кетди. Мен ҳаммадан орқада ўсал бўлиб, таланган нинадай қола бердим. Қизлар овулга етай деганда, Гулжон атай улардан орқада қолиб, мени кутиб турган экан.

— Қани, гапинг бўлса энди айт, — деди Гулжон мен яқинлашгач.

— Боя эшиitmайман дегандинг-ку?

— Бошини олиб кетадиган Назарга нима ёмонлик қилган эканман?

— У сени яхши кўради!..

Гулжон анча вақт индамай турди, кейин:

— Яхши кўрса нима қилай? — деди ерга қараб.

— Ахир, уни ҳадеб куйдира бермай, бирон жавоб қил-да.

— Яхши, — деди Гулжон бошини күтариб, — мен қоронғи тушмай уйга етиб олай. Сен Назарингга айт, ўлиб бораётган бўлса, уйга совчи юборсин. Агар айтадиган бошқа гапи бўлса, орага даллол солишининг ҳожати йўқ, ўзи гаплашсин. Хўп, хайр!

Гулжон ариқ ёқалаб кетган сўқмоқдан юурганча, бир лаҳзада кўздан фойиб бўлди... Ана, Назар жўра, бизнинг даллолчилигимиз оқибати, — дея Ҳасан чуқур хўрсиниб, гапим тамом, дегандай елка қисди.

Назар дилидагини барибир қизга очиқ айтолмаслигини билар эди. Мактабни тамомлагач, ўқишга кетаётиб, унга хат қолдиришни маъқул топди. Хатни райондан почта қутисига ташлаб кетса ҳам бўлаверади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Табиб дори-дармон бериб кетгандан кейин Сорагининг дарди бироз енгиллашгандек бўлди. Уйқуси аввалги ҳолига келиб, ора-сирада атала ёки гўжа ичадиган, икки қўлига тирадиб ўтирадиган бўлди. У тобора мадорга кираётганига қувониб, бир ойдан кейин ҳабар олишга келган Ниятбойга: «Оёқقا турғазиб юборсанг, сендан жонимниям аямайман», деди. Табиб, ҳамишаги одатига кўра қўкнорини ичиб бўлгач, касалнинг томирини ушлаб кўрди...

— Ҳалиги дори неча кунга етди? — деди у Қодир лампамойга қараб.

— Ўн беш кундан нари-бери чиқар-ов. Сўнг райондан одам олиб келиб, яна ишлаб бердим, ҳалигача шуни ичаётир, — деди Қодир гоҳ Сорага, гоҳ Ниятбойга аланг-жаланг қараб.

— Ҳм-м, — деди табиб. — Мен айтган муддатимда келолмадим, нукуслик бир каттанинг хотиниям худди янгамдай бўп ётиб қолган экан. Бормайман, деб ҳарчанд уринганимга қарамай, мошинида кунда келавериб, қўймай опкетди. Борсам, касал бечора ер тимдалаб,

типирчилааб ётган экан. Нукус у ёқда турсин, Тошкентдек жойлардаям дұхтири қолдирмай, ҳаммасига даволатибди. Охири бұлмагач, кимдандир бизнинг дарагимизни эшитиб, одам юборибди... Мен шу каттанинг хотинига дори тайёрлайин, деб Нукусда үн кунча ушланиб қолдим.

— Ишқилиб, кампир соғайдими? — сўради Қодир лампамой.

— Соғайғандир-да, бўлмаса, мен берган доридан сурункасига етти кун ичгандан сўнг боласи билан келинига: «Менинг муштдек қорнимни тўйдириш қўлларингдан келмайдими? Шуйтиб бола ўстирдимми?» деб бақирапмиди. Э, мен сизга ростини айтсам, келини бечоранинг боши қозондан чиқмай қолди. Жўхори куртик дейсизми, палов дейсизми, мошхўрдами, ишқилиб, нима бўлса кетини узмай пишириб оғзига солаверади. Лекин, кампир тушмагур сира тўйдим демайди. Мен уйга қайтадиган куни айланиб-ўргилиб, мошингача кузатиб қўйди...

— Кошкийди, мен ҳам шундай бўп кетсам, — дея уҳ тортди Сора, — илоё шу кунимгаям шукр, зигирдек бўлсаям томогимдан овқат ўтаяпти, айланай...

— Бу ёққа юринг, аввал чой-пой ичиб олайлик, — деди Қодир Ниятбойни меҳмонхонага бошларкан. Иккови остона ҳатлагач, Қодир лампамой табибга яқинроқ келиб, қулогига аста шивирлади:

— Мен спирт тополмай, отқулоққа арақ қўшиб бердим.

— Ҳеч зиёни йўқ, — деди Ниятбой бепарво қўл силтаб, — қайтага ирганмай ютади.

Ниятбой кечки овқат устида Қодир лампамойга икки шиша бўрсиқ ёги билан бир пиёла асал топиш кераклигини айтди.

— Тонг отса — бозор, эрта туриб отлансан, насиб бўлса, кун қизимай етиб оламан-да, пешинга қолдирмай айтганингни муҳайё қиласман, — деди Қодир. — Энди овқатланиб, маза қилиб бир дам олайлик.

— Ёшулли, анавининг оти нима эди, Мұптиллами, шуни чақыртириб, озгина қарта суриссак, қалай бўларкин? — деди табиб ҳангомага шерик излаб. Қодир лампамой фойда туширишга қанча уста бўлса, бирор билан суҳбатлашишга шунча нўноқ эди. Табибининг гапини маъқуллаб, ҳар замонда «астағириуллоҳ» деб туришга бу орада Мұптилладан қулайроқ одам йўқ, лекин уни атай меҳмонга чақириш уй эгасига хуш ёқмасди.

— Қаергадир кетди, деб эшитгандай бўлувдим, уйида йўқ, — деди Қодир лампамой бошини қашлаб. — Картасартани икковимиз ўйнайверсак бўлмайдими? Мұптилла келгандаям, қарға билан таппоннинг тузини ажратолмай, қайтага ўйинни бузади. Гапида ҳам тутурук йўқ, ҳалигача уйланмаган бўйдоқни орага қўшиб нима қиласми?

«Бўйдоқ» деган сўз Ниятбойнинг кўнглига оғир ботди, нега деганда, ёши қирқни қоралаганига қарамай, у ҳам ҳалигача уйланмаган эди. У ичида хиёл ранжисада, ташида уй эгасининг гапини маъқуллаган бўлди:

— Тўғри айтасиз, ёшулли, ўзиям башараси сал со-вукроқми-ей... Биринчи марта кўришимдаёқ каттагаям, кичиккайм бирдай эл бўлиб кетаверишидан қўрқандим.

Улар тамадди қилиб бўлишгач, икки қўл «беш кўтапар» ўйнаб, эрта ётиб қолишиди...

* * *

Ниятбой чошгоҳга яқин бемордан яна хабар олди. Соранинг маҳзун кўзларида умид учқунлари шуъланди, аҳволи бурунгидан анча тузук эди. У қизларининг ҳаммасига турли юмуш буюриб, ташқарига чиқарип юборди. Бемор кўпдан бери табиб билан яккамаякка сўзлашишни кўнглига туғиб қўйган эди.

— Қарогим, — деб гап бошлади Сора ёстиққа суяниб ўтирган жойида, — оладиган дардга даво йўқ деган билан, тавба деб гапирайин-ку, лекин сенинг қўлинг-

дан оз-моз шифо топгандекман. Мингдан-минг раҳмат, чирофим. Бироқ қўнглингга оғир олмасанг, сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Уйдагилар олдингга сарпо-суруқ қўйдими, шуни билмоқчи эдим. Хўжайиндан сўрасам, сенинг нима ишинг бор, дейди.

— Қўйишга қўйдику-я, янга, гап Қодир оғанинг берган эллик сўмида эмас, гап — ихлос қилишда, одамнинг қўнгли поклигида... — деди Ниятбой ҳар бир сўзини салмоқлаб.

— Ие, бор-йўғи эллик сўм бердими ҳали? Ҳа, итдан тарқаган, йиққан-терганинг билан қўшмозор бўлгур. Айтгандим-а ўзимам, бу хасисни сўйсанг ҳам бир томчи қон чиқмайди деб, — куйиб-пишиб жаврай кетди Сора. — Ана, кўрдингми, менинг шунча йил бир ёстиқقا бош қўйганиму рўзгорни деб шунча елиб-юрганимнинг ҳақи эллик сўм бўпти-да?

Сора ўтган умрига ачиниб, ўзини босолмай ҳўнграб юборди.

— Кўйинг, янга, — деди Ниятбой, — касал одам кўп йиғласа ёмон бўлади, яна ётиб қоласиз. Мен дунё қувиб юрган одам эмасман, шукр, ўзимга етарли молдунём бор. Камини, туз-насиба бутун бўлса, ҳали кўра берамиз. Сизнинг хабарингизни эшитгач, «касал кўриш савоб», деб келганман бу ерга. Худога минг қатла шукр, пирларимиз қўллаб-қувватлади, тфу-тфу, кўз тегмасин, оёққа туриб бораяпсиз...

Сора ўзини босиб, кўз ёшларини рўмолининг уни билан авайлаб артди-да, ёстигининг тагини пайпаслаб, кичкина тугунчакни олди. Тугунчакни қоқсуяк бармоқлари билан зўрға очган эди, ичидан битта узук ва иккита сирфа чиқди.

— Ма, манави тилла узук билан тилла сиргаларда Қодир лампамойнинг ҳақи йўқ, булар опамдан қолган мерос. Опам шўрлик ўлар чоғида, «қизим, сени қутли-шутли жойга қўндиrolмай кетяпман, илоё баҳтингни худованди каримнинг ўзи очсин. Манави олтин узук билан олтин сиргалар мендан сенга хотира

бўп қолсин, қароғим. Буларни очарчилик йилларидаям сотмай, сақлаб қўйгандим», деб менга берар экан, пешонамни силай туриб оламдан кўз юмган эди. Энди буларни сен олақол, айланай, ишқилиб, менинг ши-рингина жонимни сақлаб қолсанг бўлди. Ҳозир кўзимга на мол-дунё, на фарзанд ва на эр қўринаётгани йўқ, фақат жоним ҳалқумимга кеп турибди...

Сора гапини охиригача тугатолмай яна ҳўнграб юборди, йиғлай-йиғлай сўзланди:

— Сендан ўтинаман, жонимга шифо топ, ҳали ўлгим келмайди, фарзандларимнинг тўйини кўрсам, армоним йўқ эди. Яна озроқ яшасам дейман...

Беморнинг оху зори Ниятбойнинг аллақачон ўлган ҳис-туйғуларига ўз таъсирини ўтказди. У виждан азобида қийналиб, узук билан сирға узатиб турган қонсиз бармоқларни ўзидан нари итарди:

— Янга, — деди у титроқ ва маҳзун товушда ерга қараб, — одам учун дунёда жондан азиз нарса йўқ; агар шу йўлда мен бирон-бир савоб иш қилолган бўлсам, сизнинг кўнглингиздан чиққан бошқа нарсани олмоғим лозим. Лекин, буларни ололмайман... Мен сўрайдиган матоҳни эса, сизнинг кўзингиз қиймайди... Шунинг учун, янга, бу гапларни йиғишириайлик. Бироқ, барча пирларим номидан онт ичиб айтаманки, сизни албатта оёққа турғазиб юбораман. Менга ишонинг. Сиз учун кўлвор илоннинг гўштими, асаларининг муми ёки оққушнинг ёғи лозим бўладими, хуллас, Луқмони Ҳаким буюрган дорининг ҳаммасидан ишлатиб кўраман... Бунинг устига, пирлар мададкор бўлса, тез орада чопқиллаб юриб кетасиз.

— Илоё, айтганинг келсин, болагинам, — дея дуо қилди Сора қўзлари жавдираб. — Менинг бисотимдаги бор дунём бояги тилла тақинчоқлару етти фарзандим...

— Янга, мен, — деб гап бошлади Ниятбой хаёли бузилиб. — Яқинда бир туш кўрдим... Тушимда, бизнинг пешайвонда чип-чип терга тушиб, чой ичиб ўтирибсиз. Сизнинг анави катта қизингиз бўлса, гул-гул

очилиб, ўчоқбошида куймаланиб юрибди. «Ие, опа, меҳмонга келдингизми?» десам, сиз: «Йўқ, айланай, қизимни кўриб кетай, куёвимдан дори-дармон олкетай деб келдим бу хонадонга», дейсиз... Йўғ-е, — дейман ўзимча, — бу туш бўлса керак. Шўйтиб, нима қила-римни билмай турганимда, елкамдаги фаришталар «овмин де, овмин де» деб, қулоғимга яккаш шивир-лайверди. «Овми-и-ин!» деганимни биламан, сакраб уйғониб кетдим. Деразага қарасам, тонг энди оқариб келаётган экан... Кўрган тушимнинг таъбирини сир сақлаб, мудом бирорвга ғинг деб оғиз очганим йўқ. Мавриди келгани учун фақат сизга ёрилганим...

— Чирофим, мен фарзандимнинг баҳтли бўлишига ҳамиша тилакдошман. Гулжонимга, мактабинг бўлса тугади, энди юрт қатори ўқишига кетавер, десам ҳам, менинг касрим уриб, болам уйга ўралашиб қолди. Мен қизим билан овлоқда гаплашиб кўрай, агар мени деса, айтганимга кўнар... Жоним омон бўлиб, ўз қўлим билан кутли жойга қўндириб ўлсам, бу дунёю у дунё армоним қолмас эди... Бир жавоби ўзимдан, айланай, сен нариги уйга бориб дамингни ол. Мени уйқу босаётир...

Аслида Соранинг уйқуси келмаганди, у ҳамма гапни ёлғиз қолиб ўйлаб кўрмоқчи эди. Ниятбой меҳмонхонада чалқанча тушиб ётар экан, гапнинг пўсткалласини айтганига қувониб, тушлик овқатни кута бошлади...

* * *

Қодир лампамой бозордан бўрсиқ ёги билан асал олиб келганда Ниятбой уйда йўқ эди. У ичкари киргач, Сора бир нарсадан қаттиқ хафа бўлган одамдек, тескари қараб ётиб олди. Қодирнинг «тузукмисан?» деган саволигаям жавоб қайтармади. Қодир от чоптириб аллақаерлардан ит азобида «дори» топиб келса-ю, хотини ҳатто у билан сўрашишни ҳам раво кўрмаса-я? У тарвузи қўлтигидан тушиб, ташқарига чиқди. Ҳовлида Гулжон кечки овқатга уннаётган эди.

— Ниятбой қаёқда? — зарда қилди қизига.

— Тушлик қилгач, дорини қандай тайёрлашни мен-
га ўргатди-ю, ўзи кетиб қолди, — деди Гулжон қўлини
тагига артаркан.

Қодир лампамой хотини ётган хонага қайтиб кир-
ганда, бемор ҳиқиллаб, рўмолини юзига босган кўйи
йигламоқда эди.

— Нима бўлди сенга, омонликми? — сўради Қодир
қанчалар тошбағир бўлса-да, юраги алланечук эзилиб.

Сора жавоб қайтариш ўрнига янада қаттиқроқ ҳиқил-
лай бошлади. Эри унинг бирон нарса дейишини кута-
кута тоқати тоқ бўлиб, саволини такрорлади:

— Сорахон, айтсанг-чи ахир, ўзи нима гап?

— Ҳаммасини била туриб, яна нимасини сўрайсан?
Худо қўшган куёвим деб, ўтингдан кирдим, кулингдан
чиқдим, кундуз этагинг, тунда тўщагинг бўп йигирма
йил бирга ўтов тикиб, бир мўридан тутун чиқардик.
Менинг қилган яхшиликларим, қадр-қимматим энди
кўзингта чўпчалик кўринмайдиган бўлдими ҳали?

— Нималар деяпсан ўзи, Сора? — деди Қодир ҳай-
рон бўлиб.

— Нега Ниятбойнинг кўнглини олмадинг?

— Унинг кўнглида нима борлигини қаёқдан билай?
Фалон сўм билан кўнглим тўлади, деб айтгани йўқ.
Ҳатто, эллик сўмниям Мунтилла икковимиз ялина-ялина
зўрга чўнтағига тиқдик, Ниятбайдан пул-мул аярмидим,
ахир! — деди Қодир лампамой жиғибийрон бўлиб. Агар
аёли тўшакка михланиб ётмаганида эди, ҳозир табиб
билан қандай гаплашишни унинг ўзи биларди. — Сен
учун йиққан-терганимнинг ҳаммасидан кечишгаям
розиман-ку, Сора, ахир!

Сора эрининг юрак-бағри эзилаётганини сезгандек
бўлди-ю, лекин: «Гулжонни табибга унаштирсак, қан-
дай бўлар экан?» деган гапни айттолмади. Бунинг усти-
га, бу ҳақда ҳали қизи билан сўзлашишга ҳам улгур-
маган. Чунки ота деганга аввал сал гапнинг учини чи-
қариб, уни шунга кўндириш лозим. Агар, отаси маъ-

кул деса, қыз бола онасининг айтганидан чиқиб, қаёқ-
қаям борсин?

— Кўзим очиқлигида, жиллақурса, Гулжонимнинг
тўйини кўрсам яхши бўларди, — деди Сора гўлдираб.
Сўнг эрининг кўнглини билмоқчидай, унинг юзига
синчковлик билан тикилди.

— Қодир, — деди Сора жимликни бузиб. — Дилем-
дагини айтиш нокулай, лекин сенга ёрилмасам, ўла-
ман. Ётишим шу бўлса, тузаламанми-йўқми, — хуллас,
бу ёғидан умид узганман. Сен менинг яккаю ягона ния-
тимни яхшилаб эшит. Гулжонимни кўзим тириклигига
турмушга берсам, дейман... Шунга розилик берсанг...

— Кимга? — сўради Қодир бошини илкис кўтариб.

— Ҳозирча кимлигини айтмайман... қизим билан
гаплашиб олай... У хўп десагина сенга маълум қила-
ман, йўқса...

ЎНИНЧИ БОБ

Назар бу хабарни Тошкентда, политехника инсти-
тутининг геология факультетига ўқишга жойлашгани-
дан кейин — орадан икки ой ўтгач эшитди. Ҳасан ка-
такли дафтарнинг уч варагини тўлдириб ёзибди. Бу
хат, аслида, дўстини овулдаги янгиликлардан хабар-
дор қилиб, уни қувонтириш учун эмас, балки Назар-
нинг тортичоқлиги туфайли содир бўлган воқеа са-
бабли уни койиш ниятида ёзилган эди.

«Овулда тинчлик-омонлик, ҳаммаси ўзинг кўргандай,
жўра. Аммо барибир бу мактуб сени сира қувонтирмаса
керак. Гулжон, деб кечаю кундуз оҳ чекиб юрган фа-
риштанг эгасини топиб кетди. Ҳозир у Корабойлидаги
Ниятбой деган табибининг уйида келинчак... Карнай-
сурнайли, овозали тўй бўлмади, албатта, сабабини
ўзинг тушунасан. Мен Корабойлидан келган уч-тўрт
нафар отлиқ уни олиб кетаётганда, овулда қолган жўра-
ларимни йигиб, кўприкнинг устида келиннинг йўлини
тўсдим. Агар улар Гулжонни мажбурлаб, яъни ота-она-

сенинг қистови билан опкетаётган бўлса, куёвнавкар-парнинг боплаб танобини тортиб қўймоқчи эдик. Лекин бизнинг ишимиз ёқмадими, ишқилиб, Гулжоннинг ўзи юзимга тик қараб: «Ҳасан, сенинг нега йўл тұсганингни биламан... Мен ўз ихтиёrim билан, ўзим хоҳлаган одамимга турмушга чиқяпман. Сизлар, ўн йил бирга ўқиган лўстларим, умримда биринчи марта баҳтли бўсағадан ҳатлаётганимга қувониш ўрнига, тўйимни азага айлантироқчимисизлар? Ҳасан, бу гапимни фақат сен тушинасан, балки кейинроқ хат ҳам ёзарман, мен ўзим севган одамга тегаяпман...» деди. Шу сўзларни айтиётиб, унинг ич-ичидан хўрлиги келаётганини сездим ва ўйлаб туриб, йигитларга йўлни бўшатишга буйруқ бердим, Гулжоннинг гапларидан кейин улардан бири, куёвжўралардан бири бўлса керак, гўё ўзини билмаганга олиб: «Ие, бизлар овул болаларига кўприк ҳақини беришни унутибмиз-ку» деб, битта рўмолчани менга отиб юборди. Улар кўздан фойиб бўлгунича орқаларидан кузатиб турдик. Сўнг, рўмолчанинг учига тугуклик ўн сўмга овулдаги дўкондан арақ олиб, «Гулжоннинг баҳтли бўлиши учун» деб, ярим кечагача чордеворда маза қилиб ичдик.

Шунаقا гаплар, жўра, сенинг уятчанлигинг оқибатида овулмиз пешонасига битган яккаю ягона юлдуздан тонг отмаёқ айрилиб қолавердик...

Назар мактубга шоша-пиша кўз юргуртирди-ю, ҳаяжонини босолмай, ўша заҳоти йиртиб ташлади. Ёдида қолгани шулар... У уззукун ётоқхонадан чиқмади, каравотда фамбода қиёфада мук тушганча ётаверди: кўзини юмса, теварак-атроф ёришиб, рўпарасида Гулжон кулимсираб гавдаланади, агар кўзларини очиб бир нуқтага қадаса, дунё харитасидаги қизил-яшил ранглар янглиф живирлаб, ўзига терс ўтирилиб олган қизнинг қиёфаси жонланади.

— Касал бўлсанг, доктор чақирайлик.

Ҳамхона ўртоқларининг меҳрибонлиги ҳам йигитнинг хаста кўнглига таскин беролмади. Дарсга борган-

да эса, курсдош қизларнинг шўх-шодон қийқиришларини эшитиб, юраги баттар эзилди. Унинг назарида, бу дунёда Гулжондан бошқа ҳамма қизлар баҳтли эди. Шу боис, ўзаро ҳазил-хузул қилаётган бегам, бепарво курсдошларига қараб туриб, уларнинг баҳтига рашки келди. Ҳатто, қизлар кўзига ёмон кўрина бошлади...

Орадан изтиробли бир ой ўтгач, у Гулжондан мактуб олди. Дастроб, конвертни очмасданоқ йиртиб ташламоқчи бўлди-ю, сўнг бироз ўйлаб кўриб, бафуржа ўқиш учун хатни чўнтағига солиб қўйди...

«Салом, Назар, — деб ёзганди Гулжон ўзининг чиройли ҳуснихати билан. — Мен сенинг Тошкентдан ёзган хатингни олдим ҳамда ўқишга кирганингни эшитиб, чин юракдан севиндим. Менинг тақдирим ҳақида жўраларингдан эшитган бўлсанг керак. Воеадан аллақачон хабардор эканингни ўзимча сезсам-да, хатингга жавоб қайтармай юргандим. Энди эса ёзишга мажбурман...»

Чоршанба куни опамни тупроққа топширдик... Мен эсдан оғгунимча йифлайвериб, бугун сал-пал ўзимга келгандекман. Пешонанг шўр бўлганидан кейин, иложинг қанча? Энди бир умр опамдан айрилганимга ишонган ва шу ҳисга бўйсунган ҳолда яшамоқдаман... Бир сафар ҳеч ким йўгида, отам шўрликка сенинг хат ёзганингни айтганимда, у бошини сарак-сарак қилиб: «Билмасам, қизим, у ҳали ёш бола-ку», деган эди. Сўнг... сўнг ўйлаб кўрсам, опамнинг кўнгли учун ёш умримни хазон қилганимни тушундим...

Онамни даволаган Ниятбой табиб (ҳозир у эрим) ўйимизга қадам босган куниёқ менга суқланиб қараган эди. Унинг дилидан чиқариб, айтишга ботина олмай юрган дардини сезсам-да, сир бермаган эдим. Лекин бир куни укаларимни ухлатиб, энди ётишга чофланганимда опам чақириб, бундай деди:

— Қизим, худога шукр, бўйинг чўзилиб, кўзга яқин бўп қолганингни кўрдим, энди укаларингга раҳминг келсин. Ёмон бўлмаса, яхши йўқ, дегандай, агар менга

бирон гап бўлиб қолса, «отасиз етим — зўр етим, она-сиз етим — хўр етим» чиқиб юрмасин. Сен ақли-хуши жойида, худди ўзимга тортган меҳнаткашсан. Бу — яхши, аммо соддалигинг ҳам йўқ эмас, доим шундан эҳтиёт бўл. Учратган эркакнинг олдида ҳириングлаб, оғзингни гапга берма, ҳамиша битта дардинг ичингда бўлсин, қарофим. Менга ростини айт, қизим, Назарда кўнглинг борми? Агар кўнглинг бўлса, уни юрагингдан чиқариб ташла, демайман, онасининг кимлиги ўзингга маълум. Тўнфич фарзандимсан, айтганимга кўнарсан, деб умид қиласман: сени кўзим очиқлигига турмушга берсам, дейман. Агар менга қулоқ солмайдиган бўлсанг, ичимда тўққиз ой тўлғаб, олти ой бешикда аллалаб катта қилганларимга, берган оқ сутимга рози эмасман...

Опам кимни назарда тутаётганини билганим учун гапини бўлмай эшитдим ва фарзандлик бурчимни бажардим... Йўлда, кўприкнинг устида Ҳасанлар йўли-мизни тўсишди. Лекин мен онамнинг оқ сутини оқлаш учун ёшлиқдаги барча орзу-ҳавасларимдан воз кечиб, Ниятбойнинг уйига келинчак бўлиб тушдим. Турмуш қурганимизга ўн кун тўлмасданоқ, «опам қайталаб қолди», деган хабар келиб, Ниятбой икковимиз Қоратеренгга жўнадик... Отам билан Ниятбой дори қидириш билан овора, ўзим опамнинг бошида қимирамай ўтирдим. Ора-сирада сенинг опанг келса, мен озроқ мизғиб, дам олардим.

Чоршанба куни аzonда опамнинг чехраси сал очилгандай бўлиб: «Қорним очқаб бораётир, қарофим», деди. Дарров гўжа қилиб бердим. Бир пиёла ичди-да, менга тикилиб туриб: — Қизим, ўлар чогимда бахтингга зомин бўлдиммикан, деган хавотирдаман. Ниятбойдан кутган умидим пуч бўлиб чиқди, берган дориларидан сира наф кўрмадим, қайтага, кундан-кун мадордан қоляпман. Манави тўрт қават пар тўшак ҳам орқамга бигиздай ботиб бораётир. Эҳ, агар соғ бўлганимда борми, ҳаммасини улоқтириб, қора ерда ётсам-

да, мойдай ёқарди... Менга чинингни айт, чирофим, у дунёю бу дунё берган сутимга розиман, фақат рост гапир, қизим, баҳтлимисан?

— Ҳа, опа, — дедим ичимда қон йиғлаб. Опам менинг қай тарзда жавоб қилганимдан аҳволимни сезди шекилли, рўмолининг учини кўзига босиб:

— Мендан рози бўл, — дея шивирлади.

Мана, шундай қилиб, меҳрибон онажонимдан ҳам айрилиб қолдим. Отамни, укаларимни ўйласам, юрагим эзилади. Иложим қанча, энди уйим бошқа бўлгандан кейин...

Назар, турмушнинг аччиқ-чучугини эртароқ тотганим сабабли, сенга ҳам синфдош, ҳам дўст сифатида шуларни айтмоқчиман: Ўзганинг баҳтини ўйлашдан аввал, ўз баҳting тўғрисида вақтида қайғур. Ҳатто, ўйланиб ҳам ўтирумай, ҳаётда истиқболга олиб борадиган сўқмоқни учратдингми, ҳеч иккиланмай қадам ташлайвер. Оҳ, Назар! Бундай равон йўлга ҳеч ким сени қўлингдан етаклаб келмас экан! Уни фақат ўзинг жон қуидириб талашсангнина топаркансан... Бошқа нима ҳам дейман?...

Назар ўн йил бирга ўқиб, Гулжондан бундай ақлли сўзлар чиқишини сира кутмаган эди. Эрга тегиши билан доно бўп кетганини қара, — дея фўлдиради у ўзича. — Балки онасининг ўлими унга бирдан ақл кириздимикин?

У дарсларга онда-сонда бир қатнаб, ўзининг аҳволига ўзи ҳам тушунмай, шу алфозда яна бир ойни амал-тақал ўтказди. Чуваккина эмасмиди, эндиликда ундан-да бешбаттар озиб кетди. Назарнинг қайғу-изтиробларини Гулжоннинг навбатдаги мактуби сал юмшатгандай бўлди. У аввалги хатга жавоб ёзиб, илк муҳаббат изтиробларини қиз билан баҳам кўрмаган, жиллақурса, унинг кўнглини кўтарайин ҳам демаган эди. Навбатдаги мактуб эса...

«Назар!

Менинг биринчи мактубим балки сенга етиб бормагандир, балки жавоб ёзишга қўлинг тегмаётгандир...

Ҳар ҳолда, бошимга тушган оғир мусибат — онамнинг вафот этганини эшитгандирсан... Бугун онамнинг хоти-расига маърака ўтказдик (вафотига қирқ кун тўлди). Тунда уйкум қочиб, сенга ушбу мактубни битяпман. «Онанг шундай-шундай бўлти, тақдир-да», деб ҳеч қурса икки оғизгина ёзиб юборсанг нима қиларди? Мен сендан бу қадар тошбагирликни кутмагандим...

Ниятбой билан қурган ҳаётимиз тобора птурдан кетиб бормоқда. Мен илгарилари унинг фақат қўкнори ичишини билардим. Энди эса, аста-секин бошқа ҳунарлариниям кўрсатаётир. Папиросдан сўнг носвой отади, қўкнори ичиб бўлгач, наша чекади. Хуллас, кун бўйи овқатдан бош кўтармайди, мизгиган ёки уйқудан уй-гонган вақтларида гина уйга келган касалларга қарайди...

Мен онамнинг сўнгги васиятига амал қилиб, шундай нотавон одамнинг хизматини қилиб юрибман. Сўз қайтарай десам, онамнинг арвоҳидан қўрқаман, устига-устак, яна сен ҳам ёдимга тушасан. Оҳ, Назар! Пешонам бунча шўр бўлмаса менинг... Хуллас, сенга яна хат ёзишга қарор қилдим.

Гоҳида ўзимдан-ўзим, сенинг орзу-ҳавасингга етиб, ўқишига кирганингга қувонаман, гоҳида куюнаман ҳам. Куйганимнинг сабаби — мен ҳам ўқишига боришим мумкин эди, докторликка ўқиб, онамни даволашни орзу қилгандим. О, Назар! Нимасини айтай, орзу-умидларнинг ҳам чегараси бўлар экан, барчаси бирдек рӯёбга чиқавермаскан. Биз — ер юзида қимиirlab юрган инсонлар ҳамиша гойибдан қанот тилаб, учишга интиламиз, хаёлот қўмагида парвозлар қиламиз, аслида эса, оёғимиз ердан бир қарич кўтарилса, босартусаримизни билмай қоладиган шўрликлармиз... Менимча, ортиқча таассуротлар қулига айлангандан кўра, оддийгина ерда юрганга нима етсин...

Назар, менга хат ёз. Ҳеч тортинмасдан, Қорабойлидаги уйимга ёзавер. Мана, келин бўлганимгаям уч ойдан ошди, лекин бирон марта Ниятбойнинг қофозга қараганини эслолмайман. Нашадан бошқа нарсага қўли тегмайдиям унинг...»

Назар хатни охиригача ўқиб чиққач, Гулжонга мактуб ёзишга киришди.

«Суюклим Гулжон!

Иккала мактубингни ҳам олдим, лекин хатига вақтида жавоб олмаган ошиқ ҳолини бир тасаввур қилсин деб, ушбу мактубни сенга кечикибрөқ ёзаётирман. Аввало, турмуш қурганинг муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман! Ҳаётда ўз бахтингни топганингга мен ҳам қувондим. Сора опанинг вафотини эшитиб, бутун вужудим ларзага келди. Кенг феълли, қалби пок аёл эди у. Иложимиз қанча, азизам?

Ўқишга кирганим учун мени бахтли ҳисоблаб, ўзингни эса қувончсиз қайгулар измига ташлаганингга ҳайронман. Ўқишга киришим мен учун сен ўйлаганчалик қувончли ҳодиса эмас, аксинча, овулни бемаврид тарк этиб, ўз бахтимни йўқотдим. Эндиликда, менга ҳаётнинг, ҳатто бутун дунёнинг қизифи қолмагандек туюлмоқда. Шоир айтганидек:

Ошиб юрган тонг-да, бугун ҳам оғар,
Одамлар ҳовурли кўрпада ётар.
Бироннинг болиши ёр кўкси бўлса,
Бироннинг ёстиги тош бўлиб ботар...

Гулжон! Мен баъзан узоқ-узоқларга, одамзоднинг қадами етмаган мамлакатларга бош олиб кетсаммикан, деб ўйлаб қоламан. Эртага қуёш чиқиши билан йўлга ҳозирлик кўраман. Тағин ким билади, Тошкентда ҳам «ишчи кучи керак», деган эълонлар ҳар қадамда учрайди. Балки, шу яқин-атрофда...

Лекин қаерда бўлсан ҳам, сени ҳеч қачон унутмайман. Суратингни ҳамиша ёнимда олиб юраман; энг бахтиёр ёки қайгули онларимда уни қўлга олиб, ўйга толаман, фойибона дардлашаман... Хўп, кўришгунча хайр. Шошма, яхшиси — алвидо! Сени нечоғлик соғинмай, кўрсам барибир юрагим эзилади. Негаки, ўртадаги му-

ҳаббат хоҳиш-иродамиздан ташқарида, яъни иккови-
мизга ҳам боғлиқ бўлмаган ҳолда фожиали хотима-
ланган бўлса-да, барибир ўзимни сенинг олдингда гу-
ноҳкор деб ҳис этаман, Гулжон!..»

* * *

Зилзиладан кейин тошкентликлар табиий офатга
қарши курашиб, шаҳарни қайта тиклашга бел боғла-
ган пайтлар эди. Кўплаб қурилиш ташкилотлари ишга
туширилиб, эски иморатлар ўрнига янги, кўпқаватли
бинолар қад кўтара бошлади. Мамлакатимизнинг тур-
ли шаҳар ва қишлоқларидан ёрдамга келган ҳашарчи-
лар сони тобора ошиб бораётган бўлса-да, ҳамон иш-
лайман, деган одамга юмуш топиларди. Олий ва ўрта
максус билим юртлари талabalari кечқурун ўқиб, кун-
дузи ўз ихтиёрлари билан қурилишга ҳашарга чиқи-
шарди. Назар ўқиётган факультетнинг ҳам уч гуруҳи
кечки сменага ўтди. Бу кейинги вақтларда «ўқисамми
ёки ташласамми», деб иккиланиб юрган ёш йигитга
айни муддао эди. Талabalар ётоқхонаси ҳашарчиларга
берилгани сабабли, улар вақтинча қурилиш майдон-
ларига тикилган чодирларга кўчиб ўтишди.

Назар курсдошлари билан шаҳар марказидаги бу-
зилган иморатлардан бирида ишлаётганда, бригада раҳ-
бари папка қўлтиқлаган, ўрта ёшлардаги бир кишини
бошлаб келди. У автокорхонанинг директори экан.

— Йигитлар! — хитоб қилди у қўлидаги белкурак
ва ломларга суюниб, ўзига савол назари билан тики-
либ турган талabalарга қарата. — Ҳозирги аҳволни яхши
тушунасизлар. Шу сабабли кўп гапириб, сизларни иш-
дан қолдирмоқчи эмасман. Агар орангизда хоҳловчи-
лар бўлса, ҳайдовчилар тайёрлайдиган тўрт ойлик курс-
да ўқитамиз. Корхонамиз ўқиш давомида ойига етмиш
сўмдан стипендия тўлайди. Ҳужжат олишингиз билан
рулга ўтирасиз. Биздаги ҳайдовчилар ойига икки юз
эллик-уч юз сўмдан кам мояна олишмайди... Қани,
ким ҳайдовчи бўлмоқчи?

— Мен, — деди Назар құл күтариб, — бироқ сессия вактида ишни нима қиласыз? Институтдан имтиҳон топширишга чақырса, сиз эса, ишдан жавоб бермасанғиз?

Автокорхона директори атрофға ҳадиксираб аланглади-да:

— Иним, — деди, — кечки ўқишиңгап сизларни вактинга үтказиб қўйишишган. Агар кундузи ишлаб, кечқурун ўқийдиган талабаларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланаман, десанд, ўқишиңгни биратула кечкига айлантириб. Биз сессия вактида ҳам ойликни тұла сақлаган ҳолда таътил берамиз, бошқа пайтлари эса, қисқартирилган иш куни билан таъминлаймиз.

— Розиман, — деди Назар, — мен кечқурун ўқиб, сизларда ҳайдовчи бўп ишлайман.

— Баракалла! — деди директор кувонч билан, чеҳраси ёришиб. — Бу бошқа гап. Орангизда мана бу йигитта ўхшаган юрагида ўти борлар яна топиладими?

Йигитлардан яна иккитаси құл күтарди.

Автокорхона директори тагин ким бор дегандай, болаларга кўз юргутириб чиқди-да, сўнг чуқур хўрсаниб:

— Бизнинг автобаза Чуқурсойда жойлашган, эртага эрталаб тўппа-тўгри ўша ерга бораверинглар, сизларни ўзим кутиб оламан... — деди.

Назар тўрт ойлик курсни битираман дегунча ёзги сессия бошланиб, бирданига иккита имтиҳон ва учта синовдан қарз бўлиб қолди. Ўзи билан ихтиёрий равишда келган ўртоқларидан биттаси аллақачон ҳайдовчилик касбидан воз кечиб, қурилишга ўтиб кетган эди. Иккинчиси эса, соғлиғи ёмонлашгани сабабли кўч-кўронини орқалади-ю, бир йўла қишлоғига жўнаб қолди...

* * *

Ўттиз биринчи қурилиш бошқармасига тайинланган Назарнинг «ЗИЛ» машинаси Оқтепадаги туаржой қурилиш объектларидан бирига юборилган эди. Участ-

ка бошлиғи Фани Расуловга буюрилған ишни қулоқ қоқмай бажарадиган ва «қўй оғзидан чўп олмаган бу қорақалпоқ» тез орада жуда ёқиб қолди. Бир куни у Назардан ҳол-аҳволи, уй-ичи ва ўқишиларини суриштириди. Фани кетма-кет савол ёғдирап экан, гүё унинг оқ оралай бошлаган соchlари билан қуюқ қора қошларидан нур ёғилиб турган қўй кўзларидан ёш йигитга нисбатан меҳр-шафқат ва оталарча фамхўрлик балқиб тургандек туюларди. У Назарнинг жавобларидан унинг ёлғиз онаси ва синглисидан бошқа ҳеч кими йўқлигини, гарчи ёш йигитнинг характеристи ҳали ипакдай эшилиб, пўлатдек букилиши мумкин бўлса-да, анча қайсар эканини ҳам сезди. «Уни тарбиялаш керак, унинг бир сўзлиги, индамаслиги — келажакда ишончли одам бўлишидан далолат бериб турибди...»

— Назарга иш ўргатинглар, — деди у прорабларга.

Ўша кундан эътиборан, Назар қурилишнинг ҳамма объектларига ғишт, тахта ва шунгача ўхшаш энг керакли материалларни таший бошлади. Эрталаб прорабни кабинасига олиб, бошқарма омборига ёки ғишт заводига боради, иш битгач, у ёқдан юк ортиб қайтади. Баъзи кунлари уч-тўрт рейсгача ғишт ташийди. Усталар ҳам тахталарнинг аввалгига қараганда ортиб қолаётганига асосий сабабчи Назар бўлса керак, деб ҳайдовчига алоҳида хурмат кўрсата бошлашди. Ишчилар юкни тушираётган ёки ортаётган маҳалда, унинг машинадан дарслик китобини олиб ўқиётганини кўрган бошқа талабаларнинг гаши келарди. Чунки Назар ҳам ўзларига ўхшаган ўқувчи бўлса-да, жамоада бунчалар хурмат-эътибор қозонганига баъзилар танглайларини тақијлатиб, ҳавас қиласа, баъзи бирорларнинг ичида ҳасади келарди.

Бир куни Назар кутилмаганда овулдан совуқ хабар эшилди. Тошкентга укасини ўқишига олиб келган Ҳасан меҳмонхонага жойлашолмагани сабабли Назарнинг ётоқхонасини топиб, беш-ён кун шу ерда туришини айтганда, дастлаб унинг жини қўзиган эди. «Бу қачондан бери бунчалик хушфеъл бўлиб қолди?» — ўйлади у ичида, Ҳасанга бошдан-оёқ разм соларкан.

Ҳасан «совуқ хабар»ни эрталаб айтди.
Назарнинг онаси Осиё Қодир лампамойга бошини
чатибди!

...У дўстига сир бой бермасликка ҳаракат қилиб,
ўзини нечоғли қувноқ кўрсатишга уринмасин, ичи
тутаб бормоқда эди. Назар онасининг айни ўйнаб-кула-
диган ёшида тул қолиб, бошига бевақт қулфат тушга-
нини сезмайдиган даражада ёш бола эмас. Лекин, шу
билан бирга, отасининг кўзи тириклигига бевафолик
қилган онасини сира кечиролмасди. У азалдан камгап
эмасми, хунук хабарни эшитгандан кейин одамларга
мутлақо аралашмай қўйди. Ишда ҳам одамларнинг
ўзаро қочирим гаплари ёки ҳазил-ҳузуллари гўё уни
масхаралаш учун атай қилинаётгандек туюла бошлади.
Назар ич-ичидан эзилиб, гоҳ ўзини ёруг дунёга кел-
тирган онасини лаънатлар, гоҳида эса оламда етимлар
бўлмаслиги учун жон куйдирадиган аёл қалбини
оқлашга уринарди. Ана шундай изтироблар қийнофида
кунлар кетидан кунлар имиллаб үтаверди. Ҳасаннинг
укасига ёнидан жой бериб, унинг ўзини эса маши-
насида аэропортгача кузатиб қўйди.

Эрталаб ишга келганда прораб:

— Назар, сизни Фани aka базада кутаяпти. Ҳозир
телефонда гаплашдим, — деди. Назар машинасини ор-
қага бурди-ю, айтилган жойга ҳайдади.

Фани Расулов база дарвозаси олдида бетоқат бўлиб
кутиб турган экан, Назарнинг олдига пешвоз чиқиб,
елкасига бир-икки қоқди-да:

— Болам, бугун икковимиз узоқ рейсга жўнайдиган
бўлдик, машинанг прицеп торта оладими? — деб сўради.

— Тортади.

— Унда, прицеп юки билан менинг ихтиёrimда,
тайёр. Сен машинангни тўққизинчи омборга ҳайда,
фанер ортиб беришади. Мана, юк хати...

Назар қогозни олди-да, бир соат ичида машинаси-
ни тўлдириб, фанер юклangan прицепни ҳам шатакка
олиб тортиб чиқди.

Кабинага иргиб минган Fани ака тилининг тагига бир чимдим носвой ташлаб, анчагача оғиз очмай ўтириди. Оқтепага етар-етмас носвойни туфлаб:

— Ўғлим, Чилонзорнинг усти билан тўғри Самарқанд дарвозага ҳайдо, Сирдарёга боришимиз керак, — деб қолди.

— Ие, Fани ака, ҳали у ёқдаям объектишимиз борми? — деб сўради Назар ажабланиб.

— Бурун бўлмаса, энди бўлади, гап бор, — деди Fани хунук илжайиб.

Улар шаҳардан чиққунча бошқа гаплашишмади. Машина Сирдарёнинг катта йўлига тушгандан кейингина Fани енгил нафас олиб, қўли билан «тўхта», дегандай ишора қилди. Назар йўлнинг четига чиқиб, юки унчалик оғир бўлмаган «ЗИЛ»нинг тормозини босди.

— Болам, Сирдарёга етганда манави юкни бир уйга туширамиз. Йўлланмангни менга бер-чи, мабодо тўхтатиб сўраб қолишиса, мана бу ҳужжатларни қўшиб кўрсатасан, тушундингми? — деди Fани Назарнинг қўлидан қофозни олиб. — Мана, кўз олдингда сени бугун ўн икки соат ишлади, деб ёзиб бераман. Агар, юкларни омон-эсон жойлаштириб қайтсақ, яна уч юз сўм оласан! Қалай, ўғлим, маъқулми?

Назар индамади, Fани унинг юзидан рози ёки норози эканини билолмай, яна хушмуомалалик билан сўзида давом этди:

— Энди, иним, боламдек бўп қолганинг учун сенга ишонаман. Бўлмаса, қурилишда биргина сенинг автобазангдан бошқа қанча мошин бор, қайсисига айтсан ҳам, олдимга «лаббай» деб чиқади. Сени азбаройи ўзимга яқин олганим учун биринчи марта ўзим йўл кўрсатиб келаётганим. Бундан кейин ора-чорада шу йўл билан Сирдарёга юк обориб турасан. Ҳар рейсинг уч юз сўмдан, гапимга энди тушунгандирсан, болам? Агар машинанг дидингга ўтирмай қолса, ўзим Тошматга айтиб, янгисидан олиб бераман... Караб турибсанки, бир йил ўтар-ўтмас ҳамма эгилиб салом берадиган бинойи-

дек йигит бұлассан. Насиб бұлса, сенга Тошкентдан ўзим мана бундай (у бош бармогини күрсатди) қиз ҳам топиб бераман. Сүңг уй, енгил машина дейсанми, ризқ-насибанг бұлса, ҳаммасини муҳайё қиласа. Ана шунда онанг билан синглингни бемалол күчириб опкелсанг ҳам бұлаверади... Қани, келишдик-а, энди ҳайда, үғлим, — деди Fани меҳрибонлик билан, Назарнинг елкасига аста туртиб...

Авваллари Назар «пулнинг ҳавоси бұлади», деган гапга унча ишонмасди, ҳозир эса машинасини гаражга қўйди-ю, оёғини қўлиға олганча ташқарига отилди. Одатдагидек, баъзида уч тийин сарфлашга қийналадиган трамвайга ўтирай, такси тутди. Талабалар шаҳар-часига етайдеганды Fани аканинг, «кечқурун машинангни гаражга қўйиб, бизниги кел», деган гапи ёдига тушди-ю, ҳайдовчини ҳайрон қолдириб, орқага — «Fалаба» боғига қайтишни илтимос қилди.

Назар боя йўл-йўлакай Fани акани ўзи ташлаб ўтган уй рўпарасига келганда таксини тўхтатди. Пачкаси бузилмаган уч сўмликнинг боғламини йиртиб, иккита учталикни ҳайдовчига узатди-ю, машинадан чаққон тушди. У Fани аканикига биринчи марта совфа-саломсиз борсам уят бўлар, деган ўйда муюлишдаги озиқ-овқат дўконидан икки кило қимматбаҳо шоколад харид қилди. Эшикнинг кесакисига ўрнатилган қўнғироқ тугмачасини босгач, орадан кўп ўтмай ичкаридан чиройли, кўринишидан ўн беш ёки ўн олти ёшларга қадам қўйган дўмбоққина қиз чиқди.

— Fани aka уйдами?

— Ҳа, дадам уйдалар, сизни анчадан бери кутвотдилар, — деди қиз ичкарига мулозамат қилиб.

У қисиниб-қимтиниб ичкарига кирди. Fани билан хотинининг уни қаерга ўтказишни билмай, кенг уйда елиб-югуришларини кўргач, бешбаттар ноқулай аҳволга тушди. Айниқса, дастурхон устида уй эгасининг «олинг-олинг, манави иссиқ нондан олинг, қанддан тишлиб олинг», деган пайдар-пай мулозаматларидан

боши айланиб кетди. «Мунча қистамаса...» — хаёлидан ўтказди у.

— Ҳали ўзингга айтган қорақалпоқ боламиз шу, — деди Фани ака Назарни хотинига таништиаркан, — жуда зўр йигит-да ўзиям. Худди сизга ўхшаган онаси бор экан. Ўзи кечқурун политехда ўқийди, кундузи машина ҳайдайди. Қани, меҳмон, чой совимасин.

«Қизига жуда ўхшаб кетар экан», деди ўзича Назар, кайвонилик қилаётган аёлни кузатаркан. Улар бир чойнакни бўшатмасданоқ, дастурхонга каттакон гулли лаганда палов тортилди.

— Сизни кеп қоладими деб, гуручини ўзим дамлаганман, қани, болам, бошланг, — деди аёл лаганни Назарга яқинроқ суреб, — меҳмонга ёқадими-ёқмайдими деб, кишишиб билан саримсоқ пиёздан озгина солдим, саримсоқ бўлмаса Фани акангиз паловга қўл урмайди.

— Бўлди, бўлди, онаси, — деди Фани гап ўзига тега бошлаганини хушламай, — Қорақалпоғистон билан Хоразм томонларда олинг деб бир марта айтдингми, бўлди. Улар бизнинг тошкентликларга ўхшаб ўн мартараб «олинг-олинг» демасанг ҳам пақкос тушираверади. Шундайми, Назар?

Назар бош иргаб қўйди.

— Онаси, мақтаган ошингизнинг томогимиздан дурустроқ ўтмаётганини сезаяпгандирсиз? Конъяқдан бўлса, опкелинг, қиттай-қиттай отайлик, — деди Фани лагандан бош қўтариб. Бу пайтда ошдан кафтини тўлдирив ошаётган Назарнинг олди ўрадай очилиб қолганди.

— Болам, бугунги ўтиришимиз учун манавидан озгина отмасак бўлмайди, — деди уй эгаси хотини келтирган конъякнинг у ёқ-бу ёғини айлантириб, тиқинни чиқарап экан. Сўнг нимадир эсига тушгандек, яна хотинини чақирди: — Бону, ҳо Бону!

«Янганинг оти Бону экан, қизининг оти-чи?» — хаёлидан ўтказди Назар.

— Лаббай, дадаси, — дея зумда ҳозир бўлди Бону.

— Бу, конъякни қуруқ палов билан ичганни қаерда құргансиз? Шкалад-пкалад опкемайсизми?

— Ҳозир, ҳозир, дадаси, — деди Бону ўнғайсизланиб, — ўзимам ҳозиргина шуни ўйлаб турувдим, сиз чақирмаганингизда аллақачон опкеб қўядим.

«Қандай сипо, нечоғли маданиятли бу тошкентлик аёллар, — дея қўнглидан ўтказди Назар. — Ҳозир бизнинг овул хотинлари бўлганда эди, эшиқдан иккита пиёзни ирфитиб, ма, ўзинг арчиб оларсан, деб кетарди».

— Болам, бугун жуда яхши хизмат қилдинг, — деди Фани ака қадаҳларга конъякдан тўлдириб қуяркан, битасини Назарга узатиб. — Агар ҳар кунги топишимиз шундай бўлаверса, худонинг ўзи насибамизга насиба қўша берса, энг ёмон кунимиз ҳам худди бугунгидек ўтаверар... Қани, ол, болам...

Назар илгарилари арақ билан винодан оз-моз татиб кўрган эди, ҳозир у конъякни қандай ичишни билмай бирпас иккиланиб турди-да, соддалигини сездирмаслик учун кўзини чирт юмди-ю, қултиллатиб бирдан кўтариб юборди... Ҳайтовур, бу арақقا ўхшаб унча аччиқ эмас, винодай тахир ҳам эмас экан...

— Дарров жуфтлаштирайлик, ўғлим, — деди Фани ака шоколаддан ушатиб оғзига соларкан, бир бўлагини Назарга ҳам узатиб. Иккинчи қадаҳдан кейин уларнинг сухбатлари янада қовушиб, хотиржам овқатланышда давом этишди.

...Назар Фани Расуловнинг уйидан чиққанида ўзини анча енгил ва баҳтиёр ҳис этиб, аллақандай куйни хиргойи қилганча шаҳдам одимлаб кетди. Кечкурун ўқишига бориши кераклиги ҳам аллақачон ёдидан кўтарилиб, бундан бир лаҳзагина олдинги вақтичоғликни яна давом эттиргиси келди... Қай кўз билан қўрсинки, бир пайт, рўпарасида ярим оқшомгача ўйин-кулги авжига минадиган «Фалаба» боғининг каттакон дарвозаси ланг очиқ туради...

...У томоғи қақраб-қуруқшаб, аъзойи баданига ўт кетгандай куйиб бораётганидан тонготарда үйғониб кетди. Күзларини зўрға очди-ю, атрофига шоша-пиша разм солди. Қараса, шифтига тилларанг биллур қандил осилган хонадаги каттакон диван-каравотда, ярим-яланғоч ҳолда ётибди. Ёнидаги оппоқ пар ёстиқда аллакимнинг қоп-қора соchlари паришон ёйилиб, ундан тарапалаётган атирнинг хуш бўйи димоғини ёқимли қитиқламоқда эди... Аммо, боши зил-замбидай. «Мен қаерга келиб қолдим?» — дея ўйлади у, кечаги кунни хотирлашга уринаркан. Лекин боши қаттиқ зирқираб оғриётганиданми ёки хотираси элакдай илма-тешик, дабдаласи чиқиб кетганиданми, ишқилиб, ҳеч нимани эслолмади. Ўрнидан турмоқчи бўлиб жойидан сал қўзғалган эди, ҳалиги сочнинг эгаси ҳам хиёл инқиллагандай туюлди. Ҳозир ер ёрилса, Назар кириб кетишга тайёр эди. У юрак ютиб ёнига қарашга ботинолмай, чанқоғини ҳам унутиб, қилт этмай ёта берди. Ўзидан-ўзи ваҳима босиб, бегона соchlардан тарапалаётган атир ҳидига бўғилган кўйи кўзларини чирт юмиб олди. Бироқ, бу ҳолат узоқ давом этмади: унинг пинжига тиқилиб ётган аёл үйғонди-ю, ёнига ағдарилиб, Назарни оҳиста қучоқлади. У кўрқа-писа кўзини очган эди, қорачадан келган, кўҳликкина бир жувон ўзига тикилиб турганига кўзи тушди:

— Кимсан? — сўради Назар узоқ давом этган жимлиқдан сўнг.

— Ўзинг кимсан? — хумор кўзларини сузиб, ёқимли кулимсиради аёл.

— Мен Назарман...

— Мен эса Лола...

Лола йигитнинг яна савол беришини истамагандек, унинг лабига лабини босди... Назар умрида илк марта йигитлик нашъасини суриб, тонг отгунча қизнинг қучоғида роҳатланиб ётди... Эҳтирослари сал босилгач, дебраздан хонага тўкилиб турган қуёш нурлари унинг

ишга бориши кераклигини ёдига солди. Ўрнидан иргиб туриб кийина бошлаганда, каттакон гулдор патнисда нонушта құтариб, хонага Лола кириб келди.

— Қаёққа шошилаяпсан? — сўради у қўлидагини столга қўяркан.

— Ишга боришим керак эди... — деди Назар, — кутишаётган чиқар... Жуда уят бўлди-да.

— Бир пиёлагина чой ичиб ол! — Лола пиёлага чой қўйди.

— Менга чой эмас, бир коса муздек сув берсанг, яхши бўларди, — деди Назар томоги қақраб.

— Мен сенга деб, атай «Тошкент суви» опкелувдим...

Назар минерал сувни шишиаси билан бир қутаришда бўшатди-да, қўлини шимининг чўнтағига тиқиб, дастрўмолини қидирди, пайпаслаб кўрди... иккала чўнтағи ҳам бўм-бўш эди...

— Лола! — деб қичқирди у, ранги қув ўчиб. — Нима қилганинг бу?

— Ҳа, нима бўпти?

— Ма, сенга «нима бўпти?» — аччиқ устида жувоннинг қулоқ-чаккасига солиб юборди. Лола қўлларини юзига босган кўйи полга чўнқайиб ўтириб қолди.

— Чўнтағимдаги пуллар қани? Кеча уч юз сўмим бор эди! — қичқирди у ер тепиниб.

Лола йигламсиради:

— Чўнтақларингни титкилаганим йўқ... Менга сенинг пулинг керак эмас.

— Мен сенга «керак эмас»ни кўрсатиб қўяман! — Назар аламига чидаёлмай Лолани баттар тепкилай кетди. Жувон овоз чиқармай йиглаб, ӯзини каравотга ташлади. Назар стол ёнидаги ўриндиққа беҳол чўкиб, манглайнини ушлаган кўйи хаёлга ботди. Ҳеч курса, Чуқурсойга троллейбусда кетишга сариқ чақаям қолдирмабди-я, ноинсоф! У бурунлари катта шаҳарлардаги кисавурлар тўғрисида ҳар хил гаплар эшигтан эди. «Энди ӯзим ҳам шуларнинг тузогига тушиб қолганга ӯхшайман. Манави жувон ҳам ўшаларнинг одами бўлмасин та-

ғин?» — деган ўйга ҳам борди. Бош оғриғи сал босилгач, дастлаб эсига Фани Расулов тушди: униқида овқатланғани, бирга коňяк ичғанлари, сўнг паркка боргани, пивохонадаги аллақандай нотаниш одамларнинг ғалавурларини хотирлади. Улар кетгач, бошқа бир гуруҳ келгани, яна кимлар биландир гаплашгани, охири, қаерда экани номаълум, теракқами, деворгами суюниб турганида милиционернинг: «Үйингга кета оласанми, йигитча?» дегани ўзини сал хушига келтиргандай эди. Сўнг, «кетаман, ўзим кетаман!» деб, гандираклаб учтўрт қадам ташлагани, ўша заҳоти йўл четидаги майсалар устига гурсиллаб қулагани кўз олдига келди...

... Лола анҳор бўйидаги лимонад заводида ишларди. У кечки сменадан қайтаётиб парк рўпарасида, ўтлар устида чўзилиб ётган қора нарсага кўзи тушди-ю, қўрқиб кетди. Бир хаёли, йўлнинг нариги бетига ўтмоқчи ҳам бўлди, лекин шу кўчада онда-сонда учраб турадиган маст-аластлардан биттаси бўлса керак, деган ўй ўзига тасалли бериб, яна йўлида давом этди. Қорага яқинлашгач, унга тикилиброқ қаради, уст-боши туппа-тузук, саҳт-сумбати келишгангина йигитнинг юзига хира ёруғ тушиб, мийигида кулимсираганча ухлаб ётибди... Лоланинг юраги ўйнади, бирпас нима қилишини билмай ўйланиб қолди. «Бу бечора эрталабгача совуқда ўпкасини шамоллатиб қўяди-ку», деб унинг ҳолига ачинди. Шу билан бирга, қалбида дунёдаги ҳамма аёлларга хос меҳрибонлик ҳисси уйгонди-ю, лекин барибир, бунақаларга сал ширироқ гапирсанг, дарҳол ёпишиб олишини билганидан, «менга нима», деб олди-орқасига қарамай жуфтакни ростламоқчи ҳам бўлди. Лекин шу топда мийигида кулимсираб, дунёдан бехабар ётган ўш йигитчага негадир меҳри товланиб, унга гамхўрлик қилгиси келди. У йигитга яқин борди-да, бир амаллаб қўлтиғидан кўтариб турғизди. Сўнг, йигит ҳам худди шуни кутиб турғандек, ломмим демай, жувонга суюнганча пойинтар-сойинтар одим ташлаб, иккаласи тиргаклашиб йўлга тушдилар...

Катта күчани кечиб ўтаётгандарда тунги навбатчи машиналардан бири шундоқ ёнгиналарда «ғийқ» этиб тұхтади-да, кабинадан бошини чиқарған милиционер:

— Бу йигит кимингиз бўлади? — деб сўради.

— Опамнинг ўғли... жияним, — деди Лола, — ҳеч бунаقا одати йўқ эди, ўртоқлари қўярда-қўймай ичирганми дейман...

— Уйларингиз шу яқин орадами? — сўради тунги навбатчи.

— Яқингинада. Раҳмат, ўзимиз етволамиз...

Лола бир хонали уйда ёлғиз ўзи яшарди. Эри билан ажрашганига тўрт йил бўлиб, тўрт яшар қизчасини Чимкентга — ота-онасининг қарамоғига ташлаб келган, шундан бери лимонад заводида ишларди. У эри борлигидаги ҳам тузукроқ ҳузур-ҳаловат кўриб, келинчаклик лаззатини тотмади: куёв бўлмиш йигит кунуззукун чойхонадан боши чиқмайдиган дарди-бедаво эди. Маҳалладаги беданавозларга қўшилиб, ойлаб аллақаёқларда сангид юради. Охири, ўзига тузалмайдиган бир касал орттириб олди. Шўрлик ўзини на докторга ва на табибга қаратмасдан, хотинидан қайта-қайта кечирим сўраб, у дунёга кетворди... Лола куёвига, куёв бўлиб бирор каромат кўрсатмаган нашавандга икки йилча аза тутиб юрди. Сўнг, ёш умри фам-андуҳлар билан беҳуда ўтиб бораётганини сезди-ю, ўзидан-ўзи хўрлиги келиб, икки ўт орасида қолди.

У сменали ишда ишлаётгани учун, кўпинча хушчақ-чақ давраларга боришга вақти бўлмасди. Ишхонасида эса, деярли бутун жамоа хотин-қизлардан иборат. Тунда кўчадан топиб келган йигитнинг ҳолига ачиниш ҳисси астасекин ўзгариб, қалбida эркак кишига яқинлашиш, суйиб-эркалаш туйғуси пайдо бўлди. Лола йўл-йўлакай, бу оқшом ёшгина вужуднинг кучоғида типирчилаб ётишини кўз олдига келтирас экан, аллақандай ҳисдан меҳри ийиб, баданлари жимирлашиб кетди. Шунинг учун уйга келган заҳоти уни каравотга ётқизди-ю, уйғонса кетиб

қолмасин, деган хавотирда анча вақтгача юзига унсиз тикилиб ўтири. Шундан кейингина маст уйқудаги йигитнинг устки кийимларини авайлаб ечиб, ёнига ўзи ҳам кириб олди... Лекин йигит ҳадеганда уйғонавермади. Охири, ишлаб чарчаган эмасми, ўзининг ҳам силла-мадори қуриб, ёстиққа бош күйиши билан күзи илинди... Мана энди, тонг-азондаги мастана қучоқлашишлару тотли бұсаларнинг ҳовури босилмай туриб, Назарнинг дабдурустдан тұхмат қылгани Лолага оғир ботди. Шундай бұлса-да, йигитдан әшиттган әркакларга хос күпоп сұзлару еган калтаги жувонга майдай ёқмоқда эди.

— Майли, ур! Майли, ўлдир, лекин менга тұхмат қылма! — дея қичқирди Лола каравотни муштлаб. — Менга ҳеч кимнинг мол-дунёси керак эмас, бутун умримда энг баҳтиёр кечани ўтказдим. Сен туфайли бугун баҳтиёр бўлдим, раҳмат сенга, Назар! Ўзингдан бошқа ҳеч нарсага қўл урмадим, Назар! Менга фақат ўзинг керак эдинг, жоним! Агар сенга пул керак бўлса, анави тортмани оч, омонат дафтарчада ойлигимдан оз-оздан йифиб юрган икки минг сўмча пулим бор, хоҳлаганингча олавер. Мен мунча пулни бошимга ёстиқ қиласманми?..

Назар ёнидаги чоғроққина буфетнинг тортмасини очиб, омонат дафтарчага кўзи тушди-ю, яна индамай ёпиб кўйди.

— Эндиғи ойликкача... еб-ичиб туришгаям пулим қолмади... — деди Назар, ўз қилигидан ўзи уялгандай бошини эгиб.

— Пастдаги тортмада, ҳали кассага қўйишга улгурмаган саксон сўмча пулим бор, шундан олақол.. — деди Лола, бурнини тортиб.

Назар жувон айтган жойдан иккита ўнталиктин олди-да, каравотда мук тушганча ётган Лоланинг устига энгашиб, елкасига қўлини оҳиста кўйди:

— Ойлик олсам, опкеб бераман, раҳмат... — деб даҳлизга чиқди. У ўзининг ялтиратиб мойланган туфлисини ўзи таниёлмай, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўздан кечираётганда орқасидан Лола келди.

— Назар, керак бўлсанг, сени қаердан топаман?

— Чуқурсойдаги автобазада ишлайман. Мени қидириб овора бўлма, ўзим келиб, қарзимни узиб кетаман... — Назар эшикни қарсиллатиб ёпди-да, ортига бурилмасдан зинадан тушиб кетди...

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Назар Сирдарёдаги манзилга сўнгги бир ой бадалида яна тўрт марта қатнади. Ҳамёни жарақ-журуқ пулга тўлиб, нимага сарфлашиниям билмай, бир неча кун боши қотиб юрди-ю, охири ёзлик кийим олишга қарор қилди. Машинасини дуч келган кийим-кечак дўкони олдида тўхтатиб, бир жуфт шим, учта кўйлак ва ўнтача пайпоқ сотиб олди. Почтанинг рўпарасидан елиб ўтиб бораётганда ногаҳон эсига овули тушиб, тезликни пасайтирди, сўнг ўйлаб туриб, бирдан яна газни босди. Пулнинг қолган қисмини онасиға юбориш ниятида почтага кирмоқчи эди, лекин Қодир лампамой кўз олдига келди-ю, тезда бу фикридан қайтди...

«Ёзги имтиҳонлар ҳам яқинлашиб қолди, энди таътил олишим керак, — ўйлай бошлади у, йўлдан кўз узмай. — Ҳали қишки сессиядан қолган қарзларим ҳам бор... Айтганча, қарз, қарз... Лоладан олган йигирма сўм эсимдан чиқиб кетай дебди-я!»

Назар машинани Хадрадаги айланма йўлдан орқага буриб, ана-мана дегунча «Falaba» паркига етиб борди... Бироқ, кўп ўтмай, тарвузи қўлтиғидан тушиб, шалпайиб қолди. У ҳарчанд уринмасин, Лоланинг уйини тополмади... «Ахир ўшанда уйдан чиқаётиб, атрофни синчиклаб кузатсам бўларди-ку?..»

— Опоқи, шу атрофда Лола деган аёлнинг уйини билмайсизми? — деб сўради у таваккал қилиб, тўққиз қаватли уйнинг олдида неварасини опичлаб ўтирган кампирдан.

— Қайси домда туради, квартири неччи?

— Адресини билмайман-да...

- Фамилияси?
- Эсимда ўйқ.
- Қаерда ишлайди ўзи?
- Опоқи, бундан анча илгари бир келган эдим, менимча, иккинчи ё учинчи қаватда турса керак...
- У киши киминг бўлади?
- Узоқ қариндошим...
- Қариндошдан тез-тез хабар олиб туриш керак, ўғлим... Ана шунда адашмайсан... Бу атрофда Лола деганинг қирғизнинг кучугидай ачиб ётибди. Сенга рости ни айтсам, шу домнинг ўзида бешта Лолаҳон бор. Исм-фамилиясини, қаерда туриб, қаерда ишлашини аниқ билмайдиган бўлсанг, топишинг қийин-ов, ўғлим.

Ўзининг паришонхотирлигидан қаттиқ ўқинган Назар, мабодо тасодифан кўча-кўйда учратиб қолмаса, энди Лоладан бутунлай кўнгил узди. У рулни Оқтепа томонга бурди.

— Ие, Назаржон, бели синмаган элликталикка ўхшаб, жа кўринмай кетдингиз-ку? — деб уни қарши олди Fани ака, эшиги рўпарасида тўхтаган машинага ўзи яқинлашиб. У йигитнинг кўлтигидан олиб, кабинадан тушишга кўмаклашган бўлди-да, сўнг бир четга бошлаб:

— Иним, бугун яна бир клиент топилиб қолди. Ҳозир, ўзинг биласан-ку, ўша ердан аллақачон исписайт бўлган лой қорийдиган машинани насос-пососи билан машинантга юклитиб бераман. Узоқ эмас, Янги-йўлга гизиллатиб обориб ташлайсан. Мана, кира пулниям ташлаб кетди, икки юз сўм... — деди.

— Fани ака, мен ишга берилиб, Тошкентга нега келганимният унуга бошладим, ўқишим қолиб кетяпти...

— Ўқишдан фам ема, ўзим бир иложини қиласман. Қани, иним, машинангни кранга қараб ҳайда, бўлақол...

Назар Fани ака берган пулни чўнтағига солди-да, рулга ўтирди. Юкни ортиб бўлгач, Fани ака ёши ўттиз ёшлар чамаси, мўйловли, кўзлари бақрайган бир йигитни бошлаб келди.

— Назаржон, манави Фуломжон укамиз сизга йўл кўрсатади, омин! — деди у юзига фотиҳа тортиб.

Улар шаҳардан катта йўлга чиққанларидан кейин бир-бирига қараби, сўзлашгиси келди-ю, лекин иккотиям гапни нимадан бошлишни билмай, атрофни томоша қилган бўлиб, индамай кетаверишди. Охири, Назарнинг сабри чидамади.

— Юкни қаерга туширамиз? — деб сўради у.

— «Янгикент» колхозига. Бизнинг раис бобомиз техника деса, ўзини томдан ташлайдиганлардан. У киши Тошкентта тез-тез келиб туради. Бир келганда, Фани акадан колхоз қурилиш бригадасининг ишини енгиллаштирадиган йўлни сўраган экан, у киши анави, кузовдаги матоҳни кўрсатибди. Шуни исписайт қиласа бўлади, деган экан, раис колхоз ҳисобидан икки минг сўм бериб, мени шунга юборди. Бир ҳафтадан бери Фани аканинг кетидан, отанг яхши, онанг яхши, деб юравериб, бугун зўрга қўлга туширдим.

— Ўзингиз ким бўп ишлайсиз?

— Колхозда прорабман...

— Унда бу лой қоргич сизга кўп ёрдам беради: бир ўзи юз кишининг ишини бажаради, — деди Назар кулимсираб.

— Э, ошна, — деди Фулом бошини сарак-сарак қилиб, — сиз бу гапни қурилишда сочи оқарган мендай одамга айтманг. Бу матоҳни бир кўришдаёқ лаънатгаям ярамаслигини билганман, лекин раис бобо хафа бўлмасин деб, индамадим. Уни ишлатаман дегунча, мана бу соchlар битта қолмай оқариб кетмаса деб кўрқаман, — деб у бошидан қалпогини олиб, қопқора соchlарини кўрсатди.

— Унда нега биратўла янгисини олмадингиз?

— Бе, янгисини топиб бўларканми? Бир колхоздаги бор техникани: автокран дейсизми, подъёмник дейсизми, ҳаммасини шундай йўл билан ё сотиб ёки тракторга алмаштириб олганмиз... Айтмоқчи, колхозга боргандан кейин бу сабилни тушириш ҳам бир ма-

шаққат. Автокраннинг ҳайдовчисини уйидан олиб ўтмасак бўлмайди, шундоққина йўлнинг устида...

Янгийўлга кираверишда уларни ДАН инспектори тўхтатди.

— Қани, ҳужжатларингни менга бер, ўзинг кабинадан тушма, — деб Фулом қоғозларни олди-да, инспекторга қараб юрди. Улар аввалдан таниш шекилли, қулимсираб саломлашди. Сўнг, Фулом инспекторни гирдикапалак бўлиб айланганча алланималарни тушунитираркан, машина яқинига келди-да, кузовни кўрсатди. Инспектор машинанинг у ёқ-бу ёғини узоқ, эринмай қўздан кечира бошлагач, Назарнинг тоқати тоқ бўлиб, кабинадан пастга тушди-да, уларга яқинлашди. Фулом ҳамон куйиб-пишиб, тўхтамай сўзламоқда эди:

— Мени танийсан-ку, раиснинг топшириги билан опкеляпман. Тошкент қурилиш трести колхозимизни оталиққа олган, биз уларга мева-чева, полиз экинлари етказиб берсак, улар бизни манавинга үхшаш техникалар билан тъминлаб туради.

— Тушунсанг-чи, ахир! Мени сен айтган «оталиқ» эмас, мана бу машинанинг соат олти яримда гаражда туриши шарт эканлиги қизиқтиради. Яна, унинг соат саккиз яримда шаҳардан ташқарида нима қилиб юриши қизиқтиради! Ҳайдовчининг йўлланмасида эса на соат, на маршрут кўрсатилган!... Демак, ҳайдовчининг правасини олишга тўғри келади!

— Бу нима деганингиз, ака? Озиб-ёзиб бир келган меҳмонни сийламасак, ўзбекчилик қаёққа кетади? Ўзингиз биласиз-ку одатини, бу гаплар қулогига етса борми, раис бобо хафа бўлади-я... Э, каллам қурсин! — деди у пешонасига «шап» этказиб уриб. — Айтганча, раис сизларга атаб манавини... — Фулом гапира туриб, инспекторнинг чўнтағига бир нимани ташлади-да, ўша заҳоти Назарга қараб бақирди:

— Ҳей бола, бор, жойингга бориб ўтири! Сен ручкани айлантиришни билсанг-чи, оёқ остида ўралаша-вермай!

Назар ортига фирра қайрилиб, нари кетди. Орадан бир дақиқа ўтгач, у кабинани энди очмоқчи бўлаётган эди, нариги эшиқдан Гуломнинг боши кўринди.

— Ма, Назаржон, хужжатларинг жой-жойида, ҳеч дод туширмай қайтариб олдим. Ишқилиб, раис бобомиз мингга кирсинг-да, отини атасанг бўлди, истаган жойингдан кесади... Бояги мишиқи яқингинада бизнинг колхозда, менинг қўл остимда трактор ҳайдарди. Ишни ёлчитавермагандан кейин, «борингдан йўғинг», деб бўшатиб юборгандим. Ана энди, ДАНга ўтиб олиб, колхоз машинасини кўрдими, тамом, жини тугади-қолади бу мишиқининг. Ҳали борайлик-чи, раисга айтиб, тагига сув қўйдирмасам бўлмайдиганга ўхшайди...

— Қишлоғингизнинг боласи бўлгандан кейин шундай пайтларда сал қайишса ўлармиди, — деди Назар, машинани икки тарафига қатор қилиб тут экилган торкўчага буаркан.

— Шуям қишлоқдошми? Ҳе... бундай қишлоқдошнинг кўзига чўп қадалсин! Сен ҳали уни айтаяпсан, бизни колхозни билмаган одам борми?.. Ҳалиги, Фанимиди, унинг хотиниям биззи қишлоқдан. Қишлоқни-ку кўя турайлик, агар унинг лоақал ўз кучогидаги хотинига заррача меҳри бўлганидами, сариқ чақага арзимайдиган кузовдаги манави матоҳни икки мингга пуллармиди? Бу ҳам камлик қилгандай, ҳайдовчини кўндириш қийин деб, бояги уч юз сўмни қоқиб олди... Ҳа, майли. Сенинг ишингам зўр-да, Назаржон, одамларнинг икки ой ишлаганини тўрт-беш соатда топасан.

— Фани ака менга икки юз сўм берди, холос, — деди Назар.

— Ана, айтмадимми, ҳозир одамларнинг виждони пул билан ўлчаниб кетган, кимнинг пули кўп бўлса, обру ўшаники, шунинг сўзи сўз... Фани акани турқитароватидан бировга хиёнат қиласи, деб айтиш қийин... Бундай қарасанг, кўй оғзидан чўп олмайдиган, туппа-тузук одам. Лекин, сал кўзинг шамфалат бўлдими, шайтонгаям ҳай бермайди...

Назар анча йўлгача миқ этиб оғиз очмади. Фақат, тепасига «Янгикент» деб ёзилган каттакон дарвозага яқинлашганда:

— Шундай қилиб, Гуломжон ака, сиз Фани акага икки минг, ҳайдовчига уч юз бергансиз. Боя ДАН ходимининг чўнтағигаям бир нима тиқиширганингизни кўриб қолдим... Шунча пулни санамай-нетмай, ҳатто, ҳеч оғринмасдан йўл-йўлакай сарфлаб келаяпсиз. Бу дейман, колхозингизда пул омбори борга ўхшайди-ёв... — деди ҳамроҳига синчков назар ташлаб.

Гулом Назарга ялт этиб қаради, сўнг қовун тушириб қўйган бўлмай тағин, деган хавотирга бориб, ўзини оқлай бошлади:

— Э, жиян, ҳисобсиз пул борми? Кетган харажатнинг ҳаммаси икир-чикиригача электрон машинадан ўtkазилган. Ортиқча бир тийин олиб кўр-чи... Бироқ, агар раис буйруқ берса, электрон машинаям тўхтаб қолади. Қани, «қилт» этиб кўрсин-чи, агар қўлидан келса! Колхозимиз — миллионер колхоз, лекин миллионниям бўлакларга бўлиб олаверсанг, охирида ноль қолади-ку...

— Демак, бундан чиқди, колхозингизни бирорта одам ташқаридан келиб тунаётгани йўқ... — Назар «илинтиридимми?» дегандай, мийифида кулди.

— Манави уйдан автокранни опчиқай, тўхтат, — деди Гулом хушламайгина.

...Назар Гуломнинг «тайёр овқат бор, еб кетасан», деганига ҳам унамасдан шошилинч жўнаб кетди.

— Назар, бир жувон сени икки ҳафтадан бери қидириб тополмай юрибди, — деди диспетчер, йўлланмага кўл қўяр экан. — Ҳозиргина телефонда яна сўради, тахминан ярим соатдан кейин автобазанинг олдида бўламан, деди.

— Нега илгарироқ айтмадингиз?

— Икки ҳафтадан буён қўришган бўлсаларинг керак, деб ўйловдим. Гапларига қараганда, учрашмаганга ўхшайсан.

Назар бошқа ҳеч нима демай, йўлланмасини олдида, диспетчерхонадан чиқиб кетди.

У машинасини гараждан чиқарди-ю, дарвоза олдиди йўлга тикилганча, кабинадан тушмай ўтираверди. Одатда, биронни кутсанг, вақт секин ўтаётгандек туюлаверади. Эрмак учун сигарета ёндириб, бир-икки тортган эди, чунонам йўтал тутдики, ўша заҳотиёқ уни чўғи билан гижимлаб, ойнадан ташқарига иргитиб юборди. Йўтали босилгач, қутичадан эрталабки газеталардан бирини олди-да, шунчаки эрмак учун ўқий бошлади. Назар одатига кўра газетанинг тўртинчи саҳифасини очиб, кино, театр янгиликлари, ҳар хил эълонларга кўз югуртириб чиқди. Сўнг бошқа саҳифалардаги йирик ҳарфларни ўқиётиб, «Устюртнинг келажаги», деган сарлавҳали каттагина мақола диққатини тортди... Лекин уни охиригача ўқишига улгурмади, кимдир кабинанинг ойнасини оҳиста чертди...

— Лола!

Назар жувоннинг келишини аниқ билса-да, унга кўзи тушган заҳоти хиёл довдираб, суратдек қотиб турди. Бироздан сўнг пича ўзига келиб, кабинадан пастига отилиб тушди.

— Лола! — деди у яна, бундан бошқа сўз эсига келмай... — Мен, сени қидириб... тополмадим...

— Тополмаслигингни ўшандаёқ сезгандим, шу сабабдан ўзим излаб келдим...

— Кабинага ўтири... кетдик!

Лола шу буйруқни минг йил зориқиб кутгандек, кабинага чаққон кўтарилиб, ўтириб олди. Аммо, Назар моторни ўт олдиришга олдирди-ю, қаёққа юришни билмай, бироз гарангсиб турди. Сўнг машинани ҳар куни юрадиган йўлга буриб, Оқтепа тарафга, обьектга қараб ҳайдади. Худди тиллари тантглайига ёпишиб қолгандек, анча йўлгача иккалаларидан ҳам миқ этган садо чиқмади. Рўпарадан келаётган машиналар шовқин солиб, ёнларидан физ-гиз ўтмоқда. Биринчи бўлиб Лола гап қотди.

- Қаёққа борасан?
- Ишга...
- Мен эса бугун бўшман...
- Унда, қаерга обориб қўяй?
- Ҳеч ерга, овора бўлма... Керакли жойда ўзим тушиб қоламан.

— Ҳазилни қўй. Иш жойимга бир оғиз айтиб ўтай, кейин мен ҳам бўш бўламан, — деди Назар машинага тормоз бераркан.

Атрофи тахталар билан ўралган қурилиш майдонида иш энди бошланаётган эди. Бир четда қўнқайиб турган будка ойнасидан уларни кўрган бўлса керак, Фани ташқарига чиқиб, Назарни очиқ чехра билан қарши олди.

— Назаржон, кабинангда клиент борми дейман, нима керак бўлса, есть қиламиз. Тортинмай айтавер, ҳаммаси ўзимизда топилади...

- Менга бугун жавоб берсангиз!
- Иним, ҳадеб жавоб, жавоб деяверсанг, одамни тоза уятга қолдирасан-ку! Мен бўлсам, сенинг ёзги сессиянгнинг кетидан юрибман...

— Қарзим бор эди, бугун шуни тўласам, Фани ака.

— Қанақа қарз? Кимдан қарз бўп юрипсан? Шундай дардинг бор экан, аввалроқ қулогимга секин айтмайсанми, ўзим эплаштириб, ими-жимида амаллаб юбормайманми? Ҳай сен болагина-еий...

— Ўз қарзимни ўзим тўлайман, фақат бугун ишдан жавоб берсангиз бўлди.

— Ҳа, майли, борақол, иним, — деди Фани сохта меҳрибонлик билан унинг орқасидан сукланиб қараб қоларкан. — Айтмоқчи, Назаржон, келаси якшанбада яна ҳалиги манзилга борадиган иш чиқиб қолди...

Назар орқасига бурилди-да, «маъқул» дегандай бош иргаб қўйди.

...Улар «Фалаба» боғининг рўпарасига етганда, Назарнинг хаёлига машинани гаражга қўйиб, биратўла хотиржам ҳордиқ чиқариш фикри келди. Шунгача унинг миясида: «Лола билан нима ҳақда гаплашсам

экан? Шаҳарнинг қайси жойларини томоша қилдир-
сам экан?» деган ўйлар фужфон ўйнамоқда эди.

— Машинани гаражда қолдирмасам бўлмайди, —
деди у ёнида анчадан буён индамай ўтирган Лолага
кўз қирини ташлаб.

— Гаражга? Кўй, мени деб ишдан қолма... агар хоҳ-
ласанг, уйга бориб чой-пой ичамиз...

Лоланинг бу гапи Назарга маъқул тушди. Чунки ўтган
сафар жувонни сарсон-саргардони чиқиб излагани-ю,
лекин тополмагани, агар бу гал яна кўчада хайр-хўш
қилса, уни бир умрга йўқотишини ҳам биларди.

Етиб келгач, Назар машинадан тушиши билан ат-
роффга синчилаб разм солди, лекин бу ерга гўё умри-
да биринчи марта қадам қўйгандек, ҳеч қандай та-
ниш манзарани учратолмади. У Лоланинг орқасидан
иккинчи қаватга кўтарилиған чоғида ҳам, ҳатто эшикдан
торгина даҳлизга қадам қўйганда ҳам ўзининг илгари
шу уйда бўлганидан дарак берувчи бирон нарсани ёдига
келтиролмади. Фақат у даҳлиздан хонага ўтиб, диван-
каравотнинг бош томонидаги деворда осиғлиқ турган
суратга кўзи тушгандагина калаванинг учини топган-
дек бўлди. Бу, чамаси, эндиғина қиқирлаб кулишни
ўрганган, лўппи юzlари олмадек юм-юмалоқ қизча-
нинг рангли сурати эди.

— Бу кимнинг сурати? — сўради у чой ичаётиб,
қизалоқдан кўз узмай.

— Суқланиб тикилавериб, янгишдингми дейман...
Дурустроқ қара-чи, менга ўхшайдими? — деди Лола
мастона қулимсираб. — Менинг олти ойлигимда туш-
ган суратим-ку бу...

— Йўғ-е, сенга сираям ўхшамайди, — деди Назар
ишонмай. — Қани, бўлмаса менга ўгирил-чи!..

У жувоннинг меҳр ва иффат балқиб турган юзига
узоқ тикилди, сўнг ўз қилиғидан ўзи уялгандек, боши-
ни қуий солди. Қарашга қаради-ю, лекин нима дейиши-
ни билмай, атиги икки марта ҳўплаган пиёласини нари
сурди, қўлларини қўйишга жой тополмай, чўнтагини
кавлаштирган эди, бармоғи гижимланган пулга тегди.

— Лола, мана, ху ўшанды берган йигирма сўминг, раҳмат... — деди у ийманибгина. Лола йигитнинг пул тутган қўлини нари итарди-да, одатига қўра ёқимли кулимсираб:

— Керак эмас, Назар. Мен пулга муҳтоҷ бўлганимдан сени излаганим йўқ. Агар пул учун борганимда эди автобазангга, уззукун сен билан овора бўлмасдим, ўша заҳотиёқ олиб қолардим... — деди.

— Мен қарзимни беришим керак-ку, ахир, олмасанг ҳам барибир ташлаб кетаман, — деди Назар қаттий қилиб. Йигитнинг қайсарлиги Лолага хуш ёқди, илк учрашган оқшомнинг тотли лаҳзалари эсига тушиб, уни яна суйиб эркалагиси, соchlарини бармоқлари билан тараб ўйнагиси келди. Йигит эса, ўша тундагидек шўхлик қилмасди... Жувон вужудини тобора ёндираётган аллақандай сеҳрли кучга дош беролмай, стулини унга яқинроқ сурди. Энди икковининг ҳам баравар қони жўш уриб, оловли нафаслар бир-бирининг юзига урилар, юракларининг кўкракдан отилиб чиққудек дукурлашлари аниқ эшитилмоқда эди. Оқибатда чой ҳам, овқат ҳам зумда унутилиб, дудоқлар дудоқларга чиппа ёпишиб, вужудлар бир-бирига чирмашган кўйи каравотга қуладилар...

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Назар ёзги имтиҳонлардан яна қарз бўлиб қолди. «Ўртоқ Тўрабоев, сиз академик таътил олмасангиз бўлмайди, бешта имтиҳоннинг тўртгасидан ўтолмабсиз, бу аҳволда институтдан ҳайдалиб кетишингиз ҳеч гап эмас», дейишди деканатда. Овулдан, «опанг Қодир лампамойга бошини қўшибди», деган хабарни эшиганидан бери уйидан ҳам, элидан ҳам кўлинини ювиб, кўлтиғига артган ёш йигитта энди бу зарбани қутариш осон эмасди. Ахир, ўқийман, одам бўламан, деган катта умидлар билан сафарга отланган чоғида тақдир тақозоси билан рўпарасидан Лоланинг «лип» этиб чиқиши тушига ки-

рибдими? Агар у кундузги ўқишини қийналиб бўлса-да, давом эттираверганда эди, ҳозир учинчى курсда ўқиётган бўларди... Тавба! Кимга аччиқ қилиб бундай йўл тутди экан... Гулжонгами?.. Унинг «бевафолик» қилганигами?.. Садқаи сар, шуям иш бўлдими?.. Хўп, яхши, ўқишни кечкига ўтказди, дейлик. Лекин, ҳамма қатори ўқиса, имтиҳонларни топшириш қўлидан келарди-ку? У ҳолда, бирламчи, Тошкентдек гўзал шаҳарнинг табиий оғатдан кейинги қайта тикланишида ўз ҳиссасини қўшган бўларди; иккиласми, кундузи ишласа қорни тўқ, усти бут, яъни онасининг қўлига қараб қолмасди. Ўша «совук хабар»ни эшитгунга қадар, онаси бечора топган-тутган пулидан тежаб-тергаб, ойига эллик-олтмиц сўм юбориб тургувчи эди. Энди бўлса, уч-тўрт сафардан бери юборган пулинни боласи қайтариб жўнатавергач, бошқа юбормай қўйди... Яхшиям машина ҳайдай бошлагандан буён Назар пулга муҳтожлик сезгани йўқ, қайтага, Фани акасининг кўрсатган «муруввати» туфайли омонат дафтарча очиб, икки минг сўмча жамғаришга улгурганди.

Назар ўзига яраша қорни тўқ, усти бут яшамоқда эди. Лекин у Тошкентда ўқиётган овулдошлари билан мутлақо борди-келди қолмасди. Нега деганда, танишлардан бири бўлмаса бошқаси гап орасида ё Гулжонни, ёки онасини эсига солиб, кўнглига озор беришидан чўчирди. Дунёнинг ишларига баъзан кулгинг қистайди: Назар Гулжон ёдига тушган вақтларда ўз-ўзидан Лоланикига юргилаб қоларди. Лола бўлса, ўтган учтўрт ойдан бери борса кет демайди, аксинча, кўзларини сузиб, уни қучоқ очиб қарши олади. Кейинги кунларда Назар ётоқхонадан кўра кўпроқ шу ерда тунайдиган одат чиқарди. Ахир, эртадан қоронғу кечгача машинада ичак-чавоги ағдарилиб, бунинг устига, ишдан кейин яна тўрт соат мудраб маъруза тинглашнинг ўзи бўладими? Бу ҳам камлик қилгандек, ётоқхонага борса, ҳамма ширин уйқуда ётган бўлади. Кейин ёлғиз ўзи оёқ учida ошхонага бориб чой қўяди, қотган-қутган нон гоҳида топилса, гоҳида уям йўқ. Лола

билин танишганидан бери ўн олтинчи трамвайга ўтириб, қирқ беш минут юрса бўлди: иссиқ овқат-у, хумор кўзлар, асалдек бўсалару қайноқ қучоқлар... йигит кишига бундан ортиқ яна нима керак?

Ана шундай ўткинчи ва алдоқчи роҳат-фароғатлар Назарнинг ўқишига, қолаверса, дастлабки катта орзу-умидларига халақит бермоқда эди. Унинг ишонган тоги — Фани акаси қишки имтиҳонларига бир амалдаб ёрдам берди-ю, ёзда биринчисидан яна ўтолмагач, уям тўнини тескари кийиб олди. Лекин, бироз мулоҳазадан кейин нимадир эсига тушиб:

— Иним, энди бундай ишлар ҳадеб «ассалом алайкум», «ваалайкум ассалом» билан битавермайди. Лекин сен хафа бўлма, ўйлаб кўриб бир иложини топамиз, — деб ваъда берган эди. Сўнг, бирданига тўртта имтиҳондан йиқилганда:

— Мен, иним, таниш-билиш оғайниларнинг сеқин қўйнига қўл солиб кўргандим, ҳаммаси: мулла жиринг бўлмаса, иш битмайди, дейишди. «Э, қўйсаларинг-чи, у ўз боламдай бўп қолувди, майли, ўзим беш юз сўм бера қолай» десам, бу камлик қиласи, дейишди. Энди нима қилсан экан, оз бўлса-да, ўзингнинг ҳам йиққан-тергандаринг борми? — деб сўради Фани қулт-қулт этиб ютинаркан.

— Бор, — деди Назар, — бир ярим мингча пулим бор.

— Баракалла, — деди Фани, қўлларини бир-бирига ишқаб, — сен ҳозирча минг сўм опке, ўзим ёнимдан беш юз қўшаман. Қани, таниш домланинг олдига яна бир марта бориб кўрай-чи...

Белгиланган кунда Назар Фани акасини кабинага ўтқазиб, талабалар шаҳарчаси атрофидаги янги курилган майдонларни оралаб, бироз юрди. Ўзига илгаридан таниш муюлишдан чапга қайрилиб, ҳали асфальт ётқизилмаган янги кўчага кирди-да, жимжимадор нақшли каттакон дарвоза олдида тўхтаб, Фани акани кабинадан гуширди...

Орадан чамаси бир соатлар ўтгач, Фани дарвозадан кулимсираб чиқди.

— Бўлди, иним, ҳамма ишинг битди. Зачёткангни кўлига топширдим, йигирма кунлардан кейин хабар олинг, деди. Фаришталар «овмин» деса, бу одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, ўзиям жуда билимдон, аммо докторлик диссертациясининг сал чатоги чиқиб турибди-да. Ҳа, айтганча, болам, бугун Сирдарёга бориб келмаймизми?

— ДАН ушламаса, бораверамиз.

— Менда тайёр йўлланма билан юк хати бор, ўзимиз тўлдириб оламиз-у, кетаверамиз, — деди Фани мугамбirona кўз қисиб.

Улар келишилган вақтда базадан материал юклаб, кун пешиндан оққанда йўлга тушиши. Таниш маршрут бўйича юриб, Янгикентга етай деганда, яқинда шу колхозга лой қорийдиган машина олиб боргани, Фуломнинг Фани ака тўғрисида қандай аломат гаплар қилгани Назарнинг хаёлидан ўтди. Ўша куни Фулом унинг икки мингни чўнтакка ургани етмагандек, Назарнинг кира ҳақидан ҳам юз сўмни юлиб қолганини айтиб, Фанининг ноинсоф ва ўтакетган айёргигига шама қилган эди.

— Фани ака, бултурдан бери фақат Сирдарёning ўзига ўн мартача қатнадим. Қанча мол етказиб бермай, ҳар борганимда мижозларингиз, «яна қачон кела-сиз?» деб сўрайди. Буни қандай тушунса бўлади, у ёқнинг қурилиши ҳали-бери битмайдими?

Фани пиқ этиб кулди-да, бошини сарак-сарак қилиб, деди:

— Шумсан-ов, Назаржон, жа-а, ўтакетган шум боласан-да... Худди ўзинг билмайдигандай, мендан сўрайсан-а. Бутун ҳалқимиз ёппасига бир елкадан бош чиқариб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаётган Тошкентнинг қурилиши мана шу бир йилда дарров битиб қолардими? Қурилишга кетадиган нимаики бўлса, бизга ҳаммасидан вагонлаб тўкиб ташлашган, аммо Тош-

кентни яна неча йил қуришимиң ҳали ўзимизгаям номаълум. Сен олиб борган нарсалар ҳалиги сирдарёлик ошналаримизга урвоқ ҳам бўлмаслигини ўзинг жуда яхши биласан-у, билиб туриб, тагин мендан сўрайсан. Бундай одамларни сизлар тарафда нима деб аташади?

— Юҳо! — деди Назар кулимсираб.

— Юҳо! Жуда ажойиб сўз экан! Бироқ, бундай «юҳо»лик сен билан менга ярашмайди, иним. Зилзиладан кейин қўпчилик тошкентликлар шаҳар ташқари-сига уй солиб, қўчиб чиқа бошлашди. Имконияти бор одам шу яқин атрофдаги колхоз раҳбарлари билан келишиб, иморат солаётир. Мана, курилишнинг бир учи Сирдарёга етганини ўзингам кўриб турибсан. Мен ҳам Янгикентдан данғиллама жой қилиб қўйганман. Ёзда бола-чақалар бориб хабар олиб туришади... Айтмоқчи, ҳу боягида ўзинг сондан чиққан бир лойқоргични оборгандинг, эсингдами? Ўша ёқлар биззи қайиниорт бўлади. Қандай ажойиб жойлар эканини кўргандирсан. Аммолекин, раиси жа зўр одам-да, ўзиям!

Назар бош иргаб, унинг гапини маъқуллаган бўлди.

— Овқатлансанак бўлармиди... Тушдаем ёлчитиб ҳеч нима емадик.

— Ҳозир, иним, йўлда ресторан бор.

Улар йўл ёқасидаги кичикроқ ресторан олдида тўхтаб, ичкарига киришди. Ичкарида ёлғиз ўзи четдаги столда овқатланаётган япалоқ юзли, пакана одамдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Сал кайфи ошиб қолган бўлса керак, йўловчилар кириши билан йўғон бўйини тириштириб ва бутун гавдасини буриб, уларга қаради.

— Ҳой, огайнилар, бу ёққа келинглар! Бу ёққа! — деди у дўриллаган овозда.

— Ассалому алайку-ум, ош бўлсин! — деди Фани икки қўлини қўксига қўйиб хиёл энгашаркан. — Биз шошиб турибмиз, бир четда овқатланамиз-у, тезда кетамиз, узр...

— Бу ёққа кел, деяпман, сенга!

Назар кирган жойида қоққан қозикдек қимирламай индамай турди, Фани япалоқ юзли одамнинг столига қараб йўргалаб кетди.

— Лаббай, — деди Фани унга қўл узатиб.

— Лаббай-саббайингни қўй-да, келиб столга ўтириб, бирга овқатланамиз. Ҳей, хўжайин, қани, тезроқ овқатдан опке! Қанча бўлса, ҳаммаси менинг ҳисобимдан, фақат тезроқ, меҳмонлар шошиб туришибди. Ҳой бола, сен нега қаққайиб турибсан, келиб ёшуллининг ёнига ўтиранг-чи!

Фани бақалоқнинг хукмфармон овозидан бир сесканиб тушди-ю, лекин лом-мим демай, унинг ёнига жойлашди. Шундан кейин Назар ҳам уларга яқинлашиб, рўпарадаги стулга ўтириди.

— Сен бола, мина сартга ўхшамайсан-ку? — деди бақалоқ, Назарга тикилиб туриб.

— Қорақалпоқ, — деди Фани зўрға кулимсираб. — Ўзингиз-чи, қозоқмисиз?

— Мен одамман. Биринчи галда одамман, шундан сўнг — қирғизман! Айнанайин бовурим, қорақалпом, отинг нима, қарофум?

— Назар.

— Меники эса, Султон. Ўшнинг тубжой қирғизлариданман. Сизнинг отингиз? — сўради у Фанига бурилиб.

— Фани.

— Фани ака, сен менинг «сарт-парт» деган гапларимни кўнглингга олиб юрма, мен ҳазиллашиб айта бераман, сартларнинг бариси тогам бўлади, боламнинг тоғасиям сарт, хулласи калом, чор атрофимнинг ҳаммаси сарт!

Султон ўз сўzlаридан ўзи наша қилиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Фани ҳам бош ирғаб, ичак-силласи қотгунча кулди, Назар бир марта беҳосдан пиқ этди-ю, дарров сергак тортди.

— Жигитлар, бугун менинг «эрийдиган» куним. Очифини айтиб қўя қолай: яккаю ёлғиз фарзандим роппа-роса бир ёшга тўлди, бугун унинг туғилган куни!

Ана шу қувончимга шерик бўлишга... ҳиқ... сизларният тақлиф қиласман. Таклиф қилгандаям худди шу ерда, шу столда меҳмон қиласвераман. Менинг Оспанжоним бир ёшга тўлди, ёлғиз фарзандим, кўрас кўзим бутун оёгини атак-чечак босди... Хўжайин, опке борингни, меҳмонларга коњяқдан қуй!

Официант Фани билан Назарнинг олдига икки косада буғи чиқиб турган шўрва, ликопчаларда қовурдок келтириб қўйди.

— Биздаги овқатнинг энг яхиси шулар, қани, марҳамат қилиб олинглар. Бирор камчилик бўлса, биз ҳамиша хизматингизга тайёр... Султон ака, сиз бироз чарчаганга ўхшайсиз, ҳадеб арақقا зўр бергунча, ора-сирада овқатдан ҳам оптуринг. Эрталабдан бери шу билан олтинчи столни кузатаяпсиз. — Официант шундай деб, Султоннинг орқасига аста шапатилаб қўйди.

— Ука, сен мени маст деб ўйлама. Лекин бугун мен маст бўлмасам, ким маст бўлади, а? Ахир, боя айтдимку, болам бир ёшга тўлди деб... Менинг эркатойим, яккаю ёлғизим... Олинг, меҳмонлар, қани, олдик! Сизлар менга қарамай олаверинглар. Официант ука, коњягингдан опкесанг-чи, бояги пул етмаса, ма, ма новдан керагича ол!

Султон бир пачка бешталикни шимининг чўнтағидан олиб, столга қўйди.

— Боламдан аядиган жойим йўқ, фақат манави йигитлар менга, фарзандингнинг умри узоқ бўлсин, катта йигит бўлсин, деб фотиҳа беришса кифоя... Сен коњяк қуишини бил, ука!

— Султон ака, қаерда ишлайсиз? — деб сўради Назар, ўртадаги жимлиқдан фойдаланиб.

— Мен, иним, сенинг элингда, Устюртда ишлайман, пармаловчиман... Бутун умрим чўлда ўтган... Ёш ўртадан ошгандан кейин, вақти-соатинг яқинлашиб қолгандай, ҳадеб ўйланаверар экан одам... Бундан уч йил бурун — қирқ олти ёшимда уйланганман. Янганг раҳматлик жуда яхши аёл эди. Йигирма ёшида Оспанжонни дунёга келтирди-ю, ўзи дунёдан кўз юмди... Эҳ,

нимасини айттай! У мен учун оламда тенги йўқ, ақлли, сулув аёл эди, мениям, норасидасиниям чирқиратиб, олди-ортига қарамай кетди-борди...

Султон оҳ уриб, ёшига ярашмаган алфозда бўзлади, кўзларига дастрўмолини босган кўйи узоқ йиғлади.

— «Ишқсиз эшак, дардсиз кесак», дейди халқимиз, ҳамманиям бошида ўлим бор, Султонжон, бардам бўлинг... — дея унга тасалли берди Фани.

— Сенинг нечта боланг бор? — деб сўради Султон, рюмкаларга коńяк қуяркан.

— Саккизта.

— Менини эса яккаю ягона. Шундан бошқа ҳеч киммим йўқ дунёда... Хўп, қўлимиздагини олайлик.

Назар рулдаман дегандан кейин уни кўп зўрламай, шишадагини иккови охиригача бўлиб ичишди. Бурнининг учи терлаб, Фани аста-секин тилга кира бошлади.

— Султонжон, мен Тошкентда қурилиш участкаси бошлиғиман, қўл остимда юзга яқин одам ишлайди. Бугун Назаржон икковимиз Сирдарёга меҳмонга бораётувдик, борсангиз, бир шамоллаб келардингиз...

— Нима қипти, борсак бораверамиз-да, — деди Султон, — бормай юрган жойимиз эмас-ку... сенга нима бўлди, иним, тўнингни тескари кийиб, миқ этмай ўтирибсан? — деб у Назарга қаради.

— Ҳеч нима, — деди Назар, секин бурнини тортиб. — Ўзи камгапман, туришим шу.

— Сен мени яна шу ерга опкеб ташлайсанми?

— Албатта, қайтишда барибир шу йўлдан ўтамиз-ку, — деди Назар.

— Бўлмаса, озроқ сабр қилинглар, — деди Султон ва рюмкаларга тўлдириб яна коńяк кўйди. — Соғ-саломат етиб олишимиз учун биттадан олайлик... Ўзимиз, болачақаларимиз билан соғ-омон бўлайлик, менинг ўғлим ҳам катта йигит бўлсин, осмонимиз ҳамиша очиқ... Айтганча, Назаржон, сенинг элингда — Устюртда бешик тебратаетган бир жувоннинг боласини қўшиқ айтиб овутаётганини кўрганман. Айтиб берайми? Ҳозир...

Кокилингни силкитсанг
Довул турсин, тойчогим...
Йўл бошласанг, изингдан
Овул юрсин, тойчофим...

Қандай дилтортар қўшиқ эди-я! Мен шунда жувондан: «Бу айтиётганинг қайси шоирнинг қўшиғи, агар китоби бўлса, бошқа шеърлариниям ўқиб кўрай», десам, у: «Бу қўшиқни шоирлар эмас, оналар яратган... биз уни ким ёзганиниям аниқ билмаймиз, бироқ кўзимиз очилиб, кулогимизга гап кирганидан бери уни оналаримиздан эшитамиз. Мактабда бу қўшиқни ўргатмаса-да, болаларимизга ўзимиз айтиб бераверамиз...» — деди. Кўп галириб юбордим шекилли, кечиринглар мени. Бийдай чўлда ўзинг ичингда мингирилаб юрмасанг, дардингга қулоқ соладиган бошқа одам йўқ... Баъзан зерикканимда, ўглимни согинганимда ўша аёлдан эшитган қўшиқни хиргойи қиласман. Шунда қўнглим анча қўтарилиб, енғил тортгандай бўламан... Ҳа, майли, бўлмаса, шуни олиб қўяйлик.

Иккаласи чўқиштириб ичишди.

* * *

Улар машинага ўтиришгач, Фанининг феъли бирдан ўзгариб қолгани Назарга ғалати тувлса-да, Султонга барабири эди. У ўзича: «Йўл бошласанг, изингдан овул юрсин, тойчофим...» деган сатрларни қайта-қайта мингирилаб айтиб, бошини ўриндиқнинг орқа суянчигига ташлаган кўйи пишиллаб ухлаб қолди. Назар Фанининг боядан бери атрофга аланг-жаланг қараб, оғзига толқон солгандек индамай келаётса-да, у ёқ-бу ёқдан сўзлашгудек чоги борлигини сезди-ю, ўзи гап очди:

— Фани ака, шу сессиядан омон қутулганимдан кейин уйлансанм қалай бўлар экан?

— Жуда яхши бўлади-да, — деди Фани ясама камтарлик билан. — Қачон уйлансанг ҳам ўзим қўл қовуш-

тириб хизматда бўламан, карнай-сурнаю ҳофизларни менинг бўйнимга кўя бер, ҳаммасига биз тан, иним.

— Ортиқча дабдабага имконим йўғ-у, лекин шундай бўлсаям, яқин-орада кичикроқ тўй бериб юбор-самми, деб бош қотириб юрипман...

— Бундан чиқди, кўз остингга олиб юрган қизинг бор экан-да? — деди Фани йигитга синовчан назар билан қараб.

— Нима десам экан? Биттаси бор-у, лекин ҳозирча унга бу ҳақда оғиз очганим йўқ... Айтсан, йўқ демаса керак, деб ўйлайман ўзимча...

— Оббо, сен-эй, «қўй нўғойда, хашак тўқайдা», дегандай, ҳали қизнинг розилигини олмай туриб тўйдан оғиз очаяпсанми? Сен, аввало ёзги имтиҳонларингни яхшилаб топшириб ол, иннайкейин, қиз билан гаплашиб бир муомалага ке, сўнг уйингга хат ёзиб, онангдан рухсат сўра. Бу орада келин бўлмишнинг отонаси олдидан ўт, ана шундан кейингина тўй ҳақида бемалол оғиз очсанг бўлади...

Улар ўзаро гурунглашиб, Сирдарёга қандай етганларини ҳам сезмай қолишиди. Назар машинани таниш муюлишдан бураётиб, ёнида маза қилиб хуррак отаётган Султон акага кўз қирини ташлади-ю, негадир унинг тақдирiga ачиниб кетди. Ўзининг келажаги билан Султон аканинг ўтмишини хаёлан таққослади.

Уларни Назарга илгаридан таниш чўққисоқол, гирдигумдан келган одам илиқ кутиб олди.

— Султон полвон! Ҳо, Султонжон, тур энди, нима бало, биратула силланг қуридими, — дея Фани уни тирсаги билан туртиб уйғотди. Назар кабинадан тушиб, чўққисоқол билан омонлик-эсонлик сўрашаман дегунча Фани ҳам Султонни уйғотиб, уларнинг ёнига опкелди.

— Э-э, — дея чўққисоқол қўлинни кўксига қўйган кўйи Фанига қараб йўрғалай кетди, — отагинамнинг ўзлари кептилар-ку, қадамларига ҳасанот!

У Фани билан ҳам, Султон билан ҳам қучоқлашиб-үпишиб кўришгач, меҳмонларни ичкарига бошлади.

— Ўзингиз ишга бош бўп келганингиз жуда яхши бўпти-да, Фани ака, тоза мириқиб ўтирамиз энди, — деди мезбон, уларга қават-қават қўрпачаларда ўтиришга жой кўрсатар экан.

— Қани, қадам етди, бало етмасин... — деб Фани фотиха ўқигандан, ҳаммалари қўлларини юзига тортишиди. — Энди гап бундай, мулла Рустамали, bemalol ўтиришга вақтимиз йўқ, ишдаги одамлармиз. Нима атаган бўлсанг, борини шу ерга опкелавер. Агар йигитлардан бўлса, бизлар чой-пой ичаман дегунча юкни тушириб олсанг-у, кейин биз турсак.

— Э, Фанижон ака, сиз мени шу ўтирган жойингда ўл, десангиз ўлай, аммо меҳмон қилмасдан юбормайман... Энди, эртага азонлаб қайтасиз, — дея чўққи-соқол гинахонлик қилган бўлди-да, сўнг яна сўзида давом этди. — Фанижон ака, агар гапнинг пўсткалласини айтсам, юк туширадиган шоввозлар кечга яқин, яъни ишдан кейин келишади...

Фани чойдан хўр-р эткизиб бир ҳўплади-да, ёнида ўтирган Султонга шама қилиб:

— Эллик грамминг бўлса-ю, аямай қуйиб берсанг, шу ердаги йигитлардан ортадиган иш борми? — деди.

— Арақдан бўлса опкелавер, жўра, — деди Султон уҳ тортиб, — юкинг қочиб қаёққаям борарди? Машинадагини Назар икковимиз бирпасда эплаштириб ташлаймиз...

— Хўп бўлади, — деб гирдигум ташқарига ютургилаб кетди-ю, кўп ўтмай иккита шишани қўлтиғига қистириб келди.

Нари-бери овқатланишиб, қиттай-қиттай отишгач, ҳаммаси ташқарига чиқишиди. Рустамали дарвозасининг бир табақасини ланг очди-да, ҳовлидаги супанинг шундоқ ёнидан жой кўрсатиб:

— Ҳей, мана бу ерга устма-уст яхшилаб тахлаб қўяверинглар, бизни Фанижон билан гаплашадиган гапимиз бор, — деди Султон билан Назарга буйруқ оҳангига. «Авалги келганимда-ку, атрофимда гирдикапалак бўлиб, мени ўтқизишига жой тополмасди, энди

хўжайиннинг олдида парвона бўлишини бунинг», дея хаёлидан ўтказди Назар ва уни бирдан гап билан силтаб ташлади:

— Рустам ака, сизга юк керак бўлса, марҳамат қилиб тушириб олинг, мен қўлимниям урмайман!

— Мулла Назар, хў-ўй, мулла Назарвой, қани, бу ёққа келинг-чи, — деди бир четда тишини чуқалаётган Фани, гирдигумнинг гапиришига фурсат бермай. Назар унинг олдига келгач, қулоғига энгалиб аста шивирлади:

— Иним, сен бир четда ҳа-ҳа, деб турсанг бўлди, анови пиянистанинг ўзи ташиб беради-ку. Ҳозир яна бир шиша вино опчиқтираман, ора-чорада отиб олиб, ўзи тушираверади.

— Фани ака, пияниста эмас, меҳмон-ку, у!

— Эҳ, болам, болагинам-ей, ҳали кўп нарсани тушунмайсан-да. Унга Сирдарёни биз билан бир айланниб келмайсизми, деганимда шу ишни мўлжаллагандим. Бўлмаса, у менинг қайси газагимга дори?

Назар бироз иккиланиб турди-да, сўнг ташқарида, машинанинг олдида ўтирган Султоннинг ёнига келиб, орқадаги бортни шошилмай очди. У четдаги яшикни азот кўтариб, индамасдан ҳовлига томон юрган эди, Султон ҳам битта яшикни олди-ю, гандираклаганча унинг орқасидан кетди. Улар шу тариқа кузовни қўлетар жойгача яшиклардан бўшатишгач, Султон чўнтагидан сигарета олиб тутатди, «перекур», деб четроққа чиқди.

— Менимча, бўёқ бўлса керак, — деди у ёнига келиб чўнқайган Назарга қараб. — Ҳайронман, уларга шунча бўёқнинг нима кераги бор экан? Бу ерда на магазин, на омбор бўлмаса...

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди Назар бепарвонлик билан.

— Сенингча, ҳаммаси неча яшик?

— Бир юз йигирматача бордир-ов.

— Сиртидаги ёзувлари қайси тилда эканини билмадим-у, лекин ҳар ҳолда чет элнинг молига ӯхшайди.

Назар инглиз тилини билмаса-да, лотинча ҳарфларни оз-моз танирди. У ўрнидан туриб, «ҳозир аниқлаймиз» дегандек, кузовга сакраб чиқди ва яшиклардан биридаги ёзувларни ичидә ўқий бошлади. Бироқ, «тара», «нетто» деган сўзлардан бошқа ҳеч нимага тушунмади.

— Нима деб ёзибди? — сўради Султон қўлидаги сигаретани бир четга улоқтиаркан.

— Оғирлиги қирқ кило, — жавоб берди Назар.

— Оғирлигини билиш учун саводнинг кераги йўқ, кўтариб кўрсанг бўлди-да. Қаердан чиққан ва нархи қанча эканини ёзмабдими?

— Бу ҳақда ҳеч гап йўқ, — деди Назар ёзувни тушунолмаганини яшириб.

— Унда, сен юқоридан узатиб тур, бирпасда туширамиз-қўямиз, — деди Султон. У шундай деди-ю, Назар пешма-пеш узатаётган яшикларни ҳовлига чопқиллаб таший бошлади. Улар машинадан охирги яшикни олаётганларида Фани «ҳорманглар», деб тиржайганча келди.

— Баракалла, азаматлар! Ана, «йигит келса ишга, қари келса ошга», деб шунга айтадилар-да. Бошқа одамнинг нима кераги бор, шу икки азамат бирпасда эплайди десам, Рустамали гапимга ишонмай, овқат тайёрлатишгаям улгурибди.

— Фани ака, шу бўёқлардан бир яшигини сотмайсизми? Қайнотамга жуда зарур эди-да. Улар кекса одам, магазиндан олгани билан уйига етказиши қийин, шу таътилда деразаю эшикларини бўяб бериб кетсам, савобга қолармидим...

— Султонжон, энди бу ёғини мулла Рустамали билан келишиб кўраверасиз. Мол биззи ихтиёрдан кетди, — деди Фани тилла тишлирини кўрсатиш учун атай илжайиб.

— Сиз айтсангиз, йўқ демас-ов?

— Ҳозир сўраб кўрамиз, — деди Фани ва ҳовли томонга қараб товуш қилди: — Ҳей, Рустам! Рустамали!

— Лаббай, отагинам! — дея гирдигум ўша заҳоти ёнларида ҳозир бўлди.

— Султонжон сиздан бир яшик бүёқ сўраётир. Ке, агар мени хурмат қилсанг, йўқ демай берақол.

— Хўп, ака, сиз сўраганингизда бизнинг йўқ деган жойимиз борми? Лекин, нархи Тошкентдагидай бўлмайди-да, энди...

— Неча сўм? — сўради Султон.

— Одамлар бунинг бир яшигини олтмиш сўмдан ялиниб опкетади. Сен бўлсанг, ўзимизнинг одамсан, бунинг устига, Фани акам ўртага тушгандан кейин... Шунинг учун, майли, эллик сўм берақол...

Султон индамасдан чўнтағидан бир пачка бир сўмлик чиқарди-да:

— Ма, манавидан ўзинг санаб ол, — деди.

Рустамали қўлидаги яп-янги пачкани бузгиси келмай, бироз ўйланиб туриб:

— Султон ака, айтган жойингизга, балки бир яшик етмас, агар маъқул кўрсангиз жуфт қила қолинг. Бу сабилнинг ранги ҳар хил бўлади, мабодо етмаса, яна шу рангдан топасизми-йўқми... — деди.

— Майли, — рози бўлди Султон.

Рустамали шу гапдан сўнг пулни чўнтақка урди-ю, ўзи югуриб бориб ичкаридан икки яшикни навбатманавбат опкеб, машинага жойлади. Кейин кафтларини бир-бирига шап-шап уриб, обдан қоққан бўлди-да, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Сиртдан унинг ҳаракатларини кузатиб турган Фанининг бирдан ранги ўзгарди. Шу топда хаёлидан: «Рустамали мендан бир юз йигирма яшикни уч мингга олиб, икки бараварига пуллар экан-да. Бу қандай инсофсизлик?» деган шубҳали ўйлар ўтган эди.

Улар дастурхон атрофида анча вақт чақчақлашиб ўтиришгач, Фани Рустамалини, гап бор, деб қўшни хонага аста олиб чиқди. Нариги хонадан дастлаб шивир-шивир, сўнг қаттиқ бақиришган овозлар эшитилди. Икковининг ниманидир келишолмаётгани аниқ эди.

— Агар заррача ор-номус, виждонинг бўлса, устига яна икки минг қўш! Ахир, биз тез-тез муомала қип

турамиз, кўп олиш-бериш қиласиз ҳали, — дерди Фани овози қалтираб.

— Жон ака, агар тириклай теримни шилиб олмасангиз, бошқа бир тийиним ҳам йўқ. Агар бўлса, сиздан аяган вақтим бўлганми, отам, — дерди Рустамали қасам ичиб.

— Ўзинг ўйла, ҳаммаси инсоф билан бўлиши керак-да. Мен бояги уч мингни акт тузганларга бўлиб берсам, ўзимга домонаям қолмайди-ку? Ҳали юкни опкеган анави болаларгаям ҳақини тұлашим керак. Йўқ, мулла Рустамали, бунақада савдомиз чиқишмайди, — дерди Фани оёғини тираб.

— Хўп, мен қўни-қўшнидан бир амаллаб беш юз топиб келаман, бундан ортиқ сариқ чақаям беролмайман. Агар қўнмасангиз, на чора, молингизни қайтариб опкетаверасиз, — дерди Рустамали бўғилиб.

Улар алланимага келишгандай, қайтадан шивиршивирга ўтишди, бироздан кейин икковининг ҳам ранги ўчиб, сир бой бермаслик учун зўрма-зўраки илжайган кўйи меҳмонлар ўтирган хонага кириб келишди. Ҳақиқий қиёфасини яширишга қанчалар уринмасин, уларнинг феъли шерикларига отнинг қашқасидек маълум эди.

Назар машинани ўт олдиргач, «юраверайми» дегандек Фанига қараган эди, у қўли билан «тўхта» ишорасини қилди. Охири, сабри чидамади шекилли:

— Бир-икки сигнал бер! — деб бақирди.

Назар устма-уст сигнал босавергач, ниҳоят, ичкаридан ўн-ўн икки ёшлар атрофидаги бола чиқиб, газетага ўрголиқ алланимани Фанига узатди-да:

— Отамни касалхонада ётган аммам чакиртирган экан, шунга бормоқчи бўп турибди, — деди.

— Ҳайда! — деб қичқирди Фани қизариб. — Бундай савдогарнинг ўзиниям, аммасининг ҳам уйи куйсин!

Йўлда, то Султон билан учрашган ресторонга етгунча, ҳеч ким миқ этиб оғиз очмади. Қош қорайиб бормоқда эди, рестораннинг рӯпарасига келганда Султон уларни уйига таклиф қилди-ю, лекин бир шарти борлигини айтди:

— Мен боламнинг олдида арақ ичмайман, шунинг учун уйдан бир тишлам нон еймиз-у, сўнг ресторонга келиб ўтирамиз.

— Йўғ-э, Султонжон, уйга тезроқ бормасак, болачақа хавотир олади, рухсат берсангиз, биз йўлдан қолмасак, — деди Фани ялиниб.

— Мен сизларга ўғлимни кўрсатаман, майли, кўрманасиям ўзимдан бўлади, яхшилаб бир отамлашайлик! — деди Султон уларни кўндиришга уриниб.

Яшикларни уйга туширишгач, Султон ичкаридан бир қўлида нон, бир қўлида боласини қутариб чиқди.

— Оспанжон, қани, манави сарт тоғангга бир салом бер-чи, ҳа, ассалом де... Маладес, энди қорақалпоқ тоғангаям салом бер... — деб у ўғилчасининг ўнг қўлидан ўзи ушлаб, меҳмонлар билан бирма-бир саломлаштириди.

— Катта йигит бўл, — деди Назар овозини чўзиб.

— Ота ўғил-да, ота ўғил, баракалла, — деди Фани боланинг юзидан ўпиб.

Нондан бир тишламдан ейишгач, Султон уларнинг йўқ дейишига қарамасдан кабинага ўтириб олди-да, «мен меҳмоннинг қадрига етмайдиганлардан эмасман», деб ресторанга бошлади. Официант уларни очиқ чеҳра билан кулимсираб қарши олди ва хизматингизга тайёрман, дегандек таъзим қилиб, ўтиришга жой кўрсатди.

Учаласининг ҳам негадир ўтиришга ҳуши йўқдек эди. Султон аллақандай норози кайфиятда, Фани эса тез-тез соатига қараб кўярди. Назарнинг ҳам безовталаниб тезроқ йўлга тушишга ўшилаётганинг сабаби бор эди: у бугун соат кечки саккиз яримдаги спектаклга Лолани

таклиф қылғанди. Фани билан Султон бир рюмкадан ичишгач, мезбон күлини ҳавога асабий күтарди-да:

— Мен яқунловчи сұз айтмоқчиман, — деди. — Мана, бугун ўғлимнинг туғилған кунини нишонлаш баҳонасида сизлар билан танишдим, ажайиб дүстлар орттиридим. Ҳар оқшом, агар, инсонга бугунги кунини ухлаш олдидан сархисоб қилиши учун берилған бұлса, бу кеч менга чексиз қувонч ва қайғу келтирди. Қувончим шуки, мана, Назардек иним билан танишдим; унинг қалби тоза, ҳалол йигит эканини сезиб, ўғлимга тулингандың ақа қилмоқчиман... Хафалигимнинг сабаби, шундай ҳалол одамнинг Фанига үхашаш муттаҳамга эргашиб, үз йигитлик номига дөғ тушириб юрганини күрганим, шунга ўзимнинг ҳам тирик гувоҳ бұлғанимдир. Иним, сен бу нопок ишдан қанча тез воз кечсанг, ўзингта шунча фойдалы бўлур эди... Боя савдогарнинг уйида улар бир-бирини қандай ҳақорат қылғанининг гувоҳи бўлдик... Бундай одамлар нул учун ота-онасиниям, бола-чақасиниям ҳеч иккиланмай сотишдан тоймайди. Иним, агар сен яна бир-икки йил Фанининг тарбиясими олсанг, ҳозирги кунингдан ҳам бешбаттар бўласан... Шунинг учун, юракка эндигина туша бошлаган дөғни ювиш ҳам осон, ҳам фойдали, мабодо, у каттариб, мадда бойлаб кетса, юрак тугул, бутун танангни чиритиб-иритиб юборади...

Фани ўрнидан турмоқчи бўлган эди, лекин Султон қўли билан унинг билагидан омбирдай қисиб, қўзини бир олайтириб қараб, жойига ўтқизиб кўйди.

— Фанивой, агар сен ўлишга жуда шошилаётган бўлсанг, боравер, — дея Султон боягидек хотиржамлик ва осойишталик билан гапида давом этди. — Мен шу қадаҳни, бугунги қайғум учун күтараман. Яъни, кўнглимни ранжитган, алгов-далғов қылған кимсаларнинг орамиздан тезроқ йўқ бўлиши учун ичаман. Илоё, уларнинг топған-тутгани оғзи-бурнидан чиқиб, боласига буюрмасин!

Султон қўлидаги қадаҳни даст күтарди-ю, бир нуқтага тикилғанча жимиб қолди. Орадан бир фурсат ўтгач, уйқудан сакраб уйғонгандай бошини күтариб:

— Ана, энди оқ йўл! — деди. Унинг мулойим боқиши Фанининг чўккан кўнглига бироз таскин бергандек, чехраси ёришди.

— Ана холос, сизга кун бўйи ҳамроҳ бўп, бир дастурхондан таом еб, охирида сўкиш эшитиб кетарканмиз-да? Кўрамиз! Ҳозир акт тузиб, гуноҳсиз кишини жамоат ичида ҳақорат қилганинг учун милиция олдида жавоб берасан! — деб қичқирди Фани ўрнидан шаҳд билан тураркан.

— Чақир милициянгни, — деди Султон хотиржамлик билан, — кўрайлик-чи, кимни айбдор қилас экан... Э, милициянинг нима кераги бор, сенга ўзимнинг ҳам кучим етади-ку... — деди-ю, ўрнидан туриб Фанининг шартта ёқасидан олди. Агар Назар ўртага тушиб, орага кирмаганда, Фанининг бўгилиб ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди.

— Тур, йўқол! — деб бақирди Султон Фанига еб юборгудек қараб, — ҳалиям орада манави бола борлиги учун омон кетяпсан. Устюрга қўлимга тушганингда, сенга ўхшаганнинг кўзини мошдай очиб қўярдим.

Фани Назарнинг қўлидан судраб, эшикка яқинлашай деганда орқаларидан Султон етиб келди-да, йигитнинг кўзига тик қараб:

— Ҳей, Назар, менга қара, шу бугундан бошлаб унга эргашганингни қўрсам, бўйнингни суғуриб оламан. Буни мастиликда айтди-қўйди-да, деб ўйлама, автобазанинг номери эсимда, Тошкентда мен билмайдиган тешик йўқ, уқдингми? — деди пўписа қилиб.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Назар Фанига бир ярим минг сўмни қуртдай санаб бериб, унинг ошнаси ёрдамида ёзги имтиҳонларни топширди. У баҳолар дафтарчасии қалби қувончга тўлиб вараклар экан, Фанига қай тарзда миннатдорчилик изҳор этишни билмасди. Нақадар саховатли, нақадар

камтарин инсон у! Назар унинг ўз ҳамёнидан беш юз сўм қўшиб кўрсатган ёрдамини кўз олдига келтирас экан, беихтиёр отаси Тўрабой ёдига тушди. Ҳатто, отаси ҳам бундай ҳиммат кўрсалолмасди, у ўғлига гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қоларди: пора бериб ўқигандан кўра, овулга бориб мол боқ! Демак, у Фани акасидан бир умр миннатдор бўлиши керак.

У шуларни хаёлидан ўтказар экан, Фанининг ҳам, унинг ошнасининг ҳам қаллоблигини сезмаган эди: Фани ўз ёнимдан беш юз сўм қўшаман деб, қайтага, Назарнинг пулидан беш юзни чўнтағига уриб қолганди. Унинг ошнаси бир пайтлар институтда обрўли ўқитувчилардан бўлса-да, кейинчалик порахўрлиги ҳамда ахлоқи бузуқлиги сабабли ишдан ҳайдалиб кетган эди. У уйига Фани ёрдам сўраб келганда, аввалига унинг илтимосини рад қилди-ю, лекин ҳадеб ялинавергандан кейин эски касали хуруж қилиб, «бунаقا ишлар муллажириңгиз битмайди», деган эди. Фани ошнасининг сал юмшаганидан қувониб: «Унинг ўзи бир мусоғир бола экан, йиглаб олдимга келгандан сўнг бошқа иложим қолмади, минг сўмларча пулиям бор», деди. Собиқ ўқитувчи ундан жўрттага йигирма кун муҳлат сўраган эди. Ўзи ўша заҳотиёқ таниш ҳамкасларининг имзосини дафтарчага қўйиб чиқди-да, пулни олгандан кейин Фанига: «Фақат сиз учун бу ишга қўл урдим, аслида жуда галвали масала бу» деб, зачёткани қайтариб берганди.

Мана энди, Назар зачёткасидаги баҳоларга бирмабир тикилар экан, Фани акасигаям, унинг ошнасигаям соддадиллик билан чин юракдан раҳмат айтиб ўтирибди...

* * *

Уни пивонинг хумори тута бошлади. Шу яқин атрофдаги пивохоналардан бирига бормоқчи бўлди-ю, лекин «Falaba» боғидаги сўлим жойлар эсига тушиб,

фикридан қайтди. Чунки бу ерда пиво ичгандан кейин, йўл-йўлакай Лоланиям кўриб ўтса бўлади, ораси икки қадам йўл. Назар зачёткани тумбочка тортмасига солаётib, очилмаган хатга кўзи тушди. У бир пайтлар Гулжондан келган хат бўлиб, бола-чаقا ташвиши билан овора одам, энди ниманиям ёзарди, деб ўқимай тортмага ташлаб қўйган эди. Овулдошлари билан йилига бир марта учрашмайдиган йигитга, дам олиш кунида нима иш қилишини билмай, хаёли қирқ бўлиниб турган бир пайтда, бу мактуб яхши эрмак бўлди.

Назар каравотга чалқанча ётди-да, хатни авайлаб очиб, ўқий бошлади.

«Салом, Назар!

Мен бошимга тушган мусибатли кунлардан бирида туғилган уйимга биратўла қайтиб келгач, қутулдим. Овулда ҳамма соғ-саломат юрибди. Синфдошларнинг баъзи бирларигина овулда, қолганлардан бирори ўқишда, бирори ҳарбий хизматда. Мен уйдан чиқмаганим сабабли, уларни деярли учратмайман. Баъзан ўзлари йўқлаб келсагина, шундаям қисиниб-қимтиниб сўзлашганимни айтмасам, негадир кўпчилигининг бетига қарашга уяламан. Хуллас, овулдаги ёшу қарининг олдида тилим қисқа, уларнинг қўз қарашларидан ўзимга нисбатан гоҳида нафрат, гоҳида эса ачиниш туйғуларини ҳис этаман. Тавба, одам ҳатто ўз уйида ҳам баъзан бегонадек сезаркан ўзини, Назар!.. Менимча, инсон учун дунёда бундан ҳам ёмонроқ кўргилик бўлмаса керак? Яқинда уйда қамалиб ўтиравермай деб, ўтоқча чиқдим. Ҳисобчи, ҳалиги биздан мактабни бир йил олдин тугатган Яхшимурот калта бор-ку, шу: «Сен ўзингга алоҳида эгат олиб ўташинг керак» деб, мени одамлардан четлатди. Мен ўроғимни шартта қўлимга олдим-у, келган йўлим билан фирра орқамга қайтдим... Уйда эса, онам (энди у икковимизнинг ҳам онамиз) билан ҳам муносабатимиз учча яхши эмас, тоза бошим қотиб қолди, ўз уйига сифмаган одамга дунёning қайси бурчагидан жой топилар экан, ҳайронман... Гоҳида

сенинг орқанғдан Тошкентта кетвортасынни, деб ўйлаб қоламан, биронта бошпана топилса, ҳам ишлаб, ҳам сиртдан ўқирдим. Отам менга қаттиқ гапирмаса-да, ичида ўлгудек ёмон кўришини биламан. Лекин унинг башарамни кўришга тоқати бўлмасаям, ўқишга юбормаслиги аниқ.

Гулжон».

Назар хатни ўқиб бўлгач кўзларини юмди-да, Гулжонни эслашга уринди, лекин унинг қиёфасини кўз олдига келтиролмади. «У мутлақо ўзгариб кетган бўлса керак, ҳозир қандай экан?» Назар бошини кўтариб, деворда осиглиқ турган календарга қаради. «Бугун ўнинчи август, демак, институтларда кириш имтиҳонлари бошланибди. Хат ёзиб, Гулжонни чақирсанмикин?» У хаёлига келган фикрдан қувониб, ўрнидан иргиб турди. Қизга хат ёза бошлаган эди, яна феъли айниб, апил-тапил кийина бошлади: «Ҳозир бир бокал пиво ичмасам, бугун ишим юришмайдиганга ухшайди...»

* * *

Август ойи бу йил Тошкентда одатдагидек иссиқ келди. Лекин барibir кўчага чиқсанг, шаҳар фиж-фиж одам. Музқаймоқ дейсанми, яхдек газ сув дейсанми, марҳамат, хоҳлаганингча топилади. Соя-салқин манзилгоҳлар навраста қиз-жувонлару йигитлардан бўшамайди. Назар шаҳар ўртасидаги хиёбонни бироз айланди, салқинлаб дам олиш учун кулайроқ жой қидирган эди, тополмади. Сўнг кўчанинг нариги юзига ўтди-да, киоскдан «Тошкент оқшоми» газетасини сотиб олди ва тепасига, «Гуллар» деб ёзилган кўчма дўкон соясида ўтириб, одатига кўра, тўртинчи саҳифадаги эълонларни ўқий бошлади. Кино, театр, цирк томошлари ни кўздан кечираркан, «Тошкентда таҳсил олаётган қорақалпоқ талаба-ёшлиаридан тузилган «Ойдин» ансамблиничг концерти бўлади», деган хабарга кўзи тушди. У, мана икки йилдирки, радиодан фақат сешанба

кунлари бериладиган қорақалпоқ күйларинигина эши-тар, бошқа томошаларга деярли вақти бўлмасди.

Назарида, кимдир уни чақиргандай бўлди. Атро-фига ҳарчанд аланглаб қарамасин, бирорта таниш чеҳ-рага кўзи тушмади... Ҳаммаси ўткинчи, нотаниш йўлов-чилар. У яна газетага энгашган эди, шундоқ ёнгинаси-да ингичка ва ёқимли овоз: «Назар», дегандек бўлди. Қараса, рўпарасида, ўзидан икки-уч қадам нарида, бе-лини билтанглатиб Лола турарди! У газетани апил-та-пил буклади-ю, мийифида кулиб, жувонга яқинлашди.

— Салом!

— Салом!.. Шунча чақирсам ҳам қарамайсан, қани, нима қиласкин, деб анчадан бери кузатиб турибман. Бунча паришонхотир бўлмасанг, Назар, — деди Лола ўпкалаб.

— Мен кўрмабман, кечир... — деди йигит газета билан елпинаркан. Унинг қуёшдан қорайган қизилма-гиз юзига қон тепиб, изза бўлгани тобора яққол се-зилмоқда эди.

— Ҳа, кўринмай кетдинг?

— Ёзги имтиҳонлардан йиқилиб қолгандим.

— Йиқилсанг ҳам, бирон жойинг лат емабди, ше-килли? — деда ҳазиллашди Лола.

— Кеча ишдан кейин сеникига кириб ўтмоқчий-дим, бўлмади...

— Кеча бормаганинг ҳам яхши бўпти. Уйга Чим-кентдан онам билан қизим келувди. Бугун кечга яқин жўнаб кетишади.

— Ҳозир қаерда улар?

— Онам у-бу оламан, деб дўконга чиқиб кетди, қизим шу ерда. Соат тўртда автостанцияда учрашиб, кузатиб қўяман.

Назар соатига қаради.

— Ҳали тўрт соат вақт бор экан. Юр, унгача бирга айланамиз, — деди Назар жувоннинг қўлтиғидан қўли-ни ўтказаркан. — Айтганча, кичкинтой меҳмонимиз қаерда?

— Ҳу, анави кафеда музқаймоқ еб ўтирибди.

Иккови очиқ ҳаводаги болалар кафесига яқинлашганда атрофига ётсираб, аланг-жаланг қараётган тұртбеш ёшлардаги қызча уларга ялт этиб үтирилди.

— Опа, қаерда әдингиз, музқаймогингиз совиб қолди-ку... — деди у лабини чүччайтириб.

— Мана, келдим-ку, жоним, — деди Лола қызчанинг пешонасидан үпаркан... — Мен Тошкентни яхши биладиган оғанғни топдым. У бизга әнг қызиқ ва яхши жойларни күрсатади. Қани, танишинглар...

Қыз хурпайиб, пастки лабини қимтиғанча жимиб қолди. Назар бурнини тортиб, қызчага құлини аста узатди.

— О, жуда яхши қизалоқ экан-да, бу. Менинг исмим Назар, сеники-чи?

— Гавҳар... — деди қызча ва яна лабини чүччайтириб олди.

— Айт-чи, нималарни күрмоқчисан?

Қизалоқ индамади.

— Кинога борасанми? Пақ-пақ отишма, Буратино — сабзи бурун, Чипполино... ҳм-м, — деб, Назар тилини тищлаб қолди. Унинг болалар қизиқадиган кинолардан билгани шулар эди.

— Кино биззи у ёқлардаям бор, — деди Гавҳар ерга қараб.

— Үнда, қаерга борсак экан? — деди Назар үзича ғұлдираб ва боланинг күнглини тополмаганидан хижолат бўлиб. Лола унинг аҳволини тушунди, шекилли, гапни илиб кетди:

— Гавҳаржон ҳайвонот боғини яхши күради, шундай эмасми, қизим? — деди жувон қизалоққа энгашиб ва юзидан чўлп этказиб үпиб.

— Мен ҳайвонот боғидаги маймунларни, айиқларни яхши кўраман, — деди Гавҳар Назарга үтирилиб. — Уйда каттакон кўзли айиқчам бор, үзи жуда ақсли-ю, лекин ҳеч гапирмайди-да. Опам үйинчоқ дўконидан оберувди...

— Демак, масала равшан, аввал ҳайвонот боғига, сўнг үйинчоқ дўконига борамиз, — деди Назар кафтларини бир-бирига шап-шап ураркан.

— Бўлмаса кетдик, мен музқаймоқقا тўйдим, — деди Гавҳар ва қўлидаги қошиқчани столга тақ этказиб қўйди.

Гавҳарнинг иккала қўлидан иккови ушлашиб, йўлдан такси тутишди-да, бирпасда ҳайвонот богига етиб келишди. Олдинда чопқиллаб юрган қизчанинг дастлабки ётсирашидан энди асар ҳам қолмаган, қайтага, тобора қулфи-дили очилиб бормоқда эди. Назар унинг битта саволига жавоб топаман дегунча, қизча бошқасини сўраб қоларди.

— Қўй, Гавҳаржон, бирпас жим юрсанг-чи, — деб Лола қизини койирди дам-бадам. — Ақлли қиз бўлатуриб, ҳадеб бемаъни саволлар беришга уялмайсанми?

— Майли, қўявер, сўрайверсин. Сўрагани яхши, — деди Назар кулимсираб, ҳар хил қушлар чуғурлашаётган қафаслар ёнидан ўтаётиб. — Демак, товуқларнинг оёғи иккита бўлсаям нега йиқилмайди, дейсанми? Мана, мисол учун, манави қафасдаги товуқ эмас, қирғовул... Қирғовулнинг оёғи иккита бўлсаям, юрганда йиқилмайди, мабодо йиқилиш хавфи туғилса, қанотларини силкитади-да, учади-кетади.

— Учиб қаёқقا боради?

— Уясига боради-да. Тўқайзорда қирғовулнинг юмшоққина уяси бўлади.

— Уясида онаси унгаям тухум пишириб беради, а?

Назар нима дейишини билмай, бир дақиқа ўйлашиб қолди...

— Онаси тухум пишириб берадими, айта қолсангиз-чи тезроқ? — деб уни баттар қистарди Гавҳар.

— Йўқ, онаси қўғирмоч қилиб беради, — деди Назар. У шундай деди-ю, эсига қўғирмоч тушганидан ўзи ҳам кувониб кетди.

— Энди, ўзингам роса чарчадинг шекилли, қизим. Қайта қолайлик, — деди Лола, қизининг устма-уст бераётган саволларидан Назарни кутқариш учун.

— Мен шу ерда қоламан, — деди Гавҳар ўжарлик билан, — биз Назар оғам икковимиз ҳали тулкиларни қўрамиз...

Улар қизчани зүрға алдаб-сулдаб, белгиланган вақтдан сал кечикиброк бұлса-да, бир амаллаб автостанцияга етиб келишди. Онаси үзини құярга жой тополмай, қизи билан набирасини құzlари тұрт бўлиб кутаётган экан. У Гавҳар билан Назарга эътибор ҳам қилмай, қизига бидиллай кетди:

— Фарзандингга етолмай, роса қўзинг учиб юрган экансан-да, а? Ўзингниям, униям аро йўлда қийнамай, опқолсанг ҳам розиман... Менам қариган чоғимда роҳатланиб, одамдай бўп дам олай. Сенларни шунча ундириб-ўстириб, энди ҳамма қатори одам сонига қўшилай деганимда, орттирганим — Гавҳарниң тирик етимлиги бўлди...

— Ойи! — дея қичқирди Лола аламига чидолмай, — бу таънаю маломатларингизни айтишга бошқа жой қурибмиди... Агар, шу норасидани боқиш сизга оғирлик қилаётган бўлса, майли, тақдиримдан кўраманда, болалар уйига топшириб юбораман. Ким нима деса, деяверсин!

Кампир гўё энди эсига келгандай, бир Назарга, бир набирасига жавдираб қараб, овозини сал пасайтириди:

— Сенга бақирмасам, кимга бақирай, чирофим? Кутакута қуйганимдан айттаётганим бу гапларни. Эмаса, тилгинаси булбулдай чулдираган қизимдан бўлак яна нима қувончим бор менинг? Автобусга олган чипта ҳам куйиб кетди, эндигиси қачон бўлади, билмайман...

— Чиптага кетган пулингизга ачинсангиз, шунинг аламини мендан олмоқчимисиз? — деди Лола гапни ҳазилга буриб.

Тўсатдан эсанкираб, нима дейишини билмай қолган кампир Назарга бошдан-оёқ қараб, синовчан кўз югуртириб чиқди. Унинг йигитга мулоим нигоҳ билан тикилишидан, «буниси анавинисидек нашаванд эмасга ўхшайди-ёв», деган маънони үқиши мумкин эди. Чамаси, Лола онаси Назар тўғрисида миқ этиб оғиз очмаган. Ахир, бевалигида қайси аҳмоқ хотин онаси билан ўйлашиб иш тутади? Назарниң фикрича, кампирниң кўз қарашларида ўзига нисбатан ҳам меҳри-

бонлик, ҳам аллақандай шубҳаланиш ифодалари акс этмоқда эди. У даставвал ўзини бироз ноқулай ҳис этди, сўнг вазиятни юмшатиш умидида тилга кирди:

— Она, сиз чиптам куйди, деб хафа бўлманг. Ҳайвонот боғида Гавҳарнинг кўнглига қараб, бироз ушланиб қолдик-да, бўлмаса вақтида келардик... Мен ҳозир навбатдаги автобусга чипта опкеламан.

Назар она-боланинг ёнига қайтиб келганда, кампир унга бошқатдан разм сола бошлади.

* * *

Шаҳарда тонг қандай отгани у қадар билинмайди: гўё шаҳар қуёшнинг эрталабки нурлари билан эмас, балки шовқин-сурон, аллақандай фала-ғовур таъсирида уйғонаётгандек. Назар партӯшақда роҳатланиб ётаркан, аллақачон уйғонган бўлса-да, кучогида пишиллаб ухлаётган Лолани безовта қилмаслик учун нафасини ичига ютиб, чуқур хаёлга толди. Хона осуда ва жимжит. Фақат аҳён-аҳёнда кўчадан вағиллаб ўтаётган машиналар шовқинидан дераза ойналари қаттиқ дигиллаб, йигитнинг хаёлларини тўзғитмоқда эди...

Назар билан бир хонада Хонкелди деган туркман йигит яшарди. Каравотнинг бош томонида кўҳликкина қизнинг рангли сурати осиғлиқ тураг, Хон (уни ўртоқлари шундай деб аташарди) ухлаш олдидан ўша суратга кўзлари толгунча тикилиб ётар ва эрталаб уйғонган чоғида ҳам анча вақтгача девордан кўзини узмасди.

— Назар, севган қизинг борми?

Назар ўзидан қарийб ўн ёш катта одамнинг кутилмаганда берган саволидан шошиб қолди, бор ёки йўқ дейишгаям уялиб, елкасини учирди.

— Демак, бор экан. Агар гапим тўғри бўлса, нега унинг суратини тепантга осиб қўймайсан? Манави йигитларга қарасанг-чи... — деб, у қўли билан хонадаги иккита бўш каравотга ишора қилди.

Назар гўё бу ерга биринчи марта келган одамдай, хона деворларини кўздан кечирди. Ўзиникидан бошқа

ҳамма каравотларнинг бош томонида таниш-нотаниш қизларнинг суратлари осиғлиқ эди. Қаради-ю, лекин улардан биронтаси кўнглига ўтиришмади. Ҳатто ҳинд кинофильмларидағи актисалару машхур Софи Лорен-нинг фотосурати ҳам унга мутлақо ёқмади.

— Менинг ҳам ... сурати бор, лекин ҳеч кимга кўрсатмайман уни, — деди Назар қовогини солиб.

Назар бироз иккиланиб тургач, ён дафтарчасининг орасидан суратни авайлаб олиб, Хонкелдига ийманнибгина узатди. У кичкина суратчанинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди-да:

— Худди бизнинг овул қизларига ўхшар экан, ҳасратида ўлсанг-да, дунёдан армонда кетмайсан. Ҳўш, исмини билсак бўладими? — деб сўради.

— Гулжон.

— Хат ёзиб турса керак?

— Йўқ, ёзмайди.

— Ие, шуям севги бўптими?

Назар яна елка учирди.

— У билан қандай танишгансан?

— Бирга ўқиганмиз... ўн йил.

— Қизингни кинога ёки сайри бофга олиб борганмисан?

— Бўлмасам-чи, — деди Назар, овулининг теваракатрофи бофга ўхшаса-да, кинотеатр йўқлигини яшириб.

— Назар, ростини айт, унинг юзидан бирон марта муччи олганмисан? — деб сўради Хонкелди, Гулжоннинг суратидан кўз узмай. — Агар тўғрисини гапиранг, охири нима бўлишини айтиб бераман.

— Йўқ, ўпмаганман, — деди Назар ёлғон гапиришга тили бормай.

— Ҳай аттанг, муччилаб кўриш керак эди, — деди Хонкелди бош чайқаб, — муччисиз муҳаббат — муҳаббат эмас! Илк бўса, шундай бир оташки, у, энг аввало, қизларнинг тақдирини ҳал қиласди. Назар ука, мендан хафа бўлсанг ҳам ихтиёринг, лекин Гулжонга етишолмайсан, жуда қийин...

Дераза ойналари машиналар шовқинидан қаттиқ-роқ зириллаганда, йигитнинг хаёли яна бўлинди. Кучо-фида эса Лола ҳамон пиш-пиш ухламоқда эди...

Назар ўрнидан оҳиста турди-да, секин энгашиб, Лоланинг юзидан «чўлп» этказиб ўпди. Жувон уйқусидан сакраб уйғонди. Йигит яна ўпмоқчи бўлиб интилган эди, Лола юзини четга бурди-да, нозланиб:

— Бўлди, жиннивой, кечаси билан меҳринг қонмадими? — деди.

— Ҳечам-да.

— Уйланганингда феълинг шу бўлса, асал оий ўтар-ўтмасданоқ шалпайиб қоласан. Ким билади, сенга қайси баҳтли қиз насиб этаркан. Умуман, сенга хотин бўлган қизнинг манглайи олти қарич очилади, Назар. Мен эса бўларим бўп, бўёғим синган аёлман. Агар, умримда кўрганларим сароб бўлиб чиқмаса, гапимга ишонавер... — Лола тўшакдан учиб туриб, Назарнинг бўйнига осилди. Йигитнинг аъзойи бадани яна жунбушга келиб, қўллари жувоннинг хипча белига чирмашганда, Лола ўзини олиб қочди.

— Бас энди, куёш кўтарилиб қолди, муҳаббат ҳам эви билан-да? Ишга бориб пул топмасанг, оч қоринга қуруқ куйдим-ёндимнинг ўзи ярашмайди.

Лоланинг шу сўзларидан кейин Назар ишга бориш кераклигини эслади, эслади-ю, негадир оёғи тортмади.

— Бугунча ишдан қолсам нима бўларкин?

— Сира мумкин эмас, Назар, боришинг керак.

— Агар мен уйланиб, тўй қилмоқчи бўлсам-чи?

— Кимга?

— Сенга.

Лола дастурхонга уннаётган эди, кутилмаганда бу гапдан тахтадек қотиб қолди, сўнг бошини қуи солиб, ошхонага чиқиб кетди...

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Назар талаба-қурувчилар ётоқхонасини тарк этиб, Лоланинг уйига кўчиб ўтганига ҳам уч ой бўлди. У ёзги сессия пайтидаги қалбаки баҳолари учун инсти-

тутдан ҳайдалган эди, аммо бу ҳақда ҳеч кимга чурған этиб оғиз очмади. Негадир Фани акаси ҳам унга бурунгидай ҳадеб махфий топшириқлар беравермас, ҳатто у сўнгги кунларда шунчаки салом-алиқдан нарига ўтмайдиган бўлди. Фанининг хатти-ҳаракатларида содир бўлган ўзгаришни фақат Назар эмас, балки бирга ишлайдиганларнинг ҳаммаси анчадан бери сезиб юришар эди. У ҳатто, Назарнинг уйланиш шарафига ўтказилган камтарона ўтиришга ҳам бормади. Тўйдан кейин Назарнинг «ҳеч қурса, уйдан бир пиёла чой ичиб кетинг», деган таклифига ҳам аниқ жавоб қилмай, «насиб этса, борармиз», деб қўйди.

Йигитнинг у ёқ-бу ёқдан қисиниб-қимтиниб жамғарган пуллари янги рўзгор кам-кўстига сарфлангач, бора-бора келин-куёв харажатдан анча қийналиб қолишиди. Икковининг ойлиги оила тебратишга учма-уч етарди-ю, лекин Назарнинг қўлига пул тушгудек бўлса, уй жиҳозларини бир сидра янгилаш мақсадида хўжалик буюмлари дўконига қатнагани қатнаган эди. Лоланинг бундай исрофгарчиликдан қаттиқ норози бўлиб айтган сўзлари, авраб-авайлаб қилган насиҳатлари — муҳаббат ва янги оила қувончи сабаб босар-тусарини билмай қолган йигитнинг у қулогидан кирса, буни-сидан чиқиб кетар эди. Охири, Лола кутилмагандан бошига қўнган баҳт қушининг тўсатдан учеб кетишидан чўчидими ёки хаёлига бошқа бир ўй келдими, ишқилиб, Назарнинг барча инжиқликларига бўйсуниб, кўзи ўрганиб қолган мебелларини алмаштиришга — дўкондан янги диван-каравот, гилам ва буфет олишга розилик берди. У эски мебелларини комиссиян дўконига арzon баҳога топширди. Дастреб янги оила-нинг дастурхони мўл бўлса-да, бора-бора ойликка тақалган сўнгти уч-тўрт кунда картошка шўрва билан қаттиқ нонга қаноат қилишга тўғри келарди. Шундай пайтларда Назарнинг эсига «четдан» келадиган аввалги жарақ-жарақ пуллар тушар ва: «Менга айтишнинг иложини тополмай юрган бўлмасин тағин?» деган ўйда, Фани акасининг атрофида гирдикапалак бўлиб

қоларди. Фани акасидан эса, оғзига толқон солиб олгандаид, миқ эттан садо чиқмасди. Оиладаги етишмовчилек сабабли хуноби ошиб юрган Назар, бир куни ундан ёзги имтиҳонлардан йиқилганида берган пулини сұрады. Фани ўзи айбдор бүлгани учун йигиттинг күзига тик қараёлмай, бошини қуи солганича узоқ жим қолди.

— Иним, ўша зормандан сұрашга қайси бетинг чидади? — деди у паст овозда, зұрға бошини күтариб.

— Ие, нега энди зорманда бұлади? — деди Назар бирдан тutoқиб. — Мен уни ўз меҳнатим билан топғанман-ку?

— Пул деган нарса, инижоним, күзни ўйнатгани билан, ҳамма вақт одамга дүст бұлавермас экан, — деди Фани ака чуқур уф тортиб. — Уни сен меҳнат билан құлға киритдингми ёки күчадан топдингми, барабири, ортиқча мол-дунё — одамга душман, деган гап бор. Пулнинг касридан менинг ўша қадрдон оғайним ҳозир қаерда ўтирганини биласанми, ўзи?

— Қаерда? — деб сұради Назар ҳайрон бўлиб.

— Икки йил озодликдан маҳрум этилиб, бола-чақасини чирқиратиб, одам бандасининг оёғи етмайдиган... ёқларда...

— Ҳм-м, — деди Назар пулини сұраганига хижолат чекиб. — Бундан ҳечам хабарим йўқ, Фани ака. Ўзингиз айтмаганингиздан кейин қайдан билай? Маънисини энди тушуниб турибман.

— Тушунган бўлсанг, ука, энди ўзинг омон қолганинггаям шукр қиласавер. Қонунни мендан яхшироқ биласан, жиноят кодексида «олган ҳам айбдор, берган ҳам айбдор», деган пункт бор...

— Кечиринг, Фани ака, — деди Назар изза бўлиб. Бошини қуи солди. — Мен азбаройи иложсизликдан, пулга муҳтож бўп қолганимдан сұрагандим... Оила тебратиш оғир бўлар экан, шу кунларда жуда қийналиб кетдик. Аввалгидек Сирдарёга бориб қеладиган ишлар ҳам ўз-ўзидан...

— Ҳа, айтганча, Сирдарёдаги ишлар тұғрисида сен-га шипшитиб қўйиш хаёлимдан күтарилаёзиди: мабо-до бирор киши қаерга, нима обординг, кимга топ-ширдинг дегудек бўлса, оқ тужа кўрдингми — йўқ. Ту-шундингми, акс ҳолда, аҳвол чатоқ. Ҳалиги Рустам-али деган муттаҳам кўлга тушибди. Унинг феъли ўзинг-га маълум, сал қистовга олса, икковимизни сотиб юбо-ришдан тоймайди. Демак, сен ҳам, мен ҳам бундан бу-ёғига эҳтиёт бўлишимиз керак.

Фанидан кутган умидиям пучга чиққандан кейин «ишонганим сен бўлсанг, кўрган куним не кечар», дегандай, Назар уйига кайфи тароқ ҳолда кириб борди. Зинадан юқори күтарилаёзиди, хаёли шу қадар чува-лашиб кетдики, оёқлари чалишиб, ўзини идора қи-лолмай қолди. У шартта ортига бурилиб, чўнтағидаги охирги беш сўмга пиво ичмоқчи бўлди-ю, яна фикри-дан қайтди. Лоладан яшириб шунча ичганим ҳам етар, оила қуриб, бир ёстиққа бош қўйгандан кейин бир бурда нонниям ўртада бўлиб ейишимиз керак, деган хаёлда эшикни очди... Худди томдан тараша тушган-дай, ичкарида Муптилла билан Ҳасан унга пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум! — Назар шундай деди-ю, бир-дан кўзларига ёш қалқиди. Улар бир-бири билан қутоқлаша кетишиди, бу орада Муптилла кўзларини бир неча бор енгига артиб ҳам олди. Ўзаро ҳазил-хузуллардан сўнг ҳаммаси дастурхон атрофига ўтиришиб, овулда-ги янгиликлардан сўраб-сuriштиришиди. Лола ошхон-нада елиб-югуриб овқатга уннар, уйда нима бўлса, ҳаммасини дастурхонга тўкиб солиш билан овора эди. Эшитадиган одам топилса, эринмай сўйлайверадиган Муптиллага тоза худо берди.

— Вой-бўй, Тошкент деганинг роса учи-қуйруғи йўқ экан-ов! — дерди у, шаҳардан олган дастлабки таассуротларини ичига сифдиролмай. — Бунақа шов-қинда миянг айнимай, яна ўқиб юрганингга қойил-ман, Назар. Киноларда осмонўпар уйларнинг бир-би-рига мингашиб турганини кўрганимда, буларнинг бари

ўтирик бўлса керак, деб ўйловдим. Энди эса, ё астаг-фируллоҳ, тавба деб, ёқамнинг ўн жойидан ушлаб гапирай, ўзим шундай уйнинг ичидан ўтирибман. Бизнинг Хўжайли билан Нукуснинг икки қават дегани, бу ерда товуқقا катак бўлишгаям ярамасов-а? Эй, яна ким билади?..

Муптилланинг гапига Ҳасаннинг ичак-силласи қотиб:

— Буниси ҳолва, Муптилла оға, ҳали насиб бўлса, уч қаватли дўконгаям борамиз. У ерда зинапояга сал оёғингиз тегса бўлди, ўзидан-ўзи юқорига опчиқиб қўяди, — деди.

— Ё астагфируллоҳ! — деди Муптилла ёқасини ушлаб. — Йўлда одамни йиқитмайдими, ишқилиб?

— Ушлаб турмасангиз, албатта йиқилиб тушасизда, — деди Ҳасан, сўнг ўрнидан турди-да, столнинг бурчагига қўлини тираб, қандай ушлаш кераклигини кўрсатди.

— Э, ундей бўлса қўй, қарофим, мен ўша дўконга бормаёқ қўяқолай, бунинг устига, тунов куни эшакдан йиқилиб, бир ёнбошимни ҳалигача ололмай юрибман. Айтганча, эсимга тушгани яхши бўлди, манави болага кун бўйи зор қақшасам-да, сира тушунтиролмадим. «Бу уйда ёнбошлаб ўтиришнинг иложи борми?» — десам, у мени масхара қилиб, шаҳар тартиби ўзи шунаقا — ё столда ўтириб ёки тик туриб овқатланасан, бўлмаса келин, қайноғаларим худо урган жайдари экан, деб устимиздан кулади, дейди. Ростини айтсан, болалар, ҳозиралар манов нарса ёнбошимга тошдай ботиб турибди.

Назар бирдан пиқ этиб қулди-да:

— Ҳозир, Муптилла оға, ҳозир ерга кўрпа тўшаймиз-да, столни йифиштириб қўйиб, худди овулдагидай ёнбошлаб ўтирамиз, — деди.

— Барака топ, иним, — деди Муптилла ўша заҳоти ўрнидан туриб, — шундай қил, чордана қуриб ўтириб, ичмаган чой — чойми? Майли, ёнбошламаёқ қўйяй, анови қофоз деворинг йиртилиб-нетиб кетса... Бизларни деб, яна ҳамсоянг билан жанжал ортгириб юрма.

Стол ошхонага чиқарилиб, ерга күрпача солингдан кейин, Муптилла ўзини эркин ҳис қила бошлади.

— Болалар, нима десам экан, агар келиндан уят бўлмаса, озроқ наша еб олсам...

— Нега уят бўлар экан, Муптилла оға? — деди Назар буфетдан пиёлани олиб бераркан. — Аммо, буни қачон ўргана қолдингиз, авваллари бунақа одатингиз йўқ эди-ку?

— Э, нимасини сўрайсан, бир сафар сал шамоллабман шекилли, раҳматли Ниятбой табиб буюрган эди... Дастреб нафи тегар, деб оз-оздан ичардим, эндиликда сал канда қилсам, бошим фувлаб, мазам қочадиган аҳволга тушиб қолдим... Сизларга барибир, ҳозир анави жин теккан сувдан ичиб, вақтичоғлик қиласизлар-ку, мендан тортинмай қўяқолинглар, ичинг-у, лекин кўп эмас, кўп ичсаларинг сўкишиб қоласанлар.

Муптилла кўкнори солинган халтачасини очиб, оғзини курмаклай бошлади. Назар қайнаган сув опкелиш учун ошхонага чиқди-да, Лоладан кечирим сўраб, дастурхонга сарфланган харажатлар қаердан келганини аниқлади. У қўшнисидан ойликкача эллик сўм қарз олган экан.

— Улар ҳали бир-икки кун меҳмон бўладиганга ўхшайди, аксига олиб, жойнинг торлигини айтмайсанми, — деди Назар бошини қашиб. Лола ошхона эшигини зичлаб ёпди, сўнг йигитнинг бўйнига оппоқ билагини ташлади-да, кўзларини ноз билан сузиб:

— Суюнчи берсанг, бир гап айтаман, — деди аста шивирлаб.

— Нима гап экан у?

— Аввал айт, суюнчиси бўладими?

— Айтақолсанг-чи, одамни мунча дилгир қилмай, суюнчиям гап бўлди-ю?

— Суюнчинг бўлмаса, барибир айтмайман... — деди Лола жўрттага қовоқ-тумшугини осилтириб.

Назар чўнтагидан фижимланган беш сўмликни чиқарди.

— Бори шуми? — деди Лола яна жүрттага тумта-йиб, — буни суюнчига бериб, эртага тушлик овқатсиз қолиб юрма, тағин? Чұнтагингта солиб құй. Мен учун эңг қимматли суюнчинг, лабларингни бир марта лабларимга...

— Аввал нима гаплигини айтмасанг, барибир үп-майман, — деди Назар ҳам үз навбатида үжарлық қилиб.

Лола йигитнинг кулогига лабининг учгинасини тегизиб, пичирлади:

— Бугун, пешин чоги, юрагимнинг остида яна бир мурғаккина юракча... типирчилай бошлади.

Назар аввалига бир лаҳза ҳанг-манг бұлиб турди-да, сұнг бирдан алланимани тушунғандек, Лоланинг пүрсиллаган лабларига лабларини босди... Улар бир дунё қувончдан териларига сифмай, узоқ вақт бир-бираға хумор бокишиганча типпа-тиқ туриб қолишиди.

Шу пайт ошхонанинг эшиги чертилиб, Ҳасаннинг боши күринди.

— Келинни худди бугун күраётгандек жимжит бүп кетдинг, жүра, — деди у ҳазиллашиб. — Мұптилла оғанинг сувга юборгани қачон эди...

— Ҳозир обoramан, — деди Назар краннинг жұмрагини буаркан. — Ҳасан, сувни үзинг опкетақол, мен овқатта қарашворай.

— Ҳұп, опке... Аммо, туришларинг шу бұлса, уйга келган одамни очидан үлдирасанлар-ов, дейман?..

Ҳасан косадаги сувни олиб, ошхонадан чиқди.

Назар Лолани қүчоқладаб, юзларидан үпди-да, меҳ-монларни жойлаштириш ва құнглиға қараşни яна бир қайта маслағатлашиб, совиткічдаги арақни олди-ю, Ҳасаннинг орқасидан ичкари кирди.

Меҳмонлар чанқоқларини қондириш учун бостириб-бостириб чой ичишгач, Мұптилла аста йұталиб, мақсадға күчди. Дастанхонга овқат тортилғач, Лола қозон-товоқларни йигиштириб, құшниникига чиқиб кетген зәнди.

Осиёнинг илтимосига күра, улар Назарни овулға олиб кетиши, агар бунинг иложи бұлмаса, ҳолидан хабар олиб,

онасига хат-пат ёзиб туришга күндириш учун Тошкентга келишган экан. Овулдагилар, гарчи Назарнинг ўқишдан ҳайдалганидан аллақачон хабардор бўлсаларда, лекин унинг уйланганини ҳозирча ҳеч ким эшифтмаган эди. Ҳасан қўлидаги эски манзил бўйича дўстини дараклаб, ётоқхонага борган ва у ерда Хонкелдини учратиб, Назарнинг уйланганини, ҳозир қайлиғи билан бирга яшаётганини билиб олибди. Агар, мабодо Хонкелди меҳмонларни шу ерга ўзи бошлаб келиб, «мана бу эшикдан кирасиз-да, юқорига кўтариласиз, фалон рақамли хонадон», демагандা эди, улар Назарни топишолмасди.

— Бу юртларда қизга қалин сўрамаслиги яхши экан, — деди Муптилла, азбаройи уйқуси келганидан эснаб. — Лекин «баҳоси арzon бўлса, қайнатманинг ҳам шўрvasи татимайди», деган гап бор...

— Қалин деган нарса ўртадаги даллоллар ўйлаб чиқарган балою офат. Агар, қорнинг ҳақиқатан сурнай чалаётган бўлса, шўрванинг пулинин суриштириб ўтирасанми, а? — деди Ҳасан Муптилланинг атай жигига тегиш учун. Яна бироз ҳазил-хузуллардан кейин Муптилла донг қотиб ухлаб қолди.

Ётишдан олдин Назар шивирлаб гап очиб, Ҳасандан Гулжонни сўради.

— Гулжон уйида, отасиникига қайтиб келди. Боя сезган бўлсанг, Муптилла гап орасида Ниятбой табибининг қазо қилганини айтган эди. Одамларнинг айтишига қараганда, у қайсиdir касални тузатаман деб, етти хил ўтни бир-бирига аралаштириб қайнатибди. Дори тайёр бўлай деганда сувидан озгина татиб кўрган экан, бирдан эс-хушидан айрилиб, икки кунгача ётган жойида у ёқдан-бу ёққа ағанайвериб, ўзидан-ўзи бақиравериб, охири қорнини тирнай-тирнай, қайтиш бўлти. Кейинчалик, шифокорлар унинг тайёрлаган «шифобахш» сувида беш хил заҳарли ўтни аниқлашибди...

— Гулжон роса қийналибди-да, шўрлик, — деди Назар чуқур уф тортиб.

— Ҳечам-да, сира билдирган эмас. Ҳатто азасига боришиям ўзига эп кўрмади. Қиз бечора онасининг раъйини қайтаролмагани сабабли, Ниятбойга теккани рост экан...

— Гулжон энди нима қилмоқчи?

— Анигини ўз оғзидан эшитмадим-у, лекин овулдаги узунқулоқ гапларга қараганда, Гулжон Тошкентга ўқишга келмоқчи-ёв, чамамда. Мабодо шу гаплар рост бўлса, ўзинг кутиб олиб, бирон юмушга жойлаштирасан...

— Нега мен кутиб олишим керак?

— Бу ёғи ўзингга ҳавола, менинг ҳам уйқум келяпти... — деди Ҳасан ва тескари қараб ётиб олди. Орадан кўп ўтмай, Мунтиллага қўшилиб у ҳам хуррак ота бошлади. Назар эса у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб, вақт алламаҳал бўлгунча уйқуси келмай ётди...

Энди у овулга қайси юз билан боради? Отасининг покиза тўшагини Қодир лампамойга булгатган онаси ни кўриш учунми? Хўп, онасини-ку «она» деб атай қолсин, лекин жини суймайдиган одамни отасининг ўрнига «отам», деб олдида бош эгиши, қўлидан қўшқуллаб олиши керакми? Йўқ, бу мумкин эмас, Назар бундай қилолмайди. Устига-устак, Гулжон билан ораларида бўлиб ўтган гаплар овулда ҳаммага маълум. Гулжонга етишолмадинг, деб ҳеч ким уни изза қилмайди, албатта, лекин қизнинг кўзига қараашга ўзининг бети чидармикин? Тақдирнинг фалати ўйинлари борда: висолига етишаман, чаросдай кўзларига тикилиб тонг оттираман, бу кўзлар қаъридан бир дунё маъно, ҳузур-ҳаловат топаман деб юрган суюклисидан айирди, яна буниси камлик қилгандай, уни тўппа-тўғри уйига олиб келиб, ўгай бўлса-да, ўзига сингил қилиб кўйди... Агар, онаси вақтида эс-хушини йифиб, Қодир лампамойга бошини қўшмагандай эди, Гулжон ўн эрдан чиқса-да, сира иккиланмай унга уйланарди. Энди эса, бу ҳақда ўйлашнинг ўзи катта гуноҳ... Ҳа, ҳа, тақдирнинг ҳали энг қизиқ ўйинлари балки олдиндадир?..

Йўқ, осмон узилиб ерга тушса ҳам, Назар энди овулга бормайди. Боролмайдиям! Муптилла билан Ҳасаннинг бекорга овора бўлгани қолади, холос.

Ҳар қалай, шундай бўлса-да, кўнглининг бир четида киндик қони тўкилган тупроқни соғиниш, унга талпиниш ҳисси ҳам йўқ эмасди. У кўпинча нимадандир юраги сиқилган чогларда, овулидаги шовуллаган тे-ракзорлару бепоён қирларни, шундоққина эшиги та-гидан жилдираб ўтадиган оқар сувларни эсларди. Дар-воқе, синглиси ҳам кап-катта қиз бўп қолгандир, ахир у ҳам келаси йили ӯнинчини тамомлайди-да. «Кела-жакда уни Қодир лампамойнинг қўлига қаратиб қўй-майман. Мутлақо! Ўзим ўқитаман уни», дея овоз чиқа-риб пицирлади Назар.

Азонда ҳаммадан бурун Муптилла уйғонди. У апил-тапил таҳорат қилди-да, қайси томон қибла эканини билолмай, ошхонани икки бор айланиб чиқди. Охи-ри, ёруғ тушиб турган жой экан-ку, гуноҳ бўлса ўзи кечирап деб, деразага тўғрилаб жойнамоз тўшади. Ҳар қалай, ошхона деразаси Фарбга эмас, балки Шарққа қаратиб қурилгани учун Муптилла гуноҳкор эмасди... У жойнамозни йифиширди-да, ётоқхонага ўтиб, Назар билан Ҳасанни уйғотди:

— Болалар, туринглар энди, насибаларингдан кеч қолманглар, — деб, иккаласининг елкасига галма-гал шапатилади.

Эрталабки чой устида гапнинг индаллоси айтилди. Назар овулдошларига, агар онаси Қодир лампамой-дан ажрашмайдиган бўлса, қайтиб юз кўришмаслиги-ни дангал айтди.

— Худди отангнинг қуйиб қўйган ўзисан, тфу-тфу, ишқилиб, тақдиринг ўхшамасин, бошинг омон бўл-син, — деди Муптилла. — Тўрабой ҳам бир марта оғзи-дан чиққан гапни қайтиб оғзига олмасди... Лекин, ини-жоним, ўқишинг тугаган бўлса, эркак кишига аёлнинг пинжига кириб, ичкуёв бўп ўтириш айб эмасми?

Назар мийифида кулди. Аммо у, негадир дунёдан ҳамон тоқ ўтиб бораётган мана бу найновнинг охирги

гапларидан ўйланиб қолди. Дарвоқе: «Эркак кишига аёлнинг пинжига кириб, ичкуёв бўп ўтириш айб эмасми?» Ахир, Муптилла ўз бошидан кечирган аламли кунларни эмас, балки эр кишига номуносиб ишларни дангал ўртага қўймаяптими? Назар «ичкуёв» деган сўзни аввал эшитган бўлса-да, энди шундай кўргиликка ўзининг ҳам дучор бўлганини ўйларкан, ақлини йўқотаёзди. У тобора гуссага ботиб борар ва ичидা, Лолани қай даражада севишини ўзича чамалаб кўрмоқда эди. Бироқ қанча уринмасин, тарозининг бир палласида Лола турса, иккинчи палласига қўядиган тошни тополмай, роса боши қотди. Охири, инсоннинг инсонга бўлган ҳис-туйғулари тош билан ўлчанмаслигига ишонч ҳосил қилган ҳолда, тарозининг иккинчи палласига илк севгилиси — Гулжонни қўйиб ўйланди. Во ажаб! Гулжон тарозига оёқ қўйиши билан, Лола томон бир-икки лопиллаб, аста-секин юқорига кўтарила бошлади, сўнг... кўздан фойиб бўлди! Демак, Гулжон турган томоннинг ўлчов тоши босим келди... Бироқ, Лоланинг ўзидан икки ёш катталигини айтмаса, эркак кишининг кўнглини топиш ва аъзойи баданига чўф солишда ҳеч бир жувон Назарни Лолачалик мафтун этолмас, Лоланинг бу жозибаси ҳеч қандай тарози палласига сифмасди...

— Муптилла оға, овулга (у, онамга деёлмади) бориб айтинг: мен ўйланган эмасман, мен... ўзингиз кўрган аёлнинг уйида ижарада тураман. Яна айтиб қўйингки, улар мен тўғримда сира ташвиш тортишмасин. Менга энди овулдан ёрдам ҳам, бирорнинг ғамхўрлиги ҳам керакмас. Мени ўз ҳолимга қўйишин...

Ҳасан бирпасда Назарнинг феъли ёмон айниб қолганини сезди-ю, уни юпатмоқчи бўлиб, гапни ҳазилга бурди:

- Ижарага неча сўм тўлайсан?
- Мендан пул олмайди, — деди Назар ичидан қайнаб келаётган ғазабини энди зўрга босиб.
- Э, бир ҳазиллашгим келди-да, жура, — деди Ҳасан, бехосдан дўстининг кўнглини оғритганидан қаттиқ аф-

сусланиб. — Ўзинг нима деган бўлсанг, овулга шуни етказамиз. Онанг шўрликнинг Назардан хат-хабар йўқ, деб йиғлаб-сиқтайвергани учунгина келдик бу ерга. Энди сен ҳам ишдан қолма. Лоланинг қўнглини ҳам чўқтирма, бизлар Тошкентни ўзимиз томоша қиласкерамиз. Овулга қайтадиган куни яна уйингга бирров кириб ўтамиз.

Лола ошхонадан туриб уларнинг гапини эшиштан бўлса керак, чопқиллаб келди-да:

— То ишларингиз битгунча шу ерда тураверинглар, кўнгил кенг бўлса жойнинг торлиги билинмайди. Меҳмонхонада манави отамиз қийналиб қолади, — деди очиқ чехра билан.

— Бизларнинг борадиган жойимиз ҳали кўп, — деди Ҳасан Лолани хотиржам қилишга уринаркан, — ишимизни битирсак, яна албатта, келамиз.

— Эртами-кеч, қайд вақт бўлсаям, ўз уйингизга келгандай бемалол келаверинглар, — деди Лола чиройи яна очилиб, — мен отамга ҳали Тошкентча норин қилиб бераман!

— Меҳмонхонагаям бир бориб кўрсин, уй ҳамиша тайин-ку, — деди Назар Лолага ёмон олайиб қараб. Лола ортиқча бир сўз ҳам демай, тилини тишлаганча ошхонага чиқиб кетди.

— Ҳасан, қарогим, келин айтган норин мабодо ичак-қорин бўлса, учиниб-нетиб юрмай яна. Шундогам икки кундан бери ичим гўлдираб турибди, агар яна келадиган бўлсак, ўзинг бир амаллаб тушунтирасан, — деди Муптилла чопонини елкасига ташларкан, инқиллаб.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Меҳмонлар шу кетганча Назар билан хайрлашмай жўнаб қолишиди. Муптилланинг, айниқса, муштдайлигидан бирга ўйнаб-ўсган Ҳасаннинг бу қилифи Назарга оғир ботди. У ўзи туғилиб-ўсган овулинин нечоғлик қўмсамасин, аммо у ёқقا боришнинг энди сира

иложи йўқ. Онаси ва синглиснинг дийдорига етиш ҳақида ўйласа, дунё кўзига қоронғи кўриниб, ўша куни-ёқ йўлга отланишга чоғланарди-ю, яна алланималар эсига тушиб, ич-ичидан эзилиб, фикридан қайтарди. Бунинг устига, Тошкентдай пойтахт шаҳарга катта мақсад билан келган эди, эндиликда шу ёлғиз нияти ҳам саробга айланди. Унинг институтдан ҳайдалгани тўғрисида деканат қарори ҳам аллақачон тайёр бўлган бўлса керак...

Лекин у ёз бўйи институт остонасига қадам босмади. Шаҳарда курсдошларига дуч келган пайтларда эса, уларга нима дейишни билмай, «бошимга оила ташвиши тушди», «академик таътил олмасам аҳвол чатоқ», деб, қип-қизил ёлғон сўзлашга ҳам ажабтовур кўни-киб қолди. Ахир у, Фанининг тузофига қандай илингани ва эл бошига иш тушганда белни маҳкам боғлаб, шаҳарнинг қайта тикланишида ўз улушкини қўшишдек олийжаноб ниятларининг қандай барбод бўлганини — ана шундай аччиқ ҳақиқатни дўстларига қайси юз билан айтсин? Фанининг қурилишга келтирган зарари, албатта, филни пашша чаққандай бир гаплигини Назар тушунарди, шу билан бирга, мабодо пашшалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, улар ахир, ҳар қандай филниям нес-нобуд қўймайдими? У Тошкентда Фанига ва ўзига ўхшаган минглаб одамларнинг ишлаётгани, агар уларнинг ҳар бири ўзлари каби қаллоблик қила-верса, оқибати нима бўлишини ўйлайвериб, ўйининг охирига етолмасди. Назар ҳаётининг бошидаёқ ёмон одамлар таъсирига тушиб, қаттиқ янгишганини фаҳмлар экан, катта хатога йўл қўйганини кўз олдига келтирди-ю, ўтмишидаги ҳар бир хатти-ҳаракати ва ҳар бир қўймисини сарҳисоб қилиб, улар орасидан ўзини оқлай оладиган бирон-бир ёруғлик қидира бошлади. Унинг фикрича, бундай аҳволга тушиб қолганига асосий сабаб: одамларга ҳаддан ташқари ишонувчалиги, ўта соддалиги эди. Шу билан бирга, соддалик ва аҳмоқликнинг ораси бир қадам эканини ҳам тушунар, тушунса-да, аммо энди вақт ўтган эди, ўтган эди...

Эҳ-ҳе... Фанидан ўқитувчи ошнасининг қамалганини эшитганидан бери, Назарнинг кузи институт биносига тушдими, ўз-ўзидан виждони қийнала бошларди. Иш бўйича маршрути ўша кўчага тўғри келган пайтларда ҳам, негадир кўнгли музлаб, бошқа тарафдан айланиб ўтади. Бир-икки сафар курсдошлари: «Сени декан келсин деди... Проректорга учрашар экансан», дейишганда ҳам институтга ҳеч оёғи тортмади... Ажабо: унинг назарида негадир сўнгги кунларда Тошкентда суянадиган ҳеч нарса қолмагандек, ҳатто ишда ҳам, йўлда ҳам гўё бошини кўтариб юришга ҳақли эмасдек туюларди. Ёлғиз овунчи — шунчаки ишга бориб келиш-у, Лола билан ўтказаётган лаззатли лаҳзалар эди, холос. Ишда эса фақат онда-сонда Фани билан учрашиб турар, шундаям муомалалари қуруқ салом-аликдан нари ўтмасди. Фани ака ҳам, чамаси, ўз ёғига ўзи қовурилиб юргандай. Негадир, унинг аввалги бақириб-чақиришлари-ю, отни хуркитадиган важоҳатидан энди асар ҳам йўқ. Лола бўлса, ой-куни яқинлашиб қолгани сабабли кўпдан буён хонанишин, кўчага қадам босмасди. У Назарнинг ранг-рўйи ўзгариб, ўз-ўзидан юракбафри эзилиб, ўйлари алгов-далғов бўлиб юрганини сезса-да, бу нохушлик сабабини ҳадеб ўзидан қидирап, яккаш ўзинигина айбдор ҳис этмоқда эди. «Эҳтимол, — деб ўйларди Лола юраги эзилиб, — ўн гулидан бир гули очилмаган ёшгина йигит болали аёлга уйланганига пушаймон бўлаётгандир, рўзгор жиҳозларига қониқмаётгани ҳам балки шундандир? Ким билсин, уйини ҳаддан ташқари соғинганми?» Аёл ҳарчанд, ҳар томонлама ўйламасин, Назарнинг одамлардан безиб, кундан-кунга чўпдай озиб бораётганига ичиidan ачинар ва ўртадаги дилсиёҳликни teng бўлиб тортишишга интилар, лекин барибир, ўзини унинг олдида гуноҳкор деб ҳисобларди. У ҳар хил йўллар билан узокдан гап очиб, йигитнинг кўйнига қўл солиб кўрди-ю, лекин унинг ичидагини тополмади. Шундан кейин, агар кўнглинг бошқани тусаётган бўлса, хоҳ-

лаганинг билан яшайвер, дегандек, Назарнинг ички сирлариға мутлақо аралашмай ҳам қўйди. Мабодо ўша кунлари Назар «бундан бу ёгига йўлимни тұсма, мени ўз ҳолимга қўй», деб уни ташлаб кетган чоғда ҳам, у: «Кетма, менга раҳминг келсин, ҳеч курса, эрта-индин ёруғ дунёга келадиган норасидага шафқат қил!» — деб йигитнинг этагига ёпишиб, ялиниб-ёлвормасди. Лекин воқеалар тамоман бошқача тус олиб, ҳар қалай, шундан кейин Лола иложи борича Назарнинг кўнглини оғритмасликка, сўзини синдиримасликка ҳаракат қила бошлади...

* * *

Лолани ярим тунда тўлғоқ тутди. Даставвал у хонада у ёқдан-бу ёққа юриб, маст уйқуда ётган Назарни уйготишга кўзи қиймади, лекин тўлғоги борган сайин кучайиб, кўнгли беҳузур бўлавергач, аста ёнига келди-да:

— Тур, Назар! — деди инграпиб. — Турақол, жоним, доктор чақирмассанг бўлмайдиганга ўхшайди, кўнглим алланечук бўлиб бораётир.

Назар ўрнидан ирғиб турди, Лоланинг чиппа тер босган пешонасига кўзи тушгач, қўрқиб кетди. Йўл-йўлакай апил-тапил кийиниб, қўчадаги автомат-телефонга етай деганда, унинг анчадан бери ишламаётгани эсига келди-ю, турган жойида тахтадек қотиб қолди. Ярим кеча, теварак-атроф жимжит. Энди қаёққа боради? Орадан икки сония ўтгач, лоп этиб қўшнисининг телефони эсига тушди. Ўша заҳоти оёғини қўлига олиб иккинчи қаватга кўтарилди-да, ўзларига қарама-қарши эшикдаги кўнфироқ тугмачасини устма-уст босди. Аксига олиб, ҳадеганда эшик очилавермади. Орқа тарафидан эса Лоланинг гоҳ «Онажон!», гоҳ «Назар!» деган бетоқат қичқириқлари эшитилмоқда эди. Баттар эсан-кираб қолган Назар охири эшикни мушти билан гур-силлатиб ура бошлади.

— Ким? — деди ичкаридан аёл кишининг овози.

— Опай, мен, Назарман. Лолани тўлғоқ тутаётир, докторга телефон қилиш керак!..

— Ҳозир... Вой ўлмасам, сен тез уйингга киравер, мен дўхтири чақираман, изингдан кираман, — деди эшикни қия очган кампир.

Назар хонага кирганда Лола қора терга тушиб, диван-каравотнинг суюнчиғига осилган кўйи додламоқда эди...

У Чукурсойдаги туғуруқхонадан қайтиб келаётганда тонг сал-пал оқариб, машиналар эндиғина кўчага сув сепаётган экан. Уйга кела солиб ўзини түшакка отди-ю, лекин ухломади. «Қизли бўлдингиз, суюнчисини мўлроқ чўзингиз». Ҳамширанинг бир олам севинч ва аллақандай меҳр ёғилиб турган қиёфаси ҳамон кўз ўнгидан кетмасди. «Ха, албатта, албатта мўлроқ... опкеб бераман», — деди у шунда, чўнтағига ит текканини яшириб. «Одатда, бундай пайтларда суюнчига нима бериларди ўзи? Овулда ўзиям кўйлакми ёки дастрўмолми, хуллас, талай марта суюнчи олгани эсида. Бироқ энди-чи? Ўзи, яъни чақалоқнинг отаси сифатида, бошқаларга ўзи нима бериши керак? Бу ҳақда кимдан маслаҳат сўраб кўрса бўлади?» У шу мақсадда кечаси шифокор чақирган қўшни кампирга учрашмоқчи эди-ю, лекин бироз ўйланиб туриб, яна фикридан қайтди. Орқамдан кулиб юрар, деган истиҳолага борди. Яххиси, ишдагилар ёки Фани акаси билан маслаҳатлашишни кўнглига тугиб қўйди.

У шу алфозда чамаси икки соатча хаёл сурини ётгач, ўрнидан турди-да, нари-бери кийиниб, ишга кетди.

Назарнинг одатдагидан барвақтроқ, бунинг устига ҳуштак чалиб келаётганини кўрган автобаза диспетчери ўзича ниманидир сезгандек, жилмайган кўйи йўлланма ёза бошлади. Бироқ у, Назар яқинроқ келиб саломлашганда, йигитнинг уйқусизликдан қизарган кўзларига кўзи тушгач, ёзишдан тўхтади.

— Ха, Назарвой, авзойинг сал бузукроқ кўринади?

— Нега энди, михдай! — деди Назар кулимсираб.

— Михдай бўлса, ҳу анави будкага бир кириб чиқ, бу аҳволда рулга ўтиришинг қийинга ўхшайди.

Диспетчернинг: «ҳу анави будка», дегани медпункт эди. Ҳар куни эрталаб ўша ерда ҳайдовчиларнинг қон босими ўлчаниб, шифокор дафтарга қўл кўйгач, машина ҳайдашга рухсат этиларди. Диспетчерлар, баъзи ҳолларда Назарга ўхшаган ишончли, иш вақтида ичимликни оғзига олмайдиган ҳайдовчилардан докторнинг рухсатномасини талаб қиласдан ҳам йўлланма ёзib бераверишарди. Лекин диспетчер бугун Назарнинг афтангорини кўриб, у кечаси тўйгунча ичган бўлса керак, деган шубҳага борди. Назар унинг қўнглида нима кечганини тушунди-да, мийифида қулиб:

— Мен бугун қизалоқли бўлдим, — деди.

— Э-ҳа, роса юварканмиз-да, бўлмаса! Лекин барибир, Назар, сен анави будкага бир кириб чиқ, доктор бўлмасам-да, аҳволингни кўриб турибман. Балки, сени бир-икки кун ишдан озод қилишар...

— Керак эмас, ишга чиқавераман... — деб Назар диспетчер имо қилган томонга жадал юриб кетди-ю, лекин орадан кўп ўтмай тарвузи қўлтигидан тушиб қайтиб келди.

— Начора, сизнинг айттанингиз бўлди, — деди у диспетчерга синовchan нигоҳ ташлаб. — Докторнинг олдода месткомимиз ҳам ўтирган экан, у ишдан уч-тўрт кунга озод қилиб, жамоадан қизалоққа совға сифатида юз сўм ёрдам пулиям ёздириб берди. Сизларни кечкурун уйда кутаман, йигитларни ўзингиз бошлаб борасиз, базми жамшид уюштирамиз!..

— Сал қайсарлигини айтмаса, жа зўр йигит-да, ўзиям... — дея фудранди диспетчер, Назар ўзидан узоқлашгач.

У уйига хуш-хандон кайфиятда қайтар экан, йўл ўлакай туфуруқхонага бурилиб, Лоланинг ҳолидан бироров хабар олиб ўтмоқчи бўлди. Фикру хаёлини чулгаётган ҳар хил қувончли ўйлардан боши ғовлаб, оғзи қуло-

ғида, йұлакдан илдам юриб бораркан, ёнгинасидан тарақа-туруқ қилиб үтган трамвайдан кимdir уни чақирганини әспитиб қолди. Ұша тарафға ялт этиб қаралған эди, трамвайнинг ойнасидан бошини чиқарған аллаким: «Назар, кейинги бекатда кутиб турман!» деди қичқирди. Негадир бу чехра ўзига жуда танишдек туғолди. Овозининг момақалдироқдай гулдираб чиқишига қараб, уни бултур йўлда тасодифан учратган Султонга ўхшатди. Кейинги бекат жуда узоқ эмас эди.

— Оббо иним-ей, сени қидиравериб, бормаган ерим, сўрамаган одамим қолмади. Энди умидимни уздим деганда... Бугун, худди учрашган жойимизни қара! — деди Султон уни очиқ юз билан қучоқларкан. Назар ҳам, ниҳоят, қувончига шерик бўладиган муносиб одам тоғилганидан боши осмонга етиб, бир зум тили айланмай қолди.

— Овул-эллар омонми, Оспан ботир қалай? — деб сўради у бироздан сўнг тилга кириб ва Султоннинг уч кундан бери тиф тегмаган соқоли ва диркайган мўйловига қараб. «Мўйлов қўйганини айтмаса, ўшандан бери сира ўзгармабди», — деда хаёлидан ўтказди Назар.

— Э, инижоним-ей, менинг бошимга тушган савдо ни сўрама. Оспанжоним касал бўп қолди, деб кампир тушмагур Кўнфиrotta телеграмма юборибди. Ўтган шанба куни кечкурун орқамдан самолёт бориб турса бўладими? Нақ ўтакам ёрилаёзди. Йигитлар, нима гаплигини яширмай айтақолинг, десам, арзимаган гап, сизни шунчаки Тошкентга обориб, ўйнатиб келамиз, дейишиб, тўппа-тўғри Тошкентта учирисди. Рангимда ранг қолмай уйга келсам, Оспанинга қизамиқ чиққан экан...

— Ҳозир яхшими?

— ТошМИда бир профессор аёл бор экан, шунга ялина-ялина, зўрға уйига обориб кўрсатдим. Умридан барака топсин, ўзиям роса болажон аёл экан, ярим кеча бўлишига қарамасдан, финг демай йўлга тушди. Мана, ҳозиргина уни уйига қўйиб келаёттаним. «Устюртдай ердан бекорга овора бўп кепсиз, — деди у Оспанин кўриб. — Икки-уч кундан кейин тойчоқдай бўп кета-

ди. Фақат уйни иссиқ сақланг». Шу десанг, бу меҳрибон аёлга энди қандай миннатдорчилик билдирам экан, деб ўйланиб келаётгандим, тұсатдан сенға құзим тушиб қолса бұладими?..

— Ҳозир уйга борайлик, сиз билан маслаҳатлашадиган гапларим бор эди... — деди Назар унинг гапини бұлиб ва хиёл жилмайды. — Йүл-йұлакай гастрономга ҳам кириб ўтамиз.

— Назаржон, кейинги сафар келганимда адашмаслик учун, фақат уйингнинг қаердалигини күрсам бўлди. Болам касал ётганда арақ ичмайман, — деди Султон жиддий қилиб.

Уйга етиб келганларидан кейин ҳам Назар анчага довур Султоннинг гапларини тинглаб, тилининг учида турган сўзни айттолмади. Султон қанча сўзламасин, унинг кўрган-билгани Устюртнинг кенг дала-даштарию бурғилаш усқуналари ҳамда кийиклар эди. У шулар ҳақида ҳаяжон билан узоқ сўзлади.

— Назаржон, иним, бригадамга худди сенға ўхшаган бир йигит керак бўлиб турибди. Бурғиловчига ёрдамчи, яъни смена мастери... Ҳалиги отинг ўчгур ким эди, ёнингдаги... ҳа, Фани билан учрашганимдаёқ сен менга маъқул кўрингандинг. Шундан бери бир кунмас-бир кун сени, албатта, топиб оламан, деб юргандим.

Назар унинг сўзларига диққат билан қулоқ солар экан, бирдан Устюртга кетсамми, деган қарорга келди. Нега бундай қарорга келганини ҳозирча ўзи ҳам тушунмасди. «Лоланинг аҳволи не кечади, нима дейман унга?» деб ўйлади у ўзича.

— Султон оға, агар менинг аҳволимни билишни истасангиз, ҳозирча бу масалани кўя турайлик, кейинроқ ўйлашиб кўрамиз, — деди Назар пиёладаги чойдан ҳўпларкан. — Бугун эрталаб келинингиз... қизлик бўлдик.

— Ҳай аҳмоқ, аҳмоққина иним-еї, боядан бери нега оғзингга толқон солиб ўтирибсан? Гастрономга кириб ўтамиз, деганингдаям тушунмабман-а, мен дуррак? Айтганча, уйланишгаям қачон улгура қолдинг?

— Бир-биримизга анчадан бери күнгил қўйиб юргандик.

— Тўйингга айтмадинг — бу битта гуноҳинг, фарзандлик бўлганингни яширдинг — иккинчи гуноҳинг, агар дилингда мендан пинҳон тутиб юрган яна бошқа сиринг ҳам бўлса — бу энди учинчиси бўлади... Лекин, майли, гуноҳларингнинг ҳаммасидан бугун кечдим! — деди Султон ҳазил аралаш, — Оспанжоним соғайиб кетсин, ўша куни келиб, барча айбингни ўзим юваман... Шу гапим ёдингда турсин. Ҳозир келин ётган жойга борайлик-да, қизалоқнинг киндигини кесган ҳамширага суюнчи бериб кетай...

— Султон оға, мен тўй қўймасдан уйландим... озмоз пул тўпласак, сўнг биратўла каттароқ қилиб тўй берамиз, деб ўйлагандим.

— Бу ишинг дуруст, — деди Султон столга мушти билан гурс этказиб уриб. — Демак, менинг олдимга яқин орада боролмас экансан-да...

— Ўқиётган эдим, мана, уям бўлмади.

— Қанақа ўқиш?

— Политехника институтининг геология факультетида ўқиётгандим.

— Ҳм-м...

— Султон оға, эсингиздами, Фани аканинг Сирдарёдаги манзилига бир машина бўёқ олиб боргандик. Ўша ишхона текширилаётганга ўхшайди. Жиноятга қатнашганим учун мениям сўроқ қиласдими, деб бошим қотиб турибди...

— Ҳм-м... — деди Султон яна ва дастурхонга тикилган кўйи узоқ вақт жимиб қолди.

— Ўқиши-ку, майли-я, — деди Назар Султонга ўз отасидек кўнглини ёраркан, — лекин Фани аканинг масаласи чатоқми, дейман-да.

— Яхши, — деди Султон бир пайт чуқур хўрсишиб, — юр, аввал туфуруқхонадан хабар олайлик-чи, кейин ўшанақаси уйга кетаман. Сен мени шу икки-уч кун ичида кут, ўқиш масаласини бир ёқли қиласдими.

Бир пайтлар Устюртга иш бүйича аллақандай бир олим келувди. Үзиям академикмиди, профессормиди, билмадим, ҳайтовур, жуда катта олим дейишган эди. Менда манзили бор...

— Йүр-е, Султон оға, орага одам қўйиб бўлмайди, ҳамма айб үзимда.

У Султоннинг шошилиб турганига қарамасдан үзининг туғилиб-усган овули, онаси, Тошкентга келишдан мақсади, ўқиши ва Фани тўғрисида ниманики, билса, ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берди. Негадир, шу топда йигитнинг юраги тўлиб турарди. Унинг сўзларини қулоқ қоқмай тинглаётган Султоннинг юз ифодасидан сухбатдошига нисбатан на бепарволик, на ҳамдардлик туйгусини пайқаб бўлмасди. Назар бошидан ўтган воқеаларини ҳамон тўлиб-тошиб гапирав экан, ногаҳон қархисида миқ этмай ўтирган Султонга кўзи тушгач, бир зум ўйланиб қолди. «Мен боядан бери бекордан-бекорга оғиз кўпиртираётганим йўқ эди-ку? Агар бу дардларимни тошга сўзлаганимда, қоқ иккига ёрилмасаям, ишқилиб, бир садо чиқарди», дея хаёлидан ўтказди у. Гап Лолага бориб тақалганида, Султон каттакон мушти билан столга яна гурс этказиб урди-да ўрнидан учиб туриб:

— Боласан, укам, ҳали оғзидан сариғи кетмаган полапонсан! — дея хитоб қилди у дераза томонга юриб. — Агар бола бўлмасанг, бу сирларингни одам бандасига айтиб ўтирамидинг? Эр йигитнинг дарди ҳамиша ичida бўлади, дейишади бурунгилар. Ҳай, майли, бу нозик кечинмалару муқаддас туйгуларни яхши кунларингда эслаб юрарсан... кейинчалик керак бўлар, балки. Бироқ, Назаржон, мен ўз тажрибамдан шу нарсани англашимки, ўтмишни ҳадеб эслайвериш — қарилик аломати. Қартайғанликнинг яна бир белгиси — мақтанчоқлик. Гапларингни тинглаб ўтириб, шундай хуносага келдим: сенда бошингдан ўтган воқеаларни кўп хотирлаш хусусияти бор экан. Бу ўзингдан кўра ақлингнинг баркамол экани-

ни күрсатади, лекин гапларингдан мақтанчоқлик аломатларини сезмадим. Демак, ҳали ақлинг қаримабди. Сенга, айниңса, бу ёшда ортиқча доноликнинг ҳеч кераги йўқ. Инсонда ақл билан вужуд баравар камолотта етса, кишининг умри узоқ бўлади. Тўғри, сен турмушнинг аччиқ-чучугини меъёридан ошикроқ татигансан, бироқ бошингта тушган мاشаққатлар моҳияти хусусида чукур ўйлаб кўрмабсан ҳали. Шуни билки, инсон учун қўлидан келмайдиган, иродаси ва куч-куввати етмайдиган нарсаларгина машаққатли бўлиб туюлади. Унинг калигини топган одамга эса, ҳар қандай қийинчиликлар чўт эмас. Мана, иним, менинг бор билганларим шу оддий ҳақиқатлар, холос.

Назар узоқ вақт хаёлга чўмиб, Султон айтган гапларни бирма-бир кўнгил тарозисига солиб кўрди. Унинг сўзларида жон борга ўхшаб туюлди.

— Султон оға, мен ўзим билмаган ҳолда, бошимдан ўтган энг оғир кунларни сал ошириброқ сўзлаганга ўхшайман. Умуман олганда, ҳаёт ҳар бир алоҳида одамнинг хоҳиш-истакларидан ташқарида, яъни ўз қонуниятларига кўра мавжуд экан.

— Тўғри айтдинг. Аммо ҳаёт фақат заиф одамларнинг устидан ҳукмронлик қиласиди, — деди Султон дебраздан ташқарига қараб. — Кучли кишилар ҳаётни ўз ногорасига ўйнатиши, яъни уни ўзгартириши мумкин. Ҳа, майли, қуруқ фалсафа сўқиши бас қиласиди, иним. Бир-икки йил институтда ўқиб, илм ўргандинг. Лекин вақт ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади, шунда бояги айтган гапларинг ҳамда ҳозиргача ҳаёт ҳақида билган нарсаларингнинг барчаси лоақал бешикдаги боланиям ҳаяжонга солмайди.

— Султон оға, агар Устюрга борган тақдиримда ҳам нима қила олардим, машина ҳайдашдан бўлак қўлимдан бирор иш келмас?..

— Устюрга машина ҳайдашинг қийин... Қайдам, балки бир-икки кун уриниб кўрарсан, агар эплолмасанг, менга ёрдамчи бўлсанг бўлгани...

— Яхши, Лола билан маслаҳатлашиб кўрай-чи...

Улар туғуруқхонага пешиндан кейин борищди. Лекин дарвозадан кираверишда осиғлиқ турган оналар ва чақалоқларнинг соғлиғи тұғрисида ажи-бужи ёзилған қофозни ўқиши-ю, орқага қайтишди. Ҳамширалардан бири, Султон олиб борган гулни «вазага солиб қўйдим» деганича, бошқа бирон гап айтмади. Лоланинг чақалогии ҳали эмизишга олиб келишмаганди. У даставвал Назарга хат ёзиб, қизчанинг кимга ўхшагани, нима исм қўйиш ва бошқа дилидаги баъзи гапларни маслаҳатлашмоқчи эди, бироқ уни аввал ўзим кўриб олай-чи, кейинроқ ҳаммасини батафсил ёзарман, деган ўйга бориб, фикридан қайтди. Фақат ҳамширага: «Назарга айтиб қўйсангиз, менинг аҳволим яхши, вақтида овқатланиб, ўзини эҳтиёт қиласин», деб тайинлаган эди.

Назар трамвай бекатида Султон билан хайрлашгач, қаерга боришини билмай, анчага довур боши қотиб турди. Рӯпарадаги почтага кириб, «опа, неварали бўлдингиз», деб уйига телеграмма юбормоқчи эди-ю, яна бироз ўйланиб тургач, қўлини бир силтади-да, «Фала-ба» бодидаги пивохона томонга юрди.

Лекин негадир у ердан ҳам ҳаловат топмади. Икки кружка пиво ичгандан кейин, ўзидан-ўзи уйқу элитиб, оёғини судраб босиб зўрға уйига етди-да, ечин-масдан каравотга чўзилди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

У сўнгги бир йил бадалида остонасини ҳатламаган эшикка яқинлашиб, Қўнгироқ тумачасини устма-уст босди. Эшик қия очилиб, ичкаридан таниш қизнинг боши кўринди. У Назарга бирпас кулимсираб қараб турди-да, сўнг бирдан ранги ўчиб:

- Сизга ким керак ўзи? — деб сўради.
- Ие, мени танимаяпсизми?
- Таниб турибман, лекин дадам уйда йўқлар.

— Мен кутиб тураман, сўзлашадиган зарур гапим бор эди.

Назар, қизнинг унча хушламай турганига қарамасдан, ўзини ичкарига олди ва авваллари талай марта ўтириб, ёнбошлаб дам олган супага қараб юрди. Ичкаридан Бону юргилаб чиқди.

— Ўргилай, ўзим ўргилиб кетай, қани, қани, юқорига чиқ.

Назар бу меҳрибон аёлнинг мулозаматларидан лол қолиб, кўнгли эриб кетади. Бону унинг уй-ичи, аҳволи, ўқишиларини лаби-лабига тегмай суриштира бошлади.

— Яхши, яхши, ҳаммаси жойида, — деди Назар гапни қисқа қилиб.

— Назаржон, мен уйланганингни эшитгандим. Тўйга борамиз, деб шунча ҳаракат қилдим, шунча ҳавас қилдим, анави, ўзинг билган Фани акангнинг... зарур иши чиқиб қолиб, мана энди олдингда уятли бўл турибман. Сени ўз боламиздай кўришимизни биласан, уйимиздан сира меҳмон аrimаслиги ўзингга маълум. Шунча вақтдан бери бундоқ бир келиб, ҳеч курса, салом бериб кетсанг ҳам бўларди-ку? Сендан роса ўпкалайман, деб юрувдим... лекин уйланганингни эшитганимдан сўнг, оила ташвиши билан бўлиб, бола бечоранинг қўли тегмаётгандир, деган андишага бордим...

Бу сўзлардан Назарнинг кўнгли баттар бўшаб кетди. Ахир, у бундай гапларни ўз туққан онасидан ҳам эшитмаган эди-да.

— Назаржон, Фани акангнинг бошига не савдолар тушганидан хабаринг бордир? — деб сўради Бону меҳршафқат ёғилиб турган юзи хиёл ўзгариб.

— Унчалик хабарим йўқ, опа, — деди Назар.

— Фани акангни прокурор чақираёттир. Ўша ёққа кунора бориб, хабар олиб турибди.

— Нимага чақирар экан?

— Унинг участкасидан аллақандай материаллар ўғирланганмишми-ей, хуллас, жанжалнинг бари ўша

қурилиш материалларининг устида бўлса керак. Ҳозир прорабиям, мастери дейсанми, ишқилиб, қоровулга-ча зир қатнаб юрибди.

Назарнинг аъзойи бадани музлаб кетди. Демак, Фани акаси қўлга тушибди. Агар унинг қўлга тушгани рост бўлса, худо уради энди... Унинг ўзи тўппа-тўғри бо-риб: «мениям қўшиб қаманглар», дейишдан бошқа иложи йўқ.

— Қачон ўғирланган экан?

— Ит биладими, Назаржон, ўғри деган фалон куни ўғирлайман, деб ўғрилик қилмайди-ку? Айтишларига қараганда, кимдир Фани акангнинг соддалигидан фой-даланиб, икки-уч йилдан бери қўлга илашадиган нар-сани ўмараверган бўлса керак.

— Ўгрини топишибдими?

— Ҳали тополмаётганга ўхшайди, чамаси, битта-иккитасини ушлашган-у, лекин уларнинг бошлигини қўлга ололмаётган бўлса керак...

Назар бу уйнинг остонасига қадам қўяр экан, ўзи-нинг яқинда қизлик бўлганини айтишдан бошқа нияти йўқ эди. Сўнгги пайтларда оралари сал-пал узоқлашсаям, бир вақтлар бошини силаб, меҳрибонлик қилган одам билан дилидаги қувончни бирга баҳам кўриш истагида юраги тўлиб келган эди. Бироқ, анави хабарни эшитгач, бошидан бир чеълак совуқ сув күйилгандай, аъзойи баданига титроқ кирди. «Фани ака келсин-чи, нима гаплигини ўз оғзидан эшитаман», дея хаёлидан ўтказди у.

Бонунинг чакаги-чакагига тегмай, ора-сира қизла-рига бақириб-чақириб, дастурхон ёзди, чой дамлаб келди. Назар чойдан бир ҳўплашга улгурмасданоқ, дас-турхонга иссиқ патир билан мошхўрда, бир шиша ар-ман конъяги тикка қилиб қўйилди. Бонунинг ўзи ҳам овқатини супага келтириб, меҳмон билан ёнма-ён ўтирди. Назар бу қадар иззат-икромнинг тагига етма-са-да, менинг қизлик бўлганимни эшитган чиқар, деб ичидагизига тасалли берди.

— Назаржон, Фани аканг келгунча, оз-моз томоқни намлаб турайлик, кейин яна бир гап бўлар. Хўжайин келса, бошқатдан дастурхон тузаймиз, — деди Бону шишанинг тиқинини очаркан.

— Бону опоқи, бугун сизларга қувончли хабар оп-келгандим. Мени табриклишингиз мумкин, қизлик бўлдим...

— Э-ҳа, табриклайман, Назаржон! Айтмоқчи, эсим курсин, Фани аканг Назаржон «Жигули»ли бўпти, дегандай бир гап қилган эди-я. Муборак, муборак! Илоё Тошкентнинг энг гўзал қизи бўлсин!

— Омин, айтганингиз келсин, — деди Назар бироз ўнгайсизланиб.

Бону конъяк шишасини очди-да, иккита пиёлага қултуллатиб қуиб, тўларофини Назарга узатди.

— Қани, Назаржон, илойим қизалогинг униб-ўссин, баҳтли бўлсин. Фани аканг келгунча ўрнини билдирамай турай деб, сал-пал иримини қилмасам, бу балони оғзимга олган банда эмасман. Қани, ҳа, олайлик-чи...

Назар, бу ёги чатоқ бўлди-да, дегандай бир хўрси-ниб, сўнг тўла пиёлани қутариб юборди. Бону қулида-ги пиёлани лабига сал тегизиб, дастурхонга қўйди-ю, яна жаврай кетди. Назар овқатини яримлатмай туриб, косасига тўлдириб яна мошхўрда қуиди. Яхши тилаклар такрорланди, устма-уст яна ичилди. Назарнинг кайфи анча ошиб қолди. Ҳангома қизигандан-қизиб, тобора йигитнинг қулфи дили очилиб бораётган бир пайтда... уйда киядиган енгил кийимда, қўзларини уқа-лаган кўйи ичкаридан Фани чиқиб келди.

У узоқдан қучоғини ёзиб, баланд овозда:

— Ҳай-ҳай, Назаржон,вой бў-ўй, сизниям кўтар кун бор экан-ку! — деб кела солиб Назарни бағрига босди. — Согиниб қолибман, иним, худди ўзимнинг туғишганимни согингандек соғинибман.

Уларнинг бир-бири билан учрашмаганига атиги ўн кунча бўлган эди. Шунга қарамасдан, Назар бу одамнинг бунчалар бағрикенглигию самимиyllигига ҳайрон қолмоқда эди. Сўнгги пайтларда фақат қўл учида

қўришадиган ёки шунчаки бош силкитиб салом-алик қилишдан нарига ўтмайдиган кишининг очик-сочиқ муомаласидан, ҳар қалай, у ўзини йўқотиб қўйганди.

— Бону, ҳў-ӯ Бону! Ичкарига салқинроқ жойга дастурхон ёзгин, Назаржон билан бир роҳатланиб ўтирайлик.

Ганининг боши-кети йўқ мулозаматларию дилтортар сўзлари Назар илк бор бўсага ҳатлаб, шу ҳовлифа келган кунни ёдига солди. Ўшанда уни иззат-икром билан ичкарига — шоҳона безатилган хонага бошлаб кирган эди... сўнг нима бўлгани сира эсида йўқ. Аzonда қараса, Лоланинг уйида ётибди...

Улар каттакон хонанинг тўрига ўтиб, рўпара ўтиришди. Фани рангли телевизорни қўйиб, овозини пасайтирди-да, яна дастурхон олдига келиб жойлашди. Иссиқ чой дамланиб, мезбоннинг олдига бир коса буғи чиқиб турган мошхўрда қўйишиди.

— Бону, чой-пойдан аввал, анави конъяк-панякдан бўлса опке. Конъяк бор жойда, қайси аҳмоқнинг чойга кўзи учиб турибди, — деди Фани олдидаги чойнакни бир четга суриб.

«Демак, Фани аканинг жанжалдан боши очилганга ўхшайди, — хаёлидан ўtkазди Назар, — акс ҳолда, бу қадар хушчақчақ бўлмасди». У ўзига узатилган қадаҳларни қайтармай олавериб, кўп ўтмай боши анча гувиллаб қолди.

— Иним, энди асосий гапга ўтайлик, — дея гап бошлади Фани, чип-чип терга тушган Назарнинг атай шу ҳолатини кутгандек. — Сирдарёга оборган анави нарсларнинг кетидан одам тушганини айтувдим-ку, шунинг текшир-текшири тугади. Фуломжон ва Рустамалига ўхшаган аҳмоқларнинг бири гувоҳ, бошқаси савдогар сифатида суроқ бериб ётибди. Мен ҳозирча «оқ тия кўрдингми — йўқ», дегандай миқ этмай турибман. Сендан эса, иним, бир ўтинчим бор эди. Туғишган укамдан яхши кўрганимдан кейин... илтимосимни ерда қолдирмассан, деб ўзинг билан бафуржа сўзлашмоқчийдим. Фуломжон-

га берилган материалларни ўзим бориб, раис билан келишган ҳолда бирёқли қилдим. Раис бобо: «Қанча аҳмоқ бўлсанг ҳам, ўзимиз боққан қўйнинг қумалогисан, факат бундан бу ёғига эски одатингни бас қил», дея аввалига роса бақириб-чақириб, сўнг депутат сифатида орага тушаман, деб ваъда берди. Лекин Рустамалига ўтказган материаллар, бошимизга бало бўлиб турибди. У терговда мени ҳам, сени ҳам оғзидан гуллаб қўйибди, ҳатто машинангнинг рақамигача ёзиб берибди. Балки, ким билади, шу яқин орада сениям чақириб қолиши мумкин...

— Агар чақириб қолса, мен нима дейман? — сўради Назар, мастилкдан қизарган кўзларини зўрга очиб.

— Ана, шу масала чатоқ бўлиб туриди-да, иним. Мабодо сендан сўраса, мени айтавер. Ўзинг кўриб турган манави бир этак бола-чақанинг кўз ёшини шўргалатиб, кетаверамиз-да. Бошқа нимаям иложимиз бор. Ҳеч курса, қизларимнинг биттасини узатганимда эди... қайтиб уларни кўриш насиб этадими, йўқми...

Фани, сўзининг охирини айттолмай, хўнграб йифлаб юборди.

Назар, гарчи кайфи ошган бўлсаям, унинг тил учида турган гапини тушунди, тушунди-ю, унинг аҳволига чин юракдан ачинди. Ахир, ачинмай бўладими? Бегона юртда багрига тортиб, дастлаб бошини силаган, мушкул аҳволга тушган кунларида ёрдам қўлини чўзган одамнинг кўз ёшлари шу топда уни ўз таъсирига олганди. У Фанига ёрдам беришни истарди. Аммо қўлидан нима ҳам келарди?

— Фани ака, терговда нима дейишимни менга ўргатинг, қани, нимани гапирай?

— Отангга раҳмат, Назаржон! Худди кўнглимда ўйлаганимдан ҳам зиёд экансан. Ҳатто, нима десам экан, сенга қай тарзда миннатдорчилик билдиришга ҳам ожизман. Қисқаси, мен бир умрга қарздорман, иним.

Фани бирданига гапнинг пўсткалласини айтса, болани чўчитиб қўйишини сезди. Шу сабабли у ҳар бир

гапни тарозига қўйиб кўриб, Назарнинг кўнглини овлашга ўтди.

Улар қадаҳларни тўнтиришиб, коньяк ичишни бас қилишди. Бу масалани соғ калла билан ечмасак бўлмайди, дейишиб, Бонуга аччиқ чой буюришди, сўнг хотиржам ёнбошлаб, телевизор кўришди. Бу орада, кўрсатув зерикарли бўлгани учунми ёки коњакнинг таъсириданми, Назарнинг қўзлари юмилиб, охири донг қотиб ухлаб қолди. У қанча ухлаганини билмайди, бир маҳал Фанининг:

— Назаржон, ҳо мулла Назар! Турсанг-чи, кун ботарда ухлашнинг хосияти ёмон, дейди машойихлар! — деган овозидан уйғонди, — Жудаям чарчабсан-да, Назаржон, сенга ҳам осон эмас, ҳам ўқиш, ҳам иш, бунинг устига бола-чақа ташвиши... муштдай бошингга мунча ғалва ортирумасанг? Ҳа, майли, қалай, калла пишдими?

— Яхши, фақат бошим сал фувиллаб турибди, чарчаганга ўхшайман... Айтганча, соат неча бўлди экан?

— Саккиздан ошиб қолгандир... Боя бир гап орасида, келиндан хабар олишим керак, деган экансан. Шунга Бону атайлаб палов дамлабди, икковимиз бирга бора қолайлик, а? Мен қўшнининг машинасини ҳам айттириб қўйгандим...

Назар Лолага бугун пешиндан кейин келаман, деб ваъда берган эди. Шу гапи эсига тушди-ю, негадир юраги ҳаприқиб кетди. У ўрнидан тура солиб, у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди-да, ҳовлига чиқиб, муздек сув оқаётган жўмракка бошини тутди.

— Бош қалай, Назаржон? — деб сўради Бону кулимсираб, ошхонанинг эшигини қия очаркан. — Фани акангнинг ҳам суроби тўғри бўп қолганга ўхшайди. Бир маҳал бориб хабар олсан, икковингиз икки жойда қотиб ухлаб ётибсиз, халақит бермасин деб, телевизорни ўчириб чиқдим.

— Кўпроқ ичиб қўйибман, — деди Назар ҳўл сочларини дув-дув силкитиб. — Анчадан бери бундай ичмагандим.

— Ҳечқиси йүқ, қанча ичсанг ҳам үз уйингда... Айтганча, ҳозир косага ошдан босиб бераман, келинни күриб келасизлар. Ҳозирча бир-икки пиёла чой ичиб турға тур, ош тоза қиёмиға етсін...

Назар уйга кириб, жойига ўтирган заҳоти Фани буфетни очиб, ярми ичилған конъякни олди.

— Ичмайлик, Фани ака, турқини күрсатманг шунинг, — деди Назар құлини силкитиб.

— Иккаламиз эллик грамм билан бош оғриғи қила-миз. Сен ҳали «бош оғриқ»нинг нима эканини ҳам билмасаң керак. Арақ ичғандан кейин, әртаси куни әрталаб бошиңг зирқираб туради. Шунда күп әмас, атиғи эллик грамм отиб юборсанг, құзинг ярқ әтиб очилиб, яна отдай бүп ишга кетаверасан.

У қүярда-қүймай, Назарга бир пиёла конъяк ичирди. Назарнинг қоқ ёрилгудай зирқираёттан боши, мисоли ёрилған жойига мұмиә қүйилғандай, тақатақ тұхтади.

— Назаржон, келинни күрганимиздан сұнг уйға келамиз-да, бугун роса мириқиб дам оламиз, — деди Фани унга синоатли назарини қадаб.

— Уйға бормасдан қолсам қандай бұлар экан...

— Э, қүйсанг-чи, ҳозир келин йүқ, айни муддао. У келгунча маза қилиб, үйнаб-кулганинг қолади. Келин туғуруқхонадан чиқса, оёқ-құлинг боғланиб, у үёғини үзинг биласан... Бугун кечаси икковимиз ҳалиги масала-ни бир ёқли қилишимиз керак. Гапимга тушундингми?

Назар ичидә бироз иккиланиб турарди-ю, лекин хүп дейищдан бошқа иложи йүқ әди. Масала равшан, у ҳам тузоққа илинганды... Ундан қутулиш йүлини эса фақат Фани билади.

— Ҳа, майли, дам олсак олибмиз-да, — деди Назар әнди ҳүшёр тортиб.

* * *

...Ҳамшира Лоладан кафтдеккина қофоз олиб чиқди.
«Назар!

Қизчанг худди қуйиб қүйгандай үзингга үхшайды. Унга исмниям үзинг құярсан, шифокорлар әртага маъ-

лумотнома берамиз, дейиши. ЗАГСга бориб, туғилгани тұғрисида гувоҳнома олиб кел».

Назар қызига аллақачон исм топиб қўйганди... Бундан бир неча кун аввал «Жамила» деган китобни ўқиган бўлиб, асар қаҳрамонининг исми қўнглига қаттиқ ўрнашиб қолганди. У Жамила образини синфдоши Гулжонга қиёслаб кўрар экан, назарида инсонлик шаъни, одамнинг қадру қиммати фақат унинг жасурлиги, довюраклиги билангина ўлчаниши мумкин, деган хulosага келганди. Унингча, Гулжонда ана шундай жасурлик етишмагани сабабли, охир-оқибат у ўз баҳтига ўзи зомин бўлган эди. Ҳар қалай, бу ҳақда ўйланган сайн ҳадеб шундай туюлаверди. Лекин, ўзида-чи? Ўзида ҳам бормиди шундай жасурлик? Инсонийлик фақат довюраклик билан ўлчанмас, балки... Агар шундай бўлса, одамнинг номус-ори, қадр-қиммати нимада? Назар қанча бош қотирмасин, ҳозир бу хил саволларга жавоб тополмасди. Шу топда унинг миясида фақат Жамила деган исм чарх урмоқда эди. Ҳа, қизининг исмини, албатта, «Жамила» деб қўяди! Ишқилиб, қизалогининг тақдири Жамиланинг тақдирига ўхшамасин, фақат тўнгич фарзанди Жамиладек жасур ва ўқтам бўлса, шунинг ўзи кифоя... Аммо...

— Фани ака, қизга туғилгани тұғрисида гувоҳнома керак, дейишибди. Уни қандай оламиз?

— Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Паспорт билан никоҳ дафтарчангни обориб кўрсатсанг, ёзади-беради.

— Бизлар ҳали никоҳдан ўтмаган эдик.

— Ана холос, буниси чатоқ бўлти. Шу пайтғача нега ўтмадинглар?

— Шу нарса эсимизга келмабди... — дея қулимсиради Назар. — Энди нима қилсам экан?

Фани бирпас елкасини қисиб, ўйланиб турди-да, сўнг:

— Қайси районга қарайсанлар? — деб сўради.

— «Фалаба» бофининг қошида-ку, уйимиз.

— Демак, Куйбишев райони... Так, яхши, масала ҳал бўлди деявер. Исполкомда менинг энг яқин жия-

ним ишлайди, шунга айтамиз... Сен бу ёғидан ғам ема, фақат шу бугундан қолдирмай ҳалиги масалани ҳал қилсак бўлди. ЗАГС-пагсингни менга қўйиб бер.

Назарнинг чехраси ёришиб кетди. У, ҳатто, бу саҳоватпешалиги учун Фанидан бир умр қарздор экани ва қандай қилиб бўлса-да, ўз навбатида, бир кун унга ҳам саховат кўрсатиши ҳақида ўйлай бошлади.

Уларнинг тунги суҳбати фақат тергов хусусида бўлди. Фанининг уйида қонун тўғрисидаги китоблардан ҳам бир неча хили бор экан, уларни шошилмай варактаб ўтириб, Назарга турли-туман жиноятлар ва уларни жазолаш муддатлари қўрсатилган моддаларни ўқиб берди. У жиноятлар учун Рустамалининг мол-мулки мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача, ўзининг эса уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этилишини билиб олди. Фанининг тушунтириши бўйича, анави қин-ғир ишда нуқул Рустамали билан Назар айбдор бўлиб чиқмоқда эди. Назарнинг капалаги учиб, ҳатто ичган конъяги ҳам таъсир қилмай қолди. У гап орасида:

— Фани ака, сизга неча йил бериши мумкин? — деб сўради.

— Ана, ҳамма гап шунда, — деди Фани китобни авай-лаб ёпаркан. — Агар мениям жавобгарликка тортса, унда жиноят кўпчиликнинг иштирокида содир бўлган, деб ҳисобланади ва бояги мен айтган муддатлар яна икки ҳисса оширилади. Масалан, менга уч йил, сенга ўн йил, Рустамалига эса ўн беш йил берилиши керак...

Назарнинг тепа сочи тикка бўлди:

— Бундай жазо... қайси жиноятимиз учун?

— Биз ҳеч қандай жиноят қилганимиз йўқ. Асосий айбдор Рустамали. Ўтакетган савдогар, у ўз қилмишига яраша боши билан жавоб бериши керак эди, лекин у манглай теримиз эвазига зўрға кун кўраётган биз бечораларга айбини тўнкаб жиноий ишга аралаштираёттир. Энди олдимизда фақат иккита йўл бор. Биринчи-си: «Биз Рустамали деган одамни у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам кўрмаганмиз. Уни мутлақо танимаймиз».

Иккинчиси: «Уни таниймиз. Лекин, атиги бир марта-гина шаҳардаги дўкондан унга бўёқ обориб берган-миз». Аммо, бунинг учун ҳам ишончли гувоҳлар керак.

— Гувоҳларни қаердан топамиз?

— Фам ема, бунинг ҳам иложини қилиб қўйганман... Рустамалининг қўшниларидан бир-иккитаси оғайни чиқиб қолди, яқинда иккови билан гаплашдим, гувоҳ бўлишга ваъда бериши... Бундан ташқари, яна бир муҳим иш бор, Назаржон. Сен билан туғишиган ака-уқадек бўп қолдик, энди бор гапни яширмасдан, очиғини айтишим керак. Ахир, бир-биримиз учун жонимизни аямаймиз-ку... Анови прокурор деганинг, жуда пиҳини ёрган одам бўлади. Ҳақиқатнинг тубига етмагунча қўймайди, эзиг сўрайверади. Агар, худо кўрсатмасин, эзиг-суриштириб, мабодо икковимиз қўлга тушсак, сен анави нарсаларни зинҳор-базинҳор мендан олдим, деб айтиб юрма. Бало-қазонинг ҳаммасини Рустамнинг бўйнига ағдаравер, тушундингми?

— У ҳолда мени қамаб қўйишади-ку? — деди Назар соддалик билан қўzlари мўлтираб.

— Сени қамаса, мен борман-ку, ё қўл қовуштириб ўтиради, дейсанми? Мендаям виждон, ёру дўст, оғайн-ни-қариндош деган нарсалар бор. Сени бир ҳафтага қолдирмасдан чиқариб олишга қурбим етмайдими?

— Анави домладай бўлиб яна... — дея фўлдиради Назар, унинг гапларига ишонқирамай.

— У домла тайини йўқроқ бир одам экан, юз-хотир қилмасдан, икковимизният майиб қилиб кетди... Мен у билан ош-қатиқ бўлишни бас қилдим, — деди Фани Назарга зимдан кўз қирини ташларкан. — Прокурорнинг гапи бошқача бўлади, — давом этди у. — Олий судда ишлайдиган бир ўртоғим бор эди, бориб аҳволимни айтсан: «Оббо Фанивой-эй, текширса текшириб, сўраса сўрайвермайдими, гап айланиб, охири ўзимизга келади-ку, бунинг нимасига қайгурасан», деб, елкамга бир-икки қоқиб, ҳазиллашган бўлди.

— Хўш, материалларни қаёқдан, кимдан олдинг, деса, нима деб жавоб қиласман?

Фани иложсиз қолгандай, елкасини қисди. У шу алфозда икки дақиқа ўйланиб турди-да, сўнг чорасини топгандай пешонасини тириштириб:

— Майли, материални бизга қарашли базадан олдим, деявер. Фақат орага мени қўшмасанг бўлди, иним, — деди. Фани анчага довур Назарнинг юзига тикилиб турди, лекин йигитдан миқ этган садо чиқмади. Сўнг аста ўрнидан туриб, буфетнинг тортмасидан аллақандай тунчакни олиб келди-да:

— Назаржон, мана бу сенинг янги оилангга камини камтарииндан совфа... — деди жилмайиб. — Қизало-фингга аталган суюнчини бўлса, уйингга борганда ўз қўлим билан топшираман. Эсингдами, сени ўзим уйлантириб, хўжалигингни тиклашда кўмаклашаман, дегандим бир пайтлар. Тақдир тақозоси билан тўйингга боролмадим, ўзингдан ҳам вақти бевакът хабар ололмадим... Энди эса, манави уч мингни акангдан тўёна, деб ҳисобласанг бўлади, қизингга аталгани бу ҳисобга кирмайди, албатта.

Назар нима қилишини билмай, роса боши қотди. У Фанининг бу олийжаноблигини гоҳ унинг сахийлиги, одамгарчилик юзасидан қилаётган иши деб ўйласа, гоҳида терговдан бошини омон сақлаб қолиш учун берган пораси, деб тушунди. Агар, одамгарчилик юзасидан бўлса-ку, амал-тақал қилиб, бир кун бу қарздан кутуларди, лекин, мабодо пора бўлса-чи?

Охири, у ўйлаб-ўйлаб, пулни олишга жазм қилди. Шу кунларда пулга жуда муҳтож эди, ахир оиласининг кам-қўстини тезроқ тиклаши керак, бундан ташқари, рўзғорнинг кундалик сарф-харажатлари ҳалиям учма-уч бўлиб турибди. Ҳозир чўнтағида тунов куни маҳаллакомдан берилган пулдан атиги ўттиз беш сўм қолганди. Поланинг жамғармаси эса аллақачон тугаган, ўзиникини айтмаса ҳам бўлади... Мана, ҳозир уч минг сўм ўз-ўзидан чўнтақка кирай деб турибди. Бунинг учун фақат икки оғиз сўз айтса кифоя: Рустамалининг чайқовчилигига Фани акасининг ҳеч бир иштироки йўқ дейилса бас. Шу, холос...

Балки Фани акаси боя айтгани бўйича, бегараз, чин дилдан ёрдам берётгандир? Ахир, у ҳам Назарнинг имтиҳонларини деб, қанчалар чиқимдор бўлганини билади-ку? Бунинг устига, Фанининг «объектлар»га материал ўтказишида Назарнинг ҳам хизмати чакки эмас.

Йигитнинг узоқ ўйга толиши Фанини тараддуллантириди.

— Нега хаёл суриб қолдинг, Назаржон? Бунча бўшашиб масанг, нима бўлса борини айтаверасан-да, фақат орага мени қўшмасанг бас...

— Яхши, — деди Назар тугунчакни ўзига яқинроқ суриб қўйиб. — Фани ака, энди шу гапдан кейин эллик граммдан отмасак бўлмас.

Улар хўроз қичқирган маҳалда гапни пишитиб, уйкуга ётишди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Назар қизлик бўлгандан кейинги ўтган уч кун унинг ҳаётида кўп гаройиб ҳодисаларни бошлаб берди. Тасодифан Султон билан учрашуви, тўнғич фарзанд қувончидан ўзини қўярга жой тополмай қолгани, эски қадрдони Фани акасининг уйига боргани, шунчалар хурмат-иззатга сазовор бўлгани-ю, меҳмондорчиликдан чўнтағи қаппайиб қайтгани, хуллас, буларнинг ҳаммаси йигитнинг кайфиятини ниҳоятда чоғ қилган эди. Бугун ишга чиққанида эса, бадал тўлашни унутмадингми, деб сўрашдан бошقا гапни билмайдиган бошлангич комсомол ташкилотининг котиби Акром унинг қўлтиғидан олиб, хонасига бошлаб киргани ва ҳолаҳвол сўрагани уни янада ҳайрон қолдирмоқда эди.

— Назар, мен аввало сени қизалоқли бўлганинг билан табриклайман, — деди Акром, — умри узоқ бўлсин қизчамизнинг. Айтганча, исмини нима қўймоқчисан? — деб сўради.

— Ҳозирча, Жамила қўйсамми, деб турибман.

— Жуда яхши. Бу Ўрта Осиёнинг барча халқларига тааллукли жуда чиройли исм... Лолаҳон қачон чиқаркан?

— Анигини билмайман...

— Яхши. Сенга маъмурият, маҳаллаком уч-тўрт кунга у ёқ-бу ёғингни йиғиштириб, дам олишинг учун рухсат берибди. Биз ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлаймиз, лекин шу орада нима ишлар қилганингни сендан сўрамоқчийдим...

Ўтган икки кун бадалида Назар, «туғуруқхонадан хабар олдим, танишлар билан учрашдим», дейишидан бошқа оғиз тўлдириб айтадиган бирор юмуш қилмаган эди. Шу сабабли, Акромнинг гапига шунчаки елка учирив қўя қолди.

— Назар, мен сенга чин комсомол сўзимни айтай: ҳозир Тошкентимизда қурилиш ишлари қай даражада қизғин кетаётганини ўзинг мендан яхшироқ биласан. Ана шундай бир пайтда, икки оёқ бир этикка тиқилган вазиятда хотиним тугди, деб бамайлихотир уйда оёғингни кўтариб ётаверишга уялмайсанми? Хўп, яхши, Лоладан кунига бир марта хабар олақол, буниям иш орасида, тушлик вақтида ёки йўл-йўлакай кўриб ўтсанг ҳам бўларди-ку?

Назар бу гапга нима дейишини билмай, бошини қашиб қўя қолди.

— Ташкилотимиз бюроси сени илфор ишчи, кўнгли тоза комсомол сифатида партия аъзолигига тавсия қилмоқчи эди, бироқ ора-чорада кўрсатадиган баъзи қилиқларингдан кейин, бюро аъзоларидан айрим ўртоқлар иккиланиб туришибди. Шундай бўлса-да, барibir, биз сенинг бирор жиддий сабабсиз ишдан қолмаслигингни тушунамиз, ҳар қандай юмушни дундирив бажаришингни ҳам биламиз. Ва шу важдан катта ишонч билдириб, сени партия сафига қабул қилмоқчимиз. Хўш, бу масалага қандай қарайсан?

— Мен, мен... — дея дудукланди Назар, ўйлари баттарчувалашиб. — Мен, ҳозирча, ўзимни партия аъзолари сафида туришга муносиб эмасман, деб ҳисоблайман...

— Сабаб?

Назар елкасини учирди.

— Гап сенинг ўзингни нима деб ҳисоблашинг устида кетаётгани йўқ. Муҳими, гап жамоангнинг сени қўллаб-қувватлашида, ҳаммалари оқкўнгиллигингни, меҳнаткашлигингни ҳурмат қилишади. Сен бўлсанг, ҳадеб ўзингни пастга урасан.

— Мен ўзимни партия сафида бўлишга нолойиқ деб ҳисоблайман, — деди Назар Акромнинг юзига тик қараб. — Сабабини ҳозир тушунтиrolмайман, лекин фурсат етса, ҳаммаси ўз-ўзидан ойдинлашади...

— Нега, бирон жинояting борми?

Назар яна елка учирди.

— Сен бор гапни айтавер, — деди котиб, — агар, билмасдан гуноҳ иш қилган бўлсанг, меҳнатинг билан оқлаб юборишинг мумкин. Хулласи қалом, шу яқин кунларда бояги таклифимни яхшилаб ўйлаб кўриб, жавобини бер. Айтганча, ўтган ойда бадал тўлаганмидинг?

— Тўлаганман.

— Балли, Назар! Майли, энди сени ортиқча ушлаб ўтирумайман.

У котиб билан хайрлашиб, ташқарига чиқди-ю, ногаҳон гаражнинг тўрида турган машинаси атрофида нотаниш бир йигитнинг айланишаётганига кўзи тушди. Яқинроқ бориб қараса, у орқа гилдиракни ечиб олаётган экан.

— Ҳей, ошна, куппа-кундузи нима қиласпсан? — деди Назар ўдағайлаб қўлларини белига тираб.

— Ассалому алайкум, — дея қорамой юққан қўлларини узатди нотаниш йигит. — Менга, шу машинанинг ҳайдовчиси уч-тўрт кун бўлмайди, сен вақтинча ҳайдаб тур, дейилганди. Кеча кечқурун орқа балоннинг ели чиқиб кетди. Шуни алмаштираյпман.

— Ҳайдаганингга неча кун бўлди?

— Икки кун...

— Қачон ишга келдинг?

— Уч-тўрт кунча бўп қолди.

Назар индамасдан кабинани очиб, ичига бирров назар ташлади-ю, яна секингина ёпиб қўйди. Олдинга

үтиб, капотни қаради, моторга пича тикилиб турди. Сұнг машинани айланаркан, әңкайиб тагини күздан кечирди-да, нотаниш йигитнинг олдига келди.

— Машинани неча кун ҳайдадим, дединг?

— Икки кун...

— Мана, сенга, икки кун! — Назар йигитнинг қулоқ-чаккасига қарс әтказиб шапалоқ тортиб юборди. — Сен итдан тарқаган, бироннинг нарсасига нега үзингники-дай қарамадинг? Икки кун ичида машинани бир йилга тұздырибсан-ку? Ёки, бу темир-терсакни сұрайдиган одам йүқ деб үйлабмидинг, энағар!

— Кечириңг, оға, — деди нотаниш йигит үйелам-сираб чаккасини сийпаларкан. — Мен ҳайдовчилик курсини яқында тутаттандым...

— Ішдан кейин үзинг ювишга эринсанг, ҳеч қурса, хув анави мойканинг тагидан ҳайдаб үтиб, сұнг ичка-рига опкириб қўймайсанми?

— Сиз келгүнингизгача топ-тоза қип қўяман, ёшулли, — деди у, қорамойга беланган қўлларини латтага ишқаркан.

— Қаерликсан?

— Хоразмдан, Шовотдан...

— Тошкентга нимага келгандинг?

— Ўқишига келувдим, мандатдан қайтдим. Уйга бо-ришга юзим чидамади. Кейинги йили яна имтиҳон топ-шираман, деб ишга кирдим, ҳайдовчиликка ўқидим.

— Яхши, юртдош эканмиз, аммо бундан буёғига эсингда бўлсин: машинамга сал яқинлашдингми, боз-боягидай қилиб яна жойига қўясан, тушундингми?

— Тушунарли, — деди нотаниш йигит интизомли мактаб ўқувчисига ўхшаб. Назар унга бошқа ҳеч нарса демай, келган йўли билан ортига қайтди.

— Назар, ҳой Назар! — қичқирди диспетчер Назар автобазанинг дарвозасига етай деганда. — Сенга нима бўлди ўзи, биздан хафамисан, индамасдан кетиб борајпсан?

Назар изига қайтди.

— Машинамни аллақандай жүжахүрөзга чүқитсанғиз, хафа бұлмай, үйинга тушайми? — деди у диспетчернинг узаттан құлини олиб маҳкам қисаркан. — Ишга чиқишим билан таъмирлашга тұғри келади...

— Бундан чиқди, сен дам олаёттанды машинанғ ҳам дам олиши керак экан-да, а?

— Йүғ-а, машина дам олмаёқ қўйсин, лекин унга қарааш, у ёқ-бу ёғини тозалаш ҳам керак-да. Сизлар рейсга жўнар олдида, туйнукчадан бир қараб, йўлланма ёзиб берсангиз бўлди, шундайми?

— Хўп, хўп, Назар, биздан бир гуноҳ ўтибди, — деб гапининг охирини ҳазилга буришга уринди диспетчер. — Айтганча, «Жигули»ни қачон ювамиз?

— Уйга боришга ваъда бериб, бормадингиз-ку, энди ўзингиздан кўринг.

— Назаримда, сен яна ўсадиганга ўхшайсан, ростини айт, ювадиган яна қандай янгилик бор?

— Бошқа ҳеч гап йўқ.

— Унда, нега ҳозиргина сени телефонда академик Хўжаевнинг қабулхонасидан сўрашди? Шунчаки сўрашса ҳам майли, «bugun соат учда академикнинг қабулига келсин, мабодо келолмаса, сабабини манави рақам бўйича телефонда айтсин!», — дейишиди.

Диспетчер телефон рақами ёзилган кафтдеккина қофозни тавозе билан узатди...

«Эҳ, Султон ofa!» — дея ичида чукур уф тортди Назар.

* * *

Назар тушгача кўча айланиб, ҳориб-чарчаб уйига келганда Султон эшикнинг олдида гоҳ соатига, гоҳ ташқарига қараб, уни сабрсизлик билан кутмоқда эди.

— Хў-ўй, қаёқларда сангигиб юрибсан? Мен бир соатдан бери йўлингга кўзим тўрт бўлиб тикилиб ўтирибман-а. Қани, кетдик...

У Назарнинг билагидан қисиб ушлади-да, зинапоядан пастга қараб судрай кетди.

Академикнинг хонаси нари-бери жиҳозланган эди. Кичкина телевизор, совиткич, битта китоб жавонию стол устида турган ҳар хил рангдаги уч-тўртта телефон жиҳозлари, Академикнинг ўзи ҳали анча ёш, соchlари тимқора, чаққонгина одам экан. Назарнинг хаёлида, академиклар соchlари қордек оппоқ ёки ялтирош, кўзойнакли бўлиши лозим эди.

Султон тўппа-тўғри унинг ёнига борди-да, рўпаратдаги стулга ўтиргач:

— Мана, Пўлат оға, боя мен айтган бола шу... Ўзим тарбиялаб, ундан яхши бир шогирд чиқараман, деб ўйлагандим, лекин ўқишининг сал мазаси қочганга ўхшайди. Ахволи эса, боя ўзингизга айтганимдай...

— Келинг, кираверинг, ўғлим, — деди академик, салом бергач, эшикнинг олдида иккиланиб тўхтаб турган Назарни қўли билан имлаб. Йигит яқинлашганда у ўрнидан туриб, қўлини узатди.

— Ўтиринг, марҳамат, қани, ҳаммасини бир бошидан гапиринг-чи. Мен Қорақалпогистонда кўп марта бўлганман, кўплаб дўстлар ортирганман, демак, мени ҳамشاҳарим десангиз ҳам бўлаверади.

— Домла, мен кечки бўлимда ўқиётгандим, кундузи эса қурилишда ҳайдовчи бўлиб ишладим. Султон оға билан танишганимдан кейин, Устюртга бориш нияти туғилгани рост. Лекин бу ёқда ўқиш, иш дегандай, бунинг устига, оиласвий аҳволим ҳам бунга йўл бермай турибди.

— Ўйланганимисиз?

— Ҳа, яқинда...

— Яқинда фарзандлик бўлди, Пўлат оға, — орага гап қўшди Султон. — Менам унга ҳозирнинг ўзида орқамдан юр, деяганим йўқ. Агар, ўқийдиган бўлсанг, тузукроқ ўқи, хоҳламасанг, ҳалол меҳнат қил, дедим.

— Сиз нима дейсиз, Султон, Тошкентни қайта куриш — Устюртни бургулашдан муҳимроқ аҳамиятга эга эмасми?

— Йўғ-е, мен бундай деяганим йўқ, фақат болани тўғри йўлга солишимиз керак, — деди Султон сўзининг охирини ичига ютиб.

— Майли... Мен бир ўйлаб кўрай-чи... Умуман, бунақа ишларга ҳеч аралашмаганман, фақат сенинг хурматинг учун Султон, бир ҳаракат қилиб кўраман. Лекин, аввал шунга келишиб олайлик: Назар ўзи ҳақида бир-икки кун обдан бош қотириб кўрсинг, оилавий аҳволини, ишини ўйласин. Мабодо, ишдан ажралмаган ҳолда ўқишнинг иложи топилса, келиб дарров менга хабар қилсин. Ана шундан кейин, балки институт билан гаплашиб кўрармиз. Хўш, қалай, келишдикми, Назар?

— Ана, энди бу бошқа гап, — деди Султон ўрнидан туриб. — Бундан кейин, Назаржон, Пўлат оғангнинг олдига тўппа-тўғри, ҳеч тортишмай киравер. Мен эртага кечкурун Нукусга учаман, яна қачон келаман Тошкентга, у ёғини худо билади.

Улар қабулхонадан чиққач, анча жойгача бир-бирига сўз қотишмай пиёда юришди. Хайрлашув фурсати етганда, Султон унга экспедициянинг манзилини ёзив берди-да:

— Натижасини хабар қиласан, сендан албатта, хат кутаман. Пўлат оға боя нима деган бўлса, ҳаммасига оғишмай амал қил, — деди.

— Султон оға, — деди Назар бироз ўйлаб туриб, — Султон оға, балки Пўлат оғадай катта одамни орага қўшмасак яхши бўлармиди... Бизда иккинчи курсдан бошлаб, ўша киши ёзган китоб асосида дарс ўтилади. Тағин менинг касримга қолиб, у кишининг ҳам обрўйи тўкилмаса гўрга эди.

— Сен бу томондан хотиржам бўлавер. У ҳозирги даражасига етгунча, эҳ-ҳе, мингта чиғириқдан ўтди. Унинг ёшлиқ даври шип-шийдам сахрова, хуллас, бутун умри гоҳ ертўлада, гоҳо будкада кечди. Мана, атиги беш-олти йилдан бери чеккан ўша азобларининг роҳатини кўраётир. Гапимга ишонавер, вақти келиб, бутун Устюрт ўлкаси ўша одамдан миннатдор бўлади. Айтганча, эсим курсин, келин қачон тугуруқхонадан чиқади? Балки, бугун-эрта жавоб беришса, қизалоқниям кўриб кетарман?..

— Қайдам? — деди Назар елкасини учириб.

Назар уйига етгач, диван-каравотда узала түшиб ётган күйи ўйланиб-ўйланиб, охири академикнинг олдига бормайман, деган қарорга келди. Балки, бу ҳақда Лолага маслаҳат солиб күрса ҳам ёмон бўлмасди, лекин уям ҳали-бери туғуруқхонадан чиқадиган эмас. Шифокорларнинг айтишича, яна бир ҳафтacha ётиши мумкин эмиш. Айтгандек, Лоланинг кечаги хатида: «Гувоҳнома опкелмадингми, исмини Жамила қўйганинг яхши бўлибди», деган сатрлар бор эди-я!

Қизига гувоҳнома олишни Fани билан аллақачон келишиб қўйгани ёдида. Ўша куни Fани акаси: «паспорtingни опке, қанча харажат кетса, ҳаммасини мен тўлайман», деган эди. «Бу нимаси, — хаёлидан ўтказди у, — аллақандай Устюртни, ўқиши деб, сал бўлмаса бола-чақани унутаёзибман-ку?»

У вақт анча кеч бўлишига қарамасдан Fани акасиникига бормоқчи бўлиб, апил-тапил кийина бошлади.

Fани акаси уни бу сафар бўсағада кутиб олди. Апокчапоқ қучоқлашиб кўришиб, ҳамишагидек иззат-икром билан йигитни ичкарига бошлади.

— Назаржон, узр, қадрдон дўстларимдан биттаси келган эди, ўша билан овора бўлиб... Мен ҳозир, қизчамизнинг гувоҳномасини опчиқай, сал кутасиз-да, энди...

— Бемалол, — деди Назар.

Fани ҳаял ўтмай гувоҳномани олиб чиқди-да, муқовасини кўрсатиб, «қалай, хурсандмисан?» дегандек, унга гердайиб қаради. Назар хужжатга синчиклаб разм солар экан, унда қайд қилинган отасининг исмига кўзи тушди-ю, аъзойи бадани жимиirlаб кетди. «Тўрабоева Жамила Назаровна, миллати — қорақалпоқ». У кутилмаган яна бир янгиликдан ҳайратта тушди. «Қанақа одамман ўзи, шу пайтгача ўз қучоғимдаги жуфтиҳалолимнинг миллатига эътибор бермабман-а?» — хаёлидан ўтказди ажабланиб. У Лоланинг фамилиясидан кейин, «миллати — уйғур», де-

ган ёзувларни ўқиди-ю, бошини чайқаб, мийифида бир кулиб қўйди.

— Ҳа, жа хаёл суриб қолдингиз, Назаржон? — деган Фани акасининг саволи уни ўзига келтирди.

— Ҳеч нима, шунчаки ўзим... Фани оға, менга қилган яхшилигингизни, нима десам экан, қандай ўттайман?

— Сизнинг мендан ҳеч бир қарз бўлган жойингиз йўқ, Назаржон, — деди Фани елкасини қашиб, — ўртамизда эллик-олтмиш сўм ҳам юрмасинми? Бунақада мени хафа қилиб қўясиз, иним.

— Раҳмат ака, мен сизнинг бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман, — деди Назар, сўнг кетишга тараддулланди.

— Назаржон, сиздан жиндеккина илтимосим бор эди, лекин ҳали ишга чиқмаган бўлсангиз керак, — деди Фани йигитнинг кўзига синовчан тикилиб.

— Юмушингиз бўлса, эртагаёқ чиқавераман.

— Тергов-пергов деган гаплар ҳам тугади, сени ҳеч ким чақирмадими?

— Йў-ўқ, ҳеч ким ҳеч нарсани сўраган ҳам эмас.

— Эртага анави манзилга бориб келмасанг бўлмайдиганга ўхшайди. Базага бориб, мени айтди десанг, материал юклаб беришади. Ўшани тўппа-тўғри Рустамалининг уйига етказсанг, олам — гулистон. Йўл-йулақай биззи участкага бурилмасанг ҳам бўлади...

— Хўп, майли, Фани оға, — деди Назар ўнг кўлинни кўксига қўйиб.

— Эртага қанча барвақт йўлга тушсанг, ўзингта шунча яхши, — деди Фани хайрлашмоқ учун қул узатаркан. — Хўп, майли, сенга оқ йўл, иним. Маҳмуд Кошғарий деган бобомиз айтган экан: «Қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар, оға бўлар йигитнинг этак-енги кенг бўлар». Бобомиз айтгандек, Назаржон, ҳали сендан умидим жуда катта, худо хоҳласа, баҳтли бўп кетасан...

— Айтганингиз келсин, Фани ака, — деди Назар ўпкаси тўлиб. У оғасининг хонадонидан боши осмонга етиб чиқди ва тўппа-тўғри Лоланинг олдига бориб, униям хурсанд қилди. Лекин...

Лекин, азон маҳали, Тошкентдан чиқаверишда Назарнинг бүёқ юкланган машинасини ДАН ходимлари тұхтатиб, ўзини ўша ердан тұппа-тұғри енгил машинада ОБХСС бұлымиға опкетишди. Суроқ-жавоб ишләри узоқ давом этмади. Фақат ундаги бор ҳужжатлар олиниб, аллақаңдай қофозларни тұлдиришди-ю, Назар тагига имзо чекди.

— Сизнинг маршрутингиз бизга аввалдан маълум, ўртоқ Тұрабоев. Айбингизни фақат ҳақиқатгина енгиллатиши мүмкін. Давлат мулкига хиёнат қылганингиз учун қонун олдида жавоб берасиз! — деди капитан погонидаги киши бурун парракларини пирпиратиб.

... У, яккаю ягона деразасига темир панжара қоқилған хонада ётаркан, орадан бир кун үтгач, зўрга ўзига келди. Йигитнинг хаёлидан нималар кечмади дейсиз? Дастреб, жини суймайдиган онаси ёдига келди. «Она жон, мен қандай аҳволга тушиб қолдим?» — дея ичиде ўксис-ўксис йиглади. Кейин суйгани, меҳрибон умр-йўлдоши Лола кўз олдидага гавдаланди, дийдори ҳали насиб этмаган қизалогини қўмсади. Кеча кечқурун ортидан «оқ, йўл» тилаб қолган Фани акасини эслади. «Балки, мени қўлга тушганимдан у бехабардир, акс ҳолда, дарҳол келиб, опкетарди бу ердан?» дея ўзича умидвор бўлди. «Ҳўп, энди терговда нима дейман?» — унинг бошидан хушини учирив, хаёлини қирқ бўлган энг қийин савол шу эди. У, бундан бу ёғига тақдиррида неки юз бермасин, онасини ва меҳрибон Лоласини нечоғлик эсламасин, улардан бирор мадад келмаслигини биларди. Энди яккаю ягона умиди фақат Фанидан эди...

Назар чалқанча ётган кўйи Фани акаси айтган сўзларини бирма-бир хотирлай бошлади... «Нимаики содир бўлмасин, зинҳор-базинҳор терговга мени кўша кўрма», деб ялинган эди Фани акаси. «Қизиқ, агар уни айтмасам, ким қўлга тушади? У ҳолда базадан материал берган ҳам, менинг ўзим бўп чиқмайманми?! Йў-ўқ, бунақаси кетмайди!» Унинг тепа сочи тикка бўлди, аммо, Фанининг қилған яхшиликлари, кўрсатган меҳ-

рибонлигию ғамхўрликлари-чи? Унинг сўнгги марта берган уч минг сўми эсига тушди-ю, ичида: «Бу одамнинг яхшилигига мен ҳам яхшилик билан жавоб қайтаришим лозим-ку?» деган хаёлга борди... Хуллас, у эрталабгача аниқ бир фикрга келолмай, ўйлари бешбаттарчувалашиб кетди.

* * *

Геология факультети деканининг телефони устмавуст жиринглаб, мажлисга халақит бермоқда эди. Аппарат яна жиринглади. Маъруза қилаётган декан телефон аппаратига хушламайгина назар ташлади-да, бўйинбогини асабий кўтарди.

— Эшитаман, декан.

— Академик Хўжаев сиз билан гаплашмоқчи, — гўшақдан аллақандай аёлнинг жарангдор овози эшитилди.

— Академик Хўжаев?! — У атрофига олазарак қараб, бўйинбогини тўғрилаган бўлди. — Марҳамат, қулогимиз хурматли устозда...

Аввало, декан қўлини кўксига қўйиб, узоқ саломлашди. Бир қараашда, у атоқли олим билан телефонда эмас, гўё юзма-юз туриб гаплашаётгандек эди.

— Лаббай, устоз, биз шогирдларингиз мажлис-пажлисни йигиштириб, хизматингизга тайёрмиз...

— Э-ҳа, унақа бўлса, безовта қилганим учун узр. Балки, сал туриб телефон қиласман? — деди Хўжаев самимий оҳангда.

— Ҳечқиси йўқ, домла, ҳечқиси йўқ. Бу ерда йифилган барча шогирдларингиз овозингизни эшитиб, бизни унумаганингизга беҳад севинишса-ю, сиз бўлсангиз, ҳатто гаплашгингиз ҳам келмайди. Биз мажлисни истаган пайтда давом эттираверишимиз мумкин, лекин, домла, сизнинг овозингизни истаган пайтда эшитолмаймиз-ку? — Декан шундай деди-да, шимининг чўнтағидан дастрўмолини олиб, жиқقا тер босган манглайнини артди.

— У ҳолда, дўстим, сиздан бир ўқувчингиз хусусида сўрамоқчи эдим: ўзи қорақалпоғистонлик, фамилияси — Тўрабоев, исми — Назар, иккинчи ё учинчи курсда ўқиса керак...

Декан ён-верига аланглаб қараб олди-да, сўнг гўшакка энганиб:

— Ҳозир, домла, ҳозир, бир минут... Менинг эсимга туша қолмаяпти, ҳозир, ўринбосарлардан сўрай-чи. — У гўшакнинг оғзини кафти билан бекитиб:

— Қани, тезроқ бўлинг, кимнинг гуруҳида қорақалпоғистонлик Тўрабоев Назар деган талаба ўқийди? Иккинчи ёки учинчи курсда бўлиши керак? Академик Пулат Хўжаевнинг шахсан ўзи сўраяпти.

Факультетнинг кечки бўлими бўйича декан ўринбосари жойидан иргиб туриб:

— У, анави, ўзининг зачёткасига ўзи қўл қўйган бола. Учинчи курсга ўтолмай, иккинчи курсда қолган, лекин ҳужжатларини ҳали опкетгани йўқ. Бундан ректоратнинг ҳам хабари бор.

Декан гўшакдан кафтини олиб ва икки букилгудек унга энганиб:

— Алло, устоз, у бола кечки бўлимда ўқиган экан. Аммо, ҳозир, кетган дейишияпти.

— Қаёққа кетади? — сўради академик.

Декан боя жойидан турган ўринбосарига бурилиб, академикнинг саволини такрорлаган эди, у «мен қаёқдан билай?» дегандек, елкасини қисиб, қўлларини икки ёнига ёзди.

— Бундан бизнинг хабаримиз йўқ экан, устоз, — деди декан, манглайнинг терини яна дастрўмоли билан сидираркан. — Кечирасиз-у, у бола сизни нега қизиқтираётганини билмай турибмиз. У сизга танишпаниш эмасмиди, ишқилиб?

— Мен у талабани сизлардан яхши билмайман. Лекин амалий геологияда сергайрат, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланадиган кишилардангина биз кутган натижа чиқишини биламан. Фақат ана шундай фидойи одамларгина ер қаърида нима борлигини аниқ-

лай олади. Сиз бұлсангиз, қазилма бойликлар билан әмас, балки келажакда ўша қазилма бойликларни қидириб топиши лозим бўлган ёш кадрлар билан ишламоқдасиз. Қизифи шундаки, сиз уларнинг, яъни бўлаҗак ёш кадрларнинг бир-биридан фарқли томонларини ҳам ҳанузгача ажратолмабсиз. Гапнинг қисқаси, эртага соат роппа-роса ўн иккода, ўша Тўрабоев хусусида менга хабар қилинг. Эшлишимча, у яхши йигитга ўхшайди, яхши одамнинг ўқиши ҳам яхши бўлиши керак, деб ўйлайман.

— Гапингиз тўппа-тўғри, устоз, — деди декан қовоғини осилтириб. — Энди, бизга нима маслаҳат берасиз?

— Бола билан ўзингиз гаплашиб кўринг... Бундан ташқари, Устюрт хусусида аввал рад этилган илмий хуносаларни ҳам яна бир бор яхшилаб ўйланг. Фикрингизни, боя келишганимиздек, эртага соат ўн иккода айтасиз. Хўп, саломат бўлинг.

Декан қўлидаги дудудлаётган гўшакка эсини йўқотганнамо алфозда бир фурсат тикилиб турди-да, сўнг секин жойига қўйиб, бошини қашиди.

— Бу, Тўрабоев деган бола, аввал кундузи ўқирди, сўнг ўз ихтиёри билан ариза бериб, кечки бўлимга ўтган, — деди декан ўринбосари шартта ўрнидан туриб.

— Ўтиринг! — уни жеркиб берди декан қовоғидан қор ёғилиб. — Сизнинг айбингиз сабаб, ҳурматли устозни пича хафа қилганга ўхшаймиз. Ҳар ҳолда, яхши иш бўлмади. Сиз мажлисдан озодсиз, ҳозирнинг ўзида шу боланинг ҳужжатларини шу ерга опкеласиз. Яна, гапимга қулоқ солинг, унинг ўзини ҳам бугун кечгача ернинг тагидан бўлсаям топасиз, тушундингизми? Айтганча, у боланинг қаерда ишлашини биласизми ўзи?

Ўринбосар « билмайман » дегандек, яна елкасини қисди. Декан унга еб қўйгудек ўқрайиб қараб:

— Боринг, сиз билан кейин алоҳида гаплашамиз, — деди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Лолани туғуруқхонадан опкетишга Назар эмас, балки етти ухлаб тушига кирмаган бегона одамнинг келиши унинг капалагини тамом учирив юборди.

— Назар қаерда? — сўради Лола энка-тинкаси чиқиб.

— Назар бор, соппа-соғ, хизмат сафарида бироз ушланиб қолгани сабабли мени юборди, — деди Фани унга тасалли беришга уриниб.

— Сиз кимсиз?

— Мен у билан бирга ишлайман. Назар сиздан хабар олишни менга тайинлаб кетганди, — деди Фани хиёл иккиланиб. Унинг сирли жавоби ҳали бели қотмаган жувонни баттар эсанкиратиб қўйди.

— Сиз бор гапни мендан яширмай айтаверинг, Назарга нима бўлди? — дея қайта-қайта, то уйларига етгунча сўраб борди Лола. Улар уйга етиб келганларидан сўнг ҳамма гап аён бўлиб, «сир» очилди. Фанининг айтишига қараганда, Назар аллақандай олибсоттарлар билан алоқа ўрнатиб, қурилиш материалларини «четга» пуллаган ва шу яқин орада, уч минг сўмча «ишлаган» экан.

— Нима деяпсиз, ўзи қарздан бошимиз чиқмай, зўрға рўзгор тебратиб ўтирибмиз-ку? — деди Лола ишонқирамай. — Балки ёлғондир бу?

— Сиз менга ишонаверинг, — деди Фани жўрттага кўзига ёш олиб, — агар Назаржон сизга эр бўлса, менинг қадрдон иним эди, бундан икки кун аввал уйга бориб, ўшулли мана, менинг икки кунда топганим — уч минг, деб, ҳатто қандайдир бир тугунчакни кўрсатганди. Оқибат шу бўлдики, бола бечора кеча азон маҳали жиноят устида қўлга тушибди. Энди бизларниям терговга чақираётир.

Фанининг хўнграб юборганига қараб туриб, Лола: «Бу одамни-ку, биринчи марта қўришим, агар ростдан ҳам Назарга қадрдон aka бўлса, нега илгари учрашмаганмиз?» дея хаёлидан ўтказди-ю, ўзининг ҳам бирдан кўнгли бўшаб, дастрўмолини кўзига босди.

Фани, гүё жувонни юпатишнинг иложини топмаёт-гандай, ора-сирада томогини қириб, ўзига таниш ту-гунчак тахминан қаерда туришини чамалаб, хонага ўғринча кўз югуртириб чиқди. «Хув ана, буфетнинг ойнасидан бир учи кўриниб турипти. Болапақир чин-дан ҳам содда экан-ку, уволига қолмасам гўрга эди», дея кўнглидан ўтказди у. «Ҳеч қурса шунча пулни тузукроқ жойга бекитсанг бўлмасмиди, нодон?»

У бошини силкитиб, гүё хаёлига келган ўйларни ҳайдаган бўлди-да, Лоланинг елкасига оҳиста қоқди.

— Кўйинг, келин, худо хоҳласа, ҳеч гап бўлмас, — деди у Лолани юпатиб, — қанча йиғлаб-сиқтаганимиз билан Назарга тариқча нафи тегмайди, ундан кўра, болани фалокатдан қутқариш йўлини ўйлайлик.

Лола йифисини зўрға босиб, бошини кўтарди.

— Қандай қутқарамиз? — сўради у овози титраб.

— Кечаги тугунчакнинг бир учи, ҳув ана, кўриниб турибди. Ўшани терговчига обориб берасиз. Назар учун пулни аяшнинг вақти эмас ҳозир, тан-жони соғ бўлса, йигит кишига мол-дунё топилади. Агар буни оз деса, менга хабар қиласиз, камини ўзим тўғрилайман.

Лола Назарнинг саховатманд ошнасига чин юракдан миннатдорчилик билдириди. У, шу топда, Назар учун ўзини курбон қилишга ҳам тайёр эди.

— Унинг қаерда ётганини ва ким сўроқ қилаётганини қандай аниқлаймиз?

— Мен тушдан кейин ҳаммасини билиб келаман. Унгача чақалоққа қараб турадиган биронта қўшнини топиб кўйинг. Мен машина опкеламан, бир соатда гизиллаб бориб келамиз.

— Раҳмат сизга, барака топинг, — деди Лола қўзла-рига ёш қалқиб.

Лола Фанининг қистови билан тугунчакни сумкаси-га жойлади-ю, район Ички ишлар бўлимига кириб, капитан Қўлдошевни сўради. У иккинчи қаватга қутарилиши билан, айтилган хонанинг рўпарасидан чиқди.

— Ассалому алайкум, — деди у эшикни қия очиб. — Мумкинми?

— Келинг, келинг, синглим, — деб уни ичкарига таклиф қилди капитан.

— Менга Құлдошев керак эди.

— Марҳамат, хизматингизга тайёрман.

— Оға, мен ҳозир түппа-түғри туғуруқхонадан чиқиб келяпман, қизчамни қўшниларга ташлаб... — Лола гапини охиригача тутатолмай, йифлаб юборди.

— Қўйинг, синглим, қўйинг, йифламанг. Сизга нима бўлди? Биздан қанақа ёрдам керак?

— Менинг эrim ҳайдовчи эди, қамаб қўйибсиз...

— Фамилияси ким?

— Тўрабоев...

— Ҳм, а-ҳа, ўшами? У машинасида қурилиш материалларини ўғирлаб бораётган жойида қўлга тушди, ҳозир тергов кетаяпти.

— У ўғри эмас, у яхши одам, Құлдошев оға, у — менинг эrim...

— Тўрабоев сизнинг эрингиз бўлгани учунгина яхши одам, деган хулоса келиб чиқмайди, синглим. Сиз Назарга ёрдам бериб, жазосини енгиллатгингиз келса, менинг саволларимга тұғри жавоб қылсангиз бўлди.

— Ёрдам ҳам бераман, саволларингизга жавоб ҳам қайтараман...

Капитан жувоннинг ўқтамлигидан ичидаги суюниб, савол-жавобга ўтди.

— Сиз Назар билан қачон турмуш қургансиз?

— Бир йилча бўп қолди.

— Уни қачондан бери биласиз?

— Икки йилдан бери...

— Демак, аввал учрашмагансиз?

— Йўқ...

— Икковингизнинг моянангизни қўшиб ҳисоблагандаги, ойига ўртача қанчадан тұғри келади?

— Тўрт юз сўмга бориб қолар, менимча?

— Турмуш қурганингиздан буён Назар ойлигидан ташқари уйга бирор марта пул олиб келганми?

— Олакелган эмас, лекин омонат дафтарчасида минг сўмга яқин пули бор эди. Менинг омонат дафтарчамда ҳам икки мингдан сал кўпроқ пул йиғилиб қолганди.

— Унинг ишдан қечикканини ёки bemavrid бирон ёққа бориб келдим, деганини эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Унинг қариндош-урувлари ёки бирга ишлайдиган оғайниларидан кимларни танийсиз?

Лола бу саволга иккиланиб қолди. Бироз ўйланиб тургач:

— Мен унинг қариндош-урувларини кўрган эмасман, фақат бир марта овулидан аллақандай йигит билан кекса киши меҳмонга келганди... Кейин... туғуруқхонада ётганимда, исми эсимда йўқ, қандайдир овулдоши гул бериб юборибди. Бугун Назар билан ишлайдиган одам туғуруқхонага бориб, уйимга опкелди, — деди.

— Сизни туғуруқхонадан опкелган одамнинг исмини биласизми?

— Кечирасиз, исмини сўраш эсимга келмабди. Ахир, бу аҳволда... Қўлдошев оға, илтимос, Назарни бўшатсангиз, у ҳали қизининг дийдорини кўргани йўқ... Тўнгич фарзанди, ахир. Манави.... менинг бор топганим шу... — Лола титроқ овозда шундай деди-да, сумкасидан тугунчакни олиб, столнинг устига қўйди.

— Бу нима? — сўради Қўлдошев ҳадиксираб.

— Уч минг... агар кам десангиз, яна опкеб бераман. Фақат Назарни озод қилсангиз бўлди. Сиз ишонинг, Назарда айб йўқ. Унинг қўлидан ўғрилик келмайди.

Қўлдошев шоша-пиша гўшакни кўтариб, аллакимга кўнфироқ қилди-да:

— Иккита гувоҳ олиб келинг! — деб буюрди зарда-си қайнаб.

Лола капитаннинг газабнок сўзларига эътибор ҳам бермай, ҳадеб ялинмоқда эди:

— Ҳозир, синглим, ҳозир масалани ҳал қиласиз, бир дақиқа сабр қилинг, — деди капитан, хонага гувоҳлар кириб келганда сал-пал ўзини босиб. — Манави

гражданин Тұрабоевнинг рафиқаси, — деди Құлдошев Лолага ишора қилиб. — У хизмат вақтимда менга пора бериб, әвазига әрини бүшатишимни талаб қылмоқда. Гувоҳлар пулни санасин, сиз эса протоколлаштириңг, — деди капитан гувоҳларни олакелган ходимга.

Лола ўзининг қопқонга тушганини ҳамон англаб етмаган эди. Лекин, шу билан бирга, ҳақиқатнинг юзига оёқ ҳам құя олмасди.

— Бу пуллар кимники? — сүради ҳалиги ходим.

— Меники, яъни эримники... — деди Лола ажабланып ва бу саволдан андак ранжиб.

— Сиз эрингизни бүшатиш учун пора бермоқчисиз, шундайми?

— Ҳа, шундай. Менга мана шу пулларни капитанга обориб берсанг, Назарни бүшатиб юборади, дейишиди.

— Ким айтди, бүшатади деб?

— Назар билан бирга ишлайдиган одам.

— Исми, фамилияси?

— У ёгини билмайман. Ўзини бугун биринчи марта күришим...

— Агар кўрсангиз, уни танийсизми?

— Таниш ҳам гапми, ўзи машинасида мени шу ерга опкелди. Капитан Құлдошевни топиб, ҳеч ким йўтида манавини шахсан унга топшир, деди...

Құлдошев протоколга ёзилаётган савол-жавобларга қулогини динг қилиб ўтиаркан, ходимига:

— Сиз фақат жиноятчига дахлдор фактларнигина протоколга тушириңг, — дея танбеҳ берди. Бу орада гувоҳлар пулни санаб бўлиб, Құлдошев узатган қофозга имзо чекишид-да, кабинетдан чиқиб кетишиди.

— Энди сиз бўлсиз, айбсиз одамни биз кўп ушлаб турмаймиз, — деди Құлдошев Лолага қараб, тугунчак билан протоколни пўлат сандиққа соларкан. — Боринг, кечиксангиз, болангиз йиғлаб қолиши мумкин.

Лола қўчага чиққанда боя уни кутиб тураман, деб вაльда берган Фанидан ҳам, машинадан ҳам дарак йўқ эди...

— Алло! Академик Хўжаевнинг қабулхонасими? Устоз бугун соат ўн иккода қўнғироқ қилинг, деган эди. Илтимос, геология факультетидан сўрайяпти, десангиз?

Декан узоқ кутмади, котиба уни дарҳол академика улаб берди.

— Ассалому алайкум, устоз! Кечаги топширигиниз бўйича безовта қилаётгандим.

— Хўш, қалай, иш ҳал бўлдими?

— Талаба Тўрабоевнинг хулқ-автори яхши, автобазада ҳайдовчи бўлиб ишлаётган экан. Директори билан гаплашдим, режани ошифи билан бажараётири, деди. Аммо, ўқишида қарзлари кўпайиб кетиб, қайсири үқитувчининг имзосини зачёткасига ўзи қўйиб олгани сабабли, ректорнинг буйруғига биноан, иккинчи курсдан ҳайдалган... У ҳақда курсдошлариям ёмон фикрда эмас. Энди, бу масалага сиз аралашганингиздан кейин яна ректорат билан гаплашдик. Ректорат талаба Тўрабоев билан қайта суҳбат ўтказиш ва келаси йилдан бошлаб иккинчи курсга қабул қилишга рухсат берди.

— Тўхтанг, тўхтанг, анави зачётка масаласини яна такрорланг, — деди академик. Чамаси у гапнинг шу жойини яхши тушунмаган эди.

Декан юқоридаги сўзларини шошилмасдан такрорлади. Гапининг сўнгида, бундан бўёғига болага шахсан ўзи ғамхўрлик қилиши ҳамда у ҳақда академикка тез-тез хабар бериб туришгаям вайда берди.

— Сиз менга хабар бериб туришингиз шарт эмас. Бунинг ўрнига, имзосини ҳар ким ўзича қўйиб олаверадиган үқитувчилар билан тез-тез суҳбатлашсангиз, чакки бўлмасди балки? Бу масалага аралашганим учун узр. Энди, Тўрабоевнинг ишини ўз билганингизча ҳал қиласкеринг. Ўртада мени йўқ деб ҳисобланг, келишдикми?

— Устоз...

— Хайр, саломат бўлинг!..

Кундан-кунга калаванинг учи чувалашиб бораёттагидан Назар бехабар эди. Ёлғиз ўзи торгина хонада ётиб, ҳадеб изтироб чекаверганидан ранг-рўйи сарғайиб, уч кун ичида ўзини анча олдириб қўйганди. Ташқаридан бирон киши билан гаплашишга рухсат йўқ, ҳар куни кўрадигани — узун нимқоронги даҳлизу соқчилар... Лоланинг кўзидан ёши шўргалаб, ҳеч қурса дийдорини бир кўрсатинглар, агар тирик бўлса, икки оғиз гаплашай, деб ялиниб-ёлворишилари ҳам инобатга олинмади. «То тергов тугамагунча, жиноятчи билан сўзлашишга рухсат берилмайди», деди Қўлдошев Лолага. Назар мабодо хотинининг ҳар куни орқасидан келиб, терговчининг эшиги тагида мўлтайиб ўтиришидан ёки Чимкентга телеграмма юбориб, қизига қараб туриш учун онасини чақирганидан, ҳеч бўлмаса, Фани қўйтган тузоқقا осонгина илинганидан хабар топганида эди, албатта терговчининг саволларига бошқача жавоб берган бўларди...

Ўтган уч кун мобайнида Ички ишлар бўлими унинг иш жойидан ҳам, ўқиган институтидан ҳам маълумот олишга улгурди. Автобазадан у тўғрисида, ишдан бўйин товладиган одати йўқ, режасини ҳамиша ошиги билан бажаради, деган мазмунда тавсифнома берилди. Геология факультетининг декани эса, академик Хўжавевга берган ваъдасига кўра, унинг ўқишини қайта тиклаш ҳақида чиқарилган буйруқ лойиҳасини терговчига кўрсатди-ю, лекин Назарнинг ўзини шахсан танимаслиги сабабли у ҳақда аниқ бир гап айтишни лозим топмади. Аммо, бу қорақалпоқнинг академикка алоқадор томони бўлса, орқасидан бирор чатоги чиқиб юрмасин тағин, деган истиҳолага бориб, «йигитнинг ўз ихтиёри билан қурилишда ишлашга биринчилар қатори ариза берганига ҳамда ўқишини кечкига ўтказганига қараганда, у «эл бошига иш тушса, этик ечмай сув кечадиган азамат бўлса керак», деган гапни ҳар эҳтимолга қарши сўзининг охира ида қистириб ўтди.

Назар тергов пайтида, Фанига берган ваъдаси бўйича уни жиноятга қўшмай, ҳамма айбни ўз бўйнига олиш даражасигача етган эди. У ваъдасида қаттиқ турди-ю, лекин ёлғон кўрсатмалари тергов ишларини баттар чалкаштириб юборди. Назар сабабли қурилиш маҳкамасининг материал таъминоти бўлими тўла тафтишдан ўтказилиши лозим бўлиб қолди. Прокуратура Назарни қамоқقا олиш тўғрисида берган санкцияси лойиҳасини қайта қўриб чиқиш ҳақида бошқатдан қарор қабул қилди, сабаби, у жиноятни тўла бўйнига олиб турса-да, айбдорнинг фақат бир киши эканлигини лойиҳадаги далиллар тасдиқламасди... Аммо, то жиноят очилмагунча, уни ҳибсдан бўшатишмади.

Лолани машинада Ички ишлар бўлимига ташлаб, сўнг дом-дараксиз кетган Фани, орадан бир ҳафта ўтгач, яна унинг уйига кириб келди. Бу одамнинг яна нима мақсадда ва қайси юз билан Лоланинг бўсағасига қадам қўйгани номаълум эди. Лола Назарнинг бошига иш тушганда ёрдамини аямагани сабабли ундан гоҳ хурсанд бўлса, гоҳида Қўлдошевга пора беришга тезлаб, униям жиноятга тортганини эслаб, кўнглига алла-нечук хавотир кўланка ташлаётганди.

Фани шошилмасдан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, Назарнинг ҳолидан хабар олишга келганини маълум қилди.

— Назарга жонингиз ачиётган бўлса, нега ўша куни мени анавиларга ташлаб, ўзингиз қочиб қолдингиз? — деди Лола оғзига келган гапни қайтармай.

— Э-э-э, чирофим-эй, ҳали кўп нарсалардан бехабарга ўхшайсан. Сен ичкарига кириб кетганингдан кейин мениям машина-пашинам билан таппа босиб, бошка ёққа опкетишиди-ю, роса суроққа тутишди. Сурагани: Назарни қачондан бери биласан? У киминг бўлади? Хуллас, роса бошимни қотиришди. Мен Назар иккимиз худди бир қориндан талашиб тушган ога-инилардек иноқ эканимизни яширмай айтдим... Илоё, тирик бандасини терговга дучор қилмасин экан, ўша куни пешиндан то қоронфи тушгунгача ушлаб туриб, роса пўстагимни қоқди. Кўйворишгандан сўнг қайтиб борсам, сен аллақа-

чон кетиб қопсан, — деб, Фани ёлғонни шунақанги ти-
зид ташладики, унинг сўзларига Лола деярли ишонди.

Кампир невараси билан бўлиб, орага гап қўшмади.

— Сиз айтган Қўлдошевга тугунчакни обориб бер-
ганим жуда ёмон бўлди. Эрини қутқариш учун пора
опкелди, деб гувоҳлар чақиришди. Пулни санаб кўриш-
ди. Бирорвга хизмат вақтида пора бериш оғир жиноят,
ҳозир эмизикли болангиз бўлгани учунгина бўшатиб
юборамиз, акс ҳолда, эрингизга қўшиб сизниям қама-
шимиз керак эди деб, тушунтириш хати ёздириб олиш-
ди-да, кейин базур қўйиб юборишди. Мен кетган пул-
га ачинаётганим йўқ, чунки ҳаром пул ёққанга ёқади,
ёқмаганга ёқмайди. Бизлар фақат ҳалол меҳнат эвазига
яшаётганимиз сабабли, ўзимам фойибдан тушган үлжа-
дан шубҳалангандим. Мана, оқибати худди ўйлаганим-
дай бўлиб чиқди. Лекин, «Назарнинг ҳоли нима кеч-
ди, унинг келажаги энди нима бўлади?», деган фикр-
лар тунда уйку бермайди...

Лола ички сирларини шу тахлит баён қиласар экан,
Фанининг юзига бот-бот зимдан разм солар, лекин
унинг қиёфасида ўзига ачиниш ёки ҳамдардлик нишо-
насини сезмасди. Унинг бир нуқтага маъносиз тикил-
ган қўзларида ўзгалар тақдирига бепарволикдан бош-
қа ҳеч нарса йўқ эди. Лоланинг хаёлига, ўзим унча
яхши билмайдиган одамга нималар деб валдираяпман
ўзи, бунинг устига, шу пайтгача исминиям сўрамага-
ним жуда уят бўлибди-да, деган ўй келди-ю, бирдан
сергак тортди.

— Кечирасиз, — деди Лола ўнғайсизланиб, — исми
шарифингизни сўрашни унутибман. Тунов куни Қўлдо-
шевнинг олдида ҳам анча мулзам бўп қолдим.

— Қўлдошев нималарни сўради?
— Мени ким юборганини сўради...
— Сиз нима дедингиз?
— Сизнинг исмингизни билмаслигимни айтдим...
— Менинг исмим Fани, Назар яхши билади, анча-
дан бери бориш-келиш қиласмиз, — деди Fани чуқур
хўрсиниб. — Мен ўша кунги ишнинг натижасини би-

лишга келгандим, анави... камлик қилмадимикин, деган хаёлга бориб, яна озиқ-овқат опкелгандим. Демак, энди масала анча мураккаблашибди, — дея Fани бошини сарак-сарак қиларкан, сўзида давом этди: — Мен бола бечорага талай марта «эҳтиёт бўл, одамнинг кетида одам бор дейишади, мабодо қўлга тушиб қолсанг, бу ишинг яхшиликка олиб бормайди», деб тайинлагандим. Айтганимни қилмади, мана энди, оқибати нима бўлди? Назаржоннинг пулга ўчлиги, бориб-бориб бошига етмаса деб қўрқаман. Ахир, «Дунё қувсанг, дунёдан қандай ўтганингни билмай қоласан», деган экан ота-боболаримиз. Ҳа-а, аттанг, аттанг...

Лола қиёфасидан меҳр ва саховат ёғилиб турган бу одамдан тасалли кутган эди. Шу сабабли, «кўпни кўрган одам-ку, агар харажатдан қўли калталик қилса, насиҳат билан фойдаси тегиб қолиши мумкин-ку?» деган хаёлга борди.

— Энди нима қиласиз, Fани оға? — деб сўради Лола.

Fани чуқур ўйга ботган кишига ўхшаб, бир нуқтага тикилган кўйи миқ этмади.

— Буни яхшилаб ўйлаб кўришингиз керак, келин, — деди у бир замонлардан кейин тилга кириб. — Балки, таниш-тушишларингиз билан маслаҳатлашиб олсаларингиз, бирон чораси топилар. Мен ҳалиги тугунчакни Кўлдошевга етказ, деганимда, Назарнинг қутилиб чиқишига балки ёрдами тегар, деб умид қилгандим. Анчайин, тўғри келган одамдан атиги беш сўм унсаям хурсанд бўладиган бу нокаснинг, бирдан тўнини тескари кийиб олишини қаёқдан билибман?

Fани, самимий гапиришга нечоғлик уринмасин, ичидағи дардини ошкора айттолмасди. Унинг асосий мақсади, тергов тугагунча бир амаллаб Лолани узоқроқ жойга «яшириш» эди. Агар, у уч-тўрт ой ота юртига кетса, гувоҳ сифатида терговга қатнашолмайди ҳамда пора берганидан қўрқиб, бу ердан қочиб кетган ҳисобланади. Шунда Назарнинг жинояти янада оғирлашиб, қора курсига унинг ёлғиз ўзи ўтириши аниқ. «Рустамалининг-ку, орқасидан қолмай қатнайвериб,

Назардан бошқани билмайман, ҳамма нарсаны ундан олганман, дейишга күндиригунимча ўлиб бўлдим, — дея хаёлидан ўтказди Фани. — Назар бўлса, айбнинг ҳаммаси менда деб турибди, демак, ўзимга гард ҳам юқмайди». У шуларни ўйлар экан, гапни аста бошқа томонга бура бошлади:

— Келин, сизга қандай тушунтирсам экан, Назар билан орамиздан қил ўтмаса-да, барибир унга сиздан яқинроқ бўлолмайман. Болани бу йўлдан қайтаришга нечоғлик уринмай, қанча насиҳат қилмай, гапимни қулогига олмади. Уни қутқариш йўлида қилган барча ҳаракатларимиз эса, афсуски, зое кетди. Терговчиларга уй манзилингиз аниқ, шунинг учун, ҳозирча, сиз уларнинг кўзига кўринмай турсангиз, қалай бўларкин?

— Кўринсам нима бўпти?

— Кўринсангиз, аввал Назарни фақат ўғирлик қилишда айблаётган бўлса, энди бунинг устига пора берганиям қўйилади. Агар сизни топишолмаса-чи, у ҳолда, Назар «мен ҳеч кимга ҳеч нарса берганим йўқ, буларнинг ҳаммаси туҳмат», деб жазосини анча енгиллатиб олиши мумкин...

Фанининг кўйиниб гапириши Лолани яна ўйлантириб қўйди. Унинг боши қотиб, бир тўхтамга келолмай турганини сезган Фани далилларни устма-уст қалаштириб ташлади.

— Пора бериш, умуман, порахўрлик жуда оғир жиноят саналади, баъзан хукумат порахўрни одам ўлдиригандан баттарроқ жазолайди. Тўғри, манави норасиданг борлиги учун сенинг жазо муддатинг бироз камайтирилиши ҳам мумкин, бироқ «судга тушдинг — ўтга тушдинг», деган гап бор. Унга бир тегиндингми, энди ундан осонликча қутуламан деб ўйлама... Етти ёт бегонани деб, ёшгина бошингни, гўдагингни, қолаверса, фариб онангни ташлаб кетишга қандай кўзинг қияди?..

Лола бошини қуи солганча, оғзига мум тишлагандек, миқ этмай Фанининг гапини тингламоқда эди. Гап шу ерга етганда, боядан бери орага сўз қўшмай

неварасини юпатиш билан қуймаланаётган кампир-нинг қулоғи бирдан динг бўлди.

— Чирогим, бу айтаётгандаринг ҳали қизимгаям тегишлими? Дунёга келиб, шўрлик қизим нима кўрди? Аnavиниси-ку, илоё у дунёда ҳам баҳтинг очилмагур, қизимни баҳти қора қилиб, ўзи ўлди-кетди. Энди бу-нисиям Лолажонимнинг оёғига осилиб, уни яна куйдирмоқчими? — Кампирнинг кимга гапираётганини билиб бўлмасди. Тақдирдан нолияптими ё Фанига ўзички дардларини тўкиб солаяптими, хуллас, унинг дийдиёси худди ҳавога айтилаётгандек, «манзили» — номаълум эди. Кампирнинг қаттиқ шанғиллашидан эндинина кўзи илинган норасида чўчиб уйғонди. Сўнг у заҳрини қизига соча бошлади:

— Сен жувонмарғ, вақтида айтганимга кўнмай, севган йигитим бор, одам ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши керак, деб, энди орттирган касофатинг шуми? Мұхабbat, мұхабbat, деб жилланглайвериб-ку, аввалги эринг ўлиб қутулди, буниси бўлса, энди турмага тушиб қутулади. Ҳамма бало ўзингдан, жа эрсираб бораётган бўлсанг, олди-ортингга қараб, аввал синаб-нетиб кўр эди... воҳ, баҳти қора болагинам-а!..

Фани, кампир индамай ўтиrsa-да ичи ҳасратга тўла эканини сезгач, ундан ўз мақсадини амалга оширишда фойдалангиси келди:

— Тўгри айтасиз, опа, ҳозирги ёшларни тушуниш қийин. Мениям тўнгич қизим, шу келиндан жуда нари борса, уч-тўрт ёш кичикдир... Мактабни тамомлага-нигаям икки йилча бўлди, совчилар кунора келавериб, тоза тинкамни қурилди. Онаси орқали қизимга шипшитсам, боя сиз айтгандай, «Армияда йигитим бор, шуни кутаман»дан бошқа гапни билмайди. Тавба, ҳарбийда йигитинг бўлса, ҳар куни кинода пишириб қўйибдими? Йўқ, бу ёшлар ҳаддидан ошиб кетди. Биз бўлсак, уларни ҳали боладай кўриб, эркалатгимиз келади, бундай эркалигиям қуриб кетсин.

— Бизам Лолаҳонни ўғил ўрнида кўриб, еру қўкка ишонмай ўстирган ёлғиз фарзандимиз эди. Қиз болани кўп эркалайверсанг ҳам бўлмас экан, мана, энди азобини тортяпмиз. Тантиқ ўсган қиз бўй етса, тўғри келган одамнинг эрмаги бўлиб кетаверар экан, чироғимей, яна қайси бир қилигини айтай бу жувонмаргнинг...

— Опа, ундан деманг. Назар куёвингиз у қадар ёмон йигит эмасди-ёв, — деб гап бошлади Фани Лолани бирдан чўчишиб қўймаслик учун. — Бироқ, яхши деган одамдан ҳам ҳамиша бирдек ёруғлик чиқавермаскан. Ахир, одамнинг оласи — ичидан, дейишади ма-шойихлар...

Лола ёши улуғ кишиларнинг ҳангомасини эшитиш ўзига наф келтиришини билса-да, уларнинг нимага шама қилаётганига тушунмасди. Охири, аччиқ-тиззиқ гаплардан тоқати тоқ бўлиб, «шундоғам куйиб кул бўлган бағримни мунча ўртамасанг», дегандек, она-сига кўзини олайтириб қараб қўйди. Фанига худди шу нарса керак эди. У Лоланинг нима демоқчилигини зимдан кузатиб, билиб олди.

— Опанинг аччиқ гапларига унча куйиб-пишаверманг, келин. Нима бўлсаям, у киши — она, унинг учун дунёда сиздан яхшироқ ва сиздан азизроқ одам йўқ. Қанча қарғанса-да, барибир, она кўксидан доимо ўз фарзандига улкан меҳр-муҳаббат бўлади. Опанинг айтишича, аввалги куёвингиз қадрингизга етмаган, менинг фикримча, Назар ҳам ундан қолишадиган бола эмас. «Дунёни сув босса ўрдакка не фам», дегандай, худо кўрсатмасин, агар бир гап бўлгудек бўлса, унга барибир эмасми? Икки ўртада сизга қийин, тирик етимни кучоқлаб, ер муштлаб қолаверасиз...

— Бунга ер муштлатиб қўядиган аҳмоқ йўқ, — деди ҳалигача аччиғини босолмаган кампир. — Тошкентни елқасининг чуқуриям кўрмайдиган қиласман муни, ҳали шошмай турсин... Агар, турмадаги анави дарбадари кутулса қутулгани, қутулмаса, отасини чақираман-да, бўйнига арқон солдириб, уйга опкетаман!

Фани боядан бери худди шу сўзни кутаётган эди. Убор маккорлигини ишга солиб, кампирнинг фикрини қувватлашга ўтди:

— Опа, ҳозир ҳақ гапни айтдингиз, агар иложи бўлса, Лолаҳон то бели қотиб, ўзига келгунча сизни-кига бориб тургани маъқул. Ҳали айтганимдай, терговда фақат Назарнинг бир ўзи эмас, Лолаям айбдор бўп қоладиган хавф борга ўхшайди. Шунинг учун, ҳозирча Лоланинг кўзга кўринмай тургани Назарга ҳам, унинг ўзигаям яхши бўлади. Манов — минг сўм, сизнинг уч-тўрт ой яшаб туришингизга bemalol етади. Назар учун, яна қайтараман, жонини аядиган номард эмасман... — Фани шундай деб, столнинг устига бир боғлам ўнталикни тап этказиб қўйди. — Мен ҳозирча бундан ортиқ ёрдам қилолмайман, жўжабирдай жонмиз, ўзингиз тагин яхшилаб ўйлаб кўрарсиз...

— Сизлар Назарнинг қандай одам эканини билмайсизлар-да, — дея пўнгиллади Лола, — унинг нақадар оққўнгиллигини, одамгарчилигини тушунгандарингизда эди, балки бундай демасдингиз. Фани ака, сиз менинг аҳволимни тушуниб, гамхўрлик қилаётганингиз учун катта раҳмат, лекин пулингизнинг кераги йўқ, ўзимнинг топганим ўзимга етиб ортади. Мен эртага Назардан хабар олай-чи, кейин нима қилишни ўзим биламан.

Фани қўйган тузофининг ипи кутилмаганда ечилиб кетганини сезди, сезди-ю, ётиб қолгунча отиб қол, дегандек, кампирга ялтоқланиб қараб олди-да:

— Келин, мен Назарнинг олдида қарздорман. Шу қарзимни ўташ учун, барибир, қўлимдан келганича ёрдамимни аямайман, — деди. — Қадримга етиб, қилган яхшилигимни билса билгани, билмаса — худога солдим. Сиз манави бегуноҳ норасида ҳурмати, пулни олинг-да, онангиз айтгандай, Чимкентга бориб, уч-тўрт ой дам олиб келинг. Бу ишингиз Назар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Лола ёшлигидан турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган бўлса-да, Фани сингари туққан онасига ҳам дўстлик қилмайдиган кимса олдида ҳали анча тажрибасизлик қиласарди. У Назар учун ҳар қанча кулфат чекишига тайёр, лекин соддалиги туфайли мақсадини қайси йўл билан амалга оширишни билмасди. Фани Лоланинг ана шу тажрибасизлиги ва соддалигидан ўз ўрнида фойдаланди. У бир кампирга, бир Лолага ялтоқланиб, охири уларнинг қалбига йўл топди. Хайрлашаркан, Лоланинг онаси унга чин юракдан миннатдорчилик билдири.

— Сиз, фаришталарнинг назари тушган меҳру шафоатли одам экансиз, чирофим. Қизим агар ўша тергов балосидан омон қутуладиган бўлса, эртагаёқ отасини чақиритириб уйга опкетамиз. Назарнинг ҳол-аҳволидан ўзингиз хабар юбориб турарсиз, болам. Сизга мингдан-минг раҳмат, илоё ўла-ўлгунча бола-чақангизнинг роҳатини кўринг.

Кампир Фанининг атрофида парвона бўлиб, Чимкентдаги уйи қаердалигини ёзиб берди-да, уни кўчагача кузатиб қўйди...

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Гулжон ўз уйига ўзи сифмай, қаттиқ изтироб чекмоқда эди. У онасининг йил садақаси ўтганданоқ ўзининг бу хонадонда ортиқча эканини аниқ-равшан ҳис қила бошлиған эди. Укалари билан отаси, айниқса, ўтай онаси Осиёнинг қош-қовоғига қараб юравериш, уни адойи тамом қилмоқда эди. Гоҳида отасининг кўз қарашларидан, «сенам тоза бошимга битган бало бўлдинг, безрайиб ўтиравергунча ўз тенгингни топиб, тезроқ йўқолтанинг афзал эмасми?» деган маъно уқар ва бундай кезларда дунё кўзига қоронғи кўриниб, ич-ичидан зил кетарди. Осиёнинг у билан иши бўлмаса ҳам, барибир, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, кўз қарashi, ҳатто гоҳида эркалаб айтган сўзларигача етти бўгинини зирқиратар-

ди. Бундай пайтларда у: «Үгай она ҳам түққан онанинг ўрнини босиши мумкин, деган гаплар фақат эртак китоблардагина бўлар экан, агар ўз онам тирик юрганида, шу аҳволга тушармидим?», дея ўйларди ичида.

Мана, бир мисол: Қодир лампамойнинг кенж қизи — Гулжоннинг синглиси Зарҳал, бу йил ўнинчи синфни тамомлади-ю, Нукус медицина билим юртига ўқишга бормоқчи бўлди. Бу гап отасининг қулогига етганда, у шунақанги тўнғилладики, Гулжон умр бўйи эсидан чиқармайди буни. «Ўқишиш, ўқишиш деб кўп жил-панглайвермасин, ўзи қиз бола бўлса, ўқимасданоқ қозон-товоғига эгалик қилса бўлаверади!» Отасининг бу гапига Гулжон аввал унча эътибор қилмаган эди, лекин ўгай онасининг қизи эрта-индин Тошкентга ўқишга жунаб кетишини эшитгач, ўз-ўзидан хўрлиги келди. Агар отаси одил бўлса, унда нима сабабдан Наргизагаям ўзининг қизига айтган сўзини айтмайди? «Отасиз етим — зўр етим, онализ етим — хўр етим», деган гап тўғрига ўхшайди-ёв...

Гулжон нимагадир Осиёни ёқтирмай қолди. Мактабга қатнаб юрган кезлари бу оққўнгил, хуш-хандон аёлни бутун жони дилидан яхши қўрап, қўнглидагини Назарга ошкор айтмаса-да, абадулабад унинг хизматида бўлишни ич-ичидан хоҳларди. Энди эса Осиёни яккаш бўғиб ташлагиси келар, лекин сабабини ўзиям аниқ билмасди... У ана шундай хаёллар огушида талай шомларни тонгларга уламоқда эди.

Бир куни шу ҳақда Назарга хат ёзмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин яна фикридан қайтди. Нега деганда, сўнгги хатларига Назардан бирорта ҳам жавоб олмаган, бунинг устига, унга түққан онаси тўғрисида ёзфириш одобдан бўлмас, деган хаёлга борган эди. Гулжоннинг раъйини қайтарган яна бир сабаб, Назарнинг уйланганини эшитгани эди. Ҳасан билан Муптилла Тошкентга бориб, «саёқбола»дан хабар олиб келишгандан бери овулда дув-дув гап: «Эмишки, Назар аллақаңдай беванинг тузогига илиниб, ичкуёв бўлганмиш. Ўша мега-

жин дуоибад ўқитиб, ёш боланинг бошини айлантирган. Бўлмаса, Назар ақл-фаросатли йигит эди».

— Отасига ўхшаган, айтган сўзидан қайтмайдиган одати бор эди жувонмаргнинг, — дея куюнарди Осиё.

— Шуёғи камлик қилғандай, Назар ҳам бошимга битган бало бўлиши мумкин эди, ўзини ўзи эплаб кетса, яхши эди, — дея ичиде севинарди Қодир лампамой.

— Мендан биратўла умидини узганга ўхшайди, — дея пичирларди, Гулжон.

Миш-мишлар ҳар кимнинг қалбида ҳар хил садо бериб, охир-оқибатда, кўпчилик бу воқеаларни унтаёзди. Бироқ бу узунқулоқ гаплар Осиё билан Қодир лампамойнинг қўнглида бир кунмас-бир кун пақ этиб ёриладиган ярадай чўкиб, мадда бойлаб қолган бўлса, Гулжоннинг Назарга бўлган муҳаббати кул тагида қолган чўғ янглиғ ё сўнмай, ёки алангаланиб кетмай аросат аҳволда эди. Лекин... Гулжоннинг юрагидаги бу оташ сўнишдан кўра тобора аланга олиб, ловуллаб ёна кетмоғи ҳам мумкин, нега деганда, кўпни қўрган ва ёши ўтиброқ қолган бевалар эркак зотига майли нечоғлик кучли бўлмасин, туйгуларини жиловлаб, ичидагини ташига чиқармай юриши мумкинdir, аммо Гулжоннинг ёшидаги ёш жувонлар эса, сал нарсага ўзларидан-ўзлари чақнаб-оловланиб кетишлиари — бу табиий бир ҳол. Бунинг устига, илк муҳаббат шаробига Гулжоннинг меҳри қонмаган, демак, баъзи баҳтсиз аёллар баҳтсизлигининг бир сабаби ҳам — ўша илк севгисини қўмсаш ва шунга чанқоқлиқда эмасми, ахир?

Гулжоннинг ўз уйидан бош олиб кетишига сабаб — кутилмаганда оёқ остидан чиққандай топила қолди — унга отаси Осиёнинг қизини Тошкентга олиб боришга рухсат берди! Тақдир тақозоси билан Осиё туфайли ўзига сингил бўлиб қолган, бунинг устига, Назарга қуйиб қўйгандек ўхшайдиган бу қизни Гулжоннинг сира жини сўймасди. Уни болалиқдан есир аёлнинг ёлғиз қизи сифатида эрка ўстанлиги ёки исмининг галатилиги учун эмас,

балки ўзининг ташқи кўриниши билан доимо Назарни эслатиб тургани учун жини сўймасди. Шу сабаб, шу пайтгача унга бирор марта очиқ чехра билан муомала қилмаганди. Энди эса, тақдирнинг ҳазилига қарангки, узоқ сафарда Наргизага ҳамроҳ бўлмоқчи...

Гулжон уйдагиларга сездирмай, йўлга обдан тайёр-гарлик кўрди: ўзига тегишли нарсалардан бирортасини қолдирмади, ҳатто онаси васият қилиб бериб кетган олтин узукни ҳам бир амаллаб тугунчакка жойлади. Узоқ юртда ҳоли не кечади унинг?.. Ҳасандан Назарнинг уй манзилини олишниям унутмади.

Уларни Қодир лампамой билан Осиё Хўжайли станциясидан кузатиб қўйишиди.

— Наргиз, мабодо акангни кўрсанг, салом айтарсан... Кўйлагининг ёқаларига разм сол, агар кир-чир бўлса, ювиб бер. Ахир, бир қориндан талашиб тушгансанлар, бетингга қараб эшик ёпмас... — деб жавради Осиё кўзларига ёш олиб.

— Боришингдан қайтишинг тез бўлсин, ҳаяллама. Наргизни жойлаштирасан-да, фирра уйга қайтасан! — дея қизига топшириқ берди Қодир лампамой.

* * *

Вагондаги йўловчилар орасида ёшлар, айниқса, ўқишга кириш умидида бораётган бўлажак талабалар кўп эди. Фала-ғовурда кўпчилик қайси институтда қандай кадрлар тайёрланиши, қайси ўқишга кириши осону қайсинасига кириш қийинлiği хусусида бир-бири билан баҳслашмоқда. Одамларнинг ўзаро ҳангомаларига жимгина қулоқ солиб бораётган Наргиза, Чоржўйга етар-етмас, Тошкент сафаридан бирданига айниди-қолди.

— Гулжон опа, мен Самарқанддаги мединститутда ўқисам бўлмайдими? ТошМИга кириш қийин дейишияпти-ку? — деди Наргиза ҳамроҳининг қулоғига аста шивирлаб.

— Уйдагилар уришиб бермасмикан? — деди Гулжон унинг гапига ичида қувониб. — Сенга индамагани билан, мени соғ қўйишмайди-да.

— Ўзим ҳаммасини тушунтириб, хат ёзаман. Ҳуванави қаторда ўтирган қиз бор-ку, ўшаем СамМИга ҳужжат топширмоқчи экан. Қаранг, ёнида ота-онаси, акаси билан янгаси ўтирибди-ку, ўша...

— Ҳа, кўрдим, кўрдим... — деди Гулжон бош иргаб. — Улар қизини ўқитиш учун бутун оиласи билан қўчиб бораётганига қараганда, Самарқандда танишлари борга ўхшайди. Ахир, биз кимга ишониб йўлга чиқдик?

— Тошкентга борган тақдиримиздаям, Назар акам қучоқ очиб кутиб олмаса керак. У бизлардан хафа, уйга хат ҳам ёзмайди-ку. Қайтага, нега келдинг, деб юрмасин яна?... — Наргизанинг Тошкентта бориш ниятининг тўсатдан ўзгариши СамМИга кириш осонлигига эмас, балки унинг сабаби бошқа нарсада эканини тушунди-ю, Гулжон синглисининг гапини маъқуллади.

— У ҳолда, Самарқандга етганингдаёқ уйга хат ёзсан. Менинг гапимга қулоқ солмай, ўз ихтиёринг билан Тошкент сафарини ўзгартирганингни тушунтирасан. Бўлмаса, уйдагилар менинг теримга нақ сомонтиқади-я...

Самарқандга етгач, Гулжон Наргизани ва яна овулдан уч нафар қизни мединститутга яқинроқ маҳаллалардан бирига ижарага жойлаштириди. Уч кунлаб ҳужжат топширишга ёрдамлашиб юрди-да, кетишга чоғланди. У азалдан жини сўймайдиган Наргиза билан хайрлашаётуб, уни аслида ёмон кўролмаслигини илк бор ҳис этди. «Бегона юрт бўлса, — дея хаёлидан ўтказди Гулжон қўзига ёш қалқиб, — уни ташлаб кетишга қандай чидаяпман ўзи?»

— Мени вокзалга кузатмай қўя қол, айланай, қайтишда адашиб қоласан. Уйга тез-тез хат ёз, ора-чорада ўзим келиб хабар олиб тураман, — деди у Наргизани багрига босиб, юзларидан чўлп-чўлп ўпаркан. Қизнинг ҳам қўзларидан потраб ёш чиқиб кетди. Ростини айт-

гандар, у Гулжондан бундай меҳрибончиликни сира кутмаган эди. Шу тариқа, уйда бир-бирига итдай ириллашиб, тишлашиб юрган икки қиз — ўтай опа-сингиллар ёт жойда ярашди-қолди.

— Шаҳарни томоша қилишга ўқишига киргандан кейин ҳам улгурасан, ҳозирча кун-тун демай имтиҳонга тайёрланиб ўқишига илиниб қолиш пайида бўл, — ўғит берди Гулжон синглисинг юзидан қайта-қайта ўпаркан.

У Наргизага адашиб кетасан, деб ақл ўргатишга ўргатди-ю, ўзи одамлардан сўрай-сўрай вокзални зўрға топиб борди. Бўш ўриндиқлардан бирига ҳоргин чўкиб, хаёлга чўмди. «Уйдан бош олиб чиқиб кетганим билан, менга кимнинг кўзи учиб турибди? Назарга ортиқча юк бўладиган бўлсан, Тошкентга бориб нимаям қиласадим? — ўйларди у. — Овулга қайтганимдаям, бирор ёруғлик чиқиши қийин. Хонадонма-хонадон сен тўғрингда «есир», «эрдан чиққан», деган узунқулоқ гаплар чумолидай ўрмалаб юрса, бунинг устига, отангнинг ҳам, ўтай онангнинг ҳам сенга кўзи учиб турган жойи йўқ, иложини топса-ю, улар сенинг башарангни кўрмаса...»

У шартта ўрнидан турди-да, кассага бориб, Тошкентга чипта олди. «Менга нима, бегона юртда ахир бўри ермиди? Назар қиё бокмаган тақдирдаям, амаллаб ўз кунимни ўзим кўрарман? Таним соғ, икки қўлим бутун бўлса, бирон юмуш топилиб қолар... Балки, то нотаниш шаҳарга ўргангунимча, бир-икки кун Назарнинг уйида турарман. Борсан юзимга эшик ёпмас, ўн йил бирга ўқиганмиз, ахир...»

* * *

Тошкентда июль ойининг иккинчи ярми одатдаги-дан иссиқ келди. Гулжон поезддан тушган заҳоти худди ҳаммомга киргандек нафаси қайтиб, юраги ҳаприқиб кетди. У вокзалига кираверишдаги қатор ўриндиқлардан бирига ўтириб, ўзини бироз босиб олгач, йўлни кесиб ўтди-да, такси бекатига келиб навбат кута бошлади.

— Манави манзилга оборсангиз, — деди у навбати келиб, бўш таксига ўтиргач. Ҳайдовчи манзилга кўз югуртириди-да, орқасига ўтирилиб:

— Ўзингиз илгари борганмисиз? — деб сўради.

— Биринчи марта боришим, — жавоб берди Гулжон, — менга у ерни вокзалдан узоқ эмас, атиги икки сўмлик йўл, деб тушунтиришганди...

Гулжон кабинанинг эшигини қаттиқ ёпди, нега деганда, нотаниш шаҳарнинг нотаниш бўсафаси уни қандай кутиб олиши ҳозирча номаълум. «Назарни уйидан топсам, яхши бўларди, — хаёлидан ўтказди у йўл-йўлакай, — хотини ёмон кўргандаям, ҳеч қурса, у бир фурсат дам олиб, чой-пой ичиб ҳордиқ чиқаримимга изн берар...»

* * *

— Кимсиз? — ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди.

— Назарнинг уйи шуми?

Эшикнинг қулфи шиқирлаб очилди. «Шаҳарликлар эшигини кечаю кундуз қулфлаб ўтиришади, деган гаплар рост экан, — дея кўнглидан кечирди Гулжон. — Улар шунча вақт қўшни бўлишсаям, бир-биридан гумонсирап экан-да?»

Лола эшикнинг олдида узун бўйли, ҳорғин юзларидан ўзига хос бир гўзаллик ёғилиб турган қизни қўрди-ю, меҳмон Назарнинг овулидан эканини дарҳол сезди.

— Келинг, келинг, — ичкарига таклиф қилди Лола қизга бошдан-оёқ яна бир марта кўз югуртиаркан. Гулжон зил-замбил жомадонини ердан зўрга узиб, бўсага ҳатлади.

У хонанинг тўрида бешик тебратиб ўтирган ушоқ-қина кампир билан кўл олишиб кўришгач, қаерга ўтиришни билмай, бирпас ўнғайсизланиб турди.

— Қани, қани, бу ёқقا ўтинг, — деб кампир муло замат қилмаганида борми, Гулжон ҳали анчагача қаққайиб туриши мумкин эди.

— Раҳмат, — деди у кампирга яқинроқ ерга жойлашгач, — мен овулдан келган эдим, Назарнинг овулидан...

Шундан кейин кампир Гулжоннинг овул-жамоасию уй ичи борми, ҳаммасини битта қолдирмай сўраб чиқди. Гулжон кампирнинг баъзи сўзларига унча тушунмасаям, бош ирғаб маъкуллаб ўтириди.

— Сизларнинг тилингиз қозоқчага яқин экан, шунинг учун тортинмай сўзлай бер, — деди кампир, ҳеч қурса, каталақдек жойда ўзи билан гаплашадиган одам топилганига қувониб. Негаки, сўнгги пайтларда қизи билан уришавериб, унга айтадиган бошқа гапи ҳам қолмаганди... «Овулдаги қозоқларнинг тилини яхши тушунардим, буники сал бошқачароқми дейман? — хаёлидан ўтказди Гулжон. — Балки, анави чой дамлаётган Назарнинг келинчаги ҳам бизнинг тилга тўлиқ тушунар?» У, Лолани боя илк бор кўргандаёқ, кўзларида Назарга қондош аллақандай ифодани сезган эди. «Чиройли экан, — ўйлади у, — Назарнинг ҳам дид-фаросати чакки эмас. Болали бўлишгаям улгурибди, лекин шу яқин орада ўрталаридан ола мушук ўтганга ўхшайди... ё менинг келишим ёқмадимикан? Ҳасаннинг айтишича, шаҳарликлар керагида меҳмонга ёлчимайди, керак эмас пайтда эса, уйга меҳмон келишини ёқтиришмайди. Ҳар қалай, унинг бу гапида жон борга ўхшайди...»

— Қани, қизим, чойга қаранг, нондан олиб ўтириинг, — деди кампир бешикни ўз ҳолига қўйиб дастурхонга яқин суриларкан, — неварам ухлаганда сиз билан бир пиёла чой ичволай. Уйғонса, менга ҳам, ўзига ҳам сира тинчлик йўқ, жуда шаддод, отасиям кичкинтойлигига йиғлоқи бўлганми, билмадим.

— Қўйсангиз-чи, ойи, — деди Лола Гулжонга кўз қирини ташлаб, — йиғлагани яхши, ўпкаси бақувват бўлади.

— Ана, кўрдингизми, ҳозирги замоннинг жўжалари макиёнларга ақл ўргатади, — пўнгиллади кампир. — Сиз томонлардаям шундайми?

Гулжон кампирнинг мақсадини тушунмади, унинг гапига қандай жавоб қилишни билмагани учун мийи-

ғида кулимсираб құя қолди. Ҳадеб күк чой ҳұплаб, оғзига толқон солгандай жим үтиравериш ҳам нокулай эди. У, охирі сабри тугаб, Назарни сұради. Она билан қызы бир-бирига зимдан күз юғуртириб олиштида, сұнғ кампир Гулжоннинг саволига савол билан жавоб қайтарди:

— Сиз Назарга ким бұласиз?

Бу саволга жавоб беріш Гулжон учун үлімдан бешбаттар оғирилген жаңынан жасалған шының көзінде күндерінде көрді. Бірақ оның көзінде күндерінде көрді.

— Бу саволга жавоб беріш Гулжон учун үлімдан бешбаттар оғирилген жаңынан жасалған шының көзінде күндерінде көрді.

— Мен Назарнинг синглisisиман, — деді у үгай онасиның күзінде көрді.

— Кампир Лолага яна бир марта маңнодор қараба олди-да:

— Ҳали сизларнинг ҳеч нарасадан хабарларнингиз йүқми? — деб сұради.

— Назар овулға хат-пат ёзмасди, — Лола Гулжоннинг үрнига жавоб қайтарди.

Гулжон аллақандай хунук ҳодисаны сезгандек ранги қув ўчиб, шоша-пища сұради:

— Назарга нима бұлды?

— Үғирилік билан құлға тушиб, ҳозир қамоқда ётибди, — деді кампир. — Гапнинг пүсткалласи шу.

— Қачон тушган?

— Чамаси, йигирма кунча бұп қолди-ёв, борганимиз билан құрсағынан күнде, — деді Лола ва Гулжонға таскин беріш умидида давом этди: — Бугунча сиз ҳам дамнингизни олинг, йүлда қарчагансиз, эртага азонда хабар оламиз. Борганимиз билан прокуратуранинг эшиги тағида сарғайыб, туриб-туриб қайтаверамиз. Ҳар кунғи ақын шу...

— Овулға хабар юбориш керакдир балки? — деді Гулжон Тошкентта bemavrid келганига ўқиниб.

— Үзингиз бир иложини құлмасанғыз, мен Назарнинг на овулини, на манзилини ва на уй ичини билмаганим учун жуда қийналдым, — деді Лола ичидан ёрилиб. Шунча вақт биргә яшаганига қарамай, Назар хотинига на үзининг онаси, на қариндош-уруғлари ҳақида чурқ әтиб оғиз очмаган эди. Фақат бир марта

ўйда синглим билан онам бор, деб құя қолғанди. Үшандан бүён Лола ҳам йигитнинг күнглига қараб, гапни ҳадеб кавлаштиравермасди.

Улар чой ичиб бұлишгандан кейин кампир Гулжоннинг ич-ичига ботган күзларидан унинг йұлда қийналганини сезиб:

— Озроқ мизғиб олинг, қизим, қорақалпоқ деган юртни дунёнинг тұпкарисида деб эшитгандим, чарчагандирсиз, — деди.

— Ҳа, чарчадим, — деди Гулжон чуқур нафас олиб. У ҳақиқатан ҳам, бу нотаниш одамлар овули ҳамда ўзи тұгрисида яна бирон нарса сұраб қолишидан ҳадиксирайвериб, адойи тамом бұлған эди...

* * *

Үтган куни терговчи Назарни Рустамали билан юзлаштируди.

— Айбланувчи Тұрабоев, сиз мана бу кишини танийсизми?

— Танийман, исми Рустамали бұлса керак, Сирдарёда туради.

— Сиз-чи, айбланувчини биласизми?

— Биламан, мен ҳамма нарсаны шу кишидан олғанман, пулларниям ўз құлым билан шу одамга топширганман, — деди Рустамали киприк қоқмай.

— Қанчадан, неча марта?

— Неча марта экани аниқ әсимдә йүғ-у, аммо ҳаммаси бўлиб қирқ минг сүмни нақд санаб берганман, — деди Рустамали ва бошини қуи солди.

Бу гапдан Назарнинг энка-тинкаси чиқиб кетди ҳамда кишининг күзига тик қараб туриб ёлғон сұзлаш — одам бандасига хос хусусият әмас, деган болалик тасаввуриданам ўша заҳоти күнгли совиди. У аввалги сұроқ-жавобларда ҳамма ишни ўз бўйнига олиб, бош айборни яширганини айтмаса, ҳеч кимга туҳмат құлмаганди. Капитан Қўлдошев талай марта, «жиноятни яширган одам ҳам жиноятчи ҳисобланади, шунинг учун фақат ростинг-

ни айтавер», деганида ҳам, Фани ёки Рустамали тұғри-
сида чурқ әтмаганди. Энди эса, иши прокуратурага
оширилгандан бери, манави терговчи ҳеч шошилмай,
барча майда-чуйда гапларгача эътиборга олмоқда. У үз
ишини пухта биладиган, андак сипо, бунинг устига,
мулойим йигит экан.

— Сиз Рустамалидан қирқ минг сүм олганмисиз? —
сұради у хаёлга боттан Назарга зимдан күз қирини таш-
лаб.

— Қирқ минг сүм жуда катта пул-ку, шунча нарса-
ни бирөвга беришта бу акамнинг күзи қиярмикан? —
деди у энди тирноғининг кирини кавлашга тушган Руст-
амалига тик қараб.

— Мендан қанча пул олганингга құшниларим гу-
вох, — деди у яна пинагини бузмай.

Назар ўзининг туҳматга учраганини энди тушун-
ди, бироқ қылни қирқ бўлиб сотадиган бу савдогар
яна нима дейишини билиш учун, сир бой бермади.

— Айбланувчи Тўрабоев, сиз гувоҳларнинг күзи ол-
дида қирқ минг сүм олганингиздан тонасизми?

— Мен пул олганимда гувоҳлар йўқ эди, бундан
ташқари, қирқ минг сүмлиги ёлғон, — деди Назар
терговчига кўзларини қадаб.

— Энг сўнгги бор, мен уч мингни унинг уйида,
икковимиз юзма-юз ўтирганда берганман, — орага гап
кўшли Рустамали. — Хотини йўқ экан, ўзининг айти-
шига қараганда, туруруқхонада бўлса керак, ишқилиб,
ўша куни кўринмади...

Рустамалининг гапларини тинглар экан, Назар ўша
кунни эслади. «Ий-е, мен у куни Фани аканикидан
кайфим тароқ ҳолда чиқувдим-ку? Уйда ҳам ўзимдан
бошқа тирик жон йўқ эди», деди хаёлидан кечирди у.
Бу пайтда Рустамали Назарнига қачон боргани, уйи-
да қанақа жиҳозларни кўргани ва ҳоказолар ҳақида
ишонч билан сўзламоқда эди. Назар унинг гапларига
дикқат билан қулоқ сола бошлади.

— Ўша куни у ўлгудай маст эди, ҳатто менгаям
зўрлаб юз грамм ичирди, — тутилмай сўзларди Рустам-

али. — Кайфи ошиброқ қолган одам, «хотинимнинг кўзи ёриди, қувончимга шерик бўлмайсизми», деб туриб олгач, кўнглини чўктиргим келмади. Қайтаётганимда орқамдан: уч минг сўмингга лойиқ материални уч кундан кечиктирмай ўзим етказаман, деб қолди...

— Ёлғон, ёлғон! — дея қичқириб юборди Назар, сўнг овозини сал пасайтириб деди: — Лекин... ўша куни арақ ичганим рост, хотинимнинг кўзи ёргани ҳам рост, қолган ҳаммаси — ёлғон!!

— Қандай далилингиз бор? — сўради терговчи.

— Ёлғиз виждоним, — деди Назар асабийлашиб.

— Виждонингиз далил эмас, Назаржон, — деди терговчи мулойимлик билан, — гувоҳ ҳам керак... ахир, бу киши сўнгги уч мингни сизнинг соф виждонингиз учун бермаган-ку? Ҳозир гап сизнинг ўғирлаб сотган нарсаларингиз устида бормокда.

— Балки, бу ҳали, хотини ўша уч минг сўмни олиб, капитан Қўлдошевга пора сифатида берганини ҳам ёлғонга чиқарап? — орага гап қўшди Рустамали ва «менинг гапим ёлғон бўлса, бунисига нима дер экан?» дегандек ўтирган ўрнида бир қўзалиб қўйди.

— Сизга бу гапни ким айтди? — сўради терговчи Рустамалига тикилиб қараб.

— Ҳамманинг оғзида шу гап-ку...

— Ҳамма деганингиз ким?

Рустамали тилини тишлаб қолди. Жиноят текширилаётганда унинг ҳамма масалалари сир тутилиши лозимлигини у яхши биларди, лекин шу топда ўзининг ёмон хатога йўл қўйганини кеч тушунди.

Энди терговчи уни сўроққа тута бошлади:

— Сиз капитан Қўлдошевни қачондан бери танийсиз?

— Бирон марта кўрмаганман уни...

— Айбланувчи Тўрабоевнинг хотинини-чи?

— Униям умримда кўрмаганман...

— Мени-чи?

Рустамали бехосдан кулиб юборди. Сўнг:

— Мана, ярим соатдан бери сиз билан танишман, —
деди у кулишдан базур тұхтаб.

— Демак, капитан Құлдошевга берилған порани, —
деди терговчи қар бир сүзини салмоқлада, — фақат уч
киши биларди. Ҳатто, Назарнинг ўзиям бундан беха-
бар эди... Энди сизнинг чайқовчилигингизнинг усти-
га, хозирги ёлғон маълумотингиз ҳам құшилди. Бун-
дай жиноятнинг жазоси енгил бұлмайды. Сиз, то маса-
ла аниқланмагунча тураржойимни ўзгартирмайман, деб
тилхат ёзинг-да, кейин кетаверинг. Сизга рухсат, — деди
терговчи Рустамалига яна аввалгидек хотиржам қиёфа-
да.

Улар кабинетда яккана-якка қолишиганда терговчи
чукур хұрсинаш олиб, сұнг олдидаги қофозга аллани-
маларни ёзаркан, аста сүз бошлади:

— Назаржон, сизни бугундан эътиборан оғир жино-
ятнинг ташкилотчиси эмас, балки шу ишга мажбуран
тортилған иштирокчи сифатида күргим келади. Бироқ
бунинг битта «лекин»и бор, ўша «лекин»ни ўз оғзингиз-
дан эшитмагунимча, аввалғы тасаввурим ўзгариши қийин.
Ўша «лекин» тилингизнинг учиды турибди. Аввало, ке-
лишиб олишимиз керак: сиз ҳамма жиноятни бүйнин-
гизга олиб, қолған умрингизни шамолға совурасизми ёки
тилингизнинг учиды турған ўша гапни айтасизми?

Назарга бугунғы тергов давомида жуда күп янги-
ликлар аён бўлған эди. Энг муҳими, Фанининг ҳамма
айбни Назарга тұнкаб, бошини омон сақлаб қолганини
билиб олди. Бундан кейин терговда күрган-билғанла-
рини очиқ-ошкор айтишга қарор қылди-ю, аммо шу
топда, тили сира гапга айланмасди.

— Майли, аввал яхшилаб ўйлаб олинг, — деди тер-
говчи қофозга энгашған күйи. — Яна бир нарсаны айтиб
күй, сиз айтадиган гап баъзи фактларни тасдиқлаш
учунгина керак, қолған ҳамма маълумотлар ўзимизда
бор. Фақат бир киши, яъни сизга бевосита тегишли
Фани Расулов қизиқтиради бизни. Шу одам тұғрисида
билганингизни гапириб берсангиз?

— Мен Фани ака билан юзма-юз учрашсам бұлади-ми? — сұради Назар. У Фанининг номини шунча са-вол-жавоблардан кейин биринчи марта эшитмоқда ва тилга олмоқда әди.

— Үн кунча бұлды, Фани Расулов сизга құшни каме-рада ётибди, — деди терговчى Назарга синовчан нигоҳ ташлаб.

— Агар у киши билан мени бетма-бет учраштир-санғыз ва ҳозирғи эшитганларим рост бұлса, ҳамма гапни айтаман.

Терговчи стол тағидаги құнғироқ тұгмачасини бос-ди ва зум үтмай әшиқдан кириб келган соқчига:

— Фани Расуловни олиб кириңг, — деди буйруқ бер-ди.

Назар унинг сұзига ишонмагандай, әшик очилгун-ча бұсағадан күз узмай турді.

— Ассалому алайкум, оғайнилар, — деб ичкарига кириб келди Фани. У кела солиб, терговчи билан құш-құллаб күришди-да, Назарга шунчаки ияқ қоқиб қўй-ди.

— Ўтилинг, гражданин Расулов, — деди терговчи сиполик билан. У Фанининг саломига истар-истамас алик олган бұлди-да, тоза қофозга алланималарни қи-тирлатиб ёза бошлади. Орадан бир фурсат үтгач, ёзиш-дан тұхтаб:

— Сиз бу кишини танийсизми? — деб сұради.

— Танийман, — деди Фани шартта үрнидан туриб. Терговчи унга «ўтилинг», дегандай құли билан ишора қилди.

— Қачондан бери?

— Онда-сонда бизнинг участкамизга базадан қури-лиш материаллари таширди, бу йигитнинг судланиши етти ухлаб тушимга кирмаган. Қўй оғзидан чўп олмайди-ган, мўмин-қобил бола деб ўйлардим уни. Фақат бир марта ўз оғзидан, ўқишлиарим сал юришмайроқ турибди, деб эшитганман холос. У ҳақда бошқа ҳеч нима билмай-ман, — деди Фани ва Назарга күз остидан ўқрайиб қа-раб қўйди.

— Сизнинг капитан Кўлдошев билан қандай алоқангиз бор? Ростини айтинг, капитан ҳаммасини гапириб берди... — деди терговчи Фани билан Назарга галма-гал нигоҳ ташлаб.

Фани муштига йўталиб олиб, сўз бошлиди:

— Ҳар замонда маҳаллада халфана ошга чиқиб туришимизни айтмаганда, Кўлдошевни унча яхши билмайман. Айтганча, бир сафар овқат устида «сизнинг участкангизга тегишли қурилиш материалларини ўғирланяётган жойда кўлга туширдик», дегандек бўлувди. Шундаям, бу ишга анави йигитнинг алоқаси бор, деган фикр хаёлимга келмабди... Тағин ким билади, «одамнинг оласи ичидা», дегандай, ҳозиргиларга ишониб бўладими...

Назар Фанининг ҳар хил шайтонликларидан хабари бўлса-да, уни бугунгидек содда-муғамбир ҳолдагигини кўрмаган эди. «Ҳалиги ваъда бўйича, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, деб қўя қолса бўлмасмиди», деб хаёлидан ўтказди Назар.

— Сирдарёлик бир одам, айбланувчи Тўрабоевдан қирқ минг сўмлик мол олганини тасдиқлади. Ўша материаллар сизнинг объектингиздан ўғирланганидан хабардормисиз?

— Хабарим бўлганда, бу мишиқини ўз қўлим билан сизларга опкеб топширмасмидим? Лекин, баъзан шунаقا ҳодисалар ҳам бўп туради: масалан, беш-олтига объектимиз бор, мен эса биттасида ўтираман. Гоҳида у: «йўлланма билан накладнойга қўл қўйиб бера қолинг, кечқурун ўқийман, дарсга улгуролмаяпман», дегандан кейин, беш-олти марта туширган материалларни кўрмасдан имзо чекканим рост. Аммо, бу болага қаттиқ ишонардим. Балки ўғирлик моллар бошқа ердан олингандир, Тошкентда қурилаётган объектлар ёлғиз менинг участкам эмас-ку, ахир?..

— Хўп, яхши, — деди терговчи хотиржам оҳангда, — лекин қўлимизда Тўрабоевнинг икки йилдан бери фақат сизнинг участкангизда ишлагани тўгриси-

да хужжатлар бор, бунинг устига, уларда сизнинг имзингиз ҳам турибди.

— Мен ўзим қўл қўйган ҳамма хужжатларга ўзим жавоб бераман, бироқ обьектдаги материалларга қорувулик қилиш менинг зиммамда эмас-ку. Сизнинг қўлингизда бизнинг участкадан қандай материалнинг қаочон, қайси вақтда ўғирлангани тўғрисида ҳам хужжат бўлса керак? Демак, шунга қараб, ким қўлга тушган бўлса ўшани жазоланг-да...

— Кимга қандай жазо беришни суд ҳал қиласди, — деди терговчи, сўнг Назарга қараб давом этди: — Айбланувчи Тўрабоев, сиз Рустамалининг гапларини тұгри, деб ҳисоблайсизми?

— Аввало мен, Фани ақадан бир нарсани сўрасам майлими? — деди Назар терговчига ўгирилиб. У мийиғида кулиб:

— Аслида бу ерда саволни мен беришим керак, мабодо ишга дахлдор муҳим масала бўлса, марҳамат қилиб сўранг, — деди.

— Фани ака, келинингизнинг аҳволи қалай? Уйга эсон-омон етиб олдими?

Фани бу гапдан шу қадар довдираб қолдики, ҳатто, беихтиёр бармоқларини қарсиллатиб юборди. Қошлири чимирилиб, ўртасида жимжилоқ бемалол сифса бўладиган чукур ажин пайдо бўлди. «Бошқа нарсани сўрасанг, осмон узилиб ерга тушармиди, номард? Йигит десам, хотиндан ҳам баттар шаллақи экансанку!» — дея ичиди фифони фалакка чиқди.

— Назаржон, мен сизни унча яхши билмасам, қайси келин тўғрисида сўраяпсиз ўзи? Келин бўлиши учун, аввалимбор, одам уйланиши керак. Уйланганингиздан менинг хабарим йўқ-ку?..

— Ий-е, икковимиз уйингизда фарзандли бўлганимни ювиб, сўнг бирга туғуруқхонага борганимиз эсингиздан чиқдими?

— Кўй, чирофим, ёш бошинг билан бундай ёлғон гапирма! Сен менинг уйимни кўрганинг йўқ, мен ҳам

сени уйимга чақирмаганман... Ўртоқ терговчи, бу ерда савол айбдор одамдан сўралмайдими?

— Тўғри айтасиз, — деди терговчи иккаласига қарата, — мен сизларнинг ўзаро гапларингиз бўлса, фикрлашиб олар, деб ўйлаган эдим, кечирасиз.

— Менинг ўгри билан фикрлашадиган ҳеч қандай гапим йўқ. Шу билан бирга, бундан кейин, оддий бир меҳнаткашни ўрига юзлаштириб, камситмаслигинизни талаб қиласман! — дея қичқирди Фани юзига қон тепиб.

Назар масаланинг ҳал бўлганини сезди ва шу ернинг ўзида қадрдон акасининг юзига туфлаб, терговчига: «Хўп, ҳаммасига мен айборман, мени судлай қолинг», демоқчи ҳам бўлди-ю, лекин одамнинг юзига туфлагани учун суд қилмаслигини эслаб, ўша заҳоти фикридан қайтди.

— Ҳароми! — дея қичқирди у ниҳоят қони қайнаб.

— Бўлди! — хитоб қилди терговчи ва Назарнинг ва жоҳатидан аллақандай қаҳру ғазаб тошиб келаётганини пайқаб, дарҳол ўрнидан турди-да, соқчини чақирди.

— Олиб кетинг!

Соқчи кимни олиб кетарини билмай, сўради:

— Қайси бирини?

— Икковиниям... Тўхтанг, аввал айбдор Расуловни олиб чиқинг... Терговчи Назар билан яkkама-якка қолгач, секин юриб бориб, ўрнига чўқди.

Бироздан сўнг чўнтакларини титкилаб, икки дона сигарета олди-да, биттасини хотиржам тутатиб, иккинчисини Назарга узатди...

* * *

Тергов ниҳоясига етган шекилли, Лола Назар билан учрашишга рухсат олди. Назар уни-қуйруғи йўқ савол-жавоблар, айниқса, Рустамали ва Фани билан юзма-юз учрашгандан кейин терговчига ўзининг бошидан кечган воқеаларга қўшиб, қурилиш материалларини кимдан ва қачон олгани, қаерга олиб боргани ҳамда кимнинг ҳовлисига туширгани, қандай қилиб

бу жиноятга аралашганингача бирма-бир, хуллас, ҳаммасини бир бошидан гапириб берди. Бироқ, унинг бу дил изҳори ҳаётдан кўнгли совиб, руҳининг синганидан эмас, балки қалвидаги мавжуд ҳақиқатга интилиш туйғусининг қайта кўз очганидан далолат берарди. У гарчи Фанининг илиқ сўзларию кўрсатган меҳру шафоатига ишониб, қачон бўлмасин тўғри йўлдан адашишини ёки тубсиз чоҳ қаърига юзтубан кулашини соддадиллиги туфайли сезмаган бўлса-да, «ғамхўр» акасининг баъзи хатти-ҳаракатларидан онда-сонда гумонсираганини ҳисобга олмагандა, ҳаммани ўзи каби оққўнгил ва соғ виждонли, деб ўйлар эди. Ҳатто, бошқаларнинг виждони ўзиникидан ўн чандон софроқ ва тозароқ деб фаҳмлар, одамлар олдида эса, ўз соддалигидан уяларди. Охирги тушунтириш хатидан кейин, нечоғлик ҳаққоният билан ёзмасин, терговчи унинг дастлаб нотўғри маълумот бергани учун жазога тортилажагини очиқ-ойдин айтди. Назар эса, афтидан, ҳар кандай жазога тайёр эди. Севимли Лоласи ва тўнгич фарзанди билан дийдор кўришиш иштиёқи йигит қалбидаги барча мусаффо ҳисларни уйғотиб юборган эди.

У бугун Лола билан учрашишини эшитганда юраги бир ҳаприқиб, боши осмонга етди, шу билан бирга, бу аҳволда хотини ва фарзандига кўринишдан уялди. Кети йўқ ҳаёллар шамолдай гувиллаб, йигитнинг бошини айлантирмоқда эди. Оҳ, бу висол дамларининг имиллаганини! Нима бўлса ҳам, у бугунги учрашувни сабрсизлик билан кутмоқда эди...

Зориқиб кутилган учрашув Назарга қувонч келтирмади: Лоланинг ёнида... у аввал ўз кўзларига ҳам ишонмади, аллақандай таниш қиёфа?! Ие, Гулжон-ку, бу!

Улар маҳсус хонада узунасига қўйилган столдан юзма-юз бўлиб жой олишди. Соқчи соатига қараб, «вақтингиз беш минут, бирон нарса бериш ман этилади», деди-да, уларни холи қолдириб, хонадан чиқиб кетди. Орага сув қўйгандек жимлик чўкди. Сўнг, биринчи бўлиб Назар сўз қотди:

— Аҳволларинг қалай? — деб сўради у бошини қуи солиб.

— Ўзинг яхшимисан? Озиб кетибсан-ку? — деб кўзиға ёш олди Лола.

— Овулда нима гаплар?.. Қачон келдинг? — сўради Назар Гулжондан кўзини олиб қочиб.

— Беш-олти кун бўп қолди, овул тинч, ўзинг кўргандай, ҳамма ўйнаб-кулиб юрибди, — деди Гулжон худди узоқдан хат ёзаётгандек, ҳар бир сўзини салмоқлаб.

— Сени анча ташвишга қўйдим, — деди Назар кўзини ерга қадаб. Бу гап кимга айтилгани номаълум эди. Гулжон индамади, Лоланинг эса, шу пайт юраги тўлиб турарди.

— Сенчалик ташвиш чекканимиз йўқ, — деди Лола. — Сени кўриш умидида ҳар қуни шу ерга зир қатнаб турдик, қўлимииздан бошқа ҳеч нима келмади. Фани деган бир танишинг мени туғуруқҳонадан опчиқди. Уйда қолдирган пулларингни бирорвга... кейин билсам, бу одамнинг нияти бузуқ экан!.. Сўнг келиб, шу ердаги бир одамга ҳамма гапни айтиб, тушунтириш хати ёзиб бердим. Фани оғанг уйга охирги марта келганида опам икковимизга уч-тўрт ой Чимкентга бориб туринглар, деб пул берди. Мен кўнмадим, пулинням олмадим, фарзандини отасига кўрсатмай ҳеч қаёққа кетмайман, деб опамнинг қистаганигаям унамай турганимда, овулингдан мана бу синглинг келиб, жонимга оро кирди...

Эшик қаттиқ қоқилиб, Лоланинг гапи оғзида қолди. Беш минутлик муддат тугаган эди.

— Сен нега келдинг? — деб шоша-пиша сўради Назар Гулжондан.

— Ўқишга... Агар киролмасам ишлайман, хуллас, шу ерда қолмоқчиман. — Ҳозир Назар кўриб турган қиз, илгариги уятчан ва иболи Гулжон эмасди. У таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган, лекин нимаси ўзгарганини Назар аниқ билмасди. Бўй-басти-ку, ҳамишагидек, балки, фақат овози ўзгаргандир? Сўзларидағи

қатъият ва салмоқ қаердан пайдо бўлди экан? Ҳар қалай, у ёшлиқдан кўзи ўрганган Гулжонга мутлақо ўхшамасди.

— Уйга, опангта хабар юборайликми? — деб сўради Гулжон хайрлашаётуб.

— Хабар бериб нима қиласан, уйи бошқа, дарди бошқа бўлса...

— Яхши, Назар, яна эсон-омон кўришгунимизча... Қизинг билан синглингдан кўнглинг тинч бўлсин, бошига офтоб тегизмай кутаман, илоё тезроқ... — Лоланинг кўзларига ёш қуиилиб, бўғзига алланима қадалгандек ҳиқиллаб, гапининг охирини айтотмай хонадан чиқиб кетди...

Сурункасига икки кун давом этган суд мажлисида йигирмадан ортиқ гувоҳ қатнашди. Содир бўлган жиноятнинг ипидан игнасигача аниқланди. Назар охирги мажлиисда гувоҳлар орасида ўтирган Султонга қўзи тушиб, шошиб қолди: у қаердан билди экан? Ўтиравериб силласи қуриган одамлар мажлис тугашини сабрсизлик билан кутаётган бўлса-да, суд ҳайъати ҳукм чиқаришга шошилмасди. Суд раиси залга қараб:

— Қани, яна ким гапирмоқчи? — дейиши билан Султон қўл кўтарди.

— Сиз кимсиз?

— Мен Назар билан манави... ҳаҳ, отинг қурғур... илоё ёдимга қайта тушмагур...

— Қисқароқ қилинг!

— Мен Устюртда бургиловчилар бригадаси мастериман. Бу ерга Назар туфайли келганман. У ёмон йигит эмас, уни анави ёнида ўтирганлар йўлдан урган... Бир сафар, мен анавинисидан икки яшик бўёқ сотиб олиб, қайнотамникуга оборганман, гапим ёлғон бўлса Назар айтсин... Ўша вақтдаёқ, манави... отинг ўчтур, Фани менга ёқмаган эди. Хуллас, улар Назарнинг содалиги, бодалиги ва одамларга ишонувчанлигидан фойдаланиб, болани жиноий ишга тортган, ўқишини давом эттиришга халақит...

— Ҳурматли ўртоқ... гапингиз тугадими? Ахир, ким үзини томдан ташлайди? Назарни ҳеч ким зўрламаган бўлса, ҳамма жиноятни у ўз калласи, ўз қўли билан қилган, устига-устак, давлат машинасидан ўз манфаати учун фойдаланган... Бошқа гапингиз йўқми?

— Мен Назарга талай марта Устюрга кетайлик, дегандим... Ростини айтсам, менинг бригадамда одам етишмаяпти. Назар үзининг хулқ-ахлоқи, меҳнаткашлиги, қандай бўлмасин, берилган топшириқни бажаришга интилиши, яъни бафрикенглиги билан менга маъқул бўлганди. Энг муҳими, у яхши одам. Үзингиз кўриб турибсиз, ҳар қандай яхши одам ҳам ёмон аҳволга тушса, мана бунаقا...

— Бас қилинг! — деди судья столга бир мушт тушириб, — судланувчи Тўрабоевнинг қанотсиз фаришта эканини сиздан бошқалар ҳам айтишди...

Хукм ўқилганда залдагилар орасидан фақат Бонунинг қаттиқ йифи товуши эшитилди. Рустамалининг хотини бўламан, деб гувоҳлик берган аёл: «Кетмаса, ундан нарига ўтиб кетсин», деб тўнғиллаб қўя қолди. Султон эса залнинг ўртасида туриб, Лола билан Гулжоннинг елкасидан силаб юпатар ва ўзича ҳадеб жилмаярди...

ИИГИРМАНЧИ БОБ

Гулжон тўқимачилик комбинатига ишга жойлашиб, ётоқхонага кўчиб ўтди. Назар судлангунча у қарийб кунора Лоланинг уйидан хабар олиб турарди. Келиб уй ишларига ёрдамлашар, хонаю ошхоналарни супуриб-сицирар, чақалоқни юпатишда кампирга қарашарди. У суд хукм чиқарган куннинг эртасига яна келган эди, ичкаридаги шовқинни эшитиб, эшикни очарини ҳам, очмасини ҳам билмай, бир зум иккиланиб қолди.

Лоланинг овози:

— Ойи, энди менга нима қил дейсиз? Одам зотида қалб, муҳаббат деган нарса бўлиши керак эмасми?

Кампирнинг овози:

— Сен менга, отангдан ўрганган ваъзингни ўқима! У тунов кунги хатида яна, «мен бир-бирини сўйишиб турмуш қурган ёшларнинг оиласига аралашмайман, улар ўз хоҳиш-истаги бўйича яшashi керак. Вақтинча бўладиган қийинчиликлар олдида чидам билан бардош берган кишиларнинг муҳаббатигина тўзим билмайди», деб ёзибди, мияси айниган чол! Айланай, агар мундай олиб қарасанг, юрак дегани — ярим кило гўшт! Уям танангда типирчилаб турибди... Энди, сен қаёқдаги бир дайдининг дуои-жонини қилиб, юрагим, талофим, деб уч йилгача кутиб ўтиromoқчимисан?

— Кутганда нима қиласи? Отам ҳарбийга кетганда, уч йил эмас, олти йил бинойидек йўлига кўз тикиб ўтирганман, деган ўзингиз эмасми?

— У замонлар бошқа эди, овулда эркак зоти қолмаган бўлса, кутмай очиқ лаҳадга борармидим? Ҳозир, яратганга шукр, эл-юртда фаровончилик, ҳамманинг усти бут, қорни тўқ, бехосдан кесак отсанг, бориб эркакка тегади... У қайтиб келган тақдирдаям куппа-кундузи қароқчилик қилган одам билан бир ёстиққа бошкўйишга уялмайсанми, ергина юткур!

— Опа, ўзим шундоғам сиқилиб турганимда, юрагимни мунча ўртамасангиз, қўйсангиз-чи, дардимга дард қўшманг... Ахир, мен ҳам одамман-ку, мен ҳам худди ўзингизга ўхшаган онаман-ку?.. — Лоланинг пиқиллаб йиғлаган товуши эшитилди.

— Йиғламасанг, кўзинг оқиб тушсин, мен барibir сени ўғри билан қўшиб қўёлмайман. Ойдай қизимнинг ўғри-каззоб тухумини кўпайтириб яшаганини кўргандан кўра, дорга осилиб ўлганим афзал...

Гулжон изига фирра қайтди-да, зинадан пастга тушаётиб, «майли, юрагини бўшатиб олсин, кейин бемалол келарман», деган ўйда ётоқхонага қайтиб кетди...

Суд ҳайъати Назарнинг давлатга келтирган заарипи ҳисобга олиб, узокроқ бир жойда қисқа муддатли мажбурий хизматни ўташга хукм чиқарган эди. Одам гоҳида ўз ҳаётининг баланд-пастини олдиндан кўра олмас экан, ҳатто, умр сўқмоқларининг эгри-бугри, қингир-қийшиқлигини юриб бораётиб ҳам пайқамай қоларкан.

Оиласи билан хайрлашиш учун Назарни қисқа муддатга бўшатиб юбориши. У каттакон темир дарвозадан чиқаётиб, Султонга яна дуч келишини сира кутмаган эди.

— Ҳей, хомкалла-ей, энди оёғингни ўйилмайдиган жойга билиб босарсан? Роза танобингни тортишдими? Қани, туш олдимга! — Султон шундай деди-ю, уни қучоқлай кетди.

Назар ўз отасини кўргандай кўнгли бўшаб, Султоннинг миқти елкасига осилиб олди-да, кўкрагига бошини қўйган кўйи ҳўнграб юборди, ҳатто йигит кишига ярашмайдиган қилиқ билан «оға»лаб бўзлади. Султон то у ўпкасини босиб олгунча кутиб турди, сўнг елкасига аста қоқиб:

— Мен сени мард йигит деб юрсам, йифлоқи экансан-ку? Нима қилганинг бу, қўй, эл-юрт олдида уят бўлади-я. Сени ўзим тарбиялайман энди. Муддатини ўтагунча ёнимдан бир қадам ҳам жилдирмайман, деб кафиллик бердим. Ўзиям, Тошкентда мен кирмаган эшик, ялинмаган одам қолмади. Сен бўлсанг, йифлаб ўтирибсан...

Назар уч ой тўшакда михланиб ётган хастадай оёқлари қалтираб, зўрга қадам босарди. Йўлни кесиб ўтиб, сал наридаги майдончада уларни кутиб турган таксига етгунча тинкаси қуриб, адойи тамом бўлаёзди.

— Ҳайданг, кетдик, «Фалаба» боғига... Аввал биринки бокал пиво ичволайлик, — деди Султон ҳайдовчининг елкасига қоқиб. — Балки, сен пивонинг таъминиям унутгандирсан? Айтганча, оч қоринга пиво кетмайди. Тўқмисан?

— Оч қўйишмайди-ку... — деди Назар юзини четга буриб.

— Албатта, оч қўйишга қўйишмайдику-я, лекин шу ёшгача, унақа жойда «Зарафшон» ресторанининг ошпазлари шашлик қилиб беради, деб эшиитмаганман.

Назар беихтиёр кулиб юборди, бу унинг уч ой бадалида биринчи марта кулиши эди. Ҳазил-ҳузул гаплардан сал кўнгли кўтарилигач, у Султонга бошдан-оёқ разм сола бошлади. «Бу қандай одам ўзи? — хаёлидан ўтказди у. — Мени илгаридан танимаса ёки бирон-бир қариндошлик жойи ҳам бўлмаса, шунчаки йўлда учраган бегона... Ёки, бизни кўпдан бери кузатиб юрган айғоқчимикин? Бундай дейишга одамнинг тили бормайди, очиқ-чочиқ киши. Устига-устак, дунёда унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ...» Назар таваккал қилиб, хаёлига ҳозир келган гапни сўради:

— Султон ака, мен бир нарсага ҳайронман. Сиз ўқишимга ёрдам бермоқчи бўлдингиз, бошимга иш тушганда олдимдан чикдингиз, ҳозиргина яна кафилликка олдим, дедингиз. Сизда аллақандай каромат борга ўхшайди-ёв.

— Менда каромат нима қилсин, мен ҳам худди сенга ўхшаган оддий одамман, ишга бораман, овқат ейман, дам оламан, бола эркалатаман, бўлганим шу. Ҳамма каромату сир-синоат манавинда... — Султон кўкрак чұнтаgidan нимқизил муқовали гувоҳномасини чиқарди. — Ma, ўқи, агар энди қароқчиликни қўйган бўлсанг, қайтариб берарсан.

Унинг муқовадаги: «Ўзбекистон ССР Олий Совети», деган зарҳал ҳарфлар битилган ёзувга кўзи тушди.

— Депутат экансиз-ку?

— Шундай, иним, яқинда яна қайта сайлашмоқчи. Бунинг хурмат-эътибори зўр бўлгани билан, вазифаси оғир экан. Анчагача маънисини билмай юрдим. Бир куни Устюртнинг гарбий районларидан бирида ишлаётгандик, шунда аллақандай одам уч юзтacha қўйини

бизнинг участкага бостириб ҳайдаб келиб: «Хў-үй, орангизда Султон деган одам борма?» деб қичқирса бўладими. Югуриб олдига чиқдим. Кўйлари вагонларни оралаб, ёйилиб кетган. Чўпон эса, узоқдан таёғини ўқтаблиб келмоқда эди.

— Ҳей бола, — деди у менга яқинлашаркан, — шудаштдаям ҳукумат борма ё йўқма?

— Бор-ку, оқсоқол, тинчликми ўзи? — деб сўрадим шошганимдан нима дейишни билмай.

— Ўша ҳукумат сенмисан?

— Йўғ-е, оқсоқол, ўзларингиздан зўрроқ ҳукумат борми?

— Сени шу ернинг халқи сайлаб қўйган амалдор, деб эшитдим. Агар шу гап рост бўлса, манави таёқ билан ҳозирнинг ўзида бошингни ёраман!

— Ий-е, мен нима гуноҳ қилдим? — дедим кекса чўпоннинг важоҳатидан аъзойи баданим қалтираб.

— Мен ўттиз олти йилдан бери давлатнинг қўйини боқаман, анави Ўсарбойнинг қўлига таёқ ушлаганига ҳали уч йилам бўлгани йўқ. Тунов куни, районда мосшин тақсимлагандаги, нега менинг ҳақимни унга бердинг?

— Ахир, тушунсангиз-чи, мен машина-пашина тақсимлаганим йўқ-ку?

— Мени аҳмоқ қилиб бўпсан, етти қават ер остида илон қимиirlаса биламан. Ҳаммангнинг тилинг бир. Ўсарбой директорнинг оғайниси бўлгани учун унга мосшин бергансан. Ма, ол! Энди қўй ҳам, таёқ ҳам сеники, қандай боқсанг шундай боқ. Қартайганда кўрган кенжатойим эл қатори мосшин миниб, изимдан хабар олиб турар, деб ўйловдим, энди ҳеч нима нинг кераги йўқ.

Чўпонга нима дейишни билмай бошим қотиб турганда, хайриятки, баҳтимга йигитлардан хабар олишга келган экспедициямизнинг партия ташкилоти котиби жонимга оро кирди. У вазиятни суриштирғач, менга:

— Оқсоқолнинг гапида жон бор, улар депутатликка сайлашдими, демак, сен ёрдам беришинг керак, — деди.

— Менинг қўлимдан нима ҳам келарди?

— Қани, юр-чи, мен нима десам, сен рациядан шуни такрорлаб турасан, — деди у.

Сўнг чолни тинчлантириб, бизни ичкарига бошлиди. Котиб жуда уддабурон одам экан, у рация орқали тўппа-тўғри вазирлик билан болганди-да, гўшакни менга берди. Мен котибнинг айтганларини такрорлаб турдим. Бу ишнинг натижаси ҳайрон қоларли эди: вазирликдан уч кун ичида чолга «УАЗик» берадиган бўлишди. Бечора чўпон қайта-қайта раҳмат айтиб кетган эди, беш кундан кейин иккита қўй етаклаб келди.

— Уйга опкетай десам, барибир боролмайсизлар, ўтовим бу ердан саксон чақиримча келади. Манави, бизнинг уйдан тотган туз-намак бўлсин, сўйиб енглар. Кенжатойим кеча яп-янги мошин миниб келди, — деди чол қувонганидан терисига сифмай.

Ана шундай, халқнинг, халқ ишонган одамнинг сўзи — агар у ҳақиқатга қаратилган бўлса, ҳар қандай вазиятда ва ҳар гал инобатга олинишини билганман, иним. Ҳали борайлик, азamat йигит, сениям ўша котиб билан таништираман.

Султон гапини тамом қилишини кутгандек, такси боғ рўпарасида «ғийқ» этиб тўхтади.

... Улар тамадди қилиб бўлишгач, Назар уйга юринг, деб шунча қистамасин, Султон унамади.

— Бир кун бўлсаям, сен келин билан фарзандингни кўриб, меҳрингни қондириб ол, — деди у Назарни қучоқлаб хайрлашаркан. — Ўзим аzonда келиб опкетаман, ухлаб қолма тагин, самолётдан кечикамиз.

* * *

Лола онаси билан жанжаллашавериб, роса ҳолдан тойган эди. Лекин у ён бермади, «кўрган-билганим Назар, энди бизни тобутдан бошқа ҳеч нарса ажратолмайди», деб қаттиқ туриб олди. Кампир ҳам, бари-

бир сўзи синишини сездими, охири, «майли, қароғим, ўзинг биласан, лекин қариган чоғимда сендан бўлак оғзимга сув томизадиган фарзандим йўқ», деди-ю, қўйди. Лолага айниқса, онасининг сўнгги гапи қаттиқ таъсир қилганди. Ростини айтганда, унинг қариб-чириган ота-онасини ташлаб, узоқча кетиш нияти йўқ эди, фақат улар Назарни кутишга халақит бермаса бўлди. Икки марта кўрпа-тўщагини янгилаб, икковидан ҳам хузур-ҳаловат топмаган аёлни ниятидан қайтариш осон эмасди. Одатда, бошига шундай кўргилик тушган аёлларнинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади ўзи.

Эшикнинг оҳиста очилиб, даҳлизда Назарнинг пайдо бўлиши ошхонадан чиқиб келаётган Лолага яшин теккандан баттар таъсир қилди. У бироз хушини йўқотиб турди-ю, сўнг гойибдан келган куч билан бир сакраб, ўзини эрининг бағрига отди. Сал нарида ёқасига туфлаб, анграйиб қараб турган онасидан ҳам тортинмай-нетмай, Назарнинг қучофида тўлғаниб, бўйнига осилган кўйи ҳўнграб йиғлайверди... Назарга, гарчи Лоланинг пахтадай момиқ сийнаси хуш ёқаётган бўлсада, шарму ҳаё дегандек, қайнонасидан уялди, хотинини бағрига босиб ўпмади. У Лоланинг елкасидан ушлаб, ўзидан нари итараркан:

— Тўхтасанг-чи, Лола, онам билан ҳам саломлашай, ахир, — деб юзини юзига суйкаб йиғлаётган хотининг қучофидан сиргалиб чиқиб, кампирнинг қўли-ни олди. Кампир истар-истамас саломлашди-да, тумтайганча хонага кириб кетди. Лола яна ўзини Назарнинг қучоfigа отди...

Унга бешикдан қизини олиб беришганда юраги ҳаприқиб, вужудини гаройиб бир туйғу қамраб олди. Бу — муқаддас оталик туйғуси эди. Қўғирчоқдеккина қизалоғининг типирчилаётган оёқчаларини меҳри товланиб узоқ сийпалади, аллақандай тотли ҳис беихтиёр аъзори баданига қаймоқдай қуйилди. Ота бўлишдек муқаддас баҳтдан илк бор роҳатлананаётган кишига тўнғич зурриётининг беозор кулгиси, ҳар бир хатти-ҳаракати гаройиб туюлади. Жамила ҳам, аввал отасига бир оз ётсира-

гандек тикилиб турди-ю, лекин Назарнинг қилиқлари-ни кўриб, қиқирлаб кулиб юборди. Бола кулса, ота-она шод бўлади, уйга ажиди бир тароват инади; лекин шу топда, қизалогининг қиқирлаши Назарнинг вужуд-вужудини сирқиратиб юборди, у маъсуманинг олдида ўзини алланечук айбдор сезаётган эди.

Кампир ошхонада ётди. Эр-хотин тонг отгунча мижжа қоқишимади.

— Султон оға мени кафилликка олиб, уч йил Устюртда ишлашимга рухсат сўрабди, аzonда учамиз... — деди Назар Лоланинг қулогига шивирлаб: — Борганимдан кейин хат ёзаман, балки сен билан Устюртда учрашармиз?

— Мен-ку, боролмайман, Назар, — деди Лола, унинг юзидан «чўлп» этиб ўпиб, — шундоғам ота-онамнинг гапига кирмай, Тошкентда қоляпман, фақат сен учун, жоним...

— Менга турмушга чиққанингта ота-онанг қаршими?

— Қаршиликка қарши эмаску-я, бироқ икковимизнинг баҳти оила қуришимизга уларнинг кўзи етмайди.

Назар бу гапга чурқ этмади.

— Хўш, ўзинг-чи, ўзингнинг кўзинг етадими? — сўради Лола Назарнинг ўсган соқолларини оҳиста силаркан, тўшакда белини атай билтанглатиб. — Қаерда юрсанг ҳам, тирик бўлсанг бўлди, мен учун энг катта баҳт шу!

— Келажакда нима бўлишини билганимизда эди, ёмон йўлга асло қадам қўймасдик, — деди Назар Лолани қучоғидан ажратиб. — Балки турмушимиз изига тушиб кетар. Ким билади, агар менинг аҳволим шу бўлса, баҳт тўғрисида сўз очишнинг ўзи катта гуноҳ.

— Нега, ора-чорада учрашиб туришимизга рухсат берилмайдими?

— У ёғини билмадим... ҳар қалай, бир жойда кўзингдан осилиб ётгандан кўра, ишлаганим минг марта афзал эди. Уч ой бадалида бутун умримга етадиган сабоқ олдим, одамларга саховат кўрсатиш, ишонишнинг ҳам чек-чегараси бўлиши кераклигини, хуллас, кўп нарсаларни тушуниб етдим.

— Устюртда қизлар күпдир?
— Нега, қизганяпсанми?
— Бўлмаса, қизганмайинми, қизлар кўп жойда ишлама, ундан кўра, мен учун қамоқда ётганинг тинчроқ...
Назар Лоланинг ярим ҳазил, ярим чин сўзига мийифида кулиб:

— Султон аканинг айтиши бўйича, бригада шифил эркаклардан иборатта ўхшайди. Ахир, аёллар саҳро азобига чидармиди...

— Сизлар чидаган жойда биз ҳам бардош берамиз, қайтага, эркаклар эртанги кунни ўйламай, «қорин тўқ, қайгу йўқ», деб юраверишади...

— Лола, мени ростдан севасанми?

— Жонимдан ҳам ортиқ...

— Унда ишга жойлашиб олганимдан кейин Султон акага айтиб, Қўнғиротдан ижарага уй суриштираман, ортимдан кўчиб борасан.

Лола Назардан бундай чўрткесар гапни кутмаганди, беихтиёр онасини кўз олдига келтириди. «Агар бизни ўз ҳолимизга ташлаб кетсанг, деб ер муштлаб қарганган эди кампир, у дунёю бу дунё берган оқ сутимга рози эмасман. Ишқилиб, ўша саёқнинг ортидан эргашиб кетмасанг гўрга эди...»

— Мен у ёқقا боролмайман, Назар, — деди Лола, — ота-онамдан узоққа кетишим қийин. Сен келишнинг иложини тополмасанг, ўзим уч-тўрт ойда бориб тураман. Тошкентга ўрганиб қолганман.

— Бу ишинг яхшику-я, лекин уч йил жуда узоқ муддат, — деди Назар чукур уф тортиб.

— Уч йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади, мен кутаман, суратингни тепамга осиб кўяман, жоним, — деб Лола уни эҳтирос билан қучоfigа тортди.

Назар беихтиёр Гулжонни эслади...

— Айтганча, Гулжон қаерда?

— Тўқимачилик комбинатига ишга кирди, ишчи-қизлар ётоқхонасига жойлашди. Энди ишдан ажралмаган ҳолда ўқимоқчи. Кеча келиши керак эди, бирон иши чиқиб қолдими, негадир келмади.

— Менинг Устюрга кетганимни унга айтмай қўя-
қол, овулга етказмасин тагин... Ўзинг юриш-туриши-
дан қўз-кулоқ бўлиб тур.

Уларнинг шивир-шивир суҳбатини соатнинг жи-
ринглаши бўлиб юборди...

Ташқаридан машинанинг устма-уст дудудлагани эши-
тилди. Лекин улар, бешикдаги чақалоқ уйғониб, бифил-
лаб йифлайвергачгина зўрга ўринларидан туришди. Назар
юз-қўлини ювиб улгурган ҳам эдики, эшик тақиллади.

— Бўла қол, кетдик! — деди Султон ичкарига кириб.

— Кетдик! — қувонч билан хитоб қилди Назар.

— Мен қизалоқни кўриб чиқай, — деди Султон
Лолага.— Қани, келин, қизингиз билан нон-тузин-
гизни опчиқинг, вақтимиз зиқ.

У нонга оғиз теккизган бўлди-да, Жамиланинг оғзига
бир-икки туфлаб, шоша-пиша ташқарига чиқиб кетди.

— Сен ҳам кўриб кет, — деди Лола қизини кийи-
ниб, йўлга шай бўлиб турган Назарнинг қўлига тутқа-
заркан.

— Лола, — деди Назар бироздан сўнг тилга кириб, —
чўнтағимда ҳемирим йўқ, пулинг борми?

— Жамиланинг нафақасини сақлаб қўйганман,
ҳозир опчиқаман, — Лола шундай деб, ичкарига ки-
риб кетди. — Мана, икки юз қирқ сўм, олавер, йўлда
керак бўлади.

Назар пулдан юз сўм санаб олиб, қолганини қай-
тариб берди:

— Ойлик олсам, албатта юбораман... — деди у то-
моғига алланима тиқилгандай, овози бўгилиб.

— Омон бўл, хат ёз! — деди Лола эрини машинага
кузатаётуб.

— Келин, биз кетдик, омон бўлинг! — деди Сул-
тон жилмайиб кабинанинг эшигини ёпаркан.

Лола, рўмоли шаҳарнинг тонгти шабадасида ҳилпи-
раганча, машинанинг ортидан узоқ тикилиб қолди...

Тамом.

Хўжайли — Нукус — Тошкент, 1981—1984 йиллар.

МУНДАРИЖА

Абдулла Орипов. Сабот ва матонат соҳиби.....	3
Чангальзор «пайғамбари»нинг ҳалокати.....	/
Бўсаға.....	137

Адабий-бадиий нашр
ЎРОЗБОЙ АБДУРАҲМОНОВ

**ЧАНГАЛЗОР «ПАЙҒАМБАРИ»НИНГ
ҲАЛОКАТИ**

Эссе

Муҳаррир *Ф. Норматов*
Рассом *Ш. Адилов*

Бадиий муҳаррир *К. Закирова*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусахҳидлар: *Н. Абдураҳмонова, С. Салоҳутдинова*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АI №158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 18.04.2012. Офсет қофози. Бичими
 $84 \times 108^{1/32}$. «Times» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 19,74.

Нашр табоғи 18,57. Адади 5000 нусха. Буюргма №12-81

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

ЎРОЗБОЙ
АБДУРАҲМОНОВ

ЧАНГАЛЗОР
«ПАЙГАМБАРИ»НИНГ
ҲАЛОКАТИ

КИТОБ ОЛАМИ



Чангалзор «Пайгамбари»нинг халокати
9789943018044
Цена 9 000

сум

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-804-4



9 789943 018044